Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг 30 йиллигига бағишланади!

Ш. МУСТАФАКУЛОВ

# ИНВЕСТИЦИОН

## ЖОЗИБАДОРЛИКНИНГ НАЗАРИЙ, МЕТОДОЛОГИК ВА АМАЛИЙ ТАЛҚИНИ

МОНОГРАФИЯ

*Иккинчи тўлдирилган нашр*

***Ҳурматли китобхон!***

*Қадрдон инсонларга китоб улашиш кишига ўзгача завқ бахш этади. Зеро, адабиёт, китоб башариятни маърифат ва камолотга етакловчи ўчмас машъаладир.*

*Буюк мутафаккир ва шоир Алишер Навоий айтганларидек: «Китоб – беминнат устоз, билим ва маънавий юксалишга эришишнинг энг асосий манбаи».*

*Сизга ушбу китобни совға қилаётганимиздан беҳад мамнунмиз. Ватанимиз тараққиёти ва фаровонлиги, ёш авлодни баркамол қилиб тарбиялашдек эзгу ва сермазмун фаолиятингизда Сизга улкан зафарлар тилаймиз.*

**Муаллиф: *Ш.Мустафакулов***

ҚЎҚОН УНИВЕРСИТЕТИ

***Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг 30 йиллигига бағишланади!***

Ш.И. МУСТАФАКУЛОВ

# ИНВЕСТИЦИОН ЖОЗИБАДОРЛИКНИНГ НАЗАРИЙ, МЕТОДОЛОГИК ВА АМАЛИЙ ТАЛҚИНИ

***Монография***

*Иккинчи тўлдирилган нашр*

ТОШКЕНТ – «МАЪНАВИЯТ» – 2021

УЎК: 330.322:167
КБК: 65.9
М 90

**Мустафакулов Ш.И.**

Инвестицион жозибадорликнинг назарий, методологик ва амалий талқини [Матн] / Ш.И. Мустафакулов – Т.: «Маънавият», 2021, 352 б.

ISBN 978-9943-04-416-6

**Масъул муҳаррир:**

*Адхам Бекмуродов – Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси ректори, иқтисодиёт фанлари доктори, профессор;*

**Тақризчилар:**

*Саидахрор Ғуломов – Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси академиги, иқтисодиёт фанлари доктори, профессор;*

*Бахтиёр Салимов – Тошкент давлат иқтисодиёт университети «Тармоқлар иқтисодиёти» кафедраси профессори, иқтисодиёт фанлари доктори.*

Мазкур монографияда инвестицион муҳит жозибадорлигининг илмий-назарий жиҳатлари, мамлакат ҳудудларининг ижтимоий-иқтисодий салоҳияти ва ривожланишини таъминлаш бўйича устувор йўналишлари, инвестицион жозибадорликни баҳолаш методологиясининг мазмун-моҳияти илмий-услубий асосда очиб берилган.

Шунингдек, инвестицион муҳит фаоллигини оширишга қаратилган илғор хорижий тажрибалар ва улардан Ўзбекистон шароитида фойдаланиш истиқболлари статистик кўрсаткичлар таҳлили орқали талқин этилган.

Монографияда кўтарилган масалалар, олиб борилган таҳлил натижалари ва чиқарилган хулосалардан илмий изланувчилар, олий таълим муассасаларининг магистратура босқичи талабалари ва шу соҳага қизиқувчи амалиётчи-мутахассислар кенг фойдаланишлари мумкин.

***Монография Қўқон университети кенгашининг 2021 йил 6 майдаги 10-сон қарорига мувофиқ нашрга тавсия этилган.***

ISBN 978-9943-04-416-6
© «Маънавият», 2021

# МУНДАРИЖА

МУҚАДДИМА ........................................................................................................ 6

**1-БОБ.**
**ИНВЕСТИЦИОН ЖОЗИБАДОРЛИКНИНГ ИЛМИЙ-НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ**

1.1. Инвестицион жозибадорлик: моҳияти, таркиби ва баҳолаш мезонлари ..........................................................................................11

1.2. Инвестицион жозибадорликни аниқлашнинг услубий жиҳатлари ............ 25

1.3. Инвестицион муҳит жозибадорлиги изоҳида инвестицион салоҳият ва инвестицион сиғим категориялари талқини ........................... 53

1.4. Инвестицион муҳит жозибадорлигини шакллантиришда кластерли ёндашув ........................................................................................... 66

***Биринчи боб бўйича хулоса*** ................................................................................. 78

**2-БОБ.**
**МАМЛАКАТ ҲУДУДЛАРИНИНГ ИЖТИМОИЙ-ИҚТИСОДИЙ САЛОҲИЯТИ: ИЛМИЙ-УСЛУБИЙ ЁНДАШУВЛАР ТАҲЛИЛИ**

2.1. Мамлакат ҳудудларининг ижтимоий-иқтисодий салоҳияти: илмий қарашлар ва талқинлар ................................................................... 82

2.2. Инновацион салоҳият, уни аниқлашнинг услубий масалалари ................ 93

2.3. Ҳудудларнинг комплекс ривожланишини таъминлашда меҳнат салоҳиятини ҳисобга олиш масалалари.................................................. 104

2.4. Миллий бойлик: асосий капиталга йўналтирилган инвестициялар кўлами таҳлили.........................................................................................112

***Иккинчи боб бўйича хулоса***...............................................................................123

**3-БОБ.**
**ИНВЕСТИЦИОН МУҲИТНИНГ ШАКЛЛАНИШИ: ҲУДУДЛАР САЛОҲИЯТИНИ БАҲОЛАШНИНГ ИЛМИЙ-УСЛУБИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ**

3.1. Инвестицион муҳит жозибадорлигини аниқлашда ижтимоий-иқтисодий салоҳиятни баҳолашнинг иқтисодий-математик усуллари .......................125

3.2. Инвестицион салоҳиятни баҳолашнинг асосий йўналишлари................ 138

3.3. Инвестицион муҳит фаоллигини ошириш: илғор хорижий тажрибалар ва улардан Ўзбекистон шароитида фойдаланиш истиқболлари ............ 153

3.4. Мамлакат ҳудудлари инвестицион жозибадорлигини баҳолашнинг қиёсий таҳлили ва уни такомиллаштириш йўллари ............ 168

***Учинчи боб бўйича хулоса*** ............ 175

***4 - Б О Б.***

**ЎЗБЕКИСТОН ҲУДУДЛАРИНИНГ ИНВЕСТИЦИОН ЖОЗИБАДОРЛИГИНИ ОШИРИШНИНГ АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ**

4.1. Инвестицион муҳит жозибадорлиги талқинида хорижий инвестицияларни жалб этиш тизимини такомиллаштиришнинг замонавий масалалари ............ 178

4.2. Ўзбекистон Республикасида хорижий инвестициялар кўлами ва оқимини оширишнинг концептуал жиҳатлари ............ 201

4.3. Ўзбекистоннинг ресурс салоҳиятидан самарали фойдаланиш: инвестицион муҳит жозибадорлиги ва ишбилармонликни соғломлаштириш йўналишлари ............ 216

4.4. Панел маълумотлари асосида инвестиция омилларининг эконометрик таҳлили ва унинг натижалари ............ 230

***Тўртинчи боб бўйича хулоса*** ............ 242

***5 - Б О Б.***

**COVID-19 ПАНДЕМИЯСИ ШАРОИТИДА КАМБАҒАЛЛИК, ХАЛҚАРО АЛОҚАЛАРИ ВА ОЗИҚ-ОВҚАТ ХАВФСИЗЛИГИ МАСАЛАЛАРИ**

5.1. «Бир макон – бир йўл» – глобал инвестицион лойиҳанинг бугунги кундаги аҳамияти ............ 245

5.2. Рақамли иқтисодиёт: инвестицион жозибадорлик ва тараққиётнинг замонавий имконияти ............ 257

5.3. COVID-19 пандемияси ва озиқ-овқат хавфсизлиги муаммоси: сабаб ва оқибатлар ............ 269

5.4. Инвестицион муҳит жозибадорлиги талқинида камбағаллик ва уни аниқлашнинг методологик жиҳатлари ............ 277

***Бешинчи боб бўйича хулоса*** ............ 283

ЯКУНИЙ ХУЛОСА ............ 286

ФОЙДАЛАНИЛГАН МАНБАЛАР РЎЙХАТИ ............ 294

ИЛОВАЛАР ............ 303

# ШАРТЛИ ҚИСҚАРТМАЛАР

**МИИС** – Мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий салоҳияти

**ИИС** – Ижтимоий-иқтисодий салоҳият

**ҲКР** – Ҳудудларнинг комплекс ривожланиши

**ОМКҚ** – Омил маҳсулдорлигининг камайиш қонуни

**ОТҲЕ** – Осиё-Тинч океани Ҳамкорлик Ташкилоти

**ХИФ** – Халқаро иқтисодий форум

**ЯИМ** – Ялпи ички маҳсулот

**ҲИС** – Ҳудуднинг инвестицион салоҳияти

**ИЖ** – Инвестицион жозибадорлик

**GCI** – Growth Competitive Index

**ЯҲМ** – Ялпи ҳудудий маҳсулот

**МБ** – Миллий бойлик

**ҲБ** – Ҳудудий бойлик

**МҲТ** – Миллий ҳисоблар тизими

**БМТ** – Бирлашган Миллатлар Ташкилоти

**АФ** – Асосий фонд

**АКИ** – Асосий капиталга киритилган инвестициялар

**ЖБИ** – Жон бошига тўғри келадиган инвестициялар

**ХИК** – Хорижий инвестициялар ва кредитлар

**ХИКУ** – Хорижий инвестициялар ва кредитларнинг улуши

**АК** – Асосий капитал

**ХВФ** – Халқаро валюта фонди

**МС** – Меҳнат салоҳияти

**ИЖ** – Инвестицион жозибадорлик

**ИП** – Инвестицион потенциал

**ҲИМ** – Ҳудудий ишлаб чиқариш мажмуаси

**ИТТКИ** – Илмий техника тараққиёти ва конструкторлик ишлари

**ЭИҲ** – Эркин иқтисодий ҳудуд

**ХХР** – Хитой Халқ Республикаси

**ТМК** – Транс Миллий Компаниялар

**ТМБ** – Транс Миллий Банклар

**КҚ** – Капитал қўйилмалар

**АКИ** – Асосий капиталга киритилган инвестициялар

**ХИКУ** – Хорижий инвестициялар ва кредитларнинг жамига нисбатан улуши

**БМБЙ** – Бир макон – бир йўл

**COVID-19** – CoronaVirus Disease2019

**ЖСТ** – Жаҳон савдо ташкилоти

**ЎТТЖ** – Ўзбекистон Тикланиш ва Тараққиёт жамғармаси

***Ҳар бир табиий нарса ўлчанган бўлади, лекин ҳар бир ўлчанган нарса табиий бўлавермайди.***

**Абу Али Ибн Сино**

# МУҚАДДИМА

Мамлакатимиз мустақил тараққиёт йўлига ўтган даврдан бошлаб, янги Ўзбекистонни қуришдек, эзгу-мақсадни кўзлаб, давлатимиз раҳбари ва ҳукумат томонидан ижтимоий-иқтисодий сиёсат тизимли равишда босқичма-босқич амалга ошириб келинмоқда.

Бунинг самараси ўларок, COVID-19 пандемияси шароитида олиб борилаётган комплекс чоралар, аҳолини камбағалликка юз тутиши хавфини олдини олиш борасида олиб борилаётган «маҳаллабай», «фуқаробай» чора-тадбирлар, давлат бюджети томонидан ижтимоий соҳага йўналтирилаётган инвестициялар ўз самарасини сақлаб қолмоқда. Қолаверса, пандемияга қарши чоралар дастури қабул қилиниб, унда белгиланган муҳим тадбирлар, хусусан, иқтисодий ўсишни таъминлаш, инқирознинг салбий оқибатларини юмшатишга қаратилган ҳаракатларни амалга ошириш, ички истеъмол талабини рағбатлантириш, шунингдек, республика ҳудудларининг бир текисда ривожланишини таъминлаш билан боғлиқ комплекс тадбирлар муваффақиятли амалга оширилмоқда.

Бинобарин, самарадор бизнесни юритишга қаратилган имтиёз ва преференциялар тақдим этилиши, институционал шароитларнинг яратилгани, ялпи ҳудудий маҳсулотнинг ўсишига таъсир кўрсатадиган асосий капиталга йўналтирилган инвестициялар оқимининг ортиши ҳамда ҳудудларнинғ инвестицион муҳит жозибадорлигини ошириш билан боғлиқ тадбирлар, янги иш ўринларини ташкил қилиш, бандлик муаммосини ҳал этиш, аҳоли даромадларини ошириш ишлари тизимли йўлга қўйилди.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ўзгаришларнинг таҳлили шуни кўрсатадики, қўлга киритилаётган ютуқ ва муваффақиятларда иқтисодиётни модернизациялаш, бунинг учун эса фаол инвестицион сиёсат юритишнинг ўрни жуда муҳимдир. Шунга кўра, республика ҳудудларининг ижтимоий-иқтисодий ривожланишини бошқаришнинг самарали тизимини яратиш, уларнинг инвестицион муҳит жозибадорлиги, салоҳиятини баҳолашнинг назарий ва методологик асосларини тадқиқ этиш муҳим аҳамият касб этади.

Бинобарин, ҳудудларнинг ривожланиш тенденциясига разм соладиган бўлсак, бугунги республика иқтисодиётини модернизациялаш шароити-

да ҳудудлар ўртасида табиий-демографик, маъмурий-иқтисодий, ижтимоий-сиёсий жабҳалардаги тафовутлар юқорилигича қолаётгани, қатор вилоятларнинг бозор муносабатлари қонунларига ҳалигача мослаша олмаётгани туфайли ҳамон субвенцияда тургани, ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг нотекислиги, ишлаб чиқариш кучларининг рационал жойлаштирилмагани, аҳоли даромадларидаги фарқнинг бири-бириддан юқорилигича қолаётгани каби муаммолар илмий изланишлар учун муҳим тадқиқот объекти бўлиб қолмоқда.

Айни вақтда, мамлакатимиз босиб ўтган тараққиёт йўлининг чуқур таҳлили, бугунги кунда жаҳон бозори конъюнктураси кескин ўзгариб, глобаллашув шароитида рақобат тобора кучайиб бораётгани давлатимизни янада барқарор ва жадал суръатлар билан ривожлантириш учун мутлақо янгича ёндашув ҳамда тамойилларни ишлаб чиқиш ва рўёбга чиқаришни тақозо этмоқда.

Шуларни эътиборга олиб, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармонида иқтисодиётни ривожлантириш ва либераллаштиришнинг устувор йўналишлари сифатида (*бешта йўналишнинг учинчи йўналиши ҳақида гап бормоқда*) қуйидаги вазифалар (йўналишлар) белгилаб берилди:[1]

- ***макроиқтисодий барқарорликни янада мустаҳкамлаш ва юқори иқтисодий ўсиш суръатларини сақлаб қолиш;***
- ***таркибий ўзгартиришларни чуқурлаштириш, миллий иқтисодиётнинг етакчи тармоқларини модернизация ва диверсификация қилиш ҳисобига унинг рақобатбардошлигини ошириш;***
- ***қишлоқ хўжалигини модернизация қилиш ва жадал ривожлантириш;***
- ***иқтисодиётда давлат иштирокини камайтириш, хусусий мулк ҳуқуқини ҳимоя қилиш ва унинг устувор мавқеини янада кучайтириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожини рағбатлантиришга қаратилган институционал ва таркибий ислоҳотларни давом эттириш;***
- ***вилоят, туман ва шаҳарларни комплекс ва мутаносиб ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, уларнинг мавжуд салоҳиятидан самарали ва оптимал фойдаланиш.***

[1] Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сон Фармони. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 6-сон, 70-модда.

Модернизация – анъанавий жамиятнинг илғор, индустриал жиҳатдан тараққий этган жамиятга айланишини таъминловчи ижтимоий-тарихий жараён эканлигини ҳисобга олиб, ҳудудларнинг комплекс ривожланишини таъминлайдиган индикаторларни аниқлаш, инвестицион муҳит жозибадорлигига таъсир кўрсатадиган омилларни таснифлаш, ҳududнинг ижтимоий-иқтисодий салоҳиятини баҳолаш методологиясини такомиллаштириш билан боглиқ назарий-услубий ва амалий асосланган таклиф ва тавсияларни ишлаб чиқиш мазкур тадқиқот ишининг вазифаларидан ҳисобланади.

Миллий даромад кўрсаткичининг аҳолини табиий ўсишига нисбатан юқорироқ даражада кўпайиши жон бошига тўғри келадиган даромаднинг ортишига олиб келади. Бир томондан олганда, ҳудудларда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик учун яратиб берилаётган шарт-шароитлар, иқтисодий сиёсатнинг адолатлилик принципи асосида олиб борилаётганлиги, шунингдек, ҳудудий инвестицион дастурларнинг ўз вақтида тўғри ва тезкорлик билан татбиқ этилиши иқтисодиётда янги иш ўринларининг кўпайишига, оқибатда эса, ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг таъминланишига хизмат қилмоқда.

Шунинг учун ҳам ҳукуматнинг ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожланишини таъминлашга қаратаётган иқтисодий сиёсати замирида мамлакатнинг иқтисодий ривожланишини таъминлаш, аҳолининг фаровонлигини оширишдек устувор мақсад ётади. Ҳудудларда мавжуд бўлган иқтисодий ресурсларнинг (ҳудудий бойлик) чекланганлиги туфайли ҳам ишлаб чиқариш имкониятларини оширишнинг энг самарали усули ресурслардан оптимал фойдаланиш ва юқори технологияга асосланган қўшимча капитал ресурсларни сафарбар этишдан иборат. Бунинг учун эса, ҳудудларда инвестицион муҳитни соғломлаштириш ва унинг жозибадорлигини янада ошириш бўйича сабабий боғлиқликдаги чуқур таҳлилларни амалга ошириш ғоят долзарбдир.

Юқорида зикр этилган бир қатор масалаларнинг муҳимлиги ва бугунги ҳаётимизда долзарблик касб этишини эътиборга олиб, ушбу монография доирасида уларни ечиш билан боғлиқ илмий-назарий, илмий-услубий ва илмий-амалий тадқиқотлар олиб борилди. Олиб борилган изланишлар, амалга оширилган иқтисодий таҳлиллар ва сабабий боғлиқликда чиқарилган хулосалар асосида бир қатор илмий-амалий ечимлар ишлаб чиқилди.

**Тадқиқот ишида қуйидаги бош мақсад белгилаб олинди:** ҳудудларни комплекс ривожлантиришда инвестицион муҳит жозибадорли-

гини таъминлашнинг илмий-услубий жиҳатларини тадқиқ этиш ва уни оширишга қаратилган илмий таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш.

**Қўйилган мақсадни амалга ошириш асносида қуйидаги вазифалар ҳал этилди:**

- ► инвестицион муҳит жозибадорлигининг назарий ва услубий асослари очиб берилди;
- ► ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий салоҳиятига тегишли бўлган илмий-назарий қарашлар ва талқинлар қиёсланди;
- ► инвестицион муҳит жозибадорлигини аниқлашнинг услубий жиҳатлари ва унга таъсир кўрсатадиган омиллар таснифланди;
- ► мамлакат ҳудудлари ривожланишини самарали бошқаришнинг услуби, стратегияси ва механизми изоҳланди;
- ► мамлакат ҳудудларининг инновацион салоҳияти шаклланиши илмий-услубий жиҳатдан очиб берилди;
- ► мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ва инновацион салоҳиятини баҳолашнинг математик усуллари изоҳланди;
- ► мамлакат/ҳудудларнинг ривожланишини таъминлашда меҳнат ресурслари ва уларни ҳисобга олишнинг услубий жиҳатлари тадқиқ этилди;
- ► асосий капиталдан фойдаланишда йўналтирилаётган инвестицияларнинг ҳудудий таҳлили амалга оширилди;
- ► инвестицион муҳит фаоллигини ошириш мақсадида илғор хорижий тажрибалар таҳлил этилиб, улардан Ўзбекистон шароитида фойдаланиш бўйича илмий-амалий тавсиялар ишлаб чиқилди.

Монографиянинг назарий ва услубий асосларини республикамиз ҳамда хорижий мамлакатлар йирик иқтисодчи олимларининг ҳудудлар иқтисодиётини бошқариш ва уларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишини асослаш, мамлакатнинг инвестицион фаоллиги ва инвестицион жозибадорлигини оширишга қаратилган илмий ишлари монографиянинг илмий-назарий асосини ташкил этди.

Тадқиқот жараёнида иқтисодий-статистик таҳлил, статистик маълумотларни гуруҳлаш, солиштирма таҳлил, иқтисодий-математик моделлаштириш каби усуллардан кенг фойдаланилди.

Монография жами бешта боб ҳажмида тайёрланган бўлиб, иловалар қисмида асосий матн изоҳига хизмат қиладиган схемалар, йиллар кесимида таҳлил этилган статистик кўрсаткичлар ва бошқа ижтимоий-иқтисодий маълумотлар ўз аксини топган.

Монография Қўқон университетида фаолият олиб бораётган маҳалимизда нашрга қайта тайёрланди, янги боблар билан тўлдирилди ва

ҳозирги ҳолатига келтирилди. Уни тайёрлашда бир қатор шогирдларимиз ўзларининг беминнат ҳиссаларини қўшишди. Уларнинг барчаларига, шунингдек, тақризчиларга, монографиянинг умумий савиясини бойитиш билан боғлиқ зарурий таклиф-тавсияларни берган барча дўстларимиз ва ҳамкасбларимизга ўз миннатдорлигимизни билдирамиз.

Монографиянинг матни, умумий баёни ва уни нашр этиш билан боғлиқ камчиликлар, техник хатоликлар бўлса, сиз – илм аҳилларидан олдиндан узр сўраймиз. Ишнинг ютуқ ва камчиликлари ҳақида фикр билдириш, унинг савияси ва даражасини баҳолашни китобхонлар ҳукмига ҳавола этган ҳолда, аниқланган хатоликлар ва йўл қўйилган камчиликлар тўғрисидаги мулоҳазаларни mustafaqulov_sh@mail.ru электрон манзилига жўнатишингизни илтимос қиламиз.

Сиз томонингиздан билдирилган таклиф ва тавсиялар келгусида монографияни янада бойитиш учун хизмат қилади, деган умиддамиз.

*Модомики, ҳамманинг гуноҳини беки-толмайсан, ўз кўзингни юмиб қўя қол.*
**Ж.Румий**

# *1 - Б О Б.*
# ИНВЕСТИЦИОН ЖОЗИБАДОРЛИКНИНГ ИЛМИЙ-НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ

## 1.1. ИНВЕСТИЦИОН ЖОЗИБАДОРЛИК: МОҲИЯТИ, ТАРКИБИ ВА БАҲОЛАШ МЕЗОНЛАРИ

Мамлакатнинг комплекс ривожланишини таъминлаш ва инвестицион муҳит жозибадорлигини ошириш бўйича илмий изланишларни олиб боришда, энг авввало, мамлакат ва унинг ҳудудлари салоҳиятини тадқиқ қилиш, уларни баҳолаш, таъсир кўрсатадиган омилларни таснифлаш, ўзаро боғлиқлик касб этган жиҳатларни иқтисодий-математик ва эконометрик усуллар орқали очиб бериш, таъкидланганидек, мазкур тадқиқотнинг вазифаларидан ҳисобланади.

Бунинг учун эса, ривожланган мамлакатларда қўлланилган ва юқори натижалар келтирган тажрибаларни таҳлил этиш, муваффақиятга олиб келган усул ва услублар, омилларни Ўзбекистон ва унинг ҳудудлари миқёсида татбиқ этиш бўйича илмий-услубий ҳамда назарий-амалий таклиф, тавсияларни ишлаб чиқиш муҳимдир.

Маълумки, сайёрамиз минтақаларида аҳоли жойлашуви ва иқтисодий фаолият жараёнлари нотекис тақсимланган. Буни космосдан туриб туширилган фотосуратлар мисолида яққол кўришимиз, осон билиб олишимиз мумкин. Ушбу суратларда Ғарбий Европа, Япония, Жанубий-Шарқий Хитой ва океан чегараларида жойлашган АҚШда аҳолининг кўплиги, уларнинг зичлиги ва юқори урбанизациялашгани, автомобиль йўлларининг мўллиги, серқатновлиги ҳамда бир-бири билан юқори даражада кесишувчанлигини кузатиш мумкин.

Айни пайтда, Африка, Тибет ва Сибир, Австралия минтақаларининг катта қисми сувсиз чўлу биёбонлар, қоп-қора ўрмонлар, у ерларда инсоният ҳаёти унча ривожланмагани, аҳолининг эса, сийрак жойлашганига гувоҳ бўламиз. Бунинг боиси – минг йиллардан буён инсонлар қулай иқлим ва юқори унумдорликка эга ерларни ўзлаштиришга, у ерларда ўтроқ ҳаёт кечиришга ҳаракат қилишган. Табиийки, айнан ўша

ҳудудларда инсониятнинг цивилизацияси ҳам пайдо бўлган. Кейинчалик, яъни саноатлаштириш даврига келиб, фойдали қазилмалар топилган ҳудудларга кўчиб ўтиш, арзон хом ашё ресурсларига эга бўлишга ҳаракатлар бошланди. Бугунги замонавий дунёда эса, иқтисодий ривожланиш юқори концентрациялашувга эга бўлган агломерация[1]ларда кечмоқда.

Муайян бир мамлакат миқёсида кўрадиган бўлсак, аҳолининг сони, зичлиги ва иқтисодий кучларнинг жойлашуви минтақалар ва ҳудудлар бўйича турлича тақсимланган. Ҳудудлар ўзининг шарт-шароити, табиий ресурсларга эгалик ҳажми, ер унумдорлиги, сув ресурсларининг узоқ-яқинлиги жиҳатидан бир-биридан анчагина фарқланади. Мамлакат бўйича бир неча иқтисодий марказлар мавжудлиги ва марказдан узоқ ҳудудлардаги реал аҳвол улардаги иқтисодий ривожланишнинг табақаланганини кўрсатади. Буни биргина, аҳоли жон бошига тўғри келадиган ялпи ҳудудий маҳсулот мисолида ҳам сезиш мумкин. ***Айнан юқорида келтирилган омиллар сабаб инвесторлар ўз капиталини юқори потенциалга эга бўлган мамлакат ёхуд унинг ҳудудларига киритишга, у ерда самарали фаолият олиб бориб, зарурий фойда (даромад)ни қўлга киритишга ҳаракат қилишади.***

Марказларда асосий билимлар ва инновацияларнинг тўплангани, ишлаб чиқариш кучларининг қулай жойлашуви, юқори инфраструктура объектларининг мавжудлиги аксарият ҳолда ушбу ҳудудларда инвестициялар оқимининг ҳам юқори бўлишлигини таъминлайди. Ва аксинча, ижтимоий-иқтисодий қашшоқ ва экологик жиҳатдан нобоп ҳудудларда ижтимоий кескинликнинг кучайиши, ҳар хил турдаги жиноятларнинг авж олиши, диний ва ҳатто сиёсий тўқнашувларнинг юз бериши кузатилади. Аксарият сармоядорлар эса бундай ҳудудларга инвестиция йўналтиришга таваккал қилмайдилар. Ушбу салбий ҳолатларнинг юзага келишини бартараф этиш, уларнинг олдини олиш учун давлат томонидан минтақавий-ҳудудий сиёсат олиб борилади.

Ушбу тадқиқотнинг олдида турган мақсад ва унга эришиш учун белгилаб олинган илмий-назарий, услубий ва амалий вазифаларни тўғри ҳамда оқилона ҳал этиш учун қуйидаги саволларга жавоб топиш талаб қилинади:

- мамлакатнинг инвестицион муҳит жозибадорлиги қандай омилларга боғлиқ?

---

[1] ***Агломерация*** – билимлар ва инновацияларни яратувчи, молиявий, бошқарув ва логистик марказлар, транспорт қатновлари ва юқори истеъмол товарлари бозорларига эга бўлган мегаполис ва юқори урбанизациялашган ҳудудлар.

- инвестицион муҳит жозибадорлиги қандай аниқланади?
- ҳудудларнинг бир текис ривожланишини таъминлаш учун давлат томонидан қандай сиёсат амалга оширилиши лозим?
- тўғридан-тўғри инвестицияларнинг кириб келишини таъминлайдиган омиллар қайсилар ва уларнинг таъсир кўрсатиш даражаси қандай?
- ишлаб чиқариш кучларини иқтисодий жиҳатдан самарали бўлган қайси ҳудудларда жойлаштириш мақбул ҳисобланади?
- иқтисодий ўсиш ва ҳудудларни ривожлантиришнинг сабаблари ва омиллари нималардан иборат?

Айнан юқорида келтирилган саволлар негизида **макон → мамлакат → ҳудуд → минтақа** иқтисодиёти илми пайдо бўлган ва ривожланиб келмоқда.

Маълумки, мамлакатнинг инвестицион жозибадорлигини баҳолаш бўйича аниқ услубият бирон-бир халқаро қонун билан белгиланмаган, шу боис охирги вақтларда инвестицион жозибадорликка оид кўрсаткичларни ҳисоблаш бўйича турли услубиятлар қўлланмоқда. Айрим иқтисодчилар фикрича, инвестицион жозибадорлик сармояни қўйишдан тушган тушумнинг даражаси орқали аниқланади. Ушбу ёндашув қўллашнинг жуда тор соҳасини қамраб олади, чунки аниқ ва тўғри натижаларни олиш учун инвестициялар риск (хатар) даражаси бир хил бўлган тақдирда амалга оширилиши лозим, бу эса амалда деярли мумкин эмас.

Шунингдек, инвестицион жозибадорликни аниқлаш юзасидан инвестиция ҳажмини изоҳлаш, уларнинг горизонтал ва вертикал бўйича таркибини таҳлил қилишга асосланган бир қатор ёндашувлар ҳам мавжуд. Уни қўллаб, ҳудуднинг қулай (ноқулай) ҳолати тўғрисида хулоса ясаш мумкин. Мазкур ёндашувнинг асосий камчилиги шундан иборатки, у инвестицион жараённи юзаки кўриб чиқади. Инвестицияларнинг алоҳида олинган тавсифлари инвестицион соҳанинг реал ҳолатидан далолат бермайди ҳамда мамлакатнинг ички имкониятлари ва истиқболларини акс эттирмайди.

Булардан ташқари, инвестицион жозибадорликни ижтимоий-сиёсий, табиий-хўжалик ва психологик тавсифларнинг йиғиндиси сифатида белгиловчи қарашлар кенг тарқалган. «Euromoney» томонидан қўлланиладиган инвестицион жозибадорлик бўйича шундай услубият тўққизта турли кўрсаткичлардан иборатдир[1]. Булар: иқтисодий самарадорлик, сиёсий хатар, қарздорлик, қарзни қоплаш (тўлаш бўйича

[1] http://www.euromoney.com

мажбуриятларнинг бажарилмаслиги ёки муддатини узайтириш), тўлов қобилияти, банк кредитлари, ссуда капиталини олиш имконияти, форс-мажор ҳолатларнинг вужудга келиш имкониятлари. Ушбу кўрсаткичларнинг аҳамияти эксперт йўли билан ёки ҳисоб-китоб-таҳлил йўли билан аниқланади. Улар 10 баллик шкала бўйича ҳисобланади ҳамда кейинчалик у ёки бу кўрсаткич ва унинг якуний баҳолашга қўшган ҳиссасига мувофиқ ўлчанади.

Кейинги ёндашув тарафдорлари (Г.Марченко, А.Каминский, О.Мачульская, Е.Ананькина ва бошқалар) инвестицион жозибадорликни кўп омиллик регрессия модели орқали талқин қилишган. Ҳудуднинг инвестицион жозибадорлиги умумий кўрсаткич сифатида инобатга олиниб, иккита тавсиф орқали, яъни инвестицион салоҳият ва инвестицион хатар билан аниқланиши қайд этилган. Уларнинг фикрига кўра, ҳудуднинг умумий салоҳияти қуйидагиларни: ресурс – хом ашё, ишлаб чиқариш, истеъмол, инфратузилма, инновацион, меҳнат, институционал ва молиявий кўрсаткичларни ўз ичига олади. Ҳудуднинг умумий хатари сиёсий, иқтисодий, ижтимоий, жиноий, экологик, молиявий, қонунчилик хатарларини инобатга олган ҳолда аниқланади.

Кўриб чиқилаётган ёндашувнинг асосий устувор томони қуйидагилар ҳисобланади: холисоналиги; инвестицион салоҳият ва инвестицион хатарни белгиловчи омилларнинг аҳамияти; жаҳон амалиётида умум қабул қилинган мониторинг ва баҳолаш тизими; хорижий инвесторларнинг якуний натижалардан фойдалана олиши ва билим даражаси.

Шунга қарамай, бу услубият ҳам бир қатор камчиликларга эга: инвестицион жозибадорлик ва инвестицион фаоллик ўртасидаги алоқанинг йўқлиги; экспертлар фикрларининг субъективлиги ва интеграл кўрсаткичга келтиришда инвестицион салоҳият ва хатарларни баҳолаш услубиятининг аниқ-равшан эмаслиги.

Кўриб чиқилган услубиятларнинг аксарияти тор қўлланиш соҳасига эга бўлиб, уларда кўпинча тармоқлар ҳисобга олинмайди. Шу боис, инвесторлар инвестицион жозибадорликни баҳолаш бўйича таҳлилий дастакларга эга бўлмагани туфайли, у тўғрисида субъектив тасаввур асосида қарорлар қабул қилишга мажбур бўлишади.

Баҳолаш бўйича мавжуд услубиятларнинг кўпчилигига хос асосий камчиликлар қуйидагилардан иборат:

1) «инвестицион жозибадорлик» тушунчасининг ҳар хил талқин этилиши;

2) инвестицион жозибадорлик даражасини тавсифловчи кўрсаткичларнинг турли-туманлиги;

3) ҳудудларни таҳлил қилиш бўйича услубий ҳолатларни ва уларнинг инвестицион жозибадорлигини прогнозлаштиришнинг илмий асосланмагани;

4) баҳолаш учун ўнлаб кўрсаткичларни саралаш тамойилларининг етарли даражада асосланмагани;

5) қўлланиладиган услубиятларни асослаш мезонларининг мураккаблиги.

Булар қаторига баҳолашнинг мунтазам равишда олиб борилмаётганини ҳам қўшиш мумкин. Шундай қилиб, ҳудудларнинг тармоқ ихтисослашуви нуқтаи назаридан инвестицион жозибадорлигини баҳолашга бўлган тизимли ёндашувни ишлаб чиқиш ва бу йўналишда тадқиқотларни давом эттириш зарурати юзага келади.

Кўпгина илмий адабиётларда «инвестицион жозибадорлик»ка яқин бўлган тушунчалар: «инвестицион фаоллик», «инвестицион имиж (обрў)» синоним сифатида қўлланиб келинади. Бизнинг фикримизча, «инвестицион фаоллик» мустақил категория бўлиб, хўжалик субъектларининг барқарор молиявий ҳолатини характерлайди ва аниқ давр учун реал ресурсларни сафарбар этилишини англатади. Буни инвестицион талабни қондирадиган жараён сифатида ҳам талқин этиш мумкин.

**Инвестициялар** – инвесторлар томонидан ўз мақсадларига эришиш учун тегишли фаолият турига киритиладиган ва пулда ифодаланган ҳар қандай фуқаролик ҳуқуқлари объектидир.

**Инвестицион иқлим** – ички ва ташқи инвестицияларнинг кириб келишига таъсир кўрсатадиган ялпи иқтисодий, сиёсий, молиявий шароитдир.

**Инвестицион имиж** – инвесторлар тасаввурида инвестицион иқлимнинг турли хилдаги жиҳатлари билан комплекс тарзда акс этишидир. Ушбу таъриф инвестицион иқлим тушунчасини тўлдиради.

Инвестицион жозибадорликни баҳолаш учун иккита муҳим жиҳатга эътибор қаратиш лозим бўлади. ***Биринчиси***, маълум бир объектни инвестициялашнинг инвестицион жозибадорлиги. Бунда аниқ бир ҳудудий тизимда мавжуд бўлган тармоқлар, соҳалар ва кластерларнинг иқтисодий ҳолати таҳлил этилади. Иқтисодий таҳлилни амалга оширишда инвестицион лойиҳа ва дастурлар самарадорлигини аниқлашнинг таянч кўрсаткичлари (соф дисконтланган даромад, қоплаш муддати, фойда нормаси, ички рентабеллик нормаси) баҳоланади.

***Иккинчиси***, ҳудудий хўжалик тизимининг инвестицион жозибадорлиги. Бунинг учун эса, қуйидаги ҳолатлар таҳлил этилиши назарда тутилади: мавжуд ҳуқуқий-норматив база, сиёсий вазият, инвестицион иф-




**1.1.1-расм.** ***«Инвестицион жозибадорлик», «инвестицион иқлим», «инвестицион фаоллик» ва «инвестицион имиж» тушунчаларининг ўзаро боғлиқлик механизми***

ратузилма, ижтимоий-иқтисодий шароитлар, инвесторлар манфаатини ҳимоя қилиш даражаси, солиққа тортиш даражаси, стратегик ва маъмурий ресурслар.

Юқорида қайд этганимиздек, инвестицион жозибадорлик иқтисодий категория бўлиб, инвестицион фаолиятга объектив ва субъектив маълумотлар орқали таъсир кўрсатиши билан намоён бўлади. Тақдим этилган расмда таъкидлаб ўтган тушунчаларимизга схематик тарзда нигоҳ ташланган.

Бизнинг наздимизча, инвестиция муҳитини ҳар томонлама, чуқур таҳлил қилиниши асносида инвестиция таваккали баҳоланади ва аниқланади. Инвестиция муҳити ва таваккал даражалари бир-бирига тескари нисбатдадир. Инвестиция муҳити қанчалик қулай бўлса, инвесторнинг тадбиркорлик таваккали шунчалик паст даражада бўлади ва бу инвесторларнинг кириб келишини фаоллаштиради. Аксинча, инвестиция муҳити ноқулай бўлса, таваккал даражаси юқори бўлади. Бу эса, инвестиция қабул қилувчи томон сарф-харажатларининг ўсишига олиб келади. Инвестиция муҳитининг ҳолати фақат инвестор учун эмас, балки инвестиция қабул қилувчи учун ҳам муҳимдир.

Иқтисодчи олим Т.М.Смаглюкова инвестицион жозибадорликни белгиловчи барча кўрсаткичлардан комплекс баҳолаш талабларига кўпроқ мувофиқ келадиган кўрсаткичларни ажратиб олади. Унинг фикрича, мазкур кўрсаткичлар инвестицион жараённинг барча томонларини акс эттирувчи инвестицион жозибадорлик омиллари таркибига киритилади. Шаклланган кўрсаткичларнинг йиғиндиси иқтисодий тизим ва инвес-

тициялаш объектлари сифатида ҳудудлар фаолиятининг ташқи ва ички омилларини қамраб олади.

Т.М.Смаглюкова ҳудудларнинг инвестицион жозибадорлигини белгилайдиган омиллар гуруҳига қуйидагиларни киритади:

| | |
|---|---|
| • **сиёсий;** | • **инновацион;** |
| • **ижтимоий;** | • **ишлаб чиқариш;** |
| • **иқтисодий;** | • **меҳнат;** |
| • **экологик;** | • **молия;** |
| • **инфратузилмавий;** | • **инвестицион;** |
| • **ҳуқуқий, жиноий;** | • **хом ашё ресурси.** |

Унинг фикрича, барча келтирилган омиллар ёрдамида қўйилмаларнинг риск (хатарлик)ка тортилган даражаси таҳлил қилиниши мумкин. Тармоқлар даражасида қўйилмаларнинг хатарлик даражасини баҳолаш учун ушбу рўйхатдан сиёсий, ижтимоий, инфратузилма, қонуний ва жиноий, инновацион ва ресурс – хом ашё омиллари чиқариб ташланган. Бу уларнинг таҳлил қилинаётган кўрсаткичларни шакллантиришга етарли даражада таъсир кўрсатмаётгани билан изоҳланади.

Бундан ташқари, битта кўрсаткичларни ҳам ҳудудий, ҳам тармоқ инвестицион жозибадорлик омилларига киритиш мақсадга мувофиқ эмас, деб ҳисобланади.[1]

Мамлакат/ҳудуднинг қулай инвестицион муҳитининг шаклланишига таъсир кўрсатувчи омилларни кўриб чиқиб, шуни таъкидлаш керакки, давлатнинг жаҳон ҳамжамиятида инвестицион жозибадорлик нуқтаи назардан яхлит намоён бўлиши муҳим аҳамият касб этади. Давлатнинг инвестицион нуфузини юқорига қараб силжитиш стратегияси тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилиш учун катта аҳамиятга эга.

50 та саноати ривожланган ва ривожланаётган давлатларнинг тажрибасига таянган ҳолда олиб борилган тадқиқотлар шуни кўрсатадики, инвестицияларни киритишга кетган маркетинг харажатлари тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларнинг ўсишига кўмаклашади. Ушбу тадқиқотда инвестицион нуфузнинг олдинга қараб силжишига сарфланган ҳар бир долларнинг соф келтирилган (дисконтланган) қиймати 4 долларга тенг бўлган фойдани олиб келиши исботланган.

Алоҳида инвестицион агентликлар ишларида олиб борилган тадқиқотлар шуни кўрсатмоқдаки, энг самарали инвестициялар мазкур дав-

[1] *Смаглюкова Т.М.* Общие подходы к формированию региональной инвестиционной политики // Современные проблемы науки. – 2014. № 1.

латнинг аниқ салоҳиятли мижозлари учун ишлаб чиқилган фаол маркетинг стратегияси билан бирга у ёки бу секторга киритилган инвестициялар ҳисобланади.

2020 йил якунига кўра, асосий капиталга қўйилган инвестициялар ҳажми реал қийматда 2019 йилга нисбатан 8,2 фоизга камайди ва 202 трлн. сўмни ташкил қилди. Марказлаштирилган манбалардан молиялаштириладиган инвестициялар ҳажми 34,9 фоизга камайиб, 39,3 трлн. сўмни ташкил этди.

Шунингдек, бюджет маблағлари ҳисобидан молиялаштириладиган инвестициялар 33,6 фоизга, ЎТТЖ маблағлари 75,7 фоизга, ҳукумат томонидан кафолати таъминланган хорижий инвестициялар ҳажмида (2020 йилда) тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ҳажми 32,7 фоизга (кафолатланмаган хорижий кредитларни инобатга олмаган ҳолда) камайиб, 2,9 млрд долларни (доллар эквивалентида пасайиш 33,8 фоизга етди) ташкил этди.

Кафолатланмаган хорижий кредитлар қуйидаги тармоқларда инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш ҳисобига ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 1,6 баробардан зиёд (2,4 млрд доллардан 3,5 млрд долларгача) ўсди, жумладан:

- НКМК – 636,5 млн доллар;
- «Ўзбекнефтгаз» АЖ — 154,8 млн доллар («Шўртан ГКМ» МЧЖ – ишлаб чиқариш қувватини ошириш» — 122,7 млн доллар);
- «Ўзелтехсаноат» АЖ – 101,8 млн доллар (маиший музлатгичлар ишлаб чиқариш – 48 млн доллар);
- АТКР вазирлиги — 89,4 млн доллар (кенг полосали телекоммуникация тармоғини ривожлантириш – 35,5 млн доллар);
- «Ўзқурилишматериаллари» АЖ – 91 млн доллар.

Тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларнинг 22,1 фоизи табиий газ ишлаб чиқариш соҳасидаги лойиҳаларни амалга оширишга, 22,5 фоизи бошқа металл бўлмаган минерал маҳсулотларни ишлаб чиқариш, 9,3 фоизи қурилиш ишларига йўналтирилган.

Бундан ташқари, экспорт салоҳияти юқори бўлган – машинасозлик, электротехника, металлургия, кимё ва фармацевтика тармоқларида асосий капитални шакллантириш учун тўғридан-тўғри инвестицияларнинг даражаси пастлигича қолмоқда. Инвестициялар ва кредитлар 28 фоизга камайган.

Таъкидлаш лозимки, инвестициялар соҳасидаги мавжуд тенденцияларнинг давом этиши 2021 йилда иқтисодий ўсиш суръатларига (5,1% даражасида деб прогноз қилинмоқда) эришишга таҳдид солиши мумкин,

бу эса иқтисодиётга жалб қилинган инвестициялар ҳажмини сезиларли даражада оширишга қаратилган инвестиция муҳитини яхшилаш бўйича амалий чораларни ва уларнинг самарадорлигини оширишни талаб қилади.

Инвестицияларнинг асосий манбалари ҳисобланган давлат ташқи қарзи, Тикланиш ва тараққиёт фонди маблағлари, кафолатланмаган хорижий кредитлар ва тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар, шунингдек тижорат банклари кредитларининг ЯИМга нисбати 2019 йилда 23,1 фоизни ташкил этган бўлса, 2020 йил якунига кўра ушбу кўрсаткич ЯИМнинг 20,1 фоизини ташкил этди.[1]

Шунингдек, тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларнинг юқори технологияли ва инсон капиталига фаол йўналтирилмаслиги мамлакатда юқори даражадаги инклюзив ўсишга эришиш ва камбағаллик даражасини қисқартириш каби мақсадларга эришиш жараёнини хавф остига қўймоқда.

**Инвестицион муҳитни яхшилашга қаратилган давлат сиёсатининг асосий йўналишлари сифатида қуйидагиларни келтириш мумкин:**

- инновацион ва тадқиқот фаоллиги, ахборот технологиялари соҳасида биринчи тоифадаги тадқиқот марказларини қўллаб-қувватлаш;
- технопарк ва инновацион кластерларни ташкил этиш;[2]
- хорижий инвесторлар учун қулай бўлган инфратузилма ва молиявий шароитларни шакллантириш. Улар қаторига: саноат корхоналарини қуриш учун ер участкаларини, илмий-тадқиқот, тажриба-конструкторлик ишлари ва касбий тайёрлаш соҳасида лойиҳаларни амалга ошириш учун грантларни, ер участкалари, бино ва технологик ускуналарни харид қилишга кетган харажатларни қоплаш учун капитал субсидияларини, солиқ имтиёзларини бериш;
- инвестицион жараёнлар инфратузилмаларини ривожлантириш учун давлат-хусусий шерикчилик институтини шакллантириш.

Ўзбекистон ҳудудлари ўзининг ранг-баранглиги билан ажралиб туради. Шу боис салоҳиятли инвесторга инвестициялаш тўғрисидаги қарорни қабул қилиши учун ҳар бир ҳududнинг инвестицион салоҳияти тўғрисидаги объектив ахборот мавжуд бўлиши лозим. Ҳудудларнинг ин-

[1] https://www.gazeta.uz/uz/2021/02/26/investments/

[2] *Изоҳ:* Ҳудудий инфратузилмани шакллантиришда кластерларнинг аҳамияти борасидаги батафсил маълумотлар, изланишлар монографиянинг 1.4-бандида ўз аксини топган.

вестицион жозибадорлигини баҳолаш тизимини яратиш эса давлатнинг ва ҳудудларнинг ривожланиши учун зарурий шарт ҳисобланади.

Мамлакат иқтисодиётини марказлашган бошқарув тизимидан марказлашмаган тизимга трансформацияси иқтисодий жараёнларни тартибга солишда маъмурий-ҳудудий органлар ролининг кучайишига олиб келди. *Ҳар бир ҳудуднинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишидаги тафовутларнинг мавжудлиги баланслашган ҳудудий инвестицион сиёсатни шакллантириш зарурлигини тақозо этади.*

Маъмурий-ҳудудий органлар инвестицион жараёнларни рағбатлантириши, тартибга солиши ва ҳудуд иқтисодиётига зарур бўлган инвестицияларни жалб қилиш учун қулай шароитларни шакллантириши лозим. Муайян муддатли истиқболда ҳудудий инвестицион дастурлар ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий тафовутларининг озайишига олиб келади, албатта. Буларнинг барчасини фақатгина ҳудуд ҳолатини мажмуавий, тизимли баҳолаш ва уларнинг заиф томонларини аниқлаш ёрдамида амалга ошириш мумкин.

Ҳудуд тушунчаси ҳар доим ҳам давлатнинг ҳудудий бирлигини намоён этмайди. А.И.Добрининнинг фикрига кўра, ҳудуд – такрор ишлаб чиқариш жараёнининг яхлитлиги ва алоқадорлигини тавсифловчи мамлакат иқтисодиётининг ҳудудий жиҳатдан ихтисослаштирилган қисмидир.[1]

Ҳудуднинг ижтимоий-сиёсий талқинига кўра, ҳудуднинг ижтимоий-ҳудудий умумийлиги ҳудуднинг ижтимоий, иқтисодий, сиёсий омилларининг йиғиндиси сифатида намоён бўлади. Унга бир қатор тафсилотлар, яъни аҳолининг этник таркиби, меҳнат ресурслари, ижтимоий инфратузилмалар, ижтимоий-психологик иқлим, ҳудуд ривожланишининг сиёсий жиҳатлари, ҳудуд омиллари ва бошқалар киради.

Ҳудуд – яхлит тизим бўлиб, ўзининг таркиби, функциялари, ташқи муҳит билан боғлиқ алоқалари, тарихи, маданияти, аҳолининг турмуш даражасига эга. Ушбу тизим: юқори ҳажмлилиги; локал мақсадларга эгалиги, ўзаро боғлиқ бўлган кўп сонли ва турли хилдаги кичик тизимлари; иерархик таркиби билан тавсифланади. Бироқ, ҳудуднинг ўзи муайян бир тизим сифатида инвестиция объекти сифатида намоён бўлмайди.

Шундай қилиб, мазкур тадқиқот мавзуси нуқтаи назаридан, инвестиция объектининг ролини ўрганганимизда мамлакат/ҳудудга тегишли бўлган мулкчилик объектларини кўриб чиқиш мақсадга мувофиқлиги намоён бўлди. Инвестиция объекти бўлмиш мамлакат/ҳудуднинг инвес-

---

[1] *Добрынина А.И., Тарасевича Л.С.* Экономическая теория. 4-е изд. – СПб.: 2009. 560 с.

тицион жозибадорлигига иккита омил: ташқи (умуман олганда давлат) ва ички (локал) омиллар таъсир кўрсатади.

Инвестицион жозибадорлик ҳам ҳудуд (тармоқ), ҳам аниқ инвестицион объектга (корхона, молиявий дастак) нисбатан қўлланилиши мумкин бўлган тафсилот орқали изоҳланади. Ушбу параметр инвестицион объектнинг муайян инвесторларнинг аниқ мақсадларига мувофиқлигини акс эттиради.

Халқаро амалиётда, одатда, объектнинг (мамлакат, ҳудуд, тармоқ) инвестицион жозибадорлиги ёки инвестицион иқлими фақатгина инвесторнинг мазкур ҳудудга «кириб бориши» ва нотижорат хатарларнинг йиғиндиси билан баҳоланишига эътибор қаратилади.[1] Қабул қилувчи давлатнинг ушбу ҳаракатлари хорижий инвесторларнинг мулкий манфаатларини камситадиган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни қабул қилиши, иқтисодий сиёсатни амалга ошириши ёки муайян сиёсий қарорларни ҳаётга татбиқ этиши ёхуд корхона томонидан инвестицион лойиҳаларни амалга оширишидан иборат.

**Мамлакатнинг инвестицион жозибадорлиги** – ҳудудга сармоянинг кириб келишини белгиловчи ва инвестиция фаоллиги билан баҳоланадиган объектив иқтисодий, ижтимоий ва табиий белгилар, воситалар, имкониятлар ва чекловларнинг йиғиндисидир. Ўз навбатида, мамлакатнинг инвестицион фаоллигини сармоянинг кириб келиш интенсивлиги сифатида кўриб чиқиш мумкин. Мамлакат/ҳудуднинг интеграл инвестицион жозибадорлиги – бу мамлакат/ҳудуднинг хўжалик ривожланиш шароитларини тавсифловчи ва ундаги инвестицион фаолликнинг шаклланишига ижобий ёки салбий таъсир кўрсатадиган объектив ижтимоий-иқтисодий, табиий-географик ва экологик кўрсаткичларнинг умумий даражасидир.

«Инвестицион салоҳият» категорияси узоқ вақт давомида фойдаланадиган активларга, шу жумладан, даромад ёки бошқа иқтисодий натижаларни кўпайтириш мақсадида қимматли қоғозларга маблағларни йўналтириш имконияти сифатида талқин этиб келинган.

Мамлакатнинг инвестицион салоҳиятини шакллантириш ва амалга ошириш таҳлилига бағишланган, Ф.С.Тумусов томонидан таклиф этилган ёндашув ҳам диққатга сазовор. У «инвестицион салоҳият»ни сармояни такрор ишлаб чиқаришнинг моддий, молиявий ва интеллектуал эҳтиёжларини қондиришни таъминловчи реал инвестицион талабга ай-

[1] *Изоҳ:* нотижорат хатарлар бевосита реципиент мамлакат иқтисодиётига сармоя киритилаётган хорижий инвесторларни қабул қилувчи давлатнинг уларга зарар етказиш борасида бевосита ва билвосита ҳаракатлари билан чамбарчас боғлиқдир.

ланиш имконига эга бўлган инвестициялар бозорида инвестицион талаб шаклида намоён бўладиган, тўпланган сармоянинг бир қисмидан иборат инвестицион ресурсларнинг жамланмаси[1] сифатида талқин этади.

Умуман олганда, ҳудуднинг инвестицион салоҳиятини унинг иқтисодий сиёсати билан белгиланган, ҳудуднинг ички ва жалб қилинган иқтисодий ресурсларини қулай инвестицион муҳитда инвестицион фаолиятни амалга ошириш имкониятлари йиғиндиси сифатида кўриш мумкин.

С.В.Зенченко, М.А.Шемёткин[2] ўз тадқиқотида инвесторларнинг хоҳишига кўпроқ таъсир кўрсатувчи бир қатор омилларни ажратиб кўрсатишади. Хусусан, мамлакат/ҳудуднинг инвестицион салоҳиятини баҳолаш учун энг муҳим омиллардан қуйидагиларни келтиришади: ресурсли – хом ашёвий (табиий ресурслар асосий турларининг ўртача ўлчанган таъминоти); ишлаб чиқариш (ҳудуддаги хўжаликлар фаолиятининг умумий натижаси); истеъмол (ҳудуд аҳолисининг харид қилиш қобилияти); инфратузилмавий (ҳудуднинг иқтисодий-географик ҳолати ва унинг инфратузилмавий таъминланганлиги); интеллектуал (аҳолининг маълумот даражаси); институционал (бозор иқтисодиётига асосланган етакчи институтларнинг ривожланганлик даражаси); инновацион (ҳудудда илмий-техника тараққиёти ютуқларини татбиқ этиш даражаси). Шуни таъкидлаш керакки, инвестицион салоҳият ҳудудларни таснифлаш мезонларидан бири ҳисобланади.

Г.Марченко ва О.Мачульская ҳудудларнинг типологиясини келтирганда қуйидагиларни таъкидлашади:[3] Биринчи учта тури – «локомотивлар», «таянч ҳудудлар» ва «ўсиш қутблари». «Локомотивлар»да марказнинг катта кўмагисиз ҳам барқарор ривожланишига имкон берувчи юқори инвестицион салоҳият ва ривожланишнинг ички ресурслари мавжуд бўлади. «Ўсиш қутблари» – аҳоли сони ва иқтисодий қуввати бўйича катта бўлмаган, инвестицион хатарнинг паст даражаси билан фарқ қилувчи ҳудудлар ҳисобланади.

Учинчи ҳудуд эса, «ўсиш қутблари»дан фарқли ўлароқ, иқтисодий ўсиш бўйича чекланган истиқболга эга ва 10-15 йилдан кейин ўзининг

---

[1] *Тумусов Ф.С.* Инвестиционный потенциал региона: теория, проблемы, практика. – М.: «Экономика», 1999. 272 с.

[2] *Зенченко С.В., Шемёткина М.А.* «Инвестиционный потенциал региона». Сборник научных трудов СевКавГТУ. Серия «Экономика». 2007. №6.

[3] *Марченко Г., Мачульская О.* Инструмент новой региональной политики. На плоскости рейтинга «риск-потенциал» явственно проявились полюса и точки роста. http://raexpert.ru/ratings/regions/2005/part4/

«энг юқори кўрсаткичи»га етади, яъни юқори инвестицион жозибадорлик: меҳнат, ер, сув ва бошқа ресурсларнинг чеклангани туфайли қўшимча инвестицияларни «жалб этиш»га қодир бўлмайди.

«Муаммоли ҳудудлар» деганда, ишлаб чиқариш ресурсларига эга бўлишидан қатъи назар, инвестицион муҳитнинг носоғломлиги, инвестицияларнинг етишмаслиги назарда тутилади. Инвестицион жозибадорликни оширишда уларнинг энг йириклари «ўсиш қутблари», катта бўлмаганлари эса «ўсиш нуқталари»га айланиши мумкин. Энг кўп сонли гуруҳга «ноаниқ истиқболга эга бўлган» ҳудудлар киритилиб, улар тақдири ҳудуддаги бошқарув маҳоратига боғлиқ бўлади.

Инвестицион муҳит жозибадорлигининг иккинчи таркибий қисми – инвестицион риск (хатар) ҳисобланади. Унинг даражаси инвестицияларни ва улардан тушадиган даромадларни йўқотиш эҳтимолини акс эттиради. Республиканинг у ёки бу ҳудудида ушбу хатар умумиқтисодий (ҳудуднинг иқтисодий ривожланишидаги тенденциялари), молия-валюта (ҳудуд бюджети ва корхона молиясининг балансланган даражаси), сиёсий (Президент ва Парламент сайловлари натижаси бўйича аҳолининг руҳий ҳолати, кайфияти, маҳаллий бошқарув органларининг қонунга риоя қилиши), қонуний-ижтимоий (ижтимоий тенгликнинг даражаси), экологик, жиноий ва бошқа омиллар билан белгиланади.

Ҳудудда молиявий хатарларни ҳудуд ва корхоналарнинг ўзаро ички қарздорлигининг умумий баланси сифатида тавсифлаш қабул қилинган. Молиявий хатарларни таҳлил қилишда асосий эътибор қуйидаги омилларга қаратилиши лозим: республика бюджетида ҳудуднинг молиявий мақоми (донор, реципиент); ялпи ҳудудий маҳсулот; инвесторларга берилган молиявий кафолатлар ва бошқа омиллар. Ҳудуднинг иқтисодий хатари, авваламбор, ҳудуд иқтисодиётининг таркиби билан белгиланади. Ҳудуднинг иқтисодий хатарларини таҳлил қилишда қуйидаги омиллардан фойдаланиш мумкин: зарар билан ишлаётган корхоналарнинг салмоғи; истеъмол саватчаси қийматининг ўсиш даражаси; ҳудуднинг ялпи миллий маҳсулотдаги улуши ва бошқалар.

Ҳудуднинг ижтимоий хатари янги ишчи кучини жалб қилган ҳолда, ишлаб чиқаришларни яратиш ва ривожлантириш имкониятларини белгилайди. Шу боис, ижтимоий хатарни баҳолаш учун қуйидаги омиллардан фойдаланиш қабул қилинган: уй-жой ва ижтимоий инфратузилманинг мавжудлиги; аҳолининг даромад олиш даражаси; ҳудудий меҳнат бозорининг ҳолати; ҳудуддаги аҳоли соғлиғининг ҳолати ва тиббий хизмат кўрсатиш даражаси; демографик ва экологик ҳолат ва бошқалар.

Умуман олганда, ҳududнинг инвестицион жозибадорлик даражаси инвестицион хатар ва инвестицион салоҳиятнинг нисбати билан белгиланади, яъни амалдаги ҳолати ва ҳудуднинг келгусидаги ривожланиш истиқболларидан келиб чиққан ҳолда, мазкур ҳудудга инвестиция қилиш билан боғлиқ хатарлар инвестициялардан олиш мумкин бўлган даромадлар орқали қопланади.

Шуни таъкидлаш керакки, ҳудуднинг инвестицион жозибадорлигини шакллантирувчи омиллар сони назарий жиҳатдан чексиз. Масалан, бугун ҳатто ВИЧ билан касалланган инсонларнинг улуши инвестицион жозибадорлик омилларидан бири бўлиши мумкин. Бироқ, инвестицион жозибадорлик кўрсаткичлари таркибига фақат инвестицион муҳим бўлган, яъни ҳудудий инвестицион фаолликни шакллантиришга таъсир кўрсатадиган омиллар киритилади.

Инвестицион жараёнда субъект (инвестор) ва объект (инвестиция объекти) ўртасидаги алоқалар (инвестицион даромадни олиш мақсадида инвестиция киритиш) муайян муҳит (инвестицион муҳит)да кечади. Тизимли ёндашув инвестицион жараённинг моҳиятини муфассал ёритиш ва асосий тушунчаларини амалий жиҳатдан ифодалашга имкон беради.

Шундай қилиб, таъсир кўрсатувчи омилларнинг ранг-баранглиги ҳудудларнинг инвестицион ривожланишининг барча зарур омилларини ҳисобга олувчи инвестицион жозибадорликнинг интеграл даражасини баҳолаш бўйича ягона тизимли ёндашувни ишлаб чиқиш талаб этилади. Бундай баҳолашдан, авваламбор, давлат инвестицион институтлари, инвестицион бозор инфратузилмалари ва хорижий инвесторлар манфаатдор бўлади.

Бундан ташқари, амалдаги услубиятларнинг мукаммал эмаслиги ҳудуднинг бошқарув аппаратини тез-тез янгилаш, қолаверса, инвестицион жозибадорликни баҳолашга оид шубҳали натижаларга таяниб, нотўғри бошқарув қарорларини қабул қилишга сабаб бўлиши мумкин. Бошқарувдаги хатоликлар, оқибатда, нафақат ҳудуднинг инвестицион жозибадорлигини оширмайди, балки, аксинча – унинг даражаси пасайишига ҳам олиб келади.[1]

Ҳозирги кунда ҳар қандай рейтинглар – банклар рейтинги, корхоналар рейтинги, ҳаттоки, мамлакатлар рейтинги иқтисодий ҳолатни баҳолашда универсал индикатор сифатида қайд этилади. Бироқ, шуни тан олиш ке-

---

[1] ***Изоҳ*:** Ушбу ҳолатлар бўйича батафсил назарий-услубий таҳлиллар мазкур монографиянинг кейинги бобларида келтирилади.

ракки, баҳолаш мезонларини танлаб олиш ҳамда мазкур баҳолаш натижасида олинган натижаларни тушуниш анча мураккабдир. Яъни якуний интеграл кўрсаткичдан сабаб-оқибат алоқалари ва у ёки бу инвестицион мажмуанинг ривожланиш тенденциясини кузатиш ҳар доим ҳам мумкин бўлмайди. Шунга қарамай, инвестицион жозибадорликни ёки унинг алоҳида таркибий қисмларини баҳоловчи рейтинглар инвесторлар томонидан қарорларни қабул қилишда фаол қўлланилмоқда.

Таъсир этадиган омилларнинг сони, ўз моҳиятига кўра, чексиз бўлиши мумкин. Бироқ инвестицион жозибадорлик кўрсаткичлари таркибига фақат инвестицион жиҳатдан муҳим бўлган омиллар, яъни ҳудудларда инвестицион фаолликни шакллантиришга таъсир кўрсатувчи омиллар киритилади.

Замонавий коммуникация воситаларининг мавжудлиги, кредит-молиявий инфратузилмаларнинг ривожланиш даражаси ҳудудга тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларнинг кириб келишига сабаб бўлувчи муҳим омилларидан ҳисобланади. Ривожланган институтларга эга бўлган ҳудуд, яъни аниқ қоида ва меъёрлар асосида қарорларни қабул қилиш, солиқлар солишнинг яхши тизими, аҳолининг фуқаролик мажбуриятларини бажаришда юқори даражадаги иштироки мамлакат ҳудудларининг қулай иқтисодий ҳолатидан дарак беради.

***Инсон табассуми билан тарбиясини, нимага кулгани билан савиясини намоён қилади.***

**Ж.Румий**

## 1.2. ИНВЕСТИЦИОН МУҲИТ ЖОЗИБАДОРЛИГИНИ АНИҚЛАШНИНГ УСЛУБИЙ ЖИҲАТЛАРИ

Мамлакатнинг иқтисодий ривожланишини таъминлашда ҳудудларнинг ўрни, у ерда амалга оширилаётган комплекс тадбирлар, тадбиркорлик учун яратилган шароитлар ҳамда рақобатбардошликни таъминлашга хизмат қиладиган институционал тузилмаларнинг ривожлангани алоҳида аҳамият касб этади. Ялпи ҳудудий маҳсулотнинг йилдан-йилга ошиб бориши иқтисодиётда банд аҳоли даромадларининг ошишини, фирмалар фойдасининг ва давлат бюджетига тушаётган маблағларнинг кўпайишини таъминлайди. Даромаднинг кўпайиши эса, ўз навбатида, товар ва хизматларга бўлган талабнинг ўсишига олиб келади. Ҳудудларда яратилган бойлик мамлакат иқтисодиётининг ўсишига тўғридан-тўғри

боғлиқ эканлигини иқтисодчи олимлар ўз тадқиқотларида эконометрик таҳлиллар орқали исботлаб беришган.

Миллий даромад кўрсаткичининг аҳоли табиий ўсишига нисбатан юқорироқ даражада кўпайиши, табиийки, жон бошига тўғри келадиган даромаднинг ортишига олиб келади. Хусусан, бизнинг юртимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик учун яратиб берилаётган шарт-шароитлар, иқтисодий сиёсатнинг адолатлилик принципи асосида олиб борилаётгани, шунингдек, ҳудудий инвестицион дастурларнинг ўз вақтида тўғри ва тезкорлик билан татбиқ этилиши иқтисодиётда янги иш ўринларининг кўпайишига, оқибатда эса, ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг таъминланишига хизмат қилмоқда.

***Шунинг учун ҳам ҳукуматнинг ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожланишини таъминлашга қаратаётган иқтисодий сиёсати замирида мамлакатнинг иқтисодий ривожланишини таъминлаш, аҳоли фаровонлигини оширишдек, асосий мақсад ётади.***

Ҳудудларда мавжуд иқтисодий ресурсларнинг (ҳудудий бойлик) чекланганлиги туфайли ҳам ишлаб чиқариш имкониятларини оширишнинг энг самарали усули ўша ресурслардан оптимал фойдаланиш ва юқори технологияга асосланган қўшимча капитал ресурсларни сафарбар этишдан иборат. Бунинг учун эса, мамлакат/ҳудудларда инвестицион муҳитни соғломлаштириш ва унинг жозибадорлигини янада ошириш бўйича мантиқий боғлиқликдаги таҳлилларни амалга ошириш долзарб масалалардан ҳисобланади.

Иқтисодчи олим О.А.Бияков ушбу соҳада олиб борилаётган тадқиқотларга конструктив ёндашгани ҳолда, масаланинг моҳиятини илмий-назарий ва илмий-услубий жиҳатдан очиб беришга ҳаракат қилган. Унинг тадқиқоти ва хулосаларига кўра, ривожланишнинг постиндустриал жамият типида ишлаб чиқариш омиллари ўзининг маконли аҳамиятини йўқотиб боради ва ҳудудий жиҳатдан бир-бири билан унчалик ҳам боғлиқ бўлмайди, ушбу жараёнда иқтисодий макон интеграллашган функцияни бажара бошлайди. Бу эса Й.Шумпетер[1] томонидан айтиб ўтилган ишлаб чиқариш омилининг тўртинчи элементидан кейинги ишлаб чиқаришнинг бешинчи мустақил элементини намоён этади.[2]

О.А.Бияковнинг «маконий салоҳият» тушунчасини бир қатор олимлар: Ю.Л.Тарана, Е.Н.Акерман, А.А.Михалчук ва А.Ю.Трифоновлар ривожлантирдилар ва ўзларининг назарий қарашларини тақдим этдилар. Улар-

[1] *Шумпетер Й.А.* История экономического анализа. – СПб.: Экономическая школа, 2004.

[2] *Бияков О.А.* Региональное экономическое пространство: измерение использования потенциала: Автореф. дис.д-ра экон. наук. – Кемерово: 2005. 42 с.

га кўра, маконий салоҳиятнинг иқтисодий маъноси сифатида иқтисодиёт фанининг анъанавий фанлари, яъни макроиқтисодий ва микроиқтисодий алгоритмларга таяниб, минтақани – квазидавлат ва квазифирма тарзида таҳлил этиш лозимлиги таъкидланади.

Бизнинг фикримизча, салоҳиятни минтақа хўжалигининг кенгайтирилган такрор ишлаб чиқаришини (1.2.1-расм) таъминлайдиган шароит ҳамда минтақа рақобатбардошлигини халқаро меҳнат тақсимоти негизида юқорига кўтарувчи геоиқтисодий субъект сифатида таҳлил этиш мақсадга мувофиқдир.

1.2.1-расмдан кўриш мумкинки, такрор ишлаб чиқариш фазаларида ҳудудий бозор инфратузилмалари фаол иштирок этади ва улар томонидан амалга ошириладиган иқтисодий муносабатлар ўзаро доиравий айланув механизмини юзага келтиради. Бунда: ишлаб чиқариш инфраструктураси ишлаб чиқариш фазасида; экологик инфратузилма барча фазаларда; тадбиркорлик инфратузилмаси тақсимлаш ва айирбошлаш фазаларида; иқтисодиётнинг истеъмол фазасида эса, ижтимоий инфратузилма намоён бўлади. Бу ерда нафақат иқтисодиётнинг такрор ишлаб




**1.2.1-расм.**[1]

[1] *Мустафақулов Ш.И.* Ҳудудларнинг салоҳияти: назарий ва услубий қарашларнинг таққослама таҳлили. «Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар» илмий электрон журнал. №5, сентябрь-октябрь, 2016.

чиқарилиши, балки унга хизмат қиладиган инфратузилмалар ўртасида ҳам узвий боғлиқлик, ўзаро айланиш алгоритми амалга ошади.

Ушбу ўринда иқтисодий такрор ишлаб чиқаришни амалга оширишда мамлакатнинг иқтисодий салоҳиятидан максимал фойдаланиш, хусусан, барча моддий ишлаб чиқариш, меҳнат ресурсларини жалб этишда инвестициялар оқими ва уни самарали йўналтириш бўйича мавжуд ҳолатнинг таҳлилини амалга ошириш лозим.

Юқорида таъкидлаганимиздек, инвестицион муҳит жозибадорлиги, ҳар бир ҳудуднинг иқтисодий жиҳатдан тараққий этиши капитал ва меҳнат ресурсларининг салоҳияти, ундан фойдаланиш даражасига боғлиқ. Умум қабул қилинган нуқтаи назарга кўра, айнан ҳудуднинг иқтисодий салоҳияти ва унинг имкониятлари у ерда мавжуд бўлган барча мажмуавий ресурслардан самарали фойдаланиш орқали ҳаётий зарур бўлган неъматларни ишлаб чиқариш билан белгиланади.[1]

ЯИМни харажатлар усули билан ҳисоблаганда, инвестициялар асосий омил (ўзгарувчи) сифатида қайд этиладики, унинг ўзгариши ЯИМга тўғридан-тўғри боғлиқ эканини кўришимиз мумкин. Буни асосий капиталга йўналтирилган маблағлар маъносида талқин қилишимиз ва, айни пайтда, инвестицияларни номоддий активларга, интеллектуал мулкка, айланма активларга, шу жумладан, молиявий воситаларга ҳам тааллуқли[2] эканини унутмаслик лозим.

Чунончи иқтисодий ўсишни таъминлаш учун жамғариш ва инвестицияларнинг юқори суръатларда ўсишининг ўзи етарли бўлмайди. *Иқтисодий ўсишни таъминлаш учун бевосита хорижий инвестициялар ҳаракатидаги тенденцияларни ҳам ҳисобга олиш, инсон капиталига инвестициялар, юқори технологиялар ва техникани яратиш билан боғлиқ бўлган билимларни ривожлантириш, илғор фан-техника ютуқларидан самарали фойдаланиш масалаларини комплекс ҳал этиш ҳам зарур.*

Мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий тизимини акс эттирувчи расмда (1.2.1-расм) изоҳланганидек, иқтисодиётда кенгайтирилган такрор ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш (иқтисодий фазалар назарда тутилмоқда), глобаллашув шароитида корхона ва фирмаларнинг рақобатдошлигини ошириш, товар ва хизматларнинг истеъмолчиларга керакли ҳажмда етиб боришини таъминлашда инвестициялар алоҳида ўрин тутади.

---

[1] *Акерман Е.Н., Михальчук А.А., Трифанов А.Ю.* Типология регионов как инструмент соорганизации регионального развития // Вестник Томского гос. ун-а. Экономика. № 331. С. 126-131.

[2] *Ғозибеков Д.Ғ.* Инвестицияларни молиялаштириш муаммолари. Иқтисод фанлари доктори илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. – Т.: 2002. 15-б.

Маълумки, тасарруфдаги даромадлар микдори кўпайиб бориши билан унинг таркибидаги истеъмол улуши камайиб, аксинча, жамғарма улуши кўпайиб боради. Бу ҳолатни Дж.М.Кейнснинг «асосий психологик қонуни» билан қуйидагича изоҳлаш мумкин: «...бизнинг инсон табиатини яхши ўрганганимиз ва билишимиз, шунингдек, инсонларнинг ўтмиш тажрибасини синчиклаб таҳлил қилиш асносида ишонишимиз лозим бўлган асосий психологик қонун шундан иборатки, кишилар, даромадлари ўсиши билан ўз истеъмолларини ҳам оширишга мойил бўладилар, аммо даромадлари ўсган даражада эмас»[1].

Агар мамлакат ичида жамғариш тенденцияси инвестициялардан кўп бўлса, унда бу мамлакатда экспорт импорт ҳажмидан кўпроқ бўлади. Агар аксинча бўлса, бундай мамлакатнинг экспорт ҳажми унинг импортидан кам бўлади. Ўз имкониятларига қараганда ортиқроқ истеъмол қилувчи мамлакат ташқаридан, четдан жалб қилинадиган инвестициялар ҳисобига ўз экспортининг импортдан ортиқ бўлишига интилади. Бундай ҳолда жалб қилинган инвестициялар кредит тусини олади.[2]

**Инвестицион фаолият, инвестицион салоҳият ва инвестицион жозибадорликка таъсир кўрсатадиган омиллар таҳлили.** Инвестиция фаолиятини тартибга солишда энг муҳим ва ҳал қилиниши лозим бўлган масалалардан бири – чет эл инвестициялари иштирокидаги корхоналарни ҳудудлар бўйлаб мақбул даражада бир текис жойлаштиришдир. Ҳудудларнинг табиий шарт-шароити, у ерда яратилган бизнес муҳит, ижтимоий-сиёсий, ташкилий-бошқарув принципларининг адолатли йўлга қўйилгани, аҳолининг бизнес юритишга ва тадбиркорликни амалга оширишга бўлган иштиёқи, рискка мойиллиги ҳамда меҳнат ресурсларининг малакаси, турли хилдаги институционал тузилмаларнинг мавжудлиги, уларнинг ривожлангани каби омиллар инвестицион жозибадорликни намоён этадиган муҳим шартлардан ҳисобланади.

Зоналарни ташкил этиш ва зонал сиёсат бўйича илмий тадқиқотларни олиб борган Ҳ.Р.Ҳамроев қуйидагиларни ўз тадқиқотларида батафсил очиб берган.

**Зонал сиёсат** – бу мамлакатда эркин иқтисодий ҳудуд (ЭИҲ)ларни яратиш бўйича ҳамда регион, тармоқ, соҳа ва алоҳида корхоналарнинг потенциалини чуқур ўрганиб, ушбу потенциални реализация қилиш тизимини ишлаб чиқиш бўйича давлатнинг олиб борадиган чора-тадбирлар мажмуаси бўлиб, унга мамлакатда шаклланган меҳнат тақсимотини

[1] *Кейнс Дж.М.* Общая теория занятости, процента и денег. – М.: 1978.

[2] *Ғозибеков Д.Ғ.* Инвестицияларни молиялаштириш муаммолари. Иқтисод фанлари доктори илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. – Т.: 2002. 33-б.

самарали ривожланишини режалаштиришнинг бир қуроли, деб қараш керак.

ЭИҲларни мамлакатда мавжуд ресурсларни самарасиз ишлатилаётган соҳа, тармоқ ва регионлардан самарали ишлатиб бўладиган соҳа, тармоқ, регионга оқишига кўмаклашувчи восита, деб қараш зарур. Зонал сиёсат мамлакатда ЭИҲлар эркин ва самарали фаолият юритиши учун умумдавлат микёсида шароитни яратишга хизмат қиладиган сиёсатдир, бунинг учун эса:

- ишловчан, самарали норматив-ҳуқуқий базани яратиш;
- ҳудудлар ташкил этишнинг умумий тамойил ва шарт-шароитларини ишлаб чиқиш;
- ҳудудни ташкил этиш ва ликвидация қилиш тартибларини белгилаш;
- солиқ солиш ва солиқ имтиёзлари тизимини белгилаш;
- валюта тартибини аниқлаб бериш;
- ўзаро ҳисоб-китоблар тартибини белгилаш;
- божхона чегаралари ва тартибини белгилаб бериш;
- бўлиши мумкин бўлган салбий оқибатларни бартараф этишнинг иқтисодий механизмини яратиш;
- ҳудудда кредит сиёсатининг тамойилларини белгилаш;
- хорижий инвестицияларни жалб қилишнинг иқтисодий механизмларини ишлаб чиқиш лозим.[2]

ЭИҲларни яратиш тажрибаси шуни кўрсатмоқдаки, уларни ўзига хослиги кўплаб омилларга боғлиқ: ташкил этиш хусусиятлари, бошқаришнинг иқтисодий ва ҳуқуқий механизми, жойлашган мамлакат ва регионнинг географик муҳити, ҳудуд типи, майдоннинг катта-кичиклиги ва ҳоказолар.

Аммо, ЭИҲнинг муваффақиятли фаолияти, биринчи навбатда, давлат олиб бораётган зонал сиёсатга боғлиқ. Бундан ташқари, пухта олиб бориладиган зонал сиёсат мамлакат иқтисодиётини барқарорлашига жуда катта ёрдам беради, хориждан катта миқдорда инвестициялар оқиб келишига имкон беради, мамлакатнинг экспорт потенциалини оширишга олиб келади.

Тадқиқотчилар зонал сиёсатнинғ жаҳон амалиётида пайдо бўлиши ва ривожланишига қуйидаги омиллар таъсир қилишини таъкидлашган: иқтисодий наф, замонавий техника ва технологияни жадал суръатда яра-

[1] *Хамроев Ҳ.Р.* Зонал сиёсат: методология, хорижий тажриба ва қўллаш йўналишлари. Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси «Фан» нашриёти, 2008.

тиш ва қўллаш, сиёсий омиллар, геополитик сабаблар, мамлакатлар ўртасида объектив интеграциянинг зарурлиги ва бошқалар.

Эркин иқтисодий ҳудуд яратиш мамлакатнинг иқтисодий рақобатбардошлигини оширишнинг синалган ва энг самарали қуролидир. ЭИҲ – бу мамлакатнинг имижи ҳам. ЭИҲлар, ҳатто, ёмон фаолият юритган тақдирда ҳам мамлакатни либераллашувига хизмат қилади. ЭИҲга оқилона ёндашилганда, унинг фаолият юритиш механизмлари чуқур ўрганилиб, оқилона жорий этилганда, у мамлакат иқтисодиётини сифат жиҳатдан юқорироқ даражага олиб чиқиш имконини беради. ЭИҲ қайси мамлакатда, унинг қайси ҳудудида яратилмасин, у ижтимоий лойиҳадир. Ҳудудни яратиш нафақат ҳудуд учун қўшимча даромад келтиради, балки бутун мамлакат учун турли шаклда фойдали қайтим беради, жумладан:

- хорижий инвесторлар билан мулоқот қилишга имкон берувчи фирмалараро коммуникацияни яратади;
- иқтисодий маданиятни, шу жумладан, тадбиркорлик маданиятини халқаро даражага кўтаради;
- ҳудудда янгича ишлаётган мутахассис кадрлар илғор тажрибани ўзлаштириб, секин-аста уни ҳудуддан ташқаридаги корхоналарга ҳам ёядилар;
- мамлакатдаги инфраструктуранинг фойдали иш коэффиценти кўтарилади;
- мамлакатда рақобат самараси юзага чиқади, яъни ҳудуддаги корхоналар ҳудуддан ташқарида жойлашган корхоналарни ўзлари билан рақобат қилишга мажбур қилади;
- «Тадбиркорлик сифати самараси»ни беради, яъни ЭИҲ атрофида халқаро стандартлар таркиб топади, ривожланади (маҳсулот сифатида, инфраструктура даражасида, бизнес муносабатларида, профессионал менежмент масалаларида).[1]

Амалий ҳаётда чет эл инвесторлари бирор бир мамлакат иқтисодиётига инвестицияларини киритиши билан боғлиқ бўлган қарорларни қабул қилиши учун ўша мамлакатларнинг бизнесни ташкил этиш ва уни юритиш учун яратган шарт-шароитлари, инвестицион муҳитни соғломлаштириш бўйича олиб бораётган ижтимоий-иқтисодий сиёсати, хусусан, хорижий компанияларнинг ҳеч қандай монеликсиз кириб келиши, фаолият олиб бориши учун эркин иқтисодий ва махсус зоналарнинг ташкил этилга-

---

[1] *Хамроев Ҳ.Р.* Зонал сиёсат: методология, хорижий тажриба ва қўллаш йўналишлари. Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси «Фан» нашриёти, 2008.

ни, солиқ ва бошқа молиявий имтиёзларнинг мавжудлигига эътибор қаратишади.

Шунинг учун ҳам кўпгина ривожланган трансмиллий компаниялар (ТМК) тўғридан-тўғри инвестицияларни бирор бир мамлакат иқтисодиётига киритишдан олдин халқаро рейтинг агентликлари томонидан эълон қилинадиган, хусусан, Жаҳон банкининг «Бизнесни юритиш»[1], Бутунжаҳон иқтисодий форумининг «Глобал рақобатбардошлик индекси»[2], Тинчлик учун жамгармасининг «Давлатларнинг фаолиятсизлик индекси»[3] каби рейтинг кўрсаткичларига жиддий диққат қаратишади (1.2.1-жадвал).

*1.2.1 - ж а д в а л*

**Инвесторлар учун инвестицион муҳит ва мамлакатларнинг жозибадорлигини намоён этадиган рейтинглар.[3]**

| Рейтинг | Рейтингни тузувчи ташкилотлар | Баҳоланадиган параметрлар | Ахборотлар манбаи |
|---|---|---|---|
| *Бизнесни юритиш* | Жаҳон банки | Бизнесни юритиш учун ҳуқуқий муҳит | Статистик ва ҳуқуқий ахборотлар, экспертлардан сўровномалар |
| *Глобал рақобатбардошлик индекси* | Бутунжаҳон иқтисодий форуми | Мамлакатларнинг ижтимоий-иқтисодий параметрлари | Статистик ахборотлар ва компания раҳбарларидан сўровномалар |
| *Давлатларнинг фаолиятсизлиги* | Тинчлик учун индекси жамғармаси | Мамлакатда истиқомат қилаётган инсонлар ва фаолият юритаётган компаниялар учун мавжуд хавфлар | Ахборотларни тўплаш ва таҳлил қилишнинг ички тизими |

Мамлакатларнинг инвестицион жозибадорлиги бир қанча омилларга, яъни сиёсий, иқтисодий, ижтимоий, маданий, ташкилий-ҳуқуқий ва жуғрофий омилларга боғлиқдир. Ушбу омиллардан келиб чиқиб, инвесторлар мамлакатга инвестицияларни киритиш ёки киритмаслик тўғрисида қарор қабул қилишади. Жаҳон банки томонидан ҳар йили эълон қилинадиган «Doing Business» ҳисоботида турли мамлакатларнинг 6700 дан ортиқ экспертлари томонидан 189 та мамлакатнинг бизнесни юритиш бўйича (жами 10 индикатори) рейтинги эълон қилиб борилади (*булар бўйича тўлиқ маълумот монографиянинг 4-бобидан ўрин олган*).

[1] http:// www.doingbusiness.org

[2] http://weforum.org

[3] http://ffp.statesindex.org

[4] http:// www.doingbusiness.org, http://weforum.org, http://ffp.statesindex.org интернет сайтлари орқали тайёрланган.

Мазкур рейтингда акс этган барча кўрсаткичларни ҳам мукаммал деб бўлмайди, албатта. Уларда қуйидаги муҳим омиллар: макроиқтисодий сиёсат, инфратузилмаларнинг сифати, ишчи кучининг малакаси, валюта курсларининг тебраниб туриши, инвесторларнинг фикри, коррупциянинг хавфи ва унинг даражаси билан боғлиқ омиллар акс этмасдан қолган.

Жаҳон банки томонидан эълон қилиб бориладиган рейтингда бизнесни очиш ва уни юритиш бўйича давлат томонидан яратилган маъмурий таомиллар ўрин олган бўлиб, унда ҳам мамлакатнинг иқтисодий потенциалига тегишли бўлган асосий омиллар (бозор ҳажми, ишчи кучининг нархи ва б.), шунингдек, потенциал инвестор дуч келиши мумкин бўлган хавфлар инобатга олинмаган.

Бутунжаҳон иқтисодий форуми томонидан эълон қилинадиган рақобатбардошлик индексида мамлакат ва унда мавжуд бўлган институтларнинг ўрта муддатли даврда барқарор иқтисодий ўсишини таъминлаш имкониятлари бўйича маълумотлар эълон қилиб борилади. Жуда катта ҳажмдаги статистик маълумотлар банки ва компаниялар бошқарувчиларидан ўтказиладиган сўровномалар асосида жами 113 номдаги ўзгарувчилар бўйича Глобал рақобатбардошлик индекси (The Global Competitiveness Index) ҳисоблаб чиқарилади. Умумий фойдаланиш мумкин бўлган статистик маълумотлар жами маълумотларнинг 1/3 қисмини ташкил этади, қолгани эса, турли хилдаги анкета-сўровномалари асосида тўпланади.[1]

Мазкур тадқиқотларда давлат/ҳududнинг инвестицион жозибадорлигини аниқлашнинг усул ва воситалари келтирилган бўлиб, фойдаланилган формулалар инвестициялар жозибадорлигини интеграл баҳолашга хизмат қилади (1.2.2-жадвал).

***1.2.2-жадвал***

**Инвестицион жозибадорликни акс этадиган кўрсаткичлар тизими**

| Гуруҳ | Кўрсаткич |
|---|---|
| 1. Иқтисодий жозибадорлик | Макроиқтисодий барқарорлик (*mb*) |
| | Меҳнат бозорининг самарадорлиги (*mbs*) |
| | Инфратузилмаларнинг сифати (*is*) |
| | Инстутларнинг сифат даражаси (*isd*) |
| | Ички бозорнинг имконияти/ҳажми (*ibh*) |
| | Технологияларнинг ривожланиш даражаси (*trd*) |
| | Инновацион салоҳият (*is*) |

[1] *Schwab K.* World Economic Forum: The Global Competitiveness Report. Geneva: World Economic Forum, 2013.

| Гуруҳ | Кўрсаткич |
|---|---|
| **2. Ҳуқуқий жозибадорлик** | Ҳуқуқий нуқтаи назардан бизнес қилиш учун яратилган қулай шароитлар |
| **3. Инвестициялаш жараёнида рисклар** | Демографик босимнинг даражаси (*dbd*) |
| | Олиб борилаётган сиёсатдан ва ҳаётдан норози бўлган аҳолининг қатлами (*nb*) |
| | Давлат тузилмаларида авж олган коррупция ҳолати (*dtk*) |
| | Инсон ҳуқуқ ва эркинликларининг поймол бўлиш даражаси (*ihepb*) |
| | Юқори бошқарув гуруҳларининг таъсир кўрсатиш даражаси (*ybog*) |
| | Давлат хавфсизлик органларининг таъсир кўрсатиш даражаси (*dxot*) |
| | Бошқа давлат/ҳудудларнинг таъсир кўрсатиш даражаси (*bt*) |

**М а н б а:** *Schwab K. World Economic Forum: The Global Competitiveness Report. Geneva: World Economic Forum, 2013*

Бутунжаҳон иқтисодий форуми иқтисодий жозибадорликни аниқлашда қуйидаги формуладан фойдаланади:

$$IJ = mb + mbs + is + isd + ibh + trd + is \qquad (1.1)$$

*IJ* – «Иқтисодий жозибадорлик» бўйича давлатга берилган балл.

Ҳуқуқий жозибадорликни аниқлашда «бизнесни юритиш» рейтингидан фойдаланилади.

$$HJ = \frac{1}{DB} \qquad (1.2)$$

Бу ерда, *HJ* – ҳуқуқий жозибадорлик; *DB* – «Doing business»да давлатнинг рейтинги.

$$Risk = \frac{1}{dbd + nb + dtk + ihepb + ybog + dxot + bt} \qquad (1.3)$$

Бу ерда, *risk* – инвестициялаш жараёнида рискнинг мавжудлик даражаси: кўрсаткич қиймати қанчалик катта бўлса, капитал қўйилмаларни жойлаштиришда риск даражаси шунчалик кичик бўлади.

Навбатдаги лойиҳа Тинчлик учун жамғармаси (The Fund for Peace) томонидан 12 та тамойил асосида учта гуруҳга (иқтисодий, ижтимоий ва сиёсий) бўлган ҳолда, инвестицион муҳитни англатувчи давлатнинг фаолиятсизлик индексидир. Ижтимоий гуруҳга: демографик босим даражаси, миграция даражаси, ҳаётдан норози бўлганлар сони, давлатдан чиқиб кетган эмигрантлар; иқтисодий гуруҳга: иқтисодий ўсишнинг номутаносиблиги, иқтисодий бсқарорлик даражаси; сиёсий гуруҳга – давлат

тузилмаларининг криминалга алоқадорлиги, жамоат ташкилотлари хизматининг сифати, инсон манфаатлари ва қонунларнинг поймол бўлаётганлиги, турли гуруҳ ва уруғларнинг таъсир доираси, бошқа давлатларнинг мамлакатнинг ички ишларига аралашуви каби омиллар инобатга олинади.[1]

Инвестиция муҳити (ёки инвестицион муҳит) жуда кенг маънода ишлатиладиган тушунча бўлиб, инвестор томонидан ҳисобга олинадиган барча муаммолар ва масалаларни ўз ичига қамраб олади. Инвестор томонидан маълум бир давлатга инвестиция қилишнинг қулай ва ноқулай томонлари баҳоланади, шу билан бир қаторда, ўз капиталини киритмоқчи бўлган мамлакат мафкураси, сиёсати, иқтисодиёти ва маданиятига катта аҳамият берилади.

Инвестиция муҳитининг ҳар томонлама, чуқур таҳлил қилиниши асосида инвестиция таваккали аниқланади. Инвестиция муҳити ва таваккал даражалари бир-бирларига тескари нисбатдадир. Яъни инвестиция муҳити қанчалик қулай бўлса, инвесторнинг тадбиркорлик таваккали шунчалик паст даражада бўлади ва бу инвесторларнинг кириб келишини кўпайтиради. Аксинча, инвестиция муҳити ноқулай бўлса, таваккал даражаси юқори бўлади. Бу эса, инвестиция қабул қилувчи томоннинг сарф-харажатлари ўсишига олиб келади.[2]

Инвестиция муҳити объектив категория бўлиб, у ўзида ҳар бир алоҳида олинган вақт доирасида инвесторлар учун ҳақиқатда мавжуд бўлган шарт-шароитлар мажмуасини акс эттиради. Хусусан, давлат ҳокимиятининг таъсирчанлиги инвестиция муҳитини аниқловчи омиллардан биридир. Шундан келиб чиқиб, ҳар бир капитал жалб қилувчи мамлакат маълум бир инвестиция тизимига эгалигини таъкидлаш мумкин. Бу тизим ҳуқуқий меъёрлар ва муассасалардан иборат хорижий инвестицияларни қабул қилиш тизими ва инвестиция муҳитини ўз ичига олади. Хорижий капитални қабул қилиш тизими инвестиция муҳитининг компоненти бўлиб хизмат қилади ва унга нисбатан мустақил равишда ташкил этилади.

Чунки, у инвестиция муҳитини ўзгартиришга қодирдир. Хорижий инвестицияларни қабул қилиш тизими қабул қилувчи томонни хорижий капитални миллий иқтисодиётга қулай равишда кириб келишини намоён этса, инвестиция муҳити кириб келган капитални мамлакат ичида оптимал равишда ўсиб бориш вазиятига баҳо беради. Инвестиция муҳити

[1] The Failed States Index Rankings. URL: http://ffp.statesindex.org/rankings.

[2] *Пинали Э.* Инвестиционный климат и частный сектор. // Экономическое обозрение. 2005., № 9, С. 42–43.

иқтисодиётда янги тушунча эмас, аммо мустақил Ўзбекистон шароитига нисбатан алоҳида ишлаб чиқилмаган.[1]

***Бизнинг фикримизча, инвестицион муҳит – инвестицион жараёнлар амалга ошадиган шароит бўлиб, у ҳудуднинг инвестицион фаолияти ҳамда инвестицияларнинг риск даражасини аниқлайдиган сиёсий, иқтисодий, ҳуқуқий, ижтимоий ва бошқа омиллар таъсирида шаклланади.***

Ижобий инвестицион муҳитни яратиш масаласида иқтисодиётнинг глобаллашувини асосий жараён сифатида талқин қилиш ва бунинг натижасида инвестицион ресурсларга эга бўлиш кўламининг кенгайишини, ўз навбатида эса, инвесторлар ўртасида ҳам рақобатнинг кучайишини назардан четда қолдирмаслик лозим. Агар биз четдан келадиган хорижий инвестициялар ҳажмини оширишни истасак, албатта, инвестицион муҳитни, ҳудудий шарт ва шароитларни бошқаларга (рақобатчиларга) қараганда янада мақбул ва юқори даражага чиқаришни, шунингдек, ички (миллий) инвестицияларни фаоллаштириш учун ҳам «иқлим»нинг қулай ва ортиқча рискдан ҳоли бўлишини таъминлашга эътибор қаратишимиз зарур.

Акс ҳолда, мамлакатга кириб келадиган инвестициялар ҳажмининг кескин қисқариши, маҳаллий инвесторлар маблағларининг эса четга чиқиб кетиши содир бўлади. Ушбу фикрларга келишимизга мазкур соҳада илмий-тадқиқот ишларини олиб борган маҳаллий олимларнинг илмий ишларини чуқур ўрганиш ва таҳлил қилиш орқали келганимизни қайд этиш жоиз (*1-илова*).

Инвестор ўз ҳудудида ёки бошқа ҳудудларга инвестиция киритиши бўйича қарор қабул қилганда инвестицион муҳит жозибадорлиги бўйича тўлиқ тасаввурга эга бўлиши талаб этилади (1.2.2-расм).

Ўзбекистон учун инвестиция муҳитини яхшилашнинг бош масалаларидан бири солиқ тизимини такомиллаштириш, деб ҳисоблаймиз. Зеро, кўплаб хорижий ва маҳаллий иқтисодчи олимлар солиқлар ва солиққа тортиш механизмига жамиятни ривожлантиришнинг муҳим қуроли сифатида қарашган. Бу ўринда Адам Смитнинг қуйидаги сўзларига эътибор қаратиш керак бўлади: «...давлатни юқори даражадаги фаровонликка кўтариш учун фақатгина тинчлик, енгил солиқлар ва бошқаришда чидамлилик керак, бошқа ҳамма нарсалар ва буюмлар учун эса табиий ҳаракат лозим»[2].

---

[1] *Хамроев Ҳ.Р.* Зонал сиёсат: методология, хорижий тажриба ва қўллаш йўналишлари. Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси «Фан» нашриёти, 2008.

[2] *Майбурд Е.М.* Введенис в историю экономической мысли. От пророков до профессоров. – М.: 1996.




**1.2.2-расм.**[1]

Инвестицион муҳит таркибига қуйидагиларни киритиш мумкин:

**Инвестицион салоҳият** – мамлакатнинг инвестицияларни кириб келиши учун очиқлиги ва иқтисодий ресурслар заҳираларининг мавжудлиги, уларнинг ҳажми билан белгиланади.

**Инвестицион риск** – инвесторларга яратиб берилган шароитлардан келиб чиқиб, уларнинг даромад олиши ва/ёки уни йўқотиш эҳтимоллиги.

**Инвестицион салоҳиятни 9 та гуруҳга бўлиб талқин қилиш мумкин (1.2.2-расм):**

- ***табиий-ресурс салоҳияти (фойдали қазилма бойликларнинг захираси);***
- ***ишлаб чиқариш (аҳоли томонидан хўжалик фаолиятини юритиш орқали яратилган моддий бойлик);***
- ***инновацион (илм-фаннинг ривожланиш даражаси ва илмий-техника ютуқларини татбиқ этиш ҳолати);***
- ***меҳнат (меҳнат ресурсларининг сони, ёши, билими ва малака даражаси);***
- ***молиявий (солиқ солиш базасининг ҳажми, ҳудудда мавжуд бўлган корхоналарнинг фойдаси, аҳоли даромади);***
- ***институционал (етакчи бозор институтларининг ривожланганлик даражаси);***
- ***инфратузилма (ҳудуднинг иқтисодий-географик ҳолати ва унинг инфратузилмавий таъминланганлиги);***
- ***истеъмол (аҳолининг ялпи харид қобилияти, яъни истеъмол талаби);***
- ***туристик (туристларнинг ташриф буюришлари учун мавжуд масканлар, диққатга сазовор объектлар).***

---

[1] Муаллиф томонидан тузилган.

*Инвестицион салоҳият айнан инвестицион жозибадорликни юзага келтиради ва уни оширишга хизмат қилади (1.2.3-жадвал). Инвестицион жозибадорликка инвестицион риск тескари (салбий) таъсир кўрсатади.*

Юқорида баён этилган фикрларни давом эттирган ҳолда, инвестицион рискни ва уни интеграл баҳолашни қуйидаги гуруҳларга бўлиб талқин этиш мумкин:

- молиявий (давлат/маҳаллий бюджет ва корхоналар бюджетининг баланслаштирилгани);
- иқтисодий (ҳудуднинг иқтисодий ривожланиш тенденцияси);
- ижтимоий (ҳудуднинг ижтимоий ҳолати);
- жиноятчилик (ҳудуддаги криминал вазият, тез-тез содир бўладиган оғир жиноятлар, иқтисодий жиноятлар ва босқинчилик ҳолати);
- экологик (атроф-муҳитнинг ифлосланиши);
- бошқарув (мақсадли дастурларнинг мавжудлиги, бошқарув фаолиятининг ривожланганлик даражаси, бюджет ва унинг устидан оқилона бошқарув).

Турли хилдаги барча инвестициялар учун ҳар хил кўринишдаги инвестицион муҳитнинг мавжудлиги эътиборлидир. Бинобарин, у ёхуд инвестор ва инвестицияни қабул қилувчи шахслар ҳеч қачон бир хилдаги мақсадни кўзламайди.

*Инвестицияни қабул қилувчи томон минимал ресурсларни жалб этиш эвазига комплекс тарзда ижтимоий-иқтисодий вазифаларни амалга оширишни, иккинчи томон эса, узоқ муддат давомида максимал фойда олишни кўзлаб ҳаракатланади. Шунинг учун инвестициялар бозорида талаб ва таклиф қонунларининг амал қилиши (манфаатлар уйғунлиги) ва мувозанатликни таъминлаш билан боғлиқ жараёнлар кечади.*

Шуларни ҳисобга олиб, узоқ муддатли оралиқда инвестицион муҳитнинг барқарор бўлиши, шу билан бирга, инвестицион иқлим ижтимоий такрор ишлаб чиқариш фазаларида иштирок этадиган (истеъмол қилинадиган) омиллар (ресурсларга) бўлган талабдан келиб чиқиб, ўзгарувчан бўлиши лозим.

Ҳозирги ижтимоий-иқтисодий шароитда инвестицияларнинг кириб келиши инновацион соҳаларнинг ривожланишига ва инновацион тадбиркорликнинг тараққий этишига, инвестицион иқлимга ва инвестициялаш механизмига боғлиқдир.

Минтақавий иқтисодиёт бўйича амалга оширилган илмий изланишларни ўрганиш асносида мазкур тадқиқотда ҳудудларнинг инвестицион жозибадорлигини кўрсатувчи омиллар гуруҳлангани ҳолда ягона тизимга

келтирилди. Бунда асосий гуруҳлар сифатида ҳududнинг комплекс кўрсаткичлари акс этадиган ижтимоий-иқтисодий салоҳиятни англатувчи нуқтаи назарлар ва илмий-амалий қарашлар умумлаштирилган ва классификацияланган (1.2.3-жадвал).

Тадқиқотларнинг гувоҳлик беришича, агар инвестиция муҳити яхши бўлса, бир томондан, ички инвестициянинг ўсишига, мўлжалланган харажатлар таркибида истеъмолга нисбатан жамғаришнинг кўпайишига имкон беради. Бу эса, иқтисодий ўсиш суръатлари юқори бўлишининг кафолатидир.

*1.2.3-жадвал*

**Мамлакатнинг инвестицион салоҳияти ва унга таъсир кўрсатадиган омиллар мажмуаси[1]**

| № | Гуруҳ | Кўрсаткич тўплами |
|---|---|---|
| I. ХУДУДЛАРНИНГ ИНВЕСТИЦИОН САЛОҲИЯТ ДАРАЖАСИГА ТАЪСИР КЎРСАТУВЧИ ОМИЛЛАР | | |
| 1. | **Табиий-географик салоҳият** | – хом ашё ресурслари: минерал хом ашёлар; ер ва сув; ёқилғи-энергетика; турли хилдаги руда ва металлар. |
| 2. | **Меҳнат салоҳияти** | – ҳудуднинг демографик салоҳияти: аҳоли зичлиги; меҳнат ресурсларининг сони ва сифати; ишчи кучи; меҳнатга тўланадиган ўртача ойлик иш ҳақи; ишсизлар сони; ишлаётганлар ва ишсизларнинг ёш даражаси; ишсизларнинг малакаси ва савияси. |
| 3. | **Ишлаб чиқариш салоҳияти** | – ишлаб чиқариш қувватлари: ялпи ҳудудий маҳсулот (ЯҲМ); асосий воситаларнинг ҳолати; ишлаб чиқариш омилларининг унумдорлиги; ҳудуднинг тармоқлар ва соҳалар кесими бўйича ихтисослашуви; импорт ва экспортнинг ҳажми. |
| 4. | **Инновацион салоҳият** | – ҳудуднинг фан-техника салоҳияти: илмий-техникавий ютуқлар; фан ва илмий даражага эга бўлганлар; илмий-техникавий лойиҳалар ҳажми; илм билан шуғулланаётганлар; ҳудудда мавжуд бўлган илмий текшириш ва тажриба-конструкторлик институтлари/филиаллари. |
| 5. | **Институционал салоҳият** | – республика ва маҳаллий қонунчилик: истеъмолчиларнинг ҳуқуқлари; корпоратив бошқарув принциплари; соғлом рақобат муҳити; бизнесни юритиш учун яратилган шароит ва ахборот таъминоти; бухгалтерия ҳисоби ва статистик ҳисоботлар; молиявий бозорлар ва институтларнинг ривожланганлиги. |
| 6. | **Инфраструктура салоҳияти** | – инфраструктура таъминоти: ҳудудда мавжуд бўлган сув ва электр-энергияларнинг ҳолати; аэропорт, автомобиль ва темир йўлларнинг мавжудлиги; ахборот-коммуникация технологияларининг ривожланганлиги. |
| 7. | **Молиявий салоҳият** | – молиявий салоҳиятнинг асосий мезонлари: тижорат банклари томонидан хўжалик юритувчи субъектлар фаолияти учун |

[1] Муаллиф ишланмаси.

| № | Гуруҳ | Кўрсаткич тўплами |
|---|---|---|
| | | берилган кредитлар ҳажми; аҳоли томонидан миллий ва хорижий валюталарда банк депозитларига қўйилган маблағлар ҳажми; юридик шахсларнинг банклардаги депозитлари (миллий ва хорижий валютада) ҳажми. |
| 8. | Истеъмол салоҳияти | – ҳудуд аҳолисининг истеъмолга бўлган талаби: иш ҳақи; даромаднинг бошқа барча кўринишлари (рента, ижара, дивиденд, фоиз, фойда, нафақа, субсидия ва б.) |
| 9. | Туристик салоҳият | – туристик масканлар: ҳудудда мавжуд бўлган тарихий обидалар, асори-атиқалар, эко ва агро тизим, туристларга хизмат қиладиган ижтимоий-маиший объектларнинг ривожланганлиги. |




**М а н б а:** *Мустафакулов Ш. Инвестицион фаолият, салоҳият ва жозибадорлик. Бозор, пул ва кредит. Илмий-амалий ойлик журнал. 4/2017, апрель (239), 10–19-б.*

**1.2.3-расм.**

| № | Гуруҳ | Кўрсаткич тўплами |
|---|---|---|
| | **II. ИНВЕСТИЦИОН РИСКЛАР ДАРАЖАСИНИ БАҲОЛАЙДИГАН ОМИЛЛАР** | |
| 1. | Ҳуқуқий рисклар | – ҳудудларда ҳуқуқий (қонуний) рискларни баҳолашнинг асосий йўналишлари: инвестиция дастуридан жой олган соҳа ва тармоқларни молиялаштириш борасидаги ҳуқуқий шарт-шароитлар; ҳуқуқий базанинг ривожланганлиги (ҳолати); инвестицияларни ҳимоя қилиш/муҳофазалаш ва инвесторлар учун яратилган имтиёзларнинг ҳуқуқий асослари, унинг кўлами; ишлаб чиқариш ресурсларидан фойдаланиш бўйича алоҳида тартиблар. |
| 2. | Сиёсий рисклар | – сиёсий рискни баҳолашда эътибор қаратиладиган жиҳатлар: аҳолининг сиёсий жараёнларга ва партиялар ҳаракатига бўлган муносабати; парламент ва президентлик сайловларидаги иштироки; маҳаллий ҳокимиятнинг обрўси; қонунчилик ва ижро ҳокимиятининг олиб бораётган тадбирлари; сиёсий партиялар ва турли гуруҳлар томонидан амалга оширилаётган демократик ҳаракатлар; ҳар-хил диний ва миллий, этник гуруҳларнинг |

| № | Гурух | Кўрсаткич тўплами |
|---|---|---|
| | | ҳаракати; миллатлараро муносабатларнинг ҳолати; ҳокимиятни сақлаб қолиш бўйича амалга ошириладиган тадбирлар. |
| 3. | **Ижтимоий (социал) рисклар** | – ҳудуднинг ижтимоий ҳаётини акс эттирувчи кўрсаткичлар ва социал рисклар: аҳолининг ҳаётва турмуш тарзи; ижтимоий инфратузилмаларнинг ҳолати; демографик ҳолат аҳолининг сони, ёш даражаси, оилалар сони ва таркиби, миграция ва табақаланиш, аҳолининг ўта бой ва камбағал қатлами ўртасидаги нисбат; даромад даражаси ва уни топиш манбалари; харид қуввати; харажатлар ва эҳтиёжнинг таркиби ва даражаси; уй-жойлар, транспорт ва алоқа, таълим ва маданият; ишсизлик, қўнимсизлик ва ишдан бўшашлар. |
| 4. | **Иқтисодий рисклар** | – инвестицияларнинг кириб келиши учун яратилган иқтисодий шарт-шароитларга таъсир кўрсатадиган омиллар: маҳаллий ва жаҳон бозорида рўй бераётган ўзгаришлар ва бозорларнинг кўлами; товар ва хизматларни ишлаб чиқариш ва уларни сотиш ҳажми, нархлар даражаси (бозор талаби); ҳудудларнинг умумреспублика импорти ва экспортидаги улуши; давлат томонидан олиб борилаётган иқтисодий сиёсат ва ҳудудларнинг иқтисодий ривожланишини таъминлашга қаратилган иқтисодий чора-тадбирлар; умумий капиталда чет-эл компания ва ташкилотларининг (ҳуқуқий ва жисмоний шахслар) улуши; дивидендларни тўлаш ва хорижга ўтказиш бўйича имкониятлар; қисқа ва узоқ муддатли банк ва нобанк кредитларни олиш имконияти; миллий валютани конвертация қилиш; юқори самарали инвестицион объектлар. |
| 5. | **Экологик риск** | – инвестицион иқлимни баҳолашда зарур бўладиган асосий йўналишлар: атроф-муҳитнинг ифлосланганлиги; атроф-муҳитнинг радиацияланганлиги; сув, биоресурслар, тупроқ ва ер ресурсларининг ҳолати ва техноген ўзгаришлар. |
| 6. | **Криминал риск** | – ҳудудда криминал вазиятни баҳолашнинг асосий йўналишлари: ҳудудда содир бўладиган жиноятларнинг даражаси; буюртма асосида содир бўладиган жиноятлар, хунрезликлар; давлат ташкилотларида мавжуд бўлган таъмагирлик ва коррупция ҳолатларининг даражаси. |
| | | **III. ИНВЕСТИЦИОН ФАОЛЛИК** |
| 1. | **Инвестицион фаолликни акс эттирувчи омиллар** | – янги қувватларнинг фойдаланишга топширилиши;<br>– корхонанинг иқтисодий салоҳияти;<br>– капиталнинг марказлашуви;<br>– инвестицион лойиҳаларни амалга оширишнинг интенсивлиги;<br>– маҳсулотларнинг энерготежамкорлиги;<br>– инвестицион лойиҳаларни амалга ошириш фазалари ва вақтининг қисқариши. |




**Манба:** *Мустафакулов Ш. Инвестицион фаолият, салоҳият ва жозибадорлик. Бозор, пул ва кредит. Илмий-амалий ойлик журнал. 4/2017, апрель (239), 10–19-б.*

**1.2.3-расм.** ***Инвестицион фаоллик омиллари.***

Юқорида зикр этилган ранг-баранг омилларнинг ижобий тарздаги концентрацияси хориждан инвестицияларнинг фаол кириб келишига имкон беради. Бу эса, табиийки, қўшимча иш жойлари, қўшимча даромад, иқтисодиётнинг ўсишига қўшимча имкониятдир. Бунга қўшимча энг муҳими – хорижий инвесторлар ўзлари билан нафақат капитал олиб кирадилар, балки ўз мамлакатларида бўлган илғор билим ва тажрибани ҳам олиб келадилар. Бу ҳам мамлакатнинг келгуси иқтисодий ўсишига имкон туғдиради.

Табиийки, дунёдаги барча давлатлар ўзларидаги инвестицион муҳитни яхшилаш устида иш олиб боради. У ёки бу давлат мазкур масалага озгина эътибор бермаса, хорижий инвесторларни тезда йўқотиб қўяди, чунки инвесторлар доимо ўз капиталларини қўйишга янада жозибалироқ жой қидиради. Таъкидланганидек, инвестицион муҳит қанчалик ёмон бўлса, тадбиркорлик таваккали шунча юқори бўлади. Бу эса, қабул қилаётган мамлакат учун чет эл сармоясини жалб этишга тегишли сарфларнинг ортиши билан баробардир.

Мамлакатнинг ҳамда ҳар бир ҳудуднинг инвесторлар учун жозибадорлиги, биринчи навбатда, инвестиция муҳити билан белгиланади. Жозибадорлик эса макро ва микро даражада баҳоланади. Макро даражада жозибадорлик қабул қилувчи мамлакат ҳаётининг ижтимоий, сиёсий, иқтисодий ва бошқа жиҳатларини ўз ичига қамраб олади.

Ҳар қандай потенциал инвестор, аввало, мамлакат/ҳудуднинг иқтисодиёти ва унинг алоҳида соҳаларининг (валютавий, бюджет, кредит, меҳнат ресурсларидан фойдаланиш тартиби ва бошқалар) умумий ҳолатини ҳисобга олади. Эътибор бериладиган муҳим нарсалардан бири бу иш кучига қилинадиган харажатлар (иш кучи арзон, шу билан бирга малакали бўлиши талаб қилинади) ҳисобланади.

Микро даражада эса янги муҳитда инвесторларнинг келишувлари, фирмаларнинг давлат маъмурияти ва хўжалик субъектлари билан муносабатлари орқали намоён бўлади. Жануби-Шарқий Осиё ва Узоқ Шарқ мамлакатларида ЭИҲларнинг муваффақияти, биринчи навбатда, хорижий капитални жалб қилиш мақсадида пухта ўйланган давлат сиёсати туфайли яратилган жозибадор инвестиция муҳити билан белгиланади. Шуларни эътиборга олиб, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Эркин иқтисодий зоналар фаолиятини фаоллаштириш ва кенгайтиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2016 йил 26 октябрдаги ПФ-4853-сон ҳамда «Ургут», «Ғиждувон», «Қўқон» ва «Ҳазорасп» эркин иқтисодий зоналарини ташкил этиш тўғрисида» 2017 йил 12 январдаги ПФ-4931-сон Фармонлари қабул қилингани бежиз эмас. Ушбу зоналарни ташкил қилиш орқали қуйидаги асосий вазифаларни ҳал этиш назарда тутилган:

- ташқи бозорларда талаб юқори бўлган ва импортнинг ўрнини босувчи, юқори қўшилган қийматли маҳсулотлар ишлаб чиқариш бўйича замонавий ишлаб чиқаришларни ташкил этиш учун хорижий ва маҳаллий инвесторларнинг тўғридан-тўғри инвестицияларини жалб этиш;
- республика ҳудудларининг ишлаб чиқариш ва ресурс салоҳиятидан комплекс ва самарали фойдаланишни таъминлаш;
- мева-сабзавот ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини чуқур қайта ишлаш, сақлаш ва қадоқлаш, тўқимачилик, гилам тўқиш, пойабзал ва чарм-галантерея, экология жиҳатидан хавфсиз кимё, фармацевтика, озиқ-овқат, электротехника саноати, машинасозлик ва автомобилсозлик, қурилиш материаллари ишлаб чиқариш ва бошқа йўналишларда янги замонавий ишлаб чиқаришларни ташкил этиш;
- маҳаллий хом ашё ва материаллар негизида мустаҳкам кооперация алоқаларини ўрнатиш ҳамда эркин иқтисодий зоналар корхоналари ўртасида ва умуман республикада саноат кооперациясини ривожлантириш асосида юқори технологияли маҳсулотлар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш жараёнларини чуқурлаштириш;
- ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларни стандартлаштириш, сертификатлаштириш ва маркировка қилиш бўйича халқаро стандартларга мувофиқ илмий-ишлаб чиқариш марказлари ташкил этиш ва уларнинг қарорлари халқаро даражада эътироф этилишини таъминлаш чора-тадбирларини кўриш;

- ЭИЗ ҳудудида транспорт, муҳандислик-коммуникация ва ижтимоий инфратузилмани жадал ривожлантиришни ҳамда улардан самарали фойдаланишни таъминлаш.[1]

Инвестиция муҳитига, биринчи навбатда, жамиятдаги сиёсий барқарорлик, иқтисодиётнинг умумий аҳволи (кўтарилиш, турғунлик, инқироз), мамлакатнинг валюта, молия ва кредит тизимларидаги ҳолат, божхона тартиби ва иш кучидан фойдаланиш тартиби таъсир этади.

Хорижий тадбиркорлар асосий эътиборни капитални эркин ҳаракат қила олиш шарт-шароитига, валюта курсининг барқарорлигига, инфляция жараёнининг динамикасига, кредит нархига ва ҳаракат қилиш шароитларига, маҳаллий бозорнинг ҳажмига, протекционистик ҳимояга, инвесторлар учун имтиёз ва тўсиқларга, жумладан, солиқ имтиёзларига қаратишади. ЭИҲда локал ва умумреспубликага нисбатан янада қулай инвестиция муҳитини яратиш зарур. Инвестиция муҳитининг яхши-ёмонлигини ЭИҲга жалб қилинган инвестициянинг миқдори ва сифати билан ҳам ўлчаш мумкин.[2]

Тўғридан-тўғри хорижий инвестиция оқими 2020 йилнинг биринчи 6 ойида ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 49 фоизга пасайди. Чуқур рецессия таъсири остида бу пасайиш йил охирига қадар ҳам 40 фоизни ташкил этди.

БМТ маълумотига кўра, Европа иқтисодиётида тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар оқимидаги пасайиш туфайли 7 миллиард доллар йўқотилди. Бундай салбий пасайиш биринчи марта қайд этилмоқда. АҚШ иқтисодиётида эса қисқариш 61 фоиз бўлган. Тўғридан-тўғри инвестиция оқимининг халқаро миқёсда пасайишига кўпчилик пулни ушлаб тургани ва аксар ҳолларда сармоя киритиш кечиктирилгани сабаб бўлган.

«Бу йил тўғридан-тўғри инвестиция оқими халқаро миқёсда деярли ярим баравар қисқарди. Бу биз кутгандан ҳам ёмонроқ натижа. Инвестиция оқими йил охиригича 30–40 фоизга пасайиши, 2021 йилда эса 5–10 фоизга қисқариши кутилмоқда», деган БМТ вакили Жеймс Жан.

Одатда халқаро пул ўтказмаларининг 80 фоизи ривожланган давлатлар ҳиссасига тўғри келади, шунинг учун инвестиция оқимидаги пасай-

---

[1] Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Эркин иқтисодий зоналар фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 2017 йил 10 апрелдаги 196-сон қарори. (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 15-сон, 252-модда).

[2] *Ҳамроев Ҳ.Р.* Зонал сиёсат: методология, хорижий тажриба ва қўллаш йўналишлари. Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси «Фан» нашриёти, 2008.

иш уларга кўпроқ (98 миллиард доллар) зарар етказган. Бундай пасайиш охирги марта 1994 йилда кузатилган эди.

2019 йил тўғридан-тўғри хорижий инвестиция оқимини қабул қилувчи асосий давлатлар Италия, АҚШ, Бразилия ва Австралия эди. Бу йилги пасайиш уларга нисбатан кўпроқ сезилган. Хитой эса бу пасайишдан қочишга уринмоқда. Чин ўлкасида тўғридан-тўғри инвестициялар электрон тижорат тизими, махсус техника хизматлари, тадқиқот ва ишланмаларга йўналтирилмоқда.

Шу борада ҳудудий инвестицион жозибадорлик (ИЖ) қийматини аниқлаш ва унга таъсир кўрсатадиган омиллар, мавжуд рискларни инобатга олган ҳолда ҳисоблашнинг қатор услублари яратилди. Ушбу услубий моделлар ва келтирилаётган формулалар муқаддам қилинган тадқиқот ишлари ва турли даврларда хорижий ва маҳаллий олимлар томонидан олиб борилган изланишларни ўрганишнинг маҳсули бўлиб, қайсидир маънода улар томонидан қўлланилган ҳисоб-китобларнинг такомиллашган (модификацияланган) варианти ҳисобланади.

Қайд этилган услубларда олимлар ИЖни ҳудудий кесимда ёки тармоқ кесимида иккига бўлиб аниқлашни тавсия этишган бўлса, биз томонимиздан эса, ягона формула орқали изоҳланади.

$$ИЖ_{кj} = X * ИЖ_{xj} + Y * ИЖ_{тj} \qquad (1.4)$$

Бу ерда, $ИЖ_{кj}$ – $j$ мамлакатнинг комплекс ИЖ;

$ИЖ_{кj}$ – $j$ мамлакатнинг маълум бир (таҳлил қилинаётган) ҳудудининг ИЖ;

$ИЖ_{xj}$ – $j$ мамлакатнинг маълум бир тармоғининг ИЖ;

$X$, $Y$ – ҳар бир инвестицион жозибадорлик кўрсаткичларининг солиштирма оғирлиги/вазни.

Мамлакатнинг ҳудудий ва тармоқ бўйича ИЖ кўрсаткичларини баҳолаш учун қуйидагилар аниқланиши лозим: иқтисодий қайтим (инвестиция маблағлари йўналтирилган бизнесдан (объект) келадиган даромад); инвестиция риски (мамлакатнинг (ҳудуд ва тармоқ бўйича) турли хилдаги риск даражаси ҳисобланади).

$$ИЖ_{x(т)j} = ДД_{x(т)j} * (1 - РД_{x(т)j}) \qquad (1.5)$$

Бу ерда, $ИЖ_{x(т)j}$ – мамлакатнинг ҳудудий/тармоқ бўйича инвестицион жозибадорлиги;

$ДД_{x(т)j}$ – ҳудудий/тармоқ бўйича инвестиция маблағлари йўналтирилган бизнес (объект)нинг даромадлилиги ёки иқтисодий қайтими;

$РД_{х(т)j}$ – ҳудуд/тармоққа йўналтирилган инвестициянинг рисклилик кўрсаткичи.

***Бундан кўриш мумкинки, ҳудуд ёки тармоққа йўналтирилган инвестициядан келадиган даромад қайтими ва риск натижасида йўқотиладиган зарар ўртасидаги фарқ орқали инвестицион жозибадорликка баҳо берилади.*** Ҳудуд ёки тармоққа ўтган йиллар кесимида асосий капиталга киритилган инвестициялар миқдори ҳамда таҳлил қилинаётган йилда олинган фойда ўртасидаги нисбий миқдор иқтисодий қайтим кўрсаткичини намоён этади.

Бир вақтнинг ўзида мамлакат ҳудудларининг бир қанча тармоқларига инвестициялар киритилганлиги ва улардан келадиган (ҳар бир объектдан келадиган) фойда нормаси турлича бўлганлиги боис, иқтисодий қайтим кўрсаткичи ўртача ҳудудий қиймат бўйича олинди:

$$ДД_{х(т)j} = \frac{МН}{И} \qquad (1.6)$$

Бу ерда, $ДД_{х(т)j}$ – иқтисодий қайтим (даромадлилик даражаси) кўрсаткичи; ***МН*** – фаолиятнинг молиявий натижаси сальдоси (фойда минус зарар); ***И*** – ўтган йилда асосий капиталга йўналтирилган инвестициялар (минтақа кесимида).

Мамлакат ҳудудида бир қанча корхоналар фаолият юритади. Ушбу корхоналарга киритилган инвестициялар (асосий капиталга) маълум вақт ўтгандан сўнг даромад келтира бошлайди, умумий олганда фойда ва зарар ўртасидаги сальдолар йиғиндиси ҳудуд бўйича иқтисодий қайтим кўрсаткичини юзага чиқишини англаган ҳолда, биринчи формулани қуйидагича такомиллаштирамиз:

$$ИЖ_{кj} = ДД_{хj} * (X * (1 - РД_{хj}) + Y * (1 - РД_{тj})) \qquad (1.7)$$

Инвестиция рискининг мавжудлиги ва унинг натижасида даромаднинг йўқотилишини эътиборга олиб, рисклилик даражасини, албатта, ҳисоблаш талаб этилади. Бунинг учун ўртача арифметик формула орқали таваккалчилик (рисклилик) кўрсаткичини келтириб чиқарамиз:

$$РД_j = \frac{\sum_{i=1}^{n} ХК_i * хо_i}{\sum_{i=1}^{n} хо_i} \qquad (1.8)$$

Бу ерда, $РД_j$ – $j$ мамлакатнинг таваккалчилик даражаси; $ХК_i$ – инвестиция рискининг хусусий кўрсаткичи; $хо_i$ – эксперт усули орқали ҳисобланадиган хусусий кўрсаткичнинг вазни; $n$ – хусусий кўрсаткичлар миқдори; $i$ – хусусий кўрсаткичлар индекси.

Юқорида 1.2.3-жадвалда келтирилган инвестицион риск гуруҳларининг таъсир кўрсатиш вазнидан келиб чиқиб, эксперт баҳолаш усулидан фойдаланиш ва мамлакат ҳудудларининг инвестицион жозибадорлигини аниқлаш мақсадга мувофиқдир. Тармоқ бўйича инвестицон рискни ҳисоблаётганда сиёсий, ижтимоий, инфратузилма, ҳуқуқий ва криминал омилларни чиқариб ташлаш лозим. Чунки ушбу омиллар баҳоланаётган кўрсаткичга унчалик ҳам сезиларли таъсир кўрсатмайди. Бундан ташқари, бир хил даражадаги омилларни ҳам ҳудудий, ҳам тармоқ бўйича ҳисобга олиш номақбул ҳисобланади.

Мамлакатда инвестицион фаолликни янада кучайтириш, ҳудудларнинг инвестицион жозибадорлигини ошириш мақсадида Ўзбекистоннинг айрим ҳудудларида эркин иқтисодий зоналар ташкил этилиб (Навоий, Жиззах, Ангрен, Ургут, Ғиждувон, Қўқон ва Ҳазораспда), хорижий инвесторларнинг капитал қўйилмалари ва ўз бизнесларини юритишларини таъминлашга қаратилган тизимли институционал ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Агар йиллар динамикасига эътибор қаратадиган бўлсак, 2000 йилда асосий капиталга киритилган инвестицияларнинг жами қиймати 744520 млн. сўмни, бунда жон бошига тўғри келадиган инвестициялар ҳажми 30,2 минг сўмни ташкил этган (1.2.2-жадвал).

***Бугунги кунда мамлакатимизда 23 та эркин иқтисодий ва 348 та кичик саноат зонаси фаолият юритмоқда. Эркин иқтисодий зоналарда умумий қиймати 2,6 миллиард долларлик 453 та лойиҳа амалга оширилиб, 36 мингга яқин иш ўрни яратилган. Кичик саноат зоналарида эса 5 триллион сўмлик 1 минг 497 та лойиҳа ишга туширилиб, 36 мингдан зиёд кишининг бандлиги таъминланган.***

Шу билан бирга, бу ҳудудларда ҳали имкониятлар кўп. Шу мақсадда давлатимиз раҳбари «Махсус иқтисодий ва кичик саноат зоналари муҳандислик-коммуникация инфратузилмасини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» қарор қабул қилди. Қарорга мувофиқ, 2021 йилда эркин иқтисодий ва кичик саноат зоналари инфратузилмасини яхшилаш учун 1 триллион 600 миллиард сўм маблағ ажратилиши белгиланган.

Хусусан, 17 та эркин иқтисодий зонада қўшимча электр энергияси, газ, ичимлик суви ва оқова сув тармоқлари ҳамда автомобиль йўлларини барпо этиш учун 584 миллиард сўм, 145 та кичик саноат зонаси учун 395 миллиард сўм йўналтирилиши режалаштирилган.

2000 йилда Ўзбекистон аҳолисининг сони 24487,7 минг кишини, 2005 йилда эса 26021,3 минг кишини, 2015 йилга келиб 31575,3 минг кишини ташкил этган. 2000–2005 йиллар оралиғида аҳоли сони 1,06 баробарга

ошган бўлса, жон бошига тўғри келган инвестициялар ҳажми худди шу йиллар оралиғида 4 баробарга ўзгарган (121,0 ÷ 30,2). Иқтисодиётнинг ривожланиши учун инвестициялар аҳамиятининг юқори эканлигини киймат кўринишида яратилган ЯИМ мисолида ҳам кузатиш мумкин.

2010 йилда мамлакат иқтисодиётини ривожлантириш мақсадида асосий капиталга йўналтирилган инвестицияларнинг умумий ҳажми 15338698,0 млн. сўмни ташкил этгани ҳолда, ҳудудлар кесимида энг катта улуш Тошкент шаҳрига (21,6 фоиз), ундан кейин Бухоро вилоятига (13,5 фоиз) тўғри келган. Бу ҳам бўлса, ҳудудларнинг инвестицион салоҳияти, у ерда мавжуд бўлган ресурсларнинг мавжудлиги (қазилма бойликлар), инфратузилмаларнинг ривожланганлиги, шунингдек, ҳудуднинг инвестицион жозибадорлиги юқорилиги билан изоҳланади.

Ҳудудларнинг бир текисда ривожланишини таъминлаш, ҳудудларда истиқомат қиладиган аҳоли даромадалари ўртасидаги кескин фарқланишни олдини олиш билан боғлиқ масалаларни макро ва мезоиқтисодий даражада ҳал этиш давлатнинг ва жойлардаги маъмурий-бошқарув ҳокимиятларнинг асосий вазифаларидан ҳисобланади. Дейлик, 2000 йилда республика бўйича аҳоли жон бошига тўғри келадиган инвестицияларнинг миқдори ўртача 30,2 минг сўмни ташкил этган бўлса, ушбу кўрсаткичдан паст бўлган ҳудудлар сони 11 тани ташкил этган (1.2.2-жадвал). Қолган учта маъмурий ҳудудда (Тошкент шаҳри, Қашқадарё ва Навоий вилояти) мазкур кўрсаткич республика ўртача кўрсаткичидан кескин юқори бўлганини кўриш мумкин.

Ўз-ўзидан, жон бошига тўғри келадиган даромадлар ҳам айнан ушбу ҳудудларда юқори бўлган.

2020 йилда жон бошига тўғри келадиган умумий даромадларнинг ўртача киймати 16788,8 минг сўмни ташкил этиб, ҳудудлар кесимида ушбу кўрсаткичдан юқори бўлган вилоятлар қуйидагилар: Навоий вилояти – 48347,9 минг сўм; Тошкент вилояти – 20929,1 минг сўм; Тошкент шаҳри – 33082,2 минг сўм. Ваҳоланки, ушбу кўрсаткичлар бўйича 2010 йилда вазият мутлако бошқача тус олган эди.

Биргина Сирдарё вилоятида жон бошига тўғри келадиган ўртача даромад умумреспублика кўрсаткичининг 53,3 фоизини ташкил этган бўлса, худди шу кўрсаткич 2010 йилда 95 фоизни ташкил этган. Вақт ўтгани сайин ҳудудларда жон бошига тўғри келаётган ўртача даромад ўртача республика кўрсаткичидан кескин фарқланмоқда. 2020 йилда умумреспублика кўрсаткичидан катта бўлган ҳудудлар учтани ташкил этган (Тошкент ш., Тошкент вилояти, Навоий вилояти).

*1.2.2-жадвал*

**Ялпи ҳудудий маҳсулот ва асосий капиталга киритилган инвестициялар ҳажми, 2000–2020 йй.**

| Кўрсаткичлар | ЎзР | ҚР | Андижон | Бухоро | Жиззах | Қашқадарё | Навоий | Наманган | Самарқанд | Сурхондарё | Сирдарё | Тошкент | Фарғона | Хоразм | Тош.ш |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| **2000 йил** | | | | | | | | | | | | | | | |
| ЯИМ (ҳудудлар бўйичаЯҲМ), млрд. сўм | 3 255,6 | 109,3 | 242,3 | 207,6 | 83,3 | 235,9 | 146,8 | 171,6 | 263,8 | 165,8 | 85,2 | 374,2 | 374,2 | 143,1 | 398,0 |
| Асосий капиталга киритилган инвестициялар, млн.сўм | 744520,0 | 35 897,0 | 36 746,0 | 31 180,0 | 17 392,0 | 124 255,0 | 46 109,0 | 41 891,0 | 42 600,0 | 27 736,0 | 17 118,0 | 60 526,0 | 52 367,0 | 25 840,0 | 182 708,0 |
| Жон бошига инвестициялар, минг сўм | 30,2 | 23,7 | 16,7 | 21,8 | 17,7 | 56,7 | 58,6 | 21,6 | 15,8 | 15,8 | 26,5 | 25,6 | 19,5 | 19,3 | 85,4 |
| Жон бошига тўғри келадиган ўртача даромад, минг сўм | 96,4 | 60,6 | 111,2 | 87,6 | 54,2 | 72,4 | 117,7 | 65,3 | 74,7 | 66,2 | 75,2 | 91,2 | 105,5 | 73,6 | 244,3 |
| **2010 йил** | | | | | | | | | | | | | | | |
| ЯИМ (ҳудудлар бўйичаЯҲМ), млрд. сўм | 62 388,3 | 1 813,9 | 3 461,0 | 3 901,1 | 1 550,6 | 5 862,9 | 3 836,2 | 2 578,5 | 3 974,4 | 2 473,0 | 1 253,2 | 6 441,4 | 4 434,0 | 2 058,0 | 8 568,6 |
| Асосий капиталга киритилган инвестициялар, млн.сўм | 15338698,7 | 458 522,0 | 552 517,4 | 2 069 143,9 | 359 706,6 | 1 690 377,7 | 1 704 585,5 | 540 200,6 | 934 187,0 | 569 782,2 | 383 118,9 | 1 510 376,2 | 849 061,0 | 357 600,0 | 3 309 036,7 |
| Жон бошига инвестициялар, минг сўм | 543,4 | 279,5 | 214,8 | 1 273,5 | 319,5 | 639,7 | 1 987,6 | 237,1 | 296,8 | 271,9 | 532,3 | 581,4 | 273,8 | 227,0 | 1 472,4 |
| Жон бошига тўғри келадиган ўртача даромад, минг сўм | 1 668,1 | 1 203,3 | 1 480,0 | 2 034,7 | 1 172,5 | 1 430,5 | 3 093,9 | 1 263,4 | 1 489,5 | 1 307,5 | 1 593,3 | 1 739,3 | 1 363,3 | 1 632,1 | 3 338,8 |

| Кўрсаткичлар | ЎзР | ҚР | Андижон | Бухоро | Жиззах | Қашқадарё | Навоий | Наманган | Самарқанд | Сурхондарё | Сирдарё | Тошкент | Фарғона | Хоразм | Тош.ш |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| **2005 йил** | | | | | | | | | | | | | | | |
| ЯИМ (ҳудудлар бўйичаЯҲМ), млрд. сўм | 15 923,4 | 523,5 | 1 121,1 | 1 014,8 | 504,7 | 1 326,4 | 1 099,4 | 715,5 | 1 156,9 | 724,4 | 390,6 | 1 820,5 | 1 419,0 | 595,2 | 1 892,0 |
| Асосий капиталга киритилган инвестициялар, млн.сўм | 3165248,0 | 149 270,0 | 130 366,0 | 260 714,0 | 77 203,0 | 456 524,0 | 229 097,0 | 107 935,0 | 203 508,0 | 170 801,0 | 54 492,0 | 337 433,0 | 162 315,0 | 63 264,0 | 741 775,0 |
| Жон бошига инвестициялар, минг сўм | 121,0 | 95,0 | 55,3 | 171,9 | 73,7 | 190,3 | 282,3 | 51,7 | 70,5 | 89,4 | 80,8 | 137,2 | 56,8 | 43,8 | 346,9 |
| Жон бошига тўғри келадиган ўртача даромад, минг сўм | 371,8 | 203,2 | 328,6 | 342,4 | 216,8 | 270,8 | 540,8 | 242,4 | 247,0 | 274,0 | 277,2 | 363,6 | 309,9 | 258,8 | 1 269,9 |
| **2020 йил** | | | | | | | | | | | | | | | |
| ЯИМ (ҳудудлар бўйичаЯҲМ), млрд. сўм | 580203200 | 21 200 900 | 37 913 700 | 30 758 100 | 17 445 900 | 34 618 100 | 49 015 101 | 26 632 300 | 42 378 100 | 24 003 600 | 12 186 400 | 62 661 700 | 36 538 900 | 20 822 300 | 88 567 700 |
| Асосий капиталга киритилган инвестициялар, млн.сўм | 202000100,0 | 8167400 | 875500 | 1124900 | 1297400 | 1992200 | 1604300 | 1198300 | 1342600 | 992300 | 717500 | 1899400 | 1132000 | 666300 | 4477900 |
| Жон бошига инвестициялар, минг сўм | 5845,1 | 4245,5 | 274,6 | 577,8 | 919,8 | 597,5 | 1582,5 | 417,9 | 340,1 | 370,1 | 833,2 | 634,4 | 296,3 | 352,0 | 1672,6 |
| Жон бошига тўғри келадиган ўртача даромад, минг сўм | 16788,8 | 11020,3 | 11891,9 | 15798,5 | 12367,7 | 10381,8 | 48347,9 | 9288,0 | 10735,7 | 8953,2 | 14152,1 | 20929,1 | 9565,4 | 10999,0 | 33082,2 |

М а н б а: *Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида тузилган.*




**1.2.4-расм.** ***Иқтисодиётда банд аҳоли сони, минг киши.***[1]

Ушбу даромадларнинг таркибида меҳнат фаолиятидан олинган даромадлар умумий даромаднинг 72,9 фоизини ва трансфертлардан тушган даромадлар 21,8 фоизни ташкил этмоқда.[2] Ҳудудлар иқтисодиётига киритилган инвестициялар ўша йилнинг ўзида ҳудудий ялпи маҳсулотнинг ўсишига таъсир кўрсатмаса-да, аммо маълум бир вақт ўтгандан кейин мультипликатив самара беради.

Сабабий боғлиқликдаги таҳлил натижаларидан ҳам кўриш мумкинки, 2000 йилда Андижон вилоятида аҳоли жон бошига тўғри келадиган ўртача даромад 111,2 минг сўмга тенг бўлган. Ваҳоланки 2000 йилда вилоятга йўналтирилган инвестициялар (асосий капиталга) ҳамда жон бошига тўғри келадиган инвестициялар ҳажми республикадаги энг паст кўрсаткичлардан бири бўлган. Таҳлилларни ҳар беш йилдаги ўзгаришларга боғлаган ҳолда баён этадиган бўлсак, вазиятнинг сифат жиҳатидан бир мунча ўзгарганини кўриш мумкин.

Юқорида таъкидлаганимиздек, ҳукумат томонидан олиб борилаётган ҳудудларни ривожлантириш стратегиясининг ўзгариб туриши ҳам ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий кўрсаткичларининг ўзгаришига сезиларли таъсир кўрсатади. 2020 йилда ЯИМни яратишда ҳудудлар ва

[1] Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида тузилган.
[2] Ўзбекистон рақамларда. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси. – Тошкент, 2016.




**1.2.5-расм.** ***ЯҲМ вилоятлар кесимида, млрд. сўм (жорий нархларда).***[1]

тармоқларнинг улуши, табиийки, турлича бўлган. Саноат, хизмат кўрсатиш соҳалари ривожланган ҳамда юқори технологияларга ихтисослашган корхоналари кўп бўлган ҳудудларнинг ЯИМдаги улуши ҳам юқори бўлади.

Тошкент шаҳрининг улуши энг юқори кўрсаткични намоён этади (15,2 фоиз). Ҳудуднинг ижтимоий-иқтисодий салоҳияти юқорилиги сабаб, ҳар йили ўзлаштирилган инвестициялар ҳажми бўйича ҳам Тошкент шаҳри пешқадам бўлиб келмоқда (4477900,0 млн. сўм).

Қиёсий таҳлил қилсак, ўн йил олдин (2010 йилда) республикада асосий капиталга киритилган инвестицияларнинг умумий ҳажми (15338698,7 млн. сўм) билан 2020 йилнинг ўзида биргина Тошкент шаҳрига киритилган инвестициялар (асосий капиталга) ҳажми 4477900 млн. сўмни ташкил этган.

Иқтисодиётда банд аҳолига нисбатан таҳлил қиладиган бўлсак, юқорида таъкидлаганимиздек, қаерда юқори технологияларга ихтисослашган корхоналар мавжуд бўлса ва фаолият юритса, ўша ерда меҳнат унумдорлиги юқори бўлади. Биргина Тошкент шаҳри билан Фарғона вилоятларини ўзаро қиёслаш орқали ҳам сўзимизнинг исботига далил келтириш мумкин.

[1] Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида тузилган.

2015 йилда Фарғона вилоятида иқтисодиётда банд аҳоли сони 1485,3 минг кишини ташкил қилган ва улар томонидан яратилган ЯҲМ 11278,9 млрд. сўмга тенг бўлган. Тошкент шаҳрида эса 26648,7 млрд. сўмлик ялпи ҳудудий маҳсулотни яратишда 1168,1 минг киши иштирок этган (иқтисодиётда банд аҳоли сони).

Демак, Тошкент шаҳрида ЯҲМни яратишда Фарғона вилоятига қараганда 317,2 минг кишига кам бўлган банд аҳоли билан 15369,80 млрд. сўмга кўп товар ва хизматлар ишлаб чиқарилган.

Меҳнат унумдорлиги Тошкент шаҳрида Фарғона вилоятига қараганда уч баробарга юқори бўлмоқда. Тўғри, қаерда саноат маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳалари ривожланган бўлса, ўша ерда ўртача меҳнат унумдорлиги ҳам юқори бўлади.

Иккинчи томондан олганда, Тошкент шаҳрида қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқарилмайди, шу боисдан бошқа вилоятларга қараганда жон бошига тўғри келадиган ЯҲМ, жон бошига тўғри келадиган ўртача даромад ҳамда асосий капиталга йўналтирилган инвестицияларнинг ҳажми ҳам юқори бўлган.

Йиллар кесими бўйича ҳудудларга (вилоятлар) йўналтирилган инвестицияларнинг (асосий капиталга) тақсимоти нотекис бўлган (тақсимланган). 2000 йилда ҳудудлар иқтисодиётига йўналтирилган инвестицияларнинг қиймати ва уларнинг улушига эътибор қаратадиган бўлсак, ўртача республика кўрсаткичидан Тошкент шаҳри, Қашқадарё, Тошкент ва Фарғона вилоятларининг улуши юқори бўлгани ҳолда, қолган барча ҳудудларнинг улуши ўртачадан паст бўлган. Энг паст кўрсаткич Сирдарё вилоятига тўғри келади (2,3 фоиз). Бозор муносабатларининг чуқурлашуви ва иқтисодиётни модернизация қилиш бўйича амалга оширилган чора-тадбирлар, қабул қилинган миллий дастурлар туфайли 2005 йилда Тошкент шаҳрининг умумреспублика кўрсаткичидаги улуши 3 фоизлик пунктга кўтарилган бўлса, Сирдарё, Наманган, Фарғона вилоятларида пасайиш кузатилган.

***Ҳақиқатни доимо такрорлаб туриш зарур, чунки бизга адашишни ҳам доимо эслатиб туришади.***

**Гёте**

## 1.3. ИНВЕСТИЦИОН МУҲИТ ЖОЗИБАДОРЛИГИ ИЗОҲИДА ИНВЕСТИЦИОН САЛОҲИЯТ, ИНВЕСТИЦИОН СИҒИМ КАТЕГОРИЯЛАРИ ТАЛҚИНИ

Иқтисодиётни технология нуқтаи назаридан янги сифатга ўтказиш ва унинг рақобатбардошлигини таъминлаш учун ишлаб чиқаришга сезиларли равишда инвестицияларни жалб этиш жаҳон амалиётида ўзини оқлаган усуллардан ҳисобланади. Ўзбекистон иқтисодиёти учун қулай инвестицион муҳитни яратиш, хўжалик юритувчи субъектларнинг инвестицион фаоллигини ошириш – барқарор иқтисодий ўсишни таъминлашнинг муҳим шартидир.

Мамлакатимиз ривожланишининг ҳозирги ҳолати ва давлат иқтисодий сиёсатининг ўзгариб бориши иқтисодиёт фанининг долзарб муаммоларини, жумладан, инвестициялар билан боғлиқ масалаларни мунтазам қайта идрок этишни талаб этади. Зеро, инвестицион жараённи ифодалашда қўлланилаётган атамаларни тушунишда ягона фикрнинг йўқлиги ҳамда баъзи ўхшаш тушунчаларни бир хил деб қараш услубий жиҳатдан қарама-қаршиликларга, маълум мураккабликларга олиб келади. Шу сабабдан ҳам, амалиётда «инвестицион кўлам» тушунчаси кўпинча «инвестицион имконият» тушунчасининг синоними сифатида талқин этилади. Бизнинг фикримизча эса, «инвестицион имконият» ва «инвестицион кўлам» тушунчалари инвестицион жараённинг турли таркибий қисмларини англатади.

**Албатта, инвестицион имконият ҳам, инвестицион кўлам ҳам инвестицион жараённинг зарурий параметрларидир.** Мазкур иқтисодий категориялар ягона тизим сифатида қабул қилингани билан, мустақил таркибий қисмлардан иборат. Берилган категорияларнинг фарқли хусусиятларини топиш ҳамда «инвестицион кўлам» тушунчасининг иқтисодий моҳиятини аниқлаш учун «инвестицион имконият» категориясини ҳам кўриб чиқиш лозим.

«Инвестицион имконият» ва «инвестицион кўлам» аталмиш иқтисодий категорияларни бир-биридан фарқлашни мазкур категорияларнинг иқтисодий ҳусусиятларини назарий таҳлил қилиш услуби асосида амалга ошириш мумкин. Бу услубда иқтисодий категориянинг моҳияти қуйидаги жиҳатлар орқали очиб берилади: категориянинг иқтисодий маз-

муни ва хусусиятлари; бошқа ўхшаш категорияларга нисбатан фарқли томонлари; категориянинг нисбий мустақиллиги; мазкур категориянинг бошқалар билан ўзаро алоқаси ва унинг хўжалик юритишнинг бозор моделидаги ўрни. «Инвестицион фаолият» категориясининг иқтисодий моҳиятини аниқлаш учун «имконият» тушунчасига эътибор берайлик. Бу тушунча «потенциал» кўринишида кириб келган.

«Инвестиция потенциали» атамаси иқтисодий адабиётда биринчи бор 1980 йиллар бошида пайдо бўлган, лекин ўша пайтда унинг иқтисодий моҳиятини очишга уринишлар бўлмаган. Бу мавзуни ўрганишга назарий, амалий харакатлар ўтган асрнинг 90-йилларининг иккинчи ярмидан бошланган. (*Шу ўринда қайд этиб кетиш лозимки, иқтисодий потенциал тушунчаси, унинг этимиологияси ва туб моҳиятига тегишли муфассал маълумотлар монографиянинг 2.1-параграфидан ўрин олади.*)

Мазкур атаманинг моҳиятини аниқлашдаги дастлабки уринишлар В.В.Бочаровнинг илмий ишларида кўзга ташланади.[1] Бу ишларда инвестицион ресурсларга бўлган талаб ва таклиф орасидаги мувозанат асосий компонент (таркибий қисм) бўлган бозор хўжалигидаги инвестицион фаолият назарда тутилади.

Инвестицион талаб тузилмасини таҳлил қилар экан, В.В.Бочаров талабни икки хил турга бўлади: потенциал талаб ва муайян талаб – капиталнинг ҳақиқий таклифи. Шунинг асосида В.В.Бочаров потенциал талаб хўжалик субъекти маълум фойда кўраётган вазиятда бу фойдани фақат тўплаб боришни мақсад қилиб қўйган ҳолдагина вужудга келади, деб ҳисоблайди.

Инвестицион талабнинг иккинчи турини эса муаллиф инвестиция фаолиятини юритувчи субъектларнинг инвестицион товарлар бозоридаги амалиёти, яъни мақсадларни ҳақиқатда амалга ошириши маъносида қабул қилади.

В.В.Бочаровнинг бундай талқини Ф.С.Тумусов томонидан янада ойдинлаштириб қуйидагича таърифланган:

«Инвестиция потенциали – бу инвестициялар бозорида капитал ишлаб чиқаришнинг моддий, молиявий ва интеллектуал эҳтиёжларини таъминловчи, ҳақиқий реал талабга айлана олувчи инвестицион ресурслар бирлигидир»[2].

---

[1] *Бочаров В., Попова Р.* Финансово-кредитный механизм регулирования инвестиционной деятельности предприятия. – СПб.: 1993.

[2] *Тумусов Ф.С.* Инвестиционный потенциал региона: теория, проблемы. Практика. – М.: «Экономика», 1999. – 272 с.

Олимлар А.Марголин ва А.Быстряковлар бундай талқинни ривожлантирган ҳолда, «инвестиция потенциали» тушунчасига қуйидагича изоҳ беришади: инвестицион потенциал – капитал ишлаб чиқаришнинг инвестиция бозоридаги барча эҳтиёжларини қондира олувчи инвестицион талаб кўринишида тўпланган капиталдир.[1]

Т.Г.Глушкованинг илмий ишларида[2] эса, инвестицион потенциалга ресурслар жиҳатидан ёндашилган. Ю.А.Дорошенконинг изланишларида «инвестицион потенциал» бу – инвестицион ресурслар ишлаб турган вақти мобайнида келадиган фойда миқдори демакдир. Бу талқиннинг асосини ресурслардан фойдаланиш натижаларини ҳисобга олиш ташкил этади.[3]

Инвестиция потенциалини ўрганишда Н.И.Климованинг фундаменталь тадқиқотлари алоҳида ўрин тутади. Бунда муаллиф томонидан натижаларга асосланган назарий конструкция таклиф қилинган ва қуйидагича изоҳ берилган: «Инвестиция потенциали – иқтисодий ўсишнинг инвестицион омиллар доирасида максимал даражадаги инвестиция кўламига эга бўла олиш хусусияти демакдир.[4]

«Эксперт» журналидаги[5] мақолаларда инвестиция потенциалига инвестиция объектлари ва соҳалари хилма-хиллиги, уларнинг иқтисодий аҳволига боғлиқ бўлган инвестициялар кўлами сифатида баҳо берилган.

Е.С.Губанованинг илмий ишида бу тушунчага ресурслардан фойдаланиш натижасида ҳосил бўлган натижалар орқали изоҳ берилган. Олимнинг фикрига кўра, регионнинг инвестицион потенциали – регионал иқтисодий тизим амалиётининг максимал ижобий натижаларга эришиши йўлида инвестицион тизимдаги имкониятлардан тўлиқ фойдалана олиш қобилиятидир.[6]

---

[1] *Марголин А.М., Быстряков А.Я.* Методы государственного регулирования процесса преодоления инвестиционного кризиса в реальном секторе экономики. – Челябинск: Южно-Уральское книж. из-во, 1998.

[2] *Глушкова Т.Г.* Инвестиционный потенциал региона: некоторые подходы к анализу // Региональная стратегия устойчивого социально-экономического роста: Тез. док. науч.-практ. конф. Ч.1. – Екатеринбург, 1998. – 73 с.

[3] *Дорошенко Ю.А.* Оценка и механизм управления экономическим потенциалом территории: Дисс.докт. экон. наук. – Белгород, 1998.

[4] *Климова Н.И.* Инвестиционный потенциал региона. – Екатерингбург: Изд-во УрО РАН, 1999. – 276 с.

[5] Инвестиционный рейтинг регионов России // Эксперт. 1997. №47; Инвестиционный рейтинг регионов России // Эксперт. – 1998. №39; Инвестиционный рейтинг регионов России // Эксперт. 1999. №39.

[6] *Губанова Е.С.* Инвестиционная деятельность в регионе. – Вологда: ВНКЦ ЦЭМИ РАН. 2002. – 137 с.

Бир гуруҳ олимлар[1] «регион (ҳудуд) инвестицион потенциали» тушунчасига қуйидагича изоҳ беришади: барча ички ва ташқи молиялаштириш манбалари ҳисобига ҳududнинг асосий капитали учун йўналтирилган инвестиция миқдори, ҳудуддаги турли иқтисодий, ижтимоий, табиий ресурслар, унинг географик ўрни ва бошқа жиҳатларидан келиб чиққан категориядир. Инвестицион фаолият объектларини фақатгина асосий капиталга йўналтириш унчалик ҳам тўғри бўлмаса-да, муаллифлар мамлакатдаги инвестицион имкониятнинг вужудга келиш шарт-шароитларини кўрсатишга уринишган.

Ю.А.Корчангин, И.П.Маличенколар ўрганилаётган атамага нисбатан натижавий талқин тарафдорлари бўлиб, уни қуйидагича изоҳлайдилар: «мамлакат, регион, муниципалитет, корхона инвестицион потенциали» – инвестицион лойиҳани амалга оширишда субъектнинг инвестициялардан самарали фойдалана олиш қобилияти демакдир.[2]

«Инвестицион потенциал» тушунчаси бўйича олиб борилган изланишларни уч йўналишга ажратишимиз мумкин: соҳавий талқин (Т.С.Хачатуров, В.П.Красовский), ресурсга оид талқин (В.В.Бочаров, Ф.С.Тумусов, А.М.Марголин, А.Я.Быстряков, Т.Г.Глушкова, Н.А.Новицкий, О.А.Белаков) ва натижавий талқин (Н.И.Климова, Ю.А.Дорошенко, Ю.А.Корчагин, И.П.Маличенко). Шунингдек, ресурс ва натижавий талқинларни бирлаштириш ҳаракатлари ҳам бўлган (комплекс талқин – Е.С.Губанова).

«Инвестицион сиғим» тушунчаси эса инвестицион жараёнда энг кам ўрганилган категориядир. Охирги 15 йил ичида олимлар асосан «Инвестицион потенциал» атамасига кўпроқ аҳамият берганлар. Иқтисодий тизимларнинг инвестицион сиғими масалалари бўйича тадқиқотлар эса жуда кам.

«Инвестицион сиғим» турли хил терминологик маъноларда келиб, кўпинча «Инвестицион салоҳият» тушунчаси билан биргаликда ўрганилади ва унга чуқур аҳамият берилмайди.

«Инвестицион сиғим» категориясининг иқтисодий моҳиятини англаш учун таянч сифатида «сиғим» тушунчасига мурожаат қиламиз. «Сиғим – ички ҳажм, маълум миқдордаги нарсани сиғдира олиш хусусияти (Вино шишасининг ҳажми 0,7 литр)»[3]

---

[1] Инвестиционная политика перехода к инновационной экономике России: колл. Монография / Отв.ред. *Н.А.Новицкий*. – М.: Ин-т экономики РАН, 2005. – 421 с.

[2] *Корчагин Ю.А., Маличенко И.П.* Инвестиции: теория и практика: Учебное пособие. – М.: ЮНИТИ-ДАНА, 2008. – 453 с.

[3] Википедия. Свободная энциклопедия. http://ru.wikipedia.org/wiki/.

Табиий фанларда сиғим деганда суюқлик, газ ёки сочилувчан жисмларни сақлаш ёки ташиш учун ишлатиладиган идишлар ҳақида гап кетади.

**Математик сиғим** – кўплик функцияси: ташқи ўлчов, Ньютон сиғими.[1]

Қоннинг кислород сиғими – қоннинг нафас олиш пигментлари билан боғлиқ кислороднинг максимал миқдори. Ўпканинг ҳаётий сиғими – чуқур нафас олгандан сўнг, нафас чиқариш пайтидаги ҳавонинг максимал ҳажми.

Экотизимнинг буфер (қалқон) сиғими – экотизимнинг ифлосланишга қаршилик қилиш қобилияти; экосистема қайта ишлаши мумкин бўлган ахлатлар миқдори ва ҳ.

Эътибор қаратадиган бўлсак, юқоридаги барча таърифларда сиғим максимал миқдор, максимал ҳажм тушунчаларини ўз ичига олади. Хўш, иқтисодиётда-чи? Бозор сиғими – маълум бир товарни маълум бир вақт ичида сотиш ҳажми ва имкониятлар кўлами назарда тутилади ва бунда товарга бўлган эҳтиёж, нархлар, аҳолининг харид қобилияти ва фаоллиги кабилар ҳисобга олинади. Бозорнинг пул сиғими – бозорда таклиф этилаётган товарлар, қимматли қоғозлар ва хизматларни сингдира оладиган пул миқдори; сотув миқдори ва ишлаб чиқариш даражаси билан чекланган.[2] Бозор сиғими (маркетингда) – харидорларнинг тўлаш қобилиятига эга бўлган эҳтиёжи, муайян нархлар мавжуд бўлган ҳолда товарларни сотишнинг йиллик эҳтимолий миқдори.[3]

**Сиғим (суғурта)** – компанияга зарари тегмайдиган ҳолатдаги суғурта товарларининг миқдори. Инвестицион бозор сиғими – энг зарур маҳсулотлар учун бозор тенденцияларини ҳисобга олган ҳолдаги инвестицион эҳтиёжлар.

**Товар омборининг сиғими** – товарларни сақлаш учун мўлжалланган биноларнинг товарларни сиғдира олиш миқдори.[4]

Иқтисодиётда капитал сиғими (фонд сиғими), меҳнат сиғими, хом ашё сиғими каби тушунчалар кенг қўлланилади. Инвестицион сиғим ҳақида гапирар эканмиз, баъзи бир мақолаларда бу тушунча инвестициялардан келадиган фойда, деб талқин этилади. Бизнинг фикримиз-

[1] Википедия. Свободная энциклопедия. http://ru.wikipedia.org/wiki/.

[2] *Райзберг Б.А., Лозовский Л.Ш., Стародубцева Е.Б.* Современный экономический словарь. – М.: ИНФРА-М, 2008. – 480 с.

[3] Словарь по экономике и финансам. Глоссарий.ру. – http://slovari/yandex/ru/dict/glossary.

[4] Ўша манба.

ча, «инвестицион сиғим» тушунчаси кенгроқ талқин қилинмоғи лозим. Мазкур тадқиқот жараёнида бунинг сабабини тушунтиришга ҳаракат қиламиз.

***«Инвестицион сиғим» тушунчаси кенг миқёсда иқтисодиёт, мамлакат, ҳудуд, бозор, соҳа, дастур, корхона миқёсларида қўлланилади. «Инвестицион сиғим» категориясининг мазмунига тааллуқли тадқиқотларни (афсуски, кам миқдордаги) таҳлил қилганимизда, асосан, уч йўналишнинг мавжуд эканлиги аниқланди.***

Биринчи талқинда «инвестицион потенциал» ва «инвестицион сигим» тушунчалари бир хил, деб қаралади. Бинобарин, «Эксперт» журналидаги мақолаларда бу икки тушунча фарқланмайди: «Инвестицион потенциал (ҳудудларнинг инвестицион сиғими) – инвестиция объектларининг хилма-хиллиги, сони, уларнинг иқтисодий жиҳатдан соғломлиги каби жиҳатларга боғлиқ бўлган объектив асослар йиғиндиси демакдир»[1].

И.В.Скопина, Ю.О.Бакланова, А.А.Агаевлар ҳам шу фикрнинг тарафдорлари ҳисобланади[2]. Бироқ А.Е.Быстряковнинг фикрича, «инвестицион потенциал» ва «инвестицион сиғим» тушунчаларини бир хил тушуниш нотўғри[3]. В.В.Быковский[4] ва Б.А.Чуб ҳам шу нуқтаи назарни қўллаб-қувватлайдилар[5].

Иккинчи талқинда эса инвестицион сиғимга инвестиция лойиҳалари ёки комплекс мақсадли регионал дастурларни амалга оширишдаги инвестицион ресурслар миқдори сифатида қаралади. Бу ҳолда инвестицион сиғим, масалан, харажатлар сметаси ҳолида кўзга ташланиши мумкин.

Учинчи талқинда инвестицион сиғим самарали ўзлаштирилган инвестицияларнинг максимал ҳажми сифатида қабул қилинади. Б.А.Чуб фикрича: «Регион, яъни ҳududнинг инвестицион сиғими деганимизда маълум бир ҳудудга инвестиция қилишнинг мақсадга мувофиқлиги

---

[1] Инвестиционный рейтинг регионов России // Эксперт. 1997. №47; Инвестиционный рейтинг регионов России // Эксперт. 1998. № 39; Инвестиционный рейтинг регионов России // Эксперт. 1999. №39.

[2] *Скопина И.В., Бакланова Ю.О., Агаев А.А.* Инвестиционный климат территорий: мировой и национальный взгляд // Менеджмент в России и за рубежом. 2006. №2.

[3] *Быстряков А.Я.* Становление рынка инвестиционных ресурсов и повышение качества строительной продукции: Дисс.доктр. экон. наук. – М., 1997.

[4] *Быковский В.В.* Инвестиционный потенциал: механизм формирования и испоьзования. – М.: Изд-во «Машиностроение-1», 2002. – 168 с.

[5] Чуб Б.А. Деятельность основных субъектов национальной экономики на мезоуровне. – М.: БУКВИЦА, 2001. – 254 с.

(иқтисодий самарадорлиги)ни ҳисобга олган ҳолдаги инвестиция миқдорини тушунмоқ керак, деб таъкидлайди.[1]

С.А.Косторниченкога кўра эса, корхонанинг инвестиция сиғими бу – корхона томонидан самарали ўзлаштирилган инвестицияларнинг максимал миқдори, демакдир.[2]

Н.И.Климованинг «Регионнинг инвестицион потенциали» деб номланган илмий ишида «инвестицион потенциал»нинг моҳияти батафсил тушунтирилган.«Потенциал категорияси умумий лингвистик талқинда «ресурслар» маъносида келса-да, иқтисодиётда ўз хусусиятларига эга тушунчадир. Бу хусусиятлар хўжалик эга бўлган барча ресурслар комплексидан фойдаланиш пайтида кўзга ташланади.[3]

Албатта, «потенциал» тушунчаси иқтисодиётда ўзига хос хусусиятларга эга бўлгани билан, унинг иқтисодий моҳиятини аниқлашда сўзнинг этимологияси, яъни келиб чиқиши ва дастлабки маъносига суянмоқ керак.

Бизнинг фикримизча, корхонанинг инвестицион потенциали – корхона фаолиятининг самарадорлигидан кўра кўпроқ унинг имконият даражасини кўрсатувчи ресурслар маъносида тушунилиши лозим. Н.Н.Климова «потенциал – максимал натижага эришиш қобилиятидир» – дейди. Лекин ҳар доим ҳам инвестицион фаолият субъектининг катта имкониятларга эга эканлиги катта натижаларга олиб келишни таъминламайди. Қолаверса, етарли потенциалга эга бўла туриб, ҳеч қандай натижага эриша олмаслик ҳам мумкин.

Ю.А.Корчагин, И.П.Маличенколар мамлакат, регион, муниципалитет, корхонанинг инвестицион потенциали деганда, инвестицион лойиҳаларни амалга оширишда субъектнинг инвестициялардан самарали фойдалана олиш қобилияти тушинилади, деб эътироф этадилар.[4]

Фикримизча, ушбу талқинлар айнан «инвестицион сиғим» тушунчасига тегишлидир. Хўжалик субъектининг инвестицион потенциал тушунчасини субъектнинг ўз маблағлари ва қарзга олинган воситалар ҳисобидан вужудга келган инвестицион ресурслар жамланмаси, деб

[1] *Чуб Б.А.* Деятельность основных субъектов национальной экономики на мезоуровне. – М.: БУКВИЦА, 2001. – 254 с.

[2] *Косторниченко С.А.* Управление инвестиционной адаптивностью предприятий строительства: Диссертация на соискание ученой степени кандидата экономических наук. – Волгоград, 2003.

[3] *Климова Н.И.* Инвестиционный потенциал региона. – Екатеринбург: Изд-во УрО РАН, 1999. – 276 с.

[4] *Корчагин Ю.А., Маличенко И.П.* Инвестиции: теория и практика: Учебное пособие. – М.: ЮНИТИ-ДАНА, 2008. – 453 с.

тушунмоқ лозим. *Инвестицион потенциал корхона фаолиятининг самарадорлиги эмас, балки унинг имкониятларини белгиловчи инвестиция ресурслари демакдир.*

«Инвестицион сиғим» категориясининг иккинчи ва учинчи талқини аҳамиятга молик. Чунки бу йўналишлар турли инвестицион сиғимларни англатади: биринчиси потенциал инвестицион сиғимни англатса, иккинчиси эса хақиқий инвестицион сиғим маъносида келади.

Хўжалик субъектининг потенциал инвестицион сиғими инвестицион ресурсларнинг кўламини белгилайди. Хўжалик субъектининг реал, хақиқий инвестицион сиғими, унинг мавжуд ресурслардан максимал натижа олиш, инвестицион потенциални амалга ошира олиш қобилияти, демакдир.

Ҳақиқий инвестицион сиғим корхона фаолиятининг самарадорлигини кўрсатувчи жиҳат бўлиб, корхонанинг рақобатбардошлигини белгилайди. Хўжалик субъектининг инвестицион потенциали ва инвестицион сиғими инвестиция жалб этиш қобилиятининг икки ташкил этуви элементидир.

Ҳар қандай лойиҳани муваффақиятли амалга ошириш учун инвестицион ресурслар зарур бўлади. Лекин унинг ўзи етарли эмас. Корхона зарур инвестицион ресурсларга эга бўлиш билан бирга, улардан самарали фойдалана олиши ҳам лозим. Зеро, ҳар қандай бизнесда биринчи вазифа мавжуд ресурслардан унумли фойдалана олишдан иборатдир.

**Мамлакат ва унинг ҳудудларида хатарларни баҳолаш моделлари ва усуллари таҳлили.** Ривожланаётган бозорларда инвестор мамлакатдаги сиёсий ҳолатнинг нотурғунлиги, ташқи низолар, коррупция, фуқаролик уруши ва тартибсизликлар, айирбошлаш курсидаги нобарқарорлик, инфляция, хусусий сармояга оид турли хил мажбуриятларни бажармаслик ва (ёки) уни ноқонуний экспроприация қилиш (мажбурий тарзда тортиб олиш) ҳамда бошқа ҳолатларга дуч келиши мумкин. Шу боисдан ҳам ривожланаётган бозорларда ишларни муваффақиятли олиб бориш учун барча ҳолатларни инобатга олиш лозим ҳисобланади. Ушбу мақсадда илмий муомалага «мамлакат хатари» деган тушунча киритилган.

Хатарнинг тавсифи турлича бўлиши ва у ўзининг асосида ётган омиллар (сиёсий, иқтисодий, молиявий, ижтимоий ва бошқалар) билан белгиланиши мумкин.

Хатарни самарали бошқариш бир вақтнинг ўзида бир қатор концептуал ва амалий муаммоларни ечишни ҳам талаб этади. Авваламбор, у сифат жиҳатидан турли бўлган хатарларни миқдорий ифодалаш имко-

ниятига боғлиқдир. Ўз навбатида, хатарларни ўлчаш ноаниқликнинг ўзини ҳам аниқлашни талаб этади.

Жаҳон амалиётида мазкур хатарларни баҳолаш учун кўплаб усул ва моделлар мавжуд. Масалан, «эски танишувлар», «катта турлар», «дельфий башоратчиси», PSSI, Ecological Approach, ASPRO/SPAIR, ESP усуллари, И.Вальтер модели, В.Тихомиров модели, Prince-модели ва бошқалар шулар жумласидандир.

Шу ўринда асосий рейтинг агентликлари ва улар томонидан қўлланилаётган мамлакат хатарини баҳолаш услубиятини кўриб чиқамиз.

**Bank of America World Information Services.** Bank of America 10 та иқтисодий кўрсаткич асосида 80 та давлат учун мамлакат хатари даражасини баҳолайди. Ҳар бир индикатор бўйича баҳолаш ҳамда якуний баҳолаш (барча кўрсаткичлар бўйича ўртача ҳисобланган миқдори) 1 дан (қийинчилик даражаси паст бўлган) 80 гача (энг кўп муаммолар) тебранади. Bank of America ўз мижозларига жорий йилда мамлакат хатарини баҳолашнинг охирги 4 йиллик ҳолатини баҳолашни ҳамда 5 йиллик прогноз юзасидан ўз хизматини таклиф этади.[1]

**Business Environment Risk Intelligence (BERI) S.A.** Мазкур услубиятда (50 та давлат учун мўлжалланган услубият) мамлакат хатарини баҳолаш ўртача арифметик ҳисобланган учта кўрсаткич – сиёсий хатар (10 та сиёсий ва ижтимоий ўзгарувчан кўрсаткичларни баҳолаш), операцион хатар (15 та иқтисодий, молиявий ва таркибий ўзгарувчан кўрсаткичларни экспертлар ёрдамида баҳолаш) ва R-омилга (мавжуд қонунчилик тизими, валюта курси, валюта захиралари ва ташқи қарзни баҳолаш) асосланган.

Қўлланилаётган BERI шкаласидаги хатарнинг энг кичик миқдори 100 га тўғри келади, энг юқори миқдори эса – 0 га тенг. Хатар даражасининг прогнози 1 ва 5 йилга мўлжаллаб амалга оширилади.[2]

**Control Risks Group (CRG).** CRG томонидан олиб борилаётган сиёсий хатарни ҳисоблаш ишлари (ушбу ҳисоблар 118 та давлат бўйича амалга оширилади) учта кўрсаткични баҳолашга асосланган. Эксперт хулосалари асосида хатарнинг якуний миқдори қуйидаги кўрсаткичлар ўртасида тебраниши мумкин: «ўта кичик», «кичик», «ўртача», «юқори», «ўта юқори». Прогнозлаштириш воқеалар ривожининг турли сценарияларини тузишдан иборат.[3]

[1] https://www.bankofamerica.com/

[2] http://www.beri.com/Publications/BRS.aspx

[3] https://www.controlrisks.com/en/services

**Economist Intelligence Unit.** Мамлакат хатарини баҳолаш 100 та давлат бўйича амалга оширилади, у қуйидаги тўртта таркибий қисмларга асосланади: сиёсий хатар (умумий баҳолаш миқдоридан 22%; у 11 та кўрсаткичдан иборат); иқтисодий сиёсатнинг хатари (уларга мос равишда 27% ва 28 та кўрсаткич) ва ликвидлик хатари (23 % ва 10 та кўрсаткич).

– 0 (хатар даражаси энг паст), 100 (хатар даражаси энг юқори) шкаласида жойлашган хатарнинг ҳосил бўлган сон кўрсаткичлари тегишли равишда ҳарфлар шкаласига (A-E) ўтказилади.[1]

**Euromoney.** Euromoney ўз мамлакат хатарининг даражасини баҳолаш моделида қуйидаги 9 та тоифа бўйича баҳолашни амалга оширади: иқтисодий маълумотлар (баҳолашдаги 25%), сиёсий хатар (25%), қарз кўрсаткичлари (10%), тўланиб борилмайдиган ёки вақт маконида қайта ҳосил бўлган қарзлар (10%), кредит рейтинги (10%), банк молиясидан фойдаланиш имконияти (5%), қисқа муддатли молиядан фойдаланиш имконияти (5%), сармоя бозорига кириб бориш имконияти (5%), форфейтинг бўйича чегирмалар (5%). Бунда сиёсий хатарни баҳолаш 0 дан (хатар даражаси юқори) 10 гача (хатар даражаси паст) бўлган шкала бўйича экспертлар хулосалари асосида амалга оширилади.

Мамлакат хатарининг натижавий миқдори 0 дан (хатар даражаси энг юқори), 100 гача (хатар даражаси энг паст) тебранади. Ушбу сонли миқдорлар 10 та ҳарфли тоифалар, яъни AAAдан N/R гача бўлган тоифаларга ўтказилади.[2]

**Institutional Investor (II).** II агентлик томонидан олиб борилаётган хатар даражасини (тўлов қобилиятини) ўлчаш ишлари (135 та давлат бўйича амалга оширилади) экспертларнинг сўровлари асосида амалга оширилиб, улар хатар учун энг муҳим омилларни белгилайди ва баҳолайди. Ҳосил бўлган баҳолаш натижалари экспертларнинг баҳосига қараб чамаланади ва ўртача кўрсаткичларга келтирилади. Якуний рейтинг 0 (мажбуриятларни бажармаслик эҳтимоли жуда юқори)дан 100 (мажбуриятларни бажармаслик эҳтимоли жуда паст)гача бўлган сон оралиғида ётади.

**International Country Risk Guide (ICRG).** ICRG 140 та давлат учун мамлакат хатарини баҳолаш ишларини олиб боради. Мазкур модел мамлакат хатарининг учта таркибий қисмини, яъни сиёсий (умумий

[1] https://www.eiu.com/home.aspx

[2] https://www.euromoneycountryrisk.com/

баҳолашдаги 100 тадан 50 та банд, 12 ўзгарувчан кўрсаткичлар), молиявий (100 тадан 25 та банд, 5 та ўзгарувчан кўрсаткичлар) ва иқтисодий (100 тадан 25 та банд, 5 та ўзгарувчан кўрсаткичлар) хатарларни баҳолашга асосланган.

22 та ўзгарувчан кўрсаткичларнинг ҳар бири махсус шкала бўйича баҳоланади, ушбу шкаланинг максимал миқдори ҳаммаси қўшилган ҳолда 100 ни ҳосил қилади. Натижавий шкалада максимал хатар 0, минимал хатар – 100 га тўғри келади.[1]

**Moody's Investor Service.** Moody'sнинг мустақил кредит хатарини баҳолаш усулида давлатнинг ҳам сиёсий (6 та кўрсаткич) ҳам иқтисодий (7 та кўрсаткич) ҳолатлари таҳлил қилинади. Ушбу жараён мобайнида ҳосил бўлган хатар даражасини баҳолаш 21 та белги шкаласи бўйича ҳарфли-рақамли миқдорга, яъни ААА дан С гача бўлган миқдорга ўтказилади.[2]

**Political Risk Services (PRS).** PRSда инвесторлар учун хатарларни баҳолаш икки босқичда амалга оширилади. Биринчи босқичда Prince-усулидан фойдаланган ҳолда мамлакатда келгусидаги режим прогноз қилинади. Кейинги 18 ой ва 5 йил мобайнидаги воқеалар ривожи бўйича учта эҳтимоллиги юқори бўлган вариантлар қурилади.

Ундан кейин ҳар бир режим учун сиёсий тартибсизликнинг эҳтимол бўлиш даражаси («паст», «ўртача», «юқори» ва «энг юқори» хатарлар шкаласи бўйича) ва мамлакатда тадбиркорлик муҳитига таъсир кўрсатувчи яна 11 та ўзгарувчан кўрсаткичлар даражаси баҳоланади.

Иккинчи босқичда режимларнинг якуний рейтингларидаги эҳтимоллик даражаси 100%ни ташкил этишини ҳисобга олсак, ҳосил бўлган миқдорий баҳолаш харфли баҳолашга (А дан D гача бўлган шкаласи бўйича) учта инвестицион бўлинмалар (молиявий трансфертлар, тўғридан-тўғри инвестициялар ва экспорт бозорлари) бўйича ўтказилади.[3]

**Standard & Poor's Ratings Group (S&P).** S&Pнинг рейтинг методологияси қарзларни, мажбуриятларни бажармаслик эҳтимолини қоплаш қобилиятини прогнозлаштириш натижаларига асосланган. У давлатнинг қарз бўйича ўз вақтида тўлаш истаги каби сиёсий хатарни баҳолаш (3 та омил бўйича) ҳамда қарз бўйича тўлов қобилияти каби иқтисодий хатарни баҳолаш (5 та омил бўйича)ни ўз ичига олади. Мамлакатларнинг сараланиши 3 ҳарфли (ААА дан D гача) рейтинг тизими асосида амалга оширилади.

---

[1] http://www.institutionalinvestor.com/Research-and-Rankings.html

[2] https://www.moodys.com/researchandratings?lang=en&cy=aus

[3] https://www.prsgroup.com/about-us/our-two-methodologies

Мамлакат хатарини баҳолаш бўйича бошқа услубиятлар ҳам мавжуд. Булар, масалан, S.J. Rundt & Associates Inc., Institute of Management Development (IMD), PricewaterhouseCoopers, Dun & Bradstreet ва бошқалар томонидан ишлаб чиқилган услубиятлар. Асосий рейтинг хизматлари ўртасидаги фарқлар, ўз моҳиятига кўра, хатар индексининг асосий таркибий қисмлари учун ахборот манбаси (миқдорий/сифат) ҳамда хатар индексининг турларига (тартибли/скаляр) бўлинади[1] (2-илова).

**Сифатли баҳолаш усуллари.** Хатар миқдорига таъсир кўрсатувчи омилларни ҳисоблаш усули асосини экспертларнинг хулосалари ташкил этади. Мазкур баҳолашнинг субъективлиги олинадиган натижаларнинг ҳаққонийлигини пасайтиради. Мазкур усулларнинг қўлланилиши нафақат баҳоланаётган мамлакатдаги ҳолатни яхши биладиган, балки тадқиқот мақсадларини аниқ тасаввур қиладиган тажрибали экспертлар гуруҳини жалб этган ҳолдагина ўз самарасини беради.

Таҳлил натижаларининг ишончлилик даражасини янада оширишни баҳоланаётган омилларни миқдорий таркиблаш, яъни уларни тизимлаштириш йўли билан таъминлаш мумкин. Бу эса рейтинглар асосида тадқиқ этилаётган давлатларни гуруҳларга бўлиш имконини беради, бироқ гуруҳлар ичида хатар даражасини янада чуқур баҳолаш ишлари қийин кечади.

**Миқдорий баҳолаш усуллари.**

• ***Мамлакат хатарларининг каталогини тузиш.*** Мазкур усулни мамлакатнинг статистик маълумотлари асосида амалга оширишда хатарни баҳолашга ва мамлакат ривожига таъсир кўрсатадиган энг муҳим кўрсаткичлар – хатарнинг омиллари саралаб олинади. R – хатарнинг натижавий миқдори – кўп омилли функция бўлиб, у, умуман олганда, инобатга олинадиган омилларнинг миқдорларига боғлиқ (xi – i омилнинг миқдорлари йиғиндиси):

$$R = R(x_1, x_2, x_3, \dots x_n) = R(x_i) \quad (1.9.)$$

$i = 1 \dots n$, бу ерда омиллар сифатида фақат объектив сонли миқдорларга (одатда иқтисодий кўрсаткичлар) эга бўлган омиллар ёки хатарни ҳисоблаш учун қиймат кўринишида ифодаланган хатарни баҳолаш (миқдорий ва сифатли баҳолаш) усуллари қўлланилади.

*Мазкур усулни қўллаш самарадорлиги:* уларнинг оддий экстраполяция йўли билан мамлакат хатари миқдори ўзгаришини прогнозлаштириш-

[1] http://www.standardandpoors.com/en_US/web/guest/ratings/ratings-criteria

нинг қийинлиги; мамлакат хатарининг даражасига сезиларли даражада таъсир кўрсатиши мумкин бўлган сифат омиллари ҳисобга олинмаслиги; якуний рейтингда омилли салмоқларнинг рад этилиши туфайли пасаяди.

• ***Мамлакат хатарини баҳолаш бўйича эконометрик усуллар.*** Мазкур усул муайян даражада олдинги усулларнинг айрим муаммоларини ҳал этишга имкон беради. Унинг ёрдамида амалга оширилаётган хатарни прогнозлаштириш негизида бир қатор иқтисодий кўрсаткичлар келгуси тенденцияларни баҳолашни амалга ошириш учун асос сифатида хизмат қилиши мумкин. Шу билан бир қаторда, статистикада ҳисобга олинмайдиган, аммо хатарни баҳолаш учун кўпинча катта аҳамиятга эга бўлган сифатли омиллар (сиёсий, ижтимоий-маънавий ҳолатлар ва ҳ.к.) ўрганилмай қолмоқда.

Зеро, эконометрик ёндашув юқори даражада объектив ёндашув сифатида намоён бўлса-да, энг самарали, камчиликлардан холи бўлган усул бу мамлакат хатарини баҳолаш бўйича миқдорий ва сифатли усулларни биргаликда қўллашга асосланган таҳлил тизимидир.

**Мамлакат хатарини баҳолаш бўйича аралаш усуллар.** Ҳам миқдорий, ҳам сифатли ахборотдан фойдаланиш асосида тузилган моделларда аввал:

- сонли мутлақ ва нисбий кўрсаткичлар (бунда ўзгарувчан кўрсаткичларнинг салмоғини аниқлаш учун статистик-эконометрика таҳлилидан фойдаланилади);
- сифатли кўрсаткичлар (масалан, ижтимоий-сиёсий ривожлантириш)ни эксперт баҳолаш (ўзгарувчан кўрсаткичларнинг салмоғи ҳам эксперт баҳолаш билан ҳисобланади) асосида мамлакатнинг рейтинг индекслари тузилади. Ҳосил бўлган натижалар якуний индексга келтирилади, уларнинг миқдори одатда 1 дан 99 гача тебранади.

**Мамлакат хатарини статистик баҳолаш бўйича таркибий-сифатли (омилли) баҳолаш.** Ушбу усул хатарнинг иккита тавсифини эксперт тадқиқ этишга асосланган, яъни зарарларнинг пайдо бўлиш эҳтимоли ва унинг миқдори, бошқача қилиб айтганда, хатарлар, воқеалар у ёки бу сценарий бўйича ривожланиш эҳтимоллигига кўра ўлчанади.

Юқорида санаб ўтилган хатарни баҳолаш усулларининг ҳар бири ўзининг афзаллик ва камчиликларига эга, албатта. Миқдорий ифоданинг қолган усулларга нисбатан энг асосий афзаллик томони шундаки, у омил ёки ўзгарувчан кўрсаткичларни оператив ҳолда кўриб чиқиш ва ўзаро

алоқадорликни топишга имкон беради. Бироқ жуда муҳим аҳамиятга эга бўлиши мумкин бўлган жиҳатлар йўққа чиқади.

Сифатли баҳолашнинг асосий камчиликларидан бири – унинг экспертларнинг субъектив фикрлари билан кучли боғланганлигидадир. Ҳозирги кунда хатарни бошқариш бўйича энг оптимал ва кенг тарқалган усуллардан сифатий ва миқдорий ёндашувларни қўшган ҳолда қўллаш кенг тарқалган.

Шуни таъкидлаш лозимки, Осиё давлатларида, Россия ва Бразилияда содир бўлган ва аксарият хорижий инвесторларнинг кетишига сабаб бўлган сўнгги молиявий инқироз рейтинг агентликларнинг ҳамда мамлакат ва сиёсий хатарларни баҳолаш бўйича мавжуд моделларнинг ўхшаш воқеаларни прогнозлаштириш борасидаги имкониятнинг пастлигини кўрсатди. Шу боис, мамлакат хатарини баҳолаш бўйича ишончли моделларни ишлаб чиқиш долзарблигича қолмоқда.

---

***Акс-садо билан баҳслашма: бари-бир сўнгги сўзни у айтади!***

**Рамон Гомес де ла Серна**

## 1.4. ИНВЕСТИЦИОН МУҲИТ ЖОЗИБАДОРЛИГИНИ ШАКЛЛАНТИРИШДА КЛАСТЕРЛИ ЁНДАШУВ

Ривожланган мамлакатлар тажрибаси шундан далолат берадики, мамлакат ҳудудларининг инвестицион жозибадорлиги у ерда шаклланган кластерлар ва уларнинг ривожланганлик даражасига боғлиқ. Тадқиқотларга кўра, қайси ҳудудда инвестицион муҳит жозибадорлиги юқори бўлса, ўша ерда кластерларнинг ривожланганлиги кузатилади ёки аксинча. Ушбу иккита иқтисодий категория/иборанинг бир-бири билан узвий алоқаси мавжуд. Айнан, инвестицион муҳит ва кластерлар ҳудуднинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишини, ривожланганлигини юзага келтиради. Шуларни эътиборга олган ҳолда, тадқиқотнинг ушбу параграфида кластер билан боғлиқ таҳлиллар амалга оширилади.

Кластерли ёндашувнинг ривожланиши юз йиллик тарихга эга. Ҳудудий ишлаб чиқариш мажмуаларидан (ҲИМ) фарқли равишда, «кластер» (инглиз тилидаги таржимаси – бош, боғлам, шингил, тўп) максимал даражада бозор механизмини ҳисобга олади ва корхоналар ўзларининг рақобатбардошлигини ошириш мақсадида кластерга бирлашишга харакат қилишади. Кластерлаштириш XX асрнинг охирги 25 йилида оммавий тус ола бошлади. Шундан бошлаб, ушбу соҳага

нафақат давлат бошқарувчилари, балки илмий-тадқиқот соҳаси билан шуғулланувчиларнинг ҳам қизиқиши орта бошлади.

**Мазкур соҳанинг асосчиларидан бири сифатида Гарвард бизнес мактабининг профессори Майкл Портер тилга олинади.** Унинг қарашларига кўра, ривожланган ва ривожланаётган соҳа ёки тармоқлар айнан кластерни татбиқ этиш ёки унинг баъзи бир элементларидан фойдаланиш орқали юқори натижаларга эришган.

Жами 9 та мамлакатда 100 дан ортиқ тармоқларни таҳлил қилган олим шундай хулосага келадики, юқори рақобатдошликка эга бўлган трансмиллий компаниялар ўз ривожига бир нечта давлатларга бўлиниб кетган ташкилотларнинг мустақил ҳаракат қилиши орқали эмас, балки тизимли равишда битта давлат ёки битта минтақага концентрациялашуви орқали эришган. Бундан кўринадики, юқори рақобатлашув кўрсаткичларига эга бўлган компания ўз ютуғи орқали атрофдаги иқтисодий субъектларга: истеъмолчилар, хом ашё етказиб берувчилар ва рақобатчиларга ўзининг ижобий таъсирини ўтказади. Охир-оқибатда, атрофдагиларнинг кучайиши компаниянинг рақобатбардошлиги янада юксалишига сабаб бўлади. Ушбу ўзаро манфаатдорлик туфайли кластерларнинг шаклланиши юзага келади.

М.Портернинг мулоҳазаларига кўра, «Кластер» бу – бир-бирига боғлиқ бўлган бир нечта корхоналарнинг тўпламидан иборат бўлган, яъни асосий воситаларни етказиб берувчилар, махсус хизмат кўрсатувчи инфратузилмалар, мол етказиб берувчилар, илмий-тадқиқот институтлари, таълим муассасалари ҳамда бошқа барча бир-бирининг рақобатбардошлигини оширишга хизмат қиладиган ва, ўз навбатида, кластернинг ҳам ривожланишини таъминлайдиган ўзаро манфаатли ҳамкорликни ўрнатувчиларнинг жамланмасидир.

М.Портернинг таъкидлашича, қайси давлат ёки минтақада кластерлар ривожланган бўлса, ўша ҳудудда истиқомат қилаётган аҳолининг турмуш фаровонлиги ва компанияларнинг рақобатлашуви ҳам юқори бўлади.[1]

Шунинг учун ҳам кластер маъновий жиҳатдан таржима қилинганда «биргаликда юксалиш» тушунчасини англатади. Кластерлар вертикал интеграцияланган тузилмалардан, биринчи навбатда, ишлаб чиқаришни ташкил этишга иннновацион ёндашув, ихтисосликнинг эластиклиги, шунингдек, алоҳида корхоналар фаолиятини мувофиқлаштириш ва ишлаб чиқариш занжири доирасида мослаштирилиши билан фарқланади.

[1] *Портер, М.* Конкуренция: пер. с анг. / М.Портер. – М.: Изд. дом «Вильямс», 2006.

Олиб борилаётган тадқиқотлар самараси ўларок, «кластер», унинг имкониятлари, ривожланишни таъминлашда тутган ўрни бўйича талай ишлар амалга оширилган. «Кластер»ни назарий-услубий жиҳатдан таърифлаш, унинг мазмун-моҳиятини очиб беришга қаратилган хорижий олимларнинг талкинларига эътибор қаратадиган бўлсак, улар томонидан келтириладиган фикрларнинг ҳаммаси ҳудуднинг самарали иктисодий муҳитини шакллантириш, маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш ва товар ҳамда хизматларни ишлаб чиқариш учун сарфланадиган ресурсларни кам миқдорда ишлатилиши билан характерланади.

1.4.1-жадвалда кластернинг мазмун-моҳиятини очиб берган ва шу соҳада комплекс ишларни, илмий-тадқиқотларни олиб борган хорижий олимларнинг таърифлари келтирилган. Кластернинг амал қилиш самарадорлиги минтақавий/ҳудудий ривожланиш натижаларига кўра, вертикал бирлаштирилган тузилмаларнинг хўжалик фаолияти самарадорлиги эса тармоқли кўрсаткичлар бўйича баҳоланади.

Аммо тармоқли ёндашувдан фаркли ўларок, кластер турли иқтисодий фаолият кўринишларига ихтисослаштирилган инфратузилмавий ташкилотлар ва стратегик тадбиркорлик тузилмалари гуруҳи сифатида намоён бўлади.

Ю.Гусевнинг фикрига кўра, «кластерлар ўз-ўзини мустақил ташкил этиш усули билан тажрибада синалган ва назарий жиҳатдан қайта ишланган ҳисобланади... Кластерли мафкура самарасиз тармоқли ёндашувдан ишлаб чиқаришни ташкил этишнинг такомиллашган шаклларига ўтишнинг кучли воситасига айланиши мумкин»[1].

Ижтимоий ривожланишнинг информацион иқтисодиётга ўтиш босқичида товарлар эмас (уларнинг сифати кўпинча бир хил бўлади), балки ташкилотлар рақобатлашади, оқибатда асосий рақобат устунлиги товарнинг хусусияти билан эмас, фирманинг ишлаб чиқарган товарларини сотиш харажатларини қисқартириш имкониятлари ва ваколатлари билан белгиланади.

Иқтисодиётни ривожлантириш учун кластерли тузилмаларни шакллантириш қўшимча иш ўринларини яратиш, маҳаллий бюджет даромадларини ошириш, ваколатларни тақсимлаш, тадбиркорлик тузилмалари билан ўзаро таъсирлашиш, ахборот айирбошлашни жадаллаштириш ва янгиликларни тарғиб этиш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг инновацион фаоллигини ошириш, ҳудуднинг иннова-

[1] *Гусев Ю.* О принципах кластеризации экономики в России // Экономические стратегии. 2007. №3. – С. 50-51.

цион ва инвестицион жозибадорлигини жадаллаштириш ҳамда ҳудудий иқтисодиётни диверсификация қилиш бўйича янги имкониятларни тақдим этади.

***Тадбиркорлик тузилмалари учун кластерлар – бу йирик ҳудудий инвестиция лойиҳаларида иштирок этиш, қўшимча даромад олиш, янги бозорларга чиқиш, инновацияларни жорий этиш бўйича харажатларни қисқартириш, инновацион фаолиятни инфратузилмавий таъминлаш, ходимлар малакасини ошириш, кичик корхоналарни инновацион фаолиятга жалб этиш ва пировардида рақобатбардошликни ошириш учун имконият ҳисобланади.***

***1.4.1-жадвал***

**Кластер ва унинг мазмун-моҳиятини очиб беришга қаратилган тадқиқотлар**

| Олимлар[1] | «Кластер» тушунчасига берилган таърифлар |
|---|---|
| Schmitz | Кластер – битта соҳага бирлашган ва бир-бири билан узвий алоқада бўлган корхоналар гуруҳи. |
| Swan and Prevezer | Кластер – битта географик ҳудудда жойлашган ва битта тармоқни ташкил қиладиган фирмалар гуруҳи. |
| Porter | Кластер – махсус соҳалар бўйича битта географик ҳудудда фаолият юритаётган, бир-бири билан боғлиқ бўлган ва бир-бирини тўлдирувчи компаниялар, институтлар гуруҳи. |
| Elsner | Кластер – горизонтал ва вертикал равишда функционал боғлиқ бўлган фирмалар гуруҳи. |
| Steiner and Hartman | Кластер – жамоавий, хусусий ва ярим жамоавий кўринишда бир-бири билан боғлиқ ва ўзаро бири-бирини тўлдирувчи фирмалар, тадқиқот ва ривожланиш институтлари гуруҳи. |

[1] Schmitz, Hubert (1992), On the Clustering of Small Firms', in Rasmussen, J., H. Schmitz andM. P. van Dijk (eds.), 'Flexible specialization: a new view on small industry, IDS Bulletin (Special Issue), 23 (3):64–69.; Swann G. M. P., Prevezer M. and Stout, D., eds., The Dynamics of Industrial Clustering: International Comparisons in Computing and Biotechnology. Oxford: Oxford University Press, 1996.; Porter, M.E. On Competition. Cambridge, Mass.: Harvard Business School Press, 1998.; Elsner, W. An industrial policy agenda 2000 and beyond: Experience, Theory and Policy. Bremen Contributions to Institutional and Social-Economics (Eds.) Biesecker, A./ Elsner, W./ Grenzdorffer, K., No 34, 1998.; Steiner, M. and Hartmann, Looking for the Invisible: Material and Immaterial Dimensions of Clusters, Paper presented at the Regional Studies Association Annual Conference on 'Regionalising the Knowledge Economy', November 21, London 2001.; Bergman, E.M. and Feser, E.J. Industrial and Regional Clusters: Concepts and Comparative Applications / E. M. Bergman, E. J. Feser. Regional Research Institute, WVU., – 1999.; Хааг Д. цит. по Мигранян А.А. Теоретические аспекты формирования конкурентоспособности кластеров в странах с переходной экономикой. http. // www. kkrsu.edukg/vestnik/v31a15.html; Andersson, Thomas, Sylvia Schwaag Serger, Jens Sorvik, and Emily Wise Hansson. The Cluster Policies Whitebook. International Organisation for Knowledge Economy and Enterprise Development, Malmo 2004.

| Олимлар | «Кластер» тушунчасига берилган таърифлар |
|---|---|
| Bergman and Feser | Кластер – тижорат ва нотижорат ташкилотлари гуруҳи бўлиб, у гуруҳда фаолият юритаётган ҳар бир фирманинг рақобатбардошлигини таъминлашга хизмат қилади. |
| Haag | Кластер – ҳудудий концентрациялашувга асосланган ва технологик занжирга боғланган товар ва хом ашё етказиб берувчилар, асосий ишлаб чиқарувчиларни бирлаштирган индустрлашган мажмуа. |
| Andersson | Кластерлаштириш бу, умумий олганда, битта географик ҳудудда концентрациялашган ва маълум бир аниқ вазифани ечишга қаратилган фирмалар гуруҳи бўлиб, улар бир-бири билан узвий алоқада, жамоавий рақобатлашувни мустаҳкамлаш мақсадида ишчи кучларининг ўзаро бирлашув жараёнидир. |

Бунда, ҳар бир кластер иштирокчиси – корхона, ўз мақсадини кўзлаган ҳолда, нафақат ўз хўжалик фаолияти самарадорлиги ва рақобатбардошлигини оширади, балки тадбиркорлик инфратузилмасини шакллантиришга кўмаклашгани ҳолда, ҳудудда фаолият юритаётган турли хилдаги бошқа корхоналарнинг самарадорлиги ва рақобатбардошлигининг ўсишига хизмат қилади. Ҳудудий кластерда иштирок этиш фан ва таълим муассасалари учун ҳам жозибадор бўлиши мумкин, чунки бу илмий тадқиқотлар ва ишланмаларни молиялаштириш ҳажми ҳамда сифатини ошириш, илмий тадқиқот ишларининг техник таъминоти даражасини юксалтириш, инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш, ташқи лойиҳаларда иштирок этиш, илмий-педагог кадрлар малакасини оширишнинг янги имкониятларидан ҳисобланади.

Кластерларни шакллантиришнинг хориж тажрибаси таҳлилига кўра, иккита асосий модель мавжуд бўлиб, унинг доирасида «либерал» ва «дирижист» кластер сиёсати амалга оширилади. «Либерал» сиёсатнинг асосий тамойили шундаки, бунда бозор муносабатлари ҳукмрон кучга эга бўлади, давлатнинг роли эса фақатгина табиий ривожланишдаги тўсиқларни бартараф этишдан иборат бўлади.

«Дирижист» кластер сиёсатида давлат иқтисодий кластерлаштиришнинг минтақавий ва тармоқли устунликларини танлаши; кластернинг инфратузилмавий таъминотини ривожлантириши; кластер ташкил қилинаётган ҳудудни танлаш жараёнида фаол иштирок этиши мумкин.

Замонавий иқтисодий адабиётларда ҳудудий кластерларни тадқиқ этиш оммабоп мавзуга айланган. Олимлар уларни турли хилдаги ривожланиш жиҳатларини таҳлил қилишда давом этмоқдалар. Бугунги кунда улар томонидан худуднинг рақобат устунликларини шакллантириш, минтақавий ривожлантириш стратегиясини амалга ошириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ҳамда корпоратив секторнинг ўзаро таъсирини қулайлаштириш, минтақавий таълим тизимида таълим сифати ва

инновацион-инвестицион фаолликни оширишда кластерларнинг ўрнига бағишланган тадқиқотлар кўпроқ учрамоқда.

Ҳозирда саноат кластерларининг барча таркибий бўғинлари бўйича ишчи кучи қиймати тақсимотини тадқиқ этиш, худудий тармоқларда фирмалараро юқори технологик кластерларнинг ўрни ва аҳамиятини ўрганиш, ҳудудий кластерларнинг инфратузилмавий таъминот тизимини шакллантириш бўйича тадқиқотларни амалга ошириш долзарблик касб этади.

Фикримизча, бошқарувга кластерли ёндашувни фақат бир қатор инфратузилмавий ва ноинфратузилмавий шарт-шароитлар мавжуд бўлгандагина татбиқ этиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Булар:

**1. Инфратузилмавий шарт-шароитлар:**

- кластерларни қўллаб-қувватлаш ва ривожлантиришга қаратилган давлат сиёсатини кластер иштирокчиларининг салоҳияти ва тадбиркорлик тизимини ривожлантириш хусусиятлари, ҳудуднинг ўзига хослигини ҳисобга олган ҳолда расмийлаштириш. Кластерларни ривожлантиришнинг устуворликлари ва вазифаларини белгилаб олиш (ҳудуднинг ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш стратегиясига кластерларни ривожлантириш дастурларини киритиш, бюджет ва бюджетдан ташқари маблағларни ажратиш);
- илмий-таълим асоси, малакали ишчи кучи, давлатнинг ИТТКИ (Илмий техника тараққиёти ва конструкторлик ишлари)дан тадбиркорлик тузилмаларининг фойдаланиш имкониятининг мавжудлиги, таълим секторига эга бўлган йирик ташкилотлардан (корпорациялар) бизнеснинг манфаатдорлиги;
- кластер иштирокчилари ўртасида коммуникацияни расмий ва норасмий ахборот, билим ва касбий тажриба алмашиш асоси сифатида ривожлантириш. Кластерларни умумий бошқариш тамойиллари манфаатдор томонлардан ҳамкорликдаги ҳаракатланиш учун ишонч ва ошкораликни талаб этади. Кластерли ёндашувдан фойдаланиш бизнес-ҳаракатларни узоқ вақт режалаштириш ва стратегик башоратлашни кўзда тутади;
- кластерли тузилмаларни ривожлантириш воситаси сифатида давлат буюртмалари ҳамда давлат-хусусий шерикчиликни қўллаб-қувватлаш;
- тадбиркорлик субъектларига тажриба алмашиш ва ўз манфаатларини ҳимоя қилиш имконини берувчи ҳудудий кластерларни шакллантиришда ижтимоий бирлашмаларнинг иштироки.

**2. Ноинфратузилмавий шарт-шароитлар:**

- ҳудудларда миллий ва жаҳон бозорларининг жўшқин ривожланаётган сегментларида амал қилаётган ҳудудий рақобат устунликлари-

дан фойдаланувчи горизонтал ва вертикал бирлаштирилган тадбиркорлик тузилмаларининг мавжудлиги;

- замонавий технологиялардан фойдаланувчи, рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқарувчи, бир ёки бир неча турдаги маҳсулотларни ишлаб чиқаришга ихтисослашган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари сонининг ортиши;
- бизнес-тузилмалари вакилларининг кластерда иштирок этиш заруратини англаб етишлари.

Фикримизча, ҳудудий кластерлар доирасида тадбиркорлик фаолиятини инфратузилмавий таъминлашнинг устувор жиҳатларидан келиб чиқиб, уларнинг қуйидаги турларини таклиф этиш мумкин:

- *инновацион жиҳатдан йўналтирилган* – фан ва таълим муассасалари иштирокида ҳудудий иқтисодиётнинг ўхшаш секторлари ичида шаклланади;
- *вертикал бирлашган (интеграцияланган)* – ишлаб чиқариш жараёнининг ёндош босқичлари кластер ўқини шакллантирувчи, иқтисодиётнинг муайян секторида (тармоғида) вертикал ишлаб чиқариш занжири шаклланади;
- *конгломерат (тасодифий)* – минтақанинг иқтисодиёт секторлари ва иқтисодий фаолият турларининг юқори асосланган йиғиндиси шаклланади.

Бошқарувга кластерли ёндашувни татбиқ этишга оид хориж ва маҳаллий тажриба, назария ва услубиятни ўрганиш асносида кластерни татбиқ этиш тадбиркорлик фаолиятининг хусусиятларига мос келувчи




**1.4.1-расм. *Кластерни ташкил этиш алгоритми.*[1]**

[1] Муаллиф томонидан тузилган.

инфратузилмавий таъминот мавжуд бўлгандагина самарали ҳисобланади, деган хулосага келиш имконини беради.

Бунинг учун ҳудудларда кластерни ташкил этиш бўйича алгоритмни ишлаб чиқиш тақазо этилади. 1.4.1-расмдан кузатиш мумкинки, давлат сиёсати асосида ҳуддунинг мавжуд имкониятлари, ижтимоий-иқтисодий салоҳиятидан келиб чиқиб, маълум бир стратегия ишлаб чиқилади ҳамда унинг кетма-кетлиги мақсадли равишда ўрнатилади.

Кластернинг ривожланиши омилларнинг ҳолати ва қўллаб-қувватловчи тармоқларнинг уйғунлигига, энг муҳими, ҳуддунинг товар ва хизматларга бўлган эҳтиёжига боғлиқ бўлади. У айнан истеъмол талаби, омилларнинг мавжудлиги, имкониятларнинг даражаси, соҳалар, тармоқлар ва давлатнинг иқтисодий сиёсати таъсирида шаклланади. *Шу ҳолатларга кўра ҳуддунинг инвестицион муҳит жозибадорлигига баҳо берилади ва у ички ҳамда ташқи инвестицияларнинг кириб келиши учун омил бўлади.*

Аниқланган ва олиб борилган изланишларга кўра, жаҳонда инновацион йўналтирилган кластернинг тараққий этиши жараёнида тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш инфратузилмасининг қуйидаги босқичлари ва институтлари фаолият юритмоқда:

**1-босқич.** Кластернинг доимий иштирокчиларини аниқлаш ва иқтисодий кластерлаштиришнинг ҳудудий стратегияларини ишлаб чиқиш – кластерли ривожлантириш марказлари.




**1.4.2-расм.** ***Инновацияга йўналтирилган кластернинг ташкилий-иқтисодий модели.***[1]

[1] *Хоменко Е.Б.* «Управление развитием инфраструктуры предпринимательства в условиях перехода к информационной экономике» мавзусидаги докторлик диссертацияси (Санкт-Петербург. 2014 й.) маълумотлари асосида тайёрланган.

**2-босқич.** Кластерларни ривожлантиришнинг устувор йўналишлари бўйича лойиҳаларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш – бизнес-инкубаторлар, кафолат фондлари, жамоавий фойдаланиш марказлари, технологиялар трансфери марказлари.

**3-босқич.** Кластерларни ривожлантиришнинг стратегик лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва уни амалга ошириш – технопарклар ва/ёки технополислар.

**4-босқич.** Кластерларнинг мустақил тартибга солган ҳолда ривожлантириш – алоҳида иқтисодий ҳудудлар.

Инновацион йўналтирилган кластерларни шакллантириш ва ривожлантиришда тадбиркорлик тузилмалари, фан ва таълим муассасалари ўртасидаги ҳамкорликни фаоллаштириш асосий аҳамиятга эга бўлади, бу эса биринчи босқичда ташкилотлар – кластерларнинг доимий иштирокчиларини бошқариш тизимини такомиллаштиришни талаб этади.

Шунинг учун стратегик ва инновацион менежмент, кластер корхоналарда янги бошқарув усуллари ва механизмлари бўйича энг яхши амалиёт намуналарини аниқлаш ҳамда уларни самарали тарғиб этишга кўмаклашиш бўйича мунтазам ишларни олиб боришга ихтисослаш-




**1.4.3-расм.** ***Вертикал бирлаштирилган кластернинг ташкилий-иқтисодий модели (агрокластер мисолида).***[1]

[1] *Хоменко Е.Б.* «Управление развитием инфраструктуры предпринимательства в условиях перехода к информационной экономике» мавзусидаги докторлик диссертацияси (Санкт-Петербург. 2014 й.) маълумотлари асосида тайёрланган.

ган консалтинг инфратузилмавий хизматларига эҳтиёж сезилади. Бунда мустақил йўналиш сифатида ҳудудда иқтисодий кластерлаштириш салоҳияти ва эҳтимолий йўналишларни баҳолаш имконини берувчи жамоавий маркетинг лойиҳаларини ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқдир.

Маълумки, ушбу соҳанинг тўлақонли ривожланишида маҳаллий ҳокимиятлар, маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари кластерларни ривожлантириш ташкилотларини шакллантиришнинг ташаббускорлари сифатида қатнашишлари, шунингдек, кластерларни ташкилий ривожлантириш бўйича чора-тадбирларни ишлаб чиқишлари, уларни қўллаб-қувватлашлари мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Ҳудудда вертикал бирлашган кластерни шакллантириш якуний маҳсулотни яратишга кўмаклашувчи ишлаб чиқариш, молиявий-иқтисодий, логистик ва бошқа алоқаларнинг мукаммал занжири мавжуд бўлишини кўзда тутади. Олимларнинг фикрларига кўра, ушбу кластернинг инфратузилмавий таъминоти ишлаб чиқариш занжири доирасида минтақада турли-туман ишлаб чиқаришларнинг ўзаро таъсирлашуви самарадорлигини оширишга кўмаклашувчи бозор инфратузилмаси институтларига боғлиқдир (1.4.3-расм).

Фикримизча, ҳудудда вертикал бирлаштирилган кластернинг таркибида, унинг ривожланиш босқичига боғлиқ тарзда, бозор инфратузилмасининг қуйидаги институтларини яратиш тизимини фаоллаштириш лозим:

**1-босқич.** Кластернинг доимий иштирокчиларини аниқлаш ва иқтисодий кластерлаштиришнинг минтақавий стратегияларини ишлаб чиқиш – савдо-саноат палатаси.

**2-босқич.** Кластерларни ривожлантиришнинг устувор йўналишлари бўйича тажриба лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш – давлат харидларини автоматлаштириш тизимлари.

**3-босқич.** Кластерларни ривожлантиришнинг стратегик лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш – логистик марказлар, онлайн майдонлари.

**4-босқич.** Кластерларни ўз-ўзини тартибга солиб ривожлантириш – ахборот-маркетинг марказлари.

Ўрта муддатли истиқболда вертикал бирлаштирилган кластерларни ривожлантиришнинг мақсадли йўналишини мувофиқлаштириш ва рақобат тамойилларида такрор ишлаб чиқариш жараёнида тадбиркорлик тузилмаларининг ўзаро таъсир кўрсатиш механизмини қайта ташкил этиш мақсадга мувофиқдир (3-илова). Бунга «пастдан» кластерли ташаббусни амалга оширишга қаратилган кластер сиёсати кўмаклаша-




**1.4.4-расм.** ***Конгломерат кластернинг ташкилий-иқтисодий модели.***[1]

ди. Бошланғич босқичда кластерлар ва уларнинг иштирокчилари ўз-ўзларини ривожлантириш стратегиясини шакллантиришда бир-бирларига муҳтож ҳисобланади. Савдо-саноат палатаси ушбу йўналишда ёрдам кўрсатувчи институт ролини ўйнайди.

Вертикал бирлаштирилган кластер потенциал разряддан амал қилувчи тоифага ўтиши учун ҳудудда маълум инфратузилмавий шароитлар, жумладан, тегишли бозорларга кластер корхоналарининг кириши, хом ашё, ходимлар ва логистик таъминотдан фойдаланиш имкониятлари яратилиши лозим.

Минтақанинг етакчи корхоналари устувор ўринга эга бўлганда кластернинг конгломерат тури шаклланади. Ҳудудий хўжаликнинг самарадорлигини оширишнинг асоси сифатида кластер ҳосил қилувчи корхоналар рақобатбардошлигини ошириш учун институционал шароитларни яратиш ушбу сектор ёки ҳудудда иқтисодий фаолият турини ривожлантиришга кўмаклашувчи институционал инфратузилмани шакллантириш инфратузилмавий таъминотнинг устувор жиҳатига айланади (1.4.4-расм).

Конгломерат кластер инфратузилмасининг марказий кичик тизими институционал инфратузилма ҳисобланади, унинг таркибида кластернинг ривожланиш босқичларида турли институтларнинг аҳамияти янада юқори бўлади:

[1] Муаллиф томонидан тузилган.

**1-босқич.** Кластернинг доимий иштирокчиларини аниқлаш ва иқтисодий кластерлаштиришнинг минтақавий стратегияларини ишлаб чиқиш.

**2-босқич.** Кластерни ривожлантиришнинг устувор йўналишлари бўйича тажриба лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш.

**3-босқич.** Кластерларни ривожлантиришнинг стратегик лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш.

**4-босқич.** Кластерни мустақил тартибга солиб, ривожлантириш.

Конгломератли кластер доирасида алоқаларнинг юқори парвозлилиги тадбиркорлар уюшмалари ва кенгашлари, жамоатчилик ташкилотлари, палаталар ва ҳ.к. каби тадбиркорлик тузилмаларининг ўзаро таъсирлашувини мувофиқлаштирувчи ва қўллаб-қувватловчи ташкилотларга боғлиқ. Кластер иштирокчиларининг ички боғлиқлиги доимий олди-сотди битимлари, ходимларнинг ҳаракатчанлиги, ахборот алмашиш ва




**1.4.5-расм.** ***Кластерларни ривожлантириш омиллари.***[1]

[1] Муаллиф томонидан тузилган.

ҳ.к.лар орқали амалга оширилади. Конгломерат кластер учун хос бўлган ўзаро таъсирлашиш тури кўпинча давлат-хусусий шерикчилиги асосида амалга оширилувчи қўшма лойиҳада иштирок этиш ҳисобланади.

Шу тарзда, кластерлар иқтисодий тизимни мустақил ташкил этишнинг янги турларини намоён этади, кластер сиёсати эса ҳудудий сиёсатнинг муҳим таркибий қисми ҳисобланади, уни амалга оширишнинг замирида лойиҳавий бошқарув ёндашуви ётади.

Мазкур тадқиқот давомида аниқланган ҳудудий кластерларни инфратузилмавий таъминлашни шакллантириш хусусиятлари ҳудудий кластерларни ривожлантириш дастурларида ҳисобга олиниши лозим бўлган ривожлантириш институтларини ташкил этиш (ҳамкорликка жалб этиш) заруратини аниқлаш имконини беради.

Ҳудудларда иқтисодий кластерлаштириш соҳасида чора-тадбирларни амалга ошириш самарадорлиги етарлича юқори эмаслигининг асосий сабабларидан бири – кластер сиёсатини ўтказишда масъул бўлган давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари ва кластерларни яратишда иштирок этувчи тадбиркорлик тузилмалари ўртасида **мулоқот даражасининг** пастлиги ҳисобланади.

Шунинг учун ҳудудларда кластерларни ривожлантириш омиллари сифатида 1.4.5-расмда келтирилган схемани қайд этиш жоиз. Унда келтирилганидек, асосий омиллар – ишлаб чиқариш, ташкилий-бошқарув, молиявий, сиёсий ва иқтисодий омиллар ҳисобланади. Ушбу омилларга уйғунликда қараш, уларни ўзаро боғлиқликда таҳлил қилиш ҳудудларда кластерлаштириш тизимининг самарали амалга оширилишини таъминлайди.

## БИРИНЧИ БОБ БЎЙИЧА ХУЛОСА

**1.** Жаҳонда юз бераётган тенденциялар таҳлили натижаларига кўра, ривожланган мамлакатларнинг барчасида қишлоқ хўжалиги қайсидир маънода давлат томонидан рағбатлантирилади ва уларга ҳар йили давлат бюджетидан субвенция/дотациялар ажратилади. Қишлоқ хўжалиги соҳасининг бошқа соҳаларга қараганда инвестицион жозибадорлигининг пастлиги туфайли ҳам инвесторлар кўпинча ўз маблағларини юқори даромад келтирадиган соҳага йўналтиришга ҳаракат қилишади.

Инвестицияларни йўналтиришда асосий жиҳатлардан бири сифатида ҳудуднинг инвестицион жозибадорлигини инобатга олиш, шунга мувофиқ равишда оқилона қарор қабул қилиш кўзланган мақсадни амалга оширишнинг бирламчи шартидир.

Узоқ муддатли оралиқда аграр соҳага ихтисослашиб қолган ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишини таъминлаш борасида

қуйидаги йўналишларга устувор эътибор қаратиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади:

- саноат ишлаб чиқариш ҳажмини кўпайтириш, таркибий ислоҳотларни кучайтириш ва ЯҲМда индустриал сектор даражаси улушини ошириш;
- қайта ишлаб чиқаришни интенсивлаштириш мақсадида қишлоқ хўжалиги билан саноат соҳаси ўртасидаги кооперацияни ривожлантириш;
- ҳудудда мавжуд бўлган табиий-маҳаллий хом ашё ресурсларининг тури, ҳажмидан келиб чиқиб ишлаб чиқариш кучларини жойлаштириш;
- ҳудудларнинг имконияти ва салоҳиятидан келиб чиқиб юқори даражадаги ихтисослашувни таъминлаш, кучайтириш ва мавжуд тажрибани Ўзбекистоннинг бошқа ҳудудларига ёйилишини таъминлаш;
- меҳнат бозоридаги вазиятни барқарорлаштириш, айникса, қишлоқ меҳнат бозоридаги вазиятни мувозанатлаштириш, ҳудудий меҳнат бозорида вужудга келган тафовутни (диспропорция) олдини олиш мақсадида юқори меҳнат талаб қиладиган ишлаб чиқариш коплексларини йўлга қўйиш;
- ҳудудларда ишлаб чиқариш ресурсларидан самарали фойдаланишни таъминлаш мақсадида ишлаб чиқариш ва бозор инфратузилмаларининг ривожланишини таъминлаш;
- маҳаллий ишлаб чиқариш ва иқтисодиётни техник ва технологик жиҳатдан қайта қуроллантириш ва модернизациялаш жараёнларини тезлаштириш;
- ҳудудларда яратиладиган ялпи ҳудудий маҳсулотларни ўртача умумреспублика кўрсаткичидан пасайиб кетишининг олдини олишда турли хилдаги ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳаларининг ривожланишини таъминлашдан иборат.

**2.** Инвестицион жозибадорликнинг кучли ва кучсиз томонларини қуйидаги схема орқали умумлаштирган ҳолда изоҳлаш мумкин:

Ишбилармонлик муҳитини соғломлаштириш ва бизнесни юритиш бўйича қулай шарт-шароитларни яратиш учун қуйидагиларга эътибор қаратиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади:

- бизнесни юритиш арзонлигини таъминлаш учун маъмурий тазйиқлар ва таомилларни камайтириш, пухта ва ҳар томонлама ўйланган солиқ тизимини яратиш;
- барча томонларнинг (инвесторлар, ҳамкорлар) ўзаро манфаатларини ўйлаган ҳолда, очиқ ва шаффоф «ўйинларни» ташкил этиш ва рақобат муҳитини ривожлантириш;

- инвестицион лойиҳаларни самарали амалга ошишини таъминлаш учун инфраструктураларни яратиш ва улар имкониятини кенгайтириш; давлатнинг тартибга солиш механизмининг инновацион усулларини яратиш, эскириб қолган усулларидан воз кечиш;
- мамлакатнинг инвестицион обрўси ва нуфузини (имижини) ошириш;
- инвесторларни жалб этиш учун эркин иқтисодий ҳудудлар имконияти ва салоҳиятидан максимал фойдаланиш, хорижий тажрибаларни ижодий ўзлаштириш;
- давлат – хусусий шерикчилиги имкониятидан тўлиқ фойдаланиш. Йирик инвестицион лойиҳаларни амалга оширишда давлат ва хусусий сектор уйғунлигини таъминлаш.

**3.** Мамлакатдаги иқтисодий фаолиятга, авваламбор, чет эл иқтисодий агентларига нисбатан сиёсий ҳолат муҳим роль ўйнаши мумкин. Уларни ўлчаш учун иккита ўзгарувчан кўрсаткичлардан фойдаланилади. Булар – ҳудудларнинг инвестицион рейтинги ҳамда инвестицион салоҳият ва хатар рейтингидир. Асосий капиталга йўналтирилган инвестицияларнинг ҳажми ҳудуднинг умумий инвестицион муҳитини акс эттиради.



Ички инвесторларнинг фаоллиги хорижий инвесторлар учун ижобий белги ҳисобланади. Ҳудуднинг очиқлик даражаси, авваламбор ташқи савдо ҳамда импорт ва экспорт ҳажми билан боғлиқ. Айрим тадқиқотчиларнинг ҳисоблашича, ҳудуднинг географик хусусиятлари тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларнинг кириб келишига ҳам турткй бўлади.

Шуни ҳам инобатга олиш керакки, ҳудуд қанчалик пойтахтга яқин бўлса, ушбу ҳудудга йўналтириладиган тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ҳажми ҳам шунчалик юқори бўлади. Чунки бундай ҳолатда транзакция харажатлари анча паст бўлади. Юқорида санаб ўтилган омиллар гуруҳи тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилиш жараёнида ҳудуднинг нисбий устунлигини шакллантиради. Бунда хорижий инвесторлар ҳудудий омилларни, уларни нафақат алоҳида, балки уларнинг йиғиндисини ҳам ҳисобга олади.

*Қалам соядаги сўзларни ёруғликка олиб чиқади.*

**Рамон Гомес де ла Серна**

# *2 - БОБ.*

# МАМЛАКАТ ҲУДУДЛАРИНИНГ ИЖТИМОИЙ-ИҚТИСОДИЙ, ИННОВАЦИОН-ИНВЕСТИЦИОН САЛОҲИЯТИ: ИЛМИЙ-УСЛУБИЙ ЁНДАШУВЛАР ТАҲЛИЛИ

## 2.1. МАМЛАКАТ ҲУДУДЛАРИНИНГ ИЖТИМОИЙ-ИҚТИСОДИЙ САЛОҲИЯТИ: ИЛМИЙ-НАЗАРИЙ ҚАРАШЛАР ВА ТАЛҚИНЛАР

Олиб борилган илмий изланишлар натижасида шу нарсага амин бўлдикки, мамлакатнинг инвестицион муҳит жозибадорлигини ўрганиш, уни ҳар томонлама илмий-услубий асосда очиб бериш, энг аввало, мамлакат ҳудудларининг ижтимоий-иқтисодий, инновацион, меҳнат салоҳиятини тадқиқ этишни ҳамда ушбу соҳадаги илмий қарашларни таҳлил этишни тақозо этади. Зеро, мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишини таъминлаш инвестицион муҳит (иқлим)га боғлиқ экан, инвесторлар ўз қарорларини шунга мувофиқ равишда ишлаб чиқишади. Ушбу ҳолатлар ва келтирилган сабабларни инобатга олиб, илмий ишнинг иккинчи бобида ҳудудлар кесими бўйича ижтимоий-иқтисодий салоҳиятнинг мазмун-моҳиятини очиб беришга ҳаракат қилинади.

Жаҳонда глобаллашув жараёнлари кечаётган бир шароитда мамлакат ҳудудларининг халқаро муносабатларда интеграциялашуви, иқтисодий субъект сифатида ижтимоий-иқтисодий жараёнларда иштирок этаётгани, ўз ўрнига эга бўлиб бораётганини таъкидлаш ўринли бўлади.

Маъмурий-иқтисодий ҳудудларнинг ривожланиши кўп жиҳатдан у ерда мавжуд бўлган ижтимоий, иқтисодий, сиёсий, инновацион, инвестицион, экологик ва бошқа турли хилдаги потенциал[1]га, ушбу потенци-

[1] **Потенциал** – лотинча «*potentia*» сўзидан келиб чиққан бўлиб, *«куч», «имконият»* деган маъноларни англатади. Ўзбек тили истилоҳида ушбу сўз байналминал сўз сифатида ёки *«салоҳият»* деб ишлатилади. Шу боис, мазкур монографиянинг кўпгина ўринларида *«потенциал»* ибораси *«салоҳият»* ўрнида ҳам татбиқ этилади. Зеро, маъно жиҳатидан улар иккаласи бир-бирига тенг тушунчалардир. Бу тўғрида аввалги параграфларда ҳам тўхталиб ўтилган эди.

алдан самарали фойдаланиш орқали таъминланадиган рақобатдошликка ҳамда ижтимоий меҳнат тақсимотига боғлиқдир.

Айнан мавжуд ресурслардан самарали фойдаланишда иқтисодий фазалар: ишлаб чиқариш, тақсимлаш, айирбошлаш, истеъмол, жамғариш ва қайта ҳосил бўлиш (табиий бойликлардан ташқари) босқичларида меҳнатни тўғри ташкил этиш, уларни уйғун ҳолда бошқариш орқали жаҳон хўжалигига интеграциялашувга эришиш ва шу орқали ҳудудда истиқомат қилаётган аҳолининг фаровонлигини таъминлаш ғоят муҳимдир.

Мамлакатлар ривожланишини баҳолаш уларнинг ижтимоий-иқтисодий кўрсаткичларини таққослаш орқали амалга оширилиши кўплаб иқтисодчилар томонидан таъкидланган. Шунингдек, бугунги кунда мамлакатнинг маъмурий-иқтисодий ҳудудларига (вилоятлари) ҳам уларнинг ижтимоий-иқтисодий салоҳияти, шу салоҳиятдан қай тарзда фойдалана олаётгани, уларнинг самарадорлиги каби бир қатор абсолют ва нисбий кўрсаткичларни қиёслаш орқали баҳо берилмоқда ва рейтинги аниқланмоқда. Худди шу йўсинда, яъни улар ўртасидаги тафовутларнинг мавжудлигидан келиб чиқиб, ҳукуматлар томонидан ҳудудларнинг комплекс, мувозанатли ривожланишини таъминлаш, аҳолининг фаровонлигини ошириш билан боғлиқ турли хилдаги ижтимоий-иқтисодий дастурларни ҳаётга татбиқ этиш бугунги кунда барча мамлакатларда, хусусан, ривожланган давлатларда кенг қўлланилмоқда.

Ҳозирги замонда жаҳонда интеграция жараёнлари ва жаҳон хўжалигидаги интернационаллашув жараёни натижасида мамлакатлардаги фойда нормаси дунёнинг ўртача фойда нормаси томон ҳаракатланиб бориши кучаймоқда. Бундан ташқари, шиддатли рақобат шароитида компаниялар ўртача фойда нормаси шароитига ҳам мослашиб боришмоқда. Шунинг учун янги капитални қўйишда/киритишда фойда нормаси мотивининг аҳамияти борган сари пасайиб, бошқа омилларнинг аҳамияти ортиб боряпти. Булар компаниянинг ушбу мамлакатда узоқ муддатда фаолият юритиши, хорижий илмий-техник билимларга эга бўлиш истаги, кадрларни тайёрлаш ва ишлаб чиқаришни бошқаришда тажрибага эга бўлиши, таваккал билан боғлиқ бўлган йўқотишларни пасайтириш, арзон ишлаб чиқариш имкониятлари (ер, хом ашё, иш кучи)ни қўлга киритиши билан боғлиқ омиллардир.

«Фудань» (Шанхай, Хитой) ва Айова (АҚШ) университетлари Хитой Халқ Республикасининг ЭИҲларига ривожланган мамлакатларнинг тадбиркорлари амалга ошираётган тўғридан-тўғри инвестицияларнинг мотивларини аниқлаш бўйича социологик тадқиқотлар ўтказишган.

Маълумотлар шуни кўрсатадики, барча хорижий мамлакатларда мотивлар ичида биринчи ўринни олган омил юқори ички бозорга, юқори иқтисодий ўсиш суръати ва барқарор ички ижтимоий-сиёсий ҳолатга эга бўлган ХХР каби мамлакат билан халқаро ҳамкорлик қилишнинг умумий истиқболлари эгаллаган.

Иккинчи ўринни эса, ривожланган мамлакатлар нуқтаи назаридан товар ва хизматларни ишлаб чиқариш бўйича ассортименти кам, ҳажми эса етарли бўлмаган, аммо миллиард аҳолига эга бўлган мамлакатнинг ички бозори. Учинчи ўринни – малакаси ва маълумот даражаси пастроқ, аммо интизомли ва меҳнатсевар халқи бор, арзон ишчи кучига эга бўлган мамлакатлар эгаллаган. Бундан кейинги ўринда:

- хорижий инвесторлар учун жозибадор бўлган солиқ имтиёзининг мавжудлиги;
- ишлаб чиқариш кучларининг бозорларга яқинлиги;
- бой хом ашё салоҳиятига эгалиги;
- жиноятчиликнинг паст даражаси;
- ЭИҲларга кириш-чиқишдаги қаттиқ интизом;
- капитал қабул қилувчи давлат билан узоқ муддатли муносабатлар ўрнатилгани;
- корпорациянинг умумий стратегиясини давом эттиришнинг имконияти;
- экспорт базаси;
- малакали ходимларнинг мавжудлиги;
- маҳаллий хом ашёдан фойдаланиш имконияти;
- мамлакатдаги бошқарувчиларнинг либераллиги;
- арзон ижара ҳақи.[1]

Юқорида келтирилган сабаблардан келиб чиқиб, мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий салоҳиятини (МИИС) илмий жиҳатдан тадқиқ қилиш, у билан боғлиқ бўлган тушунчаларнинг иқтисодий моҳиятини очиб бериш ва илмий-услубий баҳо бериш долзарб масалалардан ҳисобланади. Чунончи, айтиб ўтилган жузъий фикр ва масалаларнинг туб моҳиятини очиб беришда бир қанча иқтисодчилар, социологлар ва сиёсатчи олимлар сабабий боғлиқликда ўз тадқиқотларини олиб боришган. Муаллифлар жумласида қуйидагиларни келтириб ўтиш ва уларнинг илмий тадқиқот йўналишларини гуруҳлаган ҳолда тақдим этиш жоиздир.

Мамлакатнинг иқтисодий салоҳияти, унинг мазмун-моҳияти ва амалиётда қўлланилиш соҳасини ўз илмий изланишларида очиб бер-

[1] *Хамроев Ҳ.Р.* Зонал сиёсат: методология, хорижий тажриба ва қўллаш йўналишлари. Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси «Фан» нашриёти, 2008.

ган хорижлик олимлар: Абалкин Л.И., Анчишкина В.Д., Андриянова В.Д., Задоя А.Н., Мочалова Б.М., Румянцева А.М., Сулашкина С.С. ва бошқалар.

Шунингдек, тармоқларнинг иқтисодий салоҳияти деган тушунчани алоҳида иқтисодий субъект сифатида қараш лозимлигини таъкидлаган ва ундан самарали фойдаланиш йўлларини илмий-услубий ва назарий-амалий тадқиқотларида баён этган олимлар: Авдеенко В.Н., Адамеску А.А., Андреев К.Е., Баяндурян Г.Л., Богомолова В.А., Шевченко И.В., Яковлев В.М. ва бошқалар.

Мамлакатнинг иқтисодий салоҳиятини баҳолаш ва ҳудудларнинг иқтисодий ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини ҳисоблаш бўйича ўқув ва илмий-услубий изланишларини чоп этган олимлар: Аганбегян А.Г., Анимица Е.Г., Гранберг А.Г., Исаев Э.А., Нестеров В.П., Хофман Г.С. ва бошқалар.

Ҳудудларнинг иқтисодий салоҳиятини шу ҳудудларда мавжуд бўлган ресурслар орқали баҳо бериш ҳамда ҳудудларнинг салоҳиятидан фойдаланишда мавжуд бўлган иқтисодий-институционал, ахборот-таҳлил муҳитининг таъсир кўрсатиши бўйича ўзининг замонавий қарашларини баён этган ва бу борада бир қанча усул ҳамда услубларни ишлаб чиққан олимлар: Бильчак В.С., Дармилова Д.Ж., Бармин Д.А., Беркалиев Т.Н., Блеха Ю., Гетца У., Крушвица Л., Фабоцци Ф.Дж. ва бошқалар.

Ҳудудларни комплекс ривожлантиришда ҳудудларнинг рақобатбардошлиги, ҳудудий-саноат комплексларини ижтимоий-иқтисодий моделлаштириш, Ўзбекистон иқтисодиётининг ҳудудий ривожланишини тартибга солиш, регионал ривожланишнинг асосини ишлаб чиқиш ва методологиясини яратиш бўйича илмий тадқиқотлар олиб борган маҳаллий олимлардан:[1] Саидова Г.К., Содиқов А.М., Ғуломов С.С., Имомов Ш.Б., Назаров Ш.Х. ва бошқаларни келтириш мумкин.

Шунингдек, инвестицияларни молиялаштиришнинг бозор механизмларини жорий этиш, хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар фаолиятини рағбатлантиришнинг молия-кредит механизмини та-

---

[1] *Саидова Г.К.* Основные меры антикризисной программы Узбекистана и ожидаемый эффект от ее реализации // Материалы международной конференции «Мировой финансово-экономический кризис, пути и меры по его преодолению в условиях Узбекистана». – Т.: 2009.; Основы регионального развития: теория, методология, практика // Монография. – Т.: IQTISOD-MOLIYA, 2005. 280 с.; *Гулямов С.С.* Моделирование социально-экономического развития территориально-промышленных комплексов. – Т.: «Фан», 1980. 194 с.; *Имамов Ш.Б.* Регулирование территориального развития экономики Узбекистана: Автореферат диссертации на соискание ученой степени доктора экономических наук. – Т.: 1993.; *Назаров Ш.Х.* Метедологические аспекты повышения конкурентоспособности регионов / Монография. – Т.: IFMR, 2014. 212 с.

комиллаштириш, мамлакат иқтисодиётида марказлашган инвестицияларнинг самарадорлигини ошириш, Ўзбекистон валюта сиёсатининг хорижий инвестицияларни жалб этишга таъсирини ўрганиш, эркин иқтисодий ҳудудларга инвестицияларни жалб қилишни фаоллаштириш бўйича илмий тадқиқот ишларини олиб борган ва бу борада бир қанча илмий ишларни чоп этган олимлар қаторида: Д.Ғ.Ғозибеков, Н.Ғ.Каримов, Ф.Ў.Додиев, Н.Р.Кузиева, Ш.Р.Ражаббаев, Б.Ш.Муминов, М.А. Раимжановаларни[1] қайд этиш ўринлидир.

*Маълумки, иқтисодиёт назарияси бўйича яратилган адабиётларда «иқтисодий потенциал» тушунчаси таянч (базавий) категория сифатида келтирилмаган, шунингдек, унга хўжаликнинг ривожланиши ва иқтисодиётнинг мувозанатлилигини таъминлашда муҳим омил (ишлаб чиқариш ресурси) сифатида қаралмаган.* Ҳолбуки, потенциал тушунчаси иқтисодий муносабатларда ва, айниқса, ишлаб чиқариш жараёнида билвосита иқтисодий омил сифатида иштирок этади. Классик иқтисодиёт назариясида ишлаб чиқариш омиллари сифатида фақат ишлаб чиқариш жараёнида иштирок этадиган ва ишлаб чиқариш ҳажмига боғлиқ бўлган омиллар, яъни ер, меҳнат ва капитал қаралган.

«Потенциал» атамасининг келиб чиқиши асли лотинча бўлиб, XIX асрда француз тилидан кириб келган (французчага лотинчадан «potentialis», «potens», яъни «бўлиши мумкин бўлган», «бўлажак» маъносини англатувчи сўз сифатида кириб келган). Бошқа тарафдан эса, лотинча «potential» ўзбек тилига «имконият, салоҳият, қувват» маъно-

---

[1] *Ғозибеков Д.Ғ.* Инвестицияларни молиялаштириш муаммолари. Иқтисод фанлари доктори илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. – Т., 2002.; *Каримов Н.Ғ.* Иқтисодий интеграциялашув шароитида инвестицияларни молиялаштиришнинг бозор механизмларини жорий этиш муаммолари: 08.00.07 – «Молия, пул муомаласи ва кредит. Иқтисод фанлари доктори илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация./ЎзР Банк-молия академияси . – Т., 2007. 235 б.; *Додиев Ф.Ў.* Инвестицион фаолиятни молиявий рағбатлантириш: 08.00.07.: Иқтисод фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. /ЎзР Банк-молия академияси. – Т., 1998. 128 б.; *Кузиева Н.Р.* Хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар фаолиятини рағбатлантиришнинг молия-кредит механизмини такомиллаштириш йўналишлари. 08.00.07.: Иқтисод фанлари доктори илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. /ЎзР Банк-молия академияси. – Т.: 2008. 293 б.; *Ражаббаев Ш.Р.* Ўзбекистон валюта сиёсатининг хорижий инвестицияларни жалб этишга таъсири. 08.00.007 – «Молия, пул муомаласи ва кредит» ихтисослиги бўйича иқтисод фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. /ЎзР. Банк-молия академияси. – Т.: 2008; *Муминов Б.Ш.* Ўзбекистон иқтисодиётида марказлашган инвестицияларнинг самарадорлигини ошириш йўллари. 08.00.07.: Иқтисод фанлари номзоди диссертацияси. /ЎзР Банк-молия академияси. – Т.: 2012. 135 б.; *Раимжанова М.А.* Ўзбекистонда эркин иқтисодий ҳудудларга инвестицияларни жалб қилишни фаоллаштириш. 08.00.07 – Молия, пул муомаласи ва кредит ихтисослиги бўйича иқтисод фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация / ТМА. – Т.: 2012.

ларида таржима қилинади. Потенциал – «муайян соҳада мавжуд бўлган восита ва имкониятлар бирлиги» демакдир.[1]

Физика фанида ҳам потенциал атамаси маълум бир тизимнинг тўплаган энергияси ва ундан фойдаланиш имкониятлари маъносида қўлланилади. Бундан келиб чиқиб, магнит потенциали – «магнит майдонининг ўлчами»; электрон потенциал – «электростатистик майдондаги энергетик шароитнинг ўлчами»; кимёвий потенциал – «маълум бир компонентнинг берилган тартибда, муайян ташқи шароитдаги ҳолатини белгиловчи термодинамик функцияси»; потенциал – «вектор майдонининг хусусиятларидан бири» каби талқинларга ажратишимиз мумкин.

Мазкур атама аслида физикага оид бўлгани ҳолда, ижтимоий фанлар томонидан ҳам қабул қилинган. Ҳозирги кунга келиб «потенциал» атамаси умумбашарий тушунча сифатида қабул қилинган.

«Потенциал» термини илк маротаба иқтисодиётда ***ишлаб чиқариш кучлари даражасига мажмуавий баҳо беришда*** қўлланилган. В.И.Вейц, К.Г.Воблий томонидан «ишлаб чиқариш кучлари потенциали» атамаси дастлаб аҳолининг эҳтиёжларини қондириш учун ишлаб чиқарилаётган моддий неъматларни мамлакатнинг потенциал имконияти сифатида тилга олинган. «Иқтисодий потенциал» тушунчаси эса С.Г.Струмилин томонидан истеъмолга киритилган бўлиб, бунда олим иқтисодий потенциални ялпи ишлаб чиқариш кучлари ва жамиятнинг барча меҳнатга қобилиятли аҳолиси томонидан яратилган меҳнат, деб ифодалаган. «Кенгайтирилган ишлаб чиқариш потенциали» ибораси эса В.С.Немчинов томонидан киритилган ва бунда мамлакат ёки ҳудуднинг иқтисодий ривожланишини таъминлаш миллий иқтисодиётда мавжуд бўлган ресурслар имкониятига боғлиқлиги таъкидланган.[2]

Иқтисодий адабиётларда «потенциал» тушунчасига берилган таърифлар ва изоҳларни тўртта гуруҳга бўлиб ўрганиш мумкин:[3]

1. Иқтисодий потенциал иқтисодиёт тармоқларининг ялпи имкониятлари сифатида. Бу ерда иқтисодий потенциалнинг асосий жиҳати – унинг ишлаб чиқариш функцияси эканига эътибор қаратилади.

2. Иқтисодий потенциал барча мавжуд ресурсларнинг борлиги сифатида («инвестицион ресурслар», «бандлар сони» ва б.). Бунда корхоналар, ҳудудлар ва жамият потенциали субъектлар фаолияти билан боғлиқ эканлиги ва улардан ажралмаганлигига устуворлик қаратилади.

---

[1] Экономическая энциклопедия / Под ред. Л.И.Абалкина. – М.: 1999.

[2] *Дурдыева Д.А.* Оценка потенциала устойчивого социально-экономического развития региона. 2013. URL: http://dibase.ru/article/07112013_142069_durdueva.

[3] *Лапин Е.В.* Экономический потенциал предприятия. – Сумы: ИТД «Университетская книга», 2002. 310.

3. Иқтисодий потенциал хўжалик фаолиятида иштирок этадиган субъектлар ўртасидаги иқтисодий муносабатларнинг натижаси сифатида. Бу ерда «потенциал» атамаси мавжуд ҳолатда эришилган даражани изоҳлашда қўлланилади. Шунинг билан бирга, ривожланишнинг истиқболли имкониятларини тавсифлашда «потенциал имкониятлар», «потенциал даража» каби атамалардан ҳам кенг фойдаланилади.[1]

4. «Иқтисодий потенциал», «халқ хўжалиги потенциали», «миллий бойлик» атамалари бир хил тушунча сифатида эътироф этилганлиги. Халқ хўжалиги потенциали, миллий бойлик ва шунга ўхшаган атамалар хусусий характерга эга бўлиб, иқтисодий потенциалнинг моҳиятини англатишига эътибор қаратилади. Бунда давлат ресурслари миллий бойликнинг баҳоси орқали баҳоланиши ва бу иқтисодий потенциал билан айнан бир хиллик касб этмаслигини, ҳудуднинг қиймат кўринишидаги жами ресурслари (бойликлари) эса иқтисодий потециал, дея баҳоланишига аҳамият қаратилади.

«Иқтисодий потенциал» категориясини изоҳлашга қаратилган илмий тадқиқотларда умумий тартиблар қуйидагича мужассам этилган:

– миллий иқтисодиёт, жамият, минтақалар, маъмурий ҳудудлар, тармоқлар, корхоналарга нисбатан изоҳланиши;
– истеъмол товарларини ишлаб чиқариш учун мавжуд бўлган иқтисодий ресурсларнинг имкониятлари сифатида тадқиқ этилиши;
– иқтисодий ресурсларнинг миқдорий ва сифатий жиҳатлари билан иқтисодий тизим ўртасидаги ўзаро боғлиқлик ва уларнинг ижтимоий, жамоавий ва шахсий эҳтиёжларни қондиришдаги имкониятлари кўринишида, «...аниқ мақсадларни амалга ошириш ва зарурий пайтларда уларни сафарбар этиш мумкин бўлган захиралар, манбалар эканлиги»[2], ушбу ресурсларнинг потенциал имкониятларини амалга ошириш бўйича ташқи ва ички муҳит ўртасидаги алоқалар кўрсатиб берилган.

***Бизнинг фикримизча, иқтисодий потенциал иқтисодий категория сифатида иқтисодий тизимнинг ҳолати ва имкониятларини аниқлайди ва юқори иқтисодий потенциалнинг юзага келишини таъминлаш учун хизмат қилади. Бунда муҳими, фақат товар ва хизматларни ишлаб чиқариш эмас, балки уларнинг сифати, корхоналарнинг рақобатбардошлиги ва иқтисодий тизимнинг келажакда самарали фаолият юритишини ҳам эътиборга олиш зарур.***

---

[1] *Акерман Е.Н., Михальчук А.А., Трифонов А.Ю.* Факторный подход в построении экономического пространства региона // Вестник Том. гос. ун-а. Экономика. 2010. № 3(11). С. 84–92.

[2] *Лапин Е.В.* Экономический потенциал предприятия. – Сумы: ИТД «Университетская книга», 2002. 310 с.

В.Н.Шуков фикрига кўра, «иқтисодий потенциал» иқтисодий муносабатларнинг ўлчови тарзида намоён бўлиб, миллий хўжалик, минтақа, тармоқ ва корхоналарнинг ҳолатини баҳоловчи индикатордир.[1]

Умум қабул қилинган нуқтаи назарга кўра, айнан ҳududнинг иқтисодий потенциали ва унинг имкониятлари у ерда мавжуд бўлган барча мажмуавий ресурслардан самарали фойдаланиш орқали ҳаётий зарур бўлган неъматларни ишлаб чиқариш билан белгиланади.[2]

Шу ўринда таъкидлаш лозимки, ҳududнинг иқтисодий потенциали деганда, у ерда мавжуд бўлган тизимий элементлар, яъни ишлаб чиқариш фондлари, меҳнат ресурслари назарда тутилади ва иқтисодий салоҳият маъмурий-иқтисодий ҳududнинг иқтисодий (бозорли) имкониятини юзага келтиради. Бу ерда ҳudud, неоклассик назарияга кўра, стационар мувозанатни таъминлашга хизмат қиладиган бўғин бўлиб, иқтисодий салоҳиятнинг ривожланишини ишлаб чиқариш омиллари (ер, меҳнат, капитал, тадбиркорлик қобилияти) таъминлайди.[3]

Ҳudud потенциали тушунчаси ҳududнинг таркибий элементларини юзага келтирувчи салоҳиятлар тизимидан иборат. У ялпи иқтисодий салоҳият дея эътироф этиладиган: табиий-ашёвий, моддий, илмий-техникавий, институционал ва инсоний салоҳиятларнинг йиғидисидан ташкил топади.[4]

Ушбу фикрлардан келиб чиқиб таъкидлаш лозимки, олим бу ерда асосий эътиборни ялпи иқтисодий салоҳиятни ҳududнинг мажмуавий ривожланиши, унинг иқтисодий мувозанатлилигини таъминлашга хизмат қиладиган миқдорий ва сифат жиҳатдан бир бутун тизим сифатида кўриш лозимлигига қаратмоқда.

Айрим иқтисодчи олимлар ***салоҳиятнинг табақалашган характерга эга*** экани ва унга иқтисодий тизим сифатида қараш лозимлигини таъкидлаш асносида иқтисодий тизим салоҳиятини беш турдаги талқин орқали ўрганишни тавсия этадилар:[5]

1. Иқтисодий тизимнинг ишлаб чиқариш имконияти. Бунда ишлаб чиқаришда иштирок этадиган иқтисодий ресурслар, яъни меҳнат ва мод-

[1] *Щуков В.Н.* Экономический потенциал регионов России и эффективность его использования: Учебное пособие. Иваново, 2002. URL: http: // www.dissers.ru/books/1/7251-1.php.

[2] *Акерман Е.Н., Михальчук А.А., Трифанов А.Ю.* Типология регионов как инструмент соорганизации регионального развития // Вестник Том. гос. ун-а. Экономика. № 331. С. 126–131.

[3] *Шлычков В.В.* Экономические механизмы управления ресурсным потенциалом // Вестник экономики, права и социологии. №2. 2007.

[4] *Балацкий О.Ф.* Теоретические проблемы оценки экономического потенциала региона, компании, предприятия // Вестник Сумского гос. ун-та. Экономика. 2004. № 9 (68). С. 84–95.

[5] *Бияков О.А.* Теория экономического пространства: методологический и региональные аспекты. – Томск. Изд-во Том. гос. ун-та, 2004. 152 с.

дий ресурсларнинг турли хилдаги нисбатларини назарда тутувчи Кобба-Дуглас функциясига эътибор қаратилади. Ушбу қараш орқали ҳудуднинг иқтисодий салоҳиятига мавжуд ресурслардан максимал фойдаланган ҳолда, ишлаб чиқариш ва яратиш мумкин бўлган товар ва бойликларнинг ялпи қиймати сифатида баҳо берилади.

Иқтисодий салоҳиятнинг натижасига келадиган бўлсак, сарф қилинган барча моддий, меҳнат ресурсларининг умумий қиймати ва ҳосил бўлган бойлик ўртасидаги самарадорлик кўрсаткичи қийматига қараб баҳо берилади.

2. Маълум бир аниқ мақсадли товар ва хизматларга (бойликка) эришиш учун сарфланган ресурслар ёки ишлаб чиқариш функцияси. Бу ҳам миқдорий кўрсаткич бўлиб, бунда аниқ бир қийматга эга бўлган моддий бойликни ишлаб чиқариш ва уни яратиш учун сарфланиши кутилаётган ишлаб чиқариш ресурсларини турли комбинацияларда фойдаланган ҳолда, ресурсларнинг миқдори ва сарфини минималлаштиришга қаратилади.

Бошқача тарзда эътироф этадиган бўлсак, ишлаб чиқариш ресурсларидан шундай нисбатда фойдаланиш лозимки, натижада яратилиши ку-

*2.1.1 - ж а д в а л*

**Иқтисодий потенциални интеграл баҳолаш усуллари.**[1]

| Баҳолаш усуллари | Усулнинг устун жиҳати | Усулнинг заиф жиҳати |
|---|---|---|
| *Ресурсларни миқдорий баҳолаш* | – тузулманинг ва салоҳият динамикасини баҳолаш имконияти;<br>– алоҳида ва ялпи кўринишда олинган объектларни таҳлил қилиш имкониятининг мавжудлиги | Ресурслардан фойдаланиш коэффициентларини ҳисоблашда субъектив танловнинг мавжудлиги |
| *Индексли таҳлил* | Оддий ва юқори ҳажмдаги ҳисоб-китобларнинг йўқлиги | – натижавий кўрсаткичларнинг шаклланишида ҳар бир омилнинг бир хил вазнга эга бўлиши;<br>– салоҳиятнинг таркиби ва динамикасини таҳлил қилишнинг қийинлиги |
| *Оптимизацион модел* | Оптимизацион тадбирларнинг юзага чиқиш имконияти | – зарурий ахборот базасининг мавжуд эмаслиги;<br>– ҳисоб-китобларни амалга оширишнинг мураккаблиги. |
| *Корреляцион-рессессион модел* | Ҳар бир ресурснинг таъсир этиш даражасининг ҳисобга олиниши | – салоҳият динамикасини баҳолашнинг мураккаблиги;<br>– катта миқдордаги кузатувларни қўллашнинг имконсизлиги. |

[1] *Захарова Е.Н., Авраменко Е.П.* Основные методологические подходы к оценке экономического потенциала региона. 2012. URL: http://www.rusnauka.com/27_NPM_2012/Economics/13_116629.doc.htm

тилаётган товар хизматларнинг ҳажми максимал қийматни ташкил этиши зарур. Хўжалик фаолиятида ижтимоий нафликни пулнинг эквиваленти сифатида баҳоланиши (иқтисодий фаолиятни объектив баҳолашда риск юзага чиқади).

3. Хўжалик тизимининг фаолият юритиши натижасида олинадиган ялпи ижтимоий аҳамиятга молик бўлган муҳим натижалар (уларнинг аҳамиятлилик даражасини ва ўзаро боғлиқ бўлган муносабатларни аниқлашда риск юзага чиқади).

4. Комплекс ёки интеграл баҳолаш, алоҳида олинган тармоқларнинг ўсишини эластиклик коэффициенти орқали баҳолаш, ҳududнинг ялпи ресурс салоҳияти, ҳудуднинг рақобатбардошлик омиллари (*4-илова*), жон бошига тўғри келадиган ялпи маҳсулот, ҳудуднинг инвестицион муҳит жозибадорлиги ва бошқа ўзаро боғлиқ бўлган мезоиқтисодий кўрсаткичлар.

Иқтисодий салоҳиятни интеграл баҳолашни бир қанча усуллардан фойдаланиб аниқлаш мумкин (2.1.1-жадвал).

Барча усулларда ҳудудларнинг иқтисодий салоҳиятини йиғма баҳолаш иккита таркибий қисмдан иборат: бевосита ҳудуднинг иқтисодий салоҳияти ва уни амалга ошириш натижасида эришилган даража.

Айтиб ўтилган фикрларни ва келтирилган жадвал маълумотларини ривожлантириш асносида ҳудудларнинг иқтисодий салоҳиятини баҳолашнинг қўшимча параметрларини таклиф этиш мумкин (2.1.2-жадвал).

*2.1.2-жадвал*

**Ҳудуднинг иқтисодий салоҳиятини баҳолашнинг қўшимча параметрлари.**[1]

| Параметрлар | Ҳудудларнинг иқтисодий салоҳиятини баҳолашнинг қисқача изоҳи |
|---|---|
| Жойлаштириш сиғими | Ҳудудда янги иқтисодий объектларни ташкил этиш имконияти ва/ёки мавжудларининг кенгайтирилиши. Кўрсаткич ресурсларнинг чегараланганлигини инобатга олган ҳолда белгиланади. |
| Ресурсларнинг чекланганлик самарадорлиги | Келажакда ҳудуднинг иқтисодий фаолиятини кенгайтиришда қайсидур ресурс тескари таъсир кўрсатадиган бўлса, шу ресурсга нисбатан юқори даражадаги чекловнинг ўрнатилиши. |
| Ташкилий-иқтисодий инновацияларга мойиллик | Ҳудудларда мавжуд инфраструктура ва хўжалик юритиш тизимининг тавсифи. |
| Инновацияларни қабул қилишга мойиллик | Ҳудуднинг иқтисодий ривожланишини таъминлаш ва уни доимий равишда кузатиб бориш қобилиятининг мавжудлиги ва турли хилдаги инновацияларни қабул қилиш тамойили. |
| Динамик сифатлар | Ҳудудий тизимнинг ўзгармасдан туриши, ҳаракатсизлиги ва унинг структура ҳосил қилиш имконияти. |

[1] Муаллиф ишланмаси.

Шуни қайд этиш жоизки, ҳудудларнинг маъмурий-иқтисодий бошқаруви сиёсатини юритишда ***иқтисодий салоҳият*** оқибат сифатида қаралади ва ундан самарали фойдаланиш билан ҳудуднинг келажакдаги мавқеи аниқланади. Шунинг учун ҳам ҳудудларни бошқаришда, инвестицион муҳит жозибадорлигини оширишда иқтисодий салоҳиятни тўғри баҳолаш ва ундан дастак сифатида иқтисодий сиёсатни тўғри олиб бориш муҳимдир. Ушбу ички имкониятларнинг мавжудлигидан келиб чиқиб, давлат томонидан ҳудудларни комплекс ривожлантириш ва у ерда истиқомат қилаётган аҳолининг фаровонлигини таъминлашга қаратилган ижтимоий-иқтисодий дастурлар амалга оширилиб келинади.

Бизнинг фикримизча, айнан эндоген омиллар ҳудуднинг иқтисодий ривожланишини таъминлашда муҳим ҳисобланади. Аммо шу билан бирга, ҳудуднинг геоиқтисодий жойлашувини ҳам эсдан чиқармаслик ва уни инобатга олиш лозим.

Охирги ўн йилда олимлар томонидан ҳудуднинг ривожланишини жой ёки маконнинг шарт-шароитидан келиб чиқиб, «ҳудуднинг макансал (фазовий) салоҳияти» дея номланган тадқиқотлар олиб борилмоқда. В.П.Ефимовнинг таъкидлашича, «агарда ҳудуднинг ривожланиши шу ерда мавжуд бўлган ресурсларни макансал-ҳудудий ва тармоқлараро интеграция асосида тақсимланадиган бўлса, у ҳам иқтисодий, ҳам ижтимоий жиҳатдан самара беради»[1].

Шунинг билан бирга, олим ҳудуднинг ривожланишини таъминлашнинг замонавий йўлларини таклиф этади: кластер усули, иқтисодиётни диверсификациялаш орқали рағбатлантириш; ҳудудлараро ички алоқаларни кучайтириш ва ички бозорни йўл-транспорт инфратузилмаларини ишга тушириш орқали ривожлантириш; ички имкониятлардан ва маҳаллий ресурслардан самарали фойдаланган ҳолда, ижтимоий меҳнат тақсимотини тўғри йўлга қўйиш; инвестицион дастакдан унумли фойдаланган ҳолда, инвестицион лойиҳаларни қўллаб-қувватлаш усуллари.

Шунингдек, олим асосий эътиборни мамлакат инфраструктурасини комплекс ривожлантиришга, тизим ҳосил қиладиган тармоқларни қўллаб-қувватлашга ва ички ресурсларни (салоҳиятни) шу соҳага йўналтириш орқали у ерда истиқомат қиладиган аҳолининг иш билан бандлиги, даромад манбаи ошишини ва табақаланишнинг олди олиниши мумкинлигига қаратади.

[1] *Ефимов В.П.* Пространственный потенциал – основа развития региона в качестве целостного социально-экономического комплекса: Автореф. дис.канд. экон. наук. – М.: 2006. URL: http://rudocs.exdat.com/docs/index-177000.htmi

А.А.Зиновьева эса ҳудудларнинг қутбли ривожланишини таъкидлагани ҳолда, субъектив ва объектив омилларни келтириб ўтади. Биринчи омилга қуйидагиларни киритади: ҳудудларнинг табиий географик фарқланиши, иқтисодий ресурслар билан таъминланганлик, ҳududнинг технологик жиҳати ва ишлаб чиқаришнинг ихтисослашуви, ҳудуднинг иқтисодий жиҳатдан фарқланиши. Иккинчи омилга – институционал, инфратузилмавий ва ташкилий-функционал детерминантлар; ҳудуднинг анъана ва урф-одатлари; мавжуд йирик корпоратив тузилмаларни киритган.

Олима ҳудудда мавжуд бўлган масканлар (туман, шаҳар, шаҳар типидаги посёлкалар, овуллар – изоҳ бизники) «марказ – марказдан узоқ бўлган маскан» ўртасидаги фарқланиш, яъни қутбланиш дея таҳлил қилган бўлса, кейинчалик эса улар ўртасидаги тафовутларнинг йўқолиши натижасида бир бутун иқтисодий макон ҳосил бўлишини таъкидлайди.[1]

Ушбу тадқиқотларнинг мантиқий давоми сифатида инновацион салоҳиятга тегишли бўлган илмий қарашлар кейинги параграфларда очиб берилади.

***Қуёш ботса ўкинма, эртага у тонгни бошлаб келади.***

**Ж.Милтон**

## 2.2. ИННОВАЦИОН САЛОҲИЯТ, УНИ АНИҚЛАШНИНГ УСЛУБИЙ МАСАЛАЛАРИ

Ҳудудларнинг жаҳон ва давлат миқёсида иқтисодий ривожланишини таъминлашда турли тармоқларнинг инновацион йўналиши ва бу борада ишлаб чиқилган дастурлар асос бўлиб хизмат қилади. Дунё мамлакатларини қамраб олган глобал молиявий-иқтисодий инқироз давлатларнинг миллий хавфсизлигини таъминлашга бўлган эътиборни, хусусан, минтақа ва ҳудудлар иқтисодиётининг барқарорлигини таъминлаш, уларни бир текисда ижтимоий ларзаларсиз ва кескин тафовутларсиз ривожланишини таъминлашдек муҳим масалаларни ҳал этишни кун тартибига олиб чиқди.

Бундай ҳолда мамлакатлар ва ҳудудларни талофатларсиз молиявий-иқтисодий инқироздан чиқиб кетишлари ёки инқирознинг салбий оқибатларини юмшатишга қаратилган стратегияси, албатта, шу мамлакат

[1] *Зиновьева А.А.* Экономические проблемы регионов и отраслевых комплексов // Проблемы современной экономики. 2011. № 4.

ва ҳудуд инновацион-инвестицион салоҳиятининг нечоғли тўғри ва аниқ сафарбар этилганлиги билан белгиланади. *Зеро, **ҳудудларнинг барқарор иқтисодий ривожланишининг шарти айнан инновацион ва инвестицион салоҳиятнинг ривожланиши ҳамда иқтисодий омиллардан оқилона фойдаланишга боғлиқ.***

Жамиятда замонавий ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий туб ўзгаришларнинг қийинлиги, турли-туманлиги, зиддиятларнинг мавжудлиги, уларнинг янгилиги ва доимий ҳаракатда бўлиши бозор трансформацияси шароитида иқтисодиёт тармоқларининг инновацион ва инвестицон салоҳиятидан максимал фойдаланишни тақозо этади. Ҳудудлар иқтисодиётининг мунтазам равишда техник ва технологик, ижтимоий-иқтисодий янгиланишини таъминлаш шароитида эса, ўз навбатида, асосий ҳал қилувчи куч сифатида илм-фанга бўлган эътиборнинг кучайиши вужудга келади.

Д.И.Какуриннинг фикрига кўра, «инновацион салоҳият» тушунчаси «инновацион фаолиятнинг концептуал акслантирувчи феноменига» айланиб улгурган.[1] Инновацион салоҳият тушунчаси, унинг моҳиятини талқин қилищдан олдин, аввало, «инноватика», «инновация», «инновацион фаолият» тушунчаларини таҳлил қилиш мақсадга мувофиқдир.

Республикамиз учун инновацияни тадқиқ қилишнинг икки турдаги назарий йўналиши муҳимдир. Назарий тадқиқотнинг биринчи йўналиши бу инновациянинг ўз ҳолича ривожланиши (ҳаётий давр), яъни яралган ғоядан уни татбиқ этишгача бўлган ҳаракат жараёни. Инновацион жараённинг юзага келиши, ҳаётда ўз тасдиғини топиб татбиқ этилиши омилларнинг мураккаб бўлган ўзаро таъсири натижасида амалга ошади.

Иккинчи йўналиш – инновацион менежмент доирасида амалга ошадиган жараён. Айнан ушбу назария «инноватика» номини олди ва, ўз навбатида, бир қанча мустақил йўналишларнинг вужудга келишига сабаб бўлди: янгиликларнинг шаклланиши, ўзгарувчан янгилик, янгиликларнинг тарқалиши (диффузия); инсонларнинг янгиликка мослашиши ва янгиликларнинг инсонларнинг эҳтиёжларига айланиши; инновацион қарорларнинг яралиши ва бошқалар.[2] Аммо ушбу келтирилган, яъни инноватиканинг таркибий қисмларида айрим муҳим элементларнинг киритилмагани намоён бўладики, булар – янгиликлар бозори, инновацион стратегия.

[1] *Д.И.Кокурин.* Инновационная деятельность: учебное пособие. – М.: «Экзамен», 2003. стр. 111.

[2] *А.И.Пригожин.* Нововведение: стимулы и препятствия. Монография. – М.: Политиздат. 1998 г.

Бизнинг фикримизча, инновациянинг иккинчи назарий тадқиқотлар йўналиши бўлмиш «инноватика»ни илмий жиҳатдан янгиликларнинг амалга ошиши, инновацион жараёнлар ривожланишининг қонунияти, инновацион жараёнларнинг босқичи, инновацион салоҳият ва инновацион инфраструктура каби тушунчаларни келтирган ҳолда мажмуавий талқин этиш ўринли бўлади.

Инноватикани ва инновацион жараёнларни назарий жиҳатдан ўрганиш, илмий жиҳатдан тадқиқ этишда Ғарбнинг бир қатор забардаст олимлари эътибор қаратишган. Булар қаторида И.Шумпетер, Н.Д.Кондратьев, Г.Менш ва бошқаларни эслаш мумкин. Ушбу олимларнинг илмий ишлари, олиб борган тадқиқотлари, узвий боғлиқликдаги таҳлиллари орқали инновациялар, уларнинг вужудга келиши, сабаб ва оқибатлари, инновацияларнинг ривожланиши, уларга таъсир кўрсатадиган омиллар, умуман, мазкур тарзда муаммонинг қўйилиши, ечими ва шунга ўхшаш бир қатор масалаларни англаб етиш мумкин бўлади.

Н.Д.Кондратъев[1] томонидан иқтисодий ривожланиш муаммолари ва уларга таъсир кўрсатадиган инновациялар устида изланишлар олиб борилган. Мутахассис ўз тадқиқотларида асосий эътиборни иқтисодий ривожланиш даврлари, унинг давомийлиги ва уларнинг ривожланиш сабаблари сифатида инновацияларни мисол қилиб келтиради.

Н.Д.Кондратъевнинг ушбу ғояси австрия мактаби намояндаси И.Шумпетернинг илмий тадқиқотлари ривожига асосий туртки бўлиб хизмат қилган. Бугунги кунда И.Шумпетер[2] инновация, инновацион жараёнлар каби тушунчаларни истеъмолга киритган йирик олим сифатида эътироф этилади. Унинг 1939 йилда чиқарган «Иқтисодий даврлар» деб номланган асарида инновацион жараёнларнинг назарий асослари, яратилган янгиликларнинг (инновация) технологик жараён ҳамда бошқарувга самарали таъсир кўрсатиши, иқтисодий ресурслар ишлатилишининг янгича комбинацияси натижасида ишлаб чиқариш ҳажмининг ўсиши вужудга келиши каби масалалар қамраб олинган.

Инновация – бу янги технологияларни, янги маҳсулотларни, янги материал ресурсларни ишлаб чиқаришга жорий этиш ва янги саноат корхоналарининг ташкил этилишидир.[2] Ўтган асрнинг 30-йилларида иқтисодчи олимларнинг асосий эътибори инновацияни классификациялашга қаратилди. «Инновация»ни ўрганиш фақат техника прогресси на-

[1] *Кондратъев Н.Д.* Большие циклы конъюнктуры и теория предвижения. Избр. тр., сост. Ю.В.Яковец. – М.: «Экономика», 2002. 767 с.

[2] *Шумпетер И.А.* История экономического анализа. – СПб.: Экономическая школа, 2004.

[3] *Шумпетер И.А.* Теория экономического развития. Капитализм, социализм и демократия.

зарияси доирасида, шунингдек, омил унумдорлиги назариялари асосида талқин қилинди.

Б.Сонтонинг талқинига кўра, инновация деганда, ижтимоий техник-иқтисодий жараённи ўз ичига қамраб олиб, ихтироларни, дастлабки ғояларни амалий тажрибаларда синаш орқали юқори технологияни, товар ишлаб чиқаришни самарали йўлга қўйиш билан бозорда юқори қўшимча даромадга эришиш тушунилади.[1] Инновацияга нисбатан шунга жуда ҳам яқин таърифни Б.Твисс ҳам келтиради. Унинг фикрича, инновация жараён ҳисобланиб, ихтиролар, дастлабки ғоялар маълум бир иқтисодий маънони касб этгани ҳолда, муваффақиятли янгиликлар (янги ғоялар) бозорда таклиф сифатида намоён бўлиб, истеъмолчилар бунинг учун пул маблағини тўлашга, яъни талабни қондиришга хизмат қилади.[2]

Буни иккита омил (меҳнат ва капитал) ўртасидаги нисбатнинг турлича ишлатилишидан келиб чиқиб, меҳнат унумдорлигига капитал ресурсини ошириш орқали эришиш ёки капитал ресурсини камайтириб, яъни меҳнат ресурсини капитал билан таъминланганини камайтириш оқибатида ишлаб чиқаришни ташкил этиш усуллари орқали баҳо бериш мумкин (2.2.1-расм).

Бу иқтисодий тилда изокванта деб юритилиб, у бир хил ҳажмдаги маҳсулотни ишлаб чиқаришни таъминлайдиган ишлаб чиқариш омиллари сарфлари комбинацияларини ифодаловчи эгри чизиқ орқали ифо-




**2.2.1-расм. *Омиллар сарфини иқтисод қилувчи инновацион жараёнлар.***

[1] *Санто Б.* Инновация как средство экономического развития. – М.: Прогресс, 1990. с.83.
[2] *Твисс Б.* Управление научно-техническими нововведениями. – М.: Экономика, 1989.

даланади. Агар биз ўзгарувчан омил сифатида меҳнат сарфини қарасак (капитал сарфи ўзгармаганда), меҳнат сарфи кичик миқдорда ошганда маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини анчагина оширади. Нима учун деганда, бошланғич даврда меҳнат сарфининг ошиши капиталдан тўлиқроқ фойдаланиш имконини беради. Натижада, чекли маҳсулдорлик, умумий ва ўртача маҳсулдорлик ортади. Лекин пировард натижада ишчилар сонининг ошиши (капиталнинг ўзгармаганлиги) чекли меҳнат унумдорлигининг камайишига олиб келади, яъни омил маҳсулдорлигининг камайиш қонуни «ишлай» бошлайди.

Омил маҳсулдорлигининг (бир бирлик қўшимча омил сарфига тўғри келадиган қўшимча маҳсулот) камайиш қонуни қисқа муддатли оралиққа хосдир, чунки бу оралиқда камида битта омил ўзгармасдир. Узоқ муддатли оралиқда барча омиллар маълум миқдордаги комбинацияда ошса, ишлаб чиқариш ҳажми ҳам ошиб боради.

Омил маҳсулдорлигининг камайиш қонуни (ОМКҚ) чекли маҳсулотнинг камайишини ифодалайди. Маҳсулдорликнинг камайиш қонуни маълум бир ишлаб чиқариш технологиясида ўринлидир (2.2.2-расм). ОМКҚ абсолют бўлмасдан, нисбий характерга эгадир ва у маълум ишлаб чиқариш технологиясига қўлланилади. Вақт ўтиши билан технологиянинг такомиллашуви, маҳсулот ишлаб чиқариш чизиғини юқорироқ кўтарилишига олиб келиши мумкин.

Масалан, биринчи технологияда ўзгарувчан меҳнат ресурсидан максимал фойдаланиш $L_1$ бўлса (2.2.2-расм), янги, такомиллашган 2-технологияга ўтилиши, меҳнат сарфи ҳажмини $L_2$ га оширади ($L_2 > L_1$), янада такомиллашган 3-технологияга ўтилиши меҳнат сарфини $L_3$ миқдоргача оширади: $L_3 > L_2 > L_1$. Шуни эслатиб ўтиш керакки, технологиянинг такомиллашуви ОМКҚ умуман ишламаслигини билдирмайди, ушбу қонун ҳар қандай ишлаб чиқариш технологиясида ҳам ўз кучини сақлаб қолади.

Расмдаги 1-, 2- ва 3-такомиллашган технологияларга мос келувчи ишлаб чиқариш чизиқларидаги *A*, *B*, *C* нуқталардан кейинги ишлаб чиқариш нуқталарида ҳар бир қўшимча сарфланган ишлаб чиқариш омили (меҳнат сарфи) ишлаб чиқариш ҳажмини камайтиради.[1] Бундан кўринадики, классик мактаб вакиллари ишлаб чиқариш омиллари изоҳланган графикда (2.2.1-расм) омиллардан турли нисбатларда фойдаланиш орқали инновацион жараённинг вужудга келишини келтириб ўтадилар, аммо ушбу қараш ва талқин инновациянинг туб моҳиятини очиб бериш учун етарли эмас.

[1] *Salimov B.T., Muxitdinova U.S., Mustafakulov Sh.I.* Mikroiqtisodiyot: Darslik. – T.: TDIU, 2006. 230-b.

Бу ерда фақат ишлаб чиқариш имкониятлари чизиғида омилларни турли комбинацияларда фойдаланиш орқали ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш ёки ишлаб чиқариш ҳажмини ўзгартирмаган ҳолда, омиллардан турли нисбатларда фойдаланиб, ресурслар сарфини минималлаштириш нуқтаи назари ётибди. Бундай натижага эса инновацияни қўлламаган ҳолда ҳам эришиш мумкинлигини қайд этиш жоиз.




**2.2.2-расм.** ***Технология такомиллашувининг ишлаб чиқариш ҳажмига таъсири.***

Қиёсий таҳлилларни давом эттириб, бошқа бир етакчи олимнинг тадқиқотларига назар ташлайдиган бўлсак, немис олими Г.Менш ўз асарларида иқтисодий ўсиш даражаси ва даврийлиги ўртасида вужудга келадиган фундаментал ва инновацион тадқиқотлар ўртасида узвий боғлиқлик мавжудлигини таъкидлайди. Унинг фикрича, «яратилган янгилик ва ихтиролар натижасида янги корхоналарнинг вужудга келиши, бу эса, ўз навбатида, иқтисодий ривожланиш ҳолати ва даврларига таъсир кўрсатишга олиб келади. Яратилган янги товар (хизмат) дастлабида унга бўлган талаб ҳажмидан орқада қолади, бу эса ишлаб чиқариш ҳажмининг юқори суръатда ўсишига олиб келади»[1].

Инноватика билан шуғулланган яна бир гуруҳ олимлар: К.Фримен[2], Д.Кларк[3], Л.Соете[4] ўз тадқиқотларида технологик тизим, технологик ва

---

[1] *Mensh G.* Stalemate in Technologial Innovation: Organization, Strategies for implementing Advaced Manufacturing Technologies, San-Fr.; L.: Jossey – Bass Publishers, 1986.

[2] The economy of industrial information. Third edition. Chris Freeman and Luc Soete. – The MIT Press Cambridge, Massachusetts, 1994.

[3] *Д.Кларк.* Неустойчивые государства: трансформация систем социального обеспечения // Журнал исследований социальной политики. 2003. Т. 1. № 1. с.69-89.

[4] *Soete L., Turner R.* Technology Diffusion and the Rate of Technical Change // The Economic Journal. 1984. Vol. 94; Metcalfc S., Gibbons M. Technology, Variety and Organization / Research on Technological Innovations – Management and Policy. Vol. 4. JAI Press. P. 153-193.

социал инновациялар ўртасидаги ўзаро алоқалар хусусиятлари каби тушунча ва қарашларни илгари сурганлар. Уларнинг фикрича, иқтисодий ўсиш суръати технологик тизимнинг шаклланиши, ривожланиши ва эскиришига боғлиқ. Диффузия ёки инновацияларнинг ёйилиши технологик тизим механизмининг ривожланиши орқали намоён бўлади.

Назарий инноватика бу инноватиканинг назарий ҳолати ва методологиясини акс эттирадиган, йўналтирадиган ғоялар тизими, усул ва гепотизаси ҳисобланади.

Амалий инноватика илмий фаолиятнинг йўналишига, яъни бошқарув, ташкил этиш, амалга ошириш ва инновацион фаолиятнинг ривожланишига хизмат қиладиган жараён. Инноватиканинг предмети сифатида прогрессив янгиликларнинг яралиши, унинг татбиғи натижасида ташкилий ва бошқарув тизимини янгича асосга қўйилиши тушунилади.

Умуман, «инновация» сўзи янгиликларнинг яралиши, ноанъанавий бўлган жараёнларнинг пайдо бўлиши, ташкил этиш ва бошқарув самарадорлиги ошишига олиб келадиган ўзгача усул, воситаларнинг пайдо бўлишини англатади. Бу сўз бизнинг атамашунослигимизда инглиз тилидан кириб келган «innovation» сўзидан олинган бўлиб, байналминал термин сифатида эътироф этилади.

Бугунги кунда иқтисодий адабиётларда олимларимиз инновацияга турлича таърифларни, талқинларни, қарашларни, нуқтаи назарларни, фикр-мулоҳазаларни билдириб келмоқдалар. Бир гуруҳ олимлар (А.Н.Фоломьев[1], Г.Я.Киперман[2]) инновацияни янги маҳсулотлар, технологиялар ҳамда хизматларни яратишга қаратилган ва маълум бир имкониятларга эга бўлган ижодий меҳнат маҳсули, деб қарашади. Бошқа муаллифлар (П.Ф.Друкер[3], А.И.Муравъев[4], Н.И.Лапин[5]) эса, инновацияга бизнесни ривожлантириш учун йўналтирилган мураккаб тизим сифатида қараш лозимлигини уқтиришади. Яна бир гуруҳ олимлар (А.Харман, Р.Джонса[6]) инновация остида ишлаб чиқариш жараёнига янги ёки мавжуд бўлган эскисини такомиллашган вариантини татбиқ этишни тушунадилар.

Бизнингча, бу олимлар томонидан инновацияга берилган таъриф ва қарашлар қисман тўғри бўлиб, улар инновацион жараёнга берилган ба-

[1] *Фоломьев А.Н.* К вопросу о концепции национальной системы венчурного инвестирования./ Инновация. 2002. №8. с. 21-30.

[2] *Киперман Г.Я.* Экономика предприятия: словарь. – М.: ЮРИСТЪ. 2001. 272 с.

[3] *Друкер П.Ф.* Энциклопедия менеджмента. – М.: Диалектика, 2004. 432 с.

[4] *Муравъев А.И.* Предпринимательство: учебник. – СПб.: Лань, 2001. 696 с.

[5] *Лапин Н.И.* Теория и практика инноватики: учебное пособие. – М.: Логос, 2008. 238 с.

[6] *Джонс Р.* Экономические сочинения. – М.: Директмедиа. Паблишинг, 2007.

тафсил маълумотлар сифатида қайд этишимизга асос бўлмайди. Демак, инновация категориясини қараб чиқиш ва инновацион жараёнларнинг ихтисослашган хусусиятларини талқин этиш, уни бошқариш учун ушбу категориянинг мазмун-моҳиятини тўла акс эттирган махсус классификацияни ишлаб чиқиш тақазо этилади. Инновацияни таҳлил этишнинг муҳим асосий босқичи сифатида таснифлашнинг бир қатор аломатларини ўрганиш талаб этилади.

«Инновация» категорияси билан боғлиқ тушунча ва изоҳларни беришга яна бир қатор иқтисодчи олимлар: А.И.Пригожин, Ю.В.Яцковечлар ўз тадқиқотларида эътибор қаратишган. Уларнинг илмий изланишлари, олиб борган тадқиқотларини ўрганиш инновация (янгилик) турлари таснифини бериш имконини берди. Н.П.Завлин ўз тадқиқотларида инновация, инновация масштаби, инновация суръати, самарадорлиги, инновация босқичи, натижавийлиги каби таснифларни келтириб ўтган. Аммо илмий тадқиқотларни ўрганиш давомида шу нарсага гувоҳи бўлдикки, инновация таснифининг муфассал, тўкис изоҳи ҳали келтириб ўтилмаган.

Шунинг учун ҳам ушбу масала бўйича муаллиф инновациянинг барча хусусиятларини, тизимий элементларини очиб беришга хизмат қиладиган ва инновацион жараёнларни таъмин этишга қаратилган тасниф хусусида тўлиқроқ илмий-услубий маълумот беришни кўзда тутади.

Ўрганилган тадқиқот ишларидан ҳосил бўлган қарашларни умумлаштириб, уларнинг «инновация»га берган таърифларини уйғунлаштирган ҳолда, ўзимизнинг жузъий хулосаларимизни баён этадиган бўлсак, ***«Инновация» динамик ва статистик жиҳатдан яратилган янгилик ва илм-фан ютугининг охирги босқичигача боришини таъминлашга қаратилган ва бунинг натижасида маълум бир иқтисодий самарани юзага келтирадиган жараён ҳисобланади.***

Шуни назарда тутиш лозимки, инновацияни жорий этиш натижасида тез фурсатда иқтисодий самарага эришиш мумкин эмас, чунки инновацияни жорий этиш босқичида унинг капитал сиғими юқори, уни эксплуатация қилиш давомида эса капитал тежамкорлиги юқори бўлади.

Зеро, инновацион лойиҳаларни амалга ошириш, уларни иқтисодий-ижтимоий ҳаётимизга татбиқ этиш учун ҳудудий шарт-шароитлар ва инвестицион маблағларнинг мавжудлиги талаб этилади. Бугунги кунда корпорациялар томонидан катта маблағлар илм-фанга, янги ихтироларни кашф этишга йўналтирилмоқда. Корпорацияларнинг келажакда юқори фойдага эришиш мақсадида олиб бораётган сиёсати ҳамда рақобатбардошликни ошириш, ўз макеини (имижини) сақлаб қолишга

қаратган саъй-ҳаракатининг ягона гарови – юқори унумдорликни таъминлайдиган замонавий технологияларни рақобатчилардан олдинроқ яратишдан иборатдир.

Инновация иқтисодиётни такрор ишлаб чиқариш жараёнида юзага чиқадиган ғоялар трансформациясининг натижаси, изланишлар, ишланмалар, янги ёки такомиллаштирилган илмий-техникавий, ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ва бошқарув қарорлари сифатида талқин этилади. Инновацияни инновацион жараённинг маҳсули сифатида ҳудудий бозорларда «ишлаб чиқарувчи» ва «истеъмолчи» ўрнида кўриш таҳлилни анчагина осонлаштиради. Бунинг учун «инновацион потенциал» тушунчасини ёритиш ва ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишига баҳо беришда ундан кенг фойдаланиш илмий-методик жиҳатдан тўғри бўлади. «Инновацион потенциал» категориясини батафсил талқин қилиш учун қуйидаги асосий қарашларни келтирамиз:

1. Инновацион потенциал бу илмий, интеллектуал, ижодий ва илмий-техникавий ихтироларнинг йиғиндиси;

2. Инновацион потенциалга инновацион фаолиятни амалга оширишни таъминловчи мавжуд ресурслар сифатида қараш;

3. Инновацион потенциал инновацияни амалга оширишда ресурслардан унумли фойланишни таъминлашга хизмат қиладиган янги имкониятлар;

4. Инновацион потенциалнинг интеграллашган кўриниши – ресурсларнинг жорий қиймати ва ундан фойдаланиш имконияти;

5. Инновацион потенциални инновацион фаолиятни амалга оширишга қодир бўлган иқтисодий субъектнинг тайёргарлиги ва қобилияти сифатида кўриш.

Кўпгина минтақашунос олимлар ҳудуднинг ривожланишини иккига бўлиб ўрганишни тавсия этадилар. Булар: инновацион ривожланишга ўтиш учун ҳудудда мавжуд бўлган барча шароит ва имкониятлар; иккинчиси, инновацион фаолиятни фаоллаштиришга қодир бўлган иқтисодий субъектларнинг қобилиятлари.[1]

Бизнинг фикримизча, ҳудудларни инновацион ривожланишининг асосини мавжуд ресурслардан самарали фойдаланиш натижасида ижтимоий-иқтисодий кўрсаткичларнинг миқдорий ва сифат жиҳатидан ўзгариши (кўпайиши) ташкил этади. Натижавий кўрсаткичларнинг таъминланиши пассив (инновациянинг ривожланиши учун мавжуд шароит) ёки

---

[1] *Москвина О.С.* Инновационный потенциал как фактор устойчивого развития региона. http://journal.vscc.ac.ru/php/jou/30/art30_02.php

актив (янгиликларни яратиш учун мавжуд бўлган мотивация ва ташаббус) усулларда амалга ошириш мумкин.

Пассив усул давлат томонидан берилган имтиёзлардан фойдаланиш, давлат ва бизнес ўртасидаги ўзаро манфаатли ҳамкорлик, ҳуқуқий база, солиқ имтиёзлари ҳамда инфраструктуранинг ривожлангани билан белгиланади. Актив усулда эса натижавий (миқдорий ва сифат) кўрсаткичларни таъминлаш учун ҳудудда мавжуд бўлган рағбатлантирувчи функцияга асосий урғу берилади (2.2.3-расм).

Инновацион салоҳият (мамлакат, ҳудуд, тармоқ, корхона иқтисодиёти) замирида, ҳудудий ижтимоий-иқтисодий тизимнинг ҳудуд субъектларининг (истеъмолчи, ижро ҳокимияти субъекти, субъект-новатор, бозор ва ҳ.) мавжуд ёки янги вужудга келаётган эҳтиёжларини қондиришга мўлжалланган янги ҳолатга ўта олиш салоҳиятини тушуниш керак бўлади.

Ҳудудий иқтисодий сиёсат мазмун жиҳатидан ҳудуднинг инновацион салоҳиятига боғлиқ бўлиб, у, ўз навбатида, ҳудуднинг келгусидаги ижтимоий-иқтисодий ривожланишини олдиндан белгилаб беради. Ҳудуднинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши эса учта манбага асосланиши мумкин:




***2.2.3-расм. Ҳудуднинг инновацион салоҳияти таркиби.***[1]

[1] Муаллиф томонидан тузилган.

- ишлаб чиқариш омиллари (ўсишнинг экстенсив тури);
- инвестициялар (ривожланишнинг ўрта даражаси, ўсишнинг экстенсив-иқтисодий тури);
- инновациялар (олий даража, иқтисодий ўсишнинг интенсив тури).

Ҳар бир ҳудуд бир вақтнинг ўзида ушбу ривожланишнинг уч манбасидан фойдаланади, бир вақтнинг ўзида, қоида тариқасида, улардан бири устувор ҳисобланиши сабабли, ҳудудларни иқтисодий ўсиш даражаси ва сифати бўйича таснифлаш имконияти яралади.

Глобал рақобат ривожланишининг замонавий шароитларида ижро ҳокимиятининг устувор йўналишлари ва ҳаракатлари иқтисодиётни жадал ва барқарор ривожлантиришнинг инновацион ривожланишига, илмий салоҳиятнинг мавжуд соҳалардаги инновацион фаолиятни фаоллаштиришга қаратилган бўлиши лозим. Инновацион ривожланишнинг манбасини тадқиқ қилиш ҳудуднинг шаклланиб бўлган инновацион салоҳиятини анализ ва синтез қилишни талаб қилувчи мураккаб комплекс муаммо ҳисобланади, бу эса, ўз навбатида, ушбу ривожланишнинг имкониятларини акс эттиради. Ўз ўрнида, инновацион салоҳиятни баҳолаш борган сари муҳимлик касб этиб боради.

Шу муносабат билан, ҳудудларнинг инновацион салоҳиятини таҳлил қилиш услубиётини аниқлаш учун инновацион ривожланишнинг халқаро ва ҳудудлараро таҳлил қилиш усулини қўллаш таклиф қилинади. Мазкур таҳлилни амалга ошириш учун Ф.Бергер[1] томонидан кўриб чиқилган, ҳудуднинг инновацион салоҳиятини ўрганишнинг фундаментал таҳлил концепциясига таянувчи алгоритмик кетма-кетлигини ишлаб чиқиш таклиф қилинади. Мазкур концепция «юқоридан пастга» комплекс услубий ёндашувга асосланади, яъни таҳлилга ёндашиш, таҳлилни у ёки бу иерархиянинг юқори даражасидан бошлашни ва пастга, таҳлилнинг таянч бирликларига қараб ҳаракатланишни тақозо этади. Алгоритм иерар-




**2.2.4-расм.** ***Инновацион салоҳиятни баҳолаш услубларини тадқиқ қилиш кетма-кетлиги.***[1]

[1] *Бергер Ф.* Что вам надо знать об анализе акций: Пер. с нем. -М.: АОЗТ & laquo-Интерэксперт», 1998. 206 с.

[2] Муаллиф томонидан тузилган.

хиясининг юқори босқичида инновацион салоҳиятга берилган халқаро баҳо ўрин эгаллайди, кейинги тадқиқот нуқтаси ҳудудий даража бўлади ва ниҳоят охирги даражада инновацион салоҳият хусусий кўрсаткичларининг баҳоси акс этади (2.2.4-расм).

Инновацион ривожланиш таҳлилининг алгоритми аниқлаб олингандан сўнг, тадқиқот таҳлилининг вақтга доир даврини ҳисоблаш зарур бўлади. Инновацион салоҳиятни ўлчашнинг машҳур услубларидан бири Халқаро иқтисодий форумнинг (ХИФ) глобал рақобатбардошлик ҳисоботлар учун ҳисобланадиган «Глобал рақобатбардошлик индексининг инновацион салоҳият субиндекси (GCI)» ҳисобланади. Бу ҳақдаги батафсил фикр-мулоҳазалар тадқиқотимизнинг кейинги бандларидан ўрин олган.

---

***Сохта мулозамат ҳиёнатдан дарак беради.***

**Ж.Милтон**

## 2.3. ҲУДУДЛАРНИНГ КОМПЛЕКС РИВОЖЛАНИШИНИ ТАЪМИНЛАШДА МЕҲНАТ САЛОҲИЯТИНИ ҲИСОБГА ОЛИШ МАСАЛАЛАРИ

Ҳудудларнинг инвестицион муҳит жозибадорлиги ижтимоий-иқтисодий салоҳиятнинг миқдори, сифати ва кўлами билан ўлчанади. Ижтимоий-иқтисодий салоҳиятни ўлчашда ҳудудда мавжуд ишлаб чиқариш кучлари, ҳудуднинг табиий-иқлим шароити, фойдали қазилмаларнинг захираси, инфратузилма объектларининг ҳолати билан бирга аҳоли ва меҳнат ресурсларининг сони, ёши, жинси, саводхонлиги каби сифат кўрсаткичлари асосий ўрин тутади.

Ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий салоҳияти характеристикаси – ҳудуд иқтисодиёти ривожланишининг илмий асосланган дастурини ҳудудий кесимда ишлаб чиқиш ва уни амалга ошириш учун шароит яратишдир. Ҳудуднинг ижтимоий-иқтисодий салоҳиятини методологик жиҳатдан ўрганиш ва баҳолашда, авваламбор, уни иқтисодий категория ва статистик ўрганиш объекти сифатида тадқиқ этиш муҳимдир.

Юқорида таъкидлаганимиздек, ҳудуднинг ижтимоий-иқтисодий салоҳияти – бу индивид, реал сектор корхоналари ва ташкилотлари, шунингдек, жамиятнинг неъматлар (товар ва хизматлар)ни истеъмол қилишга бўлган ялпи эҳтиёжини қондириш, меҳнат ресурслари, моддий-техник, молиявий, табиий ва бошқа барча ресурсларнинг ҳақиқатда

мавжуд бўлган миқдори ҳисобланади. Ҳудудий статистика бўлимлари ва умуман Ўзбекистон Республикаси давлат статистика қўмитаси олдида турган асосий вазифалардан бири ҳудудларнинг салоҳиятини, хусусан, ҳудудларда мавжуд бўлган меҳнат, моддий-техника, молиявий, табиий ва бошқа ресурсларнинг ҳажмини аниқлаш бўйича статистик баҳолаш методологиясини ишлаб чиқиш, шулар асосида ресурсларнинг захираси, ўсиш суръати ҳамда келажакда улардан самарали фойдаланиш бўйича объектив маълумотларни тақдим этишдан иборат. Бунинг учун эса, қуйидаги методологик муаммоларни ҳал қилиш талаб этилади:

- ижтимоий-иқтисодий салоҳият ва унинг компонентлари (таркибий қисмлари)га иқтисодий категория ва статистик ўрганиш объекти сифатида қараш;
- мавжуд бўлган ресурслар ҳажми характеристикаси, уларнинг таркиби, сифати ва бошқа бир қатор параметрлари бўйича ҳудуд салоҳиятини аниқлаш кўрсаткичлари тизимини ишлаб чиқиш;
- салоҳиятнинг турли элементларини баҳолаш методологиясини яратиш;
- ҳудуд ижтимоий-иқтисодий салоҳиятининг йўқолишини (пасайиб боришини) баҳолайдиган методологияни ишлаб чиқиш;
- ҳудуд салоҳиятидан ноқонуний ва хуфиёна фойдаланиш ҳолатларини акс эттирувчи методологияни ишлаб чиқиш;
- ҳududнинг ижтимоий-иқтисодий салоҳиятидан самарали фойдаланиш бўйича методологияни яратиш.
- бозор шароитида ҳудуднинг ижтимоий-иқтисодий салоҳиятини ривожлантириш омилларини ва уларнинг таъсир қилиш кўламини аниқлаш бўйича методологияни ишлаб чиқиш ва ҳ.к.

Иқтисодиёт назариясидан маълумки, ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий салоҳиятидан (ҲИИС) фойдаланиш ҳамда уни ошириш бўйича икки хилдаги гуруҳли омиллар мавжуд. Булар, экстенсив ва интенсив омиллардир.

*Биринчисига* – меҳнат, моддий-техникавий, молиявий, табиий ва бошқа ресурслар ҳажмини кўпайтириш; иккинчисига – барча мавжуд ресурсларнинг сифатини ва улардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш киради.

***Энг асосий омил сифатида турли хилдаги ресурслар ҳамда салоҳият компонентлари ўртасидаги мутаносиблик ва мувозанатлик даражаси намоён бўлади. Ушбу компонентлардан бирортасининг иштирок этмаслиги ёки етарли миқдорда бўлмаслиги бошқаларининг ҳам амалга ошишига тўсқинлик қилади.***

Ушбу ўринда, ИИС таркибини юзага чиқарувчи, ҳудудларнинг ИИС фақат унинг манфаатига хизмат қиладиган, яъни аҳоли билан боғлиқ бўлган категорияни қараб чиқамиз.

Аҳолининг ҳудудий статистикаси – ҳудуднинг ижтимоий-иқтисодий статистикасини ўрганувчи соҳа бўлиб, аниқ бир ҳудудда истиқомат қилаётган аҳоли ва демографик жараёнлар бўйича статистик маълумотлар йиғиндиси тушунилади. Аҳоли статистикаси ёки демографик статистика аҳоли ҳудудий статистикасининг назарий асоси ҳисобланади. Ҳудуд аҳолиси тўғрисидаги аниқ статистик маълумотларнинг мавжудлиги Ўзбекистон аҳолиси ҳамда демографик ҳолати бўйича ижтимоий-иқтисодий таҳлилларни амалга ошириш имконини беради. Шунинг учун ҳам ҳудудий кесимда ва умумреспублика бўйича доимий аҳоли сони, ёши ҳамда демографик жараёнлар бўйича статистик рақамлар эълон қилиб келинади. Ва энг асосийси, макроиқтисодий кўрсаткичларнинг таққослама даражасига баҳо берилганда ёки қиёсий таҳлил этилганда аҳоли сони асосий кўрсаткич сифатида қаралади.

Умумий демографик статистикадан келиб чиққан ҳолда, аҳолининг ҳудудий статистикаси ҳудуд аҳолиси ва демографик тадбирлар (туғилиш, ўлим, никоҳлар ва б.)нинг статистик кузатуви методологиясини ишлаб чиқади ва ҳудуднинг махсус жиҳатлари, шарт-шароитларини инобатга олиб, аҳолини рўйхатга олиш, демографик тадбирларнинг жорий ҳисобини юритиш, миграцияни ҳисоблаш ҳамда тўпланган статистик маълумотларни умумлаштириш, гуруҳлаш ва бошқа усулларни ишлаб чиқади.

Ҳудудий демографик жараёнлар характеристикасига баҳо берилганда, маълум бир вақтда (одатда бир йилда) республика бўйича туғилиш, ўлим, аҳолининг табиий ўсиши, никоҳлар ва ажримлар сони каби кўрсаткичлар ўрганилади. Шунингдек, худудий демографик жараёнлар таҳлил этилганда аҳолининг табиий, механик ҳаракатининг таққослама кўрсаткичлари, жумладан, туғилиш, ўлим, аҳолининг табиий кўпайиши, никоҳ ва ажралишлар бўйича умумий, хусусий ҳамда ёш даражаси билан боғлиқ бўлган махсус коэффициентлар ҳисобланади.

Демографик жараёнларнинг моҳияти ва таърифини ҳудудий жиҳатдан ўрганиш умуммамлакат кўрсаткичида намоён бўлган статистик рақамлар сингари амалга оширилади. Ҳудудлардан тўпланган статистик маълумотларни умумлаштириш орқали умумреспублика кўрсаткичлари ҳосил қилинади. Шунинг учун ҳам ҳудудий кесимда демографик жараёнлар тўғрисидаги ишончли ва аниқ маълумотларни тўплаш, уларни таҳлил қилиш ва шу асосда демографик ҳолатни яхшилаш бўйича чора-тадбир-

лар дастурини ишлаб чиқиш ва уни ҳаётга татбиқ этиш учун ҳудудий-маъмурий бошқарув органларига таклиф ва тавсияларни тақдим этиш асосий вазифалардан ҳисобланади.

Юқорида таъкидлаганимиздек, ҳудуднинг салоҳиятига баҳо берилганда, энг асосий категория бўлмиш: аҳоли сони, ёш даражаси, жинси ва меҳнатга лаёқатлилар, ногиронлар, ишсизлар, меҳнатда бандлар сони каби бир қатор кўрсаткичлар ўрганилади. Буларнинг ичида меҳнат ресурслари ёки меҳнатга лаёқатлилар ҳудуднинг салоҳиятини аниқлашда асосий кўрсаткич бўлиб хизмат қилади. Албатта, ҳудуднинг аҳолиси ҳудуднинг ижтимоий-иқтисодий салоҳиятини аниқлашда асосий ўрин эгалласа-да, унинг меҳнатга лаёқатли (меҳнат салоҳияти) қисми ҳамда уларнинг малакаси тўғрисидаги маълумотлар орқали ҳудуднинг умумий салоҳияти тўғрисида миқдорий ва сифат жиҳатидан баҳо бериш мақбул ҳисобланади.

**Меҳнат салоҳияти (МС)** – бу ИИСнинг энг асосий ва доимий фаол ҳаракатда бўлган кўрсаткичларидан биридир. Ҳар қандай давлат ва ҳудуднинг меҳнат салоҳияти ўрганилганда, унга баҳо берилганда мамлакат иқтисодиётининг барқарор ривожланишини таъминлай оладиган ҳамда аҳолининг истеъмол товарлари ва хизматларга бўлган эҳтиёжини қондириш мақсадида ишлаб чиқариш ва хизматлар соҳасида иштирок этаётган жами меҳнат ресурсларининг сони ва қобилиятлари инобатга олинади.

Ҳудудий меҳнат салоҳиятига баҳо берилганда фақатгина ресурснинг ҳажми эмас, балки унинг сифатига ҳам эътибор қаратилади. Сифати деганимизда, меҳнат ресурсларининг ёши, уларнинг қобилияти, жинси, касб турлари бўйича гуруҳланиши, маълумоти ва бошқа бир қатор сифатий омиллар тушунилади. Аммо бугунги кунда ҳудуднинг меҳнат салоҳияти категориясига баҳо берилганда ва ўрганилганда, уни ташкил этувчиси сифатида меҳнат ресурси – иқтисодий фаол аҳоли қатламини олиш лозимлиги тўғрисида баҳсларга сабаб бўладиган бир қанча ҳолатлар мавжуд.

Бизнинг фикримизча, ҳудуднинг меҳнат салоҳияти статистикасига баҳо берилганда, меҳнат ресурслари категориясини ҳисобга олиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Чунки меҳнат ресурслари категорияси ўз ичига меҳнатга лаёқатлилар, меҳнатга лаёқатли ёшдан катта ёхуд кичик бўлишига қарамай меҳнатда банд бўлганларни, шунингдек, иқтисодиётда банд бўлмаган доимий аҳоли қатламларини қамраб олади.

Таъкидлаш ўринлики, меҳнат ресурслари таркибида бўлган ишсизларни меҳнат салоҳиятининг пасайиши (йўқотилишини) ва оқибатда

ҳудуд иқтисодиётига етказилаётган зарар сифатида қараш мантиқий жиҳатдан тўғри бўлади.

Ҳудудий меҳнат ресурслари ва унинг таркибини 2.3.1-расм орқали изоҳлаш мумкин.

Ҳудудий статистика идоралари томонидан меҳнат ресурслари ва меҳнат бозори таҳлил қилинаётганда бир қанча илмий-услубий ва амалий вазифаларни амалга ошириш кўзда тутилади:

- ҳудудда мавжуд бўлган меҳнат ресурслари сони, уларнинг тармоқлар ва соҳалар бўйича таркибини аниқлаш;
- ҳудуднинг меҳнат ресурслари, иқтисодий фаол аҳолиси, меҳнатда бандлар ва ишсизларнинг таркиби, тузилмаси ва динамикасининг ҳолатини ўрганиш;
- меҳнат ресурсларидан тизимли фойдаланиш кўрсаткичлари асосида ҳудудий меҳнат ресурслари баланси ва иш вақтларини тузиш;
- ҳудуддаги меҳнатда банд бўлган аҳолининг даражаси ва тузилмасининг тавсифини ишлаб чиқиш;
- ишсизликнинг ҳолати, интенсивлиги, таркиби ва динамикасини ўрганиш;
- ҳудудий меҳнат ресурсларининг табиий ҳаракати ва қайта ҳосил бўлишининг (қайта ишлаб чиқарилиши) тавсифини бериш;




**2.3.1-расм.** ***Меҳнат ресурслари таркиби.***[1]

[1] Муаллиф ишланмаси.

- миграция ва унга таъсир кўрсатувчи омилларни аниқлаш;
- истиқболда ҳудудий меҳнат ресурсларининг ўзгаришини ҳисоблаш (пронозлаш);
- ҳудудий меҳнат бозорининг ҳолати, унинг ривожланиши, талаб ва таклифига баҳо бериш ва ҳ.к.

Ҳудудий меҳнат статистикаси учун меҳнатга доир ҳисоботларда тақдим этилган маълумотлар, ҳудудий статистика идоралари томонидан аҳолини рўйхатга олиш бўйича амалга оширилган танланма кузатувлар, ишсизликни аниқлаш бўйича ташкил этилган махсус хронометражлар статистик ахборотлар базаси бўлиб хизмат қилади. Ҳудуднинг ижтимоий-иқтисодий салоҳияти таркибини ҳосил қиладиган компонентларни кетма-кет назарий-услубий, илмий-амалий жиҳатларини очиб берамиз. Бунинг учун юқорида баёни келтирилган меҳнат ресурслари ва уларни ҳисоблаш формулаларини таҳлил этамиз.

Ҳудудий меҳнат ресурслари ва иқтисодий фаол аҳоли сони маълум бир вақт оралиғида ёки ўртача вақт оралиғида аниқланади. Меҳнат ресурсларининг ўртача қиймати, мавжуд маълумотларга кўра, ўртача арифметик ва ўртача хронологик формула орқали келтириб чиқарилади.

Меҳнат ресурсларининг ўртача қиймати мавжуд маълумотларга кўра ўртача арифметик ва ўртача хронологик формула орқали келтириб чиқарилади.

1. Агарда меҳнат ресурслари (МР) ёки иқтисодий фаол аҳоли сони бўйича статистик маълумотлар ҳисобот йилининг боши ва охири учун берилган бўлса, у ҳолда меҳнат ресурслари ўртача арифметик формула орқали ҳисобланади.

$$\widehat{M} = \frac{M_{йб} + M_{йо}}{2} \qquad (2.1)$$

Бу ерда, $\widehat{M}$ – меҳнат ресурсларининг ўртача сони; $M_{йб}$ – ҳисобот йилининг бошида мавжуд бўлган меҳнат ресурслари сони; $M_{йо}$ – ҳисобот йилининг охирида мавжуд бўлган меҳнат ресурслари сони.

2. Меҳнат ресурслари ва иқтисодий фаол аҳоли сонини янада аниқлик асосида ҳисолаб чиқариш учун бир хил вақт оралиғида, яъни чорак ёки ой бошида олинган статистик маълумотлар орқали ўртача хронологик формуладан фойдаланиб аниқланади. Ўртача хронологик формула қуйидагича изоҳланади:

$$\widehat{M} = \frac{\frac{1}{2}M_1 + \dots + \frac{1}{2}M_n}{n-1} \qquad (2.2)$$

Бу ерда: $M$ – ҳар бир тенг вақт оралиғида олинган меҳнат ресурсларининг сони; $n$ – кузатувлар сони.

3. Агарда маълумотлар ҳар-хил, яъни тенг бўлмаган вақт оралиғида олинган бўлса, у ҳолда, ўртача хронологик тортилган формуладан фойдаланилади:

$$\widehat{M} = \frac{\left(\frac{M_1+M_2}{2}\right)t_1 + \left(\frac{M_2+M_3}{2}\right)t_2 + \dots + \left(\frac{M_{n-1}+M_n}{n}\right)t_n}{\sum t_i} = \frac{\sum M_i t_i}{\sum t_i} \qquad (2.3)$$

Бунда, $M_i$ – $i$ оралиқдаги ўртача қиймат, $t_i$ – $i$ оралиқдаги иккита кузатув масофаси (ой ёки кунлар).

Ҳудудий меҳнат ресурслари тўғрисида батафсил ва тўлиқ маълумотга эга бўлиш учун статистика идоралари томонидан улар гуруҳланади. Ушбу маълумотлар эса меҳнат ресурсларининг ҳам миқдорий, ҳам сифатий характеристикасини изоҳлайди. Гуруҳларга бўлиб таҳлил қилинганда ҳудуд иқтисодиёти ва унинг тармоқларида, корхона ва ташкилотларида меҳнат қилаётган меҳнат ресурсларининг сони, ёши, жинси, малакаси, эгаллаган лавозими; ишсизлар категорияси учун ҳам таъкидланган параметрларнинг аксарияти ва яна бир қанча қўшимча маълумотларни жамлаш орқали гуруҳлаш амалга оширилади.

Бу эса ҳудуд салоҳиятини баҳолашда, ҳудуд иқтисодиётини ривожлантириш, инвестицион дастурларни ҳаётга татбиқ этиш, қўшимча иш ўринларини ташкил этиш ва умуман бой берилаётган имкониятлардан тўғри ва самарали фойдаланишда муҳим кўрсаткичлардан ҳисобланади.

Шуни қайд этиш лозимки, ҳудуднинг меҳнат салоҳияти ялпи ҳудудий маҳсулотни яратишда, ҳудудни ижтимоий-иқтисодий ривожланишини таъминлашда иқтисодий омил сифатида иштирок этади. Ҳудудларда мавжуд бўлган меҳнат салоҳиятига баҳо берилганда фақат меҳнат ресурсларининг сонини олиш етарли бўлмайди. Меҳнат ресурслари сони тенг бўлгани билан ҳудудларнинг ишлаб чиқариш ҳажми, уларнинг ривожланиши ўртасида кескин фарқлар мавжуд бўлишини кузатиш мумкин.

***Шунинг учун ҳудуднинг меҳнат салоҳияти тўғрисида фикр юритилганда, меҳнат ресурсларининг ёши, билим даражаси, малакаси, уларнинг маълумоти тўғрисидаги статистик кўрсаткичлар асосий парамертлар сифатида эътироф этилади.***

Миллий ҳисоблар тизимида барча активлар қаторида меҳнат ресурслари ҳам баҳоланади. Бугунги кунда меҳнат ресурсларини баҳолашда бир қанча усуллар қўлланилиб келинмоқда. Уларнинг ичида

Т.В.Щукина[1] меҳнат ресурсларини истеъмол қиймати асосида миқдорий баҳолаш усулини таклиф этади. Ушбу усулнинг моҳиятини келтирадиган бўлсак, меҳнат ресурсини «ишлаб чиқариш» учун кетган харажатлар (парваришлаш, таълим, такрор ишлаб чиқарилишини таъминлаш, жисмоний ва маънавий камолотга эга бўлиши ва ҳ.к. учун харажатлар) орқали баҳолашни ва бунинг учун қуйидаги формулани тақдим этади.

$$O_p = П_д * 20 + З_ф + В_т \quad (2.4)$$

Бу ерда, $O_p$ – ишчининг (меҳнат ресурси) қиймат кўринишидаги нархи (баҳоси), шартли пул бирлигида;

$П_д$ – бир йил давомида истеъмол қилинган жон бошига тўғри келадиган даромад, пул бирлигида;

20 – фаол меҳнат қилиш фаолиятига кириб келаётган ходимнинг ўртача ёш даражаси;

$З_ф$ – ҳақиқий ўртача йиллик иш ҳақи, пул бирлигида;

$В_т$ – йил давомида жон бошига тўланган нафақалар ва имтиёзлар, пул бирлигида.

***Жаҳон банки томонидан эълон қилинган ҳисоботларда «инсон капитали» ва бошқа барча миллий бойлик элементларининг (ресурслари) ишлаш муддати 25 йилни, уларнинг ҳар йиллик эскириш қиймати 4 фоизни ташкил этади.***[2]

Юқорида айтилган фикрларни умумлаштириб айтиш мумкинки, ҳудуднинг меҳнат салоҳияти – товар ва хизматларни ишлаб чиқариш учун ишчи кучи таклифи сифатида намоён бўладиган аҳолининг иқтисодий фаол қисми тушунилади. Товар ва хизматларни ишлаб чиқариш учун меҳнат ресурсларини ёллаш ва айирбошлаш жараёни ҳудудий меҳнат бозорида амалга оширилади.

Ҳудудий меҳнат бозори – бу «ишчи–иш берувчи» тизими муносабатлари амалга ошадиган ва барча жараёнлар, хусусан, ишчи кучига талаб, ишчи кучининг нархи, иш билан банд бўлишлик, иш ўринларининг яратилиши, ишлаб чиқаришнинг қисқариши, ишдан бўшатиш, корхоналарнинг ёпилиши ҳамда ишсизларнинг юзага келиши билан боғлиқ бўлган комплекс тизимдир.

[1] *Щукина Т.В.* Кадровая политика в системе государственной гражданской службы субъектов Российской Федерации: концептуальные подходы и административно-правовое регулирование: монография / Т.В. Щукина. – Воронеж: ИПЦ «Научная книга», 2001.

[2] http://www.worldbank.org

***Киши ўзганинг бахтидан бахт топса, у ҳақиқий яшаган ҳисобланади.***

**Гёте**

## 2.4. МИЛЛИЙ БОЙЛИК: АСОСИЙ КАПИТАЛГА ЙЎНАЛТИРИЛГАН ИНВЕСТИЦИЯЛАР КЎЛАМИ ТАҲЛИЛИ

Мамлакатнинг иқтисодий ривожланишини таъминлашда ҳудудларнинг ўрни, у ерда амалга оширилаётган комплекс тадбирлар, тадбиркорлик учун яратилган шароитлар ҳамда рақобатбардошликни таъминлашга хизмат қиладиган институционал тузилмаларнинг ривожланганлиги алоҳида аҳамият касб этади. Ялпи ҳудудий маҳсулотнинг йилдан-йилга ортиб бориши иқтисодиётда банд аҳоли даромадининг ошишини, фирмалар фойдасининг ва давлат бюджетига тушаётган маблағларнинг кўпайишини таъминлайди. Даромаднинг кўпайиши, ўз навбатида, товар ва хизматларга бўлган талабнинг ўсишига хизмат қилади. Ҳудудларда яратилган бойлик мамлакат иқтисодиётининг ўсишига тўғридан-тўғри боғлиқлиги тадқиқотчи олимлар томонидан эконометрик таҳлиллар орқали исботлаб берилган.

Миллий даромаднинг аҳоли табиий ўсишига нисбатан юқорироқ даражада ўзгариши жон бошига тўғри келадиган даромаднинг кўпайишини таъминлайди. Бир томондан олганда, ҳудудларда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик учун яратиб берилаётган шарт-шароитлар, давлат томонидан юритилаётган иқтисодий сиёсатнинг адолатлилик принципи асосида олиб борилиши, шунингдек, ҳудудий инвестицион дастурларнинг тўғри ва самарали татбиқ этилиши иқтисодиётда янги иш ўринларининг кўпайишига ва жамиятда ижтимоий ривожланишнинг таъминланишига хизмат қилади.

Шунинг учун ҳам ҳукуматнинг ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожланишини таъминлашга қаратаётган иқтисодий сиёсати замирида умум мамлакатнинг иқтисодий тараққиётини таъминлаш, аҳоли фаровонлигини оширишдек асосий мақсад ётади. Ҳудудларда мавжуд бўлган иқтисодий ресурслар (ҳудудий бойлик)нинг чекланганлиги туфайли ҳам ишлаб чиқариш имкониятларини оширишнинг энг самарали усули ресурслардан оптимал фойдаланиш ва юқори технологияга асосланган қўшимча капитал ресурсларни сафарбар этишдан иборат.

Шу ўринда мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий салоҳиятини намоён этадиган ва инвестицион муҳит жозибадорлигини юзага чиқишига хизмат қиладиган ***миллий бойлик тушунчасига*** изоҳлар бериб кетамиз.

Маълумки, миллий бойлик (МБ) муҳим иқтисодий категория ва индикатор бўлиб, ундан давлатнинг иқтисодий ривожланишини баҳолашда, шунингдек, давлатлар ўртасидаги имкониятлар солиштирилганда, истиқбол режалари тузилганда ҳамда жамиятнинг узоқ келажакдаги мақсадлари белгиланганда ҳамда инвесторлар ўз қарорларини чиқаришлари учун асосий манба сифатида фойдаланилади.

Халқаро стандарт бўйича миллий бойлик деганда – маълум бир давлат (мамлакат) ва у ерда истиқомат қилаётган аҳолига тегишли бўлган аждодлар меҳнати томонидан яратилган (миллий мулклар) ва тўпланган жами моддий ва номоддий активлар (молиявий ва номолиявий), геология-қидирув ишлари томонидан аниқланган фойдали қазилма бойликлар, табиий ресурслар, шунингдек, номоддий активлар тушунилади (2.4.1-расм).

Миллий бойлик ҳажми бирор бир давлат, унинг ҳудудлари (вилоятлар, туманлар, шаҳарлар, овуллар, посёлкалар ва б.), тармоқ ва соҳаларда юридик ва жисмоний шахсларда тўпланган жами хусусий капитал – моддий ва номоддий, молиявий ва номолиявий активлар орқали белгиланади.

Миллий бойлик (МБ) бошқа макроиқтисодий кўрсаткичлардан фарқли ўлароқ, икки қисмдан иборат бўлади: табиат инъоми (инсон томонидан ишлаб чиқарилмаган активлар) ва инсон меҳнати орқали тўпланган активларга бўлинади. Унинг таркибига иқтисодий ҳудуд ва ундан ташқарида бўлган ҳамда жисмоний ва ҳуқуқий шахсларга тегишли бўлган бойликлар, давлат ва нодавлат мулклари киритилади. Бошқача талқинда эса, барча иқтисодий активлар ёки хусусий капитални иккита йирик гуруҳга бўлиб изоҳлаш мумкин: молиявий активлар, яъни еттита муҳим турларга бўлинган (пуллар ва депозитлар; акциядан ташқари барча қимматли қоғозлар; акциялар ва акционерлик капиталининг бошқа турлари; суғурта захиралари, дебитор ва кредиторларнинг бошқа ҳисоблари; олтин валюта захиралари) ва номолиявий активлар: такрор ишлаб чиқариладиган ва такрор ишлаб чиқарилмайдиган активлар (2.4.1-расм).

МБнинг жами ҳажмини ҳисоблаб чиқариш учун, даставвал, унинг элементларини баҳолаш лозим бўлади. Статистик ҳисоботларда унинг қуйидаги шакли кенг тарқалган. Булар, баланс қиймати (харид қилиб олинган қиймати); алмаштириш қиймати (тиклаш баҳоси) – таҳлил этилаётган даврнинг охиридаги қиймати; бозор қиймати (бозордаги сотиш баҳоси).

Миллий ҳисоблар тизимида (МҲТ) келтирилган усул бўйича (2008 йилдаги БМТнинг Миллий ҳисоблар тизими методикасига кўра) барча




**2.4.1-расм.** ***МБ таркибига киритилган активлар классификацияси.***[1]

давлатлар учун статистик андоза бўлган айланма активлар ва барча захиралар «баҳолар индексига» асосан қайта тикланиш қиймати бўйича баҳоланади.

МҲТ балансининг пассив ва актив қисмида махсус «қайта баҳолаш» пункти акс эттирилган. Бунда элементларнинг қиймати давр охирида ҳисобланган баҳо сифатида намоён бўлади. Бундай баҳолашда, узлуксиз инвентаризациялаш усулидан кенг фойдаланилади ҳамда МБ ҳажми жорий ва таққослама қиймат кўринишида аниқланади.

МБ тавсифини яққол тасаввур қилиш учун қуйидаги гуруҳларга бўлиб акс эттирилган чизмани келтирамиз.

---

[1] Классификация активов, включаемых в состав национального богатства в соответствии с концепцией Системы национальных счетов. http://www.grandars.ru/student/statistika/sostav-nacionalnogo-bogatstva.html

Ишлаб чиқарилган (яратилган) активлар:

МҲТ бўйича аниқланадиган МБ кўрсаткичларига монанд равишда МБ ҳам қуйидаги тизим ости элементларидан таркиб топади:

- тўпланган мулклар, яратилган (ишлаб чиқарилган) моддий ва номоддий активлар – уларнинг қиймати, тузилиши ва таркиби, ҳолати ва ишлатилиши;
- табиий ресурслар ва бошқа ноишлаб чиқариш активларининг мавжудлиги, қиймати, захираси ва ҳолати;
- миллий бойликни акс эттирувчи бошқа барча активларнинг динамикаси.

Активлар хусусида гап кетганда, мамлакатда яратилган ва ишлаб чиқариш жараёнида фаол иштирок этаётган асосий капитал категориясини ҳам очиб бериш муҳимдир. Асосий капитал тушунчаси бизнинг истеъмолимизга ва статистик кузатувларга бозор иқтисодиётига ўтиш жараёнида кириб келди. Олдин ушбу категория «асосий фонд», «асосий восита» тарзида юритилган.

Ўқув адабиётларида асосий воситаларни ҳисоблаш ва ундан фойдаланиш асносида яратилган маҳсулотлар ҳажми, унинг самарадорлиги каби бир қатор категориялар назарий-услубий жиҳатдан очиб берилган. Булар сирасида «фонд қайтими», «фонд билан қуролланганлик», «фонд сиғими» ва бошқаларни келтириш мумкин.

Аммо бизнинг тадқиқотимизда уларнинг ҳар бирига тўхталиб, унинг мазмун-моҳиятини очиб бериш масаласи эмас, балки Миллий ҳисоблар тизими бўйича статистик ҳисоботларда ҳисоби юритилаётган ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий салоҳиятига ва инвестицион муҳитга




***2.4.2-расм. Гуруҳларга бўлиб кўрсатилган МБ.***[1]

[1] Муаллиф ишланмаси.

баҳо бериш, шунингдек, миллий бойликни аниқлашда зарур бўладиган ҳамда зарурий компонентлардан бири бўлмиш асосий капитал (асосий фонд)ни илмий жиҳатдан ўрганиш муҳимдир. Шунинг учун кейинги ўринларда «асосий капитал» тушунчасини «асосий фонд» ёки «асосий восита» ўрнида қўллаб баён этамиз.

Асосий капитал – бу миллий бойликнинг бир бўлаги бўлиб, инсонлар томонидан яратилган, товар ва хизматларни ишлаб чиқариш жараёнида буюмлашган меҳнат сифатида фойдаланилаётган, ўзининг қийматини йиллар давомида аста-секинлик билан маҳсулотнинг қийматига ўтказиб борадиган воситадир. Асосий капитал (асосий фонд) ҳажми ҳудудий статистика идоралари томонидан тақдим этилган маълумотлар асосида тўпланиб, иқтисодиёт бўйича умумий – агрегатлашган кўринишда ҳисобга олинади. Шунинг учун ҳам унинг ҳисобини юритиш ягона методика кўринишида амалга оширилади.

Асосий капитални ҳудудий жиҳатдан ўрганганда ва унинг ҳисоби юритилганда, ҳududнинг географик, иқтисодий ва ижтимоий-демографик шароитлари инобатга олинади. Ҳудудларнинг жойлашуви, табиий шарт-шароитининг турличалигига кўра, асосий капиталдан фойдаланиш самадорлиги ҳам ҳар хил бўлади. Шунинг учун ҳудудлар кесимида 1 кв.км. ҳудудда 1000 кишига тўғри келадиган фонд билан таъминланганлик даражаси ҳисобланади, аммо ушбу кўрсаткич умумреспублика иқтисодиёти учун ҳеч қандай аҳамият касб этмаслиги мумкин.

Қайд этиш лозимки, ҳудудий шарт-шароит, уларнинг табиий-географик жойлашуви, ижтимоий-иқтисодий инфраструктуранинг ривожланганлиги, урбанизация даражаси ва ижтимоий-демографик ҳолатдан келиб чиқиб, ҳудудларда яратилаётган ва айнан бир хил қувватга эга бўлган асосий фондларнинг қиймати турлича бўлиши мумкин. Ушбу омилларнинг таъсирида асосий фондлар (АФ) қийматининг ўсиши юзага келади.

АФларнинг такрор ишлаб чиқарилиши ва уларни жорий баҳоси тўғрисидаги ҳудудий маълумотларга эга бўлиш учун асосий фондлар баланси тузилади. Ушбу балансда АФнинг йил бошидаги ва йил охиридаги қиймати жадвал (2.4.1-жадвал) кўринишида акс эттирилади. Жадвалда ҳудуднинг мулкий шаклидан қатъи назар, барча тармоқ ва соҳалар, корхона ва ташкилотларда мавжуд бўлган асосий фондларнинг миқдори, уларнинг такрор ишлаб чиқарилиши билан боғлиқ бўлган статистик маълумотлар киритилади.

Балансда: АФнинг йил бошига жорий қиймати, қўшимча киритилган янги фондлар, йил давомида ишдан чиққан ва истеъмолдан чиқиб кетган

*2.4.1-жадвал*

**2018–2020 йилларда асосий капиталга киритилган инвестициялар ҳажми.[1]**

| Республика ва унинг ҳудудлари | 2018 | | | | 2019 | | | | 2020 | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | АКИ млн. сўм | ЖБИ минг. сўм | ХИК млн. сўм | ХИКУ фоизда | АКИ млн. сўм | ЖБИ минг. сўм | ХИК млн. сўм | ХИКУ фоизда | АКИ млн. сўм | ЖБИ минг. сўм | ХИК млн. сўм | ХИКУ фоизда |
| Ўзбекистон Республикаси | 124231,3 | 3769,6 | 30154,8 | 24,3 | 195927,3 | 5834,6 | 43854,0 | 22,4 | 202000,1 | 5900,9 | 86647,0 | 42,9 |
| Қорақалпоғистон Республикаси | 6757,8 | 3641,1 | 1598,7 | 23,7 | 8750,6 | 4644,4 | 2362,2 | 27,0 | 8167,4 | 4273,7 | 3759,8 | 46,0 |
| Андижон | 4711,9 | 1550,3 | 695,3 | 14,8 | 7452,1 | 2406,0 | 1434,2 | 19,2 | 8755,1 | 2772,4 | 3500,7 | 40,0 |
| Бухоро | 9610,9 | 5112,4 | 4231,0 | 44,0 | 10366,6 | 5429,3 | 2863,1 | 27,6 | 11248,7 | 5812,1 | 5563,8 | 49,5 |
| Жиззах | 3606,3 | 2693,9 | 315,3 | 8,7 | 7900,9 | 5778,9 | 2222,3 | 28,1 | 12974,2 | 9291,9 | 5919,6 | 45,6 |
| Қашқадарё | 16518,5 | 5193,4 | 8435,9 | 51,1 | 24462,5 | 7534,6 | 11043,9 | 45,1 | 19921,7 | 6032,2 | 13313,6 | 66,8 |
| Навоий | 10579,5 | 10892,1 | 3598,0 | 34,0 | 17646,3 | 17855,2 | 6287,3 | 35,6 | 16042,6 | 15954,9 | 11359,7 | 70,8 |
| Наманган | 8158,1 | 2992,5 | 2729,5 | 33,5 | 12084,9 | 4344,1 | 3629,5 | 30,0 | 11982,5 | 4220,5 | 3795,0 | 31,7 |
| Самарқанд | 7061,4 | 1878,3 | 330,7 | 4,7 | 10266,7 | 2674,9 | 1557,6 | 15,2 | 13426,0 | 3431,7 | 3950,1 | 29,4 |
| Сурхондарё | 7240,6 | 2848,3 | 1547,6 | 21,4 | 11835,1 | 4552,8 | 1351,4 | 11,4 | 9923,0 | 3737,3 | 6158,2 | 62,1 |
| Сирдарё | 2699,3 | 3280,2 | 258,4 | 9,6 | 5869,1 | 7002,9 | 736,0 | 12,5 | 7174,5 | 8404,0 | 3110,6 | 43,4 |
| Тошкент | 11226,9 | 3898,4 | 1081,6 | 9,6 | 20353,9 | 6970,0 | 1447,8 | 7,1 | 18994,4 | 6399,9 | 5841,9 | 30,8 |
| Фарғона | 5539,1 | 1516,8 | 1073,7 | 19,4 | 8685,4 | 2336,2 | 829,3 | 9,5 | 11320,0 | 2990,0 | 4479,5 | 39,6 |
| Хоразм | 3013,8 | 1655,6 | 255,8 | 8,5 | 5032,0 | 2718,4 | 1118,0 | 22,2 | 6663,2 | 3544,6 | 1801,4 | 27,0 |
| Тошкент шаҳри | 26435,7 | 10627,8 | 4003,2 | 15,1 | 42458,1 | 16710,5 | 6971,4 | 16,4 | 44778,8 | 17062,5 | 14093,0 | 31,5 |

**Изоҳ:** ***АКИ*** *– асосий капиталга киритилган жами инвестициялар;* ***ЖБИ*** *– жон бошига тўғри келадиган инвестициялар;*
***ХИК*** *– хорижий инвестициялар ва кредитлар;* ***ХИКУ*** *– хорижий инвестициялар ва кредитларнинг жамига нисбатан улуши.*

[1] Ўзбекистон Республикаси Давлат статистикаси қўмитаси маълумотлари асосида тайёрланган.

қисми чегириб ташланиб (эскириш қиймати) йил охирида мавжуд бўлган АФларнинг қиймати, шунингдек, асосий фондларнинг ўртача йиллик қиймати акс эттирилади. Ҳудудларда мавжуд бўлган АФларнинг ўртача йиллик қиймати ўртача хронологик ва ҳисобот даврида аниқланган ҳақиқий ҳажми (қиймати) бўйича ҳисобланади.

АФлар баланси қуйидаги схема бўйича акс эттирилади:

***2.4.2-жадвал***

| Мулкчиликка кўра асосий фондларнинг классификацияси | Асосий фондларнинг (АФ) йил бошидаги қиймати | Йил давомида | | | | | | АФнинг йил охиридаги қиймати |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | Фойдаланишга топширилган АФ | Капитал таъмирдан чиққан АФ | Жами фойдаланишда ва капитал таъмирдан чиққан АФ | Фойдаланишдан тўлиқ чиқиб кетган ва эскирган АФ | Бошқа турдаги фойд. чиққан АФ | Жами фойдаланишдан чиққан АФ | |
| А | 1 | 2 | 3 | 4=2+3 | 5 | 6 | 7=5+6 | 8=1+4-7 |

Ҳудудда мавжуд бўлган АФларни ўрганиш, уларни назарий-услубий жиҳатдан таҳлил қилиш, унинг реал баҳосини ҳисоблаш ҳудуднинг иқтисодий ривожланишини прогноз қилишнинг асосий омилидир.

Иқтисодий нуқтаи назардан ялпи ҳудудий маҳсулотнинг (ЯҲМ) кўпайиши иқтисодий ресурслар (ўзгарувчилар)нинг сони ва сифатига боғлиқ. Йил давомида товар ва хизматларни ишлаб чиқаришда фойдаланиладиган АФнинг ҳолати ва уларни техник ва технологик жиҳатдан модернизациялаш учун йўналтирилаётган инвестициялар ЯҲМга тўғридан-тўғри таъсир кўрсатишини ёдда сақлаган ҳолда айтиш мумкинки, йил бошида асосий капиталга киритилган инвестиция-




**2.4.3-расм.** ***2018 йилда АК киритилган инвестицияларнинг ҳудудлар кесими бўйича улуши.***




**2.4.4-расм.** ***2018 йилда яратилган ЯИМда ҳудудларнинг улуши.***



**2.4.5-расм. *2020 йилда АК киритилган инвестицияларнинг ҳудудлар кесими бўйича улуши.***



**2.4.6-расм. *2020 йилда яратилган ЯИМда ҳудудларнинг улуши.***

**Манба:** *2.4.3, 2.4.4, 2.4.5, 2.4.6-расмлар Ўзбекистон Республикаси Давлат статистикаси қўмитаси маълумотлари асосида тайёрланган.*

лар ЯҲМга ўша йилнинг ўзида таъсир кўрсатмаслиги, балки маълум бир вақт ўтгандан сўнг таъсир кўрсатиши технологик, иқтисодий жиҳатдан исботланган.

Статистик маълумотларга назар соладиган бўлсак, 2015 йилда маъмурий ҳудудлар кесимида Қорақалпоғистон Республикасига киритилган инвестициялар ҳажми Тошкент шаҳридан сўнг энг юқори кўрсаткични намоён этган (14 фоиз). 2020 йилда Тошкент шаҳри пешқадамликни сақлаб қолгани ҳолда 44778,8 млн.сўмни ташкил этган.

Бунда хорижий инвестициялар ва кредитларнинг улуши 31,4 фоизни ташкил этган. Ўз-ўзидан равшанки, жон бошига тўғри келган кредитлар ҳам ушбу ҳудудда энг юқори қийматни ҳосил қилган (17062,5 минг сўм). Буларнинг барчасини ҳудудда олиб борилаётган модернизация жараёнлари ва саноатни кенгайтириш билан боғлиқ бўлган иқтисодий сиёсат билан изоҳлаш мумкин.

Бундай ҳолат Қашқадарё вилоятига ҳам тегишлидир. Чунки таҳлил этилаётган йилларда асосий капиталга киритилган инвестициялар, жон бошига тўғри келадиган инвестициялар кўлами, хорижий инвестициялар ва кредитларнинг улуши ҳам ушбу вилоятда юқори бўлган.

Юқорида таъкидланганидек, Қорақалпоғистон Республикасида асосий капиталга киритилаётган инвестициялар бошқа ҳудудларга қараганда энг юқори кўрсаткичлардан бири бўлиб келаётган бўлса-да, ЯИМда мазкур ҳудуднинг улуши 2013 ва 2015 йилларда энг паст кўрсаткичлардан бири сифатида намоён бўлган (3 фоизни ташкил этган).




***2.4.7-расм. 2020 йилда мамлакат ҳудудларига киритилган инвестициялар (асосий капиталга) ва яратилган ЯҲМ ҳажми, млрд.сўмда.***

Ваҳоланки, 2015 йилда Қорақалпоғистон Республикасида асосий капиталга йўналтирилган инвестициялар ҳажми ЯҲМнинг 132 фоизини ташкил этган.

Олимларнинг фикрига кўра, бошқа омиллар ўзгармас бўлган шароитда қайси бир минтақада асосий капиталга киритилган инвестициялар юқори бўлса, ўша минтақада ишлаб чиқариш ҳажми ҳам юқори бўлади.[1] Аммо иқтисодиётда шундай ҳолатлар ҳам кузатиладики, ҳаддан ташқари капитал захирасининг кўплиги, капитал омилининг унумдорлигини пасайтириб, пировард маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмига салбий таъсир ҳам кўрсатади. Чунончи, капитал захирасининг кўпайиши билан бирга меҳнат ресурсларининг ҳам сифат кўрсаткичи параллел равишда юқори бўлиб бориши зарурий шартлардан ҳисобланади.

Буни Тошкент шаҳри мисолида кузатиш мумкин: 2020 йилда ва ундан олдинги йилларда ҳам ҳудудда асосий капиталга йўналтирилган инвестициялар ҳажми ЯҲМнинг 50 фоизи атрофида бўлгани ҳолда, меҳнат унумдорлигининг юқорилиги боис, ҳудудда яратилган миллий бойлик ЯИМнинг 19 фоизини (энг юқори кўрсаткич) ташкил этган (2.4.7-расм).

[1] *Абель Э., Бернанке Б.* Макроэкономика. 5-е изд. – СПб.: «Питер», 2010. 175 с.

Мавжуд статистик маълумотлар орқали қолган ҳудудларни таҳлил қиладиган бўлсак, 2015 йилда асосий капиталга киритилган инвестициялар ҳажми ЯҲМга нисбатан Қашқадарё вилоятида – 43, Бухоро вилоятида – 40 ва Сирдарё вилоятида – 31 фоизни ташкил этган. Ушбу вилоятларнинг ЯИМдаги улуши мос равишда 9, 7, 2 фоизларни ташкил қилган. Бу эса киритилган инвестициялар билан бирга бир йил давомида яратилган миллий бойлик ўртасида унчалик ҳам юқори боғлиқлик мавжуд эмаслигидан далолат беради. Шу боис, ҳудудларни комплекс ривожлантириш чора-тадбирлари ишлаб чиқилаётганда барча омиллар ҳисобга олиниши ва аниқ регрессион моделлар асосида оқилона иқтисодий қарорлар қабул қилиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади. *Ушбу фикрлар монографиянинг кейинги параграфларида атрофлича талқинда баён этилади.*

Мамлакат иқтисодиётини технологик жиҳатдан янгилаш ижтимоий меҳнат унумдорлигини ошириш, ялпи ички маҳсулотнинг энергия, материал сиғимкорлигини қисқартириш, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар сифатини тубдан ошириш ва иқтисодиётни инновацион ривожлантиришга ўтказишнинг моддий асосларини яратиш имконини беради.

***Жаҳон амалиёти кўрсатишича, жамғариш нормаси билан иқтисодий ўсиш суръатлари ўртасида кучли корреляцион боғланиш мавжуд. Умумий тарзда уларни қуйидагича ифодалаш мумкин. Бошқа шароитлар ўзгармаган шароитда мамлакатда жамғариш нормаси қанчалик юқори бўлса, иқтисодий ўсиш суръатлари ҳам шунчалик юқори бўлади. Ривожланган мамлакатларда аҳоли жон бошига тўғри келувчи ЯИМ ишлаб чиқариш барқарор ўсишининг 2 фоизга ошиши, ЯИМдаги жамғармалар улушининг бир фоизга кўпайишига олиб келади. ХВФ (Халқаро валюта фонди) мутахассисларининг тадқиқотларига кўра, ушбу нисбат ривожланаётган мамлакатларда 0,5 фоизни ташкил этади.***[1]

Шуни таъкидлаш лозимки, жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози давом этаётган, жаҳон ва минтақавий инвестиция бозорларида рақобат кучайиб бораётган бир шароитда мамлакатда яна ҳам қулайроқ инвестиция муҳитини яратиш, ишлаб чиқаришларни модернизация қилиш, техник ва технологик янгилаш бўйича лойиҳаларни амалга ошириш учун хорижий инвестициялар жалб этилишини рағбатлантириш, шунингдек,

[1] «Миллий иқтисодиётга инвестицияларни жалб этишни фаоллаштириш» мавзусидаги республика илмий-амалий конференцияси маъруза тезислари тўплами. – Т.: ТМИ, 2013, 6-б.

хорижий инвесторлар билан ишлашдаги мавжуд бюрократик ғовлар ва тўсиқларни бартараф этиш, хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар фаолиятига давлат ва назорат идоралари томонидан ноқонуний аралашувларга йўл қўймаслик борасида қўшимча чора-тадбирларни ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқдир.

Шуларни ҳисобга олиб, юқори технологияли ишлаб чиқаришларни ривожлантиришга тўғридан-тўғри қўйилмалар киритаётган хорижий инвесторлар учун максимал даражада қулай инвестиция муҳитини яратиш, республика ҳудудларига хорижий сармоялар ва замонавий технологиялар жалб этилиши рағбатлантирилишини кучайтириш, хорижий инвесторлар ҳамда хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар учун кафолатлар ва имтиёзлар тизимини янада мустаҳкамлаш мақсадида қонун ҳужжатларига бир қатор ўзгартиш ва қўшимчалар киритилдики, бу, ўз навбатида, мамлакатимизнинг инвестицион жозибадорлигини оширишга хизмат қилмоқда. Буларга:

1. Хорижий инвесторнинг пул шаклидаги улуши 5 миллион АҚШ долларидан кам бўлмаган янгидан ташкил этилаётган хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар давлат рўйхатидан ўтган санадан бошлаб 10 йил мобайнида солиқ қонунчилигида ўзгаришлар юз берган ҳолларда, юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи, қўшилган қиймат солиғи (товарлар, ишлар, хизматларни реализация қилиш айланмаси), мол-мулк солиғи, ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғи, ягона ижтимоий тўлов, ягона солиқ тўлови, шунингдек, Республика йўл жамғармасига ҳамда Таълим ва тиббиёт муассасаларини реконструкция қилиш, мукаммал таъмирлаш ва жиҳозлаш жамғармасига мажбурий ажратмалар тўлашнинг мазкур корхоналар давлат рўйхатидан ўтиш санасида амал қилган меъёрлари ва қоидаларини қўллашга ҳақли эканлиги белгилаб қўйилди.

2. Шундай тартиб ўрнатилдики, қиймати 50 миллион АҚШ долларидан ошадиган ва хорижий инвесторнинг улуши камида 50 фоиз бўлган инвестиция лойиҳалари доирасида, ишлаб чиқариш майдонидан ташқаридаги зарур ташқи муҳандислик-коммуникация тармоқларини қуриш бюджет маблағлари ҳамда бошқа ички молиялаштириш манбалари ҳисобидан амалга оширилиши белгиланди.[1]

[1] Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони. Тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар жалб этилишини рағбатлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида. Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари тўплами, 2012 й., 15-сон, 167-модда; 2013 й., 12-сон, 150-модда.

## ИККИНЧИ БОБ БЎЙИЧА ХУЛОСА

**1.** Юқорида билдирилган таҳлил ва мулоҳазаларни умумлаштирган ҳолда таъкидлаш лозимки, модернизация қилиш жараёнлари кучаётган бир шароитда давлатнинг ўрта ва узоқ муддатли оралиқдаги инвестицион стратегияси қуйидаги вазифаларни ҳал этишга қаратилиши мақсадга мувофиқ ҳисобланади:

- миллий иқтисодиётнинг юқори суръатдаги рақобатдошлигини таъминлашга қаратилган таркибий ўзгаришларни изчил амалга ошириш;
- ҳудудий бойликни оширишда капитал ресурсидан унумли ҳамда омилларнинг чекли камайиб бориш қонунидан келиб чиқиб, иқтисодий ресурслардан самарали фойдаланиш ва мақбул пропорцияда фойдаланиш бўйича моделларни ишлаб чиқиш;
- ҳудудларнинг бир маромда барқарор ривожланишини таъминлаш ва уларнинг бир текисда катта тафовутларсиз тараққий этишига хизмат қиладиган комплекс дастурларни ишлаб чиқиш ва уларни ҳаётга татбиқ этиш чораларини кўриш;
- иқтисодиётнинг импорт ва экспорт салоҳиятини оширишга хизмат қиладиган, шунингдек, юқори қўшимча қиймат яратадиган етакчи устувор тармоқларни қўллаб-қувватлаш;
- минтақавий инфраструктура соҳасини ривожлантиришга қаратилган устувор инвестицион лойиҳаларни қўллаб-қувватлаш;
- маҳаллий ва чет эл инвесторларининг инновацион-инвестицион фаоллигини ошириш мақсадида инвестицион муҳит жозибадорлигини таъминлаш;
- юқори технологияларга асосланган ва юқори қўшимча қиймат яратадиган қўшма лойиҳаларни ташкил этишга хизмат қиладиган қулай бизнес-муҳитини яратиш.

**2.** Бизнинг фикримизча, иқтисодий потенциал иқтисодий категория сифатида иқтисодий тизимнинг ҳолати ва имкониятларини аниқлайди ва юқори иқтисодий потенциални юзага келишини таъминлаш учун хизмат қилади. Бунда муҳими – фақат товар ва хизматларни ишлаб чиқариш эмас, балки уларнинг сифати, корхоналарнинг рақобатбардошлиги ва иқтисодий тизимнинг келажакда самарали фаолият юритишини ҳам эътиборга олиш зарур.

Шуни қайд этиш жоизки, ҳудудларнинг маъмурий-иқтисодий бошқаруви сиёсатини юритишда иқтисодий потенциалга оқибат сифатида қаралади ва ундан самарали фойдаланиш билан ҳудуднинг келажакда-

ги мавқеи аниқланади. Шунинг учун ҳам ҳудудларни бошқаришда, инвестицион муҳит жозибадорлигини оширишда иқтисодий потенциални тўғри баҳолаш ва ундан дастак сифатида иқтисодий сиёсатни тўғри олиб бориш муҳимдир.

Ушбу ички имкониятларнинг мавжудлигидан келиб чиқиб, давлат томонидан ҳудудларни комплекс ривожлантириш ва у ерда истиқомат қилаётган аҳолининг фаровонлигини таъминлашга қаратилган ижтимоий-иқтисодий дастурлар амалга ошириб келинади.

**3.** Иқтисодиётда шундай ҳолатлар ҳам кузатиладики, ҳаддан ташқари капитал захирасининг кўплиги капитал омилининг унумдорлигини пасайтириб, пировард маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмига салбий таъсир ҳам кўрсатади. Шу туфайли, капитал захирасининг кўпайиши билан бирга меҳнат ресурсларининг ҳам сифат кўрсаткичи параллел равишда юқори бўлиб бориши зарурий шартлардан ҳисобланади.

Буни Тошкент шаҳри мисолида кузатиш мумкин: 2015 йилда ва ундан олдинги йилларда ҳам ҳудудда асосий капиталга йўналтирилган инвестициялар ҳажми ЯҲМнинг 25 фоизи атрофида бўлгани ҳолда, меҳнат унумдорлигининг юқорилиги боис, ҳудудда яратилган миллий бойлик ЯИМнинг 19 фоизни (энг юқори кўрсаткич) ташкил этган.

2015 йилда асосий капиталга киритилган инвестициялар ҳажми ЯҲМга нисбатан Қашқадарё вилоятида – 43, Бухоро вилоятида – 40 ва Сирдарё вилоятида – 31 фоизни ташкил этган. Ушбу вилоятларнинг ЯИМдаги улуши мос равишда 9, 7, 2 фоизларни ташкил қилган.

Бу эса киритилган инвестициялар билан бирга бир йил давомида яратилган миллий бойлик ўртасида унчалик ҳам юқори боғлиқлик мавжуд эмаслигидан далолат беради. Шу боис, ҳудудларни комплекс ривожлантириш чора-тадбирлари ишлаб чиқилаётганда барча омиллар ҳисобга олиниши ва аниқ регрессион моделлар асосида оқилона иқтисодий қарорлар қабул қилиниши мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

***Олийжаноб одамнинг излагани – ўзи, пасткашнинг қидиргани эса ўзгалар.***

**Конфуций**

# *3 - Б О Б.*

# ИНВЕСТИЦИОН МУҲИТНИНГ ШАКЛЛАНИШИ: ҲУДУДЛАР САЛОҲИЯТИНИ БАҲОЛАШНИНГ ИЛМИЙ-УСЛУБИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ

## 3.1. ИНВЕСТИЦИОН МУҲИТ ЖОЗИБАДОРЛИГИНИ АНИҚЛАШДА ИЖТИМОИЙ-ИҚТИСОДИЙ ВА ИННОВАЦИОН САЛОҲИЯТНИ БАҲОЛАШНИНГ ИҚТИСОДИЙ-МАТЕМАТИК УСУЛЛАРИ

Глобаллашув жараёнининг чуқурлашуви мамлакат иқтисодиётининг ривожланиши, унинг ҳудудларида ишлаб чиқарилаётган товар ва хизматларнинг рақобатбардошлигини оширишга етарлича таъсир кўрсатади. Шуни эътироф этиш лозимки, ушбу жараён умумиқтисодиётга ижобий таъсир кўрсатиши билан бир қаторда, ўзининг салбий таъсирини ҳам намоён этади. Мазкур ҳолатнинг мавжудлиги бир-бирига боғлиқ бўлган барча параметрларни миқдорий жиҳатдан баҳолашни, салбий таъсир кўрсатадиган омилларни эса юмшатишни, уларни меъёр даражасида фаолият юритишини таъминлашни талаб этади.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ўзгаришларнинг таҳлили шуни кўрсатадики, қўлга киритилаётган ютуқ ва муваффақиятларнинг асосида иқтисодиётни модернизациялаш жараёнининг ўрни аҳамиятлидир. Шунга кўра, республика ҳудудларининг ижтимоий-иқтисодий ривожланишини бошқаришнинг самарали тизимини яратиш, ҳудудларнинг салоҳиятини баҳолашнинг назарий ва методологик асосларини тадқиқ этиш муҳимлик касб этмоқда.

Булар тўғрисидаги илк фикрлар, мантиқий мулоҳазалар монографиянинг 1- ва 2-бобларида, қисман бўлса-да, тилга олинган эди. Ушбу параграфда эса уларга батафсил тўхталинади.

Ҳудудларнинг ривожланиш тараққиёти тенденциясига разм соладиган бўлсак, ҳудудлар ўртасидаги табиий-демографик, маъмурий-иқтисодий тафовутлар юқорилигича қолаётгани ҳамда ўзини-ўзи ресурслар билан таъминлай олмайдиган туманларнинг мавжудлиги, уларнинг аксари-

яти бозор муносабатларига мослаша олмаётганини илмий асосда очиб бериш ва тадкиқ қилиш илмий-амалий изланишлар учун объект бўлиб қолмокда.

Зеро, модернизация – анъанавий жамиятнинг илғор, индустриал жиҳатдан тараққий этган жамиятга айланишини таъминловчи ижтимоий-тарихий жараён эканини ҳисобга олиб, ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий салоҳиятини баҳолаш методологиясини ислоҳ этиш ва ҳудудларни ривожлантиришни самарали бошқаришни такомиллаштириш билан боғлиқ назарий-методологик тавсияларни ишлаб чиқиш бугунги куннинг муҳим ва долзарб масалаларидан ҳисобланади.

*3.1.1-жадвал*

**Мамлакат ҳудудларининг ижтимоий-иқтисодий ҳолатини услубий баҳолашга қаратилган тадқиқотлар.**[1]

| Услуб | |
|---|---|
| **Genuine saving (Жаҳон банки томонидан аниқланадиган «Ҳақиқий жамғармалар»)** | ҲGS (Genuine saving) = (GDS-CFC)+EDE-DRNR-DME, бу ерда: CDS – ялпи ички жамғармалар, CFC – ишлаб чиқариш активлари қийматининг пасайиши (эскириши ҳисобига), EDE – таълимга ажратилган харажатлар, DRNR – табиий ресурсларнинг йўқ бўлиши, DME – атроф-муҳитнинг ёмонлашуви ҳисобига кўриладиган зарарлар. |
| **Кўрсаткичлар-индикатори тизими Бирлашган Миллатлар Ташкилоти (БМТ)нинг Барқарор ривожланиш комиссияси томонидан ишлаб чиқилган.** | 4 та соҳа бўйича жами 60 та индикатор: ижтимоий, иқтисодий, экологик, институционал. |
| **С.А.Зарубин томонидан таклиф этилган ҳудуднинг ижтимоий-иқтисодий тизими барқарорлигини англатувчи интеграл кўрсаткичлар.** | 3 та соҳа бўйича кўрсаткичлар: иқтисодий, ижтимоий, экологик. |
| **О.В.Скотаренко томонидан таклиф этилган Ҳудудни ижтимоий-иқтисодий ривожланишини комплекс баҳолаш услуби.** | 11 та кўрсаткич: ЯҲМ, жон бошига тўғри келадиган асосий капиталга йўналтирилган инвестициялар ҳажми, жон бошига тўғри келадиган ташқи савдо айланмаси ҳажми, хусусий корхоналарда банд бўлган ўртача ишчилар сони ва б. |
| **Ижтимоий-иқтисодий потенциални баҳолаш услуби, И.В.Тараненко томонидан таклиф этилган.** | Бешта соҳа: реал сектор, инвестиция ва ташқи иқтисодий фаолият, корхоналарнинг молиявий фаолият натижалари, ижтимоий сектор, истеъмол бозори. |
| **А.Н.Сыров томонидан таклиф этилган Ҳудуднинг ижтимоий-иқтисодий потенциали.** | Олти соҳа: меҳнат, ишлаб чиқариш, табиий, молия, транспорт, инфраструктура. |

[1] *Мустафакулов Ш.И.* Ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ва инновацион салоҳиятига баҳо беришнинг мавжуд услублари таҳлили. «Молия ва банк иши» электрон илмий журнали. 2016 йил апрель, 3-сон, 5-16-б.

Тадқиқотларни амалга ошириш давомида шунга гувоҳ бўлдикки, юқорида таъкидланган масалани ҳал этишга қаратилган бир қанча услубий ишланмалар, хусусан, ҳудуднинг барқарор ривожланиш даражаси ва ҳудуднинг ижтимоий-иқтисодий ҳолатини баҳолашга қаратилган изланишлар иқтисодчи олимлар, хорижий илмий-тадқиқот институтлари, халқаро молиявий-иқтисодий ташкилотлар томонидан амалиётга татбиқ этилиб, такомиллаштирилиб келинмоқда (3.1.1-жадвал).

Мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишини барқарорлаштириш муаммосига қаратилган услубий таҳлилларни солиштириш, уларни ҳар томонлама тадқиқ этиш орқали жузъий қарашларни келтириш мумкин.

**Биринчи усул**, мамлакат/ҳудуд барқарорлигига баҳо беришнинг ягона кўрсаткичга асосланиши. Бунга «Genuine saving» («Ҳақиқий жамғарма» кўрсаткичи) услубини келтириш мумкин. Унинг мақсади ривожланиш учун муҳим бўлган жами активларнинг соф ўзгариши қийматини: ишлаб чиқариш активлари, табиий ресурслар, атроф-муҳитнинг ҳолати, инсон капиталини инобатга олишдан иборат.

Якуний кўрсаткични ҳисоблаш (GS) иккита босқичда амалга оширилади: биринчи босқичда соф ички жамғармалар қиймати аниқланади (NDS), иккинчи босқичда соф ички жамғармаларнинг таълимга йўналтирилган харажатлар ҳисобига кўпайиши ва табиий ресурсларнинг йўқолиши атроф-муҳитнинг ёмонлашуви ҳисобига пасайиши намоён бўлади.

Ушбу услубнинг афзаллиги шундаки, у бир хил қийматга эга бўлган ижобий ёки салбий натижаларнинг ҳисобланишига олиб келади. Салбий натижаларнинг доимийлиги ҳудудни нобарқарор ривожланиш йўлидан бораётганини англатади. Бироқ, «Genuine saving» услубини бошқа услублар билан солиштирганда, унинг айрим заиф жиҳатлари ҳам кўзга ташланади. Яъни, ушбу услуб кенг кўламда мамлакат фаровонлиги нуқтаи назаридан келиб чиқиб, ҳудуднинг барқарор ривожланишини баҳолашга ожизлик қилади.

**Иккинчи усул**, 1996 йилда БМТнинг (UN CSD The United Nations Commission on Sustainable Development) Барқарор ривожланиш комиссияси томонидан тавсия этилган бўлиб, унда барча барқарор ривожланиш индикаторлари тизими тўртта: ижтимоий, иқтисодий, экологик ва институционал соҳаларни қамраб олади. Дастлабки ишланмаларда юқоридаги тўртта қамровни инобатга олган жами 134 та индикатор орқали ҳисобланган бўлса, кейинчалик улар такомиллаштирилиб 60 тага қисқартирилди ва мавзулар кесимида турли хилдаги тавсифлар ҳам киритилиб, уларнинг ишончлилиги янада орттирилди.

Мамлакат/ҳудудларни барқарор ижтимоий-иқтисодий ривожланишини акс эттирувчи юқорида зикр этилган услублар самарали бўлиб, қайсидир маънода универсал ҳам ҳисобланади. Бироқ Ўзбекистон ҳудудларининг шарт-шароти, ривожланишининг турличалигини инобатга олиб, уни айнан мавжуд ҳолича татбиқ этиш номақбул ҳисобланади. Шунинг учун ушбу услубларни мамлакатимизнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш моделига мослаштириш, мамлакатимизнинг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиқиб, татбиқ этиш мақсадга мувофиқдир.

Бугунги кунда ҳудудлар потенциали (салоҳияти)ни баҳолашда фойдаланилган интеграл кўрсаткичлар услубини иккита йирик гуруҳга бўлиш мумкин. Булар сирасида ўртача арифметик ва ҳосилавий миқдорлар орқали ҳисоблаш усулларини келтириш жоиздир.

Бунинг учун бир қанча босқичдан иборат бўлган қуйидаги интеграл кўрсаткичлардан фойдаланиш тавсия этилади.

**Биринчи босқич** – танланган кўрсаткичларни асослаш.

**Иккинчи босқич** – ҳар бир кўрсаткич бўйича ҳудуднинг барқарорлигига баҳо бериш (3.1, 3.2).

$$k_i = \frac{x_i}{\max(x_i)} \text{ – тўғридан-тўғри кўрсаткич,} \tag{3.1}$$

$$\overline{k_i} = \frac{\min(x_i)}{x_i} \text{ – тескари кўрсаткич,} \tag{3.2}$$

Бу ерда, $x_i$ – $i$ ҳудуддаги кўрсаткичлар миқдори; $\max(x_i)$, $\min(x_i)$ – намуна-кўрсаткич (бенчмаркинг), яъни ҳудуд ривожланишининг оптимал (критик) қийматини акс эттирувчи кўрсаткичлар танлаб олинади.

**Учинчи босқич** – кўп қиррали таққослама таҳлил орқали иқтисодий, ижтимоий ва экологик ($I_{\text{икт.}}$, $I_{\text{ижт.}}$, $I_{\text{экол.}}$) барқарорликни ҳисоблаш.

**Тўтинчи босқич** – интеграл кўрсаткични шакллантириш.

Барқарорликнинг интеграл кўрсаткичи қуйидаги формула орқали ҳисобланади:

$$I_{\text{уст.}} = \sqrt[3]{(I_{\text{икт.}} * I_{\text{ижт.}} * I_{\text{экол.}}} \tag{3.3}$$

Интеграл кўрсаткичнинг миқдори 0 дан 1 гача бўлган оралиқда бўлади.

**Бешинчи босқич** – энг юқори (молиявий ва интеллектуал ресурслар билан таъминланган ҳудудлар: ривожланиш салоҳиятига, диверсификация қилинган ва мақбул экологик муҳитга эга бўлган) ва энг қуйи барқарорликка эга бўлган натижаларни талқин этишдан иборат.

Мазкур соҳага тегишли бўлган илмий манбалар таҳлил этиларкан, биринчи гуруҳ, яъни ўртача арифметик усуллар орқали ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий потенциалини баҳолашда қатор олимлар томонидан амалга оширилган илмий тадқиқотларни қайд этиш мумкин. Улар томонидан таклиф этилган ҳисоб-китоблар учта босқичда амалга оширилган:[1]

1. Ҳудуд потенциали даражасини комплекс баҳолашнинг базавий кўрсаткичлари миқдори. Ушбу индикаторлар гуруҳига ЯҲМ, жон бошига тўғри келадиган асосий капиталга йўналтирилган инвестициялар ҳажми, хусусий корхоналарда банд бўлган ўртача ишчи кучи сонининг улуши ва бошқалар (жами 11 та кўрсаткич);

2. Ижтимоий инфраструктура тармоқларининг ривожланиш салоҳияти кўрсаткичи: ижтимоий тармоқлар ривожланишининг йиғма кўрсаткичи, жон бошига қазиб чиқарилган фойдали қазилмалар; жон бошига тўғри келадиган қайта ишлаб чиқариш; жон бошига тўғри келадиган фойдаланишга топширилган уй-жойлар, жон бошига тўғри келадиган атроф-муҳитга чиқарилган ифлосланган оқава сувлар.

3. Комплекс баҳолаш кўрсаткичи миқдори.

$$БАЛЛ = \sum \frac{БАЛЛр}{n}. \tag{3.4}$$

Бу ерда: **Б** – баллик баҳолаш қиймати; ***n*** – кўрсаткичлар сони.

Ушбу услуб ҳудудларни ҳар томонлама тафсифлаш учун етарлича кўп бўлган кўрсаткичлар тўпламидан иборат бўлса-да, бир қатор кўрсаткичлар бир-бирини айнан такрорлагани учун ҳам, ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий салоҳиятини баҳолашнинг ишончлилигини пасайтиради.

Иккинчи гуруҳда тадқиқотчи И.В.Тараненко томонидан ишлаб чиқилган услубни қайд этиш мумкин.[2] Ушбу услуб доирасида ижтимоий-иқтисодий салоҳият даражаси қуйидаги бешта соҳа кўрсаткичларига асосланиб баҳоланган: реал сектор, инвестицион ва ташқи иқтисодий фаолият, корхонанинг молиявий натижалари, ижтимоий сектор, истеъмол бозори.

Ҳудуднинг ижтимоий-иқтисодий салоҳиятини баҳолашнинг математик инструменти қуйидаги таққослама кўрсаткичлар орқали ифодаланган (3.5) ва (3.6):

---

[1] *Скотаренко О.В.* Новые методы оценки уровня социально-экономического развития. / О.В. Скотаренко // Вестник МГТУ. 2012. № 1. С. 220-229.

[2] *Тараненко И.В.* Оценка социально-экономического потенциала регионов / И.В. Тараненко // Днепропетровский университет экономики и права.

$$qi = \frac{Pri}{Psti}, \tag{3.5}$$

$$\overline{qi} = \frac{Psti}{Pri}, \tag{3.6}$$

бу ерда *Pri* – ижтимоий-иқтисодий салоҳиятнинг *i*-кўрсаткичи миқдори (ҳудуд учун);

*Psti* – ижтимоий-иқтисодий салоҳиятнинг *i*-кўрсаткичи миқдори (ўртача умуммамлакат учун).

Бунда, агар ҳисобланган кўрсаткичнинг ортиши ҳудуд ривожланиши потенциалининг ижобий ўзгаришига олиб келса, 3.5 формуладан, аксинча бўлса, 3.6-ифодадан фойдаланилади.

Ҳуднинг якуний ижтимоий-иқтисодий потенциали рейтингини ҳисоблашда қуйидаги ифодадан фойдаланиш келтирилади:

$$Rr = \prod_{i=1}^{n} qi \,, \tag{3.7}$$

бу ерда *Rr* – ҳудуд ижтимоий-иқтисодий потенциали ривожланишининг якуний баҳоси (рейтинг баҳоси);

*n* – ижтимоий-иқтисодий кўрсаткичларнинг таққослама миқдори.

Изоҳи келтирилаётган мазкур услубий аппаратнинг устун томони шундаки, у орқали ҳар бир ҳуднинг ялпи миллий потенциалга қўшаётган ҳиссасини аниқлаш мумкиндир.

Ҳудудларнинг иқтисодий потенциалини баҳолаш методикаси бўйича олиб борилган тадқиқотлар, яъни учинчи гуруҳда А.Н.Сыров[1] томонидан амалга оширилган изланишларни қайд этиш ўринлидир. Ушбу гуруҳга мансуб бўлган тадқиқотларда эътибор асосан ҳуднинг мавжуд салоҳиятини акс эттирувчи ресурслар қиймати ва улардан фойдаланиш даражасини баҳолашга қаратилади. Баҳолаш кўрсаткичи интеграл формула орқали изоҳланади:

$$F(\varphi(T))j = \sqrt[m]{\prod_{i=1}^{m} \varphi\,(T)tj} \tag{3.8}$$

бу ерда, $F(\varphi(T))j$ – $j$ ҳудуд потенциалининг интеграл қийматини аниқлаш функцияси;

*m* – ҳудуд потенциалини тавсифловчи ресурслар ҳажми;

$\varphi(T)$ – $j$ ҳудуд учун $t$ ресурс салоҳияти қиймати.

[1] *Сыров А.Н.* Оценка экономического потенциала территории. Региональная экономика / А.Н.Сыров // Вестник Волгоградского государственного университета. 2008. №2 (13). С. 98-102.

Ҳудуднинг алоҳида ресурс салоҳияти қиймати эса, қуйидаги услубий формула доирасида ҳисобланади (3.9):

$$\varphi(T)tj = \frac{1}{a}\sum_{i=1}^{a} Tij, \tag{3.9}$$

бу ерда, $a$ – ресурс қийматини ҳисоблашда фойдаланиладиган кўрсаткичлар миқдори;

$Tij$ – $j$ ҳудуд салоҳиятининг $i$ индикатори.

Энди мамлакат **ҳудудларининг инвестицион салоҳиятини аниқлаш** бўйича мулоҳазалар билан ўртоқлашамиз.

Бугунги кунда ҳудуд салоҳиятига аҳолининг сони билан бир қаторда, унинг даромадлари, жамғармалари ва орттирган мулкларининг баҳоси ҳамда аҳолининг интеллектул салоҳияти орқали баҳо берилади. Айнан аҳолининг интеллектуал салоҳияти, сони, ёш даражаси, унинг даромадлари ҳамда ҳудудда мавжуд бўлган ишлаб чиқариш ресурсларининг миқдори аниқланган ҳолда ишлаб чиқариш кучлари жойлаштирилади ва ҳудуднинг инвестицион дастури ишлаб чиқилади.

Глобал рақобат ривожланишининг замонавий шароитларида ижро ҳокимиятининг устувор йўналишлари ва ҳаракатлари иқтисодиётни жадал ва барқарор ривожлантиришнинг инновацион ривожланишга, илмий салоҳиятнинг мавжуд соҳалардаги инновацион фаолиятни фаоллаштиришга қаратилган бўлиши лозим.

Инновацион ривожланишнинг манбасини тадқиқ қилиш ҳудуднинг шаклланиб бўлган инновацион салоҳиятини анализ ва синтез қилишни талаб қилувчи комплекс муаммо ҳисобланади, бу эса, ўз навбатида, ушбу ривожланишнинг имкониятларини акс эттиради. Ўз ўрнида, инновацион салоҳиятни баҳолаш борган сари муҳимлик касб этиб боради.

Инновацион салоҳиятни ўлчашнинг машҳур ва кенг тарқалган услубларидан бири Халқаро иқтисодий форумнинг (ХИФ) глобал рақобатбардошлик ҳисоботлар учун ҳисобланадиган «Глобал рақобатбардошлик индексининг инновацион салоҳият субиндекси» (GCI) ҳисобланади. Глобал рақобатбардошлик индекси («Growth Competitive Index» – «GCI») – иқтисодиёт ривожланишининг жорий даражасини акс эттиргани ҳолда, қисқа муддатли ривожланишда миллий иқтисодиётнинг барқарор иқтисодий ўсишга эришиш қобилиятини аниқлашга қаратилган. «GCI» мамлакатларнинг қисқа муддатли ҳамда узоқ муддатли ривожланишида иқтисодий ўсишга таъсир қилувчи учта категорияга асосланган: технологиялар, давлат институтлари ва макроиқтисодий иқлим.

«GCI» 90 дан зиёд ўзгарувчанларни жамлайди ва 9 та индексга асосланган бўлиб, улардан бири инновацион фаолиятдир.

Кириш маълумотларининг учдан икки кисми раҳбарлар фикри сўрови оркали келиб тушади, учдан бири эса чоп этилаётган статистик манбалардан олинади. Тўпланган маълумотлар субиндексларнинг (индекс ости индекслари) учта гуруҳида жам этилади:

- асосий эхтиёжлар субиндекси (жамоат институтлари, инфраструктура, макроиктисодиёт, соғликни саклаш, бошланғич таълим);
- самарадорликни кучайтирувчи субиндекслар (олий таълим ва техник тайёрлов, бозор механизмларини самарадорлиги, технологик тайёргарлик);
- модернизация ва инновация субиндекси (мураккаб ва новаторлик стратегиясини тадбиркорлар томонидан амалга ошириш имкониятлари).

Ракобатбардошликнинг глобал индекси ЯИМни аҳоли жон бошига тўғри келиши даражасидан келиб чикиб, барча мамлакатларнинг ривожланишини учта асосий ва иккита ўтиш даври бўйича тақсимлайди: ресурсларга таянган ривожланиш босқичи (аҳоли жон бошига ЯИМ < 2000 АҚШ доллари), самарадорликнинг ўсиш босқичи (аҳоли жон бошига 3000–9000 АҚШ доллари) ва инновацион ривожланиш босқичи (аҳоли жон бошига ЯИМ > 17000 АҚШ доллари)[1].

Субиндекслар ривожланишнинг аниқ босқичига боғлиқ бўлган ҳолда, глобал рақобатбардошликнинг йиғма индексига агрегатлаштирилади (3.1.2-жадвал).

*3.1.2-жадвал*

**Мамлакатнинг турли ривожланиш босқичларида қўлланиладиган субиндекслар.**

| Ривожланиш босқичи | Асосий (базавий) эҳтиёжлар, % | Самарадорликни кучайтирувчилар, % | Инновация ва модернизация, % |
|---|---|---|---|
| Ресурс ривожланиши босқичи | 50 | 40 | 10 |
| Самарадорликнинг ўсиши босқичи | 40 | 50 | 10 |
| Инновацион ривожланиш босқичи | 30 | 40 | 30 |

**Манба:** *The Global Competitiveness Report 2008–2009. Michael E. Porter, Harvard University, Klaus Schwab, World Economic Forum. http://www.weforum.org/pdf/GCR08/GCR08.pdf*

[1] The Global Competitiveness Report 2008–2009. http://www.weforum.org/pdf/GCR08/GCR08.pdf

Ўз навбатида, илмий-техник салоҳият субиндекси мамлакатнинг техник ривожланиш бўйича позицияси: 10000 одамга интернет фойдаланувчиларининг сони, 1 млн. аҳоли сонига патентлар сони, тадқиқ қилинаётган мамлакатнинг инновацион фаолиятига хорижий инвестицияларнинг киритган улуши, илм-фанга қилинган харажатлар, илмий кадрларнинг даражаси асосида аниқланади.

ХИФ экспертларининг услубиётига мувофиқ, қисқа ва узоқ муддатли ривожланишда барқарор иқтисодий ўсишга эришиш имконияти тенг даражада учта ўзгарувчан категорияларга боғлиқ: макроиқтисодий муҳит, давлат институтлари ва технология. Узоқ муддатли даврда илмий-техника салоҳиятисиз иқтисодиёт ўса олмайди. «Новатор» мамлакатлар (АҚШ, Япония, Корея, Канада шулар қаторида) учун инновациялар 1/2 ни ташкил этса, бошқа мамлакатлар учун 1/3 ни ташкил этади.[1]

**Мамлакат ҳудудларининг инновацион салоҳиятини баҳолаш.** Инновацион салоҳиятни баҳолаш алгоритми ҳудудий даражада учта кўринишдаги кетма-кет амалга ошириладиган босқичларда тақдим этилиши мумкин. Қуйида иқтисодчи олимларнинг[2] ҳудуднинг инновацион салоҳиятини баҳоловчи меъёрий услубларини умумлаштирган ҳолда, ўз таҳлилларимизни баён этамиз.

Ҳудудлар кесимида инновацион салоҳиятни баҳолаш алгоритми уч босқичда амалга оширилади (3.1.3-жадвал).

Шу билан бирга, кўрсатилган алгоритмни амалга ошириш бир қатор услубий муаммоларни ҳал қилишни талаб этади. Биринчи муаммо инновацион салоҳиятни ресурс ва натижадорлик тузувчиларини таснифловчи кўрсаткичлар йиғиндисини танлаш зарурияти билан боғлиқ.

Мазкур муаммони еча туриб, олимлар кўрсаткичлар жамланмаси умумлаштирувчи ва хусусий кўрсаткичлардан ташкил топган бўлиши кераклигини таъкидлайдилар. Улардан биринчиси, базавий таснифлагич сифатида юзага чиқади ва чегаравий ҳолатни аниқлашни талаб қилади,

[1] The Global Competitiveness Report 2008–2009. Michael E. Porter, Harvard University, Klaus Schwab, World Economic Forum. http://www.weforum.org/pdf/GCR08/GCR08.pdf

[2] Инновационный менежмент в России: вопросы стратегического управления и научно-технологической безопасности / Рук. авт. колл. В.Л.Макаров, А.Е.Варшавский. – М.: Наука, 2004. с.108-150; Научно-технологическая безопасность регионов: методологические подходы и результаты диагностирования / А.И.Татаркин, Д.С.Львов, А.А.Куклин, А.Л.Мызин, В.Я.Буланов, К.Б.Кожов, А.Ю.Домников. – Екатеренбург: Изд-во Урал. ун-та, 2000. с. 112-132, 329-331; Багриновский К., Бендиков М., Хрусталев Е. Экономическая безопасность наукоемкого производства: Препринт. – М.: ЦЭМИ РАН, 2000. с.36-37; Сенчагов В. Экономическая безопасность: геополитика, глобализация, самосохранение и развитие / Институт экономики РАН. – М.: ЗАО «Финстатинформ», 2002. с.76-77.

иккинчиси эса, ёрдамчи вазифани бажариб, асосан ҳудуд инновацион ривожланишида мавжуд тенденцияларни тушунтириш учун хизмат қилади.

Умумлаштирувчи кўрсаткичлар танлови қуйидагилардан келиб чиқиб амалга оширилади:

*3.1.3-жадвал*

**Ҳудуднинг инновацион салоҳиятини баҳолаш алгоритми.**

| Босқич номи | Босқич вазифалари |
|---|---|
| 1. Миқдор ва (ёки) сифат талабларини салоҳиятнинг ресурс ва натижадорлик таснифлари орқали инновацион салоҳият ҳолатининг меъёрий моделини тасвирлаш. | Ҳудуд инновацион салоҳиятини баҳолашда қўлланиладиган кўрсаткичлар рўйхати ва уларнинг чегаравий таснифларини аниқлаш. |
| 2. Инновацион салоҳиятнинг жорий ҳолатини баҳолаш (ишлаб чиқилган норматив модел асосида). | Салоҳиятнинг норматив ва фактик параметрларининг келишувчанлик таҳлили – унинг кучли ва кучсиз томонларини ажратиш. |
| 3. Ҳудуд инновацион салоҳиятини кучайтиришнинг мумкин бўлган йўналишлари таснифи (олиб борилган таҳлил натижаларини ҳисобга олган ҳолда). | Ҳудуд инновацион салоҳияти хусусиятини шакллантириш, уни зоналарга бўлиш. Инновацион ўзгартиришларни амалга ошириш йўналишларини аниқлаштириш. |

**Манба:** *Москвина О.С. Инновационный потенциал как фактор устойчивого развития региона / art30_02.php.html*

– кўрсаткичлар тизими инновацион жараёнларни комплекс равишда таснифлаган ҳолда, унинг асосий босқичларини ўз ичига олиши лозим: «фан–инновация–ишлаб чиқариш ва тарқатиш»; индикаторлар йиғиндиси эластик бўлиши лозим, яъни ҳудуднинг инновацион соҳасида юз бераётган барча ўзгаришлар акс этиши керак (ресурс ва натижадорлик таснифларини қўшган ҳолда);
– ҳудудлар кесимида инновацион салоҳиятнинг таққослама баҳолашни олиб бориш учун кўрсаткичлар сони чекланган бўлиши ҳамда ҳудудий статистика хусусиятлари ва имкониятлари билан боғланган бўлиши лозим.

Шу муносабат билан барча умумлаштирувчи кўрсаткичлар ҳудуднинг инновацион салоҳиятини тавсифловчи бешта баҳолаш блокларига гуруҳланган (3.1.4-жадвал).

*3.1.4-жадвал*

**Мамлакат ҳудудининг инновацион салоҳиятини тавсифловчи умумлаштирувчи кўрсаткичлар тизими.**

| Кўрсаткичлар гуруҳи | Кўрсаткич ва унинг шартли мазмуни | Кўрсаткичларнинг шартли белгилари | Кўрсаткичнинг чегаравий тавсифи | |
|---|---|---|---|---|
| | | | *R* | *Z* |
| Кадрлар бўйича | Саноат-ишлаб чиқариш ходимларининг умумий ҳисобида олий маълумотли ходимларнинг улуши, ш.б. | К1 | 0.25 | 0.8 |
| | Ишчи кучига сарфланаётган умумий харажатлар ҳажмида касбий таълим учун харажатлар улуши, ш.б. | К2 | 0.15 | 0.5 |
| | Олий таълим муассасаларида таҳсил олаётган талабаларнинг миқдори, ҳар 10 минг аҳоли сонига нисбатан, киши | К3 | 100 | 150 |
| Техник-технологик ташкил этувчи | Асосий ишлаб чиқариш фондларининг эскириш даражаси, % да | Т1 | 60 | 25 |
| | Асосий ишлаб чиқариш фондларининг янгиланиш коэффициенти, % да | Т2 | 4.5 | 12.0 |
| | Эксплуатация муддати 10 йилгача бўлган ускуналарнинг улуши, ш.б. | Т3 | 0.33 | 0.7 |
| Молиявий ташкил этувчи | Ялпи ҳудудий маҳсулот (ЯҲМ)да фан ва илмий тадқиқотларга қилинган харажатлар нинг улуши, %да | Ф1 | 2.5 | 5 |
| | Ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг умумий ҳажмида инновацияларга сарфланган харажатларнинг улуши, %да | Ф2 | 2.5 | 5 |
| | ЯҲМда саноатга йўналтирилган инвестицияларнинг улуши, %да | Ф3 | 2.4 | 11.8 |
| Илмий ташкил этувчи | Илмий тадқиқот олиб борувчи ходимларнинг миқдори, ҳар 10 минг аҳоли сонига нисбатан, киши | Н1 | 13 | 40 |
| | Фан кандидати ва фан докторларининг сони, ҳududдаги ҳар 10 минг аҳолига нисбатан, киши | Н2 | 0.4 | 4.0 |
| | «Фан ва илмий хизмат кўрсатиш» тармоғидаги асосий воситаларнинг умумий ҳажмида машина ва ускуналарнинг қиймати, %да | Н3 | 16 | 35 |
| Натижавий компонент | Ихтиролар учун патент идорасига берилган аризаларнинг сони, ҳар 10 минг аҳоли сонига нисбатан, %да | Р1 | 2.5 | 5 |
| | Саноат корхоналарининг инновацион фаоллик даражаси, %да | Р2 | 40 | 10 |
| | Саноат маҳсулотларининг умумий ҳажмида инновацион маҳсулотларнинг улуши, %да | Р3 | 8 | 15 |

*3.1.5-жадвал*

**Ҳудуднинг инновацион салоҳиятини баҳолашнинг норматив модели.**[1]

| Тенгсизлик тури | Инновацион салоҳият тавсифининг ҳолати |
|---|---|
| $I \leq R$ | Қониқарсиз ҳолат: кескин қайта ўзгаришларни тақозо этувчи, инновацион салоҳиятнинг заиф томони сифатида тавсифланади. |
| $R < I < Z$ | Инқироз ҳолати: инновацион ривожланиш бўйича қўйилган мақсадларга эришиш учун чекланган ўзгаришларни талаб қилади. |
| $I \geq Z$ | Қониқарли ҳолат: қўйилган инновацион мақсадларга мос бўлган, ижобий динамикани сақлаб қолишга қаратилган ўзгаришларни талаб қилади. Инновацион салоҳиятнинг кучли томони сифатида тавсифланади. |

Учинчи муаммо, инновацион салоҳиятни норматив моделини шакллантириш билан боғлиқ. Унинг ечими умумлаштирувчи кўрсаткичларни уларнинг чегаравий тавсифлари билан боғлаб берувчи тенгсизликлар тизими орқали намоён бўлади (3.1.5-жадвал).

Бу ерда, $I$ – умумлаштирувчи кўрсаткичнинг белгиси бўлиб, инновацион салоҳиятнинг ресурс ва натижавий ташкил этувчиларини тавсифлайди; $R$ – инновацион салоҳиятнинг умумлаштирувчи кўрсаткичининг чегаравий белгиси бўлиб, мумкин бўлган минимал инқироз даражаси чегарасини кўрсатувчи параметр; $Z$ – инновацион салоҳиятни умумлаштирувчи кўрсаткичнинг чегаравий белгиси бўлиб, у инқироз олди ҳолати чегарасини кўрсатувчи параметр тавсифи орқали акс этади.

Иккинчи муаммо, танлаб олинган кўрсаткичларнинг чегаравий ҳолатини аниқлаш зарурлигидан келиб чиқади.

*3.1.5-жадвал*

**Ҳудуднинг инновацион салоҳиятини баҳолашнинг норматив модели.**[1]

| Тенгсизлик тури | Умумлаштирувчи кўрсаткичнинг (i) координатаси ҳисоби |
|---|---|
| Барча кўрсаткичлар учун (фақат Т1 ва Т3 дан ташқари) | |
| $I \leq R$ | $i = R/I$, бунда координата белгиларига «–» ишораси берилади |
| $R < I < Z$ | $i = I / Z$ – координата белгисининг диапазони 0 дан 1 гача оралиқда вариацияланади |
| $I \geq Z$ | $i = Z/I$ – координата белгисининг диапазони ҳар доим 1 дан юқори бўлади |
| Т1 ва Т3 кўрсаткичлари учун* | |
| $I \geq R$ | $i = I / R$, бунда координата белгиларига "-" ишораси берилади |
| $R > I > Z$ | $i = Z / I$ – координата белгисининг диапазони 0 дан 1 гача оралиқда вариацияланади |
| $I \leq Z$ | $i = I / Z$ – координата белгисининг диапазони ҳар доим 1 дан юқори бўлади |

* «Асосий ишлаб чиқариш фондларининг эскириш даражаси» ва «Эксплуатация муддати 10 йилгача бўлган ускуналарнинг улуши».

[1] Преобразование научно-инновационной сферы в регионе: понятийный аппарат / Под ред. А.Е.Когута. – СПб.: ИСЭП РАН, 1995. с. 49.

Тўртинчи муаммо, салоҳиятнинг норматив ва фактик параметрларининг келишувчанлигини таҳлил қилиш билан боғлиқ. Бу ерда биринчи даражали белги умумлаштирувчи кўрсаткичларни баҳолаш жараёнида олинган натижаларни ўзаро солиштириш масаласини англатади. Ушбу мақсадда салоҳиятнинг алоҳида тавсифларини агрегатлаштиришга (умумлаштириш, тўплаш) имкон берувчи ва уларни график тарзда ягона график координаталарининг йиғиндиси кўринишида тасвирловчи ёндашувдан фойдаланиш мумкин ($i$). Услубий жиҳатдан мазкур ёндашувни 3.1.1-расм орқали тасвирлаш мумкин.

1. Инновацион салоҳият ҳолатининг қониқарсиз зонаси ($i < 0$). Инновацион иқтисодиётнинг шаклланишида салбий тенденцияларни акс эттириб, ҳудуд инновацион салоҳиятини ресурс ва натижавий кўрсаткичларни ўстиришга йўналтирилган чора-тадбирлар тизимини ишлаб чиқишни талаб этади.

2. Инқироз ҳолати зонаси ($0 < i \leq 1$). Ҳудуд инновацион иқтисодиётини салоҳият даражасида етарлича шакллантирилмаганидан ва бунинг учун ресурслардан фойдаланиш йўлларини яхшилаш ҳамда инновацион фаолиятнинг якуний натижаларини фаоллаштириш талаб этилади.

3. Қониқарли ҳолат зонаси ($i > 1$). Бунда инновацион жараёнлар ривожланишининг инқирозли чегарасидан четга чиқиши содир бўлади ва бунинг учун юзага келган ҳолатнинг ижобий динамикасини сақлаб туришга қаратилган чора-тадбирларнинг ишлаб чиқилиши талаб этилади. Мазкур зоналаштириш натижалари инновацион ўзгаришларни амалга ошириш бўйича йўналишларни аниқлаб олиш учун асос бўлиб хизмат қилади.

БМТнинг Барқарор ривожланиш комиссияси томонидан тақдим этилган «Genuine saving» («Ҳақиқий жамғарма» кўрсаткичи) «Кўрсаткичлар индикатори тизими» ҳудудларнинг барқарор ривожланишини баҳолашда иқтисодиётнинг юқори суръатларда глобаллашуви ва ташқи таҳдидларнинг ҳудуд иқтисодиётининг ривожланиш жараёнига таъсири негизида самарали ҳисобланса, интеграл кўрсаткичлар услуби асосида баҳолаш эса, мамлакат ичкарисида самаралидир.




3.1.4-расм.

Ҳудудларнинг инновацион ривожланиши ва унга баҳо беришда инсон капиталининг ҳолати, ҳудудда мавжуд бўлган техник-технологик ишланмалар, ихтироларнинг сони, уларнинг жон бошига тўғри келиши билан боғлиқ кўрсаткичлар таҳлилини амалга ошириш долзарб масалалардан ҳисобланади. Бу борада ривожланган мамлакатларда ҳудудларнинг ривожланганлик даражасига баҳо бериш бўйича орттирган илғор илмий-услубий тажрибаларни Ўзбекистон шароитига мослаштириш ва амалий тавсияларни ишлаб чиқиш ушбу соҳада изланиш олиб бораётган тадқиқотчиларнинг асосий вазифаларидан биридир.

Ҳудуднинг ижтимоий-иқтисодий салоҳиятига баҳо беришда ҳудудда мавжуд бўлган иқтисодий ресурслар, ҳудуднинг интеллектуал салоҳияти ва ушбу салоҳиятдан амалда нечоғлик даражада фойдаланилаётгани, ҳудуднинг ресурс салоҳиятидан техник ва технологик жиҳатдан фойдаланиш имкониятлари ва мавжуд ресурсларнинг кўламидан келиб чиқиб, турли хилдаги ҳудудий дастурларнинг ишлаб чиқилиши ва бошқа бир қанча омилларнинг инобатга олиниши мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Зеро, умум эътироф этилган ва амалиётда ўз тасдиғини топган ишланмаларни ўрганиш, уларнинг мазмун-моҳиятини англаб етиш ҳудудларни комплекс тарзда ривожланишини таъминлашга бағишланган ҳудудий дастурларни, концепцияларнинг самарали ишлаб чиқилишини таъминлайди.

---

***Садоқат ва самимиятни сақлаб қолмоқ – чўққининг қорни ушлаб қолишидек чиройлидир.***

**Конфуций**

## 3.2. ИНВЕСТИЦИОН САЛОҲИЯТНИ БАҲОЛАШНИНГ УСЛУБИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ

Ўзбекистоннинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг энг муҳим вазифаларидан бири иқтисодий ўсишни жонлантириш ва аҳолининг турмуш даражасини ошириш учун қулай шароитларни яратиш ҳисобланади. Мазкур вазифани амалга ошириш ва таъминлашнинг зарур шарти республика ҳудудларининг инвестицион салоҳиятини ошириш ва ушбу жараённи муваффақиятли олиб боришда ҳудудларнинг географик жойлашуви, табиий ресурсларнинг мавжудлиги, унинг захираси, меҳнат ресурсларининг сони, ёши ва малакаси, шунингдек, ҳудудда бир неча йиллардан бери сақланиб келинаётган ихтисослашув даражаси, инфратузилмаларнинг ҳолати каби бир қанча омилларни инобатга олиш асосий шартлардан ҳисобланади.

Мамлакат ҳудудларининг салоҳиятини тўғри аниқлашда инвестор ҳуддунинг ривожланиш стратегиясига, аҳолининг даромадига ва маҳаллий бошқарув органлари томонидан олиб борилаётган комплекс чора-тадбирларнинг нечоғли бозор муносабатларига мос келаётганига қараб қарор чиқаради.

Инвестор ва давлат бошқаруви органларининг ўзаро манфаатлари уйғунлиги ҳудуднинг инвестицион салоҳиятини баҳолаш услубиётига таъсир кўрсатади. Бу, шубҳасиз, инвестор томонидан инвестиция киритиш учун тақдим этилаётган ҳудуднинг якуний баҳосини аниқлашда ўз аксини топади. Турли услубиётларда у ёки бу якуний мақсадларга эътибор қаратилиши ҳудуднинг инвестицион жозибадорлиги бўйича турли хилдаги талқин ва турлича тушунишларни юзага чиқармоқда.

Иқтисодчилар орасида ҳудуднинг инвестицион салоҳияти мазмуни бўйича бир қанча тушунчалар, таърифлар тилга олинади. Хусусан, мазкур тушунчани қуйидаги атамалар билан ўхшаш сифатида эътироф этилиши оммалашган: *инвестицион жозибадорлик, ҳудудий рақобатбардошлик, инвестицион хатар, инвестицион иқлим, ҳудудларнинг табақалашув даражаси, инвестицион фаоллик.*

Айни дамда мутахассислар томонидан ҳудудларнинг инвестицион салоҳиятини аниқлаш бўйича кенг қўлланиладиган (ёки Ўзбекистон шароитига мос келадиган) услубиёт мавжуд эмас. Кўпгина ҳолларда Россия шароитида ишлаб чиқилган услубиётлардан фойдаланилади.

Бизнинг фикримизча, охирги йилларда мазкур мавзу бўйича тадқиқот олиб борган энг машҳур ва таниқли мутахассислар И.Гришин, А.Шахназаров, И.Ройзман каби олимлар бўлиб, уларнинг тадқиқотларида бир қанча хорижий услубиётлар (Доу-Джонс, саноат фаоллиги индекслари, корхона раҳбарларини конъюнктурага оид сўровлар тизими, Гарвард бизнес-мактаб услуби, Тейн-Уотерс, Котлер-Хейзлер, «The Economist», «Fortune», «Euromoney» журналлари ва бошқа услубиётлар) кенг қўлланилмоқда.

Юқорида таъкидланган барча услубиётларни учта йирик гуруҳга бўлиш мумкин:

- ► *Эксперт хулосаси бўйича баҳолаш (баллик);*
- ► *ранг (тартиб бўйича) жойларининг йиғиндисини эконометрик баҳолаш (кўпинча алоҳида кўрсаткичларнинг аҳамиятлилиги бўйича турли салмоқли коэффициентлар ёки салмоқли балларни қўллаган ҳолда)*;
- ► *статистик кўрсаткичларни эконометрик баҳолаш.*

Барча услубиётлар, охир-пировардида, якуний рейтингда ҳудудни тавсифловчи (рангларга ажратувчи) интеграл кўрсаткични келтириб чиқаради. Гуруҳлардаги барча усуллар ўз камчиликларига эга ва улар юқорида номлари келтирилган олимлар томонидан ҳам танқид қилинган. Уларнинг учта асосий жиҳатларини (камчиликларини) келтириш мумкин:

1) аксарият услубиётлар балл бўйича, кўпинча эксперт баҳолаш, яъни ҳисобга олинадиган ҳар бир омилни баҳолашни қўллашни афзал кўради. Бироқ амалиёт шундан далолат берадики, эксперт балли бўйича баҳолаш субъективдир ва одатда ҳудудий тавсифларнинг ҳақиқий ёйилишини текислайди ёки торайтиради (экспертлар инстинкт орқали ўртача шкала бўйича миқдорларни танлайдилар ва энг юқори ва паст кўрсаткичларни баҳолашдан бош тортадилар);

2) алоҳида кўрсаткичларни интеграл кўрсаткичга келтириш услубиётининг камчилиги – ҳосил бўлган интеграл рейтинг фақатгина бир ҳудуднинг иккинчи ҳудуддан муайян белги (ёки уларнинг йиғиндиси) бўйича илғор ёки орқада қолаётганини кўрсатади;

3) у ёки бу шкалага кўра кўрсаткичларнинг сонли миқдорлари ёрдамида амалга оширилаётган статистик баҳолашда қўлланилаётган маълумотларни «бўлиб чиқиш» интервалларнинг сони ёки балл бўйича баҳолашнинг олдиндан белгиланган кўлами чегараланганлиги боис, ҳудудлар бўйича статистик кўрсаткичларнинг табақалашув даражасини тўлиқ акс эттирмайди. Айниқса, салмоқли баллар коэффициентлари қўйилганда экспертларнинг малакаси етарли даражада эмаслиги яққол сезилади. Мазкур усул (эксперт баҳолаш усуллари билан бир қаторда) тегишли ҳақиқий, муаллифлар хоҳишига боғлиқ бўлмаган тавсифларнинг ҳақиқий ёйилишига амал қилмайди.

Шуни таъкидлаш керакки, олимларнинг фикрича, статистик ўлчаб бўлмайдиган айрим белгилар (масалан, ҳудуднинг ташқи савдога чиқишини белгилаб берадиган географик жойлашувини баҳолаш) учун эксперт балл бўйича баҳолаш заруриятидан келиб чиққан ҳолда қўлланилади.

Ҳар қандай мураккаб тизим каби ҳудуднинг инвестицион жозибадорлигини баҳолаш қуйидаги кўрсаткичлар бўйича табақаланади:

1) Макроиқтисодий кўрсаткичлар йиғиндисини (ЯИМ, миллий даромад ва саноат маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳажмлари; миллий даромадни тақсимлаш тавсифи ва динамикаси; инвестицион фаолиятни қонуний тартибга солиш ҳолати; хусусийлаштириш жараёнининг кечиши, алоҳида инвестицион бозорлар, шу жумладан, фонд ва пул бозорларининг ривожланганлиги) баҳолашда қўлланиладиган усуллар. Асосий

кўрсаткичлар сифатида ишга солинган активларнинг фойдалилик даражаси: умумий активлар суммасининг товар ва хизматлардан тушган фойдага нисбати; баланс фойданинг умумий активлар суммасига нисбати.

2) Инвестицион муҳит салоҳиятига таъсир кўрсатувчи омиллар йиғиндисини баҳолашга асосланган кўп омилли ёндашув. Мазкур ёндашувнинг ўзига хос хусусияти шундан иборатки, айни дамда ушбу омилларнинг якуний рўйхати ҳозирча тўлиқ шаклланмаган. Инвесторлар учун энг муҳим бўлган ва инвестицион муҳитнинг энг асосий унсурларига тегишли бўлган омиллар қуйидагиларга бўлинади: сиёсий, ижтимоий, иқтисодий, экологик, жиноий, молиявий, ресурс–хом ашёвий, меҳнат, ишлаб чиқариш, инновацион, инфратузилмавий, истеъмол, институционал, қонунчиликка оид ва бошқалар.




**3.2.1-расм.** ***ҲИСни ташкил этувчи элементлар.***[1]

Ҳududнинг инвестицион салоҳиятини (ҲИС) баҳолашда бетараф, яъни фақат хўжалик ёндашуви қўлланилиб, у аксарият ҳолларда субъектив тарзда баҳоланадиган сиёсий ва айрим ижтимоий омилларни ҳисобга олмайди (3.2.1-расм).

3) Хатарларни аниқлаш усули (экспертлар томонидан аниқланадиган хатарлар). Инвестицион муҳитнинг таркибий қисми сифатида иккита асосий тоифалар кўрилади: инвестицион салоҳиятнинг ҳолати ва инвестицион хатарлар ҳолати. Бу мураккаб ва миқдорий усул бўлиб, ҳам статистик, ҳам экспертлар фикрларини ҳисобга олишни назарда тутади. Мазкур усул бир қатор камчиликларга эга: инвестицион жозибадорлик ва инвестицион фаоллик ўртасидаги алоқанинг мавжуд эмаслиги; экспертлар фикрларининг субъективлиги; интеграл кўрсаткичларни келти-

[1] Муаллиф ишланмаси.

риб чиқаришда инвестицион салоҳият ва хатарларни баҳолаш услубиётининг шаффоф эмаслиги; ҳududнинг инвестицион муҳит тавсифларини акс эттиришда тизимлилик даражасининг йўқлиги;

4) Инвестицион жозибадорликни амалга ошириш усули ҳудуднинг инвестицион фаоллиги орқали ва инвестицион муҳитнинг таркибий қисми ҳисобланган инвестицион фаолиятнинг интенсивлигини аниқлаш зарурлигига асосланади. Мазкур ёндашув якуний баҳолаш натижасида юқори аниқлик ва натижаларнинг юқори даражада ишончли, ҳисоб-китобларнинг мураккаблиги билан ажралиб туради.

Инвестицион муҳитни интеграл инвестицион жозибадорлиги ва инвестицион фаолликни аниқлаш йўли билан миқдор жиҳатдан баҳолаш назарда тутилади. Ушбу усулнинг моҳияти, «субъект»нинг инвестицион фаоллиги (албатта, қандайдир вақт оралиғига риоя қилган ҳолда) орқали ўз жозибадорлигини қанчалик яхши амалга ошириши ва субъект инвестицион фаоллигининг унинг жозибадорлигини амалга ошириш натижалари билан алоқаси мавжудлигини кўрсатиб туради.

Умуман олганда, макроиқтисодий ёки кўп омилли моделлар асосида эксперт балл бўйича баҳолаш усуллари кенг қўлланилмоқда. Муаллифларнинг таъкидлашича, ҳар бир ҳудуд бўйича муаммоларнинг умумий тасаввурини акс эттирувчи мазкур таҳлил турининг фойдалилигини рад этмаган ҳолда санаб ўтилган аксарият услубиётларнинг қўлланилиши кўп меҳнат, қиммат турувчи эксперт амалларини олиб боришни талаб этади ва ўз моҳиятига кўра объектив ҳисобланган услубиётда ишончлилик мезонининг йўқлиги туфайли, олинган натижаларнинг объективлигини тасдиқламайди.

Албатта, статистик йўл билан ўлчаб бўлмайдиган бир қатор белгилар ҳам мавжуд, аммо уларнинг сони кам ва юқори аҳамият касб этмайди. Бунда ҳақиқий белгилар (уларнинг объективлик даражаси юқори бўлганлиги боис), яъни давлат статистика маълумотлари ва инвесторлар учун аҳамиятли бўлган ҳудудларнинг иқтисодий, ижтимоий, табиий-географик кўрсаткичлар бўйича миқдорий тафсилотларига асосий эътибор қаратилади.

Эконометрик услубиётлар амалда кенг қўлланилмайди, чунки улар алоҳида тармоқ ва корхонанинг жозибадорлиги (фаоллиги ёки рақобатбардошлиги)ни аниқлаш учун ишлаб чиқилган. Бироқ, уларнинг босқичма-босқич мослаштирилиши ва такомиллашиб бориши яхши натижаларни олишга имкон бермоқда. Умуман олганда, ушбу услубиётларда ўз рейтингларидаги макроиқтисодий кўрсаткичлардан фойдаланилади.

Шуни таъкидлаш керакки, мазкур услубиётлар энг муҳими: бир ҳудуд, масалан, Ўзбекистон Республикасининг бошқа давлатдан қанчалик устун туриши ёки орқада қолишини кўрсатмайди ҳамда мазкур рейтингларнинг динамикасини ўрганишни назарда тутмайди. Аслида, ҳудуд рейтинг бўйича кўтарилганда, ўз кўрсаткичларини мустақил тарзда яхшилайди, зеро, интеграл кўрсаткичлар бўйича бир неча йиллар давомидаги тренд нолга тенг ёки манфий ўсиб бориши ва рейтингдаги ўсиш ташқи омиллар (қўшни давлатлардаги кўрсаткичларнинг кескин пасайиши) ҳисобига эришилиши мумкин. Айни дамда, эксперт баҳолаш асосида натижаларни кейинчалик тўғрилаган ҳолда инвестицион жозибадорликни амалга ошириш усулларининг унсурларини қўллаб статистик маълумотларни эконометрик баҳолашга асосланган ёндашув энг қулай ва объектив ҳисобланади.

Шунингдек, бизнинг фикримизча, олинган натижаларнинг объективлик, ишончлилик, тўғрилилик даражасини ошириш учун оператив ҳисоб-китоблардан ташқари, ҳисоб-китобни динамикада, камида беш йиллик давр бўйича амалга ошириш мақсадга мувофиқдир. Бу ҳудудлар фаоллиги трендини аниқлашга имкон беради. Ушбу тренд бўйича ҳудудларнинг «олдинги» йиллардаги жозибадорлигини сақлаш ва кейинги SWOT-таҳлил учун муаммоли ҳудудларни аниқлаш имконини беради.

Қуйида келтирилган услубиёт муқобил вариантлардан энг яхши вариантни танлаб олишни назарда тутади; ҳисоб-китобларни асослаш даражаси (балл бўйича усулларга нисбатан) юқорилиги билан тавсифланади, чунки уларнинг ҳар бирида тегишли нормалаштириш меъёри (яъни дастлабки маълумотларни чексиз миқдорларга келтириш) – бизнинг мисолимизда ўрта ва максимал миқдорларни нормалаштиришни назарда тутади. Ҳосил бўладиган стандартлаштирилган дастлабки маълумотлар улар устидан лозим бўлган аниқлилик билан ҳар қандай арифметик амалларни бажаришга имкон беради.

Умуман олганда, чекловларни ўз ичига қамраб олган ҳудудларни инвестицион салоҳиятини баҳолаш услубиёти қуйидаги ҳисоб-китоб–таҳлилий операция босқичларидан таркиб топади.

*1-босқич.* Туманлар салоҳиятини миқдор жиҳатдан баҳолаш. У қуйидагиларни назарда тутади:

1. Ҳудуд инвестицион жозибадорлигининг интеграл даражасини ҳисоблаш учун дастлабки кўрсаткичларни танлаш ва уларни жадвалга солиш:

1.1. Статистик маълумотлардан ҳосил бўлган алоҳида кўрсаткичларни ҳисоблаш, масалан:

► худуднинг иқтисодий фаолият турининг иқтисодий самардорлиги:

$$Иқ_{ij} = \frac{Мс_{ij}}{И_{ij}} \quad (3.1)$$

бу ерда, $Иқ_{ij}$ – $j$ худуднинг $i$ турдаги фаолияти бўйича иқтисодий қайтим кўрсаткичи;

$Мс_{ij}$ – $j$ ҳудуднинг $i$ турдаги фаолияти бўйича молиявий натижалари (фойда/зарар);

$И_{ij}$ – ўтган йилларда і турдаги фаолият бўйича j ҳудудга асосий капиталга киритилган инвестициялар ҳажми.

$$ИЖ_{ij} = \frac{P_{ij}}{ИД_{ij}} \quad (3.2)$$

бу ерда,

$ИЖ_{ij}$ – $i$ турдаги иқтисодий фаолият бўйича инвестицион жозибадорлик даражаси;

$P_{ij}$ – $i$ турдаги иқтисодий фаолият бўйича $j$ ҳудудда товар ва хизматларни сотишнинг даромадлилиги – рентабеллик даражасининг ўсиши;

$ИД_{ij}$ – $i$ турдаги иқтисодий фаолият бўйича $j$ ҳудудда асосий капиталга киритилган инвестициялар ҳажмининг ўзгариши.

Туманларда фаолият олиб бораётган хўжалик юритувчи субъектлар томонидан йўналтирилган ички инвестицияларнинг жон бошига тўғри келиши:

$$ИИК_{жj} = \frac{\sum A_j \, CA_j}{AC_j} \quad (3.3)$$

бу ерда, $ИИК_{жj}$ – $j$ ҳудудда жон бошига тўғри келадиган ички инвестицион ресурслар коэффициенти;

$A_j$ – $j$ ҳудуддаги барча соҳа ва тармоқларнинг амортизация ажратмаси; $AC_j$ – $j$ ҳудуддаги аҳоли сони.

Ҳудуднинг автомобиль йўллари билан таъминланганлик (қамрови) даражаси (Энгел коэффициенти формуласи орқали аниқланади):

$$ЙК_j = \frac{ЙЎ_j}{(M_j * AC_j)^{1/2}} \quad (3.3)$$

бу ерда, $ЙК_j$ – $j$ ҳудуднинг йўллар билан таъминланганлик коэффициенти; $ЙЎ_j$ – j ҳудудда автомобиль йўлларининг каттиқ қоплама билан таъминланганлиги, км; $M_j$ – $j$ ҳудуднинг жами майдони, м$^2$; $AC_j$ – $j$ ҳудуддаги аҳоли сони, киши.

1.2. статистик маълумотлар (масалан, рентабеллик, соф фойда, ишлаб чиқариш ҳажми ва бошқаларнинг ўсиш индекси) асосида бошқа кўрсаткичларни ҳисоблаш.

2. Таҳлил қилинаётган даврнинг (ҳар бир йил учун) ҳар бир ҳудуд бўйича интеграл кўрсаткичларини ҳисоблаш (динамикани аниқлаш учун).

«Ўртача вилоят бўйича» («ўртача туманлар бўйича») кўрсаткични аниқлаш учун ҳар бир кўрсаткич бўйича оралиқ ҳисоб-китобни амалга ошириш ва унга туманларнинг қийматларини яқинлаштириш (яъни меъёрлаштириш амалини бажариш) назарда тутилади.

Шунингдек, «вилоят бўйича максимал даража»га нормаллаштириш ҳам мумкин (бу экспертнинг хоҳишига кўра амалга оширилади, у якуний тақсимотга таъсир кўрсатмайди).

Маълумотлар оралиқ жадвалга киритилади.

3. Ҳар бир туманнинг асосий ички фаолият турлари бўйича интеграл кўрсаткичларни ҳисоблаш ва туман иқтисодиётида асосий «ўсиш нуқтаси»ни аниқлаш мақсадида максимал қийматга эга бўлган учта иқтисодий фаолият турларини танлаб олиш.

4. Туманларни оддий рангларга бўлиш (MS Excel воситалари орқали) –1-дан *n*-гача ўринларини вилоят туманлари сони бўйича тақсимлаш ва маълумотларни жадвалга солиш.

*2 - б о с қ и ч.* Туманлар салоҳиятини сифат жиҳатдан баҳолаш. У қуйидагилардан таркиб топади:

1. Таянч кўрсаткичларнинг «эксперт ўлчовлар»ни ҳисобга олган ҳолда туманларни рангларга бўлиш:

1.1) экспертларнинг (масалан, туман ижроия қўмиталари тегишли мутахассислари) сўровномасига кўра, 1-босқич (1.1-1.2-бандлари)дан олинган кўрсаткичлардан энг асосий кўрсаткичлар танлаб олинади. Улар туманнинг инвестицион жозибадорлигини мезонли тавсифлаш учун муҳимлилик даражаси бўйича рангларга бўлинади ва шу тарзда уларнинг «салмоғи (вазни)» аниқланади (3.2.1-жадвал).

1.2) Юқоридаги жадвалдаги кўрсаткичлар, хусусан, 1-босқичда салоҳиятни миқдор жиҳатдан баҳолаш учун қўлланиладиган кўрсаткичлар уларнинг «эксперт салмоғи»га кўпайтириш йўли билан тўғриланади (текисланади);

1.3) барча кўрсаткичлар (уларни «эксперт салмоғи» бўйича муҳимларга ажратиб олган ҳолда) оралиқ жадвалга киритилади;

1.4) оралиқ жадвал асосида ҳар бир туман бўйича интеграл кўрсаткич қайта ҳисобланади;

*3.2.1-жадвал*

**Инвестицион муҳит жозибадорлигига таъсир кўрсатадаган омиллар ва етакчи (лидер) кўрсаткичлар бўйича эксперт танловининг мезонлари.**[1]

| № | Кўрсаткичларнинг номланиши | Эксперт салмоғи/вазни" кўрсаткичи (коэфф), 1=100% | Инвестицион жозибадорлик мезони |
|---|---|---|---|
| 1 | Иқтисодий қайтим (ўсиш, п.п.) | 0.20 | Натижадорлик |
| 2 | Фойда (ўсиш даражаси, %) | 0.20 | Молиявий салоҳият |
| 3 | Ишлаб чиқариш ҳажми (ўсиш даражаси, %) | 0.20 | Ишлаб чиқариш салоҳияти |
| 4 | Иқтисодий фаол аҳоли сони, киши | 0.20 | Меҳнат салоҳияти |
| 5 | Жон бошига тўғри келадиган ички инвестиция ҳажми (ўсиш даражаси, %) | 0.20 | Ички инвестиция салоҳияти |

1.5) туманларнинг асосий кўрсаткичларини тўғрилаш (текислаш) натижаси (интеграл кўрсаткичларнинг янги миқдори бўйича) яна рангларга бўлинади.

2. Инвестицион салоҳиятнинг муҳим унсурларини тавсифловчи асосий мезонли кўрсаткичлар асосида туманларни матрица усули билан («БМК матрицаси» атамасидан фойдаланган ҳолда) рангларга бўлиш:

2.1) ягона базаси (асосий капиталга инвестициянинг ўсиш суръати) асосида тегишли кўрсаткичлар (2-босқич, 1.1 банди) бўйича ҳудудлар матрица квадрантлари бўйича тақсимланади (3.2.2-жадвал):

- вертикал бўйича барча кўрсаткичлар учун ягона база – ҳар бир туман бўйича асосий капиталга киритилган инвестициянинг ўсиш суръати;
- горизонтал бўйича ҳар бир туман бўйича кўрсаткичларнинг миқдори ёзилади;
- натижада, ҳар бир туман шаклланаётган матрица квадрантларидан бирига жойланади. Вертикал ва горизонтал бўйича квадрантларга бўлинган чизиқ тегишли кўрсаткичларнинг барча миқдорлари бўйича ўртача арифметик кўрсаткич орқали аниқланади;
- матрица квадрантларига 1 дан 4 гача ранг («ауйтсайдерлар»дан тортиб «турғун етакчилар»гача) берилади.

Агар инвестицион жозибадорлик (ИЖ) ҳудудларнинг тез суръатлар билан ривожланишини тавсифловчи омилларнинг ривожланиш тезлиги билан белгиланадиган бўлса, у ҳолда фақат кўрсаткичларнинг суръат

[1] *Зайцев В.В.* Инвестиционный потенциал региона: методика оценки / В.В.Зайцев, Д.Н. Худяков // Экономика и управление. 2013. № 1 (33). С. 19-24.

*3.2.2-жадвал*

**Матрица усули орқали ҳудудларнинг инвестицион жозибадорлигини (рақобатбардошлигини) баҳолаш намунаси.**

<table>
<tr><td rowspan="4">Инвестиция даражаси, %</td><td rowspan="2">Паст</td><td colspan="2">«Юқорилаб бораётган лидерлар» (3-ранг)</td><td colspan="2">«Эътибор талаб қиладиган» (2-ранг)</td></tr>
<tr><td colspan="2">Ҳудудларнинг квадрантлар бўйича тақсимланиши</td><td colspan="2">Ҳудудларнинг номланиши</td></tr>
<tr><td rowspan="2">Юқори</td><td colspan="2">«Ривожланишдан чарчаган (тўхтаб қолган) лидерлар» (4-ранг)</td><td colspan="2">«Аутсайдерлар» (1-ранг)</td></tr>
<tr><td colspan="2">Ҳудудларнинг номланиши</td><td colspan="2">Ҳудудларнинг квадрант бўйича тақсимланиши</td></tr>
<tr><td></td><td></td><td>Юқори</td><td colspan="2">Иқтисодий қайтим (натижадорлиги), ўсиш даражаси (п.п.)</td><td>Паст</td></tr>
</table>

**Манба:** *Зайцев В.В. Инвестиционный потенциал региона: методика оценки / В.В.Зайцев, Д.Н. Худяков // Экономика и управление. 2013. №1 (33). С. 19-24.*

билан боғлиқ миқдорлари (сони, ўлчов бирлигидан ташқари) қўлланилади.

2.2) ҳисобланган интеграл кўрсаткичларни ҳисобга олган ҳолда матрицали тақсимотга мувофиқ ҳолда туманларни рангларга бўлиш (3.2.2-жадвал):

- матрицанинг (тақсимотнинг) ҳар бир вариантида туманнинг эгаллаб турган квадрант рангига мос равишда ранг берилади;
- туман ранги матрицанинг тегишли вариантига мос бўлган кўрсаткичнинг «эксперт салмоғи»га кўпайтирилади;
- туман квадрантларга тақсимланиб, матрицанинг барча вариантлар бўйича барча «ранг-салмоқ» миқдорларининг ўртача арифметик миқдорини ҳисоблаш йўли билан ҳар бир туман бўйича интеграл кўрсаткич аниқланади;
- туманлар ҳосил бўлган интеграл кўрсаткичлар бўйича рангларга бўлинади ва 2-босқич 1.3. бандидаги оралиқ жадвал тўғриланади.

*3 - босқич.* Туманларнинг инвестицион салоҳиятини миқдор ва сифат жиҳатдан баҳолаш асосида уларни рангларга бўлувчи кўрсаткичларни якуний тўғрилаш.

2-босқичдаги 2.2. банднинг охирги кичик бандида ҳосил бўлган миқдорлар асосида ўртача арифметик кўрсаткич аниқланиб, у билан миқдорий таҳлил тўғриланади. Кейинги босқичда такрор равишда камайиш бўйича оддий рангларга бўлиш амалга оширилади ва натижалар якуний рейтингга солинади (1-босқичнинг 4-банди). Сўнгра эса, фаолиятнинг энг рақобатбардош турлари аниқлангани ҳолда туманнинг инвестицион жозибадорлиги харитасига жойланади (3.2.3-жадвал).

Айни дамда юқорида келтирилган услубиётнинг афзал жиҳатлари мавжуд:

- худуднинг инвестицион салоҳиятини шартловчи инвестицион жозибадорлик ва инвестицион фаолликни ўзаро алоқадорликда кўриб чиқади; инвестицион жозибадорлик/фаоллик динамикада кўриб чиқилади;
- услубиётнинг максадлар бўйича эластиклиги – уни турли мақсадлар (ҳам салоҳиятли инвесторлар, ҳам давлат бошқарув органлари мақсадлари)га мослаштириш имконияти мавжуд;
- услубиётнинг маълумотлар бўйича эгилувчанлиги – муайян бир кўрсаткичларга қатъий боғланмаган (ҳудуднинг интеграл (комплекс) инвестицион жозибадорлигини аниқлаш учун инвестицион жиҳатдан муҳим кўрсаткичлар таркиби ўзгармасдан қолиши мумкин эмас ва Ўзбекистон иқтисодиёти ривожланишининг ҳар бир боскичи хусусиятларига қараб қисман ўзгариши лозим).

Шуни таъкидлаб ўтиш лозимки, айни дамда келтирилган услубиёт бизнинг тадқиқотимизда четда қолиб кетган бир қатор омиллар, масалан: минерал – хом ашё ресурслари, табиий захираларнинг (ушбу омиллар ҳудуднинг табиий-географик салоҳиятига оид кўрсаткичларга киради, улар худуд майдони ҳисобига ва аҳоли жон бошига ҳисобланади) ҳажми; ҳудудда умумий жиноятчилик даражаси; экологик ифлосланганлик ва иқлимнинг ноқулайлик даражаси; хорижий инвесторлар катта эътибор қаратаётган сиёсий ҳолат ҳисобга олинмаган.

*3.2.3-жадвал*

| Фаолият | Жойлашуви | Ҳисоб-китоб |
|---|---|---|
| «Инвестицион натижадорлик» бўйича 1-рақамли ҳудуд/туманнинг жойлашуви (иқтисодий қайтим кўрсаткичи) | *4-ранг бўйича квадрант* «Ривожланишдан тўхтаб қолган лидерлар» | *ҳудуд/туманнинг (4) квадрант бўйича ранги «эксперт салмоғи/вазни» (0.20) кўпайтирилади* |
| Навбатдаги рақам бўйича ҳудудларнинг жойлашувчи №... | квадрант... | *ҳудуд/туманнинг (...) квадрант бўйича ранги эксперт салмоғи/вазни" кўпайтирилади...(1,...)* |
| Ушбу жадвалнинг 3 устунига мувофиқ ҳудуд/туманнинг ўртача арифметик қиймати келтириб чиқарилади | | бу ерда, *N* – квадрант бўйича ҳудуд/туманнинг ранги;<br>*Э* – «эксперт салмоғи (вазни)» кўрсаткичи варианти;<br>*В* – вариантларнинг тақсимланиш миқдори. |

Умуман олганда, ҳудудларни инвестицион салоҳиятини баҳолаш бўйича услубиёт ҳудулнинг инвестицион жозибадорлиги ва ундаги инвестицион фаоллик ўртасидаги объектив ҳолда мавжуд бўлган ўзаро

алоқадорликни ҳисобга олади, бу эса, инвестицион иқлимни яхшилаш бўйича ҳудудий дастурларни ишлаб чиқишда муаммоли нуқта ва кўрсаткичларни аниқлашга имкон беради.

Инвестиция муҳити микроиқтисодиёт даражасида икки томонлама, яъни инвестор ва аниқ давлат органлари, хўжалик субъектлари ўртасидаги муносабатларда ўз аксини топади. Инвестиция муҳити ҳар қандай аниқ вақт учун объектив ҳолат бўлиб, капитал қўйиш учун мавжуд шароитларнинг мажмуасини ўзида қамраб олади. ***Инвестиция муҳити давлат органларининг бошқариш фаолияти таъсирида шаклланади.*** Шунинг учун давлатнинг инвестиция сиёсати энг асосий омиллардан ҳисобланади.

Шу маънода ҳар бир давлат капитал импорт қилишда ўзининг аниқ капитал қабул қилиш тизимига эга бўлади. Капитал қабул қилиш тизими бу хорижий капиталга нисбатан давлат сиёсати ва қонунларининг, меъёрий ҳужжатларининг мажмуасидир. Ўзбекистонда ҳам ишлаб чиқаришга капитал қабул қилиш тизими йилдан-йилга такомиллашиб бормоқда. Ҳозирда хорижий инвестицияларга бўлган муносабатда замонавий халқаро хўжалик алоқалари қоидаларига асосланган ҳолда, қонун ва қарорлар ишлаб чиқилмоқда, шунингдек, хорижий инвестицияларнинг кенгроқ инфратузилмалари яратилмоқда.

Таъкидлаш жоизки, юртимизда амалга оширилаётганислоҳотлар даврида мавжуд инфратузилмани модернизация қилиш, инвесторларга тенг шароитлар яратиш орқали иқтисодиётимизга маҳаллий ҳамда хорижий инвестицияларни жалб қилиш бўйича қатор ижобий кўрсаткичларга эришилди.

2014 йилда иқтисодиётимизга жалб қилинган инвестициялар ҳажми 10,9 фоизга ўсди ва АҚШ доллари ҳисобида 14 миллиард 600 миллион долларни ташкил этди. Бунда жами капитал қўйилмаларнинг 21,2 фоиздан ортиғи ёки 3 миллиард доллардан зиёдини хорижий инвестиция ва кредитлар ташкил қилди. Уларнинг тўртдан уч қисми тўғридан-тўғри хорижий инвестициялардир.

Инвестиция дастурини амалга оширишда корхоналарнинг ўз маблағлари ҳисобидан йўналтирилган тўғридан-тўғри хусусий инвестициялар йилдан-йилга фаоллашиб бормоқда. Биргина ўтган йилда бундай инвестициялар ҳажми 10,3 фоизга ўсиб, 4 миллиард 300 миллион долларни ёки жами инвестициялар ҳажмининг қарийб 30 фоизини ташкил этди.[1]

[1] *Karimov I.A.* 2015-yilda iqtisodiyotimizda tub tarkibiy o'zgarishlarni amalga oshirish, modernizatsiya va diversifikatsiya jarayonlarini izchil davom ettirish hisobidan xususiy mulk va xususiy tadbirkorlikka keng yo'l ochib berish – ustuvor vazifamizdir. http://www.press-service.uz




**3.2.1-расм.** ***2020 йилда Ўзбекистон Республикаси ҳудудларида яратилган ялпи ҳудудий маҳсулот қиймати, млрд.сўм.***[1]

Агар 2003 йилда иқтисодиётга йўналтирилган капитал маблағлар 1978,1 млрд. сўмни ташкил этган бўлса, 2014 йилга келиб унинг ҳажми қарийб 31732,7 млрд. сўмга кўпайган. Ўтган 2013 йилга нисбатан эса 17,5 фоизга ошганини кузатиш мумкин.

Ўтган йиллар динамикасига эътибор қаратадиган бўлсак, мамлакатимиз иқтисодиётига сарфланаётган инвестициялар ҳажми, айниқса, асосий капиталга йўналтирилаётган маблағлар йилдан-йилга ўсиб бормоқда, унга мос равишда ялпи ички маҳсулот ҳам кўпаймоқда. Иқтисодиёт назариясидан маълумки, асосий капиталга йўналтирилаётган инвестициялар ва мамлакатда яратилаётган товар хизматлар ўртасида юқори корреляцион боғлиқлик мавжуд.

Ҳудудлар кесимида ишлаб чиқарилган товар ва хизматларнинг таҳлилига келадиган бўлсак, 2020 йилда энг юқори кўрсаткич Тошкент шаҳрига тўғри келган. Ушбу ҳудудда яратилган ЯҲМ (Ялпи ҳудудий маҳсулот) 88567,7 млрд.сўмни ташкил этди (3.2.1-расм). Ўз-ўзидан жон

[1] Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Прогнозлаштириш ва макроиқтисодий тадқиқотлар институти маълумотлари асосида тайёрланган.




**3.2.2-расм.** ***2020 йилда жон бошига яратилган ялпи ҳудудий маҳсулотнинг мутлоқ қиймати, минг сўмда.***[1]

бошига тўғри келадиган ЯҲМ ҳам Тошкент шаҳрида энг юқори қийматни ташкил этган.

2020 йилда Навоий вилоятида яратилган товар ва хизматларнинг жами қиймати 49015 млрд.сўмни ташкил қилгани ҳолда, вилоятлар кесимида таққослаганимизда 3-ўринда бўлишига қарамасдан, жон бошига тўғри келадиган ЯҲМ (48747 минг сўм) бўйича биринчи ўринда туради.

Бу ҳам бўлса, ҳудуднинг табиий шароити билан бирга, у ерда барпо этилган ва капитал сиғими юқори бўлган ишлаб чиқариш кучларининг жойлашганлиги билан изоҳланади. Зеро, капитал сиғими юқори бўлган тармоқ ва корхоналарда меҳнат унумдорлиги ҳам юқори бўлади. Сирдарё вилоятида ишлаб чиқарилган жами товар хизматларнинг қиймати мамлакатимизда яратилган ЯИМнинг 2,1 фоизини ташкил этади. Жон бошига яратилган ҳудудий маҳсулотларнинг энг пастги қиймати Сурхондарё вилоятига тўғри келган. Яъни, ўтган 2020 йилда мазкур ҳудудда жон бошига ишлаб чиқарилган ялпи ҳудудий маҳсулотнинг ҳажми 9040,6 минг сўмни ташкил этди (3.2.2-расм). Ҳудудий ишлаб чиқариш ва у ерда олиб борилаётган иқтисодий сиёсат мазмун жиҳатидан ҳудуднинг инновацион салоҳиятига ҳам боғлиқ бўлиб, у, ўз навбатида, ҳудуднинг келгусидаги ижтимоий-иқтисодий ривожланишини белгилаб беради.

[1] Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Прогнозлаштириш ва макроиқтисодий тадқиқотлар институти маълумотлари асосида тайёрланган.

Албатта, капитал қўйилмалар учун сарфланган инвестициялар маълум вақт ўтгандан сўнг ушбу ҳудудда яратилаётган ЯҲМнинг ўсишини таъминлашга хизмат қилади. Бу эса, аҳоли жон бошига тўғри келадиган истеъмол товарлари ва пуллик хизматларнинг кўпайишини ва шу ҳудудда истиқомат қилаётган аҳоли даромадининг кўпайишини таъминлайди. Республика ҳудудларида 2020 йилда яратилган жами истеъмол товарларининг ичида Тошкент шаҳрининг улуши энг юқори кўрсаткични намоён этган бўлиб, қиймат кўринишида 79462,6 млрд.сўмга тенг бўлган (3.2.3-расм).

Аҳолига кўрсатилган пуллик хизматларнинг жами ҳажми 2020 йилда мазкур ҳудудда 21971,1 млрд.сўмга тенг бўлган. Мазкур кўрсаткич бошқа ҳудудларга нисбатан энг юқори қийматни акс этган. Энг паст кўрсаткич Сирдарёга тегишли бўлиб, бунга ҳудуднинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш суръати, аҳоли сони, меҳнат ресурсларининг малака даражаси, мавжуд инфратузилма, капитал ресурсларининг ҳолати каби бир қатор омиллар таъсир кўрсатган.

Ҳозирда республикамизда ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш борасида бир қанча комплекс ва узоқ муддатга мўлжалланган тадбирлар амалга оширилиб келинмоқда. Ҳудуднинг ижтимоий-иқ-




**3.2.3-расм.** ***Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқарилган истеъмол товарлари ва аҳолига кўрсатилган пуллик хизматларнинг ҳажми, млрд.сўм.***[1]

[1] Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Прогнозлаштириш ва макроиқтисодий тадқиқотлар институти маълумотлари асосида тайёрланган.

тисодий салоҳиятига баҳо беришда ҳудудда мавжуд бўлган иқтисодий ресурслар, ҳудуднинг интеллектуал салоҳияти ва ушбу салоҳиятдан амалда нечоғлик даражада фойдаланганлик, ҳудуднинг ресурс салоҳиятидан техник ва технологик жиҳатдан фойдаланиш имкониятлари ва мавжуд ресурсларнинг кўламидан келиб чиқиб, инвестицион дастурларнинг ишлаб чиқилиши ва бошқа бир қанча омилларнинг инобатга олиниши талаб қилинади.

Бугунги кунда ҳудудларнинг бир текис ривожланишини таъминлаш, ишлаб чиқариш кучларини уларнинг ижтимоий-иқтисодий салоҳиятини эътиборга олган ҳолда жойлаштириш ва ҳудудий инвестицион дастурларни амалга ошириш борасида давлат томонидан тизимли ишлар амалга оширилиши ҳар томонлама мақбул ҳисобланади. Хорижий мамлакатларнинг тажрибасига кўра, айнан давлат томонидан инвестицион фаолликни ошириш, инвесторлар учун шарт-шароитларни яратиш, уларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш, солиқ ва божхона имтиёзларини тақдим этиш билан боғлиқ бўлган ижтимоий-иқтисодий сиёсат сабаб мамлакатнинг иқтисодий ривожланиши, миллий даромаднинг ўсиши намоён бўлган.

Қуйида, айнан инвестицион фаолликни оширган, бу соҳада тизимли ислоҳотларни амалга оширган ривожланган мамлакатларнинг эришган ютуқ ва тажрибаларининг тавсифига ўрин берилади.

---

*Фикрламай илм олмоқ – беҳудалик;*
*билим билан суғорилмаган тафаккур эса*
*хатардир.*

**Конфуций**

## 3.3. ИНВЕСТИЦИОН МУҲИТ ФАОЛЛИГИНИ ОШИРИШ: ИЛҒОР ХОРИЖИЙ ТАЖРИБАЛАР ВА УЛАРДАН ЎЗБЕКИСТОН ШАРОИТИДА ФОЙДАЛАНИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ

Ривожланган мамлакатларда тўпланган бой тажрибалар, амалга оширилган ислоҳотлар, қабул қилинган қарорлар ва чора-тадбирларнинг туб моҳиятини ўрганиш, ютуқ ва камчиликларини илмий жиҳатдан танқидий таҳлил қилиш миллий иқтисодиётимизнинг тараққиёти учун ҳар томонлама дастак вазифасини ўтайди. Бинобарин, халқаро майдонда мавжуд бўлган бой тажрибалар, замонавий тенденциялар йилдан-йилга такомиллашиб, ўзгариб бормоқда. Хусусан, инвестицияларни жалб этиш, уларни экспорт ва импорт қилиш, инвесторларнинг манфаатларини ҳи-

моя қилиш, инвестицион фаоллик ва рақобатбардошликни ошириш билан боғлиқ масалалар шулар жумласига киради.

Ушбу бандда ривожланган мамлакатларда инвестициялар фаоллиги ва инвестицион муҳит жозибадорлигини янада ошириш билан боғлиқ усул ва воситаларнинг мазмун-моҳияти, улардан Ўзбекистон шароитида фойдаланиш истиқболлари бўйича мулоҳазалар баён этилади.

Жаҳонда хорижий капитални жалб этиш бўйича мамлакатлараро кескин кураш кетмоқда. Хорижий инвестициялар ҳажми, унинг сифати ва қулай шартлардан фойдаланиш борасида ривожланган мамлакатларда йилдан-йилга инвестицион муҳит жозибадорлигини таъминлашга хизмат қиладиган инновацион инструментларнинг турли кўринишлари яратиб келинмоқда.

Шулар қаторида, иқтисодий ривожланиши бошқа давлатларга қараганда тез суръатларда ўсиб бораётган, товар ва хизматлари дунёнинг барча ўлкаларида тарқалган, бугунги кунда учта энг кўп тарқалган сўз «Made in China», дея эътироф этилаётган Хитойнинг тажрибасини кўриб чиқамиз.

Хитойда давлат томонидан инвестициялар соҳасида амалга оширилган ислоҳотлар, қабул қилинган тизимли чора-тадбирлар, ишлаб чиқилган дастурлар ва лойиҳалар туфайли халқаро бозорларни забт этишга муваффақ бўлинди. Мазкур давлат 1970 йилдаёқ мамлакатнинг инвестицион жозибадорлигини оширишни давлат сиёсати даражасидаги энг муҳим вазифалардан бири сифатида кўтарган эди. Биринчилардан бўлиб «махсус иқтисодий зоналар»ни ташкил этиш бўйича қарорлар қабул қилди ва уларнинг ривожланиши учун барча шароитларни муҳайё этди. Гуандонг ва Фуян махсус иқтисодий зоналарида либерал солиқ тизими жорий этилди, турли хилдаги маъмурий тўсиқлар бартараф этилди ҳамда бизнесни очиш, уни юритиш бўйича бир қатор таомиллар соддалаштирилди. Ушбу зоналарнинг ривожланишига Гонконг ва Тайван давлатларидан киритилган инвестициялар қўл келди. XX асрнинг охирларида ушбу зоналарга киритилган инвестициялар ҳажми жами хорижий инвестицияларнинг 50 фоизини ташкил этган.

Шунингдек, Хитой раҳбарияти томонидан ривожланишнинг истиқболли йўналишлари сифатида енгил саноат ва электроника соҳалари танлаб олинди. Уларнинг тўлақонли ривожланиши, ишлаб чиқаришни модернизациялаш ва зарурий ресурсларни харид қилиши учун давлат томонидан субсидиялар тизими ва «экспорт учун тармоқ» дастури ишлаб чиқилди. Агар компанияларнинг 25 фоизи хорижий инвесторларга тегишли ҳамда «тармоқ»қа аъзо бўлса, Хитой Марказий банки томони-

дан махсус имтиёзли кредитлар берилиши йўлга қўйилди. Бугунги кунда мазкур «тармоқ»қа аъзо бўлиб кирган компаниялар жами экспортнинг 80 фоизини ишлаб чиқармоқда. Шу билан бирга, экспортга йўналтирилган ишлаб чиқариш корхоналарига зарур бўладиган ва четдан олиб кириладиган импорт ресурсларига божхона имтиёзлари ҳам тақдим этилди.

Хитойнинг тез суръатларда ривожланишига таъсир кўрсатган яна бир муҳим омил – инвесторлар учун зарур бўладиган, ҳудудларнинг имкониятлари ва салоҳиятларини намоён этадиган маълумотлар базасини (паспортни) ишлаб чиққанлиги ва арзон ишчи кучига эгалиги билан белгиланади. Ушбу база интернет-ресурс сифатида очиб қўйилганлиги, Хитой корхоналари учун хорижий инвестицияларнинг оқиб келишини ва бизнес ҳамкорликнинг кучайишини таъминлади. Бугунги кунда Хитойнинг жаҳон иқтисодиётидаги мавқеини ҳамда иқтисодиётнинг юқори суръатларда ошишини таъминлашга хизмат қилган омил ҳам, айнан унинг очиқлиги, соғлом имижи ва инвестицион жозибадорлигидир.

Аммо, бугунги кун экспертларининг фикрларига кўра, Хитойнинг очиқлиги, жаҳон ҳамжамиятига юқори суръатларда интеграция бўлиб бораётганини мамлакат фуқаролари ва чет эл жамоатчилиги салбий ҳолат сифатида ҳар хил қабул қилишмоқда. Буларнинг ҳаммаси замонавий Хитой тўғрисида, у ерда амалга оширилаётган жараёнларни англамасдан туриб чиқарилаётган хулосалардир десак, тўғри бўлади. Зеро, Хитой раҳбарияти томонидан қуйидаги жиҳатларга онгли тарзда алоҳида эътибор қаратилмоқда:

- ташқи дунё билан Хитойнинг мустаҳкам алоқасини ўрнатиш;
- тадбиркорлар билан давлатнинг бирдамлиги ва ишончли шерикчилигини таъминлаш;
- жаҳон ҳамжамияти тасаввурида Хитойнинг ишончли ҳамкор имижини ҳосил қилиш;
- ишлаб чиқаришнинг юқори маҳсулдорлиги билан ривожланиш эмас, балки тараққиётнинг инновацион асосда қурилишини таъминлаш ва б.

Айнан шу жиҳатларни эътиборга олиб, 2004 йилдан Хитой давлати мамлакатнинг инвестицион жозибадорлигини янада ошириш муаммосини ҳал этиш билан фаол шуғуллана бошлади. Охирги ўн йилда Хитой жаҳон ҳамжамияти олдида ўзининг нуфузи ва обрўсини кўтариш бўйича кўплаб тизимли тадбирларни амалга оширди. У бир қанча халқаро ва минтақавий ташкилотлар: ОТҲТ – Осиё-Тинч океани Ҳамкорлик Ташкилоти, ШҲТ – Шанхай Ҳамкорлик Ташкилоти билан иқтисодий

ҳамкорлик бўйича, шунингдек, эркин иқтисодий зоналарни ташкил этиш бўйича хитой-араб, хитой-африка ҳамкорлик алоқаларини ривожлантириб келмоқда.

Хитой давлати Бутунжаҳон савдо ташкилотига (ЖСТ) аъзо бўлиши билан кўплаб соҳаларда тубислоҳотларни амалга оширди. Хусусан, қуйидаги муҳим йўналишларда: турли хилдаги тарифларни пасайтириш; иқтисодиётнинг етакчи соҳалари, хусусан хизматлар: телекоммуникация, суғурта, банк, савдо, логистика соҳаларига йўналтириладиган инвестицияларга тўсиқ ва чекловларни олиб ташлаш билан боғлиқ чора-тадбирларни келтириш мумкин. Ушбу яратилган имконият ва шароитлар туфайли нафақат трансмиллий компаниялар, балки кичик ва ўрта ҳажмдаги хорижий компанияларнинг Хитой давлатига инвестиция киритиш билан боғлиқ фаоллиги янада ошди.

Шулар туфайли Хитойга киритилган ТТХИ ҳажмининг ошиши йилдан-йилга ўсиб борди. ЖСТ аъзо бўлиши натижасида 2006 йилдан хорижий банк муассасалари учун географик ва операцион чекловлар олиб ташланди. Бунинг оқибатида хорижий банкларнинг шуъба муассасалари ташкил этилди ва улар томонидан Хитойнинг исталган ҳудудида резедентлар учун юанда операцияларни амалга ошириш билан боғлиқ тартиблар ўрнатилди.

Тақдим этилган имкониялар ва имтиёзларлардан Англия банки – Standart Chartetered Bank биринчилардан бўлиб фойдаланди ҳамда бошқа бир қатор банкларнинг: Citigroup (АҚШ), HSBC (Англия), ABN AMRO (Ниделандия), Bank of East Asia (Гонконг) ва HangSeng Bank (Гонконг) банкларининг кириб келишини таъминлади.

2008–2012 йилларда бошланган жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози даврида Хитой давлати хорижий инвестицияларнинг кириб келишини пасайтирмаслик мақсадида «яшил йўлак» тизимини амалга оширди. Ушбу тизимдан хорижий капиталга эга бўлган корхонларни рўйхатдан ўказиш ва хорижий инвестицияларнинг кириб келишини рағбатлантириш масалалари ўрин олган бўлиб, бу, ўз навбатида, инвесторлар учун «ҳимоя ёстиғи» вазифасини ўтади.

Амалга оширилган ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий-маъмурий ва сиёсий-ташкилий чора-тадбирлар сабаб Хитой кейинги беш йилда энг йирик савдо-сотиқни амалга ошираётган ҳукмрон давлатлардан бирига айланди. UNCTAD томонидан эълон қилиб келинаётган ҳисоботларда ХХР капиталнинг импорти ва экспорти бўйича лидер мамлакат сифатида рейтингда кучли иккиликдан жой олиб келмоқда. Инқироздан олдинги даврларда (2005–2007) Хитойга тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар экспорти ўртача 18,8 млрд. АҚШ долларини ташкил этган бўлиб,

бу жаҳондаги умумий кўрсаткичнинг (ТТХИ экспортининг) 1,3 фоизига тўғри келган. 2019 йилга келиб Хитойнинг жаҳон ТТХИ экспортидаги улуши 8,9%ни ташкил этиб, қиймат кўринишида 117 млрд. АҚШ долларини ташкил этди.

Худди шу йилларда ТТХИ импорти (2005-2007) ўртача 76,2 млрд. АҚШ долларига (жаҳон ҳажмининг 5,4 фоизи), 2019 йилда эса 141 млрд. долларга етган (жаҳон ҳажмининг 9,15 фоизи). Бугунги кунда АҚШ ва Хитой ўртасида кечаётган рақобат шароитида улар ўртасидаги фарқ ҳамон сезиларлича қолмоқда. 2019 йилда АҚШда экспорт капитали 125 млрд. долларни (дунё ҳажмининг 9,51 фоизини), импорт ҳажми эса 246 млрд.долларни (дунё ҳажмининг 15,9 фоизини) ташкил этади.

Агар ушбу статистик кўрсаткичларга Хитой Халқ Республикаси учун «инвестицион дарвоза» бўлган Гонконг ва Сингапур давлатларини қўшадиган бўлсак, бу фарқ янада камаяди. 2015 йилда Гонконгнинг ТТХИ 68,4 млрд.долларни, Сингапурники эса, мос равишда, 92 млрд. долларни ташкил этган.

1995 йилда ХХР дунё бўйича капитални ТТХИ эскпорт қилиш бўйича улуши атиги 0.4 фоизни ташкил этган бўлса, 2012 йилга келиб ушбу кўрсаткич 2.3 фоизга, 2019 йилда эса, 8,9 фоизни ташкил этди.

Европани Хитой аллақачон капитал экспорти ва импорти бўйича орқада қолдириб кетди. ЕИ мамлакатларига аъзо мамлакатлардан Буюк Британиянинг жаҳон капитали экспортидаги (ТТХИ) улуши – 2,35 фоиз, Франция – 2,8 фоиз, Италия – 1,8 фоизни ташкил этади. Импорти бўйича эса, мос равишда 3,8; 2,1; 1,6 фоизни ташкил қилади.

*3.3.1 - ж а д в а л*

**Капиталнинг экспорти ва импорти.**
**Жамғарилган ТТХИ, 2019 й.[1]**

| | Капитални экспорт қилиш натижасида тўпланган ТТХИ | | Капитални импорт қилиш натижасида тўпланган ТТХИ | |
|---|---|---|---|---|
| | млрд. доллар | % | млрд. доллар | % |
| Дунё бўйича | 30486,9 | 100 | 31702 | 100 |
| ХХР | 1624,5 | 5,32 | 1770,4 | 5,58 |
| Гонконг | 1773,3 | 5,59 | 1972,7 | 6,4 |
| Сингапур | 776,9 | 2,54 | 1302,5 | 4,1 |
| «Катта Хитой» | 3212,2 | 12,4 | 3771,9 | 15,1 |
| АҚШ | 6607,2 | 21,6 | 6836,6 | 21,56 |

[1] https://unctad.org/system/files/official-document/wir2020_en.pdf

Шунингдек, Хитой халқаро капитал айирбошлашда, хусусан, портфель ва бошқа инвестициялар бўйича иштирокини йилдан-йилга ошириб бормоқда. Қуйидаги жадвалда АҚШ билан Хитой давлатининг жаҳон капитал бозоридаги иштироки ва кўлами бўйича статистик маълумотлар келтирилган. Кўриб турганимиздек, Хитой жаҳон капитал бозорида донор мамлакат сифатида иштирок этмоқда. Соф халқаро активлар (аквтивлар – мажбуриятлар = соф активлар) бўйича Хитой Япониядан кейинги иккинчи ўринда туради. Жаҳон иқтисодиётида халқаро капитал айирбошлашда йирик қарздор мамлакат сифатида АҚШ эътироф этилади. 2015 йилнинг охирида унинг мажбуриятлари 7 трл. долларни, 2020 йилнинг март ойида 23,4 трлн. долларни, яъни ЯИМнинг 111 фоизини ташкил этган.

Ушбу ўринда инвестицион лойиҳалар, уларнинг сони ва яратилган иш ўринларига бағишланган маълумотлар таҳлилига ўтсак.

2020 йилда тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар 2019 йилдаги кузатилган 1,5 триллион доллардан 42 фоизга пастлаб 859 миллиард долларни ташкил этган. Бу даражадаги паст кўрсаткичлар сўнгги марта 1990 йилларда кузатилган ва энг қизиқ томони бу ҳолат 2008–2009 йиллардаги глобал молиявий инқироздан кейинги сармоявий маблағлар миқдоридан ҳам 30 фоизга пастдир.

Молиялаштирилган лойиҳалар сони 2016 йилдан бери ҳар йили деярли 50 фоизга ўсиб келган. Ушбу ўсишга асосан қайта тикланадиган энергия манбалари ва ривожланган мамлакатларда лойиҳаларнинг кўпайиши таъсир кўрсатган. Ҳисоботларга кўра, тўғридан тўғри инвестицияларнинг кескин пасайиши кўпроқ ривожланган мамлакатларда содир бўлган, бу ерда инвестиция оқимлари 69 фоизга кескин пасайиб, 229 миллиард долларни ташкил этган.

Жумладан, Шимолий Америкага оқимлар 46 фоизга камайиб, 166 миллиард долларни, Қўшма Штатлар ташқи инвестициялари 49 фоизга пасайиб, 134 миллиард долларни, Австралияга 46 фоизга камайиб, 22 миллиардни ташкил этган.

Аммо Европада ташқи инвестицияларнинг умумий кўрсаткичлари баъзи мамлакатларда кузатилган ўсиш ҳисобига унча пастламади. Масалан, Швецияда оқимлар икки баравар 12 миллиарддан 29 миллиард долларгача ошди. Испанияга тўғридан-тўғри инвестициялар ҳам 52 фоизга ўсди.

2020 йил Европада пандемиядан олдин ташқи инвестицияларни жалб қилиш бўйича энг яхши йиллардан бири бўлаётган эди. Хусусан, Европанинг 47 та мамлакатида 2019 йилда эълон қилинган 6412 та лойиҳа аллақачон ишга туширилган ёки режалаштирилган тартибда давом

этаётганди. 2019 йили Европада 6412 та тўғридан-тўғри инвестицион лойиҳалар эълон қилинганини ҳисобга олсак, бу 2018 йилга нисбатан 0,9% га ўсганини кўрсатади.

Агар минтақавий даражада таҳлил қиладиган бўлсак, ТТХИ ҳисобига ташкил этилган лойиҳаларнинг катта қисми Ғарбий Европага тўғри келади. Шуларнинг ичида Буюк Британия, Германия ва Франциянинг улуши 50.8 фоизни ташкил этади. Шунингдек, Марказий ва Шарқий Европада ТТХИ ҳисобига амалга оширилган лойиҳаларнинг ўсиши Ғарбий Европага қараганда тўрт баробарга кўп ҳажмда қўшимча ўсганини ва яратилган иш ўринларининг 44 фоизи ҳам шу давлатларга тўғри келганини кўриш мумкин.

2020 йилда ўтган йилда режалаштирилган тарзда давом этаётган лойиҳаларда бир мунча узилишлар юзага келди. Инвестиция ва бандлик кўрсаткичлари ҳам 2019 йилга нисбатан анча яхши кўринишга эга бўлса-да, амалда ўз барқарорлигини йўқотди. Лойиҳани амалга оширишда COVID-19 нинг таъсири айрим мамлакатларда унчалик кучли бўлмади. Масалан, хорижий инвестицияларнинг катта қисми умумий хизмат кўрсатиш марказлари, дастурий таъминотни ишлаб чиқиш ёки илмий-тадқиқот ишланмаларини ўз ичига олган Ирландия, Польша ва Португалия каби юқори рақобатбардош, хизмат кўрсатишга йўналтирилган мамлакатларда, тўғридан-тўғри инвестициялар лойиҳаларининг 80 фои-

*3.3.2-жадвал*

**ТТХИ ҳисобига яратилган инвестицион лойиҳалар сони ва ўтган йилга нисбатан ўзгариши (20 та энг юқори рейтингга эга бўлган мамлакатлар мисолида).[1]**

| Инвестицион лойиҳалар сони | | | | Инвестицион лойиҳалар сони | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| **Мамлакатлар** | **2018** | **2019** | **Ўзгариши, %** | **Мамлакатлар** | **2018** | **2019** | **Ўзгариши,%** |
| Франция | 1019 | 1197 | 17,5 | Португалия | 74 | 158 | -32,6 |
| Буюк Британия | 1054 | 1109 | 5,2 | Италия | 103 | 108 | 113,5 |
| Германия | 973 | 971 | -0,2 | Венгрия | 101 | 105 | 4,9 |
| Испания | 314 | 486 | 54,8 | Сербия | 119 | 103 | 4,0 |
| Бельгия | 278 | 267 | -4,0 | Румыния | 109 | 78 | -13,4 |
| Нидерландия | 229 | 255 | 11,4 | Финляндия | 194 | 75 | -28,4 |
| Польша | 272 | 200 | -26,5 | Швейцария | 115 | 73 | -61,3 |
| Россия | 211 | 191 | -9,5 | Австрия | 110 | 69 | -36,5 |
| Ирландия | 205 | 191 | -6,8 | Словакия | 83 | 65 | -37,3 |
| Туркия | 261 | 176 | -32,6 | Швеция | 73 | 63 | -21,7 |

[1] EY Global Investment Monitor, 2020

зигача сақланиб қолинди. Бу эса, Европа минтақаси бўйича қайд этилган ўртача 65% реализация қилиш даражасидан анча юқоридир.

2020 йилда Хитой дунёдаги энг йирик тўғридан-тўғри инвестиция олувчиси бўлиб, Осиё гигантига оқимлар 4 фоизга ўсган, 163 миллиард долларни ташкил этган.

2020 йилда юқори технологияли саноат тармоқлари 11 фоизга ўсган, бу ўсиш асосан АКТ ва фармацевтика саноатида кузатилган. Осиё мамлакатлари ичида Японияда ҳам ўсиш барқарорлигича сақланиб қолиб 2019 йилда кузатилган 15 миллиард доллар, 2020 йилда 17 миллиард долларга етган.

Сўровномада иштирок этган респондентларнинг 35 фоизи яқин истиқболда Европа иқтисодиётининг ривожланишини таъминлайдиган асосий драйвер сифатида рақамли саноатни қайд этишган. Шунинг учун ҳам кейинги беш йилда ЕИ ушбу саноатга 50 млрд. евро маблағ сарфлашни режалаштирган.

Тадқиқотимизни янада чуқурлаштириш, унинг савиясини бойитиш мақсадида Сингапур давлатининг тажрибасини ҳам таҳлил қиламиз.

Ривожланиш даражаси бўйича юқори кўрсаткичларни намоён этган, ўзининг бой тажрибаси ва интеллектуал салоҳиятининг юксаклиги бўйича дунё мамлакатлари ичида юқори ўринларда турадиган, аҳолиси сони унчалик ҳам катта бўлмаган, аммо компьютер дастурларини яратиш, телекоммуникация соҳасида салмоқли нуфузга эга бўлган, Жаҳон банки томонидан эълон қилинган ҳисоботларда жон бошига ЯИМ ишлаб чиқариш бўйича (харид қуввати паритети бўйича) 3-ўринда турган, «Осиё йўлбарслари», деб ном олганлардан бири бўлмиш Сингапур давлатида ҳам инвестицион муҳитни яхшилаш, унинг жозибадорлигини ошириш юзасидан бой тажриба тўпланган.

1959–1990 йилларда Ли Куан Ю бошчилигида Сингапурда мамлакатни модернизациялаш борасида катта ислоҳотлар амалга оширилди. Бунинг натижасида, Сингапур Жанубий-Шарқий Осиёда техноген цивилизация ясаган ва дунёнинг молиявий ва савдо марказига айланган давлат сифатида танилди. Шунинг учун ҳам ушбу мўъжиза давлатнинг иқтисодий юксалиши сабаблари нималардан иборат эканлигини билишга қизиқувчилар сони ортиб бормоқда.

Биз ҳам баъзи бир таҳлилларни ўртоқлашишни лозим топамиз. Тадқиқотимиздан у ерда яратилган инвестицион муҳит ва уни такомиллаштириш бўйича амалга оширилган ижтимоий-иқтисодий, сиёсий-ташкилий ҳамда ҳуқуқий-маъмурий ислоҳотларнинг қисқача мазмуни ва улар юзасидан айрим мулоҳаза ва хулосаларимиз ўрин олган.

Сингапур давлатининг ривожланиш йўли, қўлга киритган «иқтисодий мўъжизаси» билан шуғулланган барча олимларнинг фикри бир муҳим нуқтага бориб тақалади. У ҳам бўлса, Сингапурда қулай инвестиция муҳитининг яратилганлиги. Айнан ушбу ҳолат туфайли инвесторлар томонидан бу янги давлатга кўплаб лойиҳалар киритиш амалга ошди, ЯИМ ҳажми йилдан-йилга кескин ортиб борди. Бугунги кунда ҳам инвесторлар томонидан Сингапур давлатига ҳеч иккиланмасдан капитал маблағлар йўналтириб келинмоқда. У ердаги инвестицион муҳит жозибадорлиги донор мамлакатларнинг доимий қизиқишига сабаб бўлмоқда.

Инвестицион муҳитнинг соғломлиги, жозибадорлигини давлатнинг ижтимоий-иқтисодий ҳолатини акс эттирувчи макроиқтисодий кўрсаткичлар орқали ҳам баҳолаш мумкин.

Жаҳон банкининг (ЖБ) классификацияси кўра, Сингапур давлати энг юқори даромадга эга бўлган давлатлар қаторига киради.[2] ЖБ маълумотларига кўра, жон бошига тўғри келадиган даромад бўйича Сингапур

*3.3.3-жадвал*

**ТТХИ ҳисобига яратилган инвестицион лойиҳалар ва яратилган иш ўринларининг тармоқлар бўйича таснифи.[1]**

| Тармоқлар ичидаги секторлар бўйича лидерлар | | Яратилган иш ўринлари | | |
|---|---|---|---|---|
| Секторлар | Лойиҳалар | Умумий лойиҳа сонидан қайд этган улуши, % | Сони, киши | Умумий иш ўринларининг сонидан қайд этган улуши, % |
| Дастурий таъминот | 1219 | 19 | 41025 | 15 |
| Бизнесга кўрсатиладиган хизматлар | 774 | 12 | 25601 | 9 |
| Транспорт ишлаб чиқарувчилари ва етказиб берувчилар | 472 | 7 | 64460 | 23 |
| Машина ва ускуналар | 535 | 8 | 16512 | 6 |
| Молия | 367 | 6 | 6126 | 2 |
| Озиқ-овқат саноати | 377 | 6 | 11392 | 4 |
| Транспорт ва логистика | 414 | 6 | 22183 | 8 |
| Кимё саноати | 283 | 4 | 6955 | 3 |
| Коммунал хизматларни етказиб бериш | 130 | 2 | 2964 | 1 |
| Фармацевтика | 164 | 3 | 3921 | 1 |
| Хомашё саноати | 153 | 2 | 2788 | 1 |
| Тўқимачилик, кийим-кечак ва чарм | 111 | 2 | 9027 | 3 |

[1] EY Global Investment Monitor, 2020.

[2] *Lee, K.Y.* From Third World to First: The Singapore Story 1965-2000. Singapore: Singapore Press Holdings, 2000/

жаҳонда учинчи ўринда туради. Шунингдек, инвестицион иқлимга таъсир кўрсатадиган яна битта муҳим кўрсаткич – инфляция даражасидир. Инфляция даражаси қанчалик паст бўлса, инвестицион жозибадорлик ҳам шунчалик даражада юқори бўлади. 2005 йилда Сингапурда инфляция даражаси 0,5 фоизни, 2014 йилга келиб эса 1,5 фоизни ташкил этган.

Давлатнинг ташқи савдодаги иштироки ва ўрни ҳам унинг иқтисодий ривожланганлик даражасини белгилайди. Сингапур давлати табиий ресурсларга бой бўлмаса-да, ўз эҳтиёжини уларни импорт қилиш орқали қондиради. Ишлаб чиқарган товар ва хизматларининг қарийб 50 фоизини дунё бозорига экспорт қилади. Бу эса, ўз навбатида, валюта тушумларининг ошишини таъминлайди.

Географик жойлашуви сабаб, Сингапур Жанубий-Шарқий Осиёда юқори нуфузга эга бўлган савдо ҳамкори ҳисобланади. Сингапур жаҳон рейтингида импорт ва экспорт операцияларини амалга ошириш бўйича кучли 20 талик давлатлар қаторига киришга улгурган. 2014 йилда халқаро савдо айланмаси 982701,9 млн. АҚШ долларини, шунда экспорт ҳажми – 518922,7; импорт ҳажми – 463779,1 млн. АҚШ долларини, ижобий сальдо – 55143,6 млн. долларни ташкил этган.

Экспорт таркибида энг катта улушни машина ва транспорт жиҳозлари ташкил этади (46,3%). Экспортнинг асосий истеъмолчилари Хитой (12%), Малайзия (12%), Гонконг (11%) ва Индонезия (10%) давлатлари ҳисобланади.

Халқаро савдони амалга ошириш, экспорт ва импорт операцияларининг ҳажми, унда давлатнинг иштирокини таҳлил қилиш ва баҳолаш бўйича Бутун жаҳон иқтисодий форумининг тавсиясига кўра давлатнинг халқаро савдодаги иштироки ва алоқадорлигини аниқлайдиган индекс (The Global Enabling Trade Index) бўйича ҳар йили жаҳон рейтинги кўрсаткичлари эълон қилинади. Ушбу индекс орқали давлатларнинг халқаро савдони амалга ошириш борасида яратиб берган шароити, олиб бораётган иқтисодий сиёсати, товар ва хизматларни нест-нобудсиз истеъмолчиларга етказиб бериш ва божхона имтиёзлари даражасига баҳо бериш мумкин.

Ташқи савдони амалга оширишда Сингапур ўзига хос алоҳида ўрин тутади. «Халқаро савдода давлатнинг иштироки индекси» (The Global Enabling Trade Index) бўйича Сингапур 2014, 2015 йилларда рейтингда биринчи ўринни эгаллаган. Ушбу индекс тўртта асосий кўрсаткичлардан, яъни: ички бозорга кириш учун имконият; чегарада (божхона) амалга оширилаётган маъмурий бошқарув; ишбилармонлик муҳити; транспорт коммуникациясининг ҳолатларидан таркиб топган.

Ишбилармонлик муҳитининг юқори эканлигига Сингапурнинг жаҳон капитал бозоридаги иштироки орқали ҳам баҳо бериш мумкин. Сингапур Жанубий-Шарқий Осиёда ТТХИ қабул қилувчи асосий давлатлардан бири ҳисобланади (49%). 2013 йилда кириб келган ТТХИ ҳажми 63,77 млрд. долларни ташкил этиб, бу 2000 йилга нисбатан 2 баробарга кўп демакдир. Кириб келган ТТХИ чиқиб кетган инвестициялардан юқори бўлиб, фарқ таҳлил қилинаётган йилда 26,97 млрд. долларни ташкил этган. Инвестицияларнинг кириб келиши кўпроқ молиявий хизматлар ва суғурта, қайта ишлаш саноати, улгуржи ва чакана савдога тўғри келади.

Мамлакатларнинг инвестицион сиёсатига баҳо беришда давлат томонидан ҳудудларда инвестицион муҳит жозибадорлигини ошириш бўйича амалга оширилаётган комплекс ислоҳотлар ва келажакда режалаштирилаётган чора-тадбирларнинг мазмун-моҳиятига эътибор қаратилади. Охирги пайтларда дунё тажрибасида мамлакатларнинг инвестицион муҳити жозибадорлигига баҳо беришнинг методларига бир қатор ўзгартишлар киритилиб, такомиллаштириб борилмоқда. Ушбу кўрсаткичлар инвесторларнинг қарорлари учун асосий манба вазифасини ўтаяпти.

Олдинги параграфларда бу масалага атрофлича тўхталган бўлсакда, ушбу бандда халқаро тажрибалар хусусида гап боргани учун айрим қарашларни баён этишни лозим, деб топдик.

*3.3.4 - жадвал*

**Глобал рақобатбардошлик индекси бўйича энг юқори рейтингга эга бўлган лидер-давлатлар.[1]**

| Давлатлар | 2013–2014 йй. | | 2014–2015 йй. | | 2016–2017 йй. | | 2018–2019 йй[2]. | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | Рейт. | Баҳоси | Рейт. | Баҳоси | Рейт. | Баҳоси | Рейт. | Баҳоси |
| Швейцария | 1 | 5,67 | 1 | 5,67 | 1 | 5,81 | 5 | 82,3 |
| Сингапур | 2 | 5,61 | 2 | 5,61 | 2 | 5,72 | 1 | 84,8 |
| АҚШ | 5 | 5,48 | 5 | 5,48 | 3 | 5,7 | 2 | 83,7 |
| Финляндия | 3 | 5,54 | 3 | 5,54 | 10 | 5,44 | 11 | 80,2 |
| Германия | 4 | 5,51 | 4 | 5,51 | 5 | 5,57 | 7 | 81,8 |
| Япония | 9 | 5,4 | 9 | 5,4 | 8 | 5,48 | 6 | 82,3 |
| Гонконг | 7 | 5,47 | 7 | 5,47 | 9 | 5,48 | 3 | 83,1 |
| Нидерландия | 8 | 5,42 | 8 | 5,42 | 4 | 5,57 | 4 | 82,4 |
| Буюк Британия | 10 | 5,37 | 10 | 5,37 | 7 | 5,49 | 9 | 81,2 |
| Швеция | 6 | 5,48 | 6 | 5,48 | 6 | 5,53 | 8 | 81,2 |

[1] The Global Competitiveness Index Report, 2014-2015 маълумотлари асосида тайёрланган.

[2] Жаҳон иқтисодий форумининг The Global Competitiveness Index Report 2019 нашридан бошлаб баҳолаш 1-7 шкаладан 1-100 шкалага ўтказилган.

Давлатнинг инвестицион муҳит жозибадорлигига баҳо беришда, бугунги кунда энг кўп тарқалган усуллардан бири бу – Глобал рақобатбардошлик индекси; Doing Business индекси; Давлатларнинг иқтисодий мустақиллиги рейтингидир.

Глобал рақобатбардошлик индексининг таркиби: институтларнинг сифати, инфраструктура, макроиқтисодий барқарорлик, соғлиқни сақлаш ва бошланғич таълим, олий таълим ва қайта тайёрлаш, товар ва хизматлар бозорларининг самарадорлиги, меҳнат бозорининг самарадорлиги, молия бозорларининг ривожланганлиги, технологик тараққиёт даражаси, ички бозор кўлами, компанияларнинг рақобатбардошлиги, инновацион салоҳият билан боғлиқ кўрсаткичлардан иборатдир.

3.3.4-жадвалдан кўриниб турибдики, охирги беш йилда 10 та энг юқори рейтингга эга бўлган давлатлар ичида Швейцариядан сўнг Сингапур иккинчи ўринни банд этиб келган бўлса, 2019 йилда биринчи поғонани эгаллади. Аниқ статистикага боқадиган бўлсак, олти йилдан буён Швейцария, тўрт йилдан буён эса Сингапур ушбу рейтингни бошқариб келмоқда. Мазкур давлат глобал рақобатбардошлик индексининг 12 та кўрсаткичидан 7 таси бўйича 3 ўринни, «товар ва хизматларнинг самарадорлиги» бўйича эса 1-ўринни ва «меҳнат бозорининг самарадорлиги» ва «молия бозорларининг ривожланганлиги» борасида 2-ўринни эгаллайди. Ушбу натижаларни қайд этишига мамлакатда олий таълим тизимини такомиллаштириш ва юқори малакали мутахассисларни тайёрлаш бўйича давлат томонидан олиб борилаётган чора-тадбирлар таъсир кўрсатиб келмоқда.

Жаҳон банки гуруҳи ва Халқаро молия корпорацияси томонидан эълон қилиниб келинаётган Doing Business индексида 10 йилдан бўён Сингапур 1-ўринни эгаллаб келмоқда. Олиб борилган изланишлар ва ўтказилган сўровнома натижаларига кўра, Сингапурда бизнесни очиш ва уни юритиш бўйича яратилган шароитлар ва юқори натижага эришишда давлат сиёсий тизимининг барқарорлиги, самарали иқтисодий сиёсат, юқори инвестицион имкониятнинг мавжудлиги ва инфраструктуранинг ривожланганлиги таъсир кўрсатган.

Учинчи яна бир муҳим кўрсаткич бўлмиш – мамлакатларнинг Иқтисодий мустақиллик индекси бўйича ҳам Сингапур юқори натижаларни қўлга киритган. Мазкур агрегатлашган индекс 10 та кўрсаткич асосида чиқарилади. Булар: молиявий мустақиллик, инвестициявий мустақиллик, савдо мустақиллиги, монетар мустақиллик, меҳнат мустақиллиги, тарбиркорлик мустақиллиги, ҳукуматнинг иштироки,

фискал мустақиллик, коррупцияга қарши мустақиллик, мулк дахлсизлиги (мустақиллиги).

Ушбу кўрсаткичлар 0 дан 10 баллгача баҳоланиб, унинг ўртачаси чиқарилади. Шуларни ҳисобга олиб, иқтисодий мустақиллик индекси бўйича дунё мамлакатлари 5 гуруҳга бўлинади. Биринчи гуруҳга 80 баллдан юқори балл тўплаган давлатлар киритилади. 2015 йилда мазкур гуруҳда бешта энг юқори натижага эришган давлатлар: Гонконг (89,6), Сингапур (89,4), Янги Зеландия (82,1), Австралия (81,4), Швейцария (80,5) қайд этилган.

Юқорида қайд этилган тажрибаларни ўрганиш асносида аниқ бўлдики, Сингапур тажрибасини Ўзбекистон шароитида татбиқ этиш, улардан фойдаланиш келажакда мамлакатнинг бундан-да юқори суръатларда ривожланишини, аҳолининг даромад манбаи кўпайишини таъминлашга хизмат қилади. Шунингдек, халқаро ташкилотлар томонидан ўтказиладиган сўровномаларда фаол иштирок этиш, жаҳон мамлакатларининг инвестицион жозибадорлигини кўрсатадиган рейтингларнинг барчасида Ўзбекистоннинг ҳам иштирокини таъминлаш бўйича ишларни амалга ошириш келажакда инвесторларнинг инвестицияларни киритиш бўйича қарорларига ижобий таъсир кўрсатади.

Маълумки, хорижий инвестицияларнинг мамлакатга кириб келишини таъминлашда ҳудуднинг инвестицион муҳит жозибадорлиги асосий ўрин эгаллайди. Шу муносабат билан, кейинги саҳифаларда Ирландиянинг тажрибасини ҳам ўрганиб чиқсак.

Ирландиянинг ривожланиши ва иқтисодиётига оқиб бораётган инвестициялар ҳажмининг юқори бўлишлигини давлат томонидан олиб борилаётган иқтисодий сиёсатнинг тўғри ва самарали юритилаётгани билан изоҳлаш мумкин. Бугунги кунда мазкур давлатда саноат маҳсулотларини ишлаб чиқаришнинг 2/3 қисми хорижий компанияларга тўғри келади. Хорижий инвестициялар туфайли иқтисодий ўсиш таъминланиб келинмоқда.

Инвестицион фаолиятни назорат қилиш ва унинг самарадорлигини ошириш мақсадида Ирландияда махсус агентлик – The Industrial Development Authority тузилган бўлиб, 1960 йилдан агентлик юқори салоҳиятли инвесторларни қидириб топиш, уларнинг фаолиятини асосан экспортга йўналтириш билан шуғулланиб келади. Давлат томонидан хорижий компанияларга фискал имтиёзлар ва илм-фан, таълимни ривожлантириш учун дискрецион субсидиялар тақдим этиб келинади. Шулар туфайли ҳам Ирландияга кириб келаётган инвестициялар оқими йилдан-йилга ошиб борган.

Ҳолбуки, Ирландия давлатининг ташкил топганига унчалик ҳам кўп вақт бўлмаган. У 1949 йилда Британия мустамлакасидан мустақил давлат бўлиб чиққан. 1970–1980 йилларда ҳам Европада иқтисодий жиҳатдан энг паст ривожланишга эга бўлган давлатлардан бири эди. 1980 йилда давлатнинг бош стратегияси мамлакат иқтисодиётини ҳар томонлама технологик ва молиявий секторга айлантиришга қаратилди. Ва натижада, Ирландия Осиё ва Америка қитъаси мамлакатлари учун Европага кириш учун қўналға вазифасини ўтай бошлади.

Жалб этилган ва кириб келган барча инвестициялар эркин иқтисодий зоналар: Шэннон ва Дублин орқали амалга оширилди. Инвесторларга 0 киймат бўйича солиқ имтиёзлари таклиф этилди. Бунинг натижасида, Ирландияда жаҳонга машҳур бўлган IT-корпорациялар: Apple, Google, Amazon, Microsoft, Facebook, Oracle, IBM, Intel, Dell, Hewlett-Packard; жаҳон фармацевтика бозорида юқори мавқега эга бўлган компаниялар: Glaxo Smith Kline, Pfizer, Novartis, Allergan, MerckCo, Schering-Plough ҳамда медицина бўйича юқори технологияли жиҳозларни ишлаб чиқарувчи йирик корхоналар: JohnsonJohnson, BauschLomb, Abbott, Boston Scientific ўз филиалларини, штаб-уйларини очишга муваффақ бўлди.

Ирландияда давлат томонидан инвестицион муҳитни янада яхшилаш ва хорижий инвесторларнинг бемалол фаолият олиб боришини таъминлаш билан боғлиқ бўлган барча масалалар, чора-тадбирлар, инвестицион дастурлар ишлаб чиқилиши илмий асосда олиб борилади. Инвестицион фаолликни ошириш мақсадида мамлакат ҳудудларида бир қанча илмий текшириш институтлари, технопарклар ва технологик кластерларнинг фаолият олиб бориши таъминланган. Юқорида қайд этганимиздек, Агентлик томонидан хорижий инвесторлар ва хорижий компаниялар учун солиқлар бўйича бир қатор имтиёзлар тақдим этилади.

1999 йилдан бошлаб Ирландияда Европа Иттифоқининг (ЕИ) талабига мувофиқ норезедентлар учун ноль миқдордаги солиқ солиш ставкаларининг бекор қилинганлиги мамлакат инвестицион жозибадорлигининг пасайишига олиб келди. Бироқ, Ирландиянинг ЕИ қўшилиши билан ушбу масала яна олдинги ҳолига қайтди.

Ирландияда ўз бизнесини очиш учун телекоммуникация технологиялари, компьютер тизимлари, парфюмерия ва косметика, фармацевтика, махсус кимёвий элементлар, медицина жиҳозларини ишлаб чиқарувчиларнинг юқори қизиқишларига роялти, ижара ҳақи, ссуда фоизларига, шунингдек, жисмоний шахсларнинг ихтиролар учун олинган

патентлардан ҳосил бўлган даромадларига қаратилган солиқларнинг мавжуд эмаслиги сабаб бўлган.

Бугунги кунда Ирландия иқтисодиёти жаҳон бозорларининг ҳолатига, у ердаги ўзгаришларга қаттиқ боғланиб қолгани учун ҳам хорижий инвестицияларнинг фаоллиги юқори бўлмоқда. Шуни таъкидлаш лозимки, Ирландия аҳолининг турмуш даражаси ва бюджетга тушаётган маблағларнинг тушиши бўйича кучли 10 талик мамлакатлар қаторидан жой олган. Бюджет маблағларининг катта қисми аҳолини таълим олиши, соғлиқни сақлаш, жамиятнинг ижтимоий ривожланиши ва маданияти учун сарфланади. Ирландия жуда кичик давлат бўлганлиги учун солиқларни ҳаддан ортиқ ошира олмайди. Қолаверса, солиқларнинг оширилиши, ўз-ўзидан, хорижий инвесторларнинг ушбу ҳудуддан чиқиб кетишига олиб келади.

Бугунги вазиятини таҳлил қиладиган бўлсак, жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози Ирландия иқтисодиётига ҳам сезиларли таъсир кўрсатди. ЯИМнинг пасайиши, иш ўринларининг қисқариши ва ишсизлар сонининг ортиши содир бўлди. Айниқса, 25-30 ёшлардаги аҳолининг иш излаб АҚШ, Германия, Буюк Британияга жўнаб кетиш (миграцияси) ҳолатлари тезлашди.

Хулоса ўрнида таъкидлаш лозимки, ривожланган мамлакатларнинг тажрибаси, босиб ўтган йўли, иқтисодий ривожланишни таъминлаш йўлида мамлакатнинг инвестицион муҳитини соғломлаштириш борасида қабул қилган қонунлари, ишлаб чиққан қарорларини ўрганиш, инвестицияларни кенгроқ жалб этиш бўйича ишлаб чиққан усул ва услубларининг керакли жиҳатларини Ўзбекистон шароитига татбиқ этиш муҳим масалалардан ҳисобланади. Зеро, тўпланган тажрибаларни мамлакатнинг ўзига хос хусусиятларини инобатга олган ҳолда татбиқ этилиши, таваккалчиликни пасайтиришга, мавҳумликнинг олди олинишига, юқори самарадорликнинг таъмин этилишига олиб келади.

Чунки тайёр тажрибалар вақт синовидан ўтган бўлади. Энг асосийси, йиллар давомида қўлланилиб келинаётган усуллар такомиллашиб боради. Шунинг учун ҳам илғор тажрибалардан фойдаланиш муваффақиятнинг асоси бўлиб хизмат қилади. Мулоҳазаларни чуқурлаштирган ҳолда, таъкидлаш ўринлики, Ўзбекистон учун ҳам инвестиция соҳасини либераллаштириш, унинг жозибадорлигини ошириш бўйича ислоҳотларни давом эттириш, республикада эркин иқтисодий ҳудудларни ташкил этиш бўйича ҳуқуқий базани янада такомиллаштириш юзасидан хорижий тажрибалардан унумли фойдаланиш тараққиётнинг гарови ҳисобланади.

***Куз йўлига бир назар ташланг: ҳозиргина ундаги хазонларни супуриб ташлашди, у эса яна қуриган барглар билан қопланди.***

**Франц Кафка**

## 3.4. МАМЛАКАТ ҲУДУДЛАРИ ИНВЕСТИЦИОН ЖОЗИБАДОРЛИГИНИ БАҲОЛАШНИНГ ҚИЁСИЙ ТАҲЛИЛИ ВА УНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЙЎЛЛАРИ

Инвестор учун мамлакатнинг инвестицион жозибадорлигини баҳолаш, унинг имкониятларини ҳисобга олиш муҳим масала саналади. Шунинг учун ҳам инвестор томонидан турли рейтинг агентликлари, халқаро ташкилотлар томонидан мамлакат/ҳудуднинг инвестицион ва бизнес муҳити индекси бўйича чоп этиладиган ҳисоботлар мунтазам равишда кузатиб борилади.

Бугунги кунда Ўзбекистонга хорижий инвесторларнинг инвестицион маблағларини жалб этиш бўйича бир қатор масала ва муаммоларнинг ҳалигача очиқ қолаётганини таъкидлаш лозим бўлади. Иқтисодиётга хорижий маблағларни жалб этишда давом этиб келаётган паст кўрсаткичнинг сабабларини аниқлаш мақсадида Ташқи ишлар вазирлиги (ТИВ) Ўзбекистонда ишлаш тажрибасига эга хорижий сармоядорлар, бизнесменлар ва молия ташкилотларининг экспертлари ўртасида сўровнома ўтказган. Улар Ўзбекистонга сармоя оқимини тўхтатиб қўяётган қатор омил ва шароитларнинг баъзилари сифатида қуйидагиларни санаб ўтишган:

- валюта конвертацияси ва фойдани репатриация қилиш;
- банк-кредит тизимининг такомиллашмагани;
- сармоядорлар ҳуқуқларининг заиф ҳимояси ва етарли даражада самарали бўлмаган суд тизими;
- маъмурий-бюрократик тўсиқлар (кўплаб хорижий компаниялар ўз фаолиятини амалга ошириш учун лицензия ва рухсат олиш тартиб-қоидаларидан норози);
- паст инвестиция рейтинги.[1]

Аввал ҳам маълум қилганимиздек (монографиянинг 1.1-, 1.2-параграфлари ҳақида сўз кетмоқда), глобаллашув шароитида мамлакатлар-

[1] Ўзбекистон Республикасининг Ташқи ишлар вазири Абдулазиз Комиловнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати ялпи мажлисидаги нутқи (Тошкент шаҳри, 27-май 2017 й.). http://www.mfa.uz/uz/about/speech/2017/05/11127/

нинг инвестицион жозибадорлигини аниклайдиган (хисоблайдиган) бир канча методлар мавжуд бўлиб, улар оркали давлатларни бир-бири билан солиштириш имконияти яратилади. Шулардан бир нечтасини, яъни 1.1-, 1.2-параграфларда изоҳи келтирилмаган методларни киёсий таҳлил килиш оркали ўз мулоҳазаларимизни давом эттирамиз.

Маълумки, Жаҳон банкининг «Бизнесни юритиш», Бутунжаҳон иктисодий форумининг «Глобал ракобатбардошлик индекси», Тинчлик учун жамғармасининг эса «Давлатларнинг фаолиятсизлик индекси» каби рейтинг кўрсаткичлари каторида мамлакатлар худудларининг бевосита инвестицион жозибадорлигини баҳолайдиган: «Эксперт РА», «Forbes» журнали ва МДҲ мамлакатлари учун яхши таниш бўлган Н.И.Климов методларидан кенг фойдаланилади.

Россия Федерацияси минтакаларининг инвестицион жозибадорлигини баҳолашда «Эксперт РА» рейтинг агентлиги методидан кенгрок фойдаланилмокда. Ушбу метод схематик тарзда 29-иловада ўз аксини топган.

Мазкур моделда иккита параметр: потенциал ва рискнинг таъсир кўрсатиш вазнига караб баҳо берилади. Ҳудуднинг рейтинги 12 та гуруҳга бўлинган соҳалар бўйича аникланади. Потенциал боғликлик ҳар бир худуд рейтинги тавсифи бўйича координаталар текислиги, яъни ордината ўкида худуднинг бир фоизлик салоҳиятига тўғри келадиган инвестицияларнинг умумий ҳажми, обсцисса ўкида эса инвестицион риск индекси жойлаштирилади.[1]

Шунингдек, иктисодий ҳаётнинг турли кирраларини акс эттирувчи «Forbes» журналида инвестицион жозибадорлик 6 та гуруҳли параметрлар бўйича баҳоланади. Булар: ижтимоий тавсифлар; аҳолининг тўлов кобилияти; ишбилармонлик муҳити; инкирозларга карши тура олиш; инфраструктура; кулайлик. Ҳар бир гуруҳ параметрининг вазни ўз бизнесини ташкил килишга ва аҳолининг эхтиёжларини кондиришга каратилган потенциал инвесторнинг кизикишлари оркали баҳоланади. Гуруҳ кўрсаткичлари бўйича энг юкори натижага эришган худуднинг рейтинг бали ҳам юкори бўлади (11-илова).

В.И.Климов томонидан ишлаб чикилган методикада инвестиция муаммосига айрича назар ташланган. «Инвестициялар» тушунчасининг бирламчи аҳамият касб этиши ва «инвестицион муҳит», «инвестицион фаоллик», «инвестицион жоизибадорлик» тушунчалари эса ҳосилавий

[1] *Блюм Е.А.* Обзор методик оценки инвестиционного потенциала региона // Молодой учёный. 2013. №7. стр. 137–141.

аҳамиятга эга экани қайд этилган. Бунда инвестицион фаоллик «жараён» категориясини, қолганлари эса «ҳолат»ни англатади. Муаллиф томонидан инвестиция ва унинг ҳосиласи бўлган тушунчалар ўртасидаги боғлиқлик аломатлари график кўринишида қисқа вақт оралиғи бўйича изоҳланган. Аниқ кўрсаткичлар миқдори (X, Y, E) бўйича баҳолаш натижалари асосида минтақаларнинг инвестицион жозибадорлиги даражалари: мақбул (соғлом) инвестицион иқлимга эга бўлган ҳудудлар; ўртача инвестицион иқлимга эга бўлган ҳудудлар; номақбул ивестицион иқлимга эга бўлган ҳудудлар; жуда ҳам номақбул инвестицион муҳитга эга бўлган ҳудудларга бўлинади.

Аммо шуни таъкидлаш лозимки, ушбу методика айрим камчиликлардан ҳам ҳоли эмас. Масалан, инвестицион иқлим ва ҳудуднинг фаоллиги ўртасида математик боғлиқлик мавжуд эмас. Шунинг учун муаллиф (*Ш.М.*) томонидан бошқа бир қатор методикалар таҳлил этилиб,




**3.4.1-расм.** ***Мамлакат ҳудудларининг инвестицион жозибадорлигини аниқлаш омиллари.***

қуйидаги метод бўйича ҳудудларнинг инвестицион жозибадорлигини баҳолайдиган комплекс омиллар гуруҳи таклиф этилади (3.4.1-расм). Ундан олдин юқорида изоҳи келтирилган методларнинг устун (ижобий) ва заиф (салбий) томонларини қиёсий таҳлил қилиб кўрсак.

Юқорида қайд этган методларни қиёсий таҳлил қилиш орқали шунга амин бўлдикки, инвесторлар учун қулай ва бой маълумотларни ўз ичига қамраб олган метод сифатида «Эксперт РА» рейтинг агентлиги томонидан эълон қилиб бориладиган ҳудудларнинг инвестицион жозибадорлиги индекси ҳамда «Forbes» журналининг методикасини қайд этиш мумкин. В.И.Климов методикасининг илмий асосланганлик даражаси юқори бўлса-да, аммо у ҳам маълум камчиликлардан ҳоли эмас. Учта методиканинг ўзига хос ижобий ва салбий томонлари мавжуд (12-илова).

Мазкур методикалар бўйича мамлакат/ҳудудларнинг инвестицион жозибадорлигига баҳо берилганда бой статистик маълумотлар, ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар, экспертларнинг баҳоси ва бошқа муаммога алоқадор бўлган сўровномалар таҳлил этилади. Шунингдек, оммавий ахборот воситалари орқали чоп этилган ахборотлар, маълумотлар ва олимларнинг тадқиқотлари ҳамда кичик бизнеснинг ривожланганлик даражасига тегишли бўлган кўрсаткичлардан кенг фойдаланилади.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ҳудуднинг ривожланиши ва аҳолини даромад билан таъминлашнинг асосий манбаларидан биридир. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик иқтисодиётнинг барча соҳа ва тармоқларида мавжуд бўлганлиги боис ҳам унинг ривожланишини таъминлаш стратегик омиллардан ҳисобланади. Айнан ушбу соҳанинг ривожланиши мамлакат/ҳудуднинг ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан ривожланишини ҳамда инвестицион жозибадорликнинг мустаҳкамланишини таъминлайди.

Ўзбекистон ҳудудларининг инвестицион жозибадорлигини аниқлаш учун зарур бўладиган омилларни комплекс тарзда 32-иловада келтирилган намунавий жадвалда акс этган кўрсаткичлар орқали баҳо бериш, бизнингча, энг мақбул ҳисобланади.

**Инвестицияларнинг ҳудудлар бўйича таркиби.** Инвестицион жозибадорликни баҳолаш методларини такомиллаштириш билан боғлиқ мулоҳазаларни баён этишдан олдин, Ўзбекистон ҳудудларига йўналтирилаётган инвестициялар динамикасини таҳлил қилиб кўрсак. Зеро, ҳудудларнинг инвестицион фаоллиги ва инвестицион муҳит жозибадорлигининг ҳолати ҳамда ҳудудлар кесимида жон бошига тўғри келадиган

*3.4.1 - жадвал*

**Асосий капиталга киритилган инвестициялар миқдори, %.**

| Ҳудудлар | 2000 | 2001 | 2002 | 2003 | 2004 | 2005 | 2006 | 2007 | 2008 | 2009 | 2010 | 2011 | 2012 | 2013 | 2014 | 2015 | 2016 | 2017 | 2018 | 2019 | 2020 |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| Жами | 100 | 100 | 100 | 100 | 100 | 100 | 100 | 100 | 100 | 100 | 100 | 100 | 100 | 100 | 100 | 100 | 100 | 100 | 100 | 100 | 100 |
| Қорақалпоғистон Республикаси | 4,82 | 3,92 | 4,98 | 6,70 | 6,63 | 4,72 | 5,24 | 10,17 | 8,77 | 5,21 | 2,99 | 4,96 | 5,13 | 8,23 | 11,12 | 14,22 | 7,54 | 3,91 | 5,44 | 4,47 | 4,04 |
| Андижон | 4,93 | 4,75 | 4,06 | 5,96 | 3,31 | 4,12 | 3,49 | 3,36 | 3,83 | 3,55 | 3,60 | 4,53 | 5,08 | 4,49 | 4,04 | 3,99 | 3,80 | 4,14 | 3,79 | 3,80 | 4,33 |
| Бухоро | 4,19 | 4,28 | 6,26 | 4,59 | 6,65 | 8,24 | 8,36 | 12,32 | 12,47 | 19,50 | 13,49 | 11,08 | 9,99 | 10,01 | 9,67 | 9,28 | 11,77 | 16,10 | 7,74 | 5,29 | 5,57 |
| Жиззах | 2,34 | 4,38 | 4,58 | 2,48 | 2,38 | 2,44 | 2,38 | 1,81 | 2,10 | 1,84 | 2,35 | 2,61 | 2,98 | 3,53 | 2,95 | 2,64 | 2,53 | 2,48 | 2,90 | 4,03 | 6,42 |
| Қашқадарё | 16,70 | 17,56 | 14,84 | 16,00 | 12,91 | 14,42 | 18,73 | 14,80 | 19,10 | 17,50 | 11,02 | 11,74 | 12,62 | 12,19 | 12,72 | 13,42 | 12,80 | 15,49 | 13,30 | 12,49 | 9,86 |
| Навоий | 6,19 | 7,80 | 5,86 | 7,35 | 5,48 | 7,24 | 8,77 | 7,36 | 5,23 | 4,69 | 11,11 | 7,62 | 7,13 | 5,65 | 4,69 | 4,04 | 5,74 | 0,06 | 8,52 | 9,01 | 7,94 |
| Наманган | 5,63 | 4,48 | 3,94 | 3,91 | 3,67 | 3,41 | 3,50 | 3,84 | 3,25 | 3,82 | 3,52 | 3,38 | 3,33 | 3,69 | 4,59 | 4,72 | 4,78 | 4,97 | 6,57 | 6,17 | 5,93 |
| Самарқанд | 5,72 | 4,66 | 4,19 | 5,57 | 5,98 | 6,43 | 5,78 | 5,17 | 4,22 | 4,40 | 6,09 | 6,38 | 6,07 | 6,67 | 6,38 | 6,85 | 6,80 | 6,08 | 5,68 | 5,24 | 6,65 |
| Сурхондарё | 3,72 | 4,06 | 3,47 | 4,37 | 4,17 | 5,40 | 5,23 | 4,88 | 3,60 | 4,08 | 3,71 | 3,80 | 3,71 | 4,35 | 3,80 | 3,92 | 3,82 | 4,92 | 5,83 | 6,04 | 4,91 |
| Сирдарё | 2,30 | 1,86 | 1,83 | 1,61 | 2,06 | 1,72 | 2,04 | 1,51 | 1,61 | 1,65 | 2,50 | 3,15 | 2,76 | 2,80 | 2,63 | 2,40 | 2,21 | 2,26 | 2,17 | 3,00 | 3,55 |
| Тошкент | 8,13 | 8,24 | 9,36 | 8,66 | 9,75 | 10,66 | 8,43 | 8,74 | 8,66 | 9,95 | 9,85 | 11,67 | 8,21 | 10,40 | 10,62 | 9,73 | 7,70 | 8,23 | 9,04 | 10,39 | 9,40 |
| Фарғона | 7,04 | 8,34 | 10,27 | 5,32 | 4,57 | 5,13 | 4,41 | 4,62 | 5,07 | 5,29 | 5,54 | 6,42 | 6,10 | 6,62 | 5,67 | 5,12 | 4,74 | 4,09 | 4,46 | 4,43 | 5,60 |
| Хоразм | 3,47 | 3,98 | 4,52 | 2,35 | 4,71 | 2,00 | 2,81 | 2,79 | 1,93 | 1,75 | 2,33 | 3,04 | 3,07 | 4,00 | 4,16 | 3,22 | 2,93 | 3,02 | 2,43 | 2,57 | 3,30 |
| Тошкент ш. | 24,54 | 21,27 | 21,22 | 25,00 | 27,74 | 23,44 | 20,79 | 18,64 | 20,17 | 16,02 | 21,57 | 19,62 | 23,83 | 17,35 | 16,94 | 16,45 | 21,70 | 18,81 | 21,28 | 21,67 | 22,17 |

**М а н б а:** Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида тузилган.

капитал қўйилмаларнинг ҳажми орқали мамлакатнинг инвестицион жозибадорлигига баҳо бериш имкони яратилади.

Йиллар кесими бўйича ҳудудларга (вилоятлар) йўналтирилган инвестицияларнинг (асосий капиталга) тақсимоти нотекис бўлган (тақсимланган). 2000 йилда ҳудудлар иқтисодиётига йўналтирилган инвестицияларнинг қиймати ва уларнинг улушига эътибор қаратадиган бўлсак, ўртача республика кўрсаткичидан Тошкент шаҳри, Қашқадарё, Тошкент ва Фарғона вилоятларининг улуши юқори бўлгани ҳолда, колган барча ҳудудларнинг улуши ўртачадан паст бўлган.

Энг паст кўрсаткич Сирдарё вилоятига тўғри келади (2,3 фоиз). Бозор муносабатларининг чуқурлашуви ва иқтисодиётни модернизация қилиш бўйича амалга оширилган чора-тадбирлар, қабул қилинган миллий дастурлар туфайли 2020 йилда Тошкент шаҳрининг умумреспублика кўрсаткичидаги улуши 22,17 фоизни ташкил этган, Фарғона, Қашқадарё вилоятларида пасайиш кузатилган (3.4.1-жадвал).

2010 йилга келиб (2005 йилга нисбатан) Қорақалпоғистон Республикаси, Андижон, Жиззах, Қашқадарё, Сурхондарё, Тошкент вилоятлари ва Тошкент шаҳрида пасайиш намоён бўлган. 2016 йилда ўртача республика кўрсаткичидан юқори бўлган ҳудудларнинг сони тўрттани ташкил этган. Таҳлил қилинаётган йилларда (2016 йил давомида) Сирдарё вилояти мазкур кўрсаткич бўйича энг охирги ўринни банд этиб келган.

**Инвестицияларнинг тармоқлар бўйича таркиби.** Инвестицияларнинг тармоқлар бўйича таркибида уй-жой қурилиши юқори улушга (умумий инвестиция ҳажмининг 22,3%и) эга. Шунингдек, хом нефть ва табиий газ қазиб олишни (15,7%) ўз ичига оладиган тоғ-кон саноати (17,6%), ишлаб чиқариш саноати (14,0%), ташиш ва сақлаш фаолият турида (10,5%) ўзлаштирилган инвестициялар улуши ҳам юқоридир.

Шу билан бирга, ишлаб чиқариш саноатида ўзлаштирилган инвестициялар тузилмасидаги асосий улуш кимё маҳсулотлари ишлаб чиқариш (15,2%), тўқимачилик маҳсулотлари ва кийим ишлаб чиқариш (14,9%), бошқа нометалл минерал маҳсулотлар ишлаб чиқариш (13,7%), озиқ-овқат маҳсулотлари, ичимликлар ва тамаки маҳсулотлари ишлаб чиқариш (13,2%) ва металлургия саноати (10,9%) соҳаларига тўғри келмоқда.

Хорижий инвестицияларнинг тармоқ тузилмасида хом нефть ва табиий газ қазиб олишни (45%) ўз ичига оладиган тоғ-кон саноати 45,4%ни ташкил этди. Шунингдек, хорижий сармоядорлар томонидан ишлаб чиқариш саноати (12,9%), ташиш ва сақлаш (12,9%), электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондициялаш (12%), ахборот ва алоқа (7%)

ҳамда иқтисодий фаолиятнинг бошқа бир қатор соҳаларига инвестициялар киритилди.

2016 йилда умумий қиймати 5,2 млрд. доллар бўлган 164 та йирик инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш якунланди. Шу жумладан, «Таллимаржон ИЭСда 450 МВт қувватли иккита буғ-газ турбинаси қуриш», «Ангрен ИЭСда кўмир кукунидан фойдаланишга мўлжалланган 150 МВт қувватли энергия блоки қуриш», «Жиззах вилоятидаги цемент заводини кенгайтириш» амалга оширилди.

Шунингдек, «JM Ўзбекистон» акциядорлик жамиятида «Т-250» русумидаги енгил автомобиллар ишлаб чиқаришни ташкил қилиш», «Мис қуюв заводида янги қуюв печи қуриш», «Мойлисой кони қурилиши», «Индорама Қўқон текстиль» хорижий корхонасида йигирув корхонаси ташкил этиш (IV-босқич)», Андижон вилояти Булоқбоши туманидаги «Фантекс» масъулияти чекланган жамиятида йигирув корхонаси ташкил қилиш», «Сирдарё вилоятидаги «Guliston Med Texnika» қўшма корхонасида стерил шприцлар ишлаб чиқариш» ва бошқа лойиҳалар шулар жумласидандир.

Аҳоли жон бошига хорижий инвестицияларни жалб этиш кўрсаткичи 2016 йилда 121,8 долларни, жумладан, тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар бўйича 79,4 долларни ташкил этиб, бу кўрсаткичлар ривожланаётган мамлакатларда ўртача 129,0 долларни, ўтиш иқтисодиёти мамлакатларида 160,0 долларни ташкил этмоқда. Ҳудудлар кесимида асосий инвестициялар ҳажми (нефть-газ соҳасидаги лойиҳалар ва йирик инвестиция лойиҳаларини ҳисобга олмаган ҳолда) Тошкент шаҳри, Тошкент ва Андижон вилоятларига (61%дан зиёд) тўғри келмоқда. Энг кичик кўрсаткичлар эса Бухоро (1,4%), Жиззах (1,7%) ва Навоий (1,9%) вилоятларида кузатилмоқда. Сўнгги икки ҳудудда эркин иқтисодий зоналар ташкил этилганига қарамасдан, уларга киритилган инвестициялар пастлигича қолмоқда.

Шу билан бирга, республиканинг 10 та, хусусан, Қоровулбозор, Ғиждувон, Шофиркон, Бойсун, Қизириқ, Бахмал, Зафаробод, Миришкор, Сардоба ва Хозарасп туманларида хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар мавжуд эмас. Шунингдек, 2017 йил бошига хорижий инвестициялар иштирокидаги 185 та корхона фаолият кўрсатмаётган бўлиб, шундан 183 таси ҳудудлар бўйсинувидаги, жумладан, Тошкент шаҳри (61), Тошкент (59), Самарқанд (17), Наманган (11), Бухоро (5) ва Жиззах (5) вилоятларига тегишли корхоналардир.[1]

[1] Ўзбекистон иқтисодиёти. Ахборот-таҳлилий бюллетень. 2016 йил январь-декабрь. Иқтисодий тадқиқотлар маркази. – Т.: 2017.

## УЧИНЧИ БОБ БЎЙИЧА ХУЛОСА

**1.** Ҳудудлар салоҳиятини комплекс баҳолаш методикаларини ўрганиш, уларни таҳлил қилиш асносида мамлакатимиз ҳудудларининг иқтисодий-ижтимоий салоҳиятини аниқлашда иқтисодиётнинг қуйидаги соҳалари бўйича индикаторларни ҳисоблаш тизимини йўлга қўйиш мақсадга мувофиқдир:

- меҳнат (аҳолининг сони, иқтисодий фаол аҳолининг улуши, аҳолининг олий маълумотга эга бўлган қатлами);
- ишлаб чиқариш (ишлаб чиқариш ҳажми, корхоналарда мавжуд бўлган асосий воситаларнинг қолдиқ қиймати);
- молиявий (солиқ, бюджетнинг солиқсиз даромадлари, бюджет харажатлари, асосий капиталга йўналтирилган инвестициялар);
- табиий (қишлоқ хўжалик ерлари, қишлоқ хўжалигида яратилган товар ва хизматлар, фойдали қазилмалар);
- транспорт (автомобиль йўлларининг узунлиги, темир йўлларнинг узунлиги, ташилган юкларнинг ҳажми);
- инфратузилма (оқава сувлар, электр тармоғининг қуввати, аҳоли турар жойларининг табиий газ билан таъминланганлик даражаси).

Ушбу индикаторлар бўйича ҳудудларнинг иқтисодий салоҳиятини баҳолаш худудий бошқарув органлари учун тезкор қарорларни қабул қилишда, шунингдек, ҳудудий дастурларни ишлаб чиқишда қулайлик яратиш билан бир қаторда, ҳудудларни комплекс ривожланишини ҳам таъминлашга хизмат қилади. Бунинг учун эса, қуйидаги методологик муаммоларни ҳал этиш муҳимдир:

- ижтимоий-иқтисодий салоҳият ва унинг компонентларига иқтисодий категория ва статистик ўрганиш объекти сифатида қараш;
- мавжуд бўлган ресурслар ҳажми характеристикаси, уларнинг таркиби, сифати ва бошқа бир қатор параметрлари бўйича ҳудуд салоҳиятини аниқлаш кўрсаткичлари тизимини ишлаб чиқиш;
- салоҳиятнинг турли элементларини баҳолаш методологиясини яратиш;
- ҳудуд ижтимоий-иқтисодий салоҳиятининг йўқолишини (пасайиб боришини) баҳолайдиган методологияни ишлаб чиқиш;
- ҳудуд салоҳиятидан ноқонуний ва хуфёна фойдаланиш ҳолатларини акс этувчи методологияни ишлаб чиқиш;
- ҳудуднинг ижтимоий-иқтисодий салоҳиятидан самарали фойдаланиш бўйича методологияни яратиш.

- бозор шароитида ҳудуднинг ижтимоий-иқтисодий салоҳиятини ривожлантириш омилларини ва уларнинг таъсир қилиш кўламини аниқлаш бўйича методологияни ишлаб чиқиш ва ҳ.к.

**2.** Ҳудудларни инвестицион салоҳиятини баҳолаш бўйича услубиёт ҳуднинг инвестицион жозибадорлиги ва ундаги инвестицион фаоллик ўртасидаги объектив ҳолда мавжуд бўлган ўзаро алоқадорлигини ҳисобга олади, бу эса, инвестицион иқлимни яхшилаш бўйича ҳудудий дастурларни ишлаб чиқишда муаммоли нукта ва кўрсаткичларни аниқлашга имкон беради.

Инвестиция муҳити микроиқтисодиёт даражасида икки томонлама, яъни инвестор ва аниқ давлат органлари, хўжалик субъектлари ўртасидаги муносабатларда ўз аксини топади. Инвестиция муҳити ҳар қандай аниқ вақт учун объектив ҳолат бўлиб, капитал қўйиш учун мавжуд шароитларнинг мажмуасини ўзида қамраб олади. Инвестиция муҳити давлат органларининг бошқариш фаолияти таъсирида шаклланади. Шунинг учун давлатнинг инвестиция сиёсати энг асосий омиллардан ҳисобланади.

**3.** Таъкидланган фикрлар, ўрганилган тадқиқот натижаларини умумлаштирган ҳолда, Ўзбекистоннинг халқаро майдонда тутган ўрни ва мавқеини ошириш, иқтисодий ривожланишини бундан-да юқори суръатларда бўлишини таъминлаш, аҳолининг даромад манбаини кенгайтириш, ТТХИ кириб келиши учун имкониятларни кенгайтириш, ҳудудларнинг инвестициявий жозибадорлигини янада ошириш учун, бизнинг фикримизча, қуйидаги чора-тадбирларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

*Биринчидан*, Ўзбекистоннинг бир қатор халқаро рейтингларда иштирокини таъминлаш ва мавжуд рейтинг кўрсаткичларида эгаллаган ўрнининг пастлигига қарши ижтимоий-иқтисодий, сиёсий-ҳуқуқий ва комплекс тадбирларни амалга ошириш;

*Иккинчидан*, инвестицион муҳит жозибадорлигига таъсир кўрсатадиган омилларни аниқлаш, уларнинг таъсир доирасини ҳисоблаб чиқиш бўйича қуйидаги схемадан фойдаланиш таклиф этилади:

| БИЗНЕС УЧУН ИМКОНИЯТЛАР | БИЗНЕС УЧУН ШАРОИТЛАР | ҲАЁТ КЕЧИРИШ УЧУН МАСКАНЛАР |
|---|---|---|
| • Бозорларнинг жозибадорлиги<br>• Иқтисодий-молиявий барқарорлик<br>• Иқтисодий-географик ҳолат | • Меҳнат ресурслари<br>• Офис учун майдонлар<br>• Ер ва ишлаб чиқариш майдони<br>• Коммунал инфраструктураси<br>• Транспорт инфраструктураси<br>• АТ-инфраструктураси<br>• Молиявий инфраструктура | • Турмуш даражаси сифати<br>• Таълим сифати<br>• Соғлиқни сақлаш сифати<br>• Ижтимоий хавфсизлик<br>• Экология<br>• Маданий ривожланиш |

- Сиёсий барқарорлик
- Ишбилармонлик даражаси ва фаоллиги

- Илмий-тадқиқотлар ва ихтиролар
- Солиқлар
- Тартибга солиш механизми
- Маъмурий топшириқлар

- Уй-жойлар
- Дам олиш масканлари
- Транспорт
- Ҳудудий муҳит

**ДАРОМАДЛИЛИК** | **СИФАТ**

*Кучимизни қирқадиган даражада эмас, балки кучимизга куч қўшадиган миқдорда еб-ичайлик.*

**Цицерон**

# 4 - Б О Б.

# ЎЗБЕКИСТОН ҲУДУДЛАРИНИНГ ИНВЕСТИЦИОН ЖОЗИБАДОРЛИГИНИ ОШИРИШНИНГ АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ

## 4.1. ИНВЕСТИЦИОН МУҲИТ ЖОЗИБАДОРЛИГИ ТАЛҚИНИДА ХОРИЖИЙ ИНВЕСТИЦИЯЛАРНИ ЖАЛБ ЭТИШ ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШНИНГ ЗАМОНАВИЙ МАСАЛАЛАРИ

Мамлакатимиз иқтисодиётини юксалтириш, замонавий техника ва технологиялар билан жиҳозланган янги корхоналарни барпо этиш, реконструкция қилиш учун хорижий инвестицияларни жалб қилиш ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Бу, авваламбор, аҳоли бандлиги, унинг даромадларини ошириш каби муҳим ижтимоий муаммоларни ечиш имкониятини беради. Шу боисдан ҳам, мамлакатимизга хорижий инвестицияларни жалб этаётган корхоналарни иқтисодий ва молиявий томондан рағбатлантириш, уларга зарурий шароитларни яратиб беришни давлат сиёсати даражасида кўтариш ҳар жиҳатдан мақбул йўл ҳисобланади. Зотан, мамлакат иқтисодиётининг етакчи тармоқ ва соҳаларига хорижий инвестицияларни киритмасдан туриб, иқтисодиётда таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, ишлаб чиқаришни техник ва технологик жиҳатдан модернизациялаш, шунингдек, рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш мумкин эмас.

Миллий иқтисодиётни ривожлантиришда хорижий инвестицияларнинг аҳамияти қуйидагилар билан изоҳланади:

- маҳаллий ишлаб чиқаришга замонавий техника ва технологияларнинг жорий этилиши таъминланади;
- республика иқтисодиёти учун янги бўлган замонавий касблар пайдо бўлади, қўшимча ва янги иш ўринлари ташкил этилади, иқтисодиётда бандлар сони кўпайиб, аҳолининг даромади ўсади;
- аҳолининг меъёрдаги турмуш даражасини таъминлаш ҳамда ижтимоий-иқтисодий эҳтиёжларини қондириш имконияти ошади;

- экспортга мўлжалланган маҳсулотларни ишлаб чиқариш кенгаяди. Бу эса, ўз навбатида, валюта тушумининг ошишига олиб келади;
- импорт ўрнини босувчи товар ва хизматлар ишлаб чиқарилиши йўлга қўйилади (валюта чиқиб кетишининг олди олинади);
- корхона ва ташкилотларнинг маънавий ва жисмоний жиҳатдан эскирган ишлаб чиқариш қувватлари истеъмолдан чиқиб, моддий-техник базаси янгиланади, ресурслар унумдорлиги ошади.

Шуларни эътиборга олиб, мамлакатимизда таркибий ўзгаришларни янада чуқурлаштириш, реал сектор корхоналарининг инвестиция фаолиятини жадаллаштириш, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан қайта қуроллантириш дастурларини амалга оширишда, аввало, тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларга устуворлик қаратилмоқда. Бунинг учун, энг аввало, мамлакатнинг инвестицион муҳит жозибадорлигини таъминлаш талаб этилади.

Ривожланган давлатлар тажрибасининг гувоҳлик беришича, чет эл инвестицияларининг иқтисодиётга жалб қилиниши мазкур давлатларнинг юксак даражада тараққий топишида ҳал қилувчи омил вазифасини ўтаган.

Дунёда инвестицияларни жойлаштириш ва инвестицияларни жалб қилиш бўйича рақобат шиддат билан давом этмоқда. Бир томондан, трансмиллий компанияларнинг ривожланиб бораётганлиги, иккинчи томондан, ресурсларга эгалик қилиш борасида бозорларни тақсимлаш ва қайта тақсимлаш билан боғлиқ тадбирларнинг фаоллашуви, учинчидан, глобаллашув шароитида жаҳонни қуршаб олган молиявий инқирознинг юқори таъсири, сиёсий вазиятларнинг нобарқарорлиги каби омиллар инвесторларнинг қарорларида ҳал қилувчи роль ўйнамоқда.

Келажакда маълум бир фойдани кўзлаб ҳаракат қилаётган инвестор ўз маблағининг тегишли қисмини бугуннинг ўзида қурбон қилиш билан боғлиқ таваккалчиликка қўл уради. Бунинг учун инвестор халқаро майдонда юз бераётган вазиятни, инвестициялар бозорида рўй бераётган иқтисодий-ижтимоий тенденцияларни таҳлил қилиши, иқтисодий-молиявий, ижтимоий-сиёсий соҳаларда ҳукуматлар томонидан қабул қилинаётган қарорларни кузатиб бориши талаб этилади.

Хорижий инвестициялар иштирокидаги корхонани ташкил этиш сабабларининг асосан уч туркумини ажратиб кўрсатиш мумкин. Буларга:

**Ички сабаблар:**

- яратилган инвестиция муҳитидан фойдаланиш;
- бошқарувнинг янги усулларини ўзлаштириш;

- замонавий ва энг қулай тартибга эришиш;
- маҳаллий ишчи кучи ресурсларидан самарали фойдаланишни кенгайтириш;
- хориж бозорига кириб боришни тезлаштириш;
- ижтимоий, маданий ва сиёсий билимларни кенгайтириш;
- ходимлар малакасини ошириш.

**Ташқи сабаблар:**

- жаҳон бозорига чиқиш;
- соғлом ва самарали рақобат муҳити;
- сиёсий кескинликнинг юмшаши;
- маҳаллий ҳокимиятнинг талаблари.

**Стратегик сабаблар:**

- мамлакатда замонавий иш юритиш усулларидан фойдаланиш имконияти;
- мустаҳкам хом ашё базасига эга бўлиш;
- технологиялар трансферти;
- ишлаб чиқаришни кенгайтиришдан иборат.[1]

Хорижий инвестицияларни импорт ва экспорт қилишнинг ягона сабаби корпорацияларнинг (инвесторлар) даромадини ошириш ҳамда рискларни пасайтириш ҳисобланади. Хорижий инвестицияларнинг фаоллашувига трансмиллий компаниялар (ТМК) иқтисодий самарадорлиги ва фойда нормасининг ошиши таъсир кўрсатади. ***Хорижий инвестициялар экспорти ва импортига таъсир кўрсатадиган макроқтисодий сабабларга қуйидагиларни келтириш ўринлидир:***

- жаҳон хўжалиги субъектлариаро молиявий, меҳнат ва материал ресурсларнинг нотекис тақсимланганлиги;
- табиий-экологик шарт-шароитларнинг турличалиги;
- реал капитал ресурсларининг бир ҳудудда меъёридан ортиқча тўплангани, бошқа ҳудудларда эса етишмаслиги;
- молиявий маблағларнинг тўпланиб қолгани;
- жаҳон давлатларида инвестицион шароит ва уни ривожлантириш бўйича олиб борилаётган сиёсатларнинг турличалиги.

Юқорида қайд этилганидек, айни дамда хорижий инвестицияларнинг бир давлатдан иккинчи давлатга импорт ва экспорт қилиш ҳиссаси кўпроқ ТМ компаниялар ва ТМ банкларга тўғри келади. Улар томони-

[1] *Маҳмудов Н.М, Маджидов Ш.А.* Инвестицияларни ташкил этиш ва молиялаштириш. Ўқув қўлланма. – Т.: ТДИУ, 2010. 89-90-б.

дан янги истеъмол бозорларини эгаллаш, хом ашё ва меҳнат ресурслари бозорига яқинлашиш иштиёқи юқорилиги сабаб капиталнинг ҳаракати содир бўлади.

Капитални экспорт қилишнинг асосий сабаблари сифатида тубандагиларни келтириш ўринлидир:

1. ***Технологик жиҳатдан биринчи бўлишга интилиш.*** Корпорациялар томонидан илмий-техника ва фан ютуқларига кўпроқ маблағ ажратган ҳолда сотув ҳажмини кенгайтириш, юқори технологияларни яратиш ва ишлатиш бўйича биринчиликни қўлдан бой бермасдан туриб илдам мавқега эга бўлиш. Бундай харажатларнинг умумий харажатлардаги улушининг юқори бўлиши тўғридан-тўғри инвестициялар экспорти ҳажмининг кўп бўлишини ёки аксинча эканлигини таъминлайди.

2. ***Ишчи кучи салоҳияти ва малакаси.*** Ушбу омилни аниқлашда меҳнатга тўланадиган ҳақнинг даражаси, қиймати ҳисобга олинади. Корпорацияларда меҳнатга тўланадиган иш ҳақининг юқорилиги инвестициялар экспорти ҳажмининг ўсишини таъминлайди.

3. ***Рекламани амалга оширишда устуворликка эга бўлиш.*** Корпорацияларнинг рекламага йўналтираётган харажати билан корпорациянинг сотув ҳажми ва ТТХ инвестицияларни экспорт қилиш ўртасида тўғридан-тўғри боғлиқлик мавжуд.

4. ***Масштаб самараси.*** Дастлаб корпорациялар ички бозорнинг эҳтиёжларини қондириш учун ўз имкониятларини максимал равишда ишга солади (масштаб самарасидан фойдаланган ҳолда), ундан кейин эса, бўш маблағларни даромад олишни кўзлаб четга экспорт қилади. Шунинг учун ҳам корпорациянинг ички (миллий, маҳаллий) бозорларда улуши қанчалик юқори бўлса, четга тўғридан-тўғри инвестицияларни экспорт қилиш ҳажми ҳам шунчалик юқори бўлади.

5. ***Корпорациянинг ўлчами.*** Корпорациянинг ўлчами (катта-кичиклиги) билан инвестициялар экспорти ҳажми ўртасида тўғридан-тўғри боғлиқлик мавжуд.

6. ***Ишлаб чиқаришнинг концентрациялашуви.*** Маълум бир товарни ишлаб чиқариш бўйича концентрациялашув даражасининг юқори бўлиши (корпорациялар кесими бўйича) шунчалик даражада тўғридан-тўғри инвестициялар экспортининг ҳам юқори бўлишидан дарак беради. Улар ўртасида тўғридан-тўғри боғлиқлик мавжуд.

7. ***Табиий ресурсларга эгалик қилиш даражаси.*** Корпорацияларнинг бирор бир табиий ресурсга бўлган эҳтиёжининг юқорилиги туфайли, ушбу ресурсга эга бўлган давлатларга инвестицияларнинг кириб келиши кўпаяди.

Шуни алоҳида қайд этиш лозимки, инвестицияларни экспорт қилишга сабаб бўладиган омилларнинг бир қисми: технологик жиҳатдан биринчи бўлишга интилиш; ишчи кучининг малакавий даражаси; рекламани амалга оширишда устуворликка эга бўлиш; масштаб самараси; корпорациянинг ўлчами; ишлаб чиқаришнинг концентрациялашуви каби омиллардан ташқари қуйидаги омиллар инвестициялар импортига таъсир кўрсатади:

1. ***Капиталга бўлган эҳтиёж.*** Корпорацияларнинг капиталга бўлган эҳтиёжи, ҳажми ва инвестициялар импорти ўртасида тўғридан-тўғри боғлиқлик мавжуд.

2. ***Миллий филиалларнинг ҳажми.*** Республика ичида корпорация филиалларининг, уларга бўйсунувчи бўлинмаларнинг кўп бўлиши тўғридан-тўғри инвестициялар импорти ҳажмининг ҳам юқори бўлишини таъминлайди.

3. ***Ишлаб чиқариш харажати.*** Қабул қилувчи давлатда ишлаб чиқариш харажати даражаси билан тўғридан-тўғри инвестициялар импорти ҳажми ўртасида тескари боғлиқлик мавжуд.

4. ***Ички товарлар бозорининг хавфсизлик даражаси.*** Ички товарлар бозорининг юқори муҳофазаси (божхона тарифларини тартибга солиш орқали) инвестициялар импорти оқимининг кўпайишига олиб келади.

5. ***Бозор ҳажми.*** Мамлакатнинг ички бозор ҳажми билан инвестициялар импорти ўртасида тўғридан-тўғри боғлиқлик мавжуд.

6. ***Бошқа омиллар.*** Тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ҳисобига саноатнинг эскпортга ихтисослашганлиги, мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожланишни таъминлашга қаратилган давлат дастурларининг мавжудлиги.

Тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар оқимини мамлакат иқтисодиётига йўналтириш билан бир қаторда, ижтимоий-сиёсий масалалар ҳам ҳал этилади. Глобаллашув шароитида инвесторларнинг қарорларига нафақат иқтисодий нафлик, балки ижтимоий нафлик ҳам сезиларли таъсир кўрсатади.

Корпорацияларнинг маблағларини чет элга жойлаштириш ҳамда хорижий бозорларни эгаллашнинг 6 та ташкилий-ҳуқуқий шакли кенг тарқалган:

- хусусий корхона ташкил этиш (wholly-owned operations);
- фаолият юритаётган корхонани сотиб олиш (acquisitions);
- қўшма корхона (jointventures);
- лицензия ёки франчайзинг тақдим этиш;

- дистрибьютерлик ёки агентлик битими;
- ваколатхона ташкил этиш.

Бугунги кунда республикамизда хорижий инвестицияларни жалб қилишнинг бир қанча шаклларидан фойдаланилмоқда. Улар қуйидаги 4.1.1-расмда акс эттирилган.

Республикада ўтказилаётган иқтисодий сиёсат жаҳон иқтисодий ҳамжамиятига интеграция жараёнини фақат давлатнинг таркибий тузилиши бўйича эмас, балки хусусий сектор даражасида ҳам жадаллашишини назарда тутади.




**4.1.1-расм.** ***Хорижий инвестицияларни жалб қилиш шакллари.***[1]

Хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарни барпо этиш қуйидаги босқичларни ўз ичига олмоқда: корхонани ташкил этиш сабабларини инобатга олиш; ишончли шерик танлаш; хорижий инвестициялар иштирокидаги корхона барпо этиш ҳақида қарор қабул қилиш.

Ўз-ўзидан равшанки, инвестиция муҳитига ижобий ва салбий таъсир кўрсатадиган омиллар ҳам мавжуд. Уларни гуруҳлаган ҳолда қуйидагича талқин қилиш мумкин (4.1.2-расм). Мамлакатнинг сиёсий тизими ва макроиқтисодий барқарорлиги, инвесторлар манфаатини ҳимоя қиладиган ҳуқуқий кафолатларнинг яратилганлиги. Шунингдек, хом ашё ресурсларининг мавжудлиги, ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва уни сотиш учун қулай инфратузилманинг ривожланганлиги ҳамда улар учун тақдим этиладиган солиқ ва божхона имтиёзларининг даражаси.

Корхоналарнинг инвестицион фаолиятини ривожлантириш истиқболлари инвестицион дастур доирасида ҳамда алоҳида илмий асослан-

---

[1] Муаллиф томонидан тузилган.

ган лойиҳаларни ишлаб чиқиш орқали амалга оширилади. Инвестицион лойиҳалар турли шакл ва мазмунга эга бўлиб, улар корхоналарни барпо этиш, турли объектларни қуриш, иқтисодий, ижтимоий, экологик ва бошқа мақсадларни амалга оширишга йўналтирилади.

Республикамизда хорижий инвестицияларни жалб қилиш йўли билан радиоэлектроника, электроника соҳаларини ривожлантиришга катта эътибор берилиши иқтисодиётнинг юқори саноатлашганлиги белгиси ҳисобланади. Шунингдек, енгил ва озиқ-овқат саноати учун асбоб-ускуналар, қишлоқ хўжалиги учун кичик механизация воситалари ишлаб чиқаришни таъминловчи бошқа истиқболли тармоқлар, халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш соҳаларини ривожлантириш, ишлаб чиқариш учун техника ва технологияларни, яъни асосий воситаларни ишлаб чиқарадиган тармоқларни ташкил этиш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш бугунги куннинг талаби ва жаҳон иқтисодиётида ўз ўрнимизга эга бўлишнинг зарурий омилидир.




**4.1.1-расм.**[1]

Юқорида зикр этилганидек, бугунги кунда инвестиция муҳитига бир қатор салбий омиллар ҳам ўз таъсирини кўрсатмоқда. Булар сирасига мавжуд инфратузилмалардан фойдаланишдаги муаммоларни келтириш ўринлидир. Шунингдек, солиқ, божхона, банк соҳасида ва инвесторларга ер ажратиш билан боғлиқ тўсиқлар ҳам тез-тез учраб турибди (4.1.3-расм).

Бугунги кунда хусусий мулк ва хусусий тадбиркорликнинг жадал ривожланиши учун зарур шароит ва имкониятлар яратиш, уларни таш-

[1] Муаллиф томонидан тузилган.

қил этиш ва фаолиятини йўлга қўйиш тартибини янада соддалаштириш, жиноий ва маъмурий қонунчиликни либераллаштириш ҳисобидан тадбиркорларга янада кенгроқ эркинлик беришда инвестиция иқлими ва ишбилармонлик муҳитини янада яхшилаш, тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришни рағбатлантириш самарадорлигини оширишга оид қўшимча чора-тадбирлар дастурининг қабул қилиниши катта аҳамият касб этмоқда.[1]

Таркиби олтита қисм ва 46 банддан иборат бўлган мазкур дастурда:

- тадбиркорлик субьектлари ва инвесторлар фаолиятини тартибга соладиган қонунчиликни янада такомилаштириш ва эркинлаштириш;
- жойларда давлат бошқаруви ва давлат ҳокимияти органлари билан тадбиркорлик субъектларининг ўзаро муносабатларида самарадорликни ошириш, шаффофликни таъминлаш;
- тадбиркорлик субъектлари фаолиятини қўллаб-қувватлаш ва мувофиқлаштиришнинг институционал тизимини янада такомиллаштириш;
- тадбиркорлик субъектларини кредитлаш механизмини такомиллаштириш, банк ва молия инфратузилмаси сифатини ошириш, тадбиркорлик субъектларига кўрсатиладиган хизматлар таркибини кенгайтириш;
- солиқ маъмуриятчилигини соддалаштириш, янада такомиллаштириш ва сифатни бошқариш стандартларини татбиқ этиш;
- корпоратив бошқарув тизимини такомиллаштириш ва хусусий мулкдорлар ролини ошириш каби йўналишлар киритилган.

Давлат ва ҳукумат бошқарувининг меъёрий-хуқуқий ҳужжатларида ишбилармонлик муҳитини янада такомиллаштириш, максимал даражада қулай инвестиция иқлимини яратиш, давлат ва хўжалик бошқаруви органлари фаолиятининг очиқ-ойдинлигини оширишда, инвестиция иқлими ва ишбилармонлик муҳитини такомиллаштиришда «ON-LINE-мониторинг» автоматлаштирилган ахборот тизимининг жорий этилиши муҳим ўрин тутади.

Мазкур автоматлаштирилган ахборот тизим «2015-2019 йилларда ишлаб чиқаришни таркибий ўзгартириш, модернизациялаш ва диверсификация қилишни таъминлаш чора-тадбирлари дастури»да белгилаб бе-

[1] Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасида инвестиция иқлими ва ишбилармонлик муҳитини янада такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2014 йил 7 апрелдаги ПФ-4609-сон Фармони. //www/lex.uz

рилган прогноз кўрсаткичлар бажарилишини ҳамда ушбу дастурга кирган инвестиция лойиҳаларининг ўз вақтида ва самарали амалга оширилишини таъминлаш бўйича мониторинг ишларида алоҳида аҳамият касб этади.[1]

Айни чоғда, 2015 йилнинг 15 май куни қабул қилинган хусусий мулк, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ишончли ҳимоя қилишни таъминлаш, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этишга оид чора-тадбирлар ишбилармонлик муҳити ва бизнес шароитнинг янада яхшиланиши борасидаги ишлар таъсирчанлигини оширади.[2] Фармон тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш йўлидаги мавжуд тўсиқ ва чекловларни тугатиш, хусусий мулк улушини изчил ошириш учун янада қулай иқтисодий, ҳуқуқий шароитлар ҳамда рағбатлар яратишда янги босқични бошлаб бергани билан ҳам аҳамиятлидир.

Ушбу ўринда жаҳон инвестициялар бозорида юз бераётган ўзгаришларга тегишли бўлган таҳлилларга ўтишдан олдин, Ўзбекистон иқтисодиётига йўналтирилган хорижий инвестициялар тўғрисидаги фикр-мулоҳазаларни мустаҳкамлаб олсак.

Қуйида келтирилган жадвалда мамлакатимизга жалб қилинган хорижий инвестициялар, шунингдек, тўғридан-тўғри киритилган инвестицияларнинг йиллар бўйича ўзгариши динамикаси ўз аксини топган (4.1.1-жадвал). Статистик маълумотларнинг гувоҳлик беришича, 2000 йилда иқтисодиётга йўналтирилган хорижий инвестицияларнинг умумий ҳажми 172,3 млрд. сўмни ташкил этган. Шундан 14,5 фоизи ТТХИ-га тўғри келган. 2005 йилда хорижий инвестициялар ҳажми 2000 йилга қараганда қарийб 5 баробарга кўпайиб, 687 млрд. сўмни ташкил этган. Иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини таъминлаш, уни сифат нуқтаи назаридан самарадорлигини оширишга қаратилган инвестицион сиёсат туфайли 2010 йилда ТТХИнинг умумий хорижий инвестициялардаги улуши 68,5 фоизга етган.

Глобал молиявий-иқтисодий инқирознинг кейинги тўлқини дунё мамлакатлари иқтисодиётини қамраб олган даврда Ўзбекистонга четдан кириб келган хорижий инвестицияларнинг умумий ҳажми 4340,9 млрд.

[1] Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2015–2019 йилларда ишлаб чиқаришни таркибий ўзгартириш, модернизациялаш ва диверсификация қилишни таъминлаш чора-тадбирлари дастури тўғрисида». 2015 йил 4 мартдаги ПФ-4707-сон Фармони. //www.lex.uz

[2] Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Хусусий мулк, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ишончли ҳимоя қилишни таъминлаш, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2015 йил 15 майдаги ПФ-4725-сон Фармони. //www.lex.uz.

сўмга етиб, ТТХИ улуши энг юқори кўрсаткични, яъни 87 фоизни намоён этган. 2015 йилда ТТХИларнинг қиймати 6133,1 млрд. сўмга етди. Бу 2010 йилга қараганда 1,63 баробар кўп эканлигидан далолат берадиган кўрсаткичдир.

Таҳлил қилинаётган йилларда республиканинг бошқа ижтимоий-иқтисодий кўрсаткичларида ҳам ўзига хос ўзгаришлар рўй берганини қайд этиш ўринлидир. Монографиянинг иловалар қисмида (21-илова) келтирилган статистик маълумотларда 2000 йилда Ўзбекистон аҳолисининг умумий сони 24487,7 минг кишини, ишлаб чиқарилган ЯИМ ҳажми эса жорий нархларда 3255,6 млрд. сўмни ташкил этган. 2015 йил якунлари бўйича республика аҳолисининг умумий сони 31022,5 минг кишига, ишлаб чиқарилган товар ва хизматларнинг умумий ҳажми эса 171369,0 млрд. сўмга етган.

Агар ушбу маълумотларни миқдорий ва сифат кўрсаткичлари орқали изоҳлайдиган бўлсак, бунинг учун жон бошига ҳамда ривожланаётган мамлакатларнинг худди шу кўрсаткичлар бўйича натижаларини қиёсий

*4.1.1-жадвал*

**Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётига жалб қилинган тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ҳажми.**

| Йиллар | ХИ, млрд. сўм | ТТХИ, млрд. сўм | ТТХИ умумий ХИ ҳажмидаги улуши, фоизда |
|---|---|---|---|
| 2000 | 172,3 | 24,9 | 14,5 |
| 2001 | 369.5 | 63,7 | 17,2 |
| 2002 | 306.2 | 80,5 | 26,3 |
| 2003 | 479.5 | 151,9 | 31,6 |
| 2004 | 660.0 | 292,1 | 44,2 |
| 2005 | 687.0 | 470,5 | 68,5 |
| 2006 | 748.3 | 541,2 | 72,3 |
| 2007 | 1447.7 | 1216,1 | 84,0 |
| 2008 | 2863.9 | 2376,3 | 83,0 |
| 2009 | 4058.1 | 3487,5 | 86,0 |
| 2010 | 4340.9 | 3778,4 | 87,0 |
| 2011 | 3853,8 | 3215,2 | 83,4 |
| 2012 | 4653,3 | 3668,6 | 78,8 |
| 2013 | 5532,7 | 4315,5 | 78,0 |
| 2014 | 6980,1 | 5489,4 | 78,6 |
| 2015 | 8309,5 | 6133,1 | 73,8 |

**Манба:** Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида тайёрланган.

таҳлил қилиш ва баҳолаш мақсадга мувофиқ бўлади. Шунда аниқ ва мантиқий хулоса қилиш имконияти юзага чиқади.

Маълумки, Ўзбекистон аҳолиси ўртача ҳар йили 1,6 фоиздан кўпайиб боради (22-илова). Демак, жон бошига тўғри келадиган иқтисодий кўрсаткичларнинг юқори бўлишини таъминлаш учун битта банд аҳолига тўғри келадиган ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш ҳажмини йилдан-йилга (аҳолининг ўсиш суръатидан юқори ҳажмда) ошириб бориш талаб этилади. Бунинг учун эса кам энергия сарфловчи ва юқори унумдорликка эга бўлган техника ва технологияларни сафарбар этиш, уни ишлатадиган ва кенг кўламда фойдалана оладиган ишчи кучининг малакасини ошириш, замонавий менежментнинг илғор усулларини амалиётга жорий этиш лозимдир.

Бунда ТТХИ кўламини жадаллаштириш, корпоратив бошқарувнинг асосий принципларини кенг ҳажмда корхоналар, компаниялар фаолиятига татбиқ этиш муҳимдир. Айни дамда, республикамизда мавжуд асосий воситаларнинг катта қисми жисмоний ҳамда маънавий жиҳатдан эскирган. Шуларни инобатга олиб, ҳукумат томонидан айнан ТТХИларнинг иқтисодиётга кўпроқ кириб келишига устуворлик берилаётгани ҳам бежиз эмас.

Статистик рақамлар таҳлилига назар соладиган бўлсак, абсолют қийматда жон бошига ЯИМ ҳажми 2010 йилда 1778,2 минг сўм, 2015 йилда 5475,1 минг сўмни ташкил этган. ЯИМ умумий ҳажми ушбу йилда жорий нархларда 171369,0 млрд. сўмга тенг бўлган.

Мазкур йилда республика бўйича асосий воситаларнинг жами қиймати 179854,8 млрд. сўм бўлган (4.1.2-жадвал).

Вилоятлар кесимида таҳлил қиладиган бўлсак, қаерда ишлаб чиқариш кучлари кўпроқ жойлашган бўлса, ўша ҳудудда яратилган ЯҲМ ҳажми ҳам юқори бўлган. Масалан, 2014, 2015 йилларда Тошкент шаҳрида мавжуд бўлган асосий фондларнинг жорий қиймати энг юқори бўлганлиги (*44718,7 млрд. сўм, 14 та иқтисодий-маъмурий ҳудудлар бўйича 1-ўринни эгаллаган*) муносабати билан яратилган ЯҲМ ҳам бошқа ҳудудларга қараганда энг юқори ўринни (*26 648,7 млрд. сўм*) намоён этган.

Тошкент вилоятида мавжуд ва яроқли бўлган асосий фондларнинг умумий қиймати Тошкент шаҳридан кейинги ўринни эгаллаган. Ушбу йилларда товар ва хизматларнинг умумий ҳажми, яъни ЯҲМ 16558,6 млрд. сўмни ташкил этиб, 14 та маъмурий ҳудудлар ичида иккинчи ўринни банд этган. Иккита омил ўртасида юқори иқтисодий боғлиқлик мавжудлигини назарда тутадиган бўлсак, асосий фондларнинг қийматига

*4.1.2 - жадвал*

**Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий-иқтисодий кўрсаткичларининг йиллар бўйича динамикаси**

| Кўрсаткичлар | 2010 | 2011 | 2012 | 2013 | 2014 | 2015 | $\bar{y}$ | Абсалют ўзгариш $\Delta_{баз.}=y_i-y_0$ | Ўсиш суръати $Ў_{баз}=y_i/y_0$ | Ўсиш суръатининг ўзгариши, фоизда $\Delta Ў_{баз}=(\Delta_{базис}/y_0)*100$ |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| Аҳоли сони, минг киши | 28 001,4 | 29 123,4 | 29 555,4 | 29 993,5 | 30 492,8 | 31 022,5 | 29698,17 | 3 021,10 | 1,11 | 10,79 |
| Ялпи ички маҳсулот, млрд. сўм | 62 388,3 | 78 764,2 | 97 929,3 | 120 861,5 | 145 846,4 | 171 369,0 | 112859,8 | 108 980,70 | 2,75 | 174,68 |
| Аҳоли жон бошига тўғри келадиган ЯИМ, минг сўм | 2 184,3 | 2 684,6 | 3 289 | 3 996,3 | 4 741,8 | 5 475,1 | 3728,517 | 3 290,80 | 2,51 | 150,66 |
| Аҳоли жон бошига тўғри келадиган ўртача даромад, минг сўм | 1 668,1 | 2 133,3 | 2 601,9 | 3 163,6 | 3 583,3 | 3 928,8 | 2846,5 | 2 260,70 | 2,36 | 135,53 |
| Асосий фондларнинг қиймати | 85 912,0 | 102 575,9 | 123 707,6 | 147 794,5 | 179 854,8 | 203595,7 | 140573,4 | 117 683,70 | 2,37 | 136,98 |
| Асосий капиталга киритилган инвестициялар, млрд.сўм | 15 338,7 | 17 953,4 | 22 797,3 | 28 694,6 | 35 233,3 | 41 670,5 | 26947,97 | 26 331,80 | 2,72 | 171,67 |
| Жон бошига тўғри келадиган инвестициялар, минг сўм | 543,4 | 611,9 | 405,1 | 948,8 | 1 145,5 | 1 331,4 | 831,0167 | 788,00 | 2,45 | 145,01 |
| Хорижий инвестиция ва кредитлар миқдори | 4340,8 | 3853,8 | 4653,3 | 5532,7 | 6980,1 | 8309,5 | 5611,7 | 3 968,70 | 1,91 | 91,43 |
| Хорижий инвестиция ва кредитларнинг асосий капиталга киритилган жами инвестициялардаги улуши, фоизда | 28,3 | 21,5 | 20,4 | 19,3 | 19,8 | 19,9 | 21,54 | -8,4 пунктга | 0,71 | – |
| Саноат маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳажми, млрд. сўм | 34 499,1 | 42 158,8 | 51 059,3 | 64 354,7 | 75 194,2 | 97 598,2 | 60810,72 | 63 099,10 | 2,83 | 182,90 |
| Аҳоли жон бошига саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми, минг сўм | 1 207,8 | 1 436,9 | 1 714,9 | 2 127,9 | 2 444,7 | 3 118,3 | 2008,42 | 1 910,50 | 2,58 | 158,18 |
| Иқтисодий фаол аҳоли сони, минг киши | 12 286,6 | 12 541,5 | 12 850,1 | 13 163,0 | 13 505,4 | 13 767,7 | 13019,05 | 1 481,10 | 1,12 | 12,05 |
| Банд аҳоли сони, минг киши | 11 628,4 | 11 919,1 | 12 223,8 | 12 523,3 | 12 818,4 | 13 058,3 | 12361,88 | 1 429,90 | 1,12 | 12,30 |
| Ишсизлар сони, минг киши | 658,2 | 622,4 | 626,3 | 639,7 | 687,0 | 709,4 | 657,17 | 51,20 | 1,08 | 7,78 |
| Ўртача йиллик номинал ҳисобланган иш ҳақи, минг сўмда | 504,8 | 628,0 | 739,7 | 866,0 | 1 007,9 | 1 171,7 | 819,68 | 666,90 | 2,32 | 132,11 |

**Манба:** Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси ва Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги маълумотлари асосида тузилган.

қараб ҳам республика вилоятларининг ЯҲМларига баҳо бериш мумкиндир (4-иловада келтирилган).

4.1.2-жадвалда акс этган статистик маълумотларни таҳлил қилиш орқали қуйидаги хулосаларга келиш мумкин.

Аввал таъкидлаганимиздек, аҳоли сонининг ўсишига нисбатан маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмининг ўсиш суръатидан юқори бўлиши масштаб самарасининг ўсувчанлигидан далолат беради. Ишлаб чиқаришда мусбат (ўсувчан) масштаб самарасига эга бўлишлик жон бошига тўғри келадиган ишлаб чиқариш ҳажми, жон бошига тўғри келадиган даромаднинг ошиши, шунингдек, омил унумдорлиги (маҳсулдорлиги)нинг ўсишидан дарак беради.

2015 йилда аҳоли сонининг мутлақ қўшимча ўсиши 3021,1 минг кишини ташкил этган. Бу кўрсаткич орқали таққосланувчи давр даражаси таққосланадиган даврдан, яъни 2010 йилга нисбатан қанча бирликка катта эканини яққол кўриш мумкин. Худди шу кўрсаткич ЯИМда – 108980,7 млрд. сўмни, асосий капиталга киритилган инвестицияларда – 26331,8 млрд. сўмни, жон бошига тўғри келадиган инвестицияларда 788 минг сўмни ташкил этган.

Фикримизча, мутлақ ўзгариш кўрсаткичи таҳлил жиҳатидан камчиликлардан ҳоли эмас, чунончи, у ходиса ўзгаришидаги интенсивликни яққол ифодаламайди. Шунинг учун ҳам 4.1.2-жадвалнинг кейинги устунидаги динамик қаторлар нисбий кўрсаткичларни ҳисоблаш орқали тўлдирилди.

Таҳлилларга кўра, аҳоли сонининг ўсиш суръатига нисбатан ушбу кўрсаткичлар: ЯИМ, аҳоли жон бошига тўғри келадиган ЯИМ, аҳоли жон бошига тўғри келадиган ўртача даромад, асосий фондларнинг қиймати, асосий капиталга киритилган инвестициялар ҳажмининг ўсиш суръати юқори бўлган. Демак, жорий давр даражаси базис давр даражасига нисбатан бир неча маротаба кўп эканлигидан далолат беради.

Ушбу маълумотлар таҳлил этилганда, ўзаро бир-бирига боғлиқ бўлган нархлар индексини ҳам инобатга олиш лозим. Кўпгина ҳолларда инфляциянинг таъсири, унинг йиллик ўзгаришини инобатга олмаслик оқибатида хато хулосалар ясалишига олиб келади.

Шу боисдан ҳам, динамик (вақтлар) қатори бўйича таҳлиллар амалга оширилганда кўрсаткичларнинг таққосламалигини таъминлаш керак. Бунинг учун улар нафақат бир хил ўлчов бирликларида ва аниқлик даражасида ифодаланиши, балки, шу билан бирга, замон ва макон жиҳатидан таққослама бўлиши лозим.




**4.1.4-расм.** ***Ҳудудлар кесимида асосий капиталга киритилган инвестицияларнинг жон бошига тўғри келиши, минг.сўм.***[1]

Ҳудудларнинг имконияти ва мавжуд табиий ресурсларнинг ҳолати, ҳудудларни ўрта ва узоқ муддатли ривожланиш дастурларига мувофиқ режа асосида турли манбалар ҳисобига инвестициялар (асосий капиталга) йўналтирилмоқда. 2000 йилдаги манзарани таҳлил қиладиган бўлсак, турли молиялаштириш манбалари ҳисобидан умумреспублика бўйича жон бошига тўғри келган инвестициялар 30.2 минг сўмга тенг бўлган.

Умумреспублика кўрсаткичидан юқори бўлган ҳудудлар сони таҳлил қилинаётган йилда учтани ташкил этган (Тошкент шаҳри, Навоий ва Қашқадарё вилоятлари) бўлса, 2015 йил ҳолатида эса 6 та ҳудуднинг натижаси ўртача умумреспублика кўрсаткичидан юқори бўлган (4.1.4-расм).

Албатта, бундай ўзгаришларнинг бўлиши табиий жараён ҳисобланади. Чунки ўзлаштирилган маблағларнинг ичида геология-қидирув ишларининг натижаси билан нефть ва газ ресурсларини ўзлаштириш бўйича жалб этилган инвестициялар ҳисобига ҳудудларнинг жон бошига тўғри келадиган инвестициялар ҳажми турли даврларда турлича бўлган.

[1] Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлигининг маълумотлари асосида тайёрланган.




**4.1.5-расм.** ***2015 йил учун Ўзбекистоннинг инвестиция дастури***

Ушбу борада ҳам ҳудудлар ўртасидаги соғлом рақобатни кучайтириш мақсадга мувофиқ ҳисобланади. 2015 йилга мўлжалланган Ўзбекистон Республикасининг инвестицион дастурида барча маблағлар ҳисобидан 40605781 миллион сўм[1]га тенг бўлган капитал қўйилмаларнинг сарфланиши кўзда тутилган эди (4.1.5-расм).

Ушбу муҳим жиҳатлар, глобаллашув жараёнларидаги ўзгаришлар, халқаро инвестициялар бозорида юз бераётган ҳолатлар, тенденциялар сабаб Ўзбекистон Республикаси ўзининг ўрта муддатли стратегиясини, ривожланиш концепциясини ишлаб чиқиши ва уни изчил, комплекс ва тезкорлик билан амалга ошириши мамлакат тараққиётининг кейинги босқичи учун пойдевор бўлишини инобатга олиб, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармонида 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини «Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили»да амалга оширишга оид Давлат дастурида айнан, вилоят, туман ва шаҳарларни комплекс ва мутаносиб ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга қаратилган масалалар устувор йўналиш сифатида белгилаб берилди.

[1] Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2014 йил 17 ноябрдаги ПҚ-2264-сон «Ўзбекистон Республикасининг 2015 йил учун инвестицион дастури тўғрисида»ги Қарори, www.lex.uz

**Ҳаракатлар стратегиясидан ўрин олган чора-тадбирларни амалга ошириш учун қуйидаги сарф-харажатларнинг йўналтирилиши режалаштирилган:**[1]

– 20172021 йилларда умумий қиймати 40 миллиард АҚШ доллари миқдоридаги 649 та инвестиция лойиҳасини назарда тутувчи тармоқ дастурларини рўёбга чиқариш режалаштирилмоқда. Натижада, кейинги 5 йилда саноат маҳсулотини ишлаб чиқариш 1,5 баравар, унинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши 33,6 фоиздан 36 фоизгача, қайта ишлаш тармоғи улуши 80 фоиздан 85 фоизгача ошади.

– Жами харажатлар учун 37687,8 млрд. сўм ва 8349,3 млн. АҚШ доллари ажратилади. Шундан:

| № | Молиялаштириш манбалари | Миллий валютада, млрд. сўм | АҚШ долларида, минг доллар |
|---|---|---|---|
| 1. | Давлат бюджети ва давлат мақсадли жамғармалари маблағлари | 5 263,1 | 1 625,8 |
| 2. | Ижрочилар ва хайрия ташкилотлари маблағлари | 15 423,0 | 311 510,0 |
| 3. | Тижорат банклари кредитлари | 16 941,2 | – |
| 4. | Халқаро ташкилотлар, молия институтлари маблағлари ва беғараз ёрдам | 60,5 | 8 036 157,8 |

Бир жиҳатни қайд этиш лозимки, хорижий инвесторлар диққатини тортиш учун мамлакатимиз ҳудудларининг инвестицион жозибадорлигини ошириш масалаларини ҳал этиш лозимдир. АҚШнинг Гарвард мактаби мутахассисларининг таъкидига кўра, мамлакатнинг инвестицион жозибадорлигига баҳо беришда: хорижий ва миллий инвесторлар учун яратилган қонунчилик базаси, капитални мамлакат ҳудудидан олиб чиқиб кетиш имконияти, миллий валютанинг барқарорлиги, мамлакатдаги сиёсий вазият, инфляция даражаси ва миллий капиталдан фойдаланиш имконияти каби омиллар таъсир кўрсатади.[2]

Йиллар ўтгани сайин потенциал инвесторларнинг ҳолатига таъсир кўрсатадиган омиллар ривожланиб борди. Бизнинг фикримизча, бугунги глобаллашув шароитида қўшимча сифатида қуйидаги муҳим омиллар ҳам инвестицион жозибадорликка етарлича таъсир кўрсатмоқда. Булар: мамлакат/ҳудуднинг иқтисодий тизими, макроиқтисодий кўрсаткичлар (ЯИМ, иқтисодиётнинг таркиби ва б.), табиий ресурсларнинг ҳолати,

[1] Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида» ПФ-4947-сон Фармони. // «Халқ сўзи». 8 февраль 2017 йил.

[2] *Stobaugh R.B.* How to Analyze Foreign Investment Climates // Harvard Business Review. 1969. September-October.

инфраструктуранинг ривожланганлиги, ташқи савдонинг ривожланиши учун яратилган шарт-шароитлар, давлатнинг иқтисодиётни тартибга солишдаги иштироки.

Ушбу омилларни ҳисобга олиб, ҳар йили мунтазам равишда *ATKearney*[1] компаниясининг расмий сайтида инвесторлар учун мақбул ва жозибадорлиги юқори бўлган мамлакатларнинг рўйхати эълон қилиб борилади. Худди шундай рейтинглар, яъни инвестицион рисклар ва мамлакатларнинг ишончлилиги бўйича кўрсаткичлар Euromoney[2] журнали томонидан йилида икки маротаба (март ва сентябрь ойларида) эълон қилиб борилади. Монографиянинг олдинги бобларида қайд этганимиздек, рейтингни аниқлашда журнал мутахассис-экспертлари қуйидаги кўрсаткичларга эътибор қаратишади:

- иқтисодиётнинг самарадорлиги;
- сиёсий рискларнинг даражаси;
- давлатнинг ташқи қарзи ва унинг ҳолати;
- қарз маблағларидан фойдаланиш/фойдалана олмаслик;
- кредит бериш имконияти;
- банк кредитларини олиш имконияти;
- қисқа муддатли молиялаштириш манбаига эга бўлиш;
- узоқ муддатли ссуда капиталига эга бўлиш имконияти;
- форс-мажор ҳолатларнинг юзага чиқиш эҳтимоллиги.[3]

Келтирилаётган омилларга қўшимча қилиб ушбу омилларни ҳам инобатга олиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади:

- сиёсий барқарорлик;
- ҳуқуқий-қонуний база, унинг тез-тез ўзгариб туриши;
- ички бозорнинг ҳолати ва мамлакатнинг молиявий тизими;
- солиқ юки ҳажми;
- аҳолининг тўлов қобилияти;
- ишчи кучининг малакаси;
- ресурслар нархи (хом ашё, меҳнат ва молиявий);
- ахборот таъминоти;

---

[1] **Изох:** A.T. Kearney компанияси 1926 йилда АҚШнинг Чикаго шаҳрида ташкил топган. Компания 85 йиллик тарихи давомида бошқарувчи кадрлар учун энг яхши консалтинг хизматларини кўрсатиб келади. Расмий сайти: https://www.atkearney.com

[2] **Изох:** Euromoney журнали 1969 йилда ташкил топган бўлиб, бир йилда 12 та сони нашр этилади. 1991 йилдан буён банк, молия ва инвестициялар соҳасида "Awards for Excellence" совринини тақдим этиб келади. Ҳар йили турли мамлакатларда 40 дан зиёд конференцияларни ташкил этади. Расмий сайти: http://www.euromoney.com.

[3] URL: http://www.raexpert.ru/researches/regions/investclimate.

• халқаро молия ва иқтисодий ташкилотлар олдида мамлакатнинг қарздорлиги ва мажбурияти.

Бир нарсани очиқ тан олиш лозимки, инвестицион жозибадорлик бўйича мамлакатларнинг рейтингларини эълон қилишда Ўзбекистоннинг ўрни умумий давлатлар рўйхатидан жой олмасдан келмоқда.

Худди шунингдек, инвесторлар молиявий сармояларни бирор-бир мамлакатнинг иқтисодиётига киритишидан олдин мамлакат фонд бозорининг фаоллигини намоён этадиган индексларга ҳам эътибор қаратишади. Буларга: DowJones ва NASDAQ (АҚШ), EuroCtoxx 50, FTSE (Лондон), XETRA DAX (Германия), CAC-40 (Франция), SMI (Швейцария), AEX (Голландия), MIBTel (Италия), IBEX (Испания), Nikkei (Япония), HANGSENQ (Гонконг), ММВБ-РТС (Россия) ва б. Ушбу индекслар бўйича ҳам Ўзбекистон қуйи поғонадан жой эгаллаб келаётгани ҳам ачинарли жиҳатлардан ҳисобланади. Нимага деганда, Ўзбекистон фонд бозори бугунги кунда унчалик ҳам ривожланмаган ва бу борадаги ислоҳотлар секинлик билан кечмоқда.

Бир томондан олганда, ҳозирда ҳукуматимиз томонидан асосий устуворлик ТТХИларга қаратилмоқда. Аслида реал секторнинг ривожланишини таъминлаш, товар ва хизматлар ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш молия бозорининг ривожланишига ҳосилавий таъсир кўрсатади. Шунинг учун ҳам иқтисодиёт ҳажмини кенгайтириш орқали молия бозорининг фаоллигини ошириш бўйича ислоҳотлар босқичма-босқич амалга оширилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 24 апрелдаги ПФ-4720-сон «Акциядорлик жамиятларида замонавий корпоратив бошқарув услубларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонида ушбу йўналишда ҳам катта ўзгаришлар бўлишини таъминлашга қаратилган бир нечта вазифалар белгилаб берилди:

- халқаро тажрибани чуқур таҳлил қилиш ва шу асосда замонавий корпоратив бошқарув услубларини жорий этиш, ишлаб чиқариш, инвестиция, моддий-техник, молиявий ва меҳнат ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш;
- чет эл капитали иштирокида акциядорлик жамиятларини ташкил этиш, акциядорлик жамиятларига хорижий инвестицияларни кенг жалб қилиш учун қулай шароитлар яратиш;
- эски бўлинмалар ва лавозимларни тугатиш, замонавий халқаро стандартлар ва бозор иқтисодиёти талабларига мос янги бўлинма ва лавозимларни жорий этишни инобатга олган ҳолда, акциядорлик жамиятларини бошқариш тузилмасини тубдан қайта ташкил этиш;

- акциядорлик жамиятларини стратегик бошқариш, бошқарув ходимларининг самарали фаолиятини назорат қилишни таъминлашда акциядорлар, жумладан, миноритар акциядорлар ролини ошириш;
- етакчи хорижий таълим муассасалари билан ҳамкорлик асосида бошқарув ходимларини тайёрлаш ва уларнинг касб даражасини ошириш, шунингдек, акциядорлик жамиятларида раҳбарлик лавозимларига чет эллик юқори малакали менежерларни жалб қилиш.[1]

Ушбу фармонда белгиланган вазифалар ижроси юзасидан Ўзбекистонда 2015 йил давомида қуйидаги ишлар амалга оширилди:

- барча акциядорлик жамиятларининг фаолияти тўлиқ инвентаризациядан ўтказилди, натижада, 462 та жамиятни ёки уларнинг 43 фоизини тугатиш ёки бошқа ташкилий-ҳуқуқий шаклга ўзгартириш тўғрисида қарорлар қабул қилинди;
- 623 та акциядорлик жамиятида намунавий тузилма асосида акциядорлик жамиятларининг ташкилий-ҳуқуқий шаклига ва уставига ўзгартиришлар киритилди ҳамда уларда менежерларни танлов асосида жалб қилишга эътибор қаратилди. Корпоратив тузилмаларнинг хусусиятларидан келиб чиқиб, танлов асосида менежерларни ёллаш бўйича регламент ишлаб чиқилди;
- 15 та давлат акциядорлик жамиятлари хусусий секторга ўтказилди ва уларнинг номларидан «давлат» сўзи олиб ташланди;
- 371 та акциядорлик жамиятларининг 721 нафар раҳбари аттестациядан ўтказилди. Шулардан 350 нафари (49 %) аттестациядан ўтди, 228 нафари (31%) шартли равишда ўтди ва 143 нафари (20%) аттестация меъзонларига тўғри келмаслиги аниқланди.
- замонавий корпоратив бошқарув тизими талабларини инобатга олган ҳолда, лавозим ва касбларнинг янги классификатори ишлаб чиқилди ва тасдиқланди, унга бозор иқтисодиёти талабларига мос келадиган 566 та янги тоифа киритилди;
- бўшаб қолган раҳбарлик лавозимларига пухта билимга эга бўлган, замонавий менежмент ва маркетинг усулларини амалда қўллай оладиган ёш мутахассислар тайинланди. Бу борада Германияда жойлашган Европа менежмент ва технологиялар мактабининг фаол иштирокида акциядорлик жамиятларининг раҳбар ходим ва мутахассисларини тизимли асосда тайёрлаш ва малакасини оши-

[1] «Акциядорлик жамиятларида замонавий корпоратив бошқарув услубларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 24 апрелдаги ПФ-4720-сон Фармони.

ришни ташкил қилиш, уларнинг замонавий корпоратив бошқарув усулларини эгаллашни таъминлаш мақсадида мамлакатимизда Корпоратив бошқарув илмий-таълим маркази ташкил этилди ва унинг вазифалари белгилаб берилди;

- Германия ва иқтисодий жиҳатдан ривожланган бошқа давлатлардаги етакчи таълим муассасаларининг профессор-ўқитувчиларини кенг жалб қилган ҳолда, мамлакатимиз акциядорлик жамиятлари, банклар ва йирик корхоналарнинг 160 нафардан ортиқ раҳбар ходими корпоратив бошқарув соҳасида малака оширди, уларнинг ярми Германия корхоналарида тажриба орттирди.

Шу билан бирга, корпоратив бошқарувда менежер сифатида иштирок этиш учун жалб этиладиган хорижий менежерларга қуйидаги имтиёз яратилди: акциядорлик жамиятлари бошқарув ходимлари сифатида жалб қилинган хорижий мутахассисларнинг меҳнатига ҳақ тўлаш фонди ягона ижтимоий тўлов тўлашдан озод этилди.

Ушбу қарор ижросини таъминлаш мақсадида давлат улушига эга акционерлик жамиятларининг давлат улушлари хусусий секторга ўтказилиши жараёни амалга оширилди. Унга кўра, 1856 та корхона ва объектлардаги давлат улушлари хусусий секторга ўтказилиши режалаштирилди. Хусусан, 68 та ташкилотнинг давлат улушлари хорижий инвесторларга таклиф этилди, 353 та корхонадаги давлат улуши маҳаллий ва хорижий инвесторлар учун очиқ савдога қўйилди ва 512 та давлат объекти хорижий ва маҳаллий инвесторларга «ноль» қийматда маълум инвестиция киритиш шартлари орқали берилиши белгилаб қўйилди.[1]

Фикримизнинг мантиқий давоми сифатида капитал қўйилмалар (КҚ) ҳажми ва унинг йиллар бўйича ўзгариш динамикаси таҳлилига ўтадиган бўлсак, 2015 йилда барча манбалар ҳисобидан иқтисодиёт соҳаларига йўналтирилган маблағларнинг умумий ҳажми 41670,5 млрд. сўмни ташкил этган. Беш йил давомида КҚ 2,72 баробарга ўсган.

2015 йилда турар жой қурилиши учун ажратилган маблағлар (КҚ) жами капитал қўйилмаларнинг 22 фоизини ташкил этди. Ушбу соҳага йўналтирилган капитал қўйилмаларнинг бошқа соҳаларга қараганда юқори улушга эга бўлишига бир қатор иқтисодий-ижтимоий сабаблар таъсир кўрсатган.

---

[1] И.А.Каримовнинг «Бош мақсадимиз – иқтисодиётимизда олиб бораётган ислоҳотларни ва таркибий ўзгаришларни кескин чуқурлаштириш, хусусий мулкчилик, кичик бизнес ва тадбиркорликка кенг йўл очиб беришдир» мавзусидаги маърузасини ўрганиш бўйича ўқув қўлланма. – Т.: «Маънавият», 2016.

*4.1.3 - ж а д в а л*

**Иқтисодиёт соҳаларига киритилган капитал қўйилмалар, млрд. сўм.**

| Кўрсаткичлар | 2010 | 2011 | Қўшимча ўсиш (камайиш) суръати, Т | 2012 | 2013 | Қўшимча ўсиш (камайиш) суръати | 2014 | 2015 | Қўшимча ўсиш (камайиш) суръати |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| Капитал қўйилмалар – жами | 15 338,7 | 17 953,4 | 17,05 | 22 797,3 | 28 694,6 | 25,87 | 35 233,3 | 41 670,5 | 18,27 |
| Шу жумладан: | | | | | | | | | |
| Ишлаб чиқариш | 4 659,9 | 6 070,3 | 30,27 | 7 794,0 | 9 813,4 | 25,91 | 13 164,5 | 17 041,0 | 29,45 |
| Қишлоқ ва ўрмон хўжалиги | 531,0 | 942,5 | 77,50 | 1 089,2 | 1 335,6 | 22,62 | 1 447,9 | 1 377,9 | -4,83 |
| Транспорт ва алоқа | 4 562,5 | 3 624,8 | -20,55 | 4 056,5 | 5 112,4 | 26,03 | 4 957,2 | 4 665,5 | -5,88 |
| Қурилиш | 219,7 | 317,9 | 44,70 | 277,5 | 422,8 | 52,36 | 808,3 | 1 057,1 | 30,78 |
| Савдо ва умумий овқатланиш | 743,6 | 804,4 | 8,18 | 1 066,8 | 1 522,8 | 42,74 | 2 034,9 | 2 341,1 | 15,05 |
| Ярим тайёр маҳсулотлар | 18,4 | 35,9 | 95,11 | 31,0 | 16,0 | -48,39 | 11,0 | 30,6 | 178,18 |
| Ахборот хизмати | 28,3 | 23,7 | -16,25 | 20,2 | 19,0 | -5,94 | 25,0 | 38,4 | 53,60 |
| Геология | 372,4 | 462,1 | 24,09 | 512,6 | 429,1 | -16,29 | 758,3 | 621,2 | -18,08 |
| Турар жой қурилиши | 2 316,8 | 3 342,5 | 44,27 | 4 514,0 | 5 945,9 | 31,72 | 7 131,4 | 9 116,3 | 27,83 |
| Коммунал қурилиш | 292,7 | 291,1 | -0,55 | 443,3 | 714,5 | 61,18 | 897,7 | 895,1 | -0,29 |
| Соғлиқни сақлаш муассасалари | 343,7 | 442,9 | 28,86 | 911,0 | 879,7 | -3,44 | 997,2 | 1 055,0 | 5,80 |
| Таълим олиш муассасалари | 408,3 | 404,2 | -1,00 | 631,1 | 759,7 | 20,38 | 792,8 | 963,7 | 21,56 |
| Маданият ва санъат муассасалари | 142,8 | 178,7 | 25,14 | 135,6 | 167,0 | 23,16 | 197,9 | 156,2 | -21,07 |
| Бошқа соҳалар | 698,6 | 1 012,4 | 44,92 | 1 314,5 | 1 556,7 | 18,43 | 2 009,2 | 2 311,4 | 15,04 |

**М а н б а :** Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги маълумотлари асосида тузилган.

***Биринчидан***, уй жой ва йўл қурилишининг ривожланиши бир қанча тармоқларнинг тараққий этишига олиб келиши назарда тутилган. АҚШ тажрибасидан маълумки, миллий иқтисодиётни қўшимча равишда ривожлантириш, талабни рағбатлантириш, шунингдек, инқироз даврларида юзага чиқиши мумкин бўлган ижтимоий хавфларни юмшатиш, унинг олдини олиш мақсадида давлат томонидан тизим ҳосил қиладиган йирик тармоқлар учун давлат буюртмалари шакллантирилади. Ушбу буюртмалар кўпинча ижтимоий объектларнинг ривожланишини, меҳнат биржаларида рўйхатдан ўтган ишсизларни, вақтинчалик бўлса-да, меҳнатда банд бўлишини таъминлайди.

*4.1.4-жадвал*

**4.1.3-жадвал маълумотлари асосида тузилган капитал қўйилмалар кўрсаткичининг ўзгариш динамикаси.**[1]

| Йиллар | Капитал қўйилмалар, млрд. сўм | Абсолют қўшимча ўсиш (камайиш), млрд. сўм $(y_i - y_{i-1})$ | Ўсиш ёки камайиш суръати, % $(y_i / y_{i-1})$ 100 | Қўшимча ўсиш суръати $((y/y_{i-1})*100 - 100)$ | 1% қўшимча ўсиш (камайиш)нинг абсолют қиймати, млрд. сўм $(y_i - y_{i-1})/((y/y_{i-1})*100)$ |
|---|---|---|---|---|---|
| 2010 | 15 338,7 | - | - | - | - |
| 2011 | 17 953,4 | 2615 | 117 | 17,05 | 153,4 |
| 2012 | 22 797,3 | 4844 | 127 | 26,98 | 179,5 |
| 2013 | 28 694,6 | 5897 | 125,9 | 25,87 | 228 |
| 2014 | 35 233,3 | 6539 | 122,8 | 22,79 | 286,9 |
| 2015 | 41 670,5 | 6437 | 118,3 | 18,27 | 352,3 |

Юқорида кўриб чиқилган кўрсаткичлар динамик қаторларнинг жуда содда анъанавий таҳлил қилиш воситалари ҳисобланади. Шунинг учун динамик қаторларни ўртача даражаси, ўртача мутлақ ўсиш ва қўшимча ўсиш суръатлари орқали таҳлил қилиш мақбул ҳисобланади. Бунинг учун қуйидаги ўртача мутлақ қўшимча ўсиш бўйича мавжуд бўлган формуладан фойдаланамиз:[2]

$$\overline{\Delta y} = \frac{\Sigma \Delta y}{n} = \frac{y_n - y_0}{n}$$

Ушбу формулага капитал қўйилмалар кўрсаткичини қўйиб аниқлайдиган бўлсак, Ўзбекистонда капитал қўйилмалар ҳар йили ўртача 4389 млрд. сўмга кўпайган.

Олти йиллик динамик маълумотларга кўра, 2014 йилда капитал қўйилмаларнинг абсолют ўсиши энг юқори қийматни ташкил этган (4.1.4-жадвал). Ўсиш суръати эса 2013 йилда намоён бўлган. Ушбу кўр-

[1] Статистик маълумотлар асосида муаллиф томонидан тузилган.

[2] *Соатов Н.М.* Статистика: Олий ўқув юртлари талабалари учун дарслик. – Т.: Абу Али ибн Сино номидаги тиббиёт нашр., 2003. 502-б.

саткич бўйича қўшимча ўсиш суръати 2012 йилда 26,98 фоизга ўсган. Аммо бир фоизлик қўшимча ўсиш кўрсаткичи 2015 йилда 352,3 млрд. сўмни ташкил этиб, энг юқори қийматни қайд этган. Йиллар динамикаси бўйича амалга оширилган ҳисоб-китоблар, статистик таҳлил натижаларига кўра, Ўзбекистонда капитал қўйилмаларнинг йиллар бўйича жорий қиймати ҳажми ҳар йили ўртача 22 фоиздан ўсиб борган.

Мухтасар қиладиган бўлсак, инвестиция сиёсатини амалга оширишда ҳукумат томонидан қуйидаги асосий тамойилларга устуворликнинг қаратилиши, бизнингча, энг мақбул йўл ҳисобланади:

- республика иқтисодиётига бевосита капитал маблағларни кенг жалб қилишни таъминлайдиган ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий ва бошқа шарт-шароитларни тобора такомиллаштириш;
- республикамизда жаҳон даражасидаги технологияни етказиб бераётган, иқтисодиётнинг замонавий таркибини вужудга келтиришга кўмаклашаётган хорижий сармоядорларга имтиёз ва преференцияларни тақдим этиш тизимини такомиллаштириш;
- маблағларни рақобатбардош маҳсулотларни ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлган энг муҳим устувор йўналишларга йўналтириш;
- ташқи иқтисодий фаолиятда рақобат қила оладиган ва валюта тушумини таъминлайдиган етакчи тармоқларни қўллаб-қувватлаш;
- аҳоли бандлигини таъминлайдиган ва миллий даромадни оширишга қаратилган ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳаларини ривожлантириш;
- энергия тежамкор ва атроф-муҳитга кам зарар етказадиган юқори технологик, замонавий ускуналарни ўрнатиш;
- маҳаллий шароитларга мос келадиган илғор хорижий технологияларни татбиқ этиш, ўзимизда яратилаётган ихтироларни рағбатлантириш ва билимлар иқтисодиётига маблағлар йўналтириш.

Ушбу вазифаларни ҳал этиш асносида, мамлакатимизда чет эл инвестицияларини маҳаллий корхоналарга жалб этишнинг қуйидаги устувор йўналишлари таклиф этилади: табиий хом ашё ресурсларини, шу жумладан, нефть ва газни қазиб чиқариш, қайта ишлаш бўйича экологик тоза ишлаб чиқаришни ташкил этиш; илмталаб ва жаҳон бозорларида рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ташкил этиш; транспорт ва телекоммуникация инфратузилмасини ривожлантириш; қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ихчам, арзон техника ва технологиялар асосида қайта ишлаш соҳаларини ривожлантириш; ресурс ва энергияни тежовчи асбоб-ускуналар ишлаб чиқариш; дори-дармонлар, тиббиёт техникаси ва асбобларини ишлаб чиқариш; туризм индустриясини ривожлантириш.

***Минг йил ўқисаму, мендан «нима-ни билдинг», деб сўрасалар, «ҳаддимни билдим» дейман.***

**Ж.Румий**

## 4.2. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ХОРИЖИЙ ИНВЕСТИЦИЯЛАР КЎЛАМИ ВА ОҚИМИНИ ОШИРИШНИНГ КОНЦЕПТУАЛ ЖИҲАТЛАРИ

Хорижий инвесторларнинг ўз мамлакати иқтисодиётига қараганда бошқа мамлакатларнинг иқтисодиётига сармояларни киритишига ундайдиган ягона куч юқори фойда олишдир. Шу боисдан, инвестициялар самарадорлигини баҳолаш, уни қиймат ва сифат жиҳатидан таҳлил қилиш қийин амаллардан ҳисобланади.

Масалан, хорижий норезедентлар томонидан амалга оширилаётган инвестицион лойиҳа самарадорлигини баҳолаш бир қанча узлуксиз босқичларни қамраб олган жараёнларни таҳлил қилишни тақазо этади. Бу инвестицион лойиҳанинг техник-иқтисодий асосномасидан тортиб, уни ишга туширишгача бўлган жараёнларни мониторинг қилиб боришни ва пировардида иқтисодий натижанинг кўлами билан киритилган инвестициянинг дастлабки қиймати ўртасидаги харажатларни таққослашни талаб этади. Бунда энг асосийси альтернатив харажатлар инобатга олинади.

Ўзбекистон Республикасида иқтисодиётнинг устувор тармоқларини ривожлантириш учун хорижий инвестицияларни жалб қилиш сиёсати мавжуд маблағлардан, вақтдан ва имкониятлардан самарали фойдаланишга, мавжуд шарт-шароитлардан келиб чиқиб бойликларни самарали жойлаштиришга ва шу йўл билан республика иқтисодиётини кўтаришга, унинг жаҳон иқтисодий тизимига қўшилишига, рағбатлантириш йўли билан инвестицияларни иқтисодиётнинг устувор тармоқларига жалб қилишга ҳамда улардан самарали фойдаланишга қаратилган.

Халқаро статистикада инвестицияларни тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар турига киритиш бўйича ҳар хил ёндашувлар мавжуд. Хорижий инвесторлар томонидан назорат қилиш ҳуқуқини белгиловчи кўрсаткич сифатида улар эга бўлган акционерлик капиталининг ҳиссаси кўрсаткичидан фойдаланилади (4.2.1-расм).

Бу кўрсаткич АҚШда 10 фоиз, Франция ва Буюк Британияда 20 фоизга яқин, Германияда 25 фоиздан 50 фоизгача, Ўзбекистонда эса 49 фоиз




**4.2.1-расм.** ***Бир қатор мамлакатларда акционерлик капиталида хорижий инвесторнинг назорат қилиш ҳуқуқини бериш ҳиссаси.***

даражасида белгиланган. Шунингдек, шу корхонанинг бошқарувида бевосита амалга оширилаётган инвестицияларнинг узоқ муддатли эканлиги ҳам унинг муҳим белгиларидан биридир. Инвестициянинг бу кўриниши таваккалчиликни, инвестициялардан фойдаланиш самарадорлиги учун масъулиятни давлат ва аҳоли зиммасига юкламасдан, балки уларни тадбиркорлик тизимлари ўртасида тақсимлаш энг яхши ва синалган усул ҳисобланади.

Бугунги кунда хорижий инвестицияларни янада кенгроқ миқёсда жалб қилиш, уларнинг ўзлик маблағларини мамлакатимиз иқтисодиёти учун сарфлашга қизиқтириш мақсадида қонун асосида улар учун имтиёзли молиявий шароитлар яратилган. Улар қуйидаги чизмада ўз ифодасини топган.

Ўзбекистонда хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарнинг бир маромда фаолият юритиши ва инвесторларнинг ҳуқуқлари ҳимоя қилиниши учун меъёрий ҳужжатлар қабул қилинган. Жумладан, 1998 йил 30 апрелда қабул қилинган «Чет эл инвестициялари тўғрисида»ги, «Чет эллик инвесторлар ҳуқуқларининг кафолатлари ва уларни ҳимоя қилиш чоралари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунлари ҳамда Солиқ кодекси чет эл сармояларини амалга оширишнинг ҳуқуқий асослари ва тартибини белгилаб беради. Ҳозирга келиб, Ўзбекистон ҳудудида хорижий компаниялар фаолиятининг ҳуқуқий асосларини шакллантириш жараёни асосан ниҳоясига етказилди ва амалда қўлланилмоқда. Бу фаолиятни рағбатлантиришга йўналтирилган чора-тадбирларнинг қуйидаги тизими ишлаб чиқилган:

**Кўрилган зарарларнинг қопланиши учун кафолатлар**

↓

**Хорижий инвесторлар капиталининг сақланиши учун кафолатлар**

↓

**Солиққа тортиш тизимида уларга оид белгиланган имтиёзлар**

↓

**Фойда ва даромадларни хорижга олиб чиқиб кетишнинг эркинлиги**

↓

**Миллий сўмда ва чет эл валютасида олинган фойдаларни ўтказиш ва олиб чиқиб кетиш имконияти**

↓

**Божхона имтиёзларининг мавжудлиги**

↓

**Хорижий инвесторларнинг мулклари ва уларнинг ўзларини хавф-хатарлардан суғуртавий муҳофаза қилиш тизимининг яратилгани**

**4.2.2-расм.** ***Ўзбекистон Республикасида яратилган имтиёзли молиявий шароитлар.***

- хусусийлаштириш жараёнида хорижий инвестицияларнинг қатнашиши;
- техникавий қайта қуролланиш;
- халқ истеъмоли ва экспортга мўлжалланган маҳсулотлар ишлаб чиқаришни рағбатлантириш.

Ўзбекистон Республикаси хорижий инвестицияларни миллийлаштириш ва реквизиция қилинмаслигига кафолат беради. Хорижий инвесторларнинг қонуний фаолиятлари доирасида олган даромадлари хорижий валютада, чегараланмаган миқдорда чегарадан олиб ўтишлари давлат томонидан кафолатланади.

Ўзбекистон Республикасида хорижий инвестицияларни жалб қилиш ва ўзлаштириш мақсадида инвесторларга бир қатор имтиёзлар (иқтисодий платформа) берилади. Хорижий инвестициялар билан ташкил этилган корхоналар (савдо, воситачилик, хом ашё етказиб берувчилардан ташқари) рўйхатдан ўтган кундан бошлаб:

- даромад (фойда) солиғидан биринчи йил 25 фоиз қисмидан, иккинчи йил 50 фоиз қисмидан, учинчи йил 100 фоиз озод қилинади, қишлоқ ҳудудида эса биринчи йилдан 100 фоиз;
- мулк солиғидан 2 йилга;

- ишлаб чиқарган маҳсулотининг 30 фоиздан ортиғи экспортга чиқарилса, 50 фоиз даромад солиғидан (фойда солиғи), 15–30 фоиз экспортга чиқарилса, 30 фоиз даромад (фойда) солиғидан;
- ишлаб чиқариш билан банд бўлса, ер солиғидан 2 йилга озод қилинади.

Ўзбекистон Республикасида алоҳида соҳаларга имтиёзлар бериш кўзда тутилган. Унга кўра нефть ва газ конларини очиш ва қидириш ишларига хорижий компанияларни жалб қилган корхоналар ушбу ишларни амалга ошириш даврида барча солиқлардан, шунингдек, ушбу ишларни амалга ошириш учун зарур ускуналарни импорт қилишда божлардан озод қилинади.

Мазкур соҳа корхонаси чет эллик ҳамкорлар билан бирга очилса:

- нефть ва газ қазиб чиқарилган кундан бошлаб 7 йилга даромад (фойда) солиғидан;
- хорижий ҳамкорлар улуши капиталидан олинадиган даромад ва мулк солиғидан озод қилинади.

Енгил саноат соҳасида:

- тайёр маҳсулот ишлаб чиқарувчи корхоналар қўшимча қиймат солиғидан ташқари барча солиқлардан озод қилинади;
- ўз эҳтиёжи учун ишлаб чиқариш ускуналари, эҳтиёт қисмларини импорт қилишда корхоналар божхона тўловларидан озод қилинади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 11 апрелдаги «Тўғридан-тўғри хусусий хорижий инвестицияларни жалб этишни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони мамлакатимизда инвестиция муҳитини янада яхшилаш, хусусийлаштириш, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник жиҳатдан қайта жиҳозлаш ва реконструкция қилиш, республиканинг ортиқча ишчи кучи мавжуд бўлган минтақаларида янги иш жойларини яратиш дастурларини амалга оширишга тўғридан-тўғри хусусий хорижий инвестицияларни кенг жалб этиш, шунингдек, хорижий инвесторлар учун ишончли ҳуқуқий ҳимоя ва кафолатларни таъминлашга қаратилган.

Унга кўра, тўғридан-тўғри хусусий хорижий инвестицияларни жалб этадиган иқтисодиёт тармоқлари корхоналари асосий фаолияти бўйича даромад солиғи, мулк солиғи, ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш ва ҳудудларни ободонлаштириш солиғи, микрофирма ва кичик корхоналар учун белгиланган ягона солиқ тўлашдан, шунингдек, Республика йўл жамғармасига мажбурий ажратмалар тўлашдан хорижий инвестициялар ҳажми қуйидагича бўлганда озод қилинади:

- 300 минг АҚШ долларидан 3 миллион АҚШ долларигача – 3 йил муддатга;
- 3 миллиондан ортиқ АҚШ долларидан 10 миллион АҚШ долларигача – 5 йил муддатга;
- 10 миллион АҚШ долларидан ортиқ бўлганда – 7 йил муддатга.

Иқтисодиётни эркинлаштириш ва чет эл инвестицияларини жалб қилишнинг кенгайиб бориши даражасига қараб инвестиция фаолиятини давлат томонидан тартибга солиш, бевосита чет эл инвестицияларини янги лойиҳаларга, шунингдек, хусусий тадбиркорлик субъектларининг катта қисмини инвестиция фаолиятига жалб қилишни ҳам назарда тутади. Бунда чет эл инвестициялар оқимини рағбатлантириш, шу билан бирга, миллий иқтисодиёт субъектларининг бу фаолиятда иштирок этишини тақдирлаш муҳим ўрин тутади.

Ўзбекистон Республикасида чет эл инвестицияларини тартибга солиш ва жалб этиш билан шуғулланадиган расмий муассасалар 4.2.1-жадвалда келтирилган.

Ўзбекистон жаҳон ҳамжамияти олдида ўзининг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш даражаси, географик жойлашиши, табиий ресурсларининг таркиби ва захираси, ҳукумат томонидан олиб борилаётган иқтисодий сиёсати билан жонли қизиқиш уйғотади.

*4.2.1-жадвал*

**Ўзбекистон Республикасида чет эл инвестицияларини тартибга солиш ва жалб этиш билан шуғулланадиган расмий муассасалар**

| № | Расмий муассаса номи | Муассасанинг чет эл инвестицияларини тартибга солиш ва жалб этиш билан боғлиқ фаолият доираси |
|---|---|---|
| 1 | 2 | 3 |
| 1. | Вазирлар Маҳкамасининг ташқи иқтисодий фаолиятни мувофиқлаштириш департаменти | *Қуйидаги жорий жараёнларни мувофиқлаштиради:*<br>*– инвестиция фаолиятини, биринчи навбатда, чет эл инвестициялари билан амалга ошириладиган лойиҳаларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш бўйича зарур ҳукумат қарорларини ишлаб чиқиш;*<br>*– давлат бошқаруви идоралари, вазирликлар ва идоралар ишини ташкил этиш.* |
| 2. | Иқтисодиёт вазирлиги | *Инвестиция сиёсатини ва дастурларини ишлаб чиқиш* |
| 3. | Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги | *– Мамлакат ва хориж инвесторларининг инвестиция таклифлари тўғрисида маълумотлар банкини шакллантириш;*<br>*– инвестиция муҳитини ўрганиш;*<br>*– хорижий инвесторларга ахборот ва бошқа хизматлар кўрсатиш;*<br>*– инвестиция лойиҳаларини амалга оширишда мамлакат ва хориж инвесторларига ёрдам кўрсатиш;*<br>*– чет эл капитали иштирокида амалга ошириладиган инвестиция лойиҳаларининг бажарилишини кузатиш (мониторинг);* |

| № | 2 | 3 |
|---|---|---|
| | | *– корхоналарни ташқи иқтисодий фаолият иштирокчилари тарзида рўйхатга олиш ва хорижий компаниялар ваколатхоналарини аккредитациялаш.* |
| 4. | Давлат мулкини бошқариш давлат қўмитаси | *Давлатга тегишли мулкни хусусийлаштириш ва тасарруф этиш жараёнларида чет эл инвестицияларини тартибга солиш.* |
| 5. | Молия вазирлиги | *Қарз сиёсати ва ҳукумат кафолатларини бериш.* |
| 6. | Адлия вазирлиги | *Чет эл инвестициялари иштирокидаги корхоналарни рўйхатга олиш.* |
| 7. | Ташқи ишлар вазирлиги | *Хорижий инвесторларга ва Ўзбекистонда ишлаётган хорижий фуқароларга визалар бериш.* |
| 8. | Ички ишлар вазирлиги | *Хорижий инвесторларни ва Ўзбекистонда ишлаётган хорижий фуқароларни турар жойи бўйича рўйхатга олиш.* |
| 9. | Давлат солиқ қўмитаси | *Чет эл инвестициялари иштирокидаги корхоналарни солиққа тортиш ва уларнинг божхона билан боғлиқ фаолиятини тартибга солиш.* |
| 10. | Марказий банк | *Конвертация тартиб-қоидаларини, шунингдек, унинг ўтказилишини, валюта маблағларидан фойдаланишни тартибга солиш, қарз сиёсати.* |
| 11. | Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки | *Ташқи иқтисодий фаолиятга банк хизмати кўрсатиш ва лойиҳани молиялашни амалга ошириш.* |
| 12. | «Ўзбекинвест» давлат суғурта компанияси ва «Ўзбекинвест-интернешнл» қўшма корхонаси | *Чет эл инвестицияларини инвестиция таваккалчилигидан ва хавф-хатарлардан суғурталаш.* |
| 13. | «Ўзбекинвестлойиҳа» миллий инжиниринг компанияси | *Дастлабки техник-иқтисодий асосномани ва инвестиция лойиҳалари техник-иқтисодий асосномаларини тайёрлаш.* |
| 14. | Давлат мулки қўмитаси ҳузуридаги қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш маркази | *Қимматли қоғозлар бозорини шакллантириш, ривожлантириш, назорат қилиш ва тартибга солиш соҳаларида давлат сиёсатини амалга ошириш. Мамлакат ва хорижий эмитентларнинг қимматли қоғозларини сотиб олиш орқали мажмуа инвестицияларини амалга ошириш.* |

Хорижий инвестициялар иштирокидаги янги корхоналар сонининг тобора ортиб бориши ва янгиларининг барпо этилиши иқтисодий ривожланишнинг гарови эканлиги олдинги параграфларда зикр этилди. Таъкидланганидек, мамлакатимизга хорижий сармояларни жалб этаётган корхоналарни иқтисодий рағбатлантириш ва зарурий шароитларни яратиб бериш муҳим масалалардан бири ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 7 январдаги ПҚ-1464-сон Қарорида мамлакатимизда 2011–2015 йилларда ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва кенгайтириш, иқтисодиётни либераллаштириш ва модернизация қилиш, қулай тадбиркорлик фаоли-

ятини шакллантиришнинг қуйидаги устувор йўналишлари белгилаб берилди:

- ҳуқуқий базани янада ривожлантириш ва янги қонунлар қабул қилиш;
- мамлакатимизда ва ҳудудларда ҳар томонлама қулай бизнес муҳитини яратиш;
- кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада ривожлантириш мақсадида солиқ ва бошқа тўловлар бўйича қулай шароит яратиш, имтиёз ва преференциялар бериш;
- молия-банк тизимини либераллаштириш, молия ва кредит ресурслари бозорини мустаҳкамлаш ва ривожлантириш;
- фаол инвестиция сиёсатини амалга ошириш ҳисобига иқтисодиётни модернизация қилиш ва унинг таркибини диверсификация қилиш;
- ташқи иқтисодий фаолиятни янада либераллаштириш, унда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг кенг иштирокини таъминлаш.

Ҳозирги кунда республикамизда инвестиция фаолиятини молиялаштиришнинг қуйидаги манбалари мавжуддир:

1. Корхона ва жисмоний шахслар жамғармалари.
2. Банк кредитлари ҳисобидан молиялаштириш.
3. Давлат бюджети ва бюджетдан ташқари фондлар маблағлари ҳисобига молиялаштириш.
4. Хорижий инвестициялар.

*4.2.2-жадвал*

**2010–2020 йилларда инвестициялар таркибининг ўзгариши, фоизда.**[1]

| Молиялаштириш манбалари | Йиллар | | | | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | 2010 | 2011 | 2012 | 2013 | 2014 | 2015 | 2016 | 2017 | 2018 | 2019 | 2020 |
| Давлат бюджети | 5,2 | 5,5 | 4,7 | 5,0 | 4,2 | 4,2 | 4,3 | 4,8 | 4,5 | 9,0 | 6,5 |
| Чет эл инвестициялари | 26,4 | 19,8 | 19,0 | 18,1 | 18,5 | 18,5 | 20,7 | 23,8 | 24,3 | 43,6 | 42,9 |
| Корхоналар ва аҳоли маблағлари | 52,5 | 57,1 | 56,0 | 57,9 | 57,6 | 56,2 | 54,4 | 47,3 | 42,0 | 29,3 | 34,6 |
| Бошқа манбалар | 15,9 | 17,6 | 20,3 | 19,0 | 19,7 | 21,1 | 20,6 | 24,1 | 29,2 | 18,1 | 16,0 |

Сўнгги йилларда инвестициялар таркиби, хусусан, бюджетдан ажратиладиган инвестициялар ва банк кредитлари аҳамияти кескин ўзгарди.

Айни пайтда инвестициялар молиявий манбалари таркибий тузилишини қараб чиқадиган бўлсак, унда сезиларли ўзгаришлар рўй берганини кузатиш мумкин (4.2.2-жадвал). Жадвал маълумотларидан кўринадики, инвестициялар молиявий манбалари таркибида давлат бюджетининг

[1] Давлат статистика қўмитаси ахборотномаси. 2021 йил 21 январь.

улуши 2010 йилдаги 5,2 фоиздан 2020 йилда 6,5 фоизга қадар кўтарилган. Чет эл инвестицияларининг улуши эса, 26,4 фоиздан 42,9 фоизга қадар кўтарилган. Сифат жиҳатидан таҳлил қиладиган бўлсак, иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш йилларида аҳолини иш билан банд этиш, корхона ва ташкилотларнинг фаолият юритиши, улар томонидан ишлаб чиқариладиган товар ва хизматларнинг сотилиши учун давлат томонидан турли хилдаги буюртмалар шакллантирилади. Бу билан ҳам иқтисодий, ҳам ижтимоий масала ҳал этилади.

Шу муносабат билан ҳам 2000 йилда ва ундан кейинги даврларда умумий инвестициялар таркибида давлат бюджетининг улуши юқори бўлган. 2020 йилга келиб эса, ушбу секторга тўғри келадиган инвестициялар ҳажмининг улуши қарийб 6,5 фоизгача пасайган. Охирги йилларда мақсадли ва манзилли инвестицион дастурларнинг қабул қилинаётганлиги туфайли давлатнинг мақсадли жамғармалари томонидан инвестиция маблағлари кўпроқ ҳажмда иқтисодиётга йўналтирилмоқда.

4.2.2-жадвалда акс этганидек, бошқа манбалар таркибида: бюджетдан ташқари мақсадли жамғармалар, тижорат банкларининг кредитлари, Ўзбекистонни ривожлантириш ва тараққиёт жамғармаси, суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш жамғармаси, болалар спортини ривожлантириш жамғармаси ҳисобидан амалга оширилган инвестициялар ўрин олган. Ушбу кўрсаткичга тўғри келган инвестициялар 2010 йилда 15,9 фоизни ташкил этган. 2020 йилда эса, 16,0 фоизни ташкил этган.

2020 йил учун белгилаб олинган инвестиция дастурида молиялаштиришнинг аҳамиятли қисми корхона ва аҳоли маблағлари (34,6 фоиз) ҳамда тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб этиш (42,9 фоиз) орқали амалга оширилган. Бундан кўриниб турибдики, асосий эътибор корхона маблағлари ва тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ҳажмини ошириш ва бунинг натижасида ишлаб чиқаришнинг технологик қувватларини модернизациялаш, меҳнат унумдорлигини оширишга қаратилган.

Юқорида фикр билдирганимиздек, ҳар қандай давлатнинг иқтисодий жиҳатдан ривожланиши ҳам ички, ҳам ташқи инвестицияларни мамлакат иқтисодиётига жалб қилиш орқали эришилиши исботланган. Ушбу ҳолатни инобатга олиб, тубанда айнан, жаҳон инвестициялар бозоридаги вазият, ривожланишнинг юқори даражаларини эгаллаш мақсадида қабул қилинаётган ислоҳотлар, ишлаб чиқилган услубий ёндашувлар ва тенденцияларнинг шарҳига навбат берилади.

**Жаҳон инвестициялар бозоридаги ҳолат.** Охирги йилларда халқаро инвестициялар бозорида тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларнинг (ТТХИ) ҳаракати йилдан-йилга камайиш томон юз тутиб борган. БМТнинг Савдо ва ривожланиш ташкилотининг (ЮНКТАД) «Жаҳон инвестициялари тўғрисидаги маърузаси» маълумотларига кўра, ҳали бери давом этаётган жаҳон молиявий инқирози туфайли дунё бўйича ривожланган давлатларга киритилган тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларга қараганда ривожланаётган давлатларга киритилаётган ТТХИ ҳажми катта миқдорни ташкил қилган (2015 йилда дунё бўйича умумий ТТХИлар экспорти ва импортининг қарийб 63 фоизи ривожланаётган мамлакатларга тўғри келган бўлса, 2020 йилда унинг улуши 72 фоизни ташкил этган[1]).

20 та энг етакчи давлатларга жалб қилинган ТТХИ кўрсаткичини таҳлил қиладиган бўлсак (2015 йил учун), энг юқори учталик: Хитой, Гонконг ва АҚШ давлатларига тўғри келган. Ушбу кўрсаткичлар 2019 йилда эса бошқача тус олган. Биринчи, иккинчи ва учинчи ўринлар мос равишда АҚШ (246 миллиард доллар), Хитой (141 миллиард доллар) ва




**4.2.3-расм.** ***2019 йилда ТТХИ жалб этган 20 та етакчи давлат (миллиард АҚШ доллари).***

[1] Доклад о мировых инвестициях за 2020 г. Отчет Организации Объединенных Наций по торговле и развитию. 2021 год.

Сингапур (92 миллиард доллар)га тўғри келган (4.2.3-расм). Давлатларнинг ривожланганлик даражасига кўра, ТТХИ жалб қилинган кучли 20 таликнинг саккизтаси ривожланган давлатларга, ўн иккитаси ривожланаётган давлатларга ва 2 таси иқтисодиёти ўтиш даврида бўлган давлатларга тўғри келган.

Бошқа давлатларнинг иқтисодиётига ТТХИ киритган давлатларнинг ичида БРИКС (Бразилия, Россия, Ҳиндистон, Хитой, Жанубий Африка) энг юқори кўрсаткични ташкил этган. 2000 йилда ушбу давлатлардан чиқиб кетган тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ҳажми 7 миллиард долларни ташкил этган бўлса, 2012 йилга келиб унинг ҳажми 145 миллиард долларни ва ТТХИларнинг 10 фоизига тенглигини кўрсатади (БРИКС томонидан бошқа давлатларнинг иқтисодиётига киритилган ТТХИ ҳажми 2012 йилда 2000 йилга нисбатан 2071,4 фоизга ошган).

Хитой 2015 йилда бошқа давлатларга киритган ТТХИ бўйича биринчи поғонани эгаллаган бўлса, 2019 йилда тўртинчи ўринга тушган (4.2.4.-расм). Ваҳоланки, 2011 йилда олтинчи ўринда турган. Ушбу йиллар оралиғида давлат трансмиллий компаниялари (ТМК) 845 тани, улар томонидан жаҳон иқтисодиётининг турли тармоқ ва соҳаларига киритилган инвестициялар ҳажми 145 млрд. долларни ташкил этган. Бу эса




***4.2.4-расм. 2019 йилда ТТХИ жалб этган 20 та етакчи давлат (миллиард АҚШ доллари).***

жами ТТХИларнинг 11 фоизини ташкил этади ва улар томонидан яратилган товар ва хизматларнинг умумий миқдори қарийб 26 триллион долларни, шундан 6,6 триллион доллари қўшилган қийматни ҳосил қилган. Ушбу ҳажмдаги товар ва хизматларни яратишда жами 72 миллион киши сафарбар этилган. Бундан кўриш мумкинки, ТМ компанияларда иш билан банд бўлган битта ходимга 36111,1 АҚШ доллари тўғри келган.

2019 йилда ривожланган мамлакатларга нисбатан ривожланаётган мамлакатлар иқтисодиётига киритилган ТТХИ ҳажми юқори кўрсаткични намоён этган. Ушбу инвестицияларнинг фойда нормаси ўртача 8 фоизни ташкил этганини инобатга олсак, ўтиш даври иқтисодиётига мансуб бўлган давлатларда 13 фоизни, ривожланган мамлакатлар учун эса, ўртача 7 фоизни ташкил этган. Шундан 33 фоизи (500 миллиард доллар) ТТХИларни қабул қилган давлатларга, қолгани эса (1 триллион доллар), ТТХИ киритган давлатларга репатриация қилинган.[1]

2019 йилда дунё бўйича ТТХИ ҳажми (экспорти ва импорти) 15 фоизга ошган ҳолда, 2854 млрд.АҚШ долларини ташкил этган. 2019 йилда ривожланган мамлакатларга киритилган ТТХИ ҳажми ўтган йилга нисбатан 3 фоизга ортган (4.2.3-жадвал). Бунда энг катта улуш саноат жиҳатидан энг юқори ривожланишга эга бўлган давлатларга тўғри келади.

ТТХИ кириб келиши бўйича ривожланаётган давлатларда пасайиш кузатилиб, 2 фоизни ташкил этган. Осиё давлатларига киритилган ТТХИларнинг ўсиши 2018 йилга нисбатан 5 фоизга пасайганини кўришимиз мумкин. Осиё давлатлари таркибида Ҳиндистонга киритилган инвестициялар абсолют қийматда 51 млрд. долларни ташкил этиб, ўтган йилга нисбатан 21 фоизга ўсган.[2]

Халқаро валюта жамғармаси, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Савдо ва ривожланиш конференцияси ва Жаҳон банки томонидан олиб борилган тадқиқотларга кўра, Ақшга киритилган ТТХИ ҳажми 2019 йилда 246 млрд АҚШ долларни ташкил этиб, рейтингда биринчи ўринни эгаллаган. Ушбу рейтингда Ўзбекистон киритилган ТТХИ ҳажми 2,3 млрд АҚШ доллари маблағ билан қуйи ўринларни банд этган.

Ривожланган мамлакатларда инвестицияларнинг тўғридан-тўғри оқимлари 2018 йилда қайта кўриб чиқилган $761 миллиарддан 5 фоизга ошди ва 800 миллиард долларни ташкил этди. Ўсиш заифроқ макроиқтисодий кўрсаткичларга ва инвесторлар учун сиёсат ноаниқ-

[1] Доклад о мировых инвестициях за 2020 г. Конференция Организации Объединенных Наций по торговле и развитию.

[2] Топ-10 стран по объему иностранных инвестиций. http://www.vestifinance.ru/articles/66544?page=1

*4.2.3 - ж а д в а л*

**Тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар оқими**

*(миллиард АҚШ доллари ва фоизда)*

| Минтақалар | ТТХИ кириб келиши | | | ТТХИ чиқиб кетиши | | |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | 2017 | 2018 | 2019 | 2017 | 2018 | 2019 |
| **Жаҳон бўйича** | **1 700** | **1 495** | **1 540** | **1 601** | **986** | **1 314** |
| Ривожланган давлатлар | 950 | 761 | 800 | 1 095 | 534 | 917 |
| Ривожланаётган давлатлар | 701 | 699 | 685 | 467 | 415 | 373 |
| Африка | 42 | 51 | 45 | 12 | 8 | 5 |
| Осиё | 502 | 499 | 474 | 417 | 407 | 328 |
| Шарқий ва Жанубий-Шарқий Осиё | 422 | 416 | 389 | 367 | 345 | 280 |
| Жанубий Осиё | 52 | 52 | 57 | 11 | 12 | 12 |
| Ғарбий Осиё | 28 | 30 | 28 | 39 | 50 | 36 |
| Лотин Америкаси ва Кариб денгизи | 156 | 149 | 164 | 38 | 0,1 | 42 |
| Океания | 1 | 1 | 1 | 0,1 | -0,3 | -1 |
| Ўтиш даври иқтисодиёти мамлакатлари | 50 | 35 | 55 | 38 | 38 | 24 |
| Таркибий муносабатлар бўйича жуда заиф, иқтисодиёти кичик бўлган давлатлар | 40 | 39 | 39 | 6 | 2 | 0,4 |
| **Давлатларнинг халқаро ТТХИдаги улуши, фоизда** | | | | | | |
| Ривожланган давлатлар | 55,9 | 50,9 | 52,0 | 68,4 | 54,1 | 69,8 |
| Ривожланаётган давлатлар | 41,2 | 46,8 | 44,5 | 29,2 | 42,0 | 28,4 |
| Африка | 2,4 | 3,4 | 2,9 | 0,8 | 0,8 | 0,4 |
| Осиё | 29,5 | 33,3 | 30,8 | 26,0 | 41,2 | 24,9 |
| Шарқий ва Жанубий-Шарқий Осиё | 24,8 | 27,8 | 25,2 | 22,9 | 34,9 | 21,3 |
| Жанубий Осиё3,0 | 3,5 | 3,7 | 0,7 | 1,2 | 0,9 | |
| Ғарбий Осиё 1,6 | 2,0 | 1,8 | 2,4 | 5,1 | 2,7 | |
| Лотин Америкаси ва Кариб денгизи | 9,2 | 10,0 | 10,7 | 2,4 | 0,01 | 3,2 |
| Океания | 0,1 | 0,1 | 0,1 | 0,01 | -0,03 | -0,1 |
| Ўтиш даври иқтисодиёти мамлакатлари | 2,9 | 2,3 | 3,6 | 2,4 | 3,8 | 1,8 |
| Таркибий муносабатлар бўйича жуда заиф, иқтисодиёти кичик бўлган давлатлар | 2,4 | 2,6 | 2,5 | 0,4 | 0,2 | 0,03 |

**М а н б а:** ЮНКТАД, база данных ПИИ/МНП (www.unctad.org/fdistatistics).

лигига, шу жумладан савдо кескинлиги ва брекситга қарамасдан кузатилди. Ушбу тенденция асосан Европадаги тўғридан-тўғри инвестицияларнинг динамикаси билан таъминланди, бу ерда оқимлар 18 фоизга ўсиб, 429 миллиард долларни ташкил этди. Европанинг бир қатор мамлакатлари кучли ўзгарувчанликни бошдан кечирди. Масалан, 2019 йилда Ирландияга оқиб тушадиган маблағ 78 миллиард долларни ташкил этган бўлса, 2018 йилда 28 миллиард долларни ташкил этди. Баъзи йирик

иқтисодиётларда тўғридан-тўғри ташқи инвестициялар камайган. Германияда оқим икки баравар камайди, Франция ва Буюк Британияда бироз пасайиб кетди. Оқимлар Шимолий Америкада бир текис бўлиб, 297 миллиард долларни ташкил этди. Қўшма Штатлардаги тўғридан-тўғри ташқи инвестицияларнинг бир оз пасайишига қарамай (–3 фоиз), ушбу мамлакат чет элдан инвестицияларни энг кўп олувчи мамлакат бўлиб қолмоқда ($246 млрд). Ривожланаётган иқтисодиётларга инвестицияларнинг тўғридан-тўғри инвестициялари ҳажми 2 фоизга камайди ва 685 миллиард долларни ташкил этди.

2010 йилдан бошлаб ривожланаётган давлатларга оқимлар нисбатан барқарор бўлиб, ривожланган давлатларга қараганда анча тор доирада – ўртача 674 млрд Акш доллар. 2019 йилда тўғридан-тўғри инвестицияларнинг пасайиши Африкага 10 фоизга 45 миллиард долларга тушганлиги, мўътадил иқтисодий ўсиш ва товарларга бўлган талабнинг пасайиши билан боғлиқ. Бу нисбатан кўпроқ диверсификацияланган хорижий инвестицияларнинг кириб бориши (масалан, Жанубий Африка, Марокаш ва Эфиопия) бўлган мамлакатларга, шунингдек, товарларни экспорт қилувчи мамлакатларга (масалан, Нигерия, Судан) оқимларни камайтирди.

2019 йилда кам сонли мамлакатлар кўпроқ маблағ олишди. Африкадаги энг катта хорижий инвестицияларни олувчи Мисрга оқимлар 11 фоизга ўсиб, 9 миллиард долларни ташкил этди. 2019 йилда ривожланаётган Осиёга тўғридан-тўғри инвестицияларнинг улуши 5 фоизга камайиб, 474 миллиард долларни ташкил этди. Камайганига қарамай, у чет эл инвестицияларини олувчиларнинг энг катта минтақаси бўлиб, глобал инвестициялар оқимларининг 30 фоизидан кўпроғига мезбонлик қилмоқда. Бу пасайишга, биринчи навбатда, Хитойнинг Гонконгдаги 34 фоизга пасайиши сабаб бўлди. Энг йирик бешта олувчилар Хитой, Гонконг, Хитой, Сингапур, Ҳиндистон ва Индонезия бўлди.

Хитой тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни олувчиси сифатида АҚШдан кейин иккинчи ўринни эгаллаб келмоқда. Лотин Америкаси ва Кариб денгизида (молия марказлари бундан мустасно) хорижий инвестицияларнинг оқими 10 фоизга ўсиб, 164 миллиард долларни ташкил этди. Хорижий инвестициялар тўғридан-тўғри Бразилия, Чили, Колумбия ва Перуда ўсди, аксарият қисми товарларга тўғри келди, аммо коммунал хизматларга инвестициялар ҳам ошди. 2019 йилда Лотин Америкаси ва Кариб денгизи ҳам қайта тикланадиган энергетикадаги тўғридан-тўғри ташқи инвестициялар учун улкан нуқтага айланди. Ўтиш даври иқтисодиётлари тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар кириб келишининг 59 фоизга ўсиши ва 55 миллиард долларни ташкил этганига Россия Федерациясида тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларнинг тиклани-

ши, Украинадаги икки йиллик пасайишдан кейинги ўсиш ва Ўзбекистоннинг янги либераллашуви сабаб бўлди.

Лондондаги TS Lombard тадқиқот фирмасининг Хитой бўлими директори Трей МакАрвернинг мулоҳазаларига кўра, Хитойдаги бизнесга бўлган муносабат «сўнгги уч-тўрт йилда кескин равишда ёмонлашган»: У аввалгидек ўзига жалб этаётгани йўқ. Компаниялар катта эътибор берувчи номинал ўсиш 20 фоиздан 7–8 фоизга қадар тушиб кетди.[1]

Бундан ташқари, МакАрвернинг таъкидлашича, «хорижий компаниялар Хитой хориж сармояларига анча ёпиқ ҳолатга келган, деб ҳисоблашмоқда». Сингапур, Таиланд, Тайванда тўғридан-тўғри хорижий сармоялар келиши ЯИМга нисбатан тўрт йиллик минимумга қадар тушиб кетди. Лотин Америкасида эса 2016 йилнинг сентябрига қадар бўлган 12 ойлик даврда 2003 йилдан бери энг катта даражага етган.

Инвестициялар жалб қилиниши учун молия бозорида қулай муҳитни шакллантириш, солиқ юкини камайтириш, молия ва банк секторини ислоҳ қилиш, тадбиркорликни ривожлантириш муҳим аҳамиятга эга. Миллий иқтисодиётни ривожлантириш ҳамда янги ишлаб чиқаришни ташкил этишда кредит ресурсларини жалб қилиш долзарб масаладир, чунки буларнинг ҳаммасини амалга ошириш йирик молиявий имкониятларни талаб этади. Мазкур молиялаштириш масаласининг ечими корхоналарга инвестицион кредитлар бериш билан таърифланади.

Қайд этиш жоизки, мустақиллик йилларида Ўзбекистонда қулай инвестициявий муҳит шакллантирилди, хорижий инвесторларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича қонун йўли билан кенг кўламдаги имтиёзлар, афзалликлар ва кафолатлар тизими белгиланди.

Натижада, республикада иқтисодиётнинг етакчи тармоқлари ва соҳаларида хорижий инвестициялар иштирокида 4,2 мингтадан кўпроқ корхона ташкил қилинди ва муваффақиятли фаолият юритмоқда. Ҳар йили ўртача 3,0 миллиарддан кўпроқ асосан тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ўзлаштирилмоқда, мамлакат иқтисодиётига киритилаётган инвестициялар умумий ҳажмининг 26,6 фоиздан кўпроғи уларнинг ҳиссасига тўғри келади. Бу эса хорижий инвесторларнинг республика иқтисодиёти барқарорлиги ва пишиқ-пухталигига, уни ривожлантириш истиқболларига қизиқиши ҳамда ишончи ортиб бораётганидан яққол далолат беради.

Шу билан бирга, жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози давом этаётгани, жаҳон ва минтақавий инвестиция бозорларида рақобат кучайиб бораётгани мамлакатда яна ҳам қулайроқ инвестиция муҳитини яратиш, ишлаб чиқаришларни модернизация қилиш, техник ва технологик янгилаш бўйича лойиҳаларни амалга ошириш учун хорижий инвестициялар

[1] http://www.tslresearch.com

жалб этилишини рағбатлантириш, шунингдек, хорижий инвесторлар билан ишлашдаги мавжуд бюрократик ғовлар ва тўсиқларни бартараф этиш, хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар фаолиятига давлат ва назорат идоралари томонидан ноқонуний аралашувларга йўл қўймаслик борасида қўшимча чора-тадбирлар қабул қилинишини тақозо этмоқда.

Юқори технологияли ишлаб чиқаришларни ривожлантиришга тўғридан-тўғри қўйилмалар киритаётган хорижий инвесторлар учун максимал даражада қулай инвестиция муҳитини яратиш, республика минтақаларига хорижий сармоялар ва замонавий технологиялар жалб этилиши рағбатлантирилишини кучайтириш, хорижий инвесторлар ҳамда хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар учун кафолатлар ва имтиёзлар тизимини янада мустаҳкамлаш мақсадида қонун ҳужжатларига бир қатор ўзгартириш ва қўшимчалар киритилдики, бу, ўз навбатида, мамлакатимизнинг инвестицион жозибадорлигини оширишга хизмат қилмоқда. Бундай ўзгаришлар сирасида қуйидагиларни келтириб ўтиш жоиз:

1. Хорижий инвесторнинг пул шаклидаги улуши 5 миллион АҚШ долларидан кам бўлмаган янгидан ташкил этилаётган хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар давлат рўйхатидан ўтган санадан бошлаб 10 йил мобайнида солиқ қонунчилигида ўзгаришлар юз берган ҳолларда, юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи, қўшилган қиймат солиғи (товарлар, ишлар, хизматларни реализация қилиш айланмаси), мол-мулк солиғи, ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғи, ягона ижтимоий тўлов, ягона солиқ тўлови, шунингдек, Республика йўл жамғармасига ҳамда Таълим ва тиббиёт муассасаларини реконструкция қилиш, мукаммал таъмирлаш ва жиҳозлаш жамғармасига мажбурий ажратмалар тўлашнинг мазкур корхоналар давлат рўйхатидан ўтиш санасида амал қилган меъёрлари ва қоидаларини қўллашга ҳақли эканлиги белгилаб қўйилди.

2. Шундай тартиб ўрнатилдики, қиймати 50 миллион АҚШ долларидан ошадиган ва хорижий инвесторнинг улуши камида 50 фоиз бўлган инвестиция лойиҳалари доирасида, ишлаб чиқариш майдонидан ташқаридаги зарур ташқи муҳандислик-коммуникация тармоқларини қуриш бюджет маблағлари ҳамда бошқа ички молиялаштириш манбалари ҳисобидан амалга оширилиши белгиланди.[1]

[1] Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони. Тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар жалб этилишини рағбатлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 й., 15-сон, 167-модда; 2013 й., 12-сон, 150-модда.

Юқорида билдирилган таҳлил ва мулоҳазаларни умумлаштирган ҳолда таъкидлаш лозимки, модернизация қилиш жараёнлари кучаётган бир шароитда давлатнинг ўрта ва узоқ муддатли оралиқдаги инвестицион стратегияси қуйидаги вазифаларни ҳал этишга қаратилиши, бизнинг фикримизча, энг самарали йўл ҳисобланади:

- миллий иқтисодиётнинг юқори суръатдаги рақобатдошлигини таъминлашга қаратилган таркибий ўзгаришларни изчил амалга ошириш;
- иқтисодиётнинг импорт ва экспорт салоҳиятини оширишга хизмат қиладиган, шунингдек, юқори қўшимча қиймат яратадиган етакчи устувор тармоқларни қўллаб-қувватлаш;
- минтақавий инфраструктура соҳасини ривожлантиришга қаратилган устувор инвестицион лойиҳаларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш;
- маҳаллий ва чет эл инвесторларининг инновацион-инвестицион фаоллигини ошириш мақсадида инвестицион муҳит жозибадорлигини таъминлаш;
- юқори технологияларга асосланган ва юқори қўшимча қиймат яратадиган қўшма лойиҳаларни ташкил этишга хизмат қиладиган қулай бизнес-муҳитини яратиш;
- инсон капиталини ривожлантиришга қаратилган ва бугунги кунда БМТ томонидан давлатларнинг кўп қиррали ривожланишига берилаётган баҳолардан бири сифатида Инсон тараққиёти индексининг юқори бўлишлигига эришиш.

---

***Одамлар суратини безатса, сен сийратингни беза. Одамлар бошқалар айбидан сўз очса, сен ўз қусурингни ўйла.***

**Ж.Румий**

## 4.3. ЎЗБЕКИСТОННИНГ РЕСУРС САЛОҲИЯТИДАН САМАРАЛИ ФОЙДАЛАНИШ: ИНВЕСТИЦИОН МУҲИТ ЖОЗИБАДОРЛИГИ ВА ИШБИЛАРМОНЛИКНИ СОҒЛОМЛАШТИРИШ ЙЎНАЛИШЛАРИ

Жамият ҳамиша истеъмолга мойил бўлиб келган. Сон жиҳатдан доимий кўпайиб борадиган аҳолининг ноз-неъматларга бўлган талабини сўзсиз қондириш узлуксиз маҳсулот ишлаб чиқаришни тақозо этади. Бундай доимий такрор ишлаб чиқаришни таъминловчи муҳим воситалардан бири эса инвестициялар ҳисобланади.

Мамлакатларнинг барқарор иқтисодий ривожланишини инвестицияларсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Айниқса, бугунги кунда шу нарса яққол намоён бўлмоқдаки, ҳар қандай давлатнинг бундан кейинги юксалиши инвестицияларни жалб этишига қараб белгиланади.

Шуни эътиборга олиш лозимки, инвестициялар аслида пул маблағлари шаклида сафарбар этилади. Пул шаклидаги инвестицияларнинг манбаи асосан фойда (даромад) ҳисобланади. Лекин пулнинг ўзи ишлаб чиқариш омили бўлмаганлиги учун уни керакли моддий воситаларга алмаштириш зарурияти туғилади.[1] Шунингдек, айрим ҳолларда янги активлар ва бойликларни яратиш учун инвестициялар пул маблағи шаклида ҳам сафарбар этилиши талаб этилади. Шунга кўра, пулсиз янги активлар ва бойликларнинг ҳосил бўлиши асло юз бермаслигини оддийгина англаб олиш мумкин. Агар инвестициялар амалга оширилмас экан, моддий ва номоддий бойликлар ҳосил қилинмайди. Демак, у пул маблағлари шаклида қолиб кетаверади. Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, моддий ва номоддий бойликлар муайян фаолиятни амалга ошириш мақсадида қўлланилмас экан, капитал қийматининг ўсиши таъминланмайди.

Таъкидлаш жоизки, миллий иқтисодиётнинг ривожланишини таъминлаш мақсадида хорижий инвестицияларни ҳар қандай объектларга ҳам жалб этиш мақсадга мувофиқ эмас. Сабаби, мавжуд объектларни ва корхоналар акцияларини чет эллик инвесторларга сотиш мамлакатимизга инвестицияларнинг кириб келишини англатмайди, «...чунки бундай битимлар мавжуд бўлган активларга бўлган мулк ҳуқуқини шунчаки беришни англатади»[2]. Бу эса, мулк қийматининг кўпаймаслигидан далолат беради. Мавжуд активларни қайта сотиш ҳам айнан шундайдир.

Умуман олганда, инвестицияларни амалга ошириш инвестиция жараёнининг таркибий қисми ҳисобланади ва у инвестиция ресурсларини ҳосил қилиш натижасига таянади. Кўзланган мақсадга эришиш иштиёқи инвесторни капитал тўплаб, сўнг уни шу мақсад йўлида сафарбар этишга ундайди. Модомики, мақсад муайян натижага қаратилар экан, натижа ҳам, ўз навбатида, муайян мақсадларни келтириб чиқаради ва инвестиция жараёнини акс эттирадиган кетма-кетликни ҳосил қилади. Инвестицияларнинг бу тарзда ҳаракатланиши инвестиция фаолияти орқали юз беради.

Инвестиция фаолияти унинг субъектлари томонидан инвестицияларни амалга ошириш билан боғлиқ ҳаракатлар мажмуаси бўлгани ҳолда,

[1] *Ўлмасов А., Шарифхўжаев М.* Иқтисодиёт назарияси. – Т.: Меҳнат, 2000.

[2] *Киселева Н.В., Боровикова Т.В., Захарова Г.В.* и др. Инвестиционная деятельность: Учебное пособие. – М.: КНОРУС, 2005. 432 с.

бу ҳаракатларни субъектлар томонидан фақат ивестицияларни қўйиш билан боғлиқ ҳаракатлар сифатида тушунмаслик лозим. Бунда мазкур ҳаракатлар инвестицияларни амалга оширишнинг мақсади ва йўналишларини аниқлаш, инвестиция лойиҳасини ишлаб чиқиш ва техник-иқтисодий жиҳатдан баҳолаш, уни амалга ошириш учун талаб этиладиган маблағларни жалб этиш манбаларини аниқлаш, жамғариш ва самарали сарфлаш каби кенг жараёнларни ўз ичига қамраб олишини мантиқан тушуниш лозим, деб ҳисоблаймиз.

Инвестиция фаолиятини ташкил этишда ҳар бир мулк эгаси, энг аввало, ўз манфаатларини кўзлаб, яъни фойда олиш мақсадида ҳаракат қилади. Чунки юқори фойда инвесторнинг капитал қиймати ўсишига имкон беради.

XX асрнинг 70-йилларигача дунё мамлакатларининг иқтисодий-ижтимоий тараққиёти ҳар бир давлатнинг ўз ҳудуди доирасидаги ривожланиш суръатлари ёхуд уларнинг ўзаро муносабатлари даражасидан иборат жараён сифатида талқин этилар эди. Глобаллашув даврига келиб эса, тараққиёт борасида ўзгача қараш – воқеа-ҳодисаларни макон ва замондан ажратмаган ҳолда, синхрон тарзда талқин этиш тамойили кўзга ташлана бошлади.

Ушбу жараёнда, тарихий тараққиёт хусусиятларидан қатъи назар, халқаро меҳнат тақсимоти тизимига уйғунлашиб бораётган, хорижий сармояларни ўз иқтисодиётига изчил жалб этаётган ҳамда замонавий технологиялар сари интилаётган ҳар қандай мамлакат учун глобаллашув жараёни туфайли вужудга келган иқтисодий афзалликлардан фойдаланиш имконияти туғилади.[1]

Ушбу ўринда глобаллашув атамасининг мазмун-моҳиятига эътибор қаратадиган бўлсак, «глобаллашув» атамаси дастлаб америкалик олим Т.Левиттнинг 1983 йили «Гарвард бизнес ревью» журналида чоп этилган мақоласида тилга олинган эди. Муаллиф йирик трансмиллий корпорациялар ишлаб чиқарадиган турли-туман маҳсулот бозорларининг бирлашув жараёнини шундай деб атаган эди.[2]

Хўш, бугун глобаллашув жараёнидан кимлар, яъни қайси давлатлар кўпроқ манфаат топмоқда? Ҳеч иккиланмасдан айтиш мумкинки, ривожланган мамлакатлар бошқа ривожланаётган ва учинчи давлатлардан кўра кўпроқ ютуққа эга бўлмоқда. Тараққий этган давлатлар билан ривожла-

[1] *Умаров Б.* Глобаллашув зиддиятлари: иқтисодий, ижтимоий ва маънавий жиҳатлари. – Т.: «Маънавият», 2006.

[2] Мировая экономика и международные отношения, 1998, №1.

наётган давлатларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳолати ўртасидаги тафовут катта эканлигини кузатиш мумкин.

Француз тадқиқотчиси Т.Фабрнинг маълумотларига кўра, XX асрнинг охирида 20 фоиз энг бой давлатларнинг улушига жаҳон миқёсида ишлаб чиқарилаётган ялпи ички маҳсулотнинг 86, экспортнинг 82, инвестицияларнинг 68 фоизи тўғри келган бўлса, 20 фоиз энг қашшоқ мамлакатларда мос равишда ҳар учала кўрсаткич бир фоиздан ҳам ошмаган.[1] Шундай вазият ва ҳолатларда мамлакатлар аҳолисининг фаровонлигини таъминлаш, уларнинг муносиб ҳаёт кечиришлари ва ўз эҳтиёжларини тўлақонли таъминлашлари учун тенг шароитларни муҳайё этиш ҳар бир давлатнинг асосий вазифалардан бирига айланади. Ҳозирда дунё мамлакатлари ўртасида чекланган ресурсларни тақсимлаш ва қайта тақсимлаш борасида том маънодаги қизғин кураш кетмоқда. Айнан шу курашда катта манфаатга эришиш, аҳолининг турмуш шароитларини юқори сифатга кўтариш учун билимлар иқтисодиётининг ривожланишига, фан-техниканинг юқори натижаларини татбиқ этиш орқали кам харажат қилиш эвазига максимум натижага эришиш усуллари ривожланган мамлакатларнинг асосий стратегияси ҳисобланади.

Бу борада Ўзбекистоннинг имкониятларига, унинг салоҳиятига назар соладиган бўлсак, мамлакатимиз олтин, уран, мис, табиий газ, вольфрам, калий тузи, фосфорит, каолин каби фойдали қазилмалар захиралари бўйича фақат МДҲда эмас, балки бутун дунё бўйича етакчи ўринларда туради. Олтин захираси бўйича дунёда тўртинчи, уни қазиб олиш даражаси бўйича эса еттинчи ўринни эгаллайди. Мис захираси бўйича 10211, уран бўйича 7–8 чи ўринни, уни қазиб олиш бўйича 11–12 чи ўринда туради.[2]

Топилган конларнинг захиралари ичида ёқилғи-энергетика, тоғ кон рудалари ва кимёвий хом ашё, қурилиш моллари, 370 дан ортиқ нефть ва газ конлари, шахталар, карьерлар, саёз конлар, очиқ конлар ва 300 га яқин ер ости чучук сув ҳавзалари бор.[3]

Ўзбекистонда асосий энергетика ресурси табиий газ ҳисобланади, унинг захираси 2 трлн м3. Бундан ташқари кўмир (Ангрен кўмир кони 1,9 млрд тонна қўнғир кўмир захирасига эга), уран (умумий захираси 230 минг т.) ва гидроэнергия (Чирчиқ, Оҳангарон, Сурхондарё дарёлари ва кўпгина кичик дарёлар) ресурслари мавжуд.[4]

Энг асосий кўрсаткичлардан бири бўлмиш меҳнат ресурсларига келадиган бўлсак, мамлакатимиз аҳолисининг 39 фоизини ёшлар, 54 фоизини

[1] *Stalker P.* Travailleuts sans frontieress // Traval. Geneve, 200, # 34.
[2] *Одинаева З.* Қизилқум сахросида баҳор. Тошкент: "Муҳаррир", 2008.
[3] www.uznature.uz/index.
[4] www.uznature.uz/index

меҳнатга лаёқатлилар ва 7 фоизини катта ёшдаги аҳоли ташкил этади.[1] Юқорида зикр этилган шарт-шароитларнинг барчаси мамлакатимизнинг инвестицион салоҳияти катталиги ва хорижий инвесторларнинг бундай ўлкага бўлган қизиқишининг юқорилигидан далолат беради.

Чунончи, иқтисодиётни модернизациялаш, ишлаб чиқаришни диверсификациялаш, корхона ва ташкилотларни техник ва технологик жиҳатдан янгилашни инвестицион маблағларсиз тасаввур этиб бўлмайди. Бу борадаги ишларнинг самарадорлиги эса давлат томонидан амалга оширилаётган инвестиция сиёсатининг аниқлиги, уни самарали амалга ошириш бўйича ишлаб чиқилган стретегиянинг тўғрилигига боғлиқ.

Маълумки, мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий салоҳиятини кўтармасдан туриб одамларнинг турмуш тарзини, уларнинг эҳтиёжларини тўла қондиришнинг имкони йўқ. Инсон тараққиёти концепциясини фақат таълим ва соғлиқни сақлаш, гендер ривожланиш ва қашшоқликка қарши курашиш каби ижтимоий мезонлар статистикаси ва кўрсаткичлари асосида таҳлил қилиш етарли эмас. Агар мазкур кўрсаткичлар қаторига жамғариш, инвестициялар, ишлаб чиқариш, истеъмол қилиш, савдо ва технологиялар каби кўрсаткичлар киритилмас экан, инсон тараққиёти тўғрисида тўлиқ тасаввур шаклланмасдан қолади.

Жамиятнинг ривожланишини унинг самарадорлигига, яъни одамларнинг моддий ва маънавий эҳтиёжларини қондириш учун ресурслардан оптимал фойдаланишига қараб баҳоланади. Шу сабабли, инсон тараққиётининг бош уч компонентидан биттаси фаровонлик ҳисобланади. Инсоннинг реал эркинликларини кенгайиши уни равнақ топиши билан ҳамқадам бўлмоғи керак. Бу эса, ўз навбатида, меҳнат унумдорлигини оширишни, иқтисодий ўсишни талаб қилади.

Мамлакат иқтисодиётини технологик жиҳатдан янгилаш ижтимоий меҳнат тақсимоти ва унумдорлигини ошириш, ялпи ички маҳсулотнинг энергия, материал сиғимкорлигини қисқартириш, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар сифатини тубдан ошириш ҳамда иқтисодиётни инновацион ривожлантиришга ўтказишнинг моддий асосларини яратиш имконини беради.

Иқтисодиётни таркибан модернизация қилиш эса, ёқилғи ва хом ашё тармоқлари, ярим фабрикатларни ишлаб чиқаришни қисқартирган ҳолда юқори технологияни ўзида мужассамлаштирган тайёр маҳсулот улушини кўпайтириш имконини беради. Шунингдек, экспорт таркибида хом ашё, ёқилғи улушини қисқартирган ҳолда тайёр, инновацион маҳсулот ва хизматлар улушини мутаносиб равишда ошишига олиб келади. Натижада,

[1] www.mfer.uz

мамлакат ялпи ички маҳсулоти таркибида «билимлар иқтисодиёти» улушининг ортиши ва миллий иқтисодиётни инновацион ривожланиши юз беради.

Шундай экан, тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилишда мамлакат ва унинг минтақаларида яратилган инвестицион муҳит жозибадорлиги, мутлоқ ва нисбий устунликка эътиборни қаратиш мақсадли ҳисобланади. Айнан ушбу омилларга инвесторлар томонидан алоҳида эътибор берилади. Ҳудудларнинг инвестицион жозибадорлигини аниқлашда мутахассислар турли услублардан фойдаланиб келмоқдалар.

Уларнинг бир-биридан фарқи инвестицион муҳитни белгилайдиган кўрсаткич ва индикаторларни танлаб олишда намоён бўлади.

Юртимиз олимларининг тадқиқотларига кўра, минтақаларнинг инвестицион жозибадорлик индекси олтита элемент асосида ҳисобланган.

*4.3.1-жадвал*

**Ўзбекистон ҳудудларининг инвестицион жозибадорлигини аниқлаш элементлари[1]**

| № | Ҳудудлар | Ҳудуднинг умумий иқтисодий ривожланиш даражаси | Ҳудуднинг молиявий ресурслар билан таъминланиши | Инвестицион инфратузилманинг ривожланиш даражаси | Ҳудуднинг демографик тавсифи | Институционал ўзгаришлар ва ривожланиш даражаси | Ҳудуднинг инвестицион фаолият хавфсизлиги даражаси | Мутлақ интеграл кўрсаткич |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| 1. | Қорақалпоғистон Республикаси | 0,0064 | 0,121 | 0,085 | 0,222 | 0,559 | 0,535 | 0,234 |
| 2. | Андижон | 0,341 | 0,151 | 0,276 | 0,426 | 0,560 | 0,594 | 0,367 |
| 3. | Бухоро | 0,304 | 0,144 | 0,165 | 0,413 | 0,509 | 0,511 | 0,315 |
| 4. | Жиззах | 0,198 | 0,049 | 0,075 | 0,388 | 0,496 | 0,506 | 0,151 |
| 5. | Қашқадарё | 0,362 | 0,542 | 0,266 | 0,382 | 0,370 | 0,386 | 0,382 |
| 6. | Навоий | 0,536 | 0,189 | 0,218 | 0,348 | 0,348 | 0,439 | 0,338 |
| 7. | Наманган | 0,141 | 0,118 | 0,183 | 0,374 | 0,531 | 0,554 | 0,285 |
| 8. | Самарқанд | 0,181 | 0,234 | 0,154 | 0,401 | 0,607 | 0,522 | 0,322 |
| 9. | Сурхондарё | 0,150 | 0,101 | 0,104 | 0,324 | 0,549 | 0,422 | 0,250 |
| 10. | Сирдарё | 0,185 | 0,037 | 0,147 | 0,320 | 0,317 | 0,723 | 0,247 |
| 11. | Тошкент | 0,434 | 0,197 | 0,366 | 0,493 | 0,611 | 0,362 | 0,404 |
| 12. | Фарғона | 0,317 | 0,241 | 0,331 | 0,470 | 0,289 | 0,573 | 0,347 |
| 13. | Хоразм | 0,171 | 0,113 | 0,199 | 0,310 | 0,529 | 0,535 | 0,284 |
| 14. | Тошкент ш. | 0,837 | 0,793 | 0,701 | 0,820 | 0,580 | 0,845 | 0,755 |

[1] Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги маълумотлари асосида ҳисобланган.

Олинган маълумотларга кўра, минтақаларнинг инвестицион жозибадорлигини учта гуруҳга бўлиш мумкин (4.3.1-жадвал).

*Биринчи гуруҳга* Тошкент шаҳри, Тошкент, Қашқадарё, Андижон ва Фарғона вилоятлари киради ҳамда улар инвесторлар учун энг қулай ҳисобланади (индекс 0,755-0,347).

Инвестицион жозибадорликнинг юқори бўлиши ушбу ҳудудларда табиий-иктисодий салоҳият, инфратузилма, жумладан, транспорт ва ахборот-коммуникация тармокларининг ривожланиш даражаси юқорилиги билан белгиланади.

*Иккинчи гуруҳни* Самарқанд, Бухоро, Навоий ва Наманган вилоятлари ташкил этади (индекс 0,322-0,288). Ушбу ҳудудлар хорижий инвесторларнинг қазиб оладиган ва қайта ишлайдиган корхоналар фаолият кўрсатаётганига қизиқиши билан белгиланади.

*Учинчи гуруҳга* нисбатан кам ривожланган ҳудудлар – Хоразм, Сурхондарё, Жиззах, Сирдарё вилоятлари ва Қорақалпоғистон Республикаси киради (0,284-0,234). Мазкур ҳудудларга хорижий инвестицияларни жалб қилишда давлатнинг иштироки юқори бўлиши лозим.

**Инвестицион муҳитни баҳолаш: Халқаро «бизнес юритиш» рейтингининг аҳамияти ва талқини.** Жаҳон банки гуруҳининг йиллик нашри «Бизнесни юритиш» ҳисоботи 2003 йилдан буён эълон қилиниб келинади. У жаҳон мамлакатларидаги:

1. Ишбилармонликнинг фаоллигини;
2. Бизнесни юритиш хусусиятларини;
3. Бизнесни юритиш учун мавжуд чекловларни баҳолайди.

Ҳисоботда хусусий корхоналарнинг ҳаётий циклида тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш соҳаларидаги тартибга солиш нормалари баҳолаб борилади. Хусусий сектор субъектларининг бизнес юритиш даражасидаги шарт-шароитлар ва имкониятлар дастлабки даврда бешта кўрсаткич бўйича 108 та мамлакатда амалга оширилган бўлса, эндиликда жаҳоннинг 190 та мамлакати бўйича ҳисобот тайёрланмоқда.

2016 йилнинг 25 октябрида Жаҳон Банки гуруҳи ўзининг йиллик ҳисоботлар туркумидаги бизнесни қўллаб-қувватловчи ва унга тўсқинлик қилувчи қонунчиликка оид тартиб-қоидаларни ўлчашга бағишланган 14-ҳисоботини «Doing Business 2017: Equal Opportunities For All» (Бизнесни юритиш 2017: барчага тенг имкониятлар) рукни остида кенг оммага тақдим этди. Янгиланган рейтингда 190 та давлат ичида Ўзбекистон 5 поғонага пастлаб, 82-ўриндан 87-ўринга тушиб қолди. Лекин мазкур пасайиш, дунёнинг 137 та давлатида амалга оширилган 283 та ислоҳотлар, рейтингни белгилашдаги методлар ҳамда баҳолаш параметрларидаги

ўзгаришлар сабабли рўй берди. Ўз навбатида, ушбу кўрсаткич Ўзбекистондаги бизнес муҳитнинг ўтган йилдагига нисбатан ёмонлашганини англатмайди.

Шундай бўлса ҳам, Ўзбекистоннинг умумий рейтингда пастки поғонага тушишига асосан қуйидаги йўналишлардаги рейтинг кўрсаткичлари сабаб бўлди: электр таъминоти тармоғига уланишда 5 поғона (78-ўриндан 83-ўринга), тўлов қобилиятсизлигини ҳал қилишда 5 поғона (72-ўриндан 75 -ўринга), бизнесни бошлашда 2 поғона (23-ўриндан 25-ўринга), кредит олишда 2 поғона (42-ўриндан 44-ўринга) ва шартномаларни ижросини таъминлашда 1 поғона (37-ўриндан 38-ўринга) пасайиш кузатилди.

Қуйидаги йўналишлар бўйича эса ижобий натижалар қайд этилди: қурилишга рухсатномалар олишда (147-ўринда) ўзгаришсиз қолган; миноритар инвесторларни ҳимоя қилишда 8 поғона (78-ўриндан 70-ўринга); мулкни рўйхатга олишда 6 поғона (81-ўриндан 75-ўринга); солиқларни тўлашда 1 поғона (139-ўриндан 138-ўринга) ва халқаро савдода 1 поғона (166-ўриндан 165-ўринга) олдинга силжиш кузатилди.

Мулкни рўйхатга олишдаги ижобий ўзгаришга мазкур соҳада ахборотнинг шаффофлигини ошириш натижасида эришилди. Ўзбекистонда

*4.3.2-жадвал*

**Doing Business кўрсаткичлари**

| Start-up | Бизнесни кенгайтириш (Expansion) | Жараёнлар (Operations) | Банкротлилик (Insolvency) |
|---|---|---|---|
| **1. Бизнесни очиш**<br>*Бизнес очиш учун талаб этиладиган минимал капитал, таомиллар, вақт ва харажат* | **2. Мулкни рўйхатдан ўтказиш**<br>*Талаб қилинадиган таомиллар, вақт ва харажат*<br>***3. Кредит олиш***<br>*Кредит ахборот тизимлари; Кўчар мулкни гаровга олиш бўйича қонунчилик*<br>**4. Минаритар инвесторларни ҳимоя қилиш**<br>*Аффилланган шахслар билан шартномаларни ошкор қилиш ва жавобгарлик*<br>**5. Шартномалар бўйича ҳуқуқий жавобгарлик**<br>*Тижорий низони хал қилиш учун талаб қилинадиган таомиллар, вақт ва харажат* | **6. Қурилишга рухсат олиш**<br>*Таомиллар, вақт ва харажат*<br>**7. Солиқ тўловлари**<br>*Тўловлар, вақт ва солиқ юки*<br>**8. Халқаро савдони амалга ошириш**<br>*Талаб қилинадиган ҳужжатлар, вақт ва харажат*<br>**9. Электр тармоғига уланиш**<br>*Таомиллар, вақт ва харажат*<br>**10. Ходимларни ишга ёллаш (илова)** | **11. Банкротликни расмийлаштириш**<br>*Талаб қилинадиган вақт, харажат ва капитал қайтими даражаси* |
| **Бозорга кириш** → | **Мулкий ҳуқуқлар; Инвесторларни ҳимоялаш; Кредит олиш** → | **Маъмурий юклама; Ишга ёллашнинг осонлиги** → | **Капитал қайтими даражаси; Активларни қайта жойлаштириш** |

мулкчилик ва назорат структураларининг такомиллашгани эса миноритар инвесторларни ҳимоя қилишнинг кучайганлигини кўрсатди. Иш берувчи томонидан тўланадиган ягона ижтимоий тўлов ва корпоратив даромад солиғи ставкасинининг пасайиши эса солиқларни тўлаш йўналиши бўйича рейтинг кўрсаткичини яхшилади.

Айни чоғда, мезонлар сони ҳам 2015 йилгача 11 тага етган бўлса, 2016 йилдан бошлаб кўрсаткичлар сони 10 тага келтирилди. Бироқ 11-мезон бўлган меҳнат бозорини тартибга солиш кўрсаткичи бошқа кўрсаткичлар ичига сингдирилиб юборилди. Яъни, 2016 йил рейтингини ҳисоблашда ушбу мезон алоҳида кўрсаткич сифатида қайд этилмаган. 10 та баҳолаш кўрсаткичларининг (индикаторлар) таркиби 4.3.1-жадвалда келтирилган.

Жаҳон банкининг мазкур глобал рейтинг натижалари асосида 190 та давлатга тегишли ўрин берилади. Мамлакатнинг ушбу рейтингдаги ўрни қанчалик юқори бўлса, мазкур давлатда ишбилармонлик муҳити шунчалик соғломлигидан, яхшилигидан дарак беради.[1] Кетма-кет 10 йил давомида тадбиркорлик фаолияти учун қулай шароитлар яратиш бўйича биринчи ўринни Сингапур давлати эгаллаб келмоқда. Бизнесни юритиш учун энг кулай шарт-шароитларга эга мамлакатлар бешталигига Янги Зеландия, Дания, Жанубий Корея ва Гонконг (Хитой) мамлакатлари киритилган. Рейтингда охирги ўринларни: Экваториал Гвинея, Ангола, Гаити, Чад, Конго Демократик Республикаси, Марказий Африка Республикаси, Венесуэла (Боливариан Республикаси), Жанубий Судан, Ливия, Эритрея эгаллайди.

Собиқ Иттифоқ мамлакатлари бўйича Doing Business рейтинги натижалари 4.3.2-жадвал маълумотларида келтирилган. Рейтинг натижалари

*4.3.2 - ж а д в а л*

**Doing Business 2020: Собиқ Иттифоқ мамлакатлари бўйича рейтинг кўрсаткичлари.**

| | | | |
|---|---|---|---|
| 1. Грузия | 7-ўрин | 9. Молдова | 48-ўрин |
| 2. Литва | 11-ўрин | 10. Белорусь | 49-ўрин |
| 3. Эстония | 18-ўрин | 11. Украина | 64-ўрин |
| 4. Латвия | 19-ўрин | 12. Ўзбекистон | 69-ўрин |
| 5. Қозоғистон | 25-ўрин | 13. Қирғизистон | 80-ўрин |
| 7. Озарбайжон | 34-ўрин | 14. Тожикистон | 106-ўрин |
| 8. Арманистон | 47-ўрин | 15. Туркманистон | Ҳисоб юритилмаган |

**И з о ҳ:** Рейтинг 2019 йил 1 май ҳолатига кўра тузилган.

[1] http://www.doingbusiness.org/methodology.

мамлакатни иқтисодий баҳолаш билан бир қаторда, ижтимоий ривожланишга ҳам ўз таъсирини ўтказади. Ҳисобот тайёрлашнинг охирги икки йилида устувор индикаторлар ва уларни ҳисобга олиш тартиби тўлиқ қайта кўриб чиқилди. Бунда асосий эътибор: қурилишга рухсат олиш, электр энергия билан таъминланганлик, мулкни рўйхатга олиш, шартномаларнинг ижросига қаратилди. Меҳнат бозорини тартибга солишда меҳнатнинг сифати, касалликка таътил бериш, ўқишдан ажралмаган ҳолда ишлаш ва ишсизлик омиллари ҳисобга олинади. Савдо методологияси ҳам қайта кўриб чиқилган.

2020 йил ҳисоботида тадқиқотлар натижаси бўйича 2018–2019 йиллар давомида бутун дунёда ишбилармонлик муҳитини яхшилашга йўналтирилган 231 та ислоҳот қайд этилган. Мазкур ислоҳотлар умумий сонининг 25 фоизи Европа ва Марказий Осиё давлатларига тўғри келади. Шунингдек, ушбу ҳудуднинг, ишбилармонлик муҳитини яхшилаш соҳасида энг юқори кўрсаткичларга эга биринчи ўнта давлатлар рўйхатида Саудия

*4.3.3 - жадвал*

**Самарали ислоҳотларга эришган 10 та мамлакат рўйхати.**

| | Мамлакатлар | Ўрни | Сони |
|---|---|---|---|
| 2017–2018 ЙИЛЛАРДА | 1. Афғонистон | 167 | 5 |
| | 2. Джибути | 99 | 6 |
| | 3. Хитой | 46 | 8 |
| | 4. Озарбайжон | 25 | 9 |
| | 5. Ҳиндистон | 77 | 9 |
| | 6. Того | 137 | 5 |
| | 7. Кения | 61 | 5 |
| | 8. Кот-дъИвуар | 122 | 5 |
| | 9. Туркия | 43 | 8 |
| | 10. Руанда | 29 | 8 |
| 2018–2019 ЙИЛЛАРДА | 1. Саудия Арабистони | 62 | 9 |
| | 2. Иордания | 75 | 3 |
| | 3. Того | 97 | 5 |
| | 4. Баҳрайн | 43 | 10 |
| | 5. Тожикистон | 103 | 3 |
| | 6. Покистон | 108 | 6 |
| | 7. Қувайт | 83 | 8 |
| | 8. Хитой | 31 | 9 |
| | 9. Ҳиндистон | 63 | 4 |
| | 10. Нигерия | 131 | 7 |

Арабистони, Иордания, Того, Баҳрайн, Тожикистон, Покистон, Қувайт, Хитой, Ҳиндистон ва Нигерия камида учта ислоҳотни ўзида татбиқ этиб, глобал рейтингда юқорига чиқиб олган давлатлардир.

Сўнгги йилларда мамлакатимиз рейтингининг «Бизнесни юритиш» ҳисоботида изчил яхшиланиб боришини амалга оширилаётган инвестиция иқлими ва ишбилармонлик муҳитини янада такомиллаштириш бўйича чора-тадбирлар самарадорлиги билан изоҳлаш мумкин. 2015 йилнинг 27 октябрида Жаҳон банки ва Халқаро молия корпорацияси томонидан эълон қилинган «Бизнесни юритиш 2016: тартибга солиш сифати ва самарадорлигини баҳолаш» (Doing Business-2016: Measuring Regulatori quality and Efficienci) мавзусидаги йиллик нашрининг 13-сонида Ўзбекистон ишбилармонлик муҳитини яхшилаш соҳасида энг юқори кўрсаткичларга эга ўнта мамлакатлар қаторига кирганлиги баён этилган.[1]

Жаҳон банки ва Халқаро молия корпорацияси экспертлари томонидан тақдим этилган 2020 йилги ҳисоботда 10 та йўналишдан 5 таси бўйича (бизнес корхоналарни рўйхатдан ўтказиш; Шартномалар ижросини таъминлаш; Миноритар инвесторларни ҳимоя қилиш; Қурилишга рухсатномалар олиш; Халқаро савдо) Ўзбекистоннинг ўрни яхшиланди. Рейтинг бали ўтган йилдаги 67.8 балдан 69.9 баллга ортди (100 баллик тизим орқали баҳолаганда).

Кейинги йилларда мамлакат ҳудудлари бўйича ҳам ишбилармонлик индексларини аниқлаш трендга айланиб бормоқда. Ушбу ўзгаришлар сабаб, Ўзбекистон ҳудудлари бўйича ҳам ишбилармонлик индекси рейтингини аниқлаш бўйича турли хилдаги илмий-методик тадқиқотлар, ёндашувлар амалга оширилмоқда. 4.3.1-расмда келтирилганидек, ушбу индекснинг амалиётга киритилиши натижасида бир қатор самараларга эришилади.

Республикамиз ўз рейтингини яхшилаш бўйича энг яхши кўрсаткичга эришган 5 та мамлакат қаторига кирди. Аввало шуни айтиш керакки, республикамизда бизнес муҳитни яхшилаш соҳасидаги ислоҳотлар натижасида тадбиркорлик субъектларини рўйхатга олиш, уларга рухсат берувчи ҳужжатларни тақдим этиш таомиллари соддалаштирилмоқда.

Мамлакатимизнинг рейтинг кўрсаткичларини уч гуруҳга ажратиш мумкин:

[1] http://www.doingbusiness.org. Doing Business 2016. Measuring Regulatory Quality and Efficiency. 13th edition. Comparing Business Regulation for domestic firms in 189 Ec onomies. World Bank grop. 348s.

Биринчи гуруҳни жиддий силжишларга эришилган рейтинглар ташкил этади. Булар: 1. Бизнес корхоналарни рўйхатдан ўтказиш; 2. Хусусий мулкни рўйхатга; 3. Кредитлар олиш.

Интернет тармоғи орқали тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказишнинг соддалаштирилган тизимини жорий этиш ва тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказишда «бир дарча» тизимини янада такомиллаштириш орқали Ўзбекистон бизнесни рўйхатга олиш йўналиши бўйича 4 поғонага юқорилаб, 8-ўринни банд этди. Ўзбекистонда тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш 3 кунни, Европа ва Марказий Осиёда бу кўрсаткич ўртача 11,9 кунни, бошқа иқтисодий ҳамкорлик ва ривожланиш мамлакатларида 9,2 кунни ташкил этади.

Таъкидлаш жоизки, инвестицион жозибадорликни оширишга қаратилган бизнесни ташкил этиш тартиботларини соддалаштириш бўйича сўнгги йилларда амалга оширилган чора-тадбирлар натижасида бугунги кунда Ўзбекистонда бизнес очиш учун Япониядагидан 1,5 баробар, Россия ва Германиядагидан – 1,6 марта, Греция ва Исроилдагидан – 2 марта, Испаниядагидан – 2,2 марта, Украинадагидан – 2,8 марта, Ҳиндистондагидан – 4,5 марта, Хитойдагидан – 4,8 марта ва Бразилиядагидан – 12,8 маротаба камроқ вақт сарфланмоқда. Жаҳон банки ва Халқаро молия корпорацияси экспертларининг фикрига кўра, Ўзбекис-




**4.3.1-расм. *Subnational Doing Business (SNDB).***

тон судларда хўжалик низоларини ҳал этиш бўйича энг кам вақт сарфланадиган дунёнинг 4-мамлакати ҳисобланади.

Янги ҳисоботда сезиларли равишда яхшиланган яна бир йўналиш бу кўчмас мулкка ҳуқуқни рўйхатдан ўтказиш кўрсаткичидир (87-ўрин, +26 поғона). Мазкур йўналиш бўйича ижобий ўзгаришга тадбиркорлик субъектларига «бир дарча» тамойили асосида давлат хизматларини кўрсатиш тартибини янада такомиллаштириш эвазига эришилди. Чунончи, 2015 йилнинг 1 январидан бошлаб давлат хизматлари кўрсатишда давлат органлари ва бошқа органлар томонидан тадбиркорлик субъектларидан давлатнинг бошқа органларидан мавжуд бўлган ҳужжатларни ва ахборотларни, шу жумладан, солиқ қарздорлиги ёки коммунал тўловлар бўйича қарзларнинг мавжуд эмаслиги тўғрисидаги маълумотномаларнинг, тадбиркорлик субъекти таъсис ҳужжатларининг, лицензиялар ва рухсат берувчи тусдаги ҳужжатлар нусхаларининг талаб қилиниши тақиқланди. Натижада, Ўзбекистонда бугунги кунда кўчмас мулкни рўйхатдан ўтказишни Франция, Белгия, Исроил, Аргентина, Ҳиндистон, Словения ва шу каби давлатларга нисбатан анча қисқа муддатларда амалга оширмоқда.

Гаров таъминоти механизмларини такомиллаштириш ва замонавий ягона гаров реестри фаолиятини ташкил этиш ҳамда «Кредит ахборот-таҳлилий маркази» Кредит бюроси фаолиятини такомиллаштириш ва самарадорлигини оширишга қаратилган Ўзбекистон Республикасининг «Гаров реестри тўғрисида», «Кредит ахбороти алмашинуви тўғрисида»ги қонунлари ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг амалиётга жорий этилиши натижасида рейтингдаги энг юқори ижобий ўзгариш кредит

*4.3.4 - жадвал*

**Doing Business 2020: Ўзбекистон позициясидаги ўзгаришлар.**

| № | Мезон номи | Ўрни | | Фарқи |
|---|---|---|---|---|
| | | DB 2019 | DB 2020 | |
| 1. | Бизнес корхоналарни рўйхатдан ўтказиш | 12 | 8 | +4 |
| 2. | Хусусий мулкни рўйхатга олиш | 71 | 72 | -1 |
| 3. | Кредитлар олиш | 60 | 67 | -7 |
| 4. | Солиқ солиш | 64 | 69 | -5 |
| 5. | Шартномалар ижросини таъминлаш | 41 | 22 | +19 |
| 6. | Тўлов қобилиятсизлигини ҳал қилиш | 91 | 100 | -9 |
| 7. | Миноритар инвесторларни ҳимоя қилиш | 64 | 37 | +27 |
| 8. | Электр таъминоти тармоғига уланиш | 35 | 36 | -1 |
| 9. | Қурилишга рухсатномалар олиш | 134 | 132 | +2 |
| 10. | Халқаро савдо | 165 | 152 | +13 |
| | **Умумий кўрсаткич** | **76** | **69** | **+7** |

олиш кўрсаткичи бўйича қайд этилди (67-ўрин ёки ўтган йилги ҳисоботга нисбатан –7 поғона паст).

Ҳисобот рейтингининг иккинчи гуруҳига ўз позицияси ўзгармаган ва биринчи юз мамлакат қаторида жойлашган кўрсаткичлар ўз аксини топган. Булар: шартномалар ижросини таъминлаш ва тўлов қобилиятсизлигини ҳал қилиш кўрсаткичларидир. Ўзбекистон шартномалар ижросини таъминлашда 22-ўринни, тўловга қобилиятсизликни бартараф этишда 100-ўринни сақлаб қолган. Шунингдек, Ўзбекистон кўчмас мулк ҳуқуқини рўйхатдан ўтказиш (72-ўрин), миноритар инвесторлар ҳимояси (37-ўрин) каби йўналишлар бўйича биринчи юз мамлакат қаторига кирди.

Ўзбекистон учун ўз позицияси бўйича юзта мамлакат қаторига кирмаган рейтинг кўрсаткичлари ҳисобот рейтингининг учинчи гуруҳини ташкил этади. Сўнгги рейтинг гуруҳи Ўзбекистон учун ноқулай вазиятлардан далолат беради. Мамлакатимиз солиққа тортиш мезони бўйича ўз мавқеини 2 поғонага юқорилатган, 64-ўриндан 69-ўринга тушган.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, Жаҳон банки маълумотларига кўра, Ўзбекистонда солиқ юки даражаси АҚШ, Канада, Германия, Австрия, Франция, Италия, Испания, Греция, Япония, Хитой, Ҳиндистон, Россия ва бошқа бир қатор мамлакатларга нисбатан анча паст эканлиги қайд этилди. Электр таъминоти тармоғига уланишда вазият ёмонлашган: 35-ўриндан 36-ўринга – 1 поғонага пасайган. Қурилишга рухсатномалар олишда 134-ўриндан 132-ўринга +2 поғонага кўтарилган. Халқаро савдода эса, 165-ўриндан 152-ўринга +13 поғона кўтарилган.

Ҳисоботда акс этишича, қуйидаги кўрсаткичлар бўйича Ўзбекистонда жиддий муаммолар мавжуд. Булар: қурилишга рухсатномани олиш жараёни 17 та тамойилдан иборат бўлиб, ўртача 246 кунни талаб этади ва рухсатномани қўлга киритиш учун сарфланадиган маблағлар бино ва иншоотни қуриш учун сарфланадиган жами маблағнинг 3 фоизига; мулкни рўйхатдан ўтказиш жараёни 9 та таомилдан иборат бўлиб, ўртача 43 кунни талаб этади ва сарфланадиган харажатлар мулк қийматининг 0,7 фоизига тўғри келади.

Албатта, келгусида давлат бошқаруви идоралари томонидан рейтинг кўрсаткичларини яхшилаш бўйича изчил ислоҳотлар олиб борилишига шубҳа йўқ. Бунда онлайн-дўконларга янада кенг йўл очадиган «Электрон тижорат тўғрисида»ги қонунни такомиллаштириш ҳам жиддий ижобий таъсир қилишини айтиб ўтиш керак. Электр тармоқларига уланишни соддалаштириш ҳам мамлакатимизда кейинги пайтда қабул қилинаётган норматив ҳужжатларда, масалан, «Ягона дарча» маркази фаолиятида ўз аксини топмоқда.

***Тилингдан олдин қалбингни тарбия қил. Чунки сўз қалбдан келиб, тилдан чиқади.***

**Ж.Румий**

## 4.4. ПАНЕЛ МАЪЛУМОТЛАРИ АСОСИДА ИНВЕСТИЦИЯ ОМИЛЛАРИНИНГ ЭКОНОМЕТРИК ТАҲЛИЛИ ВА УНИНГ НАТИЖАЛАРИ

Амалга оширилган тадқиқот натижалари асосида шу нарса аён бўлдики, инвестицион муҳит жозибадорлигини аниқлаш ва уни ҳисоблаш бўйича бир қанча рейтинг агентликлари, нуфузли халқаро ташкилотлар ҳамда илмий журналлар томонидан турли хилдаги услублар амалиётга кенг татбиқ этилиб келинмоқда. Ушбу параграфда Ўзбекистон шароитида инвестицияларнинг ўзгаришига таъсир кўрсатадиган омиллар, уларнинг вазни ва даражаси бўйича эконометрик таҳлил амалга оширилади.

Юқоридаги параграфларда инвестицион жозибадорликка тегишли бўлган иқтисодий назариялар тадқиқ этилди. Уларга мувофиқ, инвестицион жозибадорликка бир қатор омиллар, хусусан, ЯҲМ ҳажми ва унинг ўсиш суръатлари, инфраструктура, аҳоли жон бошига тўғри келадиган даромадлар, иқтисодий фаол аҳоли сони, иқтисодиётнинг саноат, қишлоқ хўжалиги ва хизмат кўрсатиш тармоқлари ҳажми, асосий воситалар қиймати ва бошқаларнинг таъсир этиши изоҳланган эди.

Мавжуд шароитлардан келиб чиқиб, таҳлил учун танланган иқтисодий кўрсаткичлар, яъни инвестицион муҳит жозибадорлиги ва унга таъсир этувчи омиллар бир қатор манбалар, жумладан маҳаллий Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси, Иқтисодиёт вазирлиги маълумотлари ва хорижий – Жаҳон Банки, Халқаро валюта фонди, БМТ қошидаги халқаро ташкилотларнинг маълумотлар базаларидан фойдаланилди. Тўпланган маълумот тури панел маълумотига тегишли бўлиб, панел бирликлари сифатида Ўзбекистон Республикасининг ҳудудлари (14 та маъмурий ҳудуд) олинган. Ҳар бир ҳудуд кесимида маълумотлар 2000-2016 йиллар бўйича акс эттирилди. Тўпланган панел маълумотларининг дастлабки тасвири қуйидаги жадвалда келтирилган.

Ушбу 4.4.1-жадвалда 14 та маъмурий ҳудуд, яъни панел бирликлари кесимида 2000–2016 йиллар бўйича 17 йиллик маълумот акс этганлигини кўришимиз мумкин. Делтанинг 1 қиймат қабул қилганлиги ҳар бир панел бирлиги бўйича ўзгарувчиларнинг йилма-йил тўпланганлигидан дарак беради.

*4.4.1-жадвал*

| | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| region_code: 1, 2, ..., 14 | | n = | | 14 | | | |
| year: 2000, 2001, ..., 2016 | | T = | | 17 | | | |
| Delta(year) = 1 unit | | | | | | | |
| Span(year) = 17 periods | | | | | | | |
| (region_code*year uniquely identifies each observation) | | | | | | | |
| | | | | | | | |
| Distribution of T_i: | min | 5% | 25% | 50% | 75% | 95% | max |
| | 17 | 17 | 17 | 17 | 17 | 17 | 17 |

**Эрксиз ўзгарувчи**. Эрксиз ўзгарувчи сифатида бир қатор ўзгарувчилар, жумладан, асосий капиталга киритилган инвестициялар (кейинги ўринларда «инвестициялар»), инвестицияларнинг ўсиш суръатлари, хорижий инвестициялар ва кредитлар ҳажми, уларнинг инвестициялардаги улуши каби ўзгарувчилар бўйича эконометрик таҳлиллар амалга оширилгани ҳолда, уларнинг ичидан тадқиқот мақсадлари учун асосий капиталга киритилган инвестициялар эрксиз ўзгарувчи этиб танланди.

Буни интуитив тушунтирадиган бўлсак, муайян ҳududнинг инвестицион муҳити қанчалик жозибадор бўлса, ушбу ҳудудга инвесторларнинг қизиқиши шунчалик равишда ортиб боради. Албатта, инвестициялар ҳажми нафақат индивидуал инвесторларнинг қизиқиши билан, балки ҳукумат қарорларига ҳам боғлиқдир. Ҳукумат қарорига боғлиқ




***4.4.1-расм. Инвестициялар ва ялпи ҳудудий маҳсулот ўртасидаги боғлиқлик.***

инвестицияларнинг ҳажми умумий инвестициялардаги улуши[1] ҳамда таъсири унчалик ҳам катта бўлмаганлиги сабабли тадқиқотда инобатга олинмади.

*37-иловада* келтирилган расмдан кўриш мумкинки, мамлакатнинг барча ҳудудлари бўйича инвестициялар йилдан-йилга ўсиб борган. Ушбу ҳолатнинг юзага келишида бир қанча омиллар ижобий таъсир кўрсатган. Ушбу таъсирни аниқлашда иқтисодиётга йўналтирилган инвестициялар (асосий капиталга (inv)), шунингдек, хорижий инвестициялар ва кредитлар (inv-cre) билан бирга ялпи ҳудудий маҳсулот (grp), жон бошига тўғри келадиган даромад (inc-pc), юридик шахсларда ишловчи олий маълумотли ходимлар сонининг улуши (higher), асосий воситалар (assets), ялпи ҳудудий маҳсулотнинг ўсиши (grpg), қишлоқ хўжалиги ҳажми (agri), саноат ҳажми (ind), хизматлар ҳажми (serv) ҳамда инвестицияларнинг ўсиши билан (invg) ялпи ҳудудий маҳсулотнинг ўсиш суръати ўртасида корреляцион боғлиқлик stata дастури асосида ҳисоблаб чиқилди.

Ҳисоб-китобларнинг кўрсатишича, инвестициялар билан биз танлаган омиллар ўртасида мусбат боғланиш мавжуддир. Яъни ҳудудлар бўйича олинган эркли омиллар (inv-cre, grp, inc-pc, agri, ind, serv) ва ин-




**4.4.2-расм.Инвестициялар ва асосий воситалар ўртасидаги боғлиқлик.**

[1] **Изох:** 2016 йил маълумотларига кўра давлат бюджети маблағлари ҳисобига ажратилган инвестициялар умумий инвестициялар ҳажмининг 4,5% ташкил этган. Банк ахборотномаси. 2017 йил, 2-март, №9.

вестициялар ҳажми (эрксиз омил) декарт координаталар системасида акс эттирилганда улар ўртасида тўғридан-тўғри боғлиқлик мавжуд эканлиги намоён бўлди (қаранг: *32-, 33-иловалар*). Омиллар ўртасидаги боғлиқлик Ўзбекистон ҳудудлари (жами 14 та маъмурий ҳудуд) бўйича 2000 – 2016 йиллар оралиғида амалга оширилди (*4.4.1–4.4.2-расмлар* ва *34-35-36-37-38-иловалар*).

**Панел моделлари ва уларнинг асосланиши.** Эконометрик моделлар, физик ёки биологик моделлар сингари, комплекс реалликни абстрактлагани боис, реал маълумотлар асосида текширилганда бир қанча қийинчиликларга дучор бўлади. Улардан эконометрик адабиётларда энг кўп муҳокама қилингани эндогенлик муаммолари ҳисобланади. Гаусс-Марков теоремасига мувофиқ, қўзғалмас баҳолар ичида ЭКК усули ёрдамида ҳисобланган параметрлар энг кичик стандарт хато ёки дисперсияга эга бўлса-да, унда кўтарилган шартларнинг ҳар бири реал ҳолатларда кўпинча бузилади.

Хусусан, экзоген регрессорлар, $E(u/X) = E(u/x_1, x_2, x_3, ..., x_k) = 0$, яъни фаразй бузилиши натижасида ЭКК усули ёрдамида ҳисобланган параметрлар ҳақиқийсидан силжиб қолади ва ҳисобланган параметрлардан фойдаланиб қабул қилинган қарорлар нотўғри ва кутилмаган натижаларга олиб келиши мумкин.

Эндогенлик муаммосини келтириб чиқарувчи бир қанча сабаблар бўлса-да, уларнинг ичида энг асосийси бу – регрессия моделидан тушириб қолдирилган ўзгарувчилар ҳисобланади. Ушбу ўзгарувчи омиллар эрксиз ўзгарувчига қанчалик кучли таъсир этса, эндогенлик муаммоси ҳам шунчалик катта бўлади. Албатта, тушириб қолдирилган ўзгарувчиларни регрессия моделига қўшиб қўйиш муаммони ҳал этади, лекин кўпинча тушириб қолдирилган ўзгарувчилар бўйича маълумот мавжуд бўлмайди.

Масалан, ушбу тадқиқот доирасида инвесторларнинг маданияти ва урф-одатлари инвестиция ҳажмига таъсир кўрсатадиган зарурий омилларидан бири бўлса-да, ушбу ўзгарувчи миқдорни ўлчаш мушкул ҳисобланади ва у буйича ҳеч қандай статистик маълумот йиғилмайди.

Иккинчи мисол сифатида Ўзбекистон ҳудудларида мавжуд бўлган қазилма бойликлар захираси инвесторларга қизиқарли, аммо ушбу соҳа стратегик аҳамиятга эга эканлиги боис, маълумотларга эга бўлиш мушкул ҳисобланади. Шу боисдан, мазкур омиллар инвесторларнинг хатти-ҳаракатига таъсир этса-да, уни тушириб қолдиришдан бошқа илож қолмайди ва шунинг учун ҳам эндогенлик муаммоси сақланиб қолаверади.

Панел маълумотлари, кросс-секцион танланма ва динамик қаторлардан фарқли ўлароқ, кузатилмайдиган хетерогенлик, яъни кузатилмайдиган панел бирликлари орасидаги фарқлар, хусусан, вақтлараро ўзгармасдан, панел бирликлари орасида ўзгарадиган ўзгарувчиларни назорат қилиш орқали эндогенлик муаммоси даражасини камайтириш имконини беради. Ушбу тадқиқотда фойдаланилган эконометрик модел сифатида панел моделларини текшириш, айнан, шу сабабли амалга оширилади.

Панел маълумотлар билан ишлашнинг ўзига хос хусусиятларини эътиборга олиб, тубанда уларнинг айрим ва муҳим жиҳатларига тўхталиб ўтамиз.

Режалаштирилган амаларни ўтказиш учун ишлатиладиган кўрсаткичларни шартли белгилаб олиш талаб этилади.

$y_{it}$ – $i$-панел бирлиги учун $t$ вақтга мос келувчи эрксиз ўзгарувчи қиймати, бунда $i = 1, 2, ..., N$; $t = 1, 2, ..., T$;

$x^{j}_{it}$ – $i$-панел бирлиги учун $t$ вақтга мос келувчи эркли ўзгарувчиси қиймати; бу ерда $j = 1, 2, ..., k$.

Бизнинг моделимизда $N = 14 > 1$ ва $T = 17 > 1$ ҳамда $N < T$ эканлиги боис, кўрилаётган панел «узун» панел ҳисобланади. Бунда, $N$ кузатиладиган панел бирликлари сони, $T$ кузатиладиган вақтни кўрсатади. Тўпламнинг $i$-эрксиз ҳамда эркли ўзгарувчилари учун кузатишларни қуйидагича тасвирлаш мумкин:

$$y_i = \begin{bmatrix} y_{i1} \\ y_{i2} \\ \vdots \\ y_{iT} \end{bmatrix}; \qquad X_i = \begin{matrix} x'_{i1} \\ x'_{i2} \\ \vdots \\ x'_{iT} \end{matrix} = \begin{bmatrix} x^1_{i1} & x^2_{i1} \dots & x^k_{i1} \\ x^1_{i1} & x^2_{i2} & x^k_{i1} \\ \vdots & \ddots & \vdots \\ x^1_{iT} & x^2_{iT} \cdots & x^k_{iT} \end{bmatrix}; \qquad \varepsilon_i = \begin{bmatrix} \varepsilon_{i1} \\ \varepsilon_{i2} \\ \vdots \\ \varepsilon_{iT} \end{bmatrix} \tag{4.1}$$

Бу ерда, $\varepsilon$ – тасодифий хатолик. Бунда барча панел бирликларининг йиғма маълумотлари қўйидаги кўринишга эга бўлади:

$$y_i = \begin{bmatrix} y_1 \\ y_2 \\ \vdots \\ y_N \end{bmatrix}; \qquad X_i = \begin{matrix} X_1 \\ X_2 \\ \vdots \\ X_N \end{matrix}; \qquad \varepsilon_i = \begin{bmatrix} \varepsilon_1 \\ \varepsilon_2 \\ \vdots \\ \varepsilon_N \end{bmatrix}; \tag{4.2}$$

Бу ерда, $y$ ва $\varepsilon$ **NT×1** ўлчамдаги вектор, $x$ эса **NT×*k*** ўлчамдаги матрица. Бундан келиб чиққан ҳолда, стандарт чизиқли модел қуйидагича ёзилиши мумкин:

$$y_{it} = x'_{it}\beta + z'_i\alpha + \varepsilon_{it}. \tag{4.3}$$

Бу моделда $x_{it}$ таркибида $k$ та эркли ўзгарувчи мавжуд ва, шу билан бирга, у регрессия модели константаси (яъни ўзгармас ҳад) ни ўз ичига

қамраб олмайди. $z'_i\,\alpha$ эса панел бирликларининг индивидуал хусусиятлари ёки уларнинг хетерогенлигини акс эттиради. Шу билан бирга, $z'_i$ таркибига константа ва алоҳида кузатиладиган (масалан, ҳудудларнинг қазилма бойликлари, ер майдонлари ва ҳоказо) ёки кузатилмайдиган (масалан инвесторнинг маданияти ва урф-одатлари, касбий кўникмалари, шахсий дид ва таъблари ва ҳоказо) ўзгарувчиларидан иборат. Ушбу ўзгарувчилар вақт (t) га боғлиқ ёки боғлиқ эмас деб ҳам фараз қилиниши мумкин.

**Йиғма ЭКК модели (pooled model).** Агар $z'_i$ панел бирликлари орасида константа бўлса, ЭКК усули ёрдамида ҳисобланган $\alpha$ ва $\beta$ векторлари асосли ва самарали бўлади. Аксарият ҳолларда иқтисодий жараёларда кузатилмайдиган ҳудуд хетерогенлиги мавжуд бўлгани туфайли, регрессия параметрларини ЭКК усули ёрдамида ҳисоблаш асосли бўлмайди.

**Ўзгармас эффектлар модели (fixed effects model).** Агар $z_i$, $x_{it}$ билан боғлиқ равишда кузатилмайдиган хетерогенликни акс этса, ЭКК усули ёрдамида ҳисобланган $\beta$ коэффициентлари нотўғри спецификацияланган модел сифатида асосли ва эффектив бўлмайди. Ўзгармас эффектлар модели қуйидаги кўринишга эга:

$$y_{it} = x'_{it}\,\beta + \alpha_i + \varepsilon_{it}. \tag{4.4}$$

Бу ерда, $\alpha_i = z'_i\,\alpha$.

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда, $\alpha_i$ нинг номаълум қийматлари алоҳида панел бирликларининг вақтлараро ўзгармас қийматларини ташкил этгани боис, ўзгармас эффектлар сифатида юритилади.

**Тасодифий эффектлар модели (random effects model).** Агар кузатилмайдиган хусусий жиҳатларни акс этувчи характеристикалар регрессия моделига киритилган эркли ўзгарувчи билан ўзаро боғлиқ бўлмаса, у ҳолда панел моделини қуйидаги кўринишда ифодалаш мумкин:

$$y_{it} = x'_{it}\,\beta + E\,(z'\alpha) + [z'\alpha - E\,(z'\alpha)] + \varepsilon_{it} = x'_{it}\,\beta + \alpha + u_i + \varepsilon_{it}. \tag{4.5}$$

Бу ерда, $E\,(z'_i\,\alpha)$ – индивидуал панел бирлиги характеристикаси $z'_i\,\alpha$ математик кутилишини кўрсатади.

(4.5) тенглама мураккаб хатоли ***чизиқли регрессион модел*** ҳисобланади. Бу модел бўйича ЭКК усули ёрдамида ҳисобланган параметрлар асосли аммо самарасиз ҳисобланади.

**Йиғма модел** чизиқли регрессион модел ҳисобланади ва қуйидагича тасвирланади:

$$y_{it} = x'_{it}\,\beta + \alpha + \varepsilon_{it}. \tag{4.6}$$

Бунда, $\varepsilon_{it}$ тасодифий хатолик мустақил ва текис тақсимланган миқдор, яъни $\varepsilon_{it} \sim iid\ (0, \sigma_\varepsilon^2)$, бўлиб, унинг математик кутилиши $E(\varepsilon_{it}) = 0$ ва дисперсияси $V(\varepsilon_{it}) = \sigma_\varepsilon^2$ га тенг. Шу билан бирга, $\varepsilon_{it}$ хатоликлари панел бирликлари $i$ ва вақт $t$ бўйича бир-бири ҳамда $x_{it}$ нинг қийматлари билан боғлиқ эмас.

Йиғма моделни $i$ ва $t$ бўйича барча кузатишларни битта $N \times T$ ҳажмли танланмага йиғиш орқали ҳосил қилинади. Йиғма модел кузатишларнинг панел хусусиятини ҳисобга олмайди ҳамда панел маълумотларнинг потенциалини тўлиқ намоён этмайди.

**Ҳисоблаш стратегияси.** Юқорида тасвирланган панел моделларини ҳисоблаш учун қуйидаги амалларни бажариш талаб этилади.

*Биринчидан*, эркли ўзгарувчини танлаш. Регрессия моделида эркли ўзгарувчилар назариядан келиб чиққан ҳолда танланди. Шу билан бирга, айрим ўзгарувчиларнинг ўзаро корреляцион боғланганлигини ҳам ҳисобга олиш керак. Икки регрессор ўртасида корреляцион коэффициент юқори бўлган ҳолларда (мультиколлинарлик муаммоси юзага келмаган бўлса-да) юқори корреляция коэффициенти эконометрик моделни ҳисоблашда стандарт хатоларни ошириб юборади. Модел учун ўзгарувчиларни танлашда ўзаро корреляцияси юқори бўлганлар ичидан биттаси танланди. Оддий корреляция коэффициенти вақтлараро ёки панел бирликлари орасидаги корреляцияларни алоҳида инобатга олмаса-да, у қўрилаётган икки ўзгарувчи ўртасидаги боғланишни ифодалайди.

*Иккинчидан*, эрксиз ва эркли ўзгарувчилар панел бирликлари ва вақтлараро ўзгаради. Ўзгарувчиларнинг вақтлараро ўзгариши вақтлараро вариация (within variation), ҳудудлар орасидаги дисперсияси эса, панел бирликлар орасидаги вариация (between variation) деб юритилади ва улар қуйидагича ҳисобланади:

Вақтлараро дисперсия:

$$s_{within}^2 = \frac{1}{NT-1}\sum_i \sum_t (x_{it} - \bar{x}_i)^2 = \frac{1}{NT-1}\sum_i \sum_t (x_{it} - \bar{x}_i + \bar{x})^2 \qquad (4.7)$$

Панел бирликлари орасидаги дисперсия:

$$s_{between}^2 = \frac{1}{N-1}\sum_i (\bar{x}_i - \bar{x})^2 \qquad (4.8)$$

Умумий дисперсия:

$$s_{overall}^2 = \frac{1}{NT-1}\sum_i \sum_t (x_{it} - \bar{x})^2 \qquad (4.9)$$

Математик нуқтаи назардан

$$s_{overall}^2 \approx s_{within}^2 + s_{between}^2 \qquad (4.10)$$

Панел моделлари ёрдамида ҳисоблаш учун вақтлараро ва панел бирликлари орасидаги вариацияни ажратиб олиш мақсадга мувофиқ

ҳисобланади. Хусусан, ўзгармас эффектлар моделини ҳисоблашда агар вақтлараро вариация панел бирликлари орасидаги вариациядан кичик бўлиши ноэффектив баҳоларни юзага келтиради.

*Учинчидан*, базавий модел сифатида йиғма модел ЭКК усули ёрдамида баҳоланади. Панел танланмасини ЭКК усули ёрдамида ҳисоблаш мақбул бўлмаса-да, панел моделларини ҳисоблашни ЭКК усулидан бошлаш ўринли ҳисобланади.

Бундан ташқари, $y_{it} = x'_{it}\beta + \alpha + \varepsilon_{it}$ моделини ЭКК усули ёрдамида ҳисоблашда мураккаб хатолик $\varepsilon_{it} \sim (0, \sigma^2_{\varepsilon})$ қонуниятига бўйсуниши гипотезаларни текширишда зарурий шарт сифатида кўрилади. Ушбу фараз панел маълумотларида қониқтирилмайди ва шунинг учун ҳисобланган параметрлар асосли бўлса-да, эффектив бўлмайди. Масалан, панел маълумотларида вақт ўлчами мавжуд бўлгани боис, ушбу хатоликлар вақтлараро корреляцияланган бўлади. Шунинг учун уларни ҳисоблашда ҳудудларга боғлиқ кластерланишни инобатга олишимиз зарур, яъни кластерланишга бардош стандарт хатоликлар ҳисобланиши мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

*Тўртинчидан*, панел маълумотлари асосида ҳисобланадиган бир қанча эмпирик ҳисоблаш усуллари бўлса-да, энг кўп тарқалгани бу ўзгармас эффектлар (OLS) ва тасодифий эффектлар (GLS – Generalized least squares, MLE – Maximum likelohood estimation) дир. Бунда, агар инвестиция ҳажмига таъсир этувчи кузатилмайдиган вақтлараро ўзгармас (инвестор маданияти ва урф-одатлари) ва панель бирликлари орасида ўзгарувчан эффектлар кучли бўлса, ўзгармас эффектлар модели қўлланилиши мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Бешинчидан, ўзгармас ва тасодифий эффектлар моделларидан бирини танлашда Хаусман тести[1]дан фойдаланилади. Ушбу тестга мувофиқ, $\hat{\theta}_1$ баҳо $\hat{\theta}_2$ баҳога мос эканлиги маълум бўлиб, $\hat{\theta}_2$ баҳо эффектив эканлиги фараз қилинади. Инвестиция мисолида тасодифий эффектлар ёрдамида ҳисобланган параметрлар $\hat{\theta}_2$ вазифасини бажариши фараз қилинади. Шунда $\hat{\theta}_1$ ўзгармас эффектлар модели ёрдамида ҳисобланадиган параметлар векторини кўрсатади.

$H_0$: $\hat{\theta}_2$ баҳо $\theta_2$ ҳақиқий параметрнинг эффектив баҳоси. Агар нолинчи гипотеза рост бўлса, бу икки баҳо ўртасида тизимий фарқ бўлмайди ва тасодифий эффектлар модели регрессия параметрларини ҳисоблаш учун ишлатилади. Агар нолинчи гипотеза рост бўлмаса, ушбу икки баҳо ўртасида тизимий фарқ юзага келади ва қўйилган фараз, яъни тасодифий эффектлар ёрдамида ҳисобланган параметрлар эффективлиги рад этилиб,

[1] *Hausman, J. A.* 1978. Specification tests in econometrics. Econometrica 46: 1251–1271.

ўзгармас эффектлар модели ёрдамида ҳисобланган параметрлар асосли (эффектив) ҳисобланади ва шу моделдан фойдаланилади. Хаусман статистикаси тақсимотига бўйсунади ва қуйидагича ҳисобланади:

$$H = (\beta_c - \beta_e)` \ (V_c - V_e)^{-1} (\beta_c - \beta_e)$$

Бунда,

$\beta_c$ – ўзгармас эффектлар модели ёрдамида ҳисобланган параметрлар (асосли баҳо) нинг коэффициент вектори;

$\beta_e$ – тасодифий эффектлар модели ёрдамида ҳисобланган параметрлар (эффектив баҳо) нинг коэффициент вектори;

$V_c$ – асосли баҳонинг ковариация матрицаси;

$V_e$ – эффектив баҳонинг ковариация матрицаси.

Тушириб қолдирилган кузатилмайдиган хетерогенлик ҳисобига ЭКК усули ёрдамида ҳисобланган $\beta$ коэффициентлари нотўғри спецификацияланганлиги боис, асосли ва эффектив бўлмайди.

Икки регрессор ўртасида корреляцион коэффициент юқори бўлган ҳолларда, мультиколлинарлик муаммоси бўлмасада, юқори корреляция коэффициенти эконометрик моделни ҳисоблашда ушбу регрессорлар стандарт хатоларини ошириб юборади. Модел учун ўзгарувчиларни танлашда ўзаро корреляцияси юқори бўлган ўзгарувчи танланади. Шу боисдан моделда таҳлил этилган 13 та ўзгарувчидан эрксиз ўзгарувчилар сифатида 7 таси танлаб олинди. Танлаб олишимиз учун қуйидаги жадвалда акс этган маълумотларга асосланилди.

*4.4.2 - жадвал*

**Корреляция матрицаси**

| Ўзгарувчилар | linv | linc_pc | lhigher | lroads | lassets | lgrp | lind | lagri | lserv | lpop | leco_active | lempl | lwage |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| linv | 1 | | | | | | | | | | | | |
| linc_pc | 0.7434 | 1 | | | | | | | | | | | |
| lhigher | -0.0078 | 0.0505 | 1 | | | | | | | | | | |
| lroads | 0.4786 | 0.053 | -0.1788 | 1 | | | | | | | | | |
| lassets | 0.891 | 0.7369 | -0.1393 | 0.5165 | 1 | | | | | | | | |
| lgrp | 0.8751 | 0.7651 | -0.1186 | 0.4371 | 0.9294 | 1 | | | | | | | |
| lind | 0.7155 | 0.629 | -0.3888 | 0.3207 | 0.8624 | 0.873 | 1 | | | | | | |
| lagri | 0.723 | 0.7347 | 0.1153 | 0.2006 | 0.7305 | 0.899 | 0.6869 | 1 | | | | | |
| lserv | 0.8508 | 0.7808 | -0.0546 | 0.416 | 0.8857 | 0.9711 | 0.7976 | 0.9253 | 1 | | | | |
| lpop | 0.3506 | -0.0257 | 0.0183 | 0.5005 | 0.39 | 0.5308 | 0.3669 | 0.5527 | 0.5536 | 1 | | | |
| leco_active | 0.4176 | 0.0688 | -0.1234 | 0.5149 | 0.4649 | 0.6213 | 0.508 | 0.614 | 0.6305 | 0.9735 | 1 | | |
| lempl | 0.4183 | 0.0704 | -0.1301 | 0.5119 | 0.4657 | 0.6238 | 0.5121 | 0.6173 | 0.6327 | 0.972 | 0.9999 | 1 | |
| lwage | 0.7951 | 0.974 | 0.0603 | 0.1119 | 0.8033 | 0.7933 | 0.6598 | 0.727 | 0.804 | 0.0195 | 0.0968 | 0.098 | 1 |

Мазкур жадвалда акс этганидек, асосий воситалар қиймати билан саноат маҳсулотлари ҳажми, хизмат кўрсатиш ҳажми ва ўртача иш ҳақи ўртасида юқори боғлиқлик мавжуд эканлигини инобатга олиб, моделдан саноат, қишлоқ хўжалиги ва хизмат кўртсатиш омиллари чиқариб ташланди. Шунингдек, аҳоли сони билан иш билан бандлар ҳамда иқтисодий фаол аҳоли сони юқори боғлиқликка эга эканлигини кузатган ҳолда, энг юқори боғлиқлик коэффициентини намоён этган иқтисодий фаол аҳоли сони танланди.

*4.4.3-жадвал*

**$y_{it} = x'_{it}\beta + z'_i\alpha + \varepsilon_{it}$ панел модели параметрларини ҳисоблаш натижалари**

| Эрксиз ўзгарувчи: linv | (1) Йиғма модел | (2) Кластерланишга бардош йиғма модел | (3) Ўзгармас эффектлар | (4) Тасодифий эффектлар |
|---|---|---|---|---|
| linc_pc | 0.395*** | 0.395 | 0.623*** | 0.650*** |
| | (0.0731) | (0.244) | (0.107) | (0.0918) |
| lhigher | 0.425*** | 0.425 | 0.0238 | 0.181 |
| | (0.141) | (0.246) | (0.187) | (0.148) |
| lroads | 0.358*** | 0.358 | 0.686 | 0.625* |
| | (0.119) | (0.352) | (0.991) | (0.350) |
| lassets | 0.829*** | 0.829** | 0.232* | 0.299** |
| | (0.118) | (0.298) | (0.139) | (0.133) |
| grpg | 0.00633* | 0.00633 | 0.00614** | 0.00584** |
| | (0.00380) | (0.00516) | (0.00298) | (0.00291) |
| lind | -0.128** | -0.128 | 0.178* | 0.118 |
| | (0.0627) | (0.0791) | (0.102) | (0.0874) |
| leco_active | 0.190** | 0.190 | 0.734 | 0.225 |
| | (0.0759) | (0.223) | (0.754) | (0.252) |
| Constant | -7.974*** | -7.974*** | -11.75 | -8.713*** |
| | (0.921) | (2.223) | (7.537) | (2.544) |
| Кузатишлар сони | 195 | 195 | 195 | 195 |
| R-квадрат | 0.928 | 0.928 | 0.958 | |
| Ҳудудлар сони | | | 13 | 13 |

Standard errors in parentheses: *** p<0.01, ** p<0.05, * p<0.1

Йиғма моделлар (1-,2-моделлар) ЭКК усули ёрдамида ҳисобланди. Биринчи йиғма моделда аҳоли жон бошига даромадлар, олий маълумотлиларнинг улуши, инфраструктура, мамлакатимизда мавжуд асосий фондлар қиймати ва иқтисодий фаол аҳоли сони инвестициялар ҳажмига 1% (иқтисодий фаол аҳоли сони учун 5%) статистик муҳимлик даражасида

таъсир этмоқда. Ушбу омилларнинг кўрсатаётган таъсири назарияда таъкидланганидек, уларнинг ҳар бири миқдорий жиҳатдан ўсиши ва бошқа омиллар ўзгармаган шароитда Ўзбекистон ҳудудларига қилинадиган инвестиция ҳажмини ошишига олиб келмоқда.

**1. Йиғма модел ва кластерланишга бардош йиғма моделлар.**

$$\widehat{linv}_{it} = -7.974 + 0.395 \cdot linc_pc + 0.425 \cdot lhigher + 0.358 \cdot lroads + 0.829 \cdot lassets + 0.00633 \cdot grpg - 0.128 \cdot lind + 0.190 \cdot leco_active$$

**2. Ўзгармас эффектлар модели.**

$$\widehat{linv}_{it} = -11.75 + 0.623 \cdot linc_pc + 0.0238 \cdot lhigher + 0.686 \cdot lroads + 0.232 \cdot lassets + 0.00614 \cdot grpg + 0.178 \cdot lind + 0.734 \cdot leco_active$$

Ҳудудларнинг саноат ишлаб чиқариш ҳажми ҳам 1% статистик муҳимлик даражасида эффектив кўринса-да, унинг инвестицияларга таъсири кутилмаган ишорага эга. Инвестиция назариясига кўра иқтисодиётнинг саноат тармоғи ривожланиши кўпроқ ҳудудлар инвестицион муҳит жозибадорлигининг ошишига сабабчи бўлади, ушбу моделда эса бунинг тескариси намоён бўлмоқда, яъни саноат ишлаб чиқариш ҳажми 1% ошганида, инвестициялар ҳажми 0.13% га камаймоқда. Бунинг асосий сабаби сифатида, моделда ҳудудларнинг хетерогенлиги акс этмаганлигидандир. ЭКК усулининг ушбу салбий жиҳати унинг ёрдамида ҳисобланадиган барча параметрлар силжимаганлигига таъсир этади. Ушбу муаммо кейинги ҳисобланган ўзгармас ҳамда тасодифий эффектлар моделларида (эндогенлик масаласи) акс этган.

Ушбу моделда статистик муҳимлик даражаси юқори бўлган эркли ўзгарувчилар мавжуд бўлса-да, ҳисоблаш стратегиясида изоҳланганидек, параметрларнинг ҳисобланган стандарт хатоликлари ҳудудлар кластерланишини инобатга олмайди ва шу сабабли, ҳисобланган стандарт хатоликлар ҳақиқийсидан силжиб қолиши кутилади. Панел маълумотининг хетероскидастиклик ва вақтлараро корреляция жиҳатларини ҳисобга олиб, иккинчи йиғма модел ҳисобланди.

Бунда, ЭКК усули ёрдамида ҳисобланган параметр қийматлари ўзгармаган бўлса-да, ҳар бир параметрнинг ҳисобланган стандарт хатоликлари ошган. Бунинг натижасида, ҳисобланган регрессия параметрларига боғлиқ $\boldsymbol{H_0: \beta_j = 0}$ ва $\boldsymbol{H_0: \beta_j \neq 0}$ гипотезаларини текширишда Стьюдентнинг тест статистикаси $t - stat = (\hat{\beta}_j - \beta_j) / se(\hat{\beta}_j)$ қиймати камайиб,

нолинчи гипотезани рад этиш қийинлашади. Фақатгина мамлакатимизда мавжуд асосий фондлар қийматининг инвестицияларга таъсири статистик муҳим даражада сақланиб қолган. Дарҳақиқат, айрим эркли ўзгарувчиларнинг инвестицияларга таъсирининг статистик муҳимлик даражасининг йўқолганлиги ҳудудларда кластерланишнинг инобатга олинмагани туфайлидир.

**3. Тасодифий эффектлар модели.**

$$\widehat{linv}_{it} = -8.713 + 0.650 \cdot linc_{pc} + 0.181 \cdot lhigher + 0.625 \cdot lroads + 0.299 \cdot lassets + 0.00584 \cdot grpg + 0.118 \cdot lind + 0.225 \cdot leco_{active}$$

Ҳисобланган ўзгармас ва тасодифий эффектлар моделлари ёрдамида ҳисобланган параметрлар ЭКК усули ёрдамида ҳисобланган параметрлардан бироз фарқ қилиши кўриниб турибди. Биринчидан, аксарият эркли ўзгарувчиларнинг ишоралари деярли бир хил.

Бундан ташқари, ЭКК усули ёрдамида ҳисобланган инвестициялар назариясига мувофиқ кутилмаган ишорага эга параметрлар панел моделларида кутилган параметрга эга. Яъни, ҳудудлар хетерогенлиги инобатга олиниши натижасида ҳисобланган параметрлар асослилигича турибди. Иккинчидан, ўзгармас ҳамда тасодифий эффектлар моделларидаги ҳисобланган параметрлар бир-бирига яқин эластикликларни

*4.4.4-жадвал*

**Хаусман тести натижалари**

| | ---- | Coefficients | ---- | |
|---|---|---|---|---|
| | (b) | (B) | (b-B) | sqrt(diag(V_b-V_B)) |
| | fixed | random | Difference | S.E. |
| **linc_pc** | 0.6228293 | 0.6501478 | -0.0273185 | 0.055422 |
| **lhigher** | 0.0237553 | 0.1811028 | -0.1573475 | 0.1148152 |
| **lroads** | 0.6863717 | 0.6251157 | 0.061256 | 0.9270906 |
| **lassets** | 0.2324024 | 0.2987003 | -0.0662978 | 0.0419287 |
| **grpg** | 0.0061386 | 0.0058405 | 0.0002981 | 0.0006631 |
| **lind** | 0.1776677 | 0.1184616 | 0.0592062 | 0.0526569 |
| **leco_active** | 0.7343876 | 0.225257 | 0.5091307 | 0.710903 |
| | b = consistent under Ho and Ha; obtained from xtreg | | | |
| | B =inconsistent under Ha, efficient under Ho; obtained from xtreg | | | |
| **Test: Ho:** | difference in coefficients not systematic | | | |
| | chi2(7) = (b-B)'[(V_b-V_B)^(-1)](b-B) | | | |
| | 4.65 | | | |
| | Prob>chi2 = 0.7028 | | | |

кўрсатмоқда. Яъни, ЭКК усули ёрдамида ҳисобланган параметрлардан деярли миқдор нуқтаи назаридан бир хил узоқликда ҳисоблангани кўриниб турибди. Аҳолининг жон бошига даромадлари 1% ўсганда, бошқа омиллар ўзгармаган шароитда бу ҳудудларга қилинадиган инвестиялар ҳажмининг 0.623% (ўзгармас эффектлар) ва 0.650% (тасодифий эффектлар) ошишига олиб келмоқда.

Ушбу икки панел моделларидан қайси бири ҳудудларга қилинадиган инвестициялар ҳажмини яхшироқ тушунтириши бир нечта мезон $cov(\varepsilon_{it}, x^{j}_{it}) = 0$, орқали изоҳланади. Буларга, ҳисобланган параметрларнинг индивидуал статистик муҳимлиги, умумий муҳимлик тести (*Ф тест*, $\chi^2$ тест) ва ҳоказо) га боғлиқ бўлса-да, расмий Хаусман тестидан фойдаланилди.

Хаусман тести натижаси шуни кўрсатмоқдаки, $P(\chi^2 - stat > \chi^2_c) = 0.703$ бўлгани туфайли тасодифий эффектлар модели параметрлари бўйича фараз қилинган эффективлик ҳеч қандай стандарт статистик муҳимлик даражасида рад этилмади ва шу боис ҳудудларга қилинадиган инвестициялар ҳажми тасодифий эффектлар модели ёрдамида талқин этилиши мақсадга мувофиқ эканлиги бўйича қарор қабул қилишга асос бўлди.

## ТЎРТИНЧИ БОБ БЎЙИЧА ХУЛОСА

**1.** Тадқиқотларни амалга ошириш давомида шундай тўхтамга келиндики, Ўзбекистон ҳудудларининг ижтимоий-иқтисодий салоҳиятини инобатга олган ҳолда, Давлат статистика қўмитаси томонидан ҳар бир ҳудуднинг (вилоятлар, Тошкент шаҳри ва Қорақалпоғистон Республикаси) инвестицион муҳит жозибадорлиги бўйича «Йиллик статистик харита» эълон қилиб борилишини йўлга қўйиш мақсадга мувофиқдир.

Ушбу харитадан қуйидаги кўрсаткичларнинг жой олиши мақбул ҳисобланади:

– инвестицияларнинг иқтисодий самарадорлиги;
– ҳудуднинг ривожланиш салоҳияти;
– солиқ сиёсатининг асосий таркибий қисмлари;
– ҳудуднинг табиий-географик ва инфраструктура салоҳияти;
– фуқаролик индекси. Бунда аҳолининг ижтимоий фаоллиги, бошқарув самарадорлиги, таълим олиш ва соғлиқни сақлаш хизматларидан фойдаланиш имконияти, турли хилдаги ижтимоий-иқтисодий маълумотларга эга бўлишлик, уларнинг очиқлиги, маҳаллий ҳокимиятнинг аҳоли билан яқинлиги ва ҳамкорлиги билан боғлиқ бўлган таркибий кўрсаткичлар камраб олинади.

Ҳудудларнинг инвестицион жозибадорлигини (ИЖ) баҳолашда қуйидаги схемада келтирилган босқичларни амалга ошириш тавсия этилади:

**Ҳудудларнинг умумий ҳолатини баҳолашда кўрсаткичлар тизимини (омилларини) танлаш.** Ушбу босқичда ҳудуднинг ИЖ аниқлашга хизмат қиладиган кўрсаткичлар (омиллар) танланади ва уларнинг таъсир кўрсатиш даражаси аниқланади.




**Ҳудуд ИЖ баҳолайдиган интеграл кўрсаткичлар ва уларнинг аҳамиятини асослаш.** Мазкур босқичда корреляцион-регрессион таҳлил ва эконометрик моделлаштириш усулларидан фойдаланган ҳолда, ҳар бир таъсир кўрсатадиган омилнинг статистик аҳамияти ҳисоблаб чиқилади. Омилларнинг таъсир кўрсатиш даражаси танлама кузатувлар асосида аниқланади ва гепотезалар тестдан ўтказилади.

**Хусусий кўрсаткичларни баллик тизим асосида баҳолаш, ҳар бир алоҳида олинган омилларнинг ўртача баллини ҳисоблаш.** Ушбу босқичда баллик баҳолаш орқали ҳар бир омилни ҳисобга олган ҳолда ҳудуднинг ИЖ аниқланади. Бунда ҳар бир омилнинг таъсир кўрсатиш даражаси ва вазнига баҳо берилади.

**Ҳудуднинг ИЖ бўйича якуний хулоса чиқариш.** Инвесторлар учун зарурий ахборот бўлмиш ҳудуднинг ИЖ бўйича қисқача хулосалар шакллантирилади. Бунда ҳудудларнинг имконияти ва ижтимоий-иқтисодий потенциалини баҳолаш, солиштириш имкони яратилади. Баллик тизим орқали ҳудуднинг ИЖга миқдорий ва сифатий баҳо бериш мумкин бўлади. Бу эса, ўз навбатида, инвесторлар учун ҳудудлар кесими бўйича қарор қабул қилишни тезлаштиради ва инвестицияларнинг йўналтирилиши таъминланади.

Бунинг учун қуйидаги баллар бўйича худуднинг ИЖ баҳолаш тавсия этилади: 2 балл – кўрсаткич инвесторлар талабини тўлиқ қаноатлантиради; 1 балл – кўрсаткич инвесторлар талабини қисман қаноатлантиради; 0 балл – инвесторлар талабани мутлақо қаноатлантирмайди.

**2.** Инвестиция сиёсатини амалга оширишда ҳукумат томонидан қуйидаги асосий тамойилларга устуворликнинг қаратилиши, бизнингча, энг мақбул йўл ҳисобланади:

- республика иқтисодиётига бевосита капитал маблағларни кенг жалб қилишни таъминлайдиган ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий ва бошқа шарт-шароитларни тобора такомиллаштириш;
- республикамизда жаҳон даражасидаги технологияни етказиб бераётган, иқтисодиётнинг замонавий таркибини вужудга келтиришга кўмаклашаётган хорижий сармоядорларга имтиёз ва преференцияларни тақдим этиш тизимини такомиллаштириш;
- маблағларни рақобатбардош маҳсулотларни ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлган энг муҳим устувор йўналишларга йўналтириш;
- ташқи иқтисодий фаолиятда рақобат қила оладиган ва валюта тушумини таъминлайдиган етакчи тармоқларни қўллаб-қувватлаш;
- аҳоли бандлигини таъминлайдиган ва миллий даромадни оширишга қаратилган ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳаларини ривожлантириш;
- энергия тежамкор ва атроф-муҳитга кам зарар етказадиган юқори технологик, замонавий ускуналарни ўрнатиш;
- маҳаллий шароитларга мос келадиган илғор хорижий технологияларни татбиқ этиш, ўзимизда яратилаётган ихтироларни рағбатлантириш ва билимлар иқтисодиётига маблағлар йўналтириш.

***Адабиёт атомдан кучли, лекин унинг кучини ўтин ёришга сарф қилиш керак эмас.***

**А.Қаҳҳор**

# *5 - Б О Б.*
# COVID-19 ПАНДЕМИЯСИ ШАРОИТИДА КАМБАҒАЛЛИК, ХАЛҚАРО АЛОҚАЛАР ВА ОЗИҚ-ОВҚАТ ХАВФСИЗЛИГИ МАСАЛАЛАРИ

## 5.1. «БИР МАКОН – БИР ЙЎЛ» – ГЛОБАЛ ИНВЕСТИЦИОН ЛОЙИҲАНИНГ БУГУНГИ КУНДАГИ АҲАМИЯТИ

**Глобаллашув ва интеграция жараёнларининг авж олиши.** Жаҳонда юз бераётган глобаллашув ва интеграция жараёнларининг авж олиши давлатлар ўртасидаги савдо алоқаларининг кенгайишига олиб келди. Ушбу жараён, биринчидан, транспорт коммуникациялари тизимини ривожлантириш, шунингдек, янги, арзон ва қисқа трансконтинентал транзит коридорларини шакллантиришни талаб этаётган бўлса, иккинчидан, минтақа мамлакатларининг жаҳон транспорт тизими билан туташувчи транспорт соҳасини ўзаро мувофиқлаштиришни тақозо этмоқда.

Айни дамда, кўплаб давлат раҳбарлари томонидан транспорт лойиҳаларини амалга ошириш юзасидан ташаббуслар илгари сурилаётган бўлиб, муҳим лойиҳалардан бири сифатида «Буюк ипак йўли»ни қайта тиклашга қаратилган ҳаракатларни ҳам қайд этиш жоиз. Мазкур йўналишда биргина Хитой томонидан **«Бир макон – бир йўл»** глобал транспорт коридорларини яратиш бўйича ишлаб чиқилган лойиҳани амалга ошириш учун дастлабки босқичда 900 млрд АҚШ долларидан зиёд маблағни ажратиш режалаштирилаётганлигини қайд этиш жоиз. Бу каби транспорт коридорларининг ишга тушиши халқаро ташувларда ҳам вақтни, ҳам ортиқча харажатларни тежалишига олиб келади.

Маълумки, Хитой 2013 йилда Евроосиё мамлакатлари ўртасидаги ҳамкорлик алоқаларини кенгайтириш мақсадида «Бир макон – бир йўл» деб номланган иқтисодий тараққиётнинг янги стратегиясини эълон қилди. Шу тариқа Хитой раиси Си Сзинпин кўп асрлик Буюк Ипак йўлини қайта тиклаш борасидаги ўз ғояларини амалга оширмоқда. Янги Ипак йўлини ташкил қилиш ғояси Си Сзинпин томонидан 2013 йилнинг 7 сентябрь куни илгари сурилган эди. Орадан бир ой ўтиб, у Индонезия

парламентида сўзлаган нутқида XXI-асрнинг Буюк Ипак йўли ҳақидаги фикрларини такрорлади.

Жаҳон амалиётида транспорт тизимини ривожлантиришга қаратилган махсус тадқиқот марказлари ташкил этилган ва ушбу йўналишдаги муаммоларнинг илмий ечимини топишга бағишланган мақсадли илмий изланишлар олиб борилмоқда. Жумладан, денгизга тўғридан-тўғри чиқиш имконияти бўлмаган давлатлар учун муқобил бўлган арзон ва қисқа транспорт коридорларини яратиш, мультимодал транспорт коридорларидан фойдаланишни ривожлантириш, замонавий ва қулай транспорт-логистика хизматларини жорий этиш, товар таннархида транспорт харажатларини қисқартириш каби масалаларга кенг илмий доиралар томонидан алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 2 декабрдаги ПҚ-3422-сонли «2018–2022 йилларда транспорт инфратузилмасини такомиллаштириш ва юк ташишнинг ташқи савдо йўналишларини диверсификациялаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори, 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ҳамда 2015 йил 6 мартдаги ПФ-2313-сонли «2015-2019 йилларда мухандислик коммуникация ва йўл-транспорт инфратузилмасини ривожлантириш ва модернизация қилиш дастури тўғрисида»ги фармонлари соҳа ривожи учун ҳуқуқий-меъёрий ҳужжат вазифасини ўтайди.

Бугунги кунда халқаро иқтисодий муносабатларнинг ривожланиши, интеграцион жараёнларнинг тобора чуқурлашиши ва халқаро савдо самарадорлигининг транспорт логистикасига боғланиб қолиши мамлакатларнинг бир лойиҳа остида бирлашиш заруриятини келтириб чиқарди. Ушбу зарурий жараённи рўёбга чиқариш ва минтақалараро интеграцион алоқаларни ривожлантириш мақсадида Хитой Халқ Республикаси «Бир макон – бир йўл» лойиҳаси ташаббусини илгари сурмоқда.

Ўтган йили Хитой пойтахти Пекинда «Бир макон – бир йўл» деб номланган халқаро анжуман бўлиб ўтган эди. Халқаро ҳамкорлик алоқаларни ривожлантиришга бағишланган анжуманда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ҳам иштирок этди ва нутқ сўзлади.

Пекиннинг «Бир макон – бир йўл» лойиҳаси учта қитъада жойлашган 60 та давлатни қамраб олади. Лойиҳа 10 миллион аҳоли истиқомат қиладиган Сиандан бошланиши белгиланган. Бу шаҳарни хитойликлар цивилизация бешиги сифатида кўришади. Бир вақтлар сайёрамизнинг энг йирик шаҳри бўлган Сиан минг йиллар давомида Хитойнинг пойтахти вазифасини ўтаган.

*5.1.1-жадвал*

**Тадқиқот давомида ўрганилаётган 48 та «Бир макон – бир йўл» қатнашчиларининг иқтисодиёти рўйхати.**[1]

| Минтақа | Иқтисодиётлар |
|---|---|
| Шарқий Осиё | Хитой Халқ Республикаси, Мўғулистон |
| Жануби-Шарқий Осиё | Бруней Султонлиги, Камбоджа, Индонезия, Лао Халқ Демократик Республикаси, Малайзия, Мянмар, Филиппин, Сингапур, Таиланд, Шарқий Тимор, Ветнам |
| Жанубий Осиё | Афғонистон, Бангладеш, Бутан, Ҳиндистон, Малдив ороллари, Непал, Покистон, Шри Ланка |
| Марказий Осиё | Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Туркманистон, Ўзбекистон |
| Яқин Шарқ ва Шимолий Африка | Баҳрайн, Миср, Эрон, Ироқ, Исроил, Иордания, Қувайт, Ливан, Уммон, Қатар, Саудия Арабистони, Фаластин Миллий Маъмурияти, Сурия, Бирлашган Араб Амирлиги, Яман |
| XI-аср Денгиз Ипак Йўли | Эфиопия, Кеня, Марокаш, Янги Зеландия, Панама, Корея, Жанубий Африка |

Лойиҳага кўра, Марказий Осиё, Яқин Шарқ, Жанубий Осиё, Жанубий-Шарқий Осиё ва Европанинг айрим минтақалари молия билан таъминланади. Таҳлилчиларнинг фикрича, Янги Буюк Ипак йўлининг ташкил қилиниши Хитойни жаҳондаги етакчи давлатлардан бирига айлантиришни мақсад қилиб қўйган. Шунингдек, «осмон ости мамлакати»нинг Осиё-Тинч океани минтақасида ҳам нуфузи ортади, ҳамда минтақадаги сиёсий ва иқтисодий таъсири кенгаяди (5.1.1-жадвал).

Мутахассисларнинг фикрига кўра, Хитой ўзининг темирйўл ва қурилиш компаниялари хорижга чиқишидан манфаатдор ҳисобланади. Россия-Хитой ҳукуматлари темирйўл масаласида бир қатор лойиҳаларни биргаликда ишлаб чиқмоқда. Ҳозирда Хитой Пекин – Лондон йўналишида тезюрар поездлар қатновини йўлга қўйиш бўйича ҳам бош қотирмоқда. Агар бу лойиҳа амалга ошадиган бўлса, у ҳолда йўловчилар атиги икки кун ичида Лондондан Пекинга ёки Пекиндан Лондонга етиб олишлари мумкин бўлади.

Шуни таъкидлаш лозимки, Хитой бундан аввал дунёда энг узоқ масофали юк поезди йўналишини ишга туширган эди. Бу йўналиш мамлакат шимолий-шарқидаги Харбин шаҳри ва Германиянинг Гамбург шаҳрини ўзаро боғлайди. Хитойга тегишли SHRC (China railway construction) давлат корпорацияси Калифорнияга қадар ўта тезюрар поездлар қатновини йўлга қўйиш лойиҳаси устида иш олиб бормоқда. Лойиҳанинг қиймати 68 миллиард долларга тенг экани айтилмоқда.

[1] **Манба:** China International Trade Institute

2014 йилда Африка Иттифоқининг Аддис-Абебедаги қароргоҳида нутқ сўзлаган Хитой Давлат Кенгашининг бош вазири Ли Кесян ўз мамлакати Африка қитъаси давлатлари пойтахтларини ўзаро боғловчи қитъалараро тезюрар поездлар қатновини ишлаб чиқиш режасини қўллаб-қувватлашини билдирган эди. Шуни эслатиб ўтиш керакки, ҳозирча Африка мамлакатларини боғловчи темирйўл тармоғи мавжуд эмас. Бундан 100 йил аввал Буюк Британия ва Франция Африкада темирйўл тармоғини яратиш масаласини муҳокама қилган аммо, амалга ошмай қолган эди.

«Бир макон – бир йўл» лойиҳаси доирасида ташкил этиладиган транспорт йўлаги Австралия ва Индонезияни, Осиё мамлакатларини, Европа, Африка ва Лотин Америкаси орқали АҚШ билан боғлайди. Ҳисоб-китобларга қараганда, Янги Ипак йўли сайёрамиз аҳолисининг ярмидан кўпроғини, тўғрироғи 4,4 миллиард киши истиқомат қиладиган мамлакатларни қамраб олади. Янги Ипак йўлининг қуруқликдаги қисмида учта темирйўл йўлаги барпо этилади. Шимолий йўлак Россия ҳудудларидан ўтади. Марказий ва жанубий йўлак эса Марказий ва Ўрта Осиё мамлакатлари ҳудудларидан ўтиши режалаштирилган.

Кейинчалик темирйўллар йўлакларига автомобил йўллари ҳам қўшилади. Янги Ипак йўлининг асосий йўналиши Ўрта Осиёдан ўтади. Бу йўлакнинг узунлиги 6 минг 500 километрни ташкил қилиб, унинг 4




**5.1.1-расм.** ***«Бир макон – бир йўл» лойиҳаси доирасида ташкил этиладиган транспорт йўлаги.***[1]

[1] https://www.cfr.org/backgrounder/chinas-massive-belt-and-road-initiative

минг километри Хитойнинг Тинч океани соҳилларидан Синжон – Уйғур Мухтор Ўлкасигача бўлган йўлдир. У ердан Қозоғистон, Ўзбекистон, Туркманистон орқали Эрон, Ироқ, Сурия ва Туркияга боради. У ёғи эса Европага бир қадам. Денгиз йўли ҳам худди қадимги савдо йўли сингари Гуанчжоудан бошланади ва Въетнам, Таиланд, Малайзия, Сингапур ва Индонезия орқали Қизил денгизга чиқиб, Африкагача етиб боради. Янги транспорт йўлаклари Хитойдан ортилган юкларни қисқа муддатларда Европага етказишни ўз олдига мақсад қилиб қўйган (5.1.1-расм).

Ташаббус негизида Хитой ички бозорининг тўйиниши сабабидан бозор топа олмай қийналаётган Хитой ширкатлари учун Евроосиё мамлакатлари ҳудудида мульти-миллиард долларлик инфратузилма лойиҳаларини вужудга келтириш, улар Хитойнинг оммавий банкларидан бериладиган имтиёзли кредитлар орқали Хитойдаги фирмалар томонидан барпо этилиши ётади, десак муболаға бўлмайди.

«Бир макон – бир йўл» лойиҳасининг диққатга сазовор жойи шундаки, у нафақат қуруқлик ва денгизда, балки ахборот технологиялари соҳасида ҳам маркази Хитой бўлган ҳамкорликни таклиф этади. Хитой бу соҳада «Дижитал ипак йўли» қурилишини барча мамлакатлар билан биргаликда амалга оширишига ҳаракат қилмоқда. Мазкур соҳада Хитойнинг Huawei, ZTE, China Telecom, China Mobile ширкатлари аллақачон дунёга танилиб улгурган.

Хитойнинг «Бир макон – бир йўл» ташаббуси дунё мамлакатлари томонидан катта қизиқиш билан ўрганилмоқда. Мамлакатимизда ҳам бу лойиҳа тафсилотлари тадқиқ этилиши, воқеалар ривожи синчковлик билан кузатилиши лозим, деб ҳисоблаймиз. Энг муҳими, биз учун «Бир макон – бир йўл» қайси ўринда фойдаю, қайси ўринда хавф – шуларни билиб олишимиз лозим.

Коронавирус пандемияси шароитида, ушбу лойиҳанинг ривожланиш жараёнларидаги замонавий муаммоларнинг таркиби ўзгариб боради. Лойиҳанинг ривожланиш тенденцияси эса ривожланган ва ривожланаётган мамлакатларнинг иқтисодий инқироздан чиқиш стратегияларига боғлиқ бўлади.

**Хитой ва Марказий Осиё транспорт коридорларининг логистик ривожланиш хусусиятлари.** Хитой ва Марказий Осиё транспорт коридорларининг ривожланиши ҳамда логистик имкониятларнинг кенгайиб бориши икки йирик минтақа учун улкан истиқболларни очиб беради. Минтақаларнинг чегаравий ҳолати ва узоқ йиллик муштарак тарихи ушбу мамлакатларни ягона логистик тизим остида бирлаштириш имкониятини беради.

Минтақани ривожлантиришга қаратилган муҳим лойиҳаларни амалга ошириш мақсадида 2018 йилнинг ноябрь ойида Самарқандда ***«Марказий Осиё: ягона тарих ва умумий келажак, барқарор ривожланиш ва тараққиёт йўлидаги ҳамкорлик»*** мавзусида халқаро конференция ўтказилди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ушбу тадбирда ҳозирги кунда минтақавий ҳамкорликни барча муҳим соҳалар бўйича ривожлантириш тенденциялари ҳақида сўзлади ва Марказий Осиё бўйича қатор ташаббусларни илгари сурди.

Давлат раҳбарининг асосий ташаббусларидан бири – Марказий Осиё бўйича БМТ резолюциясини қабул қилиш таклифи халқаро ҳамжамият томонидан кенг қўллаб-қувватланди, 2019 йилда БМТ Бош Ассамблеяси ***«Марказий Осиё минтақасида тинчлик, хавфсизлик ва барқарор ижтимоий-иқтисодий тараққиётни таъминлаш бўйича минтақавий ва халқаро ҳамкорлик»*** резолюциясини қабул қилди. Резолюцияда транспорт инфратузилмаси ва транзит йўлакларини ривожлантириш, янги автомобиль ва темир йўллар, авиақатновларни очиш орқали барча транспорт турларининг ўзаро ҳамкорлигини кучайтиришга алоҳида эътибор қаратилган.

Марказий Осиёда мавжуд транспорт йўлакларини такомиллаштириш ва янгиларини шакллантириш долзарблигини эътироф этган ҳолда, давлатимиз раҳбари Самарқандда бўлиб ўтган тадбирда Тошкент шаҳрида транспорт йўлаклари бўйича халқаро конференцияни ташкил этиш ташаббуси билан чиқди.

Асосий мақсад – минтақанинг транзит салоҳиятини биргаликда ривожлантириш, халқаро транспорт йўлакларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш, халқаро ташувлар жараёнидаги турли тўсиқларни бартараф этишга қаратилган чора-тадбирларни ишлаб чиқиш, меёрий-ҳуқуқий база ва тариф сиёсатини такомиллаштириш ҳисобланади.

Айрим маълумотларга кўра, Марказий Осиё мамлакатлари темир йўлларининг узунлиги 22 минг километрга тенг. Қозоғистон энг йирик ва энг кўп фойдаланиладиган темир йўллар тизимига эга, унинг ҳиссасига минтақадаги темир йўлларнинг 66 фоизи ва барча юк ташишларнинг 84 фоизи тўғри келади. Минтақадаги темир йўлларнинг қарийб 18 фоизи Ўзбекистон ҳудудидан ўтади ва барча ташишларнинг қарийб 11 фоизи мамлакат ҳиссасига тўғри келади. Туркманистон тахминан 12 фоиз минтақавий темир йўлларга эгалик қилади ва барча ташишларнинг 4 фоизини таъминлайди (5.1.2-жадвал).

Хитой ва қўшни мамлакатлар билан тарнспорт ташувлари осонлашиши ҳамда тезлашиши ҳисобига унга сарфланадиган харажат қисқа-

*5.1.2-жадвал*

**БМБЙ лойиҳаси натижасида Марказий Осиё давлатларида транспорт харажатларининг қисқариши[1]**

| | Хитой-3 | Қозоғистон | Қирғизистон | Покистон | Тожикистон | Туркманистон | Ўзбекистон |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| Хитой-3 | 0% | 13% | 46% | 40% | 0% | 0% | 8% |
| Қозоғистон | 13% | 17% | 1% | 0% | 46% | 63% | 28% |
| Қирғизистон | 46% | 1% | 0% | 0% | 33% | 41% | 37% |
| Покистон | 40% | 0% | 0% | 32% | 6% | 7% | 5% |
| Тожикистон | 0% | 46% | 33% | 6% | 0% | 4% | 7% |
| Туркманистон | 0% | 63% | 41% | 7% | 4% | 0% | 13% |
| Ўзбекистон | 8% | 28% | 37% | 5% | 7% | 13% | 1% |
| Чонгқинг | 0% | 11% | 41% | 8% | 0% | 0% | 8% |
| Гвадар | 42% | 0% | 1% | 28% | 10% | 11% | 8% |
| Истанбул | 21% | 15% | 11% | 10% | 0% | 0% | 19% |
| Москва | 12% | 2% | 0% | 14% | 0% | 0% | 15% |

ришига эришиш мумкин. Ўзбекистон мисолида олиб кўрадиган бўлсак, лойиҳа асосида инфраструктура объектлари яхшиланиши, янги йўллар барпо қилиниши ҳисобига барча иштирокчилар билан транспорт харажатларида ижобий ўзгариш содир бўлади.

Хусусан, Қирғизистон билан ташиладиган транспорт харажатлари 37 фоизгача, Қозоғистон билан эса 28 фоизгача қисқаришига эришиш мумкин. Бошқа иштирокчи давлатлар билан ҳам транспорт ва юк ташиш борасида харажатларни минималлаштириш имкони мавжуд. Хитой ҳукумати йўллар қурилиши ва янги инфраструктура иншоотларини барпо қилишда катта ташаббус кўрсатмоқда, молиявий маблағларни ўз зиммасига олишини таъкидлаб келмоқда.

Марказий Осиёда қўшимча юк ташиш оқимларини жалб этиш имконини берадиган янги транспорт ва транзит йўлакларини шакллантириш, транспорт ва логистика соҳасида кадрлар тайёрлаш бўйича хорижий тажрибани ўрганиб, халқаро логистика марказлари тармоғини яратиш, минтақа транспорт-логистика салоҳиятини ривожлантириш учун хорижий мамлакатларнинг портларидан самарали фойдаланиш услубларини шакллантириш, Марказий Осиёда Жанубий ва Жануби-Шарқий Осиё, Европа, Яқин ва Ўрта Шарқ мамлакатларини бирлаштирувчи муҳим транзит йўл бўлиб хизмат қиладиган ягона интеграциялашган тизимни яратиш масалалари минтақа учун долзарб аҳамият касб этади.

[1] Мазкур ҳисоб китоблар Жаҳон Банкининг 2019 йилда ушбу лойиҳа бўйича тайёрланган ҳисоботи ва таҳлиллари асосида ишлаб чиқилган.

**Ўзбекистоннинг манфаати қаерда намоён бўлади?**

Сўнгги йилларда Марказий Осиёда ўзаро ишонч ва дўстона муҳит шароитида транспорт лойиҳаларини рўёбга чиқариш бўйича амалий чоралар кўрилмоқда. Ўзбекистонни хорижий мамлакатларнинг, хусусан, Франкфурт, Милан, Брюссел, Вена, Сарагоса, Осло, Базел, Дубай, Теҳрон, Шанхай каби йирик логистика марказлари билан боғлайдиган «Навоий» халқаро интермодал логистика маркази фаолияти жадал ривожланмоқда.

Ўзбекистон – Қирғизистон – Хитой темир йўли қурилиши ҳам фаоллашди. Мазкур лойиҳа ШҲТ макони учун долзарб аҳамиятга эга. Унинг амалга оширилиши лойиҳа иштирокчилари ҳамда Марказий Осиёнинг бошқа барча давлатлари ва Хитой ўртасидаги савдо-иқтисодий муносабатларни кенгайтириш имконини беради. Ушбу темир йўли Хитойдан Қирғизистон ва Ўзбекистон орқали Шарқий Европа ва Яқин Шарқ мамлакатларига юк ташиш имконияти яратилиши туфайли Хитой юкларини Европа мамлакатларига етказадиган энг қисқа йўллардан бирига айланади ва бутун Марказий Осиё транспорт-логистика инфратузилмасини ривожлантиришга хизмат қилади.

Марказий Осиёнинг стратегик келажаги ва истиқболлари минтақанинг ажралмас қисми ҳисобланган Афғонистондаги ҳудудий жараёнларда фаол иштирок этишга бевосита боғлиқ. Афғонистон Президенти Ашраф Ғанининг 2017 йилда Ўзбекистонга ташрифи доирасида «Сурхон – Пули Хумри» электр узатиш линиясини қуриш лойиҳасини амалга ошириш тўғрисида келишувга эришилди. Янги линия Ўзбекистондан Афғонистонга электр энергияси етказиб беришни 70 фоизга ошириш, яъни йилига 6 миллиард кВт/соатга етказиш имконини беради.

Афғонистон билан транспорт соҳасидаги ҳамкорликни ривожлантириш ҳамда трансафғон йўлаги доирасида янги темир йўлларини барпо этиш истиқболда Марказий Осиёнинг энг қисқа йўллар орқали Ҳинд океани ва Форс кўрфазидаги бандаргоҳларга чиқишини таминлайди, Жанубий ва Жануби-Шарқий Осиёни Европа ва Хитой бозорлари билан боғлайди.

Кейинги пайтларда минтақа мамлакатлари халқаро транспорт борасидаги имкониятларини кенгайтиришга доир саъй-ҳаракатларини фаоллаштирмоқда. Бугунги кунда Марказий Осиё орқали қатор халқаро транспорт йўлаклари ташкил этилмоқда. 2018-2023 йилларда Хитой ва Ғарбий Европани боғлайдиган «Евроосиё» транспорт йўлагини қуриш ва фойдаланишга топширишни режалаштирмоқда. Ушбу магистрал Пе-




**5.1.2-расм.** ***Хитой экспортида «Бир макон – бир йўл» давлатлари ва бошқа давлатлар улуши.***[1]

киндан бошлаб Остона, Москва ва Минск орқали Берлинга қадар давом этади. ***Дастлабки ҳисоб-китобларга кўра, 2050 йилга бориб ушбу йўлак орқали йилига 37 миллион йўловчи ташилади.***

Қозогистон – Туркманистон – Эрон йўлагига келсак, 2018 йил май ойида Хитойдан ушбу йўналишда контейнерли поезд юрди. Ушбу масофани босиб ўтишга 2 ҳафтага яқин вакт кетди, бу денгиз йўлига қараганда ўртача икки баробар тез дегани. 2022 йилга бориб темир йўл орқали юк ташиш ҳажми йилига 15 миллион тоннани ташкил этиши кутилмоқда.

«Шарқ – Ғарб» лойиҳаси Хитой ва Европа ўртасида транспорт алоқасини йўлга қўйишга қаратилган. Боку – Тбилиси – Қарс темир йўли ушбу транспорт йўлагининг муҳим бўғинидир. Мазкур лойиҳа Туркия ва Европадан Марказий Осиё мамлакатлари, Хитой ва Эронга мунтазам юк ташишни йўлга қўйишда муҳим роль ўйнайди.

Хитой учун лойиҳа бир неча омиллар туфайли жуда муҳимдир. Биринчидан, Шинжон-Уйғур мухториятининг иқтисодий ривожланишига туртки бўлади. Марказий, Шарқий ва Жанубий Хитойдан Европага контейнер поездларининг аксарияти Шинжон орқали ўтади. Ушбу вилоятнинг Пойтахти Урумчи бўлиб, мазкур шаҳар Европага чиқадиган транспорт йўлагида муҳим логистик марказ ҳисобланади. Хитой ҳукумати Қашғардан иккита ғарбий йўналишда Қирғизистон ва Ўзбекистонга, иккинчиси жанубга темир йўл қурилиши масаласини муҳокама қилмоқда.

[1] **Манба:** ИХТТ (OECD) маълумоти

Шуни таъкидлаш керакки, Покистон транспорт коридори – бу Хитойнинг «Бир макон – бир йўл» ташаббусининг энг муҳим лойиҳаси ҳисобланади. Ушбу лойиҳа Хитойни Марказий Осиё ва Жанубий Осиёдаги қўшнилари билан боғлайдиган, шу билан бирга Яқин Шарқ ва Африкага борадиган муҳим кўприк бўлади.

Хитойни Арабистон денгизи ва Форс кўрфази билан Покистон орқали боғлаб, савдо потенциалини кенгайтиради ва Хитойнинг нафақат минтақада, балки Африкагача Покистоннинг Гвадар порти орқали энергия ва хавфсизлик мавжудлигини оширади. Мазкур йўлни транспорт ва энергетика: автомобиль йўллари, кўприклар, газ қувурлари, портлар, темир йўллар, Покистонга энергия заводлари ва Хитойни назорат қилиш ва бошқаришда чуқур минтақавий хавфсизлик механизми билан таъминлаш асосида Хитой, Марказий Осиё ва Покистон иқтисодиётини ривожлантирадиган пакет сифатида кўриб чиқилиши мумкин.

Илгари Хитой ва Ўзбекистон ўртасидаги юкларни Қирғизистон орқали ўтказиш учун саккиз кундан 10 кунгача вақт кетар эди, энди эса янги транспорт йўналиши атиги икки кунни ташкил этади. Янги коридорда ўзбек иплари, пахта толаси, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ва мева шарбатлари Хитойга, ишлаб чиқариш ва қайта ишлаш ускуналари, бутловчи буюмлар ва маиший техникалар қарама-қарши йўналишда олиб борилади. Сўнгги йилларда транспорт инфратузилмасини такомиллаштириш туфайли Хитой ва Ўзбекистон ўртасидаги ўзаро савдо ҳажми тез суръатлар билан ўсмоқда: ***2018 йилда икки томонлама савдо ҳажми олдинги йилга нисбатан 48,4 фоизга ўсиб, 6,26 миллиард АҚШ долларини ташкил қилди.*** Энди Хитой Ўзбекистоннинг энг йирик савдо шериги, энг йирик экспорт ҳамкори ва энг йирик импорт манбаи ҳисобланади.

Бундан ташқари, Ўзбекистон ҳукумати ташқи иқтисодий сиёсатида экспортга устувор аҳамият бераётгани сабабли, тобора кўпроқ Ўзбекистон компаниялари Хитойнинг улкан истеъмол бозорида ўз улушини олишга интилмоқда.

Ўзбекистоннинг иқтисодий ривожланиши учун яхши имконият яратган ҳолда, транспорт коридори бошқа давлатларни ўз маҳсулотларини етказиб беришда ундан фойдаланишга жалб қилмоқда. Экспертларнинг таъкидлашича, Хитой томонидан илгари сурилган «Бир макон – бир йўл» ташаббуси Ўрта Осиёда амалга оширилишининг тимсоли сифатида, йўлак транспортни осонлаштириш ва янги Осиё-Европа қитъа кўпригини яратишда етакчи роль ўйнайди.

**Узоқ муддатга мўлжалланган стратегиялар**

2019 йил 19 сентябрь куни Хитойнинг транспорт соҳасидаги кучини ошириш режаси эълон қилинди. Ҳужжат Хитой Коммунистик партияси Марказий қўмитаси ва Давлат кенгаши томонидан маъқулланди ҳамда Хитой транспорт секторининг келажакдаги истиқболлари ва йўл харитасини аниқ бир тамойиллар асосида тасвирлайди.

2035 йилга келиб Марказий Осиёда «йирик транспорт минтақаси» барпо этилиши режалаштирилган. Бу вақтга келиб транспорт тизими талабни тўлиқ қондириши ва мамлакатларни модернизациялашга хизмат қилиши керак. Иккинчи босқич – 2036 дан 2050 йилгача бўлиб, халқаро рақобатбардош транспорт тизимини яратиш тамойилларини ўз ичига олади ва 2050 йилга келиб, халқаро миқёсда инновацион транспорт тизими барпо этилади.

Хитойнинг транспорт тизими нафақат миқёси бўйича, балки техник жиҳозлар сифати, технологик инновацион қобилият ва тегишли касбий ишчи кучи, интелектуал ва ақлли транспорт имкониятлари, атроф-муҳит шароити, транспорт ҳаракати хавфсизлиги ҳамда бошқарув лаёқати бўйича ҳам жаҳон миқёсида энг юқори талабларга жавоб бериши керак. Хитойнинг транспорт сектори учун умумий қўлланма сифатида сиёсат узоқ муддатли юқори даражадаги стратегик ва келишилган ривожланиш учун хизмат қилади. Шунингдек, у мамлакатнинг ўрта муддатли транспорт стратегиялари, келгуси беш йиллик режалари ҳамда келажакда миллий ва суб-миллий даражада амалга оширишнинг аниқ тамойиллари учун пойдевор бўлиб хизмат қилади.

Транспорт секторида инвестициялар, молиялаштириш ва бошқариш соҳасида чуқур ислоҳотлар давом этар экан, амалга оширишнинг келишилган механизми яратилади. Белгиланган мақсадларни амалга ошириш учун қўллаб-қувватланадиган вазифалар шакллантирилади ва давлат томонидан маблағлар (масалан, молиявий ва сиёсий қўллаб-қувватлаш) илмий жиҳатдан тақсимланади. Янги стратегия табиий ресурслар, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, молия тақсимоти ва бошқарув, шунингдек солиққа тортиш, молия, инвестиция, саноат ва савдо билан боғлиқ сиёсат ўртасида янада юқори мувофиқлаштиришни кўзда тутади. Ушбу сиёсат доирасида турли хил асосий ва пилот лойиҳалар амалга оширилади.

Ҳозирги кунда Ўзбекистонда 2017–2021 йилларда муҳандислик-коммуникация ва йўл-транспорт инфратузилмасини ривожлантириш ва модернизация қилиш дастури амалга оширилмоқда. Дастур миллий

транспорт тармоғини ривожлантириш соҳасида халқаро талаблар ва стандартларга жавоб берадиган яхлит комплекс стратегияни ишлаб чиқиш ҳамда маҳаллий ишлаб чиқарувчиларнинг маҳсулотларини ҳудудий ва жаҳон бозорига олиб чиқишни ҳисобга олган ҳолда ушбу стратегияни халқаро транспорт тизимига кенг интеграциялашни таъминлашни кўзда тутади.

Таъкидлаш жоизки, бугунги кунда мамлакатимизда транспорт-транзит салоҳиятини янада ривожлантириш учун барча зарур шароитлар яратилмоқда. Транспорт тизимининг ўтказувчанлик қобилиятини ошириш, Ўзбекистон ҳудудидан ўтиш учун мавжуд тўсиқларни бартараф этиш ишлари амалга оширилмоқда, бу эса Марказий Осиёда халқаро транспорт йўлакларини ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон ҳам «Бир макон – бир йўл» лойиҳасида иштирок этишдан манфаатдор ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2018–2022 йилларда транспорт инфратузилмасини такомиллаштириш ва юк ташишнинг ташқи савдо йўналишларини диверсификациялаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига биноан Боку – Тбилиси – Ахалкалаки – Қарс темир йўли орқали ташқи савдо юкларининг дастлабки транзит ташувларини амалга ошириш чоралари кўрилмоқда.

«Шимол – Жануб» лойиҳасининг очилиши, маълумотларга қараганда, 2021 йилга мўлжалланган. Ушбу транспорт йўлаги Санкт-Петербург бандаргоҳини Эроннинг Бандар Аббос ва Чобаҳор бандаргоҳлари билан боғлайди, шу тарзда денгиз йўли Ҳиндистондаги Мумбай бандаргоҳига қадар узайтирилади.

Ушбу транспорт йўлаги Эрон орқали Форс кўрфази мамлакатларига юк ташиш жараёнини соддалаштириши туфайли Марказий Осиё учун долзарб аҳамиятга эга. ***Ҳар йили йўлак орқали 3–5 миллион тонна юкни транзит қилиш имконияти пайдо бўлади.***

Мазкур транспорт йўлаги Ўзбекистон учун ҳам муҳим. Президент Шавкат Мирзиёев 2018 йилнинг июнь ойида Синдао шаҳрида бўлиб ўтган ШҲТ саммитида Ўзбекистон Мозори Шариф – Ҳирот, Хитой – Қирғизистон – Ўзбекистон темир йўл линияларини қуриш, шунингдек, Марказий Осиё – Форс кўрфази, «Шимол – Жануб» ва «Шарқ – Ғарб» трансминтақавий йўлакларни ривожлантириш тарафдори эканини таъкидлади.

Кейинги вақтларда жаҳон экспертлар ҳамжамиятида Хитой томонидан илгари сурилган «Бир макон – бир йўл» ташаббусининг транспортга доир қисми хусусида кўп сўз юритилмоқда. Бу борадаги ишлардан умумий қилиб олганда жуда юқори натижалар кутиш мумкин.

***Ўзбекистон «Бир макон – бир йўл» ташаббусини қўллаб-қувватлаши ва унда янада фаол иштирок этишдан манфаатдор. Яхши маълумки, «Бир макон – бир йўл» ташаббуси, аввало, савдо-иқтисодий муносабатларни ривожлантиришга, Хитойни жаҳон аҳолисининг 60 фоизи ва ялпи ички маҳсулотининг 30 фоизи тўғри келадиган мамлакат билан боғлайдиган янги транспорт йўлларини шакллантиришга қаратилган.***

Ўзбекистон – Қирғизистон – Хитой темир йўлини қуриш ва ишга туширишн «Бир макон – бир йўл» ташаббуси доирасидаги йирик транспорт лойиҳаларидан бири бўлади. «Бир макон – бир йўл» лойиҳасини инновациялар билан бойитиш, хусусан, Буюк ипак йўлини рақамлаштириш мақсадида рақамли иктисодиёт соҳасидаги ҳамкорликни фаоллаштириш ҳам эътиборга молик. Бугунги кунда деярли барча ривожланган ва ривожланаётган мамлакатларда транспорт ва логистикага оид рақамли хизматлар жадал ривожланмоқда.

Ўзбекистон Марказий Осиё мамлакатларининг минтақавий транспорт-коммуникация тизимини шакллантириш, транспорт ва логистика соҳаларида янги инвестиция лойиҳаларини ишлаб чиқишга доир саъй-ҳаракатларни фаоллаштириш юзасидан узоқ муддатли ва кўп томонлама ҳамкорлик учун қулай шароитлар яратиши катта манфаатларнинг юзага келишига сабабчи бўлади.

---

***Ақлли бўлиш кифоя эмас, муҳими уни ишлата билишдир.***

**Рене Декарт**

## 5.2. РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТ: ИНВЕСТИЦИОН ЖОЗИБАДОРЛИК ВА ТАРАҚҚИЁТНИНГ ЗАМОНАВИЙ ИМКОНИЯТИ

Иқтисодий ва технологик тараққиётнинг янги босқичи сифатида намоён бўлаётган рақамли инқилоб инсоният ҳаётини шиддат билан ўзгартириб, кенг имкониятлар яратиш билан бирга, халқаро рақобат майдонининг янада кескинлашув даврини бошлаб берди.

***«Рақамли иқтисодиёт» атамаси биринчи бўлиб 1995 йилда Дон Тепкотт муаллифлигида чоп этилган «Рақамли иқтисодиёт: тармоқли интеллект асрида ваъда ва хавф-хатар» (The Digital Economy: Promise and Peril in the Age of Networked Intelligence) нашрида алоҳида тушунча сифатида истилоҳ этилган. Ушбу нашрда***

***рақамли иқтисодиётнинг асосий таркибий қисмларига фундаментал инновациялар (яримўтказгичлар, процессорлар), асосий технологиялар (компьютерлар) ва боғловчи инфратузилмалар (интернет ва телекоммуникация тармоқлари) ажратиб кўрсатилади.***

Рақамли иқтисодиёт икки хил турли тушунчаларни ифодалаш учун ишлатилади. *Биринчидан*, рақамли иқтисодиёт – бу ривожланишнинг замонавий босқичи ҳисобланиб, у ижодий меҳнат ва ахборот неъматларининг устувор ўрни билан тавсифланади. *Иккинчидан*, рақамли иқтисодиёт – бу ўзига хос тушунча бўлиб, унинг ўрганиш объекти ахборотлашган жамият ҳисобланади. Бугунги шиддат билан ривожланаётган глобал иқтисодиёт шароитида рақамли иқтисодиёт ўз ривожланишининг бошланғич даврида бўлиб, замонамизнинг рақамли ахборот босқичига ўтиши атига бир неча ўн йилни ташкил этади.

Умуман олганда, рақамли иқтисодиёт – бу жараёнларни таҳлил қилиш натижаларидан фойдаланиш ва катта ҳажмдаги маълумотларни қайта ишлаш асосида турли хилдаги ишлаб чиқаришлар, технологиялар, асбоб-ускуналар, товар ва хизматларни сақлаш, сотиш ва етказиб бериш самарадорлигини жиддий равишда оширишга имкон берадиган, рақамли кўринишдаги маълумотлар асосий ишлаб чиқариш омили ҳисобланган фаолиятдир.

Замонавий тараққиётнинг кейинги истиқболида катта ҳажмли маълумотлар билан ишлаш технологиялари (Big Data), сунъий интеллект, нейротехнологиялар, квант технологиялари, буюмлар интернети, робототехника ва сенсорика, рақамли электрон платформалар, булутли ва мобил технологиялар, виртуал ва қўшимча реаллик технологиялари, краудсорсинг, блокчейн технологиялари, криптовалюталар ва ICO, 3D-технологиялари сингари рақамли технологиялар ҳал қилувчи аҳамият касб этмоқда.

Рақамли иқтисодиёт ҳозирги мавжуд соҳаларнинг ярмидан кўпроғида бeқиёс ўзгаришлар келтириб чиқариши таъкидланмоқда. Жумладан, Жаҳон банки экспертлари фикрича, тезкор интернетдан фойдаланувчилар сонининг 10 фоизга кўпайиши миллий иқтисодиётлар ялпи ҳажмини ҳар йили ўртача 0,4–1,4 фоизга ошириш имконини беради.

***Дунёда рақамли иқтисодиёт ўсишининг суръатлари йилига деярли 20 фоизни ташкил этмоқда. Тараққий этган давлатларда рақамли иқтисодиётнинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши 7 фоизга етган. Улар ҳозирнинг ўзида рақамли иқтисодиётнинг жорий қилинишидан жуда катта наф кўришмоқда. Хусусан, Америка Қўшма Штатлари йилига 400 миллиард АҚШ долларидан кўпроқ рақамли хизматларни экс-***

***порт қилмоқда. Мазкур давлат ялпи ички маҳсулотининг 5 фоизидан кўпроғи бевосита интернет ва ахборот-телекоммуникация технологиялари билан боғлиқ соҳаларга тўғри келади. 2025 йилгача АҚШ саноатни рақамлаштиришдан қўшимча 20 трлн. доллар даромад олиши кутилмоқда. Бундай иқтисодий самарадорлик, айниқса истеъмол товарлари ишлаб чиқариш (10,3 трлн. доллар), автомобиль саноати (3,8 трлн. доллар) ва логистикада (3,9 трлн. доллар) юқори бўлиши таъкидланмоқда.***

Турли тадқиқотлар натижалари бўйича рақамли иқтисодиётнинг дунё иқтисодиётидаги салмоғи 4,5 фоиздан 15,5 фоизгачани ташкил этади. Жаҳон ахборот-коммуникация технологиялари секторида яратилаётган қўшилган қийматнинг деярли 40 фоизи ва блокчейн технологиялари билан боғлиқ патентларнинг 75 фоизи Америка Қўшма Штатлари ва Хитой Халқ Республикаси хиссасига тўғри келади.

Мамлакатимиз Президенти Ш.М. Мирзиёевнинг 2020 йил 13 февраль куни ахборот технологияларини ривожлантиришга бағишланган тадбирда келтирган статистик маълумотларига мувофиқ АҚШда рақамли иқтисодиётнинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши 10,9 фоиз, Хитойда 10 фоиз, Ҳиндистонда 5,5 фоизни ташкил этади. Ўзбекистонда бу кўрсаткич 2 фоиздан ҳам ошмайди.

Рақамлаштиришнинг аҳамияти ва таъсирини қанчалик ортиб бораётганлигини баҳолаш учун сўнгги ўн йилликдаги бир нечта йирик технологик компаниялар ва рақамли платформаларнинг жаҳон бозоридаги капиталларининг улушини кўриш кифоя. Хусусан, БМТнинг савдо ва ривожланиш конференцияси маълумотларида қайд этилганидек, бу кўрсаткич 2009 йилда 16 фоизни ташкил этган бўлса, 2018 йилнинг охирига келиб 56 фоизга етган.

Дунё ҳамжамиятида рўй бераётган бундай жадал ўзгаришлар ва рақобатнинг кескинлашуви жараёнида инновациялар ва рақамли технологияларни кенг жорий этмасдан туриб, яқин ва узоқ келажакда мамлакатимиз иқтисодиётини барқарор ривожлантириш, унинг рақобатдошлигини таъминлай олмаслигимиз айни ҳақиқат бўлиб, бу эса, ўз навбатида, илмий ва амалий ҳаракатларни кучайтиришни талаб этади.

Бу борада, сўнгги йилларда миллий иқтисодиётимизни тубдан модернизация қилиш бўйича олиб борилаётган кенг қамровли ислоҳотлар доирасида мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий ҳаёти ва давлат бошқаруви тизимига рақамли технологияларни жорий этиш борасида қатор чора-тадбирлар амалга оширилди. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасида рақамли иқтисодиётни

ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 2018 йил 3 июлдаги ПҚ-3832-сонли қарори қабул қилиниши рақамли иқтисодиётни ривожлантиришда муҳим қадам бўлиб, мамлакатимизда рақамли иқтисодиётни янада ривожлантириш бўйича қуйидагиларни назарда тутувчи энг муҳим вазифалар белгилаб берилди:

- инвестициявий ва тадбиркорлик фаолиятининг турли шаклларини диверсификация қилиш учун крипто-активлар айланмаси соҳасидаги фаолиятни, жумладан майнинг, смарт-контракт, консалтинг, эмиссия, айирбошлаш, сақлаш, тақсимлаш, бошқариш, суғурталаш, крауд-фандинг (жамоавий молиялаштириш) технологияларини жорий этиш;
- блокчейн технологияларини ишлаб чиқиш ва улардан фойдаланиш соҳасида замонавий ахборот-коммуникация технологияларини яхши тушунадиган, амалий иш кўникмаларига эга малакали кадрларни тайёрлаш, шунингдек, юқори малакали хорижлик мутахассисларни жалб қилиш;
- крипто-активлар бўйича фаолият ва «блокчейн» технологиялари соҳасида халқаро ва хорижий ташкилотлар билан ҳамкорликни ҳар томонлама ривожлантириш, шунингдек, илғор хорижий тажрибани ҳисобга олган ҳолда зарур ҳуқуқий базани яратиш;
- рақамли иқтисодиётни янада ривожлантириш учун инновацион ғоялар, технологиялар ва ишланмаларни жорий этиш соҳасида давлат органлари ва тадбиркорлик субъектларининг яқин ҳамкорлигини таъминлаш.

Чунончи, мамлакатимизда **«Электрон ҳукумат»** тизимини жорий этиш рақамли иқтисодиётни ривожлантиришнинг ажралмас таркибий қисми бўлиб, унинг асосий мақсади маъмурий тартиб ва таомиллардан ўтишни соддалаштириш, аҳоли турмуш сифатини ошириш, инвестиция ва ишбилармонлик муҳитини яхшилашга қаратилган.

Белгилаб олинган асосий вазифалар ижросини амалга ошириш, шунингдек, мамлакатимизда рақамли жамият ривожланиши, аҳоли ва тадбиркорлар учун қулай имкониятлар яратиш, бюрократик тўсиқлар ва коррупциявий омиллардан холи самарали ва очиқ давлат бошқаруви тизимини ривожлантириш борасида кўзланган мақсадга эришиш учун бугунги кунда иқтисодиётнинг барча соҳаларини рақамли технологиялар асосида янгилашни назарда тутадиган «рақамли иқтисодиёт» миллий концепциясини ишлаб чиқилаётган бўлиб, айнан рақамли иқтисодиётни ривожлантириш орқали ялпи ички маҳсулот ҳажмини қўшимча 30 фоизга ўстириш имкони яратилиши кутилмоқда.

Мамлакатимизда илм-фанни янада равнақ топтириш, ёшларимизни чуқур билим, юксак маънавият ва маданият эгаси этиб тарбиялаш, рақобатбардош иқтисодиётни шакллантириш борасида бошлаган ишларимизни жадал давом эттириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М. Мирзиёевнинг 2020 йил 24 январдаги Олий Мажлисга йўллаган Мурожаатномасида 2020 йилга ***«Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили»*** деб ном бериш таклифи илгари сурилиши том маънода Ўзбекистон ҳаётида глобал тараққиётга ҳамоҳанг равишда тарихий бурилиш даври бошланганини тасдиқлади.

Жаҳон иқтисодиётининг глобаллашуви ва технологик ривожланиш шароитида Ўзбекистоннинг иқтисодий ривожланишини рақамли иқтисодиётсиз тасаввур қилиш қийин. Тадқиқотлар натижаларига кўра, 2022 йилга келиб глобал ЯИМнинг чорак қисми рақамли соҳада бўлиши тахмин қилинмоқда. Лекин, халқаро ахборот коммуникация технологиялари ривожлантириш индекси бўйича Ўзбекистон 170 дан ортиқ давлат ичида 103-ўринни эгаллаб туришининг ўзи мамлакатимизда бу соҳада ҳали ўз ечимини кутаётган масалалар ва қилиниши лозим бўлган ишлар кўплигидан далолат беради.

Давлатимиз раҳбарининг таъкидлашича, «...юртимиз халқаро ахборот коммуникация технологияларини ривожлантириш индекси бўйича 2019 йилда 8 поғонага кўтарилган бўлса-да, ҳали жуда ҳам орқада. Аксарият вазирлик ва идоралар, корхоналар рақамли технологиялардан мутлақо йироқ, десак, бу ҳам ҳақиқат. Албатта, рақамли иқтисодиётни шакллантириш керакли инфратузилма, кўп маблағ ва меҳнат ресурсларини талаб этишини жуда яхши биламиз. Бироқ, қанчалик қийин бўлмасин, бу ишга бугун киришмасак, қачон киришамиз?! Эртага жуда кеч бўлади. Шу боис, рақамли иқтисодиётга фаол ўтиш – келгуси 5 йилдаги энг устувор вазифаларимиздан бири бўлади.

Рақамли технологиялар нафақат маҳсулот ва хизматлар сифатини оширади, ортиқча харажатларни камайтиради. Шу билан бирга, мени жуда қаттиқ ташвишга соладиган ва безовта қиладиган энг оғир иллат – коррупция балосини йўқотишда ҳам улар самарали воситадир. Буни барчамиз теран англаб олишимиз даркор. Давлат ва жамият бошқаруви, ижтимоий соҳада ҳам рақамли технологияларни кенг жорий этиб, натижадорликни ошириш, бир сўз билан айтганда, одамлар турмушини кескин яхшилаш мумкин».

Ўз ўрнида қайд этиш лозимки, мамлакатимиз ҳаётида рақамли иқтисодиётнинг айрим элементлари аллақачон муваффақият билан фаолият кўрсатмоқда. Жумладан, ҳужжатлар ва коммуникацияларнинг ом-

мавий равишда рақамли воситаларга ўтказилишини ҳисобга олиб, электрон имзога рухсат бериш, давлат билан мулоқот қилиш ҳам электрон платформаларга ўтказилмоқда.

***БМТ Бош котиби Антониу Гутерришнинг таъбири билан айтганда, «рақамли иқтисодиёт янги хавф-хатарларни вужудга келтириши мумкин, шу жумладан, киберхавфсизликка таҳдидлар, ноқонуний иқтисодий фаолиятнинг енгиллашуви, шахсий ҳаёт дахлсизлигини бузилиши билан боғлиқ сабабларни келтириш мумкин. Янги қарорлар қабул қилиш ҳукуматлар, фуқаролик жамияти, академик гуруҳлар, илмий ҳамжамият ва технологик секторларнинг ҳамкорликдаги ҳаракатини талаб этади».***

Дарҳақиқат, рақамли иқтисодиёт миқёсининг кенгайиб боришида халқаро ҳамкорликни имкон қадар кучайтириш зарур. Шу ўринда мамнуният билан қайд этиш жоизки, Ўзбекистонда ахборот хавфсизлиги соҳасида олиб борилаётган таъсирчан чора-тадбирлар натижасида 2019 йилда Киберхавфсизлик глобал индексида 41 поғонага кўтарилиб, 52 ўринни эгалладик.

## Дунёни ўзгартираётган қадамлар

Инсоният яралибдики, ўзига дастёр қидиради. Унинг тахминий модели шундай: чаққон, уддабурон, топшириқларни сўзсиз бажаришга қодир, толиқишни билмайдиган ва энг муҳими, садоқатли… Ҳозиргача кашф қилинган не-не суперкомпьютеру роботлар ана шундай вазифаларни бекаму кўст бажариб келмоқда. Аммо инновациялар асрида буларнинг ўзи етарли эмас. Энди одамзоднинг яна бир нарсага эҳтиёжи ортган. Бу – сунъий интеллект!

Мана, мобиль телефон деб атаганимиз жажжигина қути ичида ҳозир олам-олам имконият мужассам. Бир пайтлар оддий мулоқот воситасига калькулятор, тақвим, диктофон, ёндафтар, видео ва фотокамера, соат, будильник сингари қатор қулайликлар жойланганидан ҳайратланган бўлсак, эндиликда у орқали сониялар ичида бутун бошли китобни исталган тилингизга ўгиришингиз ёки ҳайҳотдек бинонинг меъморий чизмасини тап-тайёр ҳолатга келтиришингиз мумкин.

Ана сизга тараққиётнинг шиддатига мисол! Рақамли технологиялар мўъжизавий имконияти бу! Кундалик турмушимиз учун ун, ёғ, шакар, сут, гуруч, картошка, сабзи, пиёз каби нозу неъматлар қанчалик зарур бўлса, жамият ҳаёти учун ҳам электрон платформалар, дастурий таъминот маҳсулотлари бугун шунчалик керак! Чунки маиший муносабатлари-

мизни ҳам рақамли технологияларсиз амалга ошириш мушкул замонда яшаяпмиз.

Бунинг амалий тасдиғини шу кунларда такрор-такрор кўряпмиз. Негаки, коронавирус пандемияси билан боғлиқ вазиятда тождор офат ҳаммани уйга қамади. «Кўринмас ёв»дан азият чекмаслик учун хонадонимизда иҳоталанишга мажбур бўлдик. Бундай шароитда рақамли технология дегани жонимизга оро киряпти. «Онлайн мактаб», «Масофадан туриб ишлаш», «Онлайн буюртма» деган иборалар ҳеч қачон ҳозиргичалик оммалашмаган. Ошхонаю ресторанлар эшигига қулф осилган бир вазиятда электрон ҳамёнимиз орқали тўлов ва буюртма қилсагу, зум ўтмай курьер эшигимизни қоқиб, буғи чиқиб турган икки қасқон мантини муҳайё қилиб турса...

Булар – маиший ҳаётимиз билан боғлиқ мисоллар. Давлат бошқаруви ва сиёсий институтларнинг трансформациялашуви шароитида яна бир масала борки, бугун ва келажак учун унинг аҳамияти ниҳоятда катта. Бу «Электрон ҳукумат» тизимини шакллантириш, уни самарали амалга ошириш ва ривожлантириш каби вазифаларни ўз ичига олади.

## «Тождор» ўлат жараённи тезлаштирди

БМТ томонидан 2015 йилнинг 25 сентябрида бир муҳим дастур қабул қилинди ва унга «Дунёмизни ўзгартириш: 2030 йилгача бўлган даврда барқарор ривожланиш соҳасидаги Кун тартиби» деб ном берилди. Камбағалликни бартараф этиш, инсонларнинг эмин-эркин яшаши, табиат ресурсларидан тенг фойдаланиши, очлик ва бошпанасизликнинг олдини олиш, қонун устуворлигини таъминлаш, атроф-муҳит мусаффолигига эришиш мазкур дастурдан ўрин олган энг устувор мақсадлар сирасидандир.

***193 та давлат томонидан маъқулланган ушбу муҳим ҳужжат Барқарор ривожланиш мақсадларини таъминлашга хизмат қиладиган 17 та бош мақсад, 169 та мақсадли вазифа ва 230 та кўрсаткични қамраб олган.*** Аммо ана шу вазифаларни тўлақонли бажариш учун, аввало, ҳар бир мамлакатдан «Электрон ҳукумат»ни ривожлантириш талаб этилди. Шу орқали аҳоли, давлат ва нодавлат сектор вакилларига сифатли давлат хизматларини кўрсатиш, уларнинг ҳаётини енгиллаштириш бўйича рейтинг кўрсаткичлари орқали давлатларга баҳо бериш тизими йўлга қўйилди.

Албатта, глобал дастур қабул қилинган пайтда кўплаб келишувлар амалга оширилди. Масалан, иқлим ўзгариши, атроф-муҳитнинг зарар-

сизланиши, тоза ичимлик суви таъминоти ва қашшоқликка қарши бирга курашиш бўйича чора-тадбирлар ҳисобга олинди. Аммо ер юзига коронавирус деган ўлат ёпирилишини, оқибатда давлат хизматларини масофадан туриб кўрсатишга эҳтиёж кескин ошиб кетишини ҳеч ким башорат ҳам қилмаган эди. Бу эса «Электрон ҳукумат» тизимини шакллантиришни янада жадаллаштириш вазифасини кун тартибига қўйди.

«Электрон ҳукумат» алоҳида тушунча ва тизим сифатида илк бор 1991 йилда АҚШда истеъмолга кириб келган. У электрон ҳужжатлар алмашинуви, бошқарув жараёнларини автоматлаштиришга асосланган давлат бошқаруви ва давлат хизматларини кўрсатиш тизимидан иборат.

Орадан маълум муддат ўтгач, ушбу соҳада жаҳон ҳамжамияти ҳам ўзаро манфаатли халқаро ҳамкорликни ўрнатиш, тадқиқотлар ўтказиш ва глобал инновацион лойиҳаларни амалга оширишга алоҳида эътибор қаратди.

Хусусан, 2003 йилдан буён БМТ томонидан фуқароларга давлат хизматларини кўрсатиш учун давлат идораларининг электрон технологиялардан фойдаланиш ҳолатини баҳолашга қаратилган тадқиқотлар мунтазам равишда олиб борилмоқда. Уларда интернет хизматларининг қамрови ва сифати, IT-инфратузилмаси ҳамда инсон капитали ривожланиши даражаси асосий мезон қилиб олинган.

***Хўш, электрон ҳукумат одамларга нима беради? Унинг афзалликлари қандай?***

Электрон ҳукумат тизими давлат органларининг ўзаро узвий ҳамкорлигини таъминлайди, бошқарув харажатларини қисқартиради ва бошқарув жараёнлари тезкорлигини оширади. Шу билан бирга, аҳоли ва бизнесга давлат хизматларини кўрсатиш тизимини оптималлаштиради ҳамда соддалаштиради. Ўз навбатида, халқ билан ҳукумат ўртасида бюрократик тўсиқлардан холи шаффоф ва қулай мулоқот тизимини яратади.

Бундан ташқари, мазкур тизим фуқароларнинг технологик билими ва малакасини оширишга, давлат бошқарувида, шу жумладан, қарорлар қабул қилишда халқ иштирокини, жамоатчилик ўрнини кенгайтиришга хизмат қилади. Бинобарин, демократик тамойилларни чуқурлаштириш, давлат идораларининг халқ олдидаги масъулиятини мустаҳкамлашда ҳам электрон ҳукуматнинг аҳамияти катта.

## Тўрт илғор модель

Ҳозирги кунда электрон ҳукуматни шакллантиришнинг ягона стратегияси ёки намунаси мавжуд эмас. Фақат унинг ривожланиш хусусиятлари ва географиясидан келиб чиққан ҳолда 4 та модель алоҳида ажратиб

кўрсатилади. Булар - Континентал-Европа модели, Англо-Америка модели, Осиё модели ва Россия модели.

Ғарбий минтақа моделларига АҚШ ва Европа давлатларида асос солинган. Жумладан, АҚШда сиёсий тизимни такомиллаштириш бу борада асосий ўринни эгалласа, Европада (Дания, Буюк Британия, Швеция, Финландия, Франция, Германия ва бошқалар) маъмурий ислоҳотлар ва фуқароларга хизмат кўрсатишда АКТни кенг жорий этишга аҳамият қаратилади.

Электрон иштирок индекси ва «Электрон ҳукумат» ривожланиши бўйича жаҳон мамлакатлари рейтингида Буюк Британия етакчилардан бири ҳисобланади. Бунда ушбу мамлакатда 1999 йилда қабул қилинган «Давлат ҳокимиятини модернизация қилиш» стратегик дастури ҳал қилувчи аҳамият касб этган. Натижада «Онлайн Буюк Британия» ҳукумат портали ишга туширилган ва «Тўғридан-тўғри алоқа» лойиҳаси амалга оширилган. Булар фуқаролар ва бизнес субъектларига давлат хизматларидан электрон тарзда, қулай ва соддалаштирилган тартибда фойдаланиш, очиқ маълумотлар алмашинуви имкониятини тақдим этган.

Шарқий минтақа (Жанубий Корея, Япония, Сингапур) моделларида эса янги давлат бошқаруви, давлат органлари фаолияти очиқлиги ва шаффофлиги тамойиллари асосида давлат бошқаруви тизимини ислоҳ қилиш асосий ўринни эгаллайди.

Россияда «Электрон ҳукумат»ни ривожлантиришнинг хусусияти федераль давлат идоралари фаолиятини электронлаштириш билан бир қаторда, маҳаллий идораларни ҳам фаол автоматлаштиришга қаратилган.

### Ўзбекистонда ҳолат қандай?

2015 йилда «Электрон ҳукумат тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни қабул қилиниши мамлакатимизда бу тизим жорий қилинишида тамал тоши бўлди. Ўз навбатида, айнан ушбу ҳужжат билан электрон ҳукумат тушунчасига ҳуқуқий изоҳ берилиб, асосий вазифалари белгиланди.

Унга кўра, «Электрон ҳукумат» давлат органлари фаолиятининг самарадорлиги, тезкорлиги ва шаффофлигини таъминлаши, ижро интизомини кучайтириши керак. Қолаверса, у давлат органларининг маълумотлар базалари, Ягона интерактив давлат хизматлари портали ҳамда электрон давлат хизматлари ягона реестрини шакллантиради. Бино-

барин, давлат бошқаруви тизимида «бир дарча» тамойилини жорий этади.

Тадбиркорлик субъектларининг статистика ҳисоботларни тақдим этиши, божхона расмийлаштируви, лицензиялар, рухсатномалар, сертификатлар олиши жараёнларида электрон ҳужжат айланиши тизимига ўтилади. Шу билан бирга, электрон тижорат, коммунал хизматларни ҳисобга олиш, назорат қилиш ва улар учун ҳақ тўлашнинг автоматлаштирилган тизимлари кенг татбиқ этилади.

Айни пайтда юртимизда Ягона интерактив давлат хизматлари портали (my.gov.uz), Қонунчилик ҳужжатлари таъсирини баҳолаш тизими портали (regulation.uz), Ўзбекистон Республикаси Президентининг виртуал қабулхонаси ва бошқа қатор электрон платформа ва инфратузилмалар ишга туширилган. Бу эса Ўзбекистонда «Электрон ҳукумат» тизими босқичма-босқич жорий қилинаётганидан далолатдир.

**4-саноат инқилоби.** Европа Иттифоқининг тадқиқотлари натижаларига кўра, тўртинчи «саноат инқилоби» шароитида 2020 йилда 15 та ривожланган ва ривожланаётган мамлакатда 5 миллион киши ўрнида роботлар ишлаши мумкин. Бу эса, шунча ишсиз аҳоли қатлами пайдо бўлади, дегани ҳамдир.

Энг катта йўқотиш ЕИнинг ўзида кузатилиши ҳам тахмин қилиняпти. Негаки, бу ерда иш ўринларининг автоматлашув даражаси анча юқори. Келажакда 10 иш ўрнидан 9 тасига рақамли билим ва кўникмаларга эга мутахассислар талаб этилади. Ҳозир Европа Иттифоқи мамлакатларида меҳнат қилаётган 16-74 ёшгача бўлган аҳолининг 44 фоизи ушбу кўникмаларга эга. Шу боис, ЕИ комиссияси «саноат инқилоби»-нинг салбий оқибатларини бартараф қилиш мақсадида бир қанча дастурларни ишлаб чиқишга киришган.

Булардан биринчиси ишчи кучининг рақамли технологияларни ўзлаштириши, ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш малакасини оширишга қаратилган инновацион таълим тизимини йўлга қўйиш ва модернизациялашга қаратилгандир.

«Электрон ҳукумат» ривожланиши индексида Ўзбекистон мавқеи 2016 йилда 0,54 коэффициентни, яъни «ўртача»дан «юқори» ўсиш даражасини ташкил этди. 2018 йилда ўтказилган охирги баҳолаш натижалари бўйича эса бу кўрсаткич 0,62 коэффициентгача ошди, Натижада рейтингда иштирок этган 193 та мамлакат ўртасида Ўзбекистон 81 ўринни эгаллади. Мазкур кўрсаткич 2014 йилга қиёслаганда қарийб 20 поғона юқоридир.

БМТ таҳлилчилари дунёнинг ўртачадан паст даромадли мамлакатлар орасида Ўзбекистоннинг бундай натижага эришишини ижобий баҳолади. Энг эътиборлиси, Ўзбекистоннинг «Электрон ҳукумат» ривожланишининг асосий таркибий мезонлари ҳисобланган онлайн хизмат кўрсатиш индекси (OSI) 0,79 коэффициент ва инсон капитали индекси (HCI) 0,73 коэффициентни ташкил этди.

Бинобарин, электрон иштирок рейтингида (EPI) Ўзбекистон 0,75 коэффициент билан дунёда 59 ўринни ва Марказий Осиёда Қозоғистондан кейин 2-ўринни эгаллаб турибди.

Бу дунёдаги ўртача даража – 0,56 ва Осиёдаги – 0,61 даражасидан бирмунча юқорилиги барчамизни қувонтиради.

Лекин Ўзбекистонда телекоммуникация инфратузилмаси индекси (TII) пастлигича (0,33) қолмоқда. Бу мамлакатимизда телекоммуникациялар соҳасида ва «Электрон ҳукумат» инфратузилмасини ривожлантириш борасида кечиктириб бўлмайдиган таъсирчан чоралар кўриш лозимлигидан далолат беради.

Шу билан бирга, рақамли иқтисодиётга ўтишга тўсқинлик қилаётган қатор муаммо ва камчиликлар ҳам мавжуд. Президентимиз таъбири билан айтганда, аксарият вазирлик ва идоралар, корхоналар рақамли технологиялардан мутлақо йироқ. «Электрон ҳукумат» тизимини, амалга оширилаётган дастурлар ва лойиҳаларни танқидий қайта кўриб чиқиб, барча ташкилий ва институционал масалаларни комплекс ҳал этиш зарур. Хусусан, давлат ахборот тизимларини ривожлантиришнинг ягона принциплари ишлаб чиқилмаган. Ушбу соҳадаги тадбирлар эса ўзаро ва бошқа ахборот тизимлари билан узвий боғланмаган ҳолда амалга ошириляпти. «Электрон ҳукумат» инфратузилмаси лозим даражада ривожланмаган. Бу давлат хизматларини кўрсатиш ҳамда идоралараро электрон ҳамкорлик қилишда АКТни кенг қўллашга таъсир кўрсатмоқда.

Президентимизнинг «2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини «Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили»да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида»ги Фармонида ана шу муаммолар ечимига доир аниқ вазифалар белгиланган. Идоралараро электрон ҳамкорликни ривожлантириш, кўрсатилаётган электрон давлат хизматлари сифатини ошириш ва рўйхатини кенгайтириш, аҳоли ва тадбиркорлик субъектлари билан бевосита алоқасиз ўзаро муносабатларни амалга ошириш шаклларини кенг қўллашга оид чора-тадбирлар шулар жумласидан.

Бизда электрон ҳукуматни ривожлантириш ва ҳаётга татбиқ этиш билан Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги бевосита шуғулланади. Айни пайтда мазкур Агентлик томонидан бир қатор ижобий ишлар қилинди.

Масалан, давлат хизматлари учун тўланган давлат божлари ва йиғимлар суммаси ҳисобини юритувчи Ягона биллинг тизими йўлга қўйилди. 2019 йилнинг ўзида 15 та давлат хизматини кўрсатиш жараёни оптималлаштирилди. «Болаларни давлат мактабгача таълим муассасаларига қабул қилиш» ва «Нафақа ҳақида маълумот бериш» каби хизматлар шулар сирасига киради.

Ўтган йили Ягона биллинг тизими орқали тўловлар сони деярли 70 фоиз, миқдори эса қарийб 2 баробар кўпайди. Жисмоний ва юридик шахсларнинг «Электрон ҳукумат» тизимига киришлари ягона идентификациялаш тизими (id.gov.uz) орқали амалга оширилмоқда. Унга 60 дан ортиқ ваколатли органларнинг расмий веб-сайтлари уланган. 2019 йилда рўйхатдан ўтган жисмоний шахслар сони 150 минг нафарни ташкил қилиб, 2018 йилдагига нисбатан 61 фоиз ўсишга эришилган.

Ўтган йил май ойида идоралараро ва идоравий ахборот тизимлари, маълумотлар базалари, дастурий маҳсулотлар яратиш ва жорий этиш бўйича лойиҳалар ҳамда ахборот-коммуникация технологиялари соҳасидаги бошқа лойиҳаларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш тартиби тўғрисидаги Низом тасдиқланди. Мазкур ҳужжат асосида лойиҳалар экспертизаси амалга оширилади.

Маълумотларга кўра, 2019 йилда 101 та лойиҳа кўриб чиқиш учун тақдим этилди (қайта кўриб чиқиш учун юборилган лойиҳаларни ҳисобга олганда 134 та лойиҳа экспертизаси ўтказилди). Шунингдек, 2019 йилда давлат ташкилотлари томонидан кўриб чиқиш учун тақдим этилган ахборот-коммуникация технологиялари соҳасидаги 150 дан ортиқ норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари кўриб чиқилган ва уларга хулосалар берилган.

Соҳада қонунчиликни такомиллаштириш мақсадида 2020–2025 йилларда Ўзбекистон Республикасида «Электрон ҳукумат» тизимини ривожлантириш Концепцияси ва уни амалга ошириш бўйича «Йўл харитаси», «Электрон ҳукумат» тизими архитектураси ва уни 2020–2025 йилларда ҳаётга татбиқ этиш режа-жадвали ишлаб чиқилди.

***Таомнинг энг яхши қайласи — нафсни тийиш.***

**Сукрот**

## 5.3. COVID-19 ПАНДЕМИЯСИ ВА ОЗИҚ-ОВҚАТ ХАВФСИЗЛИГИ МУАММОСИ: САБАБ ВА ОҚИБАТЛАР

Бугунги кунда бутун дунё олимлари, таҳлилчилари, сиёсатчилар, давлат арбоблари ва жамоатчилик вакиллари инсоният бошидан кечираётган коронавирус пандемиясининг ижтимоий-иқтисодий оқибатлари, уни бартараф этиш йўллари хусусида қизғин муҳокамага киришган.

Зеро, коронавируснинг олдини олиш мақсадида, дунё аҳолисининг деярли ярми карантинга олинди. Алалоқибат, йирик заводлар тўхтади, транспорт ва туризм соҳаси турғунликка юз тутди. Ишсизлик, молия бозорлари таназзули, хуллас, дунёда ялпи талаб ва ялпи таклифнинг параллел равишда қисқараётгани эса «ноёб» иқтисодий инқироз бошланаётганлигидан дарак бермоқда. Ўз навбатида, тождор вирус биологик вирус бўлибгина қолмасдан, иқтисодий вирус тусини олаётгани ҳам ҳеч кимга сир эмас. Ҳатто бугун кўпчилик унинг зарбаларини ҳозирданоқ ҳис қиляпти. Бинобарин, дунё биологик вирус ва иқтисодий вирусни енгиш билан боғлиқ икки ўт орасида қоляпти.

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти экспертлари «ҳали ушбу касаллик ўзининг чўққисига чиқмади. Биз турли фавқулодда ҳолатларга тайёр туришимиз керак. Карантин чораларини юмшатишга ҳали эрта», деб огоҳлантираётган паллада «Bloomberg» ахборот агентлиги эса, пандемия сабаб дунё иқтисодиётининг умумий зарари икки йилда 5 трлн. АҚШ долларини ташкил қилишини ва жаҳон тинчлик даврда илк бор чуқур тушкунликка тушиш хавфи олдида турганлигини қайд этмоқда.

Халқаро валюта жамғармасининг (ХВЖ) ижрочи директори Кристалина Георгиеванинг айтишича, 2020 йил кескин иқтисодий пасайиш йили бўлиб, 170 та давлатда аҳоли жон бошига тўғри келадиган иқтисодий ўсиш суръати манфий бўлиши кутиляпти. Ҳаттоки 2021 йилда ҳам дунё иқтисодининг тикланиши катта сўроқ остида қолмоқда. Инқирозга қарши жаҳон давлатлари томонидан 8 трлн. АҚШ долларига тенг фискал ва монетар чоралар кўрилиши бошлаб юборилди. Унинг фикрига кўра, кутилаётган глобал иқтисодий пасайиш миқёси ўтган асрнинг 30-йилларидан бери кузатилмаган экан.

Айни дамда ХВЖ томонидан дунё иқтисодиётининг мажруҳ бўлишини юмшатиш мақсадида 1 трлн. АҚШ доллари қийматида «хавф-

сизлик ёстиқчаси» яратилган. Ҳозирча коронавирус пандемияси ўзининг чўққисига келмагунига қадар, жаҳон иқтисодиёти қанча зарар кўрганини ҳисоблаш қийин. Аммо шу нарса аёнки, иқтисодиёт учун инқироз босими баланд бўлади ва қайта тикланиши учун 3–4 йил вақт йўқотилади.

Шунингдек, Халқаро валюта жамғармаси 2020 йил учун эълон қилган янги прогнозларига кўра, базавий сценарий бўйича пандемия натижасида глобал иқтисодиёт бу йил 3 фоизга пасайиши кутилмоқда. Бу, жорий йилнинг январь ойида эълон қилинган прогноздан 6,3 фоиз пунктга пастдир. Агар вирус билан курашиш чўзилиб, карантин йилнинг иккинчи ярмида ҳам давом этадиган бўлса, унда глобал иқтисод 6 фоизга пасайиши мумкинлигидан хавотирга тушишмоқда.

Халқаро ташкилотларнинг экспертлари, нуфузли таҳлилчилар COVID-19 пандемияси туфайли жаҳон иқтисодиётида рецессия ҳолати юзага келиши муқаррарлигини ва ***ушбу таназзул дунё тарихида содир бўлган барча рецессияларнинг «онаси» сифатида намоён бўлишини таъкидлашмоқда.***

Инсоният қанчалик тараққий этиб, оламга ҳукмрон бўлиш даъвоси билан чиқмасин, Яратганнинг бир синови қаршисида барибир ожиздир. Боз устига, ўзи босган ножўя қадамлар оқибатида содир бўлган ҳодисаларнинг қурбонига айланаётгани, кўринмас бир зарра олдида чорасиз қолганини бошқача изоҳлаш қийин.

Аммо башарият ҳамиша синовларга бардош бериб, уларни енгиб келади. Бу сафар ҳам ақл-заковат билан коронавирус пандемиясига қарши курашмоқда, уни жиловлаш ва батамом йўқ қилиш чораларини излаяпти. Башарти, бу унинг зиммасига юкланган ва қисматида белгиланган соғлиқ неъматини асраб-авайлаш билан боғлиқ бурчларидан бири ҳисобланса керак...

Кези келганда шуни таъкидлаш лозимки, бу синов қанчалик оғир ва талафотли бўлмасин, миллати, дини, ирқи, келиб чиқиши ва ижтимоий мавқеидан қатъий назар дунё аҳолисини бирлашишга, ўзаро ҳамжиҳатликда ҳаракат қилишга, умуминсоний қадриятлар ва эзгу одатларни тиклашга, шунингдек, жаҳон ва миллий иқтисодиётлар архитектурасини қайтадан ислоҳ этишга ундамоқда.

***Иқтисодчи олимлар, социологлар ва таҳлилчиларнинг ўринли хавотирига кўра, ушбу бало оқибатида дунёда озиқ-овқат хавфсизлиги муаммоси ва айрим давлатларда очарчилик даражаси икки баробар ортиши мумкинлиги қайд этилмоқда.***

Маълумки, пандемия тарқалмагунга қадар дунёда 820 миллион киши, яъни сайёрамизнинг ҳар тўққизинчи кишиси тўйиб овқат емасди. Шулардан 113 миллионининг ҳаёти очлик балоси туфайли қийин аҳволда эди. ***Коронавирус пандемияси оқибатида эса, қарийб 1,6 миллиард киши очликка мубтало бўлиши ва 500 миллион киши қашшоқлар сафидан жой олиши мумкин.*** Бу эса, 2008 йилги инқироздан ҳам чуқурроқ иқтисодий инқироз авж олиши, шунингдек, жаҳонда қашшоқлик даражаси 1999 йилдан буён биринчи марта кескин ошиши мумкинлигидан дарак беради.

**Коронавирус пандемияси ҳукуматларни ўз чегараларини ёпишга мажбур қилди.** Натижада дунё бўйлаб тадбиркорлик фаолияти ва ўзаро товарлар, хизматлар айирбошланишига жиддий путур етди. Ҳаракатлар чекланиши, етказиб бериш ва авиация саноатида узилишлар озиқ-овқат ишлаб чиқариш жараёнини, уларни халқаро кўламда ташишни қийинлаштирди. Бу эса, ўз навбатида, ишлаб чиқариш ва таъминот занжирининг бузилишига ҳамда озиқ-овқат хавфсизлигига рахна сола бошлади.

Маълумки, бундай ҳолат келажакда озиқ-овқат муаммосини янада чуқурлаштиради. Ҳатто айрим давлатларда очарчиликнинг авж олиши оқибатида ижтимоий бўҳрон келиб чиқиши мумкин.

Хўш, бундай ҳолатга етиб бормаслик учун нима қилиш керак?

Жаҳон тан олган экспертларнинг фикрича, йирик озиқ-овқат экспортчилари жаҳон бозорларига узлуксиз маҳсулот етказиб беришни йўлга қўйиши, инқирозга қарши чоралар доирасида ҳар бир давлат аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламини қўллаб-қувватлаши, шунингдек, озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқарадиган фермерлар, қишлоқ хўжалиги соҳасида меҳнат қилаётган деҳқонлар, ишчиларга ёрдам беришни кечиктирмаган тарзда амалга ошириш бу борадаги энг оқил йўлдир.

Озиқ-овқат хавфсизлиги чораларини кўриш борасида ҳар бир давлат ўзидан келиб чиқиб ҳаракат қиляпти. Булар нималарда ўз аксини топмоқда?

Масалан, Вьетнам дунё бозорига гуруч етказиб бериш бўйича учинчи ўринда туради. Ушбу мамлакат ўзининг озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш билан боғлиқ чекловларни ўрнатиб, гуруч экспорт қилишни вақтинчалик тўхтатди. Комбожа давлати 5 апрелдан дуккакли маҳсулотлар экспортига квота белгилади.

Буғдой етиштириш бўйича энг йирик экспортёр ҳисобланган Россия ҳам апрель-май ойиларида ойига 7 млн. тонна буғдойни экспорт қилиш чегарасини белгилаб қўйди. Украина эса 1 июлга қадар гречкани

ташқи савдога чиқаришни тақиқлади ва ушбу мавсумда 20,2 млн.тонна буғдойни экспорт қилиш квотасини белгилади. Миср Араб Республикаси ҳам уч ой давомида барча турдаги дуккакли экинларни четга сотишни чеклади.

***Эътибор қаратадиган бўлсак, дунё бозорида бир тонна буғдойнинг нархи бир тонна нефть нархидан қимматлаша бошлади.***

Европа Иттифоқи ҳам саросима ичида қолиб, озиқ-овқат маҳсулотлари импорти учун тақдим этилиши лозим бўлган сифат сертификатининг асл нусхасини кўрсатмасдан электрон кўринишда киритиш мумкинлигига рухсат берди. Шунингдек, бирламчи маҳсулотлар учун «яшил йўлак»ларни ташкил қилиш тизимини бошлаб юборди.

Германия чегаралари ҳам карантин боис ёпилди ва қўшни давлатлардан қишлоқ хўжалигига жалб қилинадиган мавсумий ишчи кучининг кириши тўхтади. Бу эса, ҳосилни йиғиб-териб олиш, уни қадоқлаш ва истеъмол бозорига етказиш бўйича муаммоларни келтириб чиқармоқда. Ўз-ўзидан, иккинчи чоракда озиқ-овқат маҳсулотлари нархининг кўтарилиши кузатилиши мумкин.

Италия ва Испанияда қаттиқ карантин ҳамда оғир эпидемиологик вазиятнинг давом этаётганлиги туфайли баҳорги дала ишлари батамом тўхтаб қолди. Олтита энг йирик буғдой ишлаб чиқарувчи давлатлардан бири бўлган Францияда вазият бундан-да кескинлигича қолмоқда.

Қўшни республикалар ҳам озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашга қаратилган кўплаб иқтисодий ва маъмурий чораларни қўллашни бошлаб юборди. Хусусан, Қозоғистон ҳаётий зарур бўлган озиқ-овқат маҳсулотларнинг барча тури учун белгиланган ҚҚСни 8 фоизгача пасайтирди. Тожикистон шаҳар аҳолиси учун зарур бўладиган бирламчи товарлар, яъни 50 тонна шакар, 10 тонна ўсимлик ёғи, 70 тонна буғдой, 10 тонна ун, 2 тонна гуруч учун ҚҚС бекор қилди.

Ўзбекистон эса 2020 йилнинг 31 декабрига қадар гўшт, ғалла, шакар, сут, ёғ, тухум, макарон ва бошқа зарурий озиқ-овқат маҳсулотлар импортига қўйиладиган бож ва акциз солиқлари бекор қилинди.

ФАОнинг ҳисоб-китобларига кўра, озуқабоп дон савдоси ҳажми 2019-2020 йил (июнь-июль) учун 201,5 млн. тонна атрофида бўлади. Бу олдинги даврдагига нисбатан 3,1 млн. тонна ортиқ деганидир. Жаҳон маккажўхори бозорида ҳам прогнозлар некбин, ҳатто унинг савдо ҳажми рекорд даражага етиши мумкин.

Яна бир стратегик маҳсулот – гуруч савдоси март ойидаги башоратларга нисбатан 700 минг тонна камайиб, 45 млн. тоннани ташкил этган

бўлса ҳам, бу 2019 йилга нисбатан 2,2 фоиз зиёддир. Гуруч бозори ҳажми бўйича прогнозни қайта кўриб чиқиш, асосан Яқин Шарқ ва Африка давлатларига импортнинг камайиши, шунингдек, Ҳиндистон ва Таиландга экспортнинг қисқариши билан изоҳланади.

## Ўзбекистон қандай йўлни танлади?

Жаҳон озиқ-овқат бозорида юз бераётган қалтис вазиятларни олдиндан кўра билган Президентимиз 2020 йил 14 апрель куни қишлоқ хўжалиги тармоқларини янада ривожлантириш, озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш масалалари бўйича видеоселектор йиғилишини ўтказди. Унда ***бу йил қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат соҳаси вакиллари учун катта синов ва кенг имкониятлар йили бўлиши таъкидланди.*** Зотан, пандемия ва карантин қанча вақт давом этишидан қатъий назар, аҳолининг озиқ-овқатга бўлган эҳтиёжи камаймайди. Шу боис мева-сабзавотчилик ва чорвачилик тармоқларида маҳсулот етиштириш ҳажмини икки баробарга ошириш вазифаси қўйилди.

Ўзбекистонинг табиий-иқлим шароитидан келиб чиқиб, боғ ва токзорларда қатор оралари, такрорий майдонларнинг ҳар бир қаричидан самарали фойдаланиб, ***2-3 марта ҳосил олишни йўлга қўйиш зарурлиги қайд этилди.***

Шунингдек, яна бир бир йўналиш бўлмиш, ўзлаштирилган ернинг ижара ҳуқуқи муайян озиқ-овқат турини етиштириш шарти билан 5-10 йилга сотиш масаласи ҳам муҳокама қилинди. Бундан тушган маблағ янги ерларни ўзлаштиришга сарфланиши белгиланди.

***Маълумки, Озиқ-овқат хавфсизлиги индекси учта гуруҳ кўрсаткичлари таҳлили натижасида ҳисобланади. Булар: озиқ-овқат маҳсулотларига етишиш ва истеъмол қилиш даражаси; озиқ-овқат маҳсулотларининг мавжудлиги ва унинг етарлилиги; озиқ-овқат маҳсулотларининг сифати ва хавфсизлиги даражаси.***

2020 йилда ушбу глобал индексда драматик ўзгаришлар содир бўлиши хеч кимга сир эмас. Пандемия оқибатида юзага келадиган иқтисодий-ижтимоий инқироз туфайли юқорида қайд этилган гуруҳлар таркибида ***озиқ-овқат маҳсулотларининг умуман мавжудлиги ва унинг етарлилиги бирламчи аҳамият касб этса керак.*** Бундай пайтда давлатлар томонидан инсонларнинг соғлиги ва уларнинг оч қолмаслигини таъминлашга хизмат қиладиган инқирозга карши чораларда қишлоқ хўжалиги

секторини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, ҳар қарич ердан унумли фойдаланиш механизмини ишлаб чиқиш, институционал ўзгаришлар орқали фермерлар, деҳқон хўжаликлари, томорқа хўжаликлари фаолиятини рағбатлантиришга урғу қаратиш муҳим ҳисобланади.

Статистик рақамларга эътибор қаратсак, давлат ушбу балонинг салбий таъсирининг олдини олиш, карантиндан кам талафот билан чиқиш чораларини кўрганлиги ва зарурий истеъмол моллари захирасини шакллантиргани маълум бўлади. Чунки гўшт ва гўшт маҳсулотлари импорти 2018 йил бошида 5166 тонна, 2019 йилда 4597 тоннани, 2020 йил 15 апрель ҳолатига кўра эса 9330 тоннага етказилди. Ўртадаги фарқ 4733 тоннага тенг. Масалан, Россиядан 2019 йилга нисбатан 205 тонна кўп консерваланган гўшт маҳсулотлари импорт қилинди.

Четдан пахта ёғи сотиб олиш бўйича ҳам ўсиш мавжуд. Бу борада биз учун энг катта импортёр бўлган Қозоғистондан жорий йилда ўтган йилдагига нисбатан 2702 тонна кўп, жами 3397 тонна ана шундай бирламчи эҳтиёж товари харид қилинган. Аҳоли учун картошка, шакар маҳсулотлари ҳам асосий истеъмол неъматлари эканлигини инобатга олиб, уларнинг ҳолати бўйича ҳам статистик рақамларни келтирадиган бўлсак, картошка +50375 тонна, шакар +138959 тонна фарқланишга эга.

Қишлоқ хўжалиги вазирлигидан маълум қилинишича, тиббий меъёрлар бўйича аҳолини мева-сабзавотларга бўлган талаби 10 млн. 300 минг тоннага тенгдир. Шундан картошка 1 млн. 784 минг, сабзавотлар 4 млн. 440 минг, мевалар 2 млн. 479 минг, узум 593 минг, полиз маҳсулотлари 583 минг, дуккаклилар 115 минг, гуруч 332 минг тоннани ташкил этади.

Ваҳолонки, 2020 йилда 24,8 млн. тонна, яъни 2019 йилга нисбатан 125 фоиз кўп 88 турдаги мева-сабзавотлар етиштириш белгилаб олинган. Шундан 42 турдаги 12,9 млн. тонна сабзавот, 5 турдаги 2,5 млн. тонна полиз, 3,5 млн. тонна картошка, 27 турдаги 3,3 млн. тонна мевалар, 3 турдаги 1,9 млн. тонна узум, 4 турдаги 630 минг тонна дуккакли ва 6 турдаги 139 минг тонна мойли маҳсулотлар етиштириш кўзда тутилган.

Дастлабки прогнозларга кўра аҳоли талаби ва экспорт имкониятларини ҳисобга олиб етиштирилган маҳсулотларнинг 10,3 минг тоннаси аҳоли истеъмолига, 3,2 млн. тоннаси қайта ишлашга ва 2,3 млн. тоннаси экспортга йўналтирилиши режалаштирилган.

***Кўплаб соҳалар каби қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш ва озиқ-овқат товарларини ишлаб чиқаришда уйда ўтирган***

***ҳолда масофадан туриб ёки интернет орқали ерни қазиш, уруғлик қадаш, ўғитларни сепиш, сув бериш, ҳосилни йиғиб-териб олиш, истеъмолчиларга етказиб бериш каби ишларни онлайн режимида ташкил этиб бўлмайди. Бу соҳанинг ўзига хос томони инсон ер билан, ишлаб чиқариш кучлари билан бирга қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштиради ва қайта ишлайди.***

Демак, ҳозир соғликни сақлаш ходимлари тождор вирус инфекциясига қарши мардонавор кураш олиб бораётганларидек қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқарувчи фермерлар, деҳқонлар, томорқа ер эгалари ва ишчилар ҳам улардан асло қолишмаган ҳолда юксак жасоратни намоён этишлари керак бўлади.

Шулардан келиб чиқиб, қишлоқ хўжалиги секторининг узлуксиз ишлашини ва мамлакатнинг озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш борасида ўз хулосаларимизни билдириб ўтсак.

Сўнгги маълумотларга кўра, Ўзбекистонда тўйиб овқат емайдиган аҳоли қатламининг улуши 6,3 фоизни ташкил қилар экан. Шу боисдан, ушбу 2 миллион 142 минг аҳолига ижтимоий ёрдам кўрсатиш, уларни озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш чораларини кўриш лозим бўлади. Чунки, ушбу қатлам COVID-19 вирусига чалинадиган бўлса, уларнинг соғлигини сақлаб қолишда маълум қийинчиликлар юзага келади. Ўзи шундоқ ҳам тўйиб овқат емасликдан азият чекаётган ва иммунитети пасайиб кетган аҳолининг вирусни юқтириб олиши ҳаётига янада жиддий таъсир кўрсатади. Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан бошлаб берилган «Саховат ва кўмак» умумхалқ ҳаракати айнан ана шу долзарб муаммони ҳар томонлама оқилона ҳал этишга қаратилгани билан жуда муҳимдир.

Яна бир гап. Ҳозирда картошкага бўлган аҳолининг эҳтиёжини тўлиқ қондириш учун ҳар йили мамлакатимизга четдан 300 минг тоннага яқин картошка, шунингдек, 10-15 минг тонна уруғлик картошка олиб келинади. Шундан келиб чиқиб, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги мутахассислари томонидан тавсия этилган уруғлик картошкани кўпайтиришнинг IN-VITRO усулини, яъни бутун дунёда кенг тарқалган уруғликни пробиркада етиштириб, «лаборатория – иссиқхона – дала шароити» занжири ва биотехнологик талаблар асосида босқичма-босқич кўпайтиришни йўлга қўйиш зарур.

Мутахассисларнинг ҳисоб-китобига кўра, 200 гектар ер майдонда лабораторияда етиштирилган уруғлик картошкадан бир йилда 5000 тонна «супер-супер элита» уруғлик олиниши ва яқин истиқболда шунақанги

уруғлардан 226 минг тонна етиштириш имкони мавжуд. Албатта, булар етарлича инвестицияларни талаб этади. Аммо ҳозирги шароитда ва пандемиядан кейинги даврда озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш учун бундай лойиҳалар ўз самарасини бериши, уруғлик картошка учун сарфланадиган валютанинг тежалиши ҳамда истиқболда мамлакатимиз экспортёрга айланиши учун катта имкониятдир.

Вилоятлараро деҳқонларнинг дала ишлари билан банд бўлишини таъминлаш мақсадида ички миграцияга рухсат беришни йўлга қўйиш лозим. Таҳлилларга кўра, вирус асосан шаҳарларда ва аҳоли гавжум бўлган жойларда тез тарқалмоқда. Шу боисдан, қишлоқларда деҳқонларнинг ер билан ишлаши ва катта майдонда уларнинг бир-бирлари билан шундоқ ҳам табиий равишда масофа ушлашлари ҳеч кимга сир эмас. Давлатимиз раҳбарининг айнан шу масалада карантин қоидаларини юмшатиш бўйича белгилаб берилган вазифаларининг ижроси бу борада устувор аҳамиятга эга.

Ўз навбатида аҳолининг кўмакка муҳтож қатламлари, хусусан, кам таъминланган оилалар, ишсизлар, ёлғиз кексаларга моддий ёрдам кўрсатишда миллатимизга хос ва бошқа мамлакатларда муқобили кам топиладиган маҳалла институти ролини жадал кучайтириш лозим. Президент томонидан мазкур йўналиш бўйича алоҳида янги вазирлик ташкил этиш ғояси нақадар тўғри эканлигини бугунги синовли дамлар яққол исботлаб турибди.

Албатта, бу борада белгилаб берилган чора-тадбирларнинг барчасини бирваракайига ва тезда бажариб бўлмайди. Ҳаммаси босқичма-босқич ва узоқни ўйлаб амалга ошириляпти. Мисол учун, биринчи босқичда, ногиронлиги бор ва боқувчисини йўқотганларга ёрдам маблағларини кўрсатиш йўлга қўйилди. Бу борада ҳудудлар кесимида уларнинг рўйхатини шакллантиришга алоҳида эътибор қаратиляпти. Иккинчи босқичда, норасмий бандлар, вақтинча ишсизларни аниқлаб олиш диққат марказига чиқди. Тан олиш керак, бу жараён анча мураккаб кечмоқда. Учраётган айрим зиддиятларга қарамай ишсизлар сонини камайтириш аста-секинлик билан бартараф этиб борилади.

Қишлоқ хўжалиги жабҳаси вакиллари, хусусан, фермерлар, деҳқон хўжаликларига кўрсатиладиган траншлардан эса хавотирга тушмаса ҳам бўлади. Чунки мавсум якунида ушбу маблағларни қайтариш эҳтимоли юқори ҳисобланади. Шунинг учун улар билан муваққат шартнома тузган ҳолда маблағларни йўналтириш мумкин. Томорқа ер эгаларига эса экин туридан келиб чиқиб, натура кўринишида ёрдам бериш энг мақбул йўлдир.

***Яхши, ҳатто энг яхши нарсага ҳам ҳар куни дуч келинса, тез жонга тегади.***

**Г. ЛЕССИНГ**

## 5.4. ИНВЕСТИЦИОН МУҲИТ ЖОЗИБАДОРЛИГИ ТАЛҚИНИДА КАМБАҒАЛЛИК ВА УНИ АНИҚЛАШНИНГ МЕТОДОЛОГИК ЖИҲАТЛАРИ

Бугун дунёда глобал муаммолар қалашиб ётибди! Урушлар, қирғинбаротлар, экологик инқироз, очарчилик, қашшоқлик, аҳоли сони ўсиши, озиқ-овқат хавфсизлиги, энергетика тақчиллиги, ОИТС, онкология ва бугунги кунда бутун инсоният соғлигига рахна солаётган коронавирус каби касалликлар... Буларнинг ҳар бири инсоният бошига минг бир синову кулфатлар солиши мумкин, соляпти ҳам. Лекин уларни бартараф этишга келганда натижалар қониқарли эмас. Саъй-ҳаракатлар ниҳоятда суст. Чунки бирдамлик йўқ! Ҳамжиҳатлик етишмайди.

Аммо, мана уч ойдирки, ҳатто микроскоп ойнасида зўрға кўриш мумкин бўлган заррадай вирус бутун дунёни оёққа турғазди. Одамзот, агар ўз вақтида керакли чоралар кўрилмаса, шу лаънати митти вирус улкан балои офатлар келтириб чиқариши мумкинлигини англаб етди. Натижада жаҳон бирлашди, бирлашяпти! Ҳеч бир мамлакат «Бу бизнинг позициямизга тўғри келмайди», «Миллий манфаатларимизга мос эмас», «Ёндашувимиз бошқача» деб талмовсираб ё тусмолланиб ўтиргани йўқ. Ҳамма ҳаракатда. Ҳатто бир-бирини қўллаб, бир-бирига кўмак бериб иш тутишяпти. Ишончим комилки, ана шундай ҳамжиҳатлик бўлса, тез орада бу пандемияни ҳам ортда қолдирамиз. Ҳаёт яна ўз маромига тушади.

Бироқ, ўйлайманки, одам боласи ана шу кескин вазиятдан ўзига тегишли хулоса чиқариши керак. Шундагина навбатдаги глобал муаммоларни ҳам тез ва осон бартараф этишнинг самарали йўллари топилади. Шулардан бири – камбағаллик!

Камбағалликка илм-фанда аниқ таърифу тавсифлар берилган. Бусиз ҳам мазкур тушунча нимани англатишини ҳамма билади. Лекин масала шуки, ушбу муаммо нега энди кун тартибига чиқди? Жумладан, Ўзбекистонда бу муаммога қарши курашиш нима учун шунчалар долзарб бўлиб қолди?

Ана шу ўринли саволларга энг асосли жавобни Президентимизнинг жорий йил 24 январь куни Олий Мажлисга йўллаган Мурожаатномасидан топдик.

***«...Бир оилада машина ҳам, чорва ҳам бўлиши мумкин, лекин бир киши оғир касал бўлса, оила даромадининг камида 70 фоизи уни даволатишга кетади. Хўш, бундай оилани ўзига тўқ дейиш мумкинми? Президент сифатида мени одамларимизнинг овқатланиши, даволаниши, болаларини ўқитиши, кийинтириши каби ҳаётий эҳтиёжлари нима бўлаяпти, деган савол ҳар куни қийнайди...»***

Тўғри, ҳар ким бу дунёга бахтли-саодатли яшаш учун келади. Фаровон ҳаёт кечирсам, турмушда кам-кўстим бўлмаса, деб орзу қилади, интилади. Майли, булар табиий жараёнлар. Аммо инсон оддий минимал яшаш шароитисиз бахт тугул хотиржамликка ҳам эриша олмайди. Қандай қилиб бўлмасин, қорнимни тўйғазсам, эгнимни бутласам, бетоб онам, бемор отам, хаста болам ёки касал хотинимга нима қилиб дори олсам, деган ўй-ташвишлар гирдобида турмуш кечирадиганларни ҳаётдан рози инсонлар, деб бўладими?!

Ана шу оғриқли масаланинг газак олиши бир неча омилларга боғлиқ. Улар орасида энг асосийси – муаммонинг яшириб келингани. Сир эмас, юртимизда камбағаллик кўп йиллар давомида ***«ёпиқ мавзу»*** бўлиб келди. Бу категориянинг ўрнига дардимизни азбаройи хаспўшлаш учун ***«кам таъминланганлик»***, ***«эҳтиёжмандлик»*** деган тушунчалардан фойдаландик. Оқибатда камбағаллик исканжаси ҳақиқатда камайиб қолмади ва остонамиздан бутунлай йўқ бўлиб кетмади.

Шукрки, халқ билан мулоқотнинг бугунгидай самарали тизими ҳақиқий аҳволни кўзгудагидай намоён этди. Одамларнинг аслида қандай ҳаёт кечираётгани, уларнинг энг оғриқли нуқталари ошкор бўлиб қолди.

Ўрганишлар натижасига кўра, ҳозирги кунда ҳудудларимизда, айниқса, қишлоқ жойларда аҳолининг аксарият қисми етарли даромад манбаига эга эмас. Дунёнинг бошқа мамлакатларидаги сингари бизда ҳам камбағал қатлам мавжуд. Улар тахминан 12–15 фоизни ташкил этиши ҳам рост. Бу 4–5 миллион нафарга тенг аҳоли дегани! Қаранг, ана шу юртдошларимизнинг бир кунлик даромади 10–13 минг сўмдан ошмас экан.

Ана шуларни инобатга олган ҳолда давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев масалани куюнчаклик билан кун тартибига олиб чиқди, тегишли чора-тадбирлар ишлаб чиқиш юзасидан мутасаддиларга кечиктириб бўлмас топшириқлар берди.

Хўш, улар нималарни кўзда тутади? Қандай самарали механизмларга асосланган?

Ҳамма бало бекорчиликдан келиб чиқади, дейди халқ. Бу – иллатларнинг шаклланиши, урчишига ишора. Худди шундай, камбағалликни ҳам

келтириб чиқарувчи омиллар бор. Шулардан энг биринчиси – ишсизлик!

Камбағалликни бартараф этишнинг тўғри ва энг самарали усули аҳоли бандлиги даражасини ошириш, деб ҳисоблайди олимлар. Одамлар учун уларга муносиб ва даромади юқори иш ўринларини яратиш мақсад сари дадил қадамдир. Бунинг учун қишлоқ жойларда тадбиркорлик учун шарт-шароитлар, бизнес учун қулай муҳит яратиш керак. Президентимиз таъбири билан айтганда, ***камбағалликни камайтириш – бу аҳолида тадбиркорлик руҳини уйғотиш, инсоннинг ички куч-қуввати ва салоҳиятини тўлиқ рўёбга чиқариш, янги иш ўринлари яратиш бўйича комплекс иқтисодий, ижтимоий сиёсатни амалга ошириш, демакдир.***

Статистик таҳлилларга эътибор қилинг: Ўзбекистонда кейинги икки йил ичида ижтимоий нафақа олувчилар сони 1,3 баробар кўпайибди, нафақалар миқдори эса 2 баробар ошибди. Бу, албатта, таҳсинга сазовор иш! Лекин ижтимоий нафақа ва моддий ёрдам пулини тўлаш ёки улар миқдорини ошириш билан мавжуд муаммо тўлиқ ечимини топдими? Афсуски йўқ! Нега?

Ана шуларни чуқур англаган Юртбошимиз Жаҳон банки, БМТ Тараққиёт дастури ва бошқа халқаро нуфузли ташкилотлар билан бирга камбағалликни камайтириш дастурини ишлаб чиқиш таклифини илгари сурди. Бунда халқаро меъёрлар асосида чуқур ва ҳар томонлама комплекс изланишлар олиб борилиб, «камбағаллик» тушунчаси, уни аниқлаш мезонлари ва баҳолаш услубларини қамраб олган янги методология яратиш лозимлиги таъкидлаб ўтилди.

Жаҳон банки ва БМТ Тараққиёт дастури мутахассисларининг фикрича, Ўзбекистонда камбағалликнинг кучли мавсумий таркибий қисми мавжуд. Яъни, иш билан банд бўлганларнинг тахминан 27 фоизи қишлоқ хўжалиги соҳасида фаолият кўрсатади. Шу сабабли фаровонлик ва истеъмол даражаси ҳар фаслда ҳар хил.

Масалан, ҳосил йиғим-терими пайтида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини тайёрловчилар ва сотадиганлар учун кўпроқ ишлаш имкониятлари юзага келади. Бошқа даврларда эса даромад камаяди. Озиқ-овқат ҳам кўпинча захиралардан сарфланади ёки сотиб олинади. Уй хўжаликлари истеъмол харажатларининг деярли учдан икки қисми ҳали-ҳануз озиқ-овқат маҳсулотларига тўғри келишини ҳисобга олсак, бу қишлоқ хўжалиги, озиқ-овқат маҳсулотлари нархи, озиқ-овқат хавфсизлигининг мавжуд эмаслиги ва қашшоқлик ўртасидаги муҳим боғлиқликларни намоён қилади.

Мавсумийлик ички иктисодий фаолиятнинг кўплаб бошка сохаларида хам мавжуд. Масалан, курилишда.

Ўзбекистонда кейинги 10 йилда меҳнат ва кичик бизнес даромадларининг ўсиши камбағалликнинг кискаришига олиб келганини инкор килмаймиз. Иш ҳаки ва бизнесдан келадиган даромад манбалари аҳамияти тобора ортиши билан нафақалар, ижтимоий ёрдам дастурлари ва бошқа даромад турларининг роли камайгани ҳам рост. Бирок, Ўзбекистон меҳнат бозорида сезиларли заифликлар мавжуд. Халкаро валюта фондининг мамлакатлар бўйича сўнгги ҳисоботида, меҳнат захирасига йилига 500 минг нафар янги ишчи кўшилишига қарамасдан, иш билан бандликнинг қайд этилган ўсиши ва киши бошига тўғри келадиган ишлаб чиқариш ва хизматлар ҳажмининг ўсиш суръати ўртасида номутаносибликлар сакланиб қолаётганлиги таъкидланади. Ушбу мулоҳазани янада ривожлантирадиган бўлсак, иқтисодиётда банд аҳоли сонига тўғри келадиган товар ва хизматлар ҳажми, яъни меҳнат унумдорлиги даражаси бошқа ривожланган ва ривожланаётган давлатлар билан солиштирганда унчалик ҳам юқори бўлмаётганлигидан далолат бермоқда.

Умумий расмий маълумотларга кўра, мамлакатимизда меҳнат киладиган аҳолининг 38 фоизи норасмий иш билан банд (43 фоизи ёшлар). Бу ишчи кучининг катта қисми расмий ижтимоий суғурта дастурларидан фойдаланмаётганини англатади.

### Қашшоқлик даражаси қандай аниқланади?

Ўзбекистон – аҳоли жон бошига тўғри келадиган миллий даромад кўрсаткичи бўйича ўртача даромадга эга мамлакатлари қаторидан жой олган (киши бошига йилига ўртача 1533 АҚШ доллари).

Аслида даромаднинг ўртача даражаси икки гуруҳга бўлинади. Даромади ўртача даражадан паст мамлакатлар – киши бошига йилига 1036-4085 доллар ва даромади ўртача даражадан юқори мамлакатлар – киши бошига йилига 4086-12615 доллар. Биринчи гуруҳдаги мамлакатлар учун мезонлар қабул қилинган. Бу ўлчовлар бўйича киши бошига кунига 3,2 доллар – камбағаллик чизиғининг ўртача кўрсаткичи. Миллий даромади ўртачадан баландроқ мамлакатлар учун кунига киши бошига 5,5 доллар камбағаллик чизиғининг ўртача кўрсаткичидир.

Демак, Ўзбекистон учун кашшоклик чизиғи – кунига 3,2 доллардан кам пулга яшаш дегани. Масалан, беш кишидан иборат оиланинг ялпи даромади ойига 480 доллар ёки 4,6 миллион сўмдан кам бўлса, бу оилани камбағал, деб ҳисоблаш мумкин.

Маълумки, 2018 йилдан буён Жаҳон банки «Тараққиёт стратегияси» маркази билан ҳамкорликда «Ўзбекистон фуқароларини тинглаб» номли лойиҳани амалга ошириб келмоқда. Мазкур лойиҳа доирасида ***«Марказий Осиёда туманлар миқёсидаги қашшоқлик даражаси, ўртача истеъмол ва аҳолининг ўрта синфи кўрсаткичлари»*** бўйича ҳисобот тайёрланди. Унда камбағал ва ўрта синф аҳоли яшайдиган туманлар хариталари бутун минтақа, хусусан, Ўзбекистон учун алоҳида келтирилган.

Бу орқали, жумладан, камбағалликни камайтиришга қаратилган саъй-ҳаракатлар самарадорлигини ошириш ёки маҳаллий даражадаги ижтимоий гуруҳлар муаммоларини ҳал қилиш учун маблағлар ажратилишида фойдаланиш мақсад қилинган. Ана шу таҳлиллар даромадлар тақсимланиши омилларини тушуниш ҳамда керакли чораларни аниқлаш ва ишлаб чиқишда қўлланилади.

Натижалардан маълум бўлишича, Ўзбекистоннинг аксарият ҳудудларида қашшоқлик даражаси кунига 3,2 долларни ташкил этади. Бу Марказий Осиёнинг бошқа (Тожикистон, Қирғизистон) мамлакатларига қараганда бирмунча паст кўрсаткичдир. Ўзбекистоннинг айрим ҳудудларида даромад нотекис тақсимланган. Камбағалликнинг юқори даражаси Тошкент, Самарқанд, Сурхондарё, Андижон вилоятлари ва Қорақалпоғистон Республикасининг айрим туманларида кузатиляпти. Ўрта синф аҳолининг умумий аҳоли сонидаги улушининг энг паст даражаси ҳам Самарқанд, Сурхондарё, Андижон, Сирдарё, Тошкент, Хоразм вилоятлари ва Қорақалпоғистон Республикасининг баъзи туманларига тўғри келмоқда.

Албатта, Президентимиз қайд этганидек, камбағалликни камайтириш ойлик ёки нафақа миқдорини кўпайтириш, ёппасига кредит бериш, дегани эмас. Бунинг учун, энг аввало, аҳолини касбга ўқитиш, молиявий саводхонлигини ошириш, одамларда тадбиркорлик ҳиссини уйғотиш, инфратузилмани яхшилаш, фарзандларини ўқитиш, сифатли даволаниш, манзилли нафақа тўлаш тизимини жорий қилиш керак.

Шу ўринда Ўзбекистонда камбағалликни қисқартириш дастури лойиҳасига айрим фикр, ғоя ва таклифларни баён қилмоқчиман.

Камбағаллик миллатнинг соғлиги, меҳнатга лаёқати ва илмий салоҳиятига путур етказади. Шунингдек, унинг оқибати натижасида давлат бюджетининг пасайиши ва сиёсий жараёнларнинг кескинлашишига сабаб бўлади.

Ушбу ўринда 2019 йилда иқтисодиёт бўйича Нобель мукофотига сазовор бўлган олимлар ҳам айнан жаҳонда камбағалликни пасайтириш бўйича олиб борган тадқиқотлари учун мукофотланганлигини эсга олиш

зарур бўлади. Булар америкалик Майкл Кремер ва келиб чиқиши асли хиндистонлик бўлган Абхиджит Банерджи ҳамда унинг рафиқаси Эстер Дюфло бўлиб, улар камбағалликни аниқлаш ва уни бартараф этиш борасида ***ижтимоий инновацияларни*** амалиётга татбиқ этишди.

Уларнинг илмий тадқиқот натижаларига кўра камбағалликни юзага келтирадиган омиллар, шарт-шароитлар диагностикаси билан бирга ҳар бир мамлакат, ҳудуд ва оила кесимида бартараф этиш мумкинлиги аникланди. Табиий фанлар ва тиббиётда олиб бориладиган тажриба усулларидан (эксперимент) кенг фойдаланган ҳолда мазкур олимлар Кения ва Ҳиндистон оилалари, индивидлари мисолида ***дала тажрибаси*** асосида камбағалликни аниқлаш, уни пасайтириш бўйича изланишларни олиб боришиб, қуйидаги бош саволни қўйишди: ***кабагал давлатларда таҳсил олаётган ўқувчи-болалар учун бепул тушлик фойдалими ёки ўқув қўлланма?***

Улар томонидан олиб борилган кўплаб тажрибалар (ушбу тажриба 20 йил давомида амалга оширилган) шуни тасдиқладики, бепул тушлик ва қўшимча ўқув қўлланма ўқувчиларнинг ўзлаштириш кўрсаткичига унчалик ҳам сезиларли таъсир кўрсатмас экан. Шу боисдан, мактабларни турли хилдаги замонавий ўқув қуроллари билан таъминлаш, моддий-техник базасини яхшилашга йўналтирилган молиявий харажатларни амалга ошириш, ўқувчиларни бепул тушлик ва кийим-бошлар билан таъминлаш каби чоралар қумга сув сепган каби сингиб кетар экан.

Ўзлаштириш кўрсаткичи ва ўқувчиларнинг билим савиясини кўтарадиган асосий омил: таълим бериш шаклини ва ўқитувчиларнинг таълим бериш сифатини ошириш, ўқувчиларга индивидуал ёндашув усулларини кучайтириш (дарс мазмунини оширишга) ҳамда болаларни қийнаб келадиган гижжа касалликларидан фориғ бўлишларини таъминлашга боғлиқ экан. Болалар организмида жойлашган паразитлардан ҳоли бўлмасдан туриб, болаларга қанчалик билим берманг унинг ақли ва тафаккури кенгайиб қолмаслигини Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти ҳам тасдиқлади.

Шу пайтга қадар БМТ, Жаҳон банки, Жаҳон валюта ташкилоти ва турли жамғармалар томонидан камбағал давлатларга миллиардлаб АҚШ доллари қийматида молиявий ёрдамлар, субсидиялар йўналтирилганига қарамай аҳолининг саводхонлиги ошиб, ўзини-ўзи иш билан таъминлаш ва тадбиркорлик қобилияти ошиб қолмади. Буларнинг барчаси бесамар кетди. Ушбу давлатлар камбағаллик балосидан қутула олишмади. Айнан, Абхиджит Банерджи, Эстер Дюфло ва Майкл Кремер буни исботлаб беришди ва дала тажрибаси асосида камбағалликдан фориғ бўладиган

«таблетка»ни кашф қилишди ҳамда ўзларининг номларини иқтисодиёт тарихида муҳрлаб қўйишди.

Юқорида таъкидлаганимиздек, биринчи навбатда ишсизлик даражасини пасайтиришга эътиборни кучайтириш лозим. Бу борада ўзига мустақил ёрдам бера олмайдиганларни қўллаб-қувватловчи фаол ва таъсирчан сиёсат юритиш, ушбу мақсадларга жамият ва хусусий сектор ресурсларини жалб этиш катта самара беради.

Бинобарин, нодавлат-нотижорат ташкилотлар билан ҳамкорликда одамларимизни тадбиркорликка ўқитишнинг энг илғор дастурларини ишлаб чиқиш ва касбга ўқитишда нодавлат ташкилотлар фаоллигини кучайтиришга эҳтиёж катта.

## БЕШИНЧИ БОБ БЎЙИЧА ХУЛОСА

**1.** Хулоса ўрнида айтиш жоизки, инсоният тараққиётининг ҳозирги даври ва яқин истиқболида иқтисодиёт тармоқлари, ижтимоий соҳа ва давлат бошқаруви тизимининг сифат жиҳатдан ривожланиши рақамли технологияларни кенг жорий этиш билан бевосита боғлиқ бўлиб бормоқда. Мамлакатимиз тараққиётининг истиқболи ҳам рақамли иқтисодиёт ривожланиши ва рақамли технологияларнинг қамров даражасига таянади. Бунга эришиш учун рақамли иқтисодиётни ривожлантиришнинг қуйидаги асосий шартлари ва устувор йўналишларини санаб ўтиш мақсадга мувофиқ:

- рақамли технологиялар барқарор фаолият кўрсатиши учун институционал муҳит ва рақамли инфратузилмани яратиш, давлат хизматларини кўрсатиш, иқтисодиётнинг реал сектори тармоқлари, соғлиқни сақлаш, давлат кадастри ва бошқа соҳаларда рақамли технологияларни кенг жорий этиш, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси ҳудудини ривожланган мамлакатлар даражасида интернет глобал тармоғига уланиш имкониятлари билан имкон қадар тўлиқ қоплашни босқичма-босқич таъминлаш;
- кадрлар тайёрлаш кўламини кенгайтириш ва бу йўналишлар бўйича чуқур билимга эга малакали дастурчилар ва инженер-техник ходимларни етиштириш, таълим тизимининг барча босқичларида халқаро андозаларга тўлиқ жавоб берадиган замонавий ахборот технологияларини ўқитиш, шу жумладан, хорижий ҳамкорларимиз билан биргаликда «1 миллион дастурчи» лойиҳасини муваффақиятли амалга ошириш;
- рақамли иқтисодиёт соҳасида илмий-назарий базани мустаҳкамлаш ва бу соҳада «Рақамли ишонч» жамғармаси маблағларидан мақсадли фойдаланган ҳолда илмий фаолиятни қўллаб-қувватлаш;




**2025 йилгача АҚШ саноатни рақамлаштирилишидан қўшимча 20 трлн. АҚШ доллар даромад олиши кутилмоқда.**

- аҳолининг кенг қатламлари ўртасида «рақамли саводхонлик»ни тарғиб килиш ва кенгайтириш, уларни ахборот технологияларини ўзлаштиришга жалб қилиш мақсадида ўқув юртларида семинар, курслар ва бошқа тадбирларни ўтказиш;
- рақамли иқтисодиёт соҳасида меъёрий-ҳуқуқий базани мустаҳкамлаш ва қонунчилик ҳужжатларини такомиллаштириш, шунингдек, «стартап» тушунчаси, фаолияти, венчур фондлари орқали уларни молиялаштиришнинг ҳуқуқий асосларини яратиш;
- рақамли иқтисодиёт талабларига жавоб берадиган меҳнат бозорини ташкил этиш ва унинг мобиллигини ошириш, янги технологияларни тезкорлик билан ўзлаштириш учун мутахассислар малакасини ошириб бориш;
- рақамли иқтисодиёт соҳасидаги халқаро ҳамкорликни мустаҳкамлаш, етакчи халқаро технологик компаниялар билан ўзаро ҳамкорликдаги лойиҳаларни амалга ошириш, шу жумладан, инновацион ишланмалар бўйича замонавий илмий-ишлаб чиқариш лабораторияларини ташкил этиш.

Халқаро тажриба шундан далолат бермоқдаки, бугунги кунда рақамли технологиялар асосан илмий ҳамжамият ва хусусий секторда жадал ривожланмоқда. Шунинг учун давлат, айнан, ушбу соҳаларда инновацион лойиҳалар ва IT-компанияларни қўллаб-қувватлаган ҳолда қулай экотизимни яратиши лозим. Шунингдек, давлат инновацион ва рақамли экотизимни қўллаб-қувватлаш соҳасида рақамли таълимнинг замонавий методларини қўллаб-қувватлаши, инновацион хизматларни самарали тартибга солиш нормаларини ишлаб чиқиши, янги бозорларни ўзлаштиришда кўмаклашиши ҳамда технологик жараёнларнинг чуқурлашувида

юзага чиқадиган рискларни пасайтириш чораларини кўриши мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

**2.** Касаначилик меҳнат турини ривожлантириш керак. Бунда замонавий машиналар, ускуналар, хом ашё ва материалларни харид қилиш учун молиявий ресурслардан фойдаланиш имкониятини яратиш даркор. Касаначиларга буюртмачилар топишига, тадбиркорлик субъектлари билан кооперациясини кенгайтиришга кўмаклашиш зарур.

Шунингдек, ишга жойлашишга муҳтож шахсларга касбий тайёргарлик, қайта тайёрлаш ва малака ошириш тизимини кенгайтириш, бозор эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда, мақбул шарт-шароитлар яратишга йўналтирилган чоралар кўриш фойдадан холи бўлмайди.

Аҳоли реал даромадлари ва харид қобилиятини ошириш, бунинг учун ижтимоий меҳнат тақсимотини тўғри йўлга қўйиш орқали жон бошига тўғри келадиган товар ва хизматлар ишлаб чиқариш ҳажмини, яъни меҳнат унумдорлигини кескин ошириш даркор.

Камбағаллик ҳолатида ёки чегарасида яшаётган аҳоли қатламини қашшоқликдан чиқариш учун ажратилаётган имтиёзли кредитлар ва аҳоли томорқаларидан мақсадли фойдаланишда микрокластер тузилмаларини яратиш мақсадга мувофиқдир.

**3.** Дунё мамлакатлари томонидан вируснинг тарқалишининг олдини олиш бўйича кўрилаётган чоралар туфайли озиқ-овқат маҳсулотлари таклифи қисқариб боради. Натижада нархлар қимматлашиши вужудга келади. Карантиннинг чўзилиши эса, озиқ-овқат маҳсулотлари логистикасида муаммоларнинг янада кескинлаштириб, ***«хом ашё етказувчи – ишлаб чиқарувчи – истеъмолчи»*** ўртасидаги занжир ҳалқасидаги узилишлар сонини келтириб чиқаради.

Энг катта муаммо ана шунда. Чунки не-не машаққатлар, катта харажатлар эвазига яратилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сотиш, уларни истеъмолчиларга ўз вақтида етказиб бериш ва ундан даромад кўриш жараёнлари узлуксизлигини таъминлаш иқтисодиётни ҳаракатга келтирадиган асосий кучлардан бири ҳисобланади.

Карантин сабаб чегаралар ёпилган даврда жуда катта ҳажмдаги қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг туриб қолиши ва уларни узоқ вақт сақлаб қолиш ортиқча меҳнат ва харажатни талаб этади. Бундай ҳолатларда, улардан тезроқ воз кечишга ҳаракат қилинади.

Оқибатда эса, дунё озиқ-овқат маҳсулотлари бозорида дисбаланс вужудга келиб, қайсидир мамлакатларда керагидан ортиқча маҳсулотлар, қайсидир мамлакатларда эса, товарлар тақчиллиги вужудга келади. Ўз-ўзидан бундай ҳолатда барча томон ютқазади.

# ЯКУНИЙ ХУЛОСА

Мазкур тадқиқот иши доирасида қуйидаги хулосаларни шакллантиришга муваффақ бўлинди:

**1.** Мамлакатнинг инвестицион жозибадорлиги – ҳудудга сармоянинг кириб келишини белгиловчи ва инвестиция фаоллиги билан баҳоланадиган объектив иқтисодий, ижтимоий ва табиий белгилар, воситалар, имкониятлар ва чекловларнинг йиғиндисидир. Ўз навбатида, мамлакатнинг инвестицион фаоллигини сармоянинг кириб келиш интенсивлиги сифатида кўриб чиқиш мумкин. Мамлакат/ҳududнинг интеграл инвестицион жозибадорлиги – бу мамлакат/ҳудуднинг хўжалик ривожланиш шароитларини тавсифловчи ва ундаги инвестицион фаолликнинг шаклланишига ижобий ёки салбий таъсир кўрсатадиган объектив ижтимоий-иқтисодий, табиий-географик ва экологик кўрсаткичларнинг умумий даражасидир.

**2.** Мамлакатдаги иқтисодий фаолиятга, авваламбор, чет эл иқтисодий агентларига нисбатан сиёсий ҳолат муҳим роль ўйнаши мумкин. Уларни ўлчаш учун иккита ўзгарувчан кўрсаткичлардан фойдаланилади. Булар – ҳудудларининг инвестицион рейтинги ҳамда инвестицион салоҳият ва хатар рейтингидир. Асосий капиталга йўналтирилган инвестицияларнинг ҳажми ҳудуднинг умумий инвестицион муҳитини акс эттиради.

Ички инвесторларнинг фаоллиги хорижий инвесторлар учун ижобий белги ҳисобланади. Ҳудуднинг очиқлик даражаси, авваламбор, ташқи савдо ҳамда импорт ва экспорт ҳажми билан боғлиқ. Айрим тадқиқотчиларнинг ҳисоблашича, ҳудуднинг географик хусусиятлари тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларнинг кириб келишига ҳам турткИ бўлади.

Шуни ҳам инобатга олиш керакки, ҳудуд қанчалик пойтахтга яқин бўлса, ушбу ҳудудга йўналтириладиган тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ҳажми ҳам шунчалик юқори бўлади. Чунки бундай ҳолатда транзакция харажатлари анча паст бўлади. Юқорида санаб ўтилган омиллар гуруҳи тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилиш жараёнида ҳудуднинг нисбий устунлигини шакллантиради. Бунда хорижий инвесторлар ҳудудий омилларни, уларни нафақат алоҳида, балки уларнинг йиғиндисини ҳам ҳисобга олади.

**3.** Жаҳонда юз бераётган тенденциялар таҳлили натижаларига кўра, ривожланган мамлакатларнинг барчасида қишлоқ хўжалиги қайсидир

маънода давлат томонидан рағбатлантирилади ва уларга ҳар йили давлат бюджетидан субвенция/дотациялар ажратилади. Қишлоқ хўжалиги соҳасининг бошқа соҳаларга қараганда инвестицион жозибадорлигининг пастлиги туфайли ҳам инвесторлар кўпинча ўз маблағларини юқори даромад келтирадиган соҳага йўналтиришга ҳаракат қилишади.

Инвестицияларни йўналтиришда асосий жиҳатлардан бири сифатида ҳududнинг инвестицион жозибадорлигини инобатга олиш, шунга мувофиқ равишда оқилона қарор қабул қилиш кўзланган мақсадни амалга оширишнинг бирламчи шартидир.

Узоқ муддатли оралиқда аграр соҳага ихтисослашиб қолган ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишини таъминлаш борасида қуйидаги йўналишларга устуворлик қаратиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади:

- саноат ишлаб чиқариш ҳажмини кўпайтириш, таркибий ислоҳотларни кучайтириш ва ЯҲМда индустриал сектор даражаси улушини ошириш;
- қайта ишлаб чиқаришни интенсивлаштириш мақсадида қишлоқ хўжалиги билан саноат соҳаси ўртасидаги кооперацияни ривожлантириш;
- ҳудудда мавжуд бўлган табиий-маҳаллий хом ашё ресурсларининг тури, ҳажмидан келиб чиқиб, ишлаб чиқариш кучларини жойлаштириш;
- ҳудудларнинг имконияти ва салоҳиятидан келиб чиқиб, юқори даражадаги ихтисослашувни таъминлаш, кучайтириш ва мавжуд тажрибани Ўзбекистоннинг бошқа ҳудудларига ёйилишини таъминлаш;
- меҳнат бозоридаги вазиятни барқарорлаштириш, айниқса, қишлоқ меҳнат бозоридаги вазиятни мувозанатлаштириш, ҳудудий меҳнат бозорида вужудга келган тафовутни (диспропорция) олдини олиш мақсадида юқори меҳнат талаб қиладиган ишлаб чиқариш комплексларини йўлга қўйиш;
- ҳудудларда ишлаб чиқариш ресурсларидан самарали фойдаланишни таъминлаш мақсадида ишлаб чиқариш ва бозор инфратузилмаларининг ривожланишини таъминлаш;
- маҳаллий ишлаб чиқариш ва иқтисодиётни техник ва технологик жиҳатдан қайта қуроллантириш ва модернизациялаш жараёнларини тезлаштириш;
- ҳудудларда яратиладиган ялпи ҳудудий маҳсулотларни ўртача умумреспублика кўрсаткичидан пасайиб кетишини олдини олиш-

да турли хилдаги ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳаларининг ривожланишини таъминлаш.

**4.** Ишбилармонлик муҳитини соғломлаштириш ва бизнесни юритиш бўйича қулай шарт-шароитларни яратиш учун қуйидагиларга эътибор қаратиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади:

- бизнесни юритиш арзонлигини таъминлаш учун маъмурий тазйиқлар ва таомилларни камайтириш, пухта ва ҳар томонлама ўйланган солиқ тизимини яратиш;
- барча томонларнинг (инвесторлар, ҳамкорлар) ўзаро манфаатларини ўйлаган ҳолда, очиқ ва шаффоф «ўйинларни» ташкил этиш ва рақобат муҳитини ривожлантириш;
- инвестицион лойиҳаларни самарали амалга ошишини таъминлаш учун инфраструктураларни яратиш ва улар имкониятини кенгайтириш;
- давлатнинг тартибга солиш механизмининг инновацион усулларини яратиш, эскириб қолган усуллардан воз кечиш;
- мамлакатнинг инвестицион обрўси ва нуфузини (имижини) ошириш;
- инвесторларни жалб этиш учун эркин иқтисодий ҳудудлар имконияти ва салоҳиятидан максимал фойдаланиш, бу борадаги хорижий тажрибаларни унумли ўзлаштириш;
- давлат-хусусий шерикчилиги имкониятидан тўлиқ фойдаланиш. Йирик инвестицион лойиҳаларни амалга оширишда давлат ва хусусий сектор уйғунлигини таъминлаш.

**5.** Модернизация қилиш жараёнлари кучаятган бир шароитда давлатнинг ўрта ва узоқ муддатли оралиқдаги инвестицион стратегияси қуйидаги вазифаларни ҳал этишга қаратилиши мақсадга мувофиқ ҳисобланади:

- миллий иқтисодиётнинг юқори суръатдаги рақобатдошлигини таъминлашга қаратилган таркибий ўзгаришларни изчил амалга ошириш;
- ҳудудий бойликни оширишда капитал ресурсидан унумли ҳамда омилларнинг чекли камайиб бориш қонунидан келиб чиқиб, иқтисодий ресурслардан самарали фойдаланиш ва мақбул пропорцияда фойдаланиш бўйича моделларни ишлаб чиқиш;
- ҳудудларнинг бир маромда барқарор ривожланишини таъминлаш ва уларнинг бир текисда катта тафовутларсиз тараққий этишига хизмат қиладиган комплекс дастурларни ишлаб чиқиш ва уларни ҳаётга татбиқ этиш чораларини кўриш;

- иқтисодиётнинг импорт ва экспорт салоҳиятини оширишга хизмат қиладиган, шунингдек, юқори қўшимча қиймат яратадиган етакчи устувор тармоқларни қўллаб-қувватлаш;
- минтақавий инфраструктура соҳасини ривожлантиришга қаратилган устувор инвестицион лойиҳаларни қўллаб-қувватлаш;
- маҳаллий ва чет эл инвесторларининг инновацион-инвестицион фаоллигини ошириш мақсадида инвестицион муҳит жозибадорлигини таъминлаш;
- юқори технологияларга асосланган ва юқори қўшимча қиймат яратадиган қўшма лойиҳаларни ташкил этишга хизмат қиладиган қулай бизнес-муҳитини яратиш.

**6.** Иқтисодий потенциал иқтисодий категория сифатида иқтисодий тизимнинг ҳолати ва имкониятларини аниқлайди ҳамда юқори иқтисодий потенциални юзага келишини таъминлаш учун хизмат қилади. Бунда муҳими – фақат товар ва хизматларни ишлаб чиқариш эмас, балки уларнинг сифати, корхоналарнинг рақобатбардошлиги ва иқтисодий тизимнинг келажакда самарали фаолият юритишини ҳам эътиборга олиш зарур.

Шуни қайд этиш жоизки, ҳудудларнинг маъмурий-иқтисодий бошқаруви сиёсатини юритишда иқтисодий потенциал оқибат сифатида қаралади ва ундан самарали фойдаланиш билан ҳудуднинг келажакдаги мавқеи аниқланади. Шунинг учун ҳам ҳудудларни бошқаришда, инвестицион муҳит жозибадорлигини оширишда иқтисодий потенциални тўғри баҳолаш ва ундан дастак сифатида иқтисодий сиёсатни тўғри олиб бориш муҳимдир.

Мазкур ички имкониятларнинг мавжудлигига таяниб, давлат томонидан ҳудудларни комплекс ривожлантириш ва у ерда истиқомат қилаётган аҳолининг фаровонлигини таъминлашга қаратилган алоҳида ижтимоий-иқтисодий дастурлар амалга оширилиши лозим.

**7.** Иқтисодиётда шундай ҳолатлар ҳам кузатиладики, ҳаддан ташқари капитал захирасининг кўплиги капитал омилининг унумдорлигини пасайтириб, пировард маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмига салбий таъсир ҳам кўрсатади. Шу туфайли ҳам, капитал захирасининг кўпайиши билан меҳнат ресурсларининг ҳам сифат кўрсаткичи параллел равишда юқори бўлиб бориши зарурий шартлардан ҳисобланади.

Бошқача қилиб айтганда, бу ҳолат киритилган инвестициялар билан бир йил давомида яратилган миллий бойлик ўртасида унчалик ҳам юқори боғлиқлик мавжуд бўлавермаслигидан далолат беради. Шу боис, ҳудудларни комплекс ривожлантириш чора-тадбирлари ишлаб

чиқилаётганда барча омиллар ҳисобга олиниши ва аниқ регрессион моделлар асосида оқилона иқтисодий қарорларни қабул қилиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

**8.** Ҳудудлар салоҳиятини комплекс баҳолаш методикаларини ўрганиш, уларни таҳлил қилиш асносида мамлакатимиз ҳудудларининг иқтисодий-ижтимоий салоҳиятини аниқлашда иқтисодиётнинг қуйидаги соҳалари бўйича индикаторларни ҳисоблаш тизимини йўлга қўйиш мақсадга мувофиқдир:

- меҳнат (аҳолининг сони, иқтисодий фаол аҳолининг улуши, аҳолининг олий маълумотга эга бўлган қатлами);
- ишлаб чиқариш (ишлаб чиқариш ҳажми, корхоналарда мавжуд бўлган асосий воситаларнинг қолдиқ қиймати);
- молиявий (солиқ, бюджетнинг солиқсиз даромадлари, бюджет харажатлари, асосий капиталга йўналтирилган инвестициялар);
- табиий (қишлоқ хўжалик ерлари, қишлоқ хўжалигида яратилган товар ва хизматлар, фойдали қазилмалар);
- транспорт (автомобиль йўлларининг узунлиги, темир йўлларнинг ўтказиш қуввати, ташилган юкларнинг ҳажми);
- инфратузилма (оқава сувлар, электр тармоғининг қуввати, аҳоли турар жойларининг табиий газ билан таъминланганлик даражаси).

Ушбу индикаторлар бўйича ҳудудларнинг иқтисодий салоҳиятини баҳолаш худудий бошқарув органлари учун тезкор қарорларни қабул қилишда, шунингдек, ҳудудий дастурларни ишлаб чиқишда қулайлик яратиш билан бир қаторда, ҳудудларни комплекс ривожланишини ҳам таъминлашга хизмат қилади.

**9.** Бунинг учун қуйидаги методологик муаммоларни ҳал этиш муҳимдир:

- ижтимоий-иқтисодий салоҳият ва унинг компонентларига иқтисодий категория ва статистик ўрганиш объекти сифатида қараш;
- мавжуд бўлган ресурслар ҳажми характеристикаси, уларнинг таркиби, сифати ва бошқа бир қатор параметрлари бўйича ҳудуд салоҳиятини аниқлаш кўрсаткичлари тизимини ишлаб чиқиш;
- салоҳиятнинг турли элементларини баҳолаш методологиясини яратиш;
- ҳудуд ижтимоий-иқтисодий салоҳиятининг йўқолишини (пасайиб боришини) баҳолайдиган методологияни ишлаб чиқиш;
- ҳудуд салоҳиятидан ноқонуний ва хуфёна фойдаланиш ҳолатларини акс эттирувчи методологияни ишлаб чиқиш;

- ҳудуднинг ижтимоий-иқтисодий салоҳиятидан самарали фойдаланиш бўйича методологияни яратиш;
- бозор шароитида ҳудуднинг ижтимоий-иқтисодий салоҳиятини ривожлантириш омилларини ва уларнинг таъсир қилиш кўламини аниқлаш бўйича методологияни ишлаб чиқиш.

**10.** Ҳудудларни инвестицион салоҳиятини баҳолаш бўйича услубиёт ҳудуднинг инвестицион жозибадорлиги ва ундаги инвестицион фаоллик ўртасидаги объектив ҳолда мавжуд бўлган ўзаро алоқадорликни ҳисобга олади, бу эса, инвестицион иқлимни яхшилаш бўйича ҳудудий дастурларни ишлаб чиқишда муаммоли нуқта ва кўрсаткичларни аниқлашга имкон беради.

Инвестиция муҳити микроиқтисодиёт даражасида икки томонлама, яъни инвестор ва аниқ давлат органлари, хўжалик субъектлари ўртасидаги муносабатларда ўз аксини топади. Инвестиция муҳити ҳар қандай аниқ вақт учун объектив ҳолат бўлиб, капитал қўйиш учун мавжуд шароитларнинг мажмуасини ўзида қамраб олади. Инвестиция муҳити давлат органларининг бошқариш фаолияти таъсирида шаклланади. Шунинг учун давлатнинг инвестиция сиёсати энг асосий омиллардан ҳисобланадики, Ўзбекистон шароитида бу муҳим омил мунтазам эътибор марказида турмоғи лозим..

**11.** Ўзбекистоннинг халқаро майдонда тутган ўрни ва мавқеини ошириш, иқтисодий ривожланишини бундан-да юқори суръатларда бўлишини таъминлаш, аҳолининг даромад манбаини кенгайтириш, ТТХИ кириб келиши учун имкониятларни ошириш, ҳудудларнинг инвестициявий жозибадорлигини янада юксалтириш учун қуйидаги чора-тадбирларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ ҳисобланади:

**биринчидан**, Ўзбекистоннинг бир қатор халқаро рейтингларда иштирокини таъминлаш ва мавжуд рейтинг кўрсаткичларида эгаллаган ўрнининг пастлигига қарши ижтимоий-иқтисодий, сиёсий-ҳуқуқий ва комплекс тадбирларни амалга ошириш;

**иккинчидан**, инвестицион муҳит жозибадорлигига таъсир кўрсатадиган омилларни аниқлаш, уларнинг таъсир доирасини аниқ ҳисоблаб чиқиш.

**12.** Ўзбекистон ҳудудларининг ижтимоий-иқтисодий салоҳиятини инобатга олган ҳолда, Давлат статистика қўмитаси томонидан ҳар бир ҳудуднинг (вилоятлар, Тошкент шаҳри ва Қорақалпоғистон Республикаси) инвестицион муҳит жозибадорлиги бўйича «Йиллик статистик харита» эълон қилиб борилишини йўлга қўйиш мақсадга мувофиқдир.

Ушбу харитадан қуйидаги кўрсаткичларнинг жой олиши мақбул ҳисобланади:

- ► инвестицияларнинг иқтисодий самарадорлиги;
- ► ҳududнинг ривожланиш салоҳияти;
- ► солиқ сиёсатининг асосий таркибий қисмлари;
- ► ҳудуднинг табиий-географик ва инфраструктура салоҳияти;
- ► фуқаролик индекси. Бунда аҳолининг ижтимоий фаоллиги, бошқарув самарадорлиги, таълим олиш ва соғлиқни сақлаш хизматларидан фойдаланиш имконияти, турли хилдаги ижтимоий-иқтисодий маълумотларга эга бўлишлик, уларнинг очиқлиги, маҳаллий ҳокимиятнинг аҳоли билан яқинлиги ва ҳамкорлиги билан боғлиқ бўлган таркибий кўрсаткичлар қамраб олинади.

**13.** Ҳудудларнинг инвестицион жозибадорлигини (ИЖ) баҳолашда қуйидаги босқичларни амалга ошириш тавсия этилади:

**Ҳудудларнинг умумий ҳолатини баҳолашда кўрсаткичлар тизимини (омилларини) танлаш.** Ушбу босқичда ҳудуднинг ИЖ аниқлашга хизмат қиладиган кўрсаткичлар (омиллар) танланади ва уларнинг таъсир кўрсатиш даражаси аниқланади.

**Ҳудуд ИЖ баҳолайдиган интеграл кўрсаткичлар ва уларнинг аҳамиятини асослаш.** Мазкур босқичда корреляцион-регрессион таҳлил ва эконометрик моделлаштириш усулларидан фойдаланган ҳолда, ҳар бир таъсир кўрсатадиган омилнинг статистик аҳамияти ҳисоблаб чиқилади. Омилларнинг таъсир кўрсатиш даражаси танлама кузатувлар асосида аниқланади ва гепотезалар тестдан ўтказилади.

**Хусусий кўрсаткичларни баллик тизим асосида баҳолаш, ҳар бир алоҳида олинган омилнинг ўртача баллини ҳисоблаш.** Ушбу босқичда баллик баҳолаш орқали ҳар бир омилни ҳисобга олган ҳолда ҳудуднинг ИЖ аниқланади. Бунда ҳар бир омилнинг таъсир кўрсатиш даражаси ва вазнига баҳо берилади.

**Ҳудуднинг ИЖ бўйича якуний хулоса чиқариш.** Инвесторлар учун зарурий ахборот бўлмиш ҳудуднинг ИЖ бўйича қисқача хулосалар шакллантирилади. Бунда ҳудудларнинг имконияти ва ижтимоий-иқтисодий потенциалини баҳолаш, солиштириш имкони яратилади. Баллик тизим орқали ҳудуд ИЖга миқдорий ва сифатий баҳо бериш мумкин бўлади. Бу эса, ўз навбатида, инвесторлар учун ҳудудлар кесими бўйича қарор қабул қилишни тезлаштиради ва инвестицияларнинг йўналтирилиши таъминланади.

Бунинг учун қуйидаги баллар бўйича ҳудуднинг ИЖ баҳолаш тавсия этилади: 2 балл – кўрсаткич инвесторлар талабини тўлиқ қаноатланти-

ради; 1 балл – кўрсаткич инвесторлар талабини қисман қаноатлантиради; 0 балл – инвесторлар талабани мутлақо қаноатлантирмайди.

**14.** Инвестиция сиёсатини амалга оширишда ҳукумат томонидан қуйидаги асосий тамойилларга устуворликнинг қаратилиши, бизнингча, энг мақбул йўл ҳисобланади:

- республика иқтисодиётига бевосита капитал маблағларни кенг жалб қилишни таъминлайдиган ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий ва бошқа шарт-шароитларни мунтазам такомиллаштириш;
- республикамизга жаҳон даражасидаги технологияни етказиб бераётган, иқтисодиётнинг замонавий таркибини вужудга келтиришга кўмаклашаётган хорижий сармоядорларга имтиёз ва преференцияларни тақдим этиш тизимини такомиллаштириш;
- маблағларни рақобатбардош маҳсулотларни ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлган энг муҳим устувор йўналишларга йўналтириш;
- ташқи иқтисодий фаолиятда рақобат қила оладиган ва валюта тушумини таъминлайдиган етакчи тармоқларни қўллаб-қувватлаш;
- аҳоли бандлигини таъминлайдиган ва миллий даромадни оширишга қаратилган ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳаларини ривожлантириш;
- энергия тежамкор ва атроф-муҳитга кам зарар етказадиган юқори технологик, замонавий ускуналарни ўрнатиш;
- маҳаллий шароитларга мос келадиган илғор хорижий технологияларни татбиқ этиш, ўзимизда яратилаётган ихтироларни рағбатлантириш ва билимлар иқтисодиётига маблағлар йўналтириш.

# ФОЙДАЛАНИЛГАН МАНБАЛАР РЎЙХАТИ

## I. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва методологик аҳамиятга эга бўлган нашрлар

1. «Акциядорлик жамиятларида замонавий корпоратив бошқарув услубларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 24 апрелдаги ПФ-4720-сон Фармони.

2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Эркин иктисодий зоналар фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 2017 йил 10 апрелдаги 196-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 15-сон, 252-модда).

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 5 октябрдаги «Тадбиркорлик фаолиятининг жадал ривожланишини таъминлашга, хусусий мулкни ҳар томонлама ҳимоя қилишга ва ишбилармонлик муҳитини сифат жиҳатидан яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони. Халқ сўзи, 2016, № 197 (6632).

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2015–2019 йилларда ишлаб чиқаришни таркибий ўзгартириш, модернизациялаш ва диверсификация қилишни таъминлаш чора-тадбирлари дастури тўғрисида». 2015 йил 4 мартдаги ПФ-4707-сон Фармони. //www.lex.uz

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасида инвестиция иқлими ва ишбилармонлик муҳитини янада такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2014 йил 7 апрелдаги ПФ-4609-сон Фармони. //www/lex.uz

6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сон Фармони. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 6-сон, 70-модда.

7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Хусусий мулк, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ишончли ҳимоя қилишни таъминлаш, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2015 йил 15 майдаги ПФ-4725-сон Фармони. //www.lex.uz

8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасининг 2015 йил учун инвестицион дастури тўғрисида»ги 2014 йил 17 ноябрдаги ПҚ-2264-сон қарори. www.lex.uz

9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар жалб этилишини рағбатлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар

тўғрисида»ги Фармони. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 й., 15-сон, 167-модда; 2013 й., 12-сон, 150-модда.

10. Ўзбекистон Республикасини 2016 йилнинг тўққиз ойида ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари тўғрисида. Халқ сўзи, № 208 (6643), 2016 йил 21 октябрь.

**II. Монография, илмий мақола, патент, илмий тўпламлар**

11. Абель Э., Бернанке Б. Макроэкономика. 5-е изд. – СПб.: Питер, 2010. – 175 с.

12. Акерман Е.Н., Михальчук А.А., Трифанов А.Ю. Типология регионов как инструмент сорганизации регионального развития // Вестник Том. гос. ун-а. Экономика. № 331. С. 126-131.

13. Акерман Е.Н., Михальчук А.А., Трифонов А.Ю. Факторный подход в построении экономического пространства региона // Вестник Том. гос. ун-а. Экономика. 2010. № 3(11). С.84-92.

14. Балацкий О.Ф. Теоретические проблемы оценки экономического потенциала региона, компании, предприятия // Вестник Сумского гос. ун-та. Экономика. 2004. № 9 (68). С. 84-95.

15. Бияков О.А. Региональное экономические пространство: измерение использования потенциала: Автореф. дис. д-ра экон. наук. Кемерово, 2005. – 42 с.

16. Блюм Е.А. Обзор методики оценки инвестиционного потенциала региона // Молодой учёный. – 2013. №7. С. 137-141.

17. Бочаров В., Попова Р. Финансово-кредитный механизм регулирования инвестиционной деятельности предприятия. – СПб.: 1993.

18. Быстряков А.Я. Становление рынка инвестиционных ресурсов и повышение качества строительной продукции: Дисс..доктр. экон. наук. – М.: 1997.

19. Глушкова Т.Г. Инвестиционный потенциал региона: некоторые подходы к анализу // Региональная стратегия устойчивого социально-экономического роста: Тез. док. науч.-практ. конф. Ч.1. – Екатеринбург: 1998. – 73 с.

20. Ғозибеков Д.Ғ. Инвестицияларни молиялаштириш муаммолари. Иқтисод фанлари доктори илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. – Т.: 2002. 15-б.

21. Гусев Ю. О принципах кластеризации экономики в России // Экономические стратегии. 2007. №3. С. 50-51.

22. Джонс Р. Экономические сочинения. М.: Директмедиа. Паблишинг, 2007.

23. Додиев Ф.Ў. Инвестицион фаолиятни молиявий рағбатлантириш: 08.00.07.: Иқтисод фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. /ЎзР Банк-молия академияси. – Т.: 1998. 128 б.

24. Дорошенко Ю.А. Оценка и механизм управления экономическим потенциалом территории: Дисс.докт. эконом. наук. – Белгород, 1998.

25. Друкер П.Ф. Энциклопедия менеджмента. – М.: Диалектика, 2004. 432 с.

26. Дурдыева Д.А. Оценка потенциала устойчивого социально-экономического развития региона. 2013. URL: http://dibase.ru/article/07112013_142069_durdueva.

27. Ефимов В.П. Пространственный потенциал – основа развития региона в качестве целостного социально-экономического комплекса: Автореф. дис. канд. экон. наук. – М.: 2006.

28. Зайцев В.В. Инвестиционный потенциал региона: методика оценки / В.В. Зайцев, Д.Н. Худяков // Экономика и управление. 2013. № 1 (33). С. 19-24.

29. Зенченко С. В., Шемёткина М. А. «Инвестиционный потенциал региона». Сборник научных трудов Сев.Кав.ГТУ. Серия «Экономика». 2007. №6.

30. Зиновьева А.А. Экономические проблемы регионов и отраслевых комплексов // Проблемы современной экономики. 2011. № 4.

31. Имамов Ш.Б. Регулирование территориального развития экономики Узбекистана: Автореферат диссертации на соискание ученой степени доктора экономический наук. – Т.: 1993.

32. Инвестиционная политика перехода к инновационной экономике России: колл. Монография / Отв.ред. Н.А.Новицкий. – М.: Ин-т экономики РАН, 2005. 421 с.

33. Каримов Н.Г. Иқтисодий интеграциялашув шароитида инвестицияларни молиялаштиришнинг бозор механизмларини жорий этиш муаммолари: 08.00.07 – «Молия, пул муомаласи ва кредит. Иқтисод фанлари доктори илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. /ЎзР Банк-молия академияси . – Т., 2007. 235 б.

34. Кейнс Дж.М. Общая теория занятости, процента и денег. – М., 1978.

35. Кларк Д. Неустойчивые государства: трансформация систем социального обеспечения // Журнал исследований социальной политики. 2003. Т. 1. № 1. с.69-89.

36. Корчагин Ю.А., Маличенко И.П. Инвестиции: теория и практика: Учебное пособие. – М.: ЮНИТИ-ДАНА, 2008. 453 с.

37. Косторниченко С.А. Управление инвестиционной адаптивностью предприятий строительства: Дис. на соиск. уч. степ. канд. экон. наук. Волгоград, 2003.

38. Кузиева Н.Р. Хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар фаолиятини рағбатлантиришнинг молия-кредит механизмини такомиллаштириш йўналишлари. 08.00.07.: Иқтисод фанлари доктори илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. /ЎзР Банк-молия академияси. – Т., 2008. 293 б.

39. Марченко Г., Мачульская О. Инструмент новой региональной политики. На плоскости рейтинга «риск-потенциал» явственно проявились полюса и точки роста. http://raexpert.ru/ratings/regions/2005/part4/

40. Мировая экономика и международные отношения, 1998, №1.

41. Москвина О.С. Инновационный потенциал как фактор устойчивого развития региона / art30_02.php.html

42. Муминов Б.Ш. Ўзбекистон иқтисодиётида марказлашган инвестицияларнинг самарадорлигини ошириш йўллари. 08.00.07.: Икт. фанл. номзоди диссертацияси./ЎзР Банк-молия академияси. – Т.: 2012. 135 б.

43. Мустафакулов Ш. Инвестицион фаолият, салоҳият ва жозибадорлик. Бозор, пул ва кредит Илмий-амалий ойлик журнал. 4/2017, апрель (239), 10-19 б.

44. Мустафакулов Ш.И. Ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ва инновацион салоҳиятига баҳо беришнинг мавжуд услублари таҳлили. «Молия ва банк иши» электрон илмий журнали. 2016 йил апрель, 3-сон, 5-16 б.

45. Мустафакулов Ш.И. Ҳудудларнинг салоҳияти: назарий ва услубий қарашларнинг таққослама таҳлили. «Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар» илмий электрон журнали. № 5, сентябрь-октябрь, 2016.

46. Назаров Ш.Х. Метедологические аспекты повышения конкурентоспособности регионов / Монография. – Т.: IFMR, 2014. 212 с.

47. Одинаева З. Қизилқум саҳросида баҳор. Т.: «Муҳаррир», 2008.

48. Основы регионального развития: теория, методология, практика // Монография. Т.: IQTISOD-VOLIYA, 2005. 280 с.

49. Пинали Э. Инвестиционный климат и частный сектор. // Экономическое обозрение. 2005., N 9, С.42-43.

50. Пригожин А.И. Нововведение: стимулы и препятствия. Монография. – М.: Политиздат. 1998 г.

51. Ражаббаев Ш.Р. Ўзбекистон валюта сиёсатининг хорижий инвестицияларни жалб этишга таъсири. 08.00.007 – «Молия, пул муомаласи ва кредит» ихтисослиги бўйича иқтисод фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. / ЎзР. Банк-молия академияси. – Т.: 2008.

52. Раимжанова М.А. Ўзбекистонда эркин иқтисодий ҳудудларга инвестицияларни жалб қилишни фаоллаштириш. 08.00.07 – Молия, пул муомаласи ва кредит ихтисослиги бўйича иқтисод фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. / ТМА. – Т.: 2012.

53. Скопина И.В., Бакланова Ю.О., Агаев А.А. Инвестиционный климат территорий: мировой и национальный взгляд // Менеджмент в России и за рубежом. – 2006. № 2.

54. Скотаренко О.В. Новые методы оценки уровня социально-экономического развития. / О.В. Скотаренко // Вестник МГТУ. 2012. № 1. С. 220-229.

55. Смаглюкова Т.М. Общие подходы к формированию региональной инвестиционной политики // Современные проблемы науки. 2014. № 1.

56. Сыров А.Н. Оценка экономического потенциала территории. Региональная экономика./А.Н.Сыров//Вестник Волгоградского государственного университета. 2008. № 2 (13). С. 98-102.

57. Тараненко И.В. Оценка социально-экономического потенциала регионов / И.В. Тараненко // Днепропетровский университет экономики и права.

58. Фоломьев А.Н. К вопросу о концепции национальной системы венчурного инвестирования./ Инновация. 2002. №8. с. 21-30.

59. Хааг Д. цит. по Мигранян А.А. Теоретические аспекты формирования конкурентоспособности кластеров в странах с переходной экономикой. http. // www. kkrsu.edukg/vestnik/v31a15.html

60. Хамроев Ҳ.Р. Зонал сиёсат: методология, хорижий тажриба ва қўллаш йўналишлари. Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси «Фан» нашриёти, 2008.

61. Хоменко Е.Б. «Управление развитием инфраструктуры предпринимательства в условиях перехода к информационной экономике» мавзусидаги докторлик диссертацияси (Санкт-Петербург. 2014.)

62. Шлычков В.В. Экономические механизмы управления ресурсным потенциалом // Вестник экономики, права и социологии. № 2. 2007.

63. «Миллий иқтисодиётга инвестицияларни жалб этишни фаоллаштириш» мавзусидаги республика илмий-амалий конференцияси маъруза тезислари тўплами. – Т.: ТМИ, 2013, 6-б.

64. Andersson, Thomas, Sylvia Schwaag Serger, Jens Sorvik, and Emily Wise Hansson. The Cluster Policies Whitebook. International Organisation for Knowledge Economy and Enterprise Development, Malmo 2004.

65. Bergman, E.M. and Feser, E.J. Industrial and Regional Clusters: Concepts and Comparative Applications / E. M. Bergman, E. J. Feser. Regional Research Institute, WVU., – 1999.

66. Elsner, W. An industrial policy agenda 2000 and beyond: Experience, Theory and Policy. Bremen Contributions to Institutional and Social-Economics (Eds.) Biesecker, A./ Elsner, W./ Grenzdorffer, K., No 34, 1998.

67. Karimov I.A. 2015-yilda iqtisodiyotimizda tub tarkibiy o‘zgarishlarni amalga oshirish, modernizatsiya va diversifikatsiya jarayonlarini izchil davom ettirish hisobidan xususiy mulk va xususiy tadbirkorlikka keng yo‘l ochib berish – ustuvor vazifamizdir. http://www.press-service.uz

68. Lee, K.Y. From Third World to First: The Singapore Story 1965-2000. Singapore: Singapore Press Holdings, 2000.

69. Schmitz, Hubert (1992), On the Clustering of Small Firms’, in Rasmussen, J., H. Schmitz andM.P. van Dijk (eds.), ‘Flexible specialization: a new view on small industry, IDS Bulletin (Special Issue), 23 (3): 64–69.

70. Schwab K. World Economic Forum: The Global Competitiveness Report. Geneva: World Economic Forum, 2013.

71. Soete L., Turner R. Technology Diffusion and the Rate of Technical Change // The Economic Journal. 1984. Vol. 94; Metcalfe S., Gibbons M. Technology, Variety and Organization / Research on Technological Innovations – Management and Policy. Vol. 4. JAI Press. P. 153-193.

72. Stalker P. Travailleuts sans frontieress // Traval. Geneve, 200, # 34.

73. Stobaugh R.B. How to Analyze Foreign Investment Climates // Harvard Business Review. 1969. September-October.

### III. Бошқа адабиётлар


74. Банк ахборотномаси. 2017 йил 2 март, №9.

75. Бергер Ф. Что вам надо знать об анализе акций: Пер. с нем. – М.: АОЗТ & laquo-Интерэксперт», 1998. 206 с.

76. Бияков О.А. Теория экономического пространства: методологический и региональные аспекты. – Томск. Изд-во Том. гос. ун-та, 2004. 152 с.

77. Быковский В.В. Инвестиционный потенциал: механизм формирования и испоьзования. – М.: Изд. «Машиностроение-1», 2002. 168 с.

78. Википедия. Свободная энциклопедия. http://ru.wikipedia.org/wiki/.

79. Губанова Е.С. Инвестиционная деятельность в регионе. – Вологда: ВНКЦ ЦЭМИ РАН. 2002. 137 с.

80. Гулямов С.С. Моделирование социально-экономического развития территориально-промышленных комплексов. – Т.: Фан, 1980. 194 с.

81. Добрынина А.И., Тарасевича Л.С. Экономическая теория. 4-е изд. – СПб.: 2009. 560 с.

82. Доклад о мировых инвестициях за 2013 г. Конференция Организации Объединенных Наций по торговле и развитию. Нью-Йорк и Женева, 2013 год.

83. Доклад о мировых инвестициях за 2015 г. Конференция Организации Объединенных Наций по торговле и развитию. Нью-Йорк и Женева, 2015 год.

84. Захарова Е.Н., Авраменко Е.П. Основные методологические подходы к оценке экономического потенциала региона. 2012. http://www.rusnauka.com

85. Инвестиционный рейтинг регионов России // Эксперт. 1997. № 47.

86. Инвестиционный рейтинг регионов России // Эксперт. 1998. № 39.

87. Инвестиционный рейтинг регионов России // Эксперт. 1999. № 39.

88. Инновационный менежмент в России: вопросы стратегеческого управления и научно-технологической безопасности / Рук. авт. колл. В.Л.Макаров, А.Е.Варшавский. – М.: Наука, 2004. с. 108-150.

89. Каримов И.А. «Бош мақсадимиз – иқтисодиётимизда олиб бораётган ислоҳотларни ва таркибий ўзгаришларни кескин чуқурлаштириш, хусусий мулкчилик, кичик бизнес ва тадбиркорликка кенг йўл очиб беришдир» мавзусидаги маърузасини ўрганиш бўйича ўқув қўлланма. – Т.: «Маънавият», 2016.

90. Каримов И.А. «Мамалакатимизни модернизация қилиш ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш – устувор мақсадимиздир» ҳамда «Асосий вазифамиз – Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир» номли маърузаларини ўрганиш бўйича ўқув-услубий мажмуа. – Тошкент: Иқтисодиёт. 2010.

91. Каримов И.А. Асосий вазифамиз – Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир. – Т.: «Ўзбекистон», 2010.

92. Киперман Г.Я. Экономика предприятия: словарь. – М.: ЮРИСТЪ. 2001. 272 с.

93. Киселева Н.В., Боровикова Т.В., Захарова Г.В. и др. Инвестиционная деятелъностъ: Учебное пособие. – М.: КНОРУС, 2005. 432 с.

94. Климова Н.И. Инвестиционный потенциал региона. – Екатерингбург: Изд-во УрО РАН, 1999. 276 с.

95. Кокурин Д.И. Инновационная деятельность: учебное пособие. – М.: Экзамен, 2003. 111 с.

96. Кондратъев Н.Д. Большие циклы конъюнктуры и теория предвидения: избр. тр. Сост. Ю.В.Яковец. – М.: Экономика, 2002. 767 с.

97. Лапин Е.В. Экономический потенциал предприятия. – Сумы: ИТД «Университетская книга», 2002. 310 с.

98. Лапин Н.И. Теория и практика инноватики: учебное пособие. – М.: Логос, 2008. 238 с.

99. Майбурд Е.М. Введение в историю экономической мысли. От пророков до профессоров. – М. 1996.

100. Марголин А.М., Быстряков А.Я. Методы государственного регулирования процесса преодоления инвестиционного кризиса в рельном секторе экономики. – Челябинск: Южно-Уральское книж. из-во, 1998.

101. Маҳмудов Н.М, Маджидов Ш.А. Инвестицияларни ташкил этиш ва молиялаштириш. Ўқув қўлланма. – Т.: ТДИУ, 2010. 89–90-б.

102. Муравъев А.И. Предпринимательство: учебник. – СПб.: Лань, 2001. 696 с.

103. Научно-технологическая безопасность регионов: методологические подходы и результаты диагностирования / А.И.Татаркин, Д.С.Львов, А.А.Куклин, А.Л.Мызин, В.Я.Буланов, К.Б.Кожов, А.Ю.Домников. – Екатеренбург: Изд-во Урал. ун-та, 2000. с. 112-132, 329-331.

104. Портер М. Конкуренция: пер. с анг. / М.Портер. – М.: Изд. дом «Вильямс», 2006.

105. Преоброзование научно-инновационной сферы в регионе: понятийный аппарат / Под ред. А.Е.Когута. – СПб.: ИСЭП РАН, 1995. с. 49.

106. Райзберг Б.А., Лозовский Л.Ш., Стародубцева Е.Б. Современный экономический словарь. – М.: ИНФРА-М, 2008. 480 с.

107. Саидова Г.К. Основные меры антикризисной программы Узбекистана и ожидаемый эффект от ее реализации // Материалы международной конференции «Мировой финансово-экономический кризис, пути и меры по его преодолению в условиях Узбекистана». – Т.: 2009.

108. Санто Б. Инновация как средство экономического развития. – М.: Прогресс, 1990. с.83.

109. Сенчагов В. Экономическая безопасность: геополитика, глобализация, самосохранение и развитие / Институт экономики РАН. – М.: ЗАО «Финстатинформ», 2002.

110. Словарь по экономике и финансам. Глоссарий. ру. – http://slovari/yandex/ru dict glossary.

111. Соатов Н.М. Статистика: Олий ўқув юртлари талабалари учун дарслик. – Т.: Абу Али ибн Сино номидаги тиббиёт нашр., 2003. 502-б.

112. Твисс Б. Управление научно-техническими нововведениями. – М.: Экономика, 1989.

113. Топ-10 стран по объему иностранных инвестиций. http://www.vestifinance.ru/articles/66544?page=1

114. Тумусов Ф.С. Инвестиционный потенциал региона: теория, проблемы. Практика. – М.: Экономика, 1999. 272 с.

115. Ўзбекистон иқтисодиёти. Ахборот-таҳлилий бюллетень. 2016 йил январь-декабрь. Иқтисодий тадқиқотлар маркази. – Т.: 2017.

116. Ўзбекистон рақамларда. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси. – Т.: 2016.

117. Ўзбекистон Ташқи ишлар вазири Абдулазиз Комиловнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Сенати ялпи мажлисидаги нутқи. http://www.mfa.uz/uz/about/speech/2017/05/11127/

118. Ўлмасов А., Шарифхужаев М. Иқтисодиёт назарияси. – Т.: Меҳнат, 2000.

119. Умаров Б. Глобаллашув зиддиятлари: иқтисодий, ижтимоий ва маънавий жиҳатлари. – Т.: «Маънавият», 2006.

120. Чуб Б.А. Деятельность основных субъектов национальной экономики на мезоуровне. – М.: БУКВИЦА, 2001. 254 с.

121. Шумпетер Й.А. История экономического анализа. – СПб.: Экономическая школа, 2004. 1666 с.

122. Шумпетер Й.А. Теория экономического развития. Капитализм, социализм и демократия. М.: ЭКСМО, 2007. 864 с.

123. Щукина Т.В. Кадровая политика в системе государственной гражданской службы субъектов Российской Федерации: концептуальные подходы и административно-правовое регулирование: монография / Т.В. Щукина. – Воронеж: ИПЦ «Научная книга», 2001.

124. EY Global Investment Monitor, 2016.

125. Mensh G. Stalemate in Technologial Innovation: Organization, Strategies for implementing Advaced Manufacturing Technologies, San-Fr.; L.: Jossey – Bass Publishers, 1986.

126. Porter, M.E. On Competition. Cambridge, Mass.: Harvard Business School Press, 1998.

127. Salimov B.T., Muxitdinova U.S., Mustafakulov Sh.I. Mikroiqtisodiyot: Darslik -T.: TDIU, 2006. -230 b.

128. The economy of industrial information. Third edition. Chris Freeman and Luc Soete. – The MIT Press Cambridge, Massachusetts, 1994.

129. The Failed States Index Rankings. URL: http://ffp.statesindex.org/rankings.

130. The Global Competitiveness Report 2008–2009. Michael E. Porter, Harvard University, Klaus Schwab, World Economic Forum. http://www.weforum.org/pdf/GCR08/GCR08.pdf

131. Багриновский К., Бендиков М., Хрусталев Е. Экономическая безопасность наукоемкого производства: Препринт. – М.: ЦЭМИ РАН, 2000. – с. 36-37.

132. http:// www.doingbusiness.org

133. http://weforum.org

134. http://ffp.statesindex.org

135. http://unctad.org/sections/dite_dir/docs/wir2016/wir16_fs_hk_en.pdf

136. http://www.beri.com/Publications/BRS.aspx

137. http://www.doingbusiness.org. Doing Business 2016. Measuring Regulatory Quality and Efficiency. 13th edition. Comparing Business Regulation for domestic firms in 189 Ec onomies. World Bank grop. 348s.

138. http://www.doingbusiness.org/methodology.

139. http://www.euromoney.com

140. http://www.institutionalinvestor.com/Research-and-Rankings.html

141. http://www.raexpert.ru/researches/regions/investclimate.

142. http://www.safe.gov.cn/wps/portal/english/Home

143. http://www.standardandpoors.com/en_US/web/guest/ratings/ratings-criteria

144. http://www.tslresearch.com

145. http://www.worldbank.org

146. https://www.bankofamerica.com/

147. https://www.controlrisks.com/en/services

148. https://www.eiu.com/home.aspx

149. https://www.euromoneycountryrisk.com/

150. https://www.moodys.com/researchandratings?lang=en&cy=aus

151. https://www.prsgroup.com/about-us/our-two-methodologies

152. www.mfer.uz

153. www.uznature.uz/index

*1-ИЛОВА*

**Инвестициялар, инвестицион фаолият ва уларнинг моҳияти билан боғлиқ илмий тадқиқот ишларини олиб борган маҳаллий олимларнинг илмий қарашлари тўғрисида маълумот**

| № | Муаллифлар | Тадқиқот йўналиши | Асосий илмий натижаларнинг қисқача мазмуни |
|---|---|---|---|
| 1. | Н.Ғ.Каримов (Каримов Н.Г. Иқтисодий интеграциялашув шароитида инвестицияларни молиялаштиришнинг бозор механизмларини жорий этиш муаммолари: 08.00.07 – «Молия, пул муомаласи ва кредит». Иқтисод фанлари доктори илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертацияси. / ЎзР Банк-молия академияси . – Т.: 2007. – 235-б.) | Инвестицияларни молиялаштиришнинг бозор механизмларини жорий этиш.<br>Олим томонидан инвестицион фаолиятни қимматли қоғозлар бозори ва тижорат банклари орқали молиялаштириш механизмини такомиллаштириш ҳамда қимматли қоғозларнинг инвестицион жозибадорлиги таҳлилига қаратилган илмий-назарий ва илмий-услубий тадқиқотлар олиб борилган.<br>Ўзбекистон корхоналарининг инвестицион жозибадорлигини ошириш йўналишлари ва унга таъсир кўрсатувчи омиллар таҳлил этилган. | Миллий иқтисодиётни ривожлантиришнинг ҳозирги босқичидаги инвестицион сиёсатни такомиллаштириш борасидаги асосий муаммолардан бири – бу инвестиция нормасининг пасайиш суръатига эга эканлиги ҳисобланади.<br>Инвестицион фаолият ўзининг аниқ таснифлаш мезонларига ва йўналишларига эга бўлган фаолият ҳисобланиб, уни молиялаштиришнинг бозор механизмлари мажмуига қуйидагилар киради:<br>– қимматли қоғозлар бозори;<br>– чет эл инвестициялари;<br>– тижорат банкларининг ва халқаро молия институтларининг маблағларидан улуш қўшиш орқали ёки кредит линиялари орқали молиялаштириш;<br>– синдициялаштирилган кредитлар;<br>– инвестицияларни: лойиҳавий;<br>– венчурли;<br>– корпоратив;<br>– лизинг муносабатлари орқали молиялаштириш механизмлари. |
| 2. | Ф.Ў.Додиев (Додиев Ф.Ў. Инвестицион фаолиятни молиявий рағбатлантириш: 08.00.07.: Иқтисод фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертацияси. / ЎзР Банк-молия академияси. – Т.: 1998. – 128-б.) | Инвестицион фаолиятни молиявий рағбатлантириш. Олим ушбу йўналишда асосий эътиборни инвестицион фаолиятни бюджетдан ташқари молиялаштириш, шунингдек, солиқ сиёсати орқали инвестицион фаолиятни рағбатлантириш ва фоиз сиёсатининг инвестицион фаолиятга таъсирини тадқиқ этган. | Инвестиция деганда тадбиркорлик фаолияти ва бошқа турдаги фаолият объектларига келгусида фойда (даромад) олиш ёки ижтимоий самарага эришиш мақсадида инвесторлар қўядиган барча турдаги мулкий, молиявий ва интеллектуал бойликлар тушунилади.<br>Инвестицион жараён тадбиркорлик ва бошқа фаолият турларини ташкил этиш учун молк-мулкларнинг капиталлашувини таъминлаш мақсадида инвесторларнинг ресурсларни жамғариш ва уларни турли шаклда қўйиш билан боғлиқ ҳаракатлари йиғиндисидир. |
| 3. | Н.Р.Кузиева (Кузиева Н.Р. Хорижий инвестициялар ишти- | Хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар фаолиятини | Давлат, юридик ва жисмоний шахсларнинг даромад олиш ва бошқа ижобий самарадорликка эришиш мақсадида мам- |

| № | Муаллифлар | Тадқиқот йўналиши | Асосий илмий натижаларнинг қисқача мазмуни |
|---|---|---|---|
| | рокидаги корхоналар фаолиятини рағбатлантиришнинг молия-кредит механизмини такомиллаштириш йўналишлари. 08.00.07.: Иқтисод фанлари доктори илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертацияси. / ЎзР Банк-молия академияси. – Т.: 2008. – 293-б.) | рағбатлантиришнинг молия-кредит механизмини такомиллаштириш йўналишлари.<br>Олимнинг тадқиқот марказида хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар фаолиятини рағбатлантиришда солиқ ва кредит механизмларини такомиллаштириш масаласи турган. | лакат ичкарисида ва ташқарисида янги корхоналар ташкил этиш, фаолият кўрсатаётган корхонларни кенгайтириш, қайта таъмирлаш ва техник жиҳатдан қайта қуроллантириш, кўчмас мулк, акциялар, облигациялар ва бошқа қимматли қоғозлар ҳамда активларни сотиб олишга йўналтирилаётган молиявий маблағлари, мулкий ва интеллекутуал бойликларга инвестициялар дейилади. |
| 4. | Б.Ш.Муминов (Муминов Б.Ш. Ўзбекистон иқтисодиётида марказлашган инвестицияларнинг самарадорлигини ошириш йўллари. 08.00.07.: Иқтисод фанлари номзоди диссертацияси./ЎзР Банк-молия академияси. – Т.: 2012. – 135-б.) | Ўзбекистон иқтисодиётида марказлашган инвестицияларнинг самарадорлигини ошириш. Ушбу йўналишда олим асосий урғуни марказлашган инвестицияларни самарадорлигини оширишдаги муаммолар ва уларни бартараф этиш билан боғлиқ илмий-амалий тавсияларни ишлаб чиқишга, шунингдек, марказлашган инвестицияларни жалб этишнинг ҳуқуқий-институционал асосларини, уларнинг самарадорлигини баҳолашга қаратган. | Марказлашган инвестициялар ҳисобидан лойиҳаларни молиялаштириш самарадорлигини ошириш мақсадида қуйидагиларни таклиф этади:<br>– тижорат тузилмаларининг кафолатга бўлган талабини таъминлаш мақсадида кафолат-гаров жамғармалари тизимини шакллантириш;<br>– аҳоли бўш пул маблағларини инвестицион жараёнларга жалб қилиш мақсадида қимматли қоғозлар бозорини янада ривожлантириш, турли қимматли қоғозларни муомалага чиқариш;<br>– ишлаб чиқаришни тузилмавий-технологик қайта қуришни жадаллаштириш мақсадида марказлашган кредит ресурсларнинг бир қисмини тез қоплайдиган инвестицион лойиҳаларни молиялаштиришга қаратиш, шу жумладан, кичик бизнес объектларига йўналтириш;<br>– инвестицион лойиҳаларни молиялаштиришнинг нокредит усулларидан бўлган лизинг, франчайзинг, факторинг кабилардан фойдаланишни кенгайтириш;<br>– инвестицион лойиҳаларни сифатини ошириш, лойиҳаларни капитал қўйилмалар самарадорлиги талабларига мос келиши мақсадида тижорат асосида доимий равишда фаолият юритадиган инвестицион лойиҳалар кўргазмасини ташкил этиш. |
| 5. | Д.Ғ.Ғозибеков (Ғозибеков Д.Ғ. Инвестицияларни молиялаш- | Инвестицияларни молиялаштириш муаммолари. | Агар мамлакат ичида жамғариш инвестициялардан кўп бўлса, унда бу мамлакатда экспорт импорт ҳажмидан кўпроқ |

| № | Муаллифлар | Тадқиқот йўналиши | Асосий илмий натижаларнинг қисқача мазмуни |
|---|---|---|---|
| | тириш муаммолари. Иқтисод фанлари доктори илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертацияси. – Т.: 2002.) | | бўлади. Агар аксинча бўлса, бундай мамлакатнинг экспорт ҳажми унинг импортидан кам бўлади. Ўз имкониятларига қараганда ортиқроқ истеъмол қилувчи мамлакат ташқаридан, четдан жалб қилинадиган инвестициялар ҳисобига ўз экспортининг импортдан ортиқ бўлишига интилади. Бундай ҳолда жалб қилинган инвестициялар кредит тусини олади.<br>Хорижий инвестициялар капитални қулайроқ қилиб жойлаштириш ҳамда у эгасига қайтиб келгунга қадар нисбатан узоқ муддат давомида ундан фойда кўриш мақсадида экспорт қилувчи мамлакатларнинг капитал қабул қилувчи мамлакатлар реал ва молиявий активларига қўйилишини билдирган ҳолда, бир иқтисодиётдан иккинчисига капитал оқимини кўрсатади. |
| 6. | Ш.Р.Ражаббаев (Ражаббаев Ш.Р. Ўзбекистон валюта сиёсатининг хорижий инвестицияларни жалб этишга таъсири. 08.00.007 – «Молия, пул муомаласи ва кредит» ихтисослиги бўйича иқтисод фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертацияси. / ЎзР. Банк-молия академияси. – Т.: 2008.) | Ўзбекистон валюта сиёсатининг хорижий инвестицияларни жалб этишга таъсири.<br>Тадқиқотда олим томонидан урғу қаратилган жиҳатлар: хорижий инвестицияларни жалб этишда валюта сиёсатининг таъсири таҳлил этилган ва инвестицияларни жалб қилиш механизмини такомиллаштиришга қаратилган илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқилган.<br>Шунингдек, олим хорижий инвестицияларнинг кириб келиши ва мамлакатда фаолият юритишини таъминлайдиган қонунчилик асосларини ва мустақиллик йилларида инвестицион фаолликда юз берган ўзгаришларни таҳлил этган. | Хорижий инвесторнинг эътиборини жалб қилиш учун чет эл инвестицияларининг эҳтимоли бўлган оқимлари билан боғлиқ жами масалаларни ҳисобга оладиган, замонавий, рағбатлантирувчи қонун ҳужжатларидан ташқари, олиб борилаётган молия сиёсатини такомиллаштириш ва миллий валюта мавқеини мустаҳкамлаш зарур.<br>Мамлакат иқтисодиётига йўналтирилаётган инвестицияга таъсир этувчи асосий омиллардан бири республикада амалга оширилаётган валюта сиёсати ҳисобланади.<br>Хорижий инвестициялар оқимидаги ўзгаришлар устун даражада валюта бозоридаги ислоҳотлар билан боғлиқ. Қулай инвестицион муҳит ёмонлашуви билан хорижий инвестициялар мамлакатдан чиқиб кетиб, умумий инвестицияларда давлат ҳиссаси ортиб кетади. |
| 7. | М.А.Раимжанова (Раимжанова М.А. Ўзбекистонда эркин иқтисодий ҳудудларга инвес- | Ўзбекистонда эркин иқтисодий ҳудудларга инвестицияларни жалб қилишни фаоллаштириш. Ушбу | Олимнинг фикрига кўра, мамлакат ҳудудида махсус иқтисодий режим ва маъмурий бошқарувга эга бўлган, давлат аралашуви камайтирилган ва айни вақтда унинг назоратидан |

| № | Муаллифлар | Тадқиқот йўналиши | Асосий илмий натижаларнинг қисқача мазмуни |
|---|---|---|---|
| | тицияларни жалб қилишни фаоллаштириш. 08.00.07 – Молия, пул муомаласи ва кредит ихтисослиги бўйича иқтисод фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертацияси. /ТМА. – Т.: 2012.) | йўналиш бўйича олим куйидаги тадқиқотларни олиб борган: жаҳон амалиётидан келиб чиқиб, ЭИҲларда самарали инвестицион фаолият юритиш тизими бўйича шарт-шаротилар ўрганилган; Ўзбекистонда ЭИҲларга хорижий инвестициялар жалб қилишни рағбатлантиришга қаратилган илмий тавсиялар ишлаб чиқилган. | буткул озод этилмаган, балки хўжалик юритувчи субъектлар фаолият юритиши учун мамлакатнинг бошқа ҳудудларида амал қилмайдиган имтиёз ва рағбатлантиришлар бериладиган ҳудуд – ЭИҲ деб тушинилади.<br>Ўзбекистонда ЯИМ ва экспорт ҳажми билан ТТХИ ўртасида тўғридан-тўғри пропорционал боғланиш борлигини эконометрик таҳлиллар орқали изоҳлаган ва иқтисодий моделларни ишлаб чиққан. |
| 8. | М.Х.Элмуродов (Элмуродов М.Х. Бозор иқтисодиёти шароитида инвестицион фаолият ва уни кредит билан таъминлаш масалалари. 08.00.07 – Молия, пул муомаласи ва кредит ихтисослиги бўйича иқтисод фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертацияси./ТМИ. – Т.: 2001.) | Бозор иқтисодиёти шароитида инвестицион фаолият ва уни кредит билан таъминлаш масалалари.<br>Инвестицион фаолият ва уни кредит билан таъминлаш орқали фаоллаштириш механизми илмий жиҳатдан таҳлил этилган. Инвестицион фаолият самарадорлигини баҳолашнинг омилли кўрсаткичлари ишлаб чиқилган. Тадқиқотда анкета-сўровномаси орқали ҳудудлар кесимида инвестицион жозибадорлик рейтинг кўрсаткичи орқали аниқлаган. | Инвестор инвестицияни амалга ошираётганда кредит маблағларидан турли мақсадларда фойдаланади, яъни у қисқа муддатда аниқ, жорий заруриятлар учун ва айланма маблағларни тўлдиришда, ўрта муддатда эса маҳсулотнинг янги турлари ва технологик жараёнларни ўзлаштириш билан боғлиқ бўлган ўзини-ўзи тез қоплайдиган ва юқори самарали тадбирлар учун, узоқ муддатда эса, асосан қурилиш, иншоотларни техник қайта жиҳозлаш ва қайта тиклаш каби қатор инвестицион мақсадларда фойдаланади. Хусусий ҳол учун инвестицион иқлимга ижобий таъсир этувчи омиллар: иқтисодий ҳолат, социал иқтисодий барқарорлик; тадбиркорликнинг ривожланганлик даражаси; фаолият кўрсатишга қулай қонун ва қоидалар; маданият ва маънавият; инвесторларнинг қизиқиши. Инвестицион иқлимга салбий таъсир кўрсатувчи омиллар: иқтисодий ва сиёсий нобарқарорлик; солиқ тизимининг тўғри йўлга қўйилмагани; инфраструктуранинг ривожланмагани; суғурта қилиш механизмидаги камчиликлар; инвестицион лойиҳалар учун аниқ маълумотларнинг йўқлиги; қимматли қоғозлар бозорининг ривожланмагани. |
| 9. | Д.Ҳ.Набиев (Набиев Д.Ҳ. Таълим соҳасидаги инвестицияларни молиялаштириш масалалари. 08.00.07 – Молия, пул муомаласи ва кредит ихтисослиги бўйича иқтисод фанлари номзоди илмий да- | Таълим соҳасидаги инвестицияларни молиялаштириш масалалари.<br>Ушбу номдаги диссертацияда олим инвестицияларнинг назарий асослари, Ўзбекистонда инвестиция муҳити ва миллий иқтисодиётда хорижий инвестицияларни жалб қилиш зару- | "Молиялаш" деганда, бор мулкни шакллантириш учун молиявий маблағларни ажратишни, "инвестициялаш" деганда эса ажратилган маблағлардан фойдаланишни ва ижобий натижа олишни тушуниш лозим бўлади.<br>Ўзбекистонда хорижий инвестициялар учун қулай инвестиция муҳитини яратиш бўйича изчил чора-тадбирлар кўрилмоқда. Уларнинг негизида иккита асосий омил |

| № | Муаллифлар | Тадқиқот йўналиши | Асосий илмий натижаларнинг қисқача мазмуни |
|---|---|---|---|
| | ражасини олиш учун ёзилган диссертацияси./ТДИУ. – Т.: 2005.) | рияти ва аҳамиятига тегишли бўлган тадқиқотларни олиб борган. | ётади:<br>– сиёсий ва иқтисодий барқарорлик;<br>– инфляция жараёнларини тартибга солиш ва миллий валюта – сўмнинг тўлов қобилиятини оширишга йўналтирилган макроиқтисодий сиёсат.<br>Инвестиция муҳити – катта ва кенг тушунча бўлиб, у мамлакатдаги бозор ислоҳотларининг етуклик даражаси, халқаро жамиятлар ва мулкдорлик ҳуқуқининг қатъийлиги ва мамлакатдаги умумсиёсий ва иқтисодий ҳолатга баҳо берувчи мезон ҳисобланади. Инвестор ўз капиталини бирон-бир давлатга йўналтиришдан олдин, шу мамлакатнинг инвестиция муҳитини эътиборга олади: сиёсий ва иқтисодий ҳолатни, социал-иқтисодий барқарорликни, тадбиркорлик фаолияти қай даражада ривожланганини, уларнинг самарали фаолият кўрсатишлари учун қабул қилинган қонун ва қоидаларни, маданиятни, маънавиятни ва инвесторлар ўз маблағларини йўналтириш учун эътиборга оладиган ва улардан хулоса чиқарадиган бошқа фаолият (риск)ларни. |
| 10. | С.А.Нуриддинов (Нуриддинов С.А. Ўзбекистон иқтисодиётининг нодавлат секторида инвестицияларни молиялаш. 08.00.07 – Молия, пул муомаласи ва кредит ихтисослиги бўйича иқтисод фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертацияси./ ТМИ. – Т.: 2000.) | Ўзбекистон иқтисодиётининг нодавлат секторида инвестицияларни молиялаш. Ушбу номдаги тадқиқотда олим пул оқими ва инвестицияларни молиялашнинг бозор механизми, инвестиция жараёнида ўз-ўзини молиялаш ва инвестицияларнинг самарадорлигини аниқлашга доир таҳлилларни амалга оширган. | Инвестициялар самарадорлигини баҳолашга миллий иқтисодиётдаги тегишли тармоқларнинг ялпи ички маҳсулотдаги солиштирма ҳиссасини ҳисобга олган ҳолда қараш лозим. Инвестициянинг умумий самарадорлиги фақат айрим секторларнинг ички структураси бўйича эмас, шу билан бирга, бу секторнинг макроиқтисодий қайта яратиш (такрор ишлаб чиқариш) жараёнидаги солиштирма ҳиссаси бўйича ҳам баҳоланмоғи керак. |
| 11. | С.Р.Умаров (Умаров С.Р. Қишлоқ хўжалигига инвестицияларни жалб этиш ва улардан самарали фойдаланиш. 08.00.04 – Агросаноат мажмуи иқтисодиёти ихтисослиги бўйича иқтисод фанлари | Қишлоқ хўжалигига инвестицияларни жалб этиш ва улардан самарали фойдаланиш.<br>Мазкур мавзу доирасида олим инвестицияларни иқтисодий баҳолашнинг услубий асослари, қишлоқ хўжалигида инвестиция фаолиятини мо- | Қишлоқ хўжалигида чет эл инвестициясининг барча шаклларини фаол жалб қилишда истиқболда қуйидаги тадбирларни амалга ошириш мақсадга мувофиқдир:<br>– инвестициялашга таъсир этувчи омилларни мувофиқлаштирган ҳолда қулай инвестицион муҳитни яратиш;<br>гуруҳланган омиллар натижасида барча микробосқичларда хорижий инвестицияларни жалб этиш бўйича рейтинг кўр- |

| № | Муаллифлар | Тадқиқот йўналиши | Асосий илмий натижаларнинг қисқача мазмуни |
|---|---|---|---|
